

АЛЕКСАНДР УДАЛОВ

---

# МУҲАББАТ МАНГУ



РОМАН

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САҲЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1975

Носир Содиқов  
таржимаси

Удалов А.

Муҳаббат мангу. Роман. [Н. Содиқов таржимаси]. Т.,  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.  
344... б.

А. Удаловнинг «Муҳаббат мангу» деган янги романида китобхон яна Қурбон, Тозагул, Надежда Малясова каби қаҳрамонлар билан учрашади. Китобхон бу қаҳрамонлар билан ёзувчининг бир неча йил муқаддам ўзбек тилида чоп этилган «Сабр қосаси» романини ўқиганида танишиб, уларни севиб қолган эди.

Асарда тўфонли 1920 йил воқеалари тасвирланган. Халқлар дўстлиги, бурчга садоқат туйғуси қаҳрамонларга курашда ғалаба қозонишга ёрдам беради.

Романда инсон тақдири халқ тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда акс эттирилган.

Удалов А. *Любовь остаётся жить*. Роман.

P2

70302—191

У                      154—75

352(06)—75

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975 й,  
(тарж.)

Қуруқликни қисиб келар уммонлар,  
Бўронлар осмонни ёй каби эгар,  
Йўқолар оламнинг подшоликлари,  
Аммо яшаяжак муҳаббат мангу.

Сергей Островский ...

Эсингдами, ўртоқ..

(Қўшиқдан)





# БИРИНЧИ ҚИСМ

## НОМСИЗ ҚЎРҒОН ЕНИДА

### 1

Йигирманчи асрнинг йигирманчи баҳори кечикиб келмоқда эди.

Даҳшатли ҳодисалар рўй бермоқда, худди тоғдаги селдай ҳайқириб, қуюндай ёпирилиб келмоқда, бироқ баҳордан ҳамон дарак йўқ эди.

Еру кўк, одамлар ва жониворлар — ҳаммаси билардики, бу серқуёш ўлкани — Тошкентни ва шаҳар ёнбошидаги Номсиз қўрғонни баҳор яхши кўради; бу ўлкага баҳор, худди уйини соғинган бекадек, ҳар дам шошибпишиб келади. Лекин шодиёна хандон отиб, ўз вақтида келган пайтларда, бутун борлиқни ўз саховатидан баҳраманд қиларди: ерга — ранго-ранг гуллардан пояндоз тўшаб, осмонни — олтин ва фируза рангларга безаб ташларди, қушларга — муҳаббат ва қўшиқ улашар, одамларга — ташвиш билан бирга умид бағишларди.

Эҳтимол, чиндан ҳам баҳор Осиёни севиб қолгандир, балки шунинг учун ҳам кўпинча у кутилмаганда, қишнинг қоқ ўрталарида, тўсатдан бу ўлкада ўзини намоён қилар... Шундай кезларда — ўз фаслида баҳор келишига ўрганиб қувониб юрганлар — эндиликда ҳушёр тортиб, ўйланиб қолишарди.

— Баҳор ватанини қўмсайди, соғинади,— дерди Надежда Сергеевна Малясова.— Нима қилсин ахир? Ватани эса, шу ерда.

Тўсатдан кириб келувчи баҳорнинг сирди жамолини кўришга одамлар нечоғлик муштоқ бўлмасин, доно табиат эса асло шошилмасди, чунки қиш қайтиб келишини у биларди.

Лекин ҳар нарсага ишонувчи баъзи бир лақмалар ҳам йўқ эмасди: масалан, девор олдидаги кунгай жойларда ўсган бодом ва эртаги ўрик бемаҳал гулга кирарди, бинафшалар эса, чириган бултурги хазонлар орасидан бош кўтариб, кўм-кўк нилдай кўзлари ила мўралаб, ҳайратомиз оламга боқишарди. Бемаҳал пайдо бўлган меҳмон — баҳор эса, худди шунн кутиб тургандай, ёмғирли ва қоронғи тунлардан бирида тўсатдан ғойиб бўларди; бодом билан ўрик бир кечада тамомий гуллари-дан айрилар, яна совуқдан дийдирашиб, алданганлари учун қайғуришиб, турган жойларида мунғайиб қолишар эди.

Бу йилги қишда ҳам худди шундай бўлди. Январда офтоб чарақлаб турди, осмон ҳам баҳоргидай кўм-кўк, на қор ва на ёмғир ёғди. Ҳавода уймалашган оппоқ мезонлар ва қамишзордан кетма-кет учиб келаётган сарғиш попуқлар Номсиз қўрғон устида айланиб юрди.

Бир кун Башорат отасининг темирчилик устахонасига кириб келди-да:

— Қаранг, дада, сизга нима олиб келдим,— деди.

— Қани, қани, Башорат, хўш, менга нима олиб келдинг, қизим, — қувноқ оҳангда сўради кўра олдида турган Қурбон ишдан кўзини узмай.

— Қаранг,— яна такрорлади қиз. Башорат қўлидаги қалин сопол косани сандон устига қўйди-да, қўлларини орқасига қилиб, яна тоқатсизлик билан:— Мана... Иссиғида тезроқ еб олинг,— деб қистади.

Қурбон елка оша бир қараб қўйди-да, қўлидаги омбурни кўрага яқинроқ жойга итқитиб ўгирилди.

— Чучварами?! Нима билан қилдинглар буни? Дуо биланми?— илжайиб қизига қаради Қурбон.

— Шафтоли гули билан,— деди Башорат тантанали овоз билан.— Арпа унидан қилдик.

Қурбоннинг чеҳраси тундлашди.

— Шафтоли гули билан... — деди гудраниб.

— Нима, ширии бўлмаптимми?

— Ширинликка ширинку-я, қизим...

— Хўш, бўлмаса нимага хафа бўляпсиз?

— Дарахтлар ҳозирча гулламай тура туриши лозим эди. Мана шуни ўйлаяпман, қизим. Ҳар бир ишнинг ўз мавриди бор. Лекин бизнинг шафтолимиз билан ўригимиз буни ҳеч қачон тушунмайди. Ҳеч қачон. Биз энди тағин шафтолисиз, ўриксиз қоладиган бўлдик.

Темирчи биларди: табиатнинг ҳақиқий бекаси — баҳор келганда аввал у Номсиз қўрғонда ўз жамолини кўрсатади ва соат сайин у ерни ям-яшил майса билан безаб, сал кунда бутунлай ўзгартириб юборади. Кейин Қурбоннинг ҳовлисига кириб келади баҳор, ёшгина олча дарахтини оппоқ ипак либос билан безайди, кекса толга бошдан-оёқ яшил тўн кийдиради. Бу иккала дарахт ҳовлига жудаям ярашган: бири — бахтиёр келину, иккинчиси — хурсандликдан талтайиб кетган совчи хотин.

«Ҳа... келин... Мана, Башоратнинг ҳам бўйи етиб қолди, келин деса дегудай, фақат... куёв қани?.. А?.. Қаерда? Совчилар қани?.. Э-э... Бир ками тўй қолувдими ҳозирги вақтда?..»

Кўклам кечикканди. Қўрғон атрофидаги қамишларни кечаю кундуз тинмай шитирлатадиган каж-бахс шамоллари билан бирга март ойи ҳам тугай деб, илиқ ва ёқимли апрель аллақачон эшик қоқётган бўлса-да, ҳамон кўкламдан дарак йўқ эди.

«Афтидан, баҳор ҳам очликдан заифлашганга ўхшайди, — деб қўйди ўзича Қурбон маъюслик билан мийигида кулиб. — Аллақаерларда адашиб юрган бўлса керак. Нима бало, фронтлардан ошолмаяптимикиан соҳибжамол?»

Темирчи ҳар куни неча марта қўрғон томонга қараб қўярди, лекин у ҳамон илгаригидек маъюс, бефайз бўзариб турар, барқ уриб кўкаришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Март ойининг охириги кунларидан бирида кечга яқин Қурбон одатдагидек устахонадаги сандон олдида турар ва кўкмитир товланиб, темир ҳиди таратаётган янги кетмон юзини болгача билан термоқда эди. Кетмон тайёр эди, бироқ темирчи буни пайқамай хаёл обқочиб ҳамон болгача билан урар, ҳеч тўхтамасди.

Нима, унинг хаёл суриб ўйлайдиган нарсаси йўқ дейсизми? А?.. Қани, айтнинг-чи, одамлар! Лоақал сен айтчи, жонажон ҳамшира. Ёки сен айт, Худойқул. Ўғлим ҳозир қаерда?.. Тирикми ёки?.. Мана, беш ойдирки, ундан ҳеч қандай хабар йўқ. Беш ой — айтишга осон! Шу алпозда бир йил ҳам ўтиши мумкин, лекин ундан дарак бўлмас балки. Ҳамон жанг қилаётганмикин?.. А?.. Майли, жанг қилсин, Рустам йигит киши, темирчи Қурбоннинг ўгли. Унинг жойи ўша ёқда... Лекин у ёқлар қанақа экан?.. Тоғлар ёки даштлармикин-а? Балки бепоён қум-

ли саҳродир?.. Эҳтимол, у ерда ҳам биздагидек мингларча чақирим чўзилган ўтиб бўлмас қамишзорлар бордир. Бизда теварак-атрофни ўраб олган қамишзорлар камида юз чақирим келади, у ёқда эса... Бироқ бу қамишзорларни ким ўлчабди дейсиз? Ҳар қалай бу ерда ҳам қамишзорнинг поёни йўқ... Уйноқи отингга минволиб йўл босаверасан, босаверасан, бир пайт Тошкентга кириб борасан ё бўлмаса Янги саройга, ённки Ёркентга сингилжонинг Нодиранинг, қадрдон Недельканинг олдига борасан. Дворянинов билан Козирев Надеждани шундай деб аташарди. Йўлнинг икки чети бора-боргунча қамишзор. Қамишлар бамисоли жонсиз девор, миқ этмай тураверади. Баъзан безрайган кўкиш деворни кўриб одам довдираб қолади, ваҳима босади... Бир ҳисобда темирчи нимадан ҳам чўчирди дерсиз?! Қамишзорда туғилиб, бутун умри қамишзорда ўтган. Ҳа, шундай, умри қамишзорда ўтди. Отаси Аҳмад Шомансуров қирқ икки ёшида оламдан ўтди, лаънати безгак адоий тамом қилди. Лекин Қурбон бу йил баҳор келса, қирқ бирга киради. Баҳор келса?.. Айтгандай, баҳорда туғилганмикин-а? Балки куздадир?.. Йўқ, баҳорда ҳам, кузда ҳам эмас. Бир куни отаси Қурбонга, сен Бобоҳўжа табибнинг полизида ҳандалак пишган кезлари туғилгансан, дегани ҳали-ҳали ёдида. Отаси ўша пайтларда ана шу шайтон табибникида чоракор бўлиб ишларди, лекин «кўрмоқ бору — емоқ йўқ» дегандек, ҳандалакка зор эди. Табиб ҳар куни эрталаб ва кечқурун пайкал оралаб, пишган ҳандалакларни санаб қўярди. Лекин шундай бўлса-да, Қурбон туғилганда отаси бир иложини топиб хотинига ҳандалак келтириб берган ва уни хурсанд қилган экан. Бир дона ҳандалакни ўғирлаб пайкалнинг бир четига, табиб кўрмайдиган қилиб, палак орасига яшириб қўйганди. Шундай қувончли кунда чоракорнинг хотини Тозагул учун ҳандалак ҳазилакам совға эмас, албатта. Шўрлик Тозагул эридан нияям кўрди?.. Тозагул, гулим-юлдузим... Ўша пайтларда Қурбон хотинини кўпинча шундай деб атарди. Энди-чи? Энди бу сўз ҳатто эсидан ҳам чиқиб кетди. Хўш, қувончли кунда унга нима совға қилди?.. Рустам туғилганида суюнчисига нима берди?.. Тозагулнинг отаси Юнус ака ҳам ўшанда азбаройи суюнганидан довдираб қолганди. Нимасини айтасиз! Набира кўриш ҳазилакам гап эмас. Ўзням паҳлавондек! Боши юм-юмалоқ, чаккаларидаги сочлари қоп-қора...

Қаердайкин ҳозир ана шу паҳлавон... Юнус ака ўшанда қизига кумуш узук билан бир жуфт калиш ҳадя қилганди. Қурбон-чи?.. Ҳа-я, бутунлай эсидан чиқаёзипти: ўшанда олти газ атласни хотинининг ёстиғи тагига қўйганди. Қўйишга қўйдию, лекин кейин сабри чидамай яна олди-да, камалакдек товланган атласни Тозагулга ёйиб кўрсатди. Эҳтимол, Қурбоннинг ҳаётида энг қувончли дақиқа фақат ўша дақиқа бўлса ҳам ажаб эмас, чунки Тозагулнинг ўша порлоқ кўзларини, ўша бахтиёр чеҳрасини ўшандан бери сира кўрганим йўқ...

— Нима қиялпсиз, дадаси?!— дея пичирлади Тозагул.

— Нима бўпти?

— Ахир бу, хонларга муносиб совға-ку!

— Хондан қаеримиз кам? Хонзодалардек кийиб юравер.

Тозагул анча вақтгача ўзини қўярга жой тополмай, деярли бир йилгача шу совға ҳақида гапириб юрди-ю, лекин атласни тикмади.

— Бўйдоқлик кезларингизда, биласизми, дадаси, одамлар сизнинг тўғрингизда нималар дейишарди?— сўраб қолди бир куни Тозагул.

— Биламан. Пишиқ, хасис, эиқна дейишарди.

— Мана кўрдингизми, одамлар ҳам янглишар экан.

— Улар янглишмаган. Мен қалин мол учун пул тўпламоқчи эдим. Шунинг учун хасислик қилганман. Гапнинг тўғриси ҳам шу.

Бу гаплар худди кечагина бўлиб ўтгандек... Балки бир ҳафтагина холос... Лекин ҳаш-паш дегунча умрнинг ярми ўтиб кетибди. Сал кам йигирма йил-а! Чиндан ҳам жуда қизиқ: ўйлаб қарасанг, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ҳеч нарса кўрмагандек, мана ҳозир ўғилча ҳам устахонага югуриб кириб келадигандек... Агар ҳаммасини бир бошдан ўйлаб, икир-чикиригача эслай бошласанг, ўтган умр бирам узун туюладики, худди гўр ёқасига бориб қолгандек бўласан. Яқиндагина Варламов, Дворянинов ва Деҳқонбой шу устахонага тўпланиб: оқ подшоҳдан, шунингдек сариқ калхат билан Абдулхай бўлисдан, додхоҳ билан губернатордан қандай қилиб қутулиш тўғрисида бош қотириб ўтиришганди...

Тўсатдан, ярим кечада қаердандир бир тўда кишилар келиб қолишди. Қурбон бирданига кириб келган шунча азиз меҳмонларни кўриб азбаройи суюнганидан нима

қиларини билмай довдираб қолди, ҳатто... Кузьма Захарич билан ўша аёл — афсонавий қақнис, семурғ, Надежда Сергеевна Малясова. Улар билан бирга — Деҳқонбой, Дворянинов, Козирев, Неделька... Тагин ҳаммаси битта файтун аравада келганини айтмайсизми...

«Арава рессорлари шунча одамни қандай кўтардийкин?!» — ўзинча ҳайрон бўлди Қурбон. Бундай пайтда Нодирани кўриб севиниши, ҳол-авҳол сўраши, қандай қилиб яна бу ерга — Осиёга, Тошкентга келиб қолганини билиши керак эди, одатга кўра уларни нону чой билан меҳмон қилиш зарур эди, қаёқда дейсиз — ҳаммаси шошилиб, уни ҳам «бўлчи-бўл» деб қистаб тўс-тўполон қилиб юборишди. Тезроқ аравага чиқ, вассалом.

— Мен қаерда ўтираман ахир?! — эътироз билди-моқчи бўлди Қурбон. — Рессорлар кўтаролмайди, синади ахир. Менсиз ҳам кўпчиликсиз-ку.

— Йўқ, озчиликмиз, — деди тўсатдан қатъий равишда Кузьма Захарич. Қурбон ана шу сўзни, негадир, бутун умрга ёдида сақлаб қолди.

Йўл-йўлакай ҳамма гапни билиб олди Қурбон. Қувончдан ҳаяжонланган, худди ёш болалардек бетоқат Козирев ўпкасини тўлдириб:

— Менга қара, Қурбон! — деди.

— Хўш?

— Ахийри бошланди!

— Нима бошланди?

— Ия... ҳалиям тушунмадингми?..

— Йўқ.

— Ер ларзага келди.

Қурбон ўйланиб қолди.

— Ҳеч нимага тушунмаяпман. Аниқроқ гапирсанг-чи ахир!

Ҳаммаси ҳам воқеа нималигини гапиришга шошиларди, лекин кимдир биринчи бўлиб айтди. Эҳтимол, ҳаммаси барабар айтгандир, лекин унинг эсида йўқ. У тамоман гангиб, гаранг бўлиб қолганди: Инқилоб! Инқилоб! Петроградда, Москвада, Тошкентда инқилоб!

Қурбон бутунлай ўзини йўқотган, ёнидагиларнинг гапини эшитиш у ёқда турсин, ҳатто араванинг тақир-туқурини ҳам сезмас. Улуғвор бир сўз ич-ичида тانتанали садо билан жаранглаб янграр, унинг садоси бутун қалбини, вужудини қамраб олганди. Бир лаҳза у ўзини гўё гатиллаётган карнайдек ҳис қилди. Жиннига ўхшаб

бақириб юбормаслик учун тишини тишига маҳкам бо-  
сиб олди, худди безгаги хуруж қилган кишидек, иккала  
қўли билан тизгинга тармашди-ю индамай қолди. Жил-  
ла бўлмаса қаёққа кетаётганларини сўраса, лоақал, би-  
рон нарса деса маъқул бўлармиди балки, лекин оғзини  
очолмади.

— Нима, хурсанд эмасмисан?— деб сўради Ко-  
зирев ва шу заҳотиёқ ерга учиб тушди.

Арава тўхтади. Қоронғида кимдир Козиревга таш-  
ланди, яна кимдир жаҳл билан Қурбоннинг елкасидан  
ушлади.

— Эсингни едингми?

Қурбон ўгирилиб қаради. Зим-зиё ва совуқ кузги тун  
қаърида Деҳқонбойнинг қорамтир юзи унга боқиб ту-  
рарди.

— Сен нима, жинни бўлдингми?

Қурбон ҳамон оғзини очолмай, худди соқовга ўхшаб:  
«Ҳеч нарса» дегандек бошини қимирлатиб қўйди. Ана  
шундагина нима бўлганига ақли етиб, қўрқиб кетди  
Қурбон: ахир у темирчи эмасми, мушлари бамисоли  
гурзидек. Бир уришда ҳар қандай одамни ер тишлата-  
ди-я!..

Ҳартугул Козиревга ҳеч нима қилмабди. У аравага  
чиқиб, Қурбоннинг ёнига ўтирди-да, орада ҳеч нарса  
бўлмагандек сўради:

— Сенга нима бўлди ўзи?.. Оға, оға дейсану, ўзинг  
бўлсанг қулоқ-чаккамга қаратиб...

— Сира ўйламагандим... Қандай қилиб тушуриб  
қолганимни ўзим ҳам билолмайман,— деди ниҳоят  
Қурбон.

— Яхшиямки қоронғи,— ҳеч ким Қурбоннинг кўзига  
қарамади. Қувончли дақиқада ўзини бир кўрсатиб қўяй  
деган-да. Хушхабар учун Козиревга суюнчи берди, хо-  
лос. Козирев эса, ундан ўпкаламади ҳам, ўтган ишга  
салавот дегандай суҳбатни давом эттираверди.

Маълум бўлишича, улар Бош темир йўл мастерско-  
йига кетишгаётган экан, уерда Совет ҳокимиятини ҳимоя  
қилиш учун ишчилар отряди тузилаётган экан. Ўз ка-  
зармаларидан маҳкам ўрнашиб олган юнкерлар ҳамда  
Қазақлар слободаси ишчиларга тиш-тирноқлари билан  
қаршилиқ кўрсатишяпти! Тонг отиши билан улар яна  
хужумга ўтиш учун тайёргарлик кўришяпти. Шунинг  
учун ишчиларга ёрдам бериш зарур эди.

Деҳқонбой бу воқеаларни Тошкентга яқинлашиб қолишганда Қурбонга гапириб берди, у эса яна чурқ этмай ўтираверди.

— Нега индамайсан?— сўради Деҳқонбой.

— Шу ҳам ёрдам бўлдими... бор-йўғи олти киши?— деди Қурбон қовоғини солиб.

— Бу гапинг тўғри. Озмиз. Лекин бошқа жойлардан ҳам ҳали одамлар келади-да.

— Қайси жойлардан?

— Кауфман станциясидан келади... Пахта тозалаш заводидан... Эски шаҳар ҳунармандлари ҳам келади.

— Демак, жанг бўларкан-да?— сўради Қурбон.

— Ҳа, жанг бўлади,— жавоб қилди Деҳқонбой.

Шунда Қурбон, Рустамни ҳам ола келсам бўларкан, деб ўйланиб қолди-да:

— Ўғлимнинг айни жойи ҳозир шу ер. Ёнимда бўларди,— деди у овозини чиқариб.

— Ёши нечада?— сўради Деҳқонбой.

— Ун олтида бўлса керак.

— Ҳали ёш экан. Жанг қиладиган пайти ҳам келиб қолар.

Деҳқонбой ҳақ бўлиб чиқди: Вақт-соати келиб Рустам ҳам жўнаб кетди. Яна ким билан денг? Мадаминбекка қарши жанг қилиш учун комбриг Варламов билан жўнади. Надежда Сергеевна ҳам бирга бормоқчи бўлиб, эрига ялиниб йиғлади, лекин Петр Ильич бу ишда ҳам бир сўзлик қилиб қатъиян унамади. Чунки бригада бир ерда муқим турмаслигини, бўрилар галасини қувгандек доимо босмачилар кетидан қувиб юриш кераклигини у яхши биларди. Босмачилар эса бутун Фарғона водийсида изғиб, Андижон, Қўқон, Наманган атрофларида айланиб юришар, қишлоқларни босиб-талаб ваҳшийлик қилишарди, ажойиб боғ-роғларни, узумзорларни, ҳар бир деҳқон учун азиз бўлган, серҳосил ерларни ва ариқларда шилдираб оққан зилол сувларни отларига топтатишарди. Бундан бир йил аввал ҳеч ким танимаган Мадаминбек, Кўршермат, Муҳитдин, Холхўжа, Эргаш, Омон полвон, Раҳмонқул кўрбошилари ҳозир бутун Туркистон танийди. Улар бирон ерда ҳарбий жасорат, ёинки мардона қаҳрамонлик кўрсатиб шон-шуҳрат қозонганлари йўқ.

Улар Совет ҳокимиятига содиқ бўлган ўз ҳамқишлоқ деҳқонларини ит азобида қийнаб қатл этиш, қасос



олиш билан ном чиқаришди, ёш болаларни ва чиройли қиз-жувонларни ўғирлаб, мол-мулкларини талаб, одамларни қўрқитиб, юрагини олиб қўйишди. Бу золим ваҳший босмачиларга қарши халқда ғазаб ва нафрат кучайди; ҳалоскор қизил аскарларга нисбатан одамлар қалбида меҳру муҳаббат уйғонди.

Босмачи галаларига қарши бетартиб бўлса-да, узоқ вақт шиддатли жанглар олиб борилди. Улар гоҳо қизил аскар отрядлари таъқибидан усталик билан чап бериб қочиб қутулишарди, гоҳо эса сон-саноксиз галалар тўсатдан яна пайдо бўларди-да, «оллоҳ!», «оллоҳ!» дея бақириб-чақиринганча гафлатда қолган беш-ўнтагина қизил аскарлар устига ёпирилиб ҳужум қилишарди. Бу қизил аскарлар орасида Қурбоннинг ўғлидан ҳам ёшроқ йигитлар бор эди.

Бу шов-шув овозлар Номсиз қўрғонгача етиб келганди. Ваҳимада қолган Тозагул билан Қурбон туни билан кнприк қоқмай тонг оттиришар эди.

«Нега энди мен устахонада ўралишиб ўтирибман гафлат босиб?»— ўзига савол берди Қурбон жаҳли қистаб.

Бироқ кунлар ўтиб борар, ҳали ҳам ўғлидан ҳеч қандай хабар йўқ эди. Қурбон кимни ва нимани кутаётганини ўзи ҳам билмасди.

Уша куз кечаси Бош темир йўл мастерскойида, қўлнга милтиқ беришгандан сўнг унинг ҳаёти, гўёки югани ечиб олинган аргумоқдек, шаталоқ отиб кетди.

Энди ҳаёти ҳеч қандай тўсиқларни писанд қилмас, ҳаммасини бузиб-ёриб ям-яшил кенгликлар сари олгантларди...

Ҳаммасини эслаб бўлмайди, шу билан бирга унутиш ҳам мумкин эмас. Уша куни милтиқ олиш учун навбатда қандай турганини, аллакимларнинг кифти ва боши оша бўйинини чўзиб олдинга қараганини, милтиқ етмай қолармикан, деб қанчалик хавотир олганини унутиб бўлармиди... Навбат яқинлашган сайин тоқатсизланиб, юраги ҳаприқиб ваҳима босар эди.

Уша тиқилинчда навбатда турган одамлардан биронтаси Қурбоннинг қанчалик ҳаяжонланганини, юраги ҳовлиқиб, худди ёш боланинг юрагидай дукиллаб урганини асло сезмади, ҳаттоки олдида турган кишининг оёғини дам-бадам босаётган бўлса-да, бари бир у ҳам,

Қурбоннинг юраги тугён ураётганини пайқагани йўқ. Қурбон милтиқни қўлига олиб маҳкам ушлади, ўша заҳоти кўз олди туманлашиб кетди.

Ана шунда Козирев унинг орқасидан туртиб:

— Олдинроқ сурил. Уқларингни ол,— деди.

Қурбон чўнтаги бўлмагани учун ўқларни қаерга қўйишни билмай каловланиб қолди: этагини тутсамикин ё белбоғини ечсинми, ёки дўпписига солсинми?!

— Нега энди қоққан қозикдай анграйиб турибсан? Кафгингни оч!— деди ўқ улашаётган солдат.

Қурбон милтигини қўлтигига қистирди-да, кўмир билан темирдан қорайиб, пишиб кетган кафтларини тутди.

— Қўлларингга балли!— деди солдат мамнун бўлиб ва тўрт дона ўқни унинг кафтига соларкан.— Темирчиган мисан?

Қурбон жилмайганича бош силкиб қўйди.

— Темирчи бўлганинг учун мана бу ҳам сенга,— деди солдат яна бир дона ўқ қўшиб.— Қани, энди ўт.

Қурбон ана шу тўс-тўполон, шовқин-суронда бир чеккага чўнқайиб ўтирди-да, ўқларни эҳтиётлик билан белбоғ учига тугиб қўйди.

— Жуда маҳкамлаб тугмагин яна,— деди унинг ёнидан бир қадам ҳам нари силжимаган Козирев.— Уқлар ҳамма вақт солдатнинг қўлига яқин жойда, мана бу ўқдонда бўлиши керак. Сен ҳам шундай қил.

Шундан кейин Козирев бўш затворни шиқиллатиб очиб-ёпиб, Қурбонни отишга ўргата бошлади. Кун ёришай деганда Қурбон темир йўл ёқасидаги кўтарма орқасида соқчилик қилиб, Қазаклар слободаси томондан келаётган дупир-дупир товушни кутиб ётди.

Ўтган умрга мутлақо қиёс қилиб бўлмайдиган, тамоман бошқача, ажойиб ҳаёт бошланди. Бир замонлар Номсиз қўрғон ёнидан худди карвон сингари шовқин-суронсиз имиллаб ўтган вақт гўё мана шу Тошкентда гумбирлаб портлаб кетгандек, ҳозир жудаям тезлаб кетди. Қурбон бир воқеани иккинчисидан ажратиб улгуриш у ёқда турсин, хаёлини бир ерга тўплаёлмасди. Кечаю-кушдузи тўхтовсиз жанглар, митинглар, намойишлар— ҳаммаси битта гирдобга қўшилиб, гоҳ сени ҳам чарх уриб айлантирар, гоҳ бир оз нафасини ростлаб олсин, дегандек аста бўшатиб қўярди. Номсиз қўрғон, устахона, оила — буларнинг бари гўё ўтмишдек бир

чеккага суриб қўйилди. Аҳён-аҳёнда: «Уйдагиларнинг ҳоли нима кечдийкин?»— деган фикр хаёлига ялт этиб келиб қоларди. Ушанда юрагига бир зум ғулғула тушад-ю, лекин ундай хаёлларга эрк бермай, қалбида бундай ўй ва ташвишларга ўрин қолдирмасликка ҳаракат қиларди.

Фақат бир куни йўл-йўлакай бирров уйига кирди. Арпа нони билан қатиқ ичиб, бола-чақаси билан нари-бери сўрашган бўлди, у болалардан холироқ бирпас хотини билан ёлғиз қолишни истарди-ю, қани энди болалар буни тушунса. Аксига олгандек ёш боладан баттар атрофида ўралашиб, нуқул отасини сўроққа тутарди. Тозагул ҳайрон бўлди:

— Икки ой ичида буларга нима бўлди ўзи? На уятни билишади, на ҳайиқишни. Дадасини сўроққа тутишдан ҳам чўчишмайди-я,— деди эшиттириб.

Агар улар илгаригидек ёш, кичкина бўлганида-ку, Тозагул олдига солиб кўчага ҳайдарди-я, лекин болалари тушмагур катта бўлиб қолди, ундай қилиб бўлмас экан. Эҳтимол, ҳамма нарсага ақллари етгани учун ҳам кетгилари келмаётгандир... Қурбон кетма-кет ёғилаётган саволларга жавоб берар экан, ерга қараб қовоғини солиб олди. Лекин болалари бунга парво қилмай, икки оёқларини бир этикка тиқиб, Тошкентда нималар бўлаётганини айтиб беришини талаб қилардилар. Шундан кейин Қурбон билан Рустам устахона томон йўл олди. Рустам эса ўз маҳоратини отасига тезроқ кўрсатишга ошиқарди. У энди чап қўлидаги омбир билан чўғдай қизиб турган темир парчасини маҳкам ушлаб, ўнг қўлидаги болға билан бир маромда уриб, ҳеч ким назарига илмайдиган анчайин бир темирдан бежирим ва чиройли тақа ясай оларди. Қурбон ўғлининг ишидан хурсанд бўлиб, кўнгли тоғдай кўтарилди, лекин бирдан қўллари қичиб, болға билан омбирни маҳкам ушлаганича, қизиган темир ҳидидан мириқиб нафас олди-да, ишга киришиб кетди. Сўнгра болгани бирдан сандон ёнига қўйиб, ўғлига қаради:

— Қани кетдик,— деди.

Рустам ҳайрон бўлди:

— Қаёққа?

— Тошкентга, мен билан бирга жўнайсан. Ҳозир темирчидан кўра кўпроқ жангчи керак.

Лекин у янглишди. Ота-бола ўзларининг кул ранг

Ўйраға отларига мингашиб, шаҳарга кириб келишганда, Варламов Қурбонга шундай деди:

— Ўғлингни ҳам олиб келдингми? Ҳақиқатан сен, Қурбон Совет ҳокимиятига содиқсан. Катта раҳмат сенга. Фақат ҳозироқ изларингга қайтинглар.

— Қаёққа қайтамыз?

— Уйлариб. Темирчилик устахонангизга.

Қурбон ҳардамхаёллик билан белбоғидан носқовоғини олди.

— Сендан катта бир илтимосимиз бор, дўстим. Бир илож қилиб қутқармасанг сира бўлмайди,— дея гапида давом этди Варламов.— Икки юзтача отни тақалаш керак.

Қурбон Варламовга қараганича, носвой чекмоқчи бўлганини ҳам унутиб, анграйиб қолди.

— Бир иложини қил. Утиниб сўрайман,— деб яна такрорлади Варламов.— Икки юзта отни тақалаш керак. Бу Қизил Армия учун керак. Мен учун керак.

Қурбон ҳамон индамай турарди. У носвойдан отиб, носқовоғини белбоғига қистирди-да, миқ этмай туришимдан илтимосимни бажаришни хоҳламапти деган хаёлга бормасин, деб бирдан қўриқиб кетди.

— Эҳтимол, хизмат ҳақи тўғрисида иккиланаётгандирсан...

— Э-э... нима қиласан гапни кўпайтириб? Эрақ кишининг гапи битта бўлади!— Қурбоннинг аччиғи қистаб кетди. Оғзида носвойи бўлгани учун шу-шулаб қўшиб қўйди:— Гап бундай... Менда темир камроқ.

— Бу арзимаган нарса. Темир топамиз.

Қурбон ўша кунлари шундай қизишиб, завқ-шавқ билан ишладики, ҳатто йигитлик чоғида Тозагулга уйланиш учун пул йиғишга киришган пайтларида ҳам, оила қургандан кейин ҳам бундай ишламаганди. Икки юздан кўпроқ отни Рустам иккови йигирма икки кун деганда тақалаб бўлишди-я. Энг кейин тақаланган икки яшар саман ғунани ўғли миниб Фарғонага босмачилар билан жанг қилишга жўнаши эса, Қурбоннинг тушига ҳам кирмаганди. Олдинга Рустам кексароқ рус қизил аскар билан бирга тақаланган отларнинг охириги тўдасини топшириб келиш учун эгарланмаган ўша ғунанга миниб Тошкентга кетди. Эртасига ўша саманни миниб қайтиб келди. Лекин Қурбон ўғлини таниёлмади. У эшик олдида қаққайиб турганича, қорачадан кел-

ган, будёновка шапка кийган ёшгина қизил аскарнинг узундан-узун шинелига ўралиб, отдан аста тушаётганини томоша қиларди. «Афтидан, бу йигитча ҳали шинель кийишга ўрганмаган кўринади» — деган гапни хаёлидан ўтказди-да, Қурбон извошда ҳовлига кириб келган Варламов билан Малясова томон юрди. Темирчи улар билан ўзида йўқ даражада хурсанд бўлиб саломлашди. Надежда Сергеевнанинг айёрони кўз қисиб эрига маъноли қараб қўйганини сезса-да, ўзидан икки қадам нарида тўхтаган ўғлини ҳамон таниёлмай турарди. Қурбон бирдан қизил аскарга қаради-ю кўзларига нишонмай қолди. Ўғлим! Йўқ, ўғлим эмас. Ҳа, ўғлим! Ўғилгинам!

Янги кийимда Рустам таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетганди, янада қорайиб кетгандек, бўйи ҳам анча чўзилгандек кўринарди. Қурбон довдираб қолганидан анча вақтгача чурқ этолмай, гоҳ ўғлига, гоҳ Варламов билан Малясовага қараб қўярди. Ниҳоят, ҳамма нарсага тушунди, бироқ ўғлига, Варламовга нима дейишини билмасдан яна индамай қолди. Тозагул эса хурсанд бўлганидан қийқириб, чапак чалиб юборди. Бироқ ўғли билан хайрлашиш дами яқинлиги онанинг хаёлига ҳам келмасди, севинчини ичига сиғдиролмагани учунми — кўзларидан тинмай ёш оқарди. Ахир Тозагул ўғлининг бу қадар чиройли йигитлигини энди пайқаса, Варламовдек мўътабар одам дастурхон тепасида Рустам билан ёнма-ён ўтириб дам-бадам бағрига босса, Рустам шунга арзиса керак-да, тағинам суюнмасинми опаизор! Башоратни айтмайсизми?! (Кимга тортидийкина бу шумтака.) Сочи тақир қирилган Рустамнинг бошидан шлёмини юлиб олди-да, ўзи кийиб олди. Ҳатто Рустам отига минаётганида ҳам шлёмни қайтариб бергиси келмай, бир зумда кўздан ғойиб бўлиб, уй орқасидаги қамишзорга бекиниб ҳам кўрди, фақат دادаси бир неча бор жаҳл билан чақиргандан кейингина қамиш орасидан чиқиб шапкани акасига қайтариб берар экан, аразлагансимон:

— Биладан, урушга кетяпсиз. Мени ҳам олиб кетинг. Олиб кета қолинг, — деб ялинди.

Бу гапни қаердан эшитдийкин-а? Рустам Фарғона водийсига урушга кетяпти деб на Тозагулга, на Башоратга ҳеч ким айтган эмасди-ку...

Улар кетди, Рустам ҳам жўнади, уй ҳувиллаб, уста-

хона ҳам бефайз, бўм-бўш бўлиб қолди. Шунча кун зўр бериб ишлаганидан Қурбоннинг бели, елкалари қақшаб оғрий бошлади. Зора тузалсам, деб олдинига наматга чўзилди, кейин устахонага бориб, бўйра устига ётди. Лекин Тозагул дарров кўрпача билан ёстиқ олиб келди-да, эри ёнида тиз чўкиб меҳрибонлик билан деди:

— Суякларим зирқираб кетяпти дейсизу, тағин бўйрада ётишингиз нимаси?

Қурбон уч-тўрт кун шу алфозда устахонада жимжит йўлга кўз тикиб ётди. Ниҳоят, унинг оғриғи босилиб оёқ-қўллари дам олиб мадорга кирган куни тўсатдан Ореховодан Неделька келиб қолди.

— Қани отлан, Қурбон. Еркентга борамиз.

— Нега энди?

— Уша ерда биласан.

Қурбон шошмасдан носқовоғини олди-да, бир чаким носни тили тагига ташлади. Агар нотаниш киши бўлганда, унинг бу қилиғини: борайми-йўқми деб иккиланияпти деб ўйларди. Лекин Неделька Қурбонни энди кўраётгани йўқ: шунақа пайтда носвой отдими, демак масала ҳал, Қурбон бошқа ҳеч қандай савол бермади. Кул ранг йўрғасини эгарлади-ю, йўлга тушди. Начора, бориш керак бўлса, борамиз-да. Лекин Неделька сабр қилолмай, йўлдаёқ гапни бошлаб юборди.

— Қурбон, ҳозир замон нотинч. Пролетар кучлар керак.

— Хўш, сенга нега керак бўлиб қолдим?

— Менга эмас. Одамларга.

— Нимага?

— Сени «Қўшчи» союзга раис қилиб сайлашмоқчи.

Қурбон ҳатто таажжубланмади ҳам. Фақат Неделькага қаради-да, хотиржамлик билан.

— Қўшчи?— деб сўради.

— Ҳа, шундай.

— Қўшчи ўзи нима?

— Камбағаллар комитети, ўшанга бошлиқ бўласан, раислик қиласан.

— Йўғ-э... Ундан кейинчи?

— Кейин ҳам раислик қилаверасан.

— Нима.. У ерда нима иш қиламан? Хўш?

— Бойларнинг ерларини ҳамқишлоқларингга олиб берасан. Шунингдек қорамолларни ҳам. Ошиқча ас-боб-ускуналариниям. Мана айтайлик Абдулхай бўлис...

Совет ҳокимияти қурилган бўлсаям, ҳеч нарса кўрмагандай, ҳалиям бўлислигини қиляпти. Нега энди?

— Сариқ Қалхат-чи?

— Уҳ-ў! Сендан нима талаб қилинишини энди тундундигми? Эшитишимга қараганда, Сариқ Қалхат аллақачон учиб кетганмиш.

— Учиб кетганмиш? Қаёққа?

— Қаёққа бўларди, Қўқон мухторияти пинжиги-да... Нимасини айтасан, биродар, у айёр Қалхат. Лекин бу, икки йил олдинги гап. Ундан кейин қаерга ғойиб бўлгани номаълум. Қўқон мухторияти тугатилганига анча бўлди, лекин Сариқ Қалхат бор. У ҳали тирик. Бунимен аниқ биламан. Бунақа сариқ қалхатлардан ҳали анчагина бор.

— Хўш, яна ким бор?

— Бор, йўқ эмас!

— Яна қани айт-чи, кимни адабини бериш керак?

— Нима, бойларни билмайсанми?!

— Биламан.

— Ана шуларни бошлаш керак.

Қурбон анчагача чурқ этмади, остида гижинглаб ўйноқлаётган йўрғасини жиловидан тортиб, Недельканинг ахта отидан олдинга ўтқизмай секин-аста бораверди. Бирдан отини тўхтатди-да, қовоғини солиб, хомушлик бялан белбоғидаги носқовоғини қидиришга тушди.

Неделька бирдан кўнгилсиз воқеа рўй беришини фаҳмлагандек, унга қараб кутиб турди.

— Бормайман,— деди Қурбон узил-кесил қилиб.

Шундай деди-ю, бир отим носвойини оғзига солиб, йўрғани орқага бурди.

— Ҳой, менга қара!— Неделька қўрқиб кетди.— Сенга нима бўлди, Қурбон?

— Бормайман, вассалом.— Қурбон йўрғанинг ёлига қамчи босганча дастаси билан ниқтаб жўнаб қолди.

— Тўхтасанг-чи, ахир, гаплашайлик.— Неделька ҳам ахтасини буриб, Қурбон билан ёнма-ён бораверди.

— Гапимга қулоқ сол, Қурбон. Тўхтатсанг-чи, ахир!

— Хўш?!

— Отим бур, қани кетдик. Бу нима деган гап ахир, чиндан ҳам беқарор одам экансан-ку! Бир қарорга келиб йўлга чиқдингми, хўш, нега энди туёгингни шиқиллатиб қайтмоқчи бўласан?— деди Неделька қизишиб.— Нимадан қўрқиб кетдинг?

— Қўрқдимми, қўрқмадимми, барибир бормайман,— деди Қурбон ҳам қатъий суратда.— Нега энди сизлар, чунончи Деҳқонбойними, Дворяниновними, ё бўлмаса... Мана сени — ўша «Қўшчи» га сайламайсизлар?!

— Деҳқонбой билан Дворянинов аллақачон фронтга кетган. Биттаси Фарғонада, иккинчиси Закаспийда. Ҳали қайтиб келганлари йўқ.

— Йўқ, Неделька, бўлмайди, бормайман!— деди у узил-кесил қилиб ва отига қамчи босди-ю, уйига жўнади.

Тозагул кечаси пичирлаб гап бошлади:

— Қорасувда бўлган воқеани эшитдингизми, дадаси? Анови Исломбек иккала хотинининг тилини қирқиб олганмиш...

— Нега қирқибди?

— Домланинг гапига кириб шундай қилганмиш.

— Домланинг?

— Ҳа... Анови серсавлат домла бор-ку... Миркомилҳожини... Маккани зиёрат қилиб келган...

— Маккани зиёрат қилган бўлса, демак у авлиё одам. Қандай қилиб шундай зот бунақа маслаҳат бердиларикин.

— Миш-мишларга қараганда улар Бордонқулданмиш. Уч киши экан... Жаллодлар... Миркомилҳожининг ўзи, аллақандай бир дўкондор, учинчиси яна аллаким... тоғлик босмачилардан бўлса керак.

Ҳамма ишни ўша қилган. Олдинига бечораларнинг сочларини қирқиб, роса шарманда қилибди. Аёл киши бунақанги шармандаликка чидай олармиди? Ҳечам чидай олмайди. Бундан кўра ўлгани... ўзини-ўзи ўтда ёқиб юборгани минг чандон афзал-ку...

— Нима сабабдан улар шундай қилишибди?

— Паранжиларини ташлаганлари учунмиш... Бошқаларни ҳам ташлашга даъват қилишганмиш. Сиз ўша Неделька билан кетган кунингиз қўрғонимизнинг ёнидан учта отлиқ ўтди. Қорасувга кетишаётган экан. Улар тўхтаб қудуқдан сув ичишди. Башоратнинг ўзи сув олиб берди уларга. Жудаям довиюрак шу қизи тушмагур.

— Нима?.. Сен нима ҳақда гапиряпсан?.. А?..

— Йўқ... шунчаки ўзим...

— Хўш? Бошида паранжиси бормиди, ишқилиб?



— Паранжи ёпиш қаёқда дейсиз, дадаси... бошига нимчасини ташлаб олган... Юзи очик... Бемалол гаплашди. Уялиш қаёқда дейсиз, қайтага уларнинг ўзи бунга қарашга уялишди.

— Руслармиди?

— Иккитаси рус, биттасини билолмадим ё қирғиз, ёки қозоқ бўлса керак. Тили жудаям бизникига ўхшамайди. Тутулиб-тутулиб гапирди. Мен устахонада эдим, Башоратингиз билан гаплашганини шундоқ эшитиб турдим. «Паранжисиз юришга қўрқмайсанми?— деб сўради,— Мулладан-чи?»— Қизингиз бўлса қотиб-қотиб кулади. Мен жонимни ҳовучлаб турибману, у бўлса нуқул кулади. Кейин улар ўзаро нималарнидир гаплашди-да, Башоратдан сизнинг ким билан кетганингизни сўрашди: «Нега кетди? Қаерга кетди? Бизлар қаёқдан биламиз, тўғрими?»... Ахир ўзингиз бизга ҳеч нима демангиз-ку... Худойимнинг раҳми келиб, сизни уйга қайтарди-да... Бизларни бу ерда ёлғиз ташлаб кетиб бўладими, дадаси?! Мен-ку ўзимдан қўрқмайман, қизимга бирор кориҳол бўлмасин деб хавотирланаман-да. Ўлдириб кетсалар ҳам, ўғирлаб кетсалар ҳам қўлларидан келади. Худо кўрсатмасин, унда нариги дунёда Болтабойга нима жавоб қиламиз?

Башорат кимнинг қизи эканлиги бутун теварак-атрофга маълум. Бундан саккиз йил муқаддам, 1912 йили Аникин деган ураллик казак бировнинг суви учун талашиб, Башоратнинг отаси Болтабойни ўлдирган эди. Ушанда Болтабой шўрликдан ўн бир бола етим қолди. Отаси тириклик пайтида болалар қорнини тўйгазолмаган бўлса-ю, хотини бечора Зубайда бир ўзи шунча болани қандай қилиб эплай оларди дейсиз?

— Худойим шундай камбағал бечораларга шунча фарзанд бериб нима қиларди?— Тозагул бир хўрсинди-да, яна гапида давом этди.

— Узига сал дуруст одамларда фарзанд кам. Мана ўзингизни айттайлик, дадаси, яна тўрт-бештасини бемалол боқиб катта қила олардингиз. Худойим бизни бир оз сиқиб қўйди. Мени карамидан бенасиб қилди. Биттагина ўғил ато қилди-ю, шу билан тамом. Наҳотки, мен ўғлимни севиб яхши парвариш қилмаган бўлсам? Ахир, емай едирдим, ичмай ичирдим-ку! Эҳтимол... эҳтимол, мен сизни ҳурмат-иззатингизни жойига келтиролмагандирман, дадаси?..

«Гулим-юлдузим» демоқчи бўлди-ю Қурбон қадимгидай, лекин нимагадир тили айланмай қолди. Шунинг учун индамай, хотинининг юзидан силаб қўя қолди. «Қариб қолдим... Бағритош бўлиб кетяман...»— деб қўйди ничида.

Қадоқ босиб кетган дағал кафти хотинининг юзига яна текканида, бирдан Қурбоннинг хаёлига «чиндан ҳам қўлларим жудаям дағал», деган фикр келди,— буининг олдида Тозагулнинг юзи бирам майини, ипакдек сип-силлиқ эдики,— деб ўйланиб қолди. Айниқса, ўрта бармоғидаги қадоқ бесунақай катта ва ғадир-будур эди, кунига неча марталаб ё бирон нарсадан жаҳли чиқса ёки бирон нарса тўғрисида ўйланиб қолса — эрмаги шу бўлиб, уни тиши билан ғажигани-ғажиган эди. Ана шу дардисар қадоқ хотинининг юзини тирнаётганини фаҳмлади-да, дарҳол қўлини тортиб олди.

Тозагул тирсагини тираб ўрнидан турди-да, қоронғида эрининг юзига қаради:

— Дадаси?

— Нима дейсан...

— Сизга нима бўлди?

— Нима қилибди?

— Менга очигини айтаверинг, нега энди сиз мендан ҳадиксеирайдиган, чўчийдиган бўлиб қолдингиз? А? Ёшлигингизда мени тез-тез эркалаб турардингиз. Ширнишини гаплар билан кўнглимни кўтарардингиз...

— Э, қўйсангчи!.. Топган гапингни қара-ю! Нима бўлди эмиш! Нима бўларди?— қўполлик қилиб хотинининг гапини бўлди Қурбон. Кейин бирпас индамай турди-да, бирдан хўрсиниб, мулойимлик билан деди:

— Кундан-кунга қўполлашиб кетаётирман, хотин! Қалбим ҳам, ўзим ҳам... Қўлларимга қара... ҳамма ёғини қадоқ босиб кетган... Баъзан сени худди ёш боладек кафтимда олиб юргим, юзларингни силаб-сийпалагим келади-ю, тирнаб оламан деб қўрқаман.

— Оббо, сиз-ей... жудаям ғалатисиз-да... — Тозагул иккала қўли билан кескин равишда эрининг қўлидан ушлаганича лабларига маҳкам босди-да, чалқанча ётиб олди. Шу алфозда кафтини қўйиб юбормасдан лабига босиб ётди, кейин эса бу дағал қўлини бўйнига ташлаб:

— Ахир сиз эримсиз... Кўнглингизга келган ишни қилинг... Тиз чўктирсангиз ҳам, ўлдирсангиз ҳам ихтиёр сизда,— деди.

Бу воқеа бултур ёзда бўлганди. Осмон билан битта юлдуз, иккови ҳовлида, Башорат эса уйда ётарди.

Бундай кечалар энди аҳён-аҳёнда учрар, ҳаётларидаги бахтли онларидан бир шингил бўлиб эсларидан чиқмасди. Ҳатто ўша кечаси қоронғи, дим бўлгандаям, барибир, уларнинг хотирасида узоқ вақтгача ёрқин қуёшдек сақланиб қоларди.

— Вой дадаси! — бирдан қўрқиб кетди Тозагул. — Икковимиз ҳам эсимизни еб қўйибмиз. Ухлайлик энди. Қаранг, алламаҳал бўлиб қолипти-я!

— Қай пайт бўлипти?

— Етти қароқчи ҳалигина нақ тепамизда эди, энди қаранг, чўмичи ерга тиралиб ботай деб қолибди-ку!..

— Майли. Уйқу бўлса бир гап бўлар. Ўзинг гапир-япсан-ку...

— Мен гапиравераман-да, лекин сиз қулоқ солманг. Нега энди гапимга қулоқ соласиз-а? — Тозагул юзини унга яқин обориб, деярли лабига теккизиб шивирлади:

— Хўш? Нега?

Қурбон унинг юзига қараб индамай жилмаярди: хотинининг қадимгидай завқ билан тотли бўса олишини хотиржамлик билан кутаётган эди. Лекин Тозагул назик бармоқлари билан эрининг мўйлабини силаб, лабига лабини оҳиста босди-да, дарҳол орқасига ўгирилиб олди.

— Менинг гапларимни қўяверинг, дадаси... жонгинам, — дея пичирлаб давом этди эрининг бақувват ва бўлиқ қўлларини силар экан. — Энди ўғлимиз ҳам, Башоратдек қизимиз ҳам бор-ку. Наҳотки Башорат бизга беғона бўлса? У ҳам ўз фарзандимиз...

— Гапларинг тиллага арзийди, Тозагул, — деди Қурбон, лекин бир дам ўтар-ўтмас, оҳиста қўшиб қўйди: — Гулим юлдузим... Барибир... Ҳатто ўнта қизим бўлгандаям, ҳаммасидан Башоратни ортиқ кўрган бўлардим.

Нега энди шундай дедийкин?.. Эҳтимол, Башоратнинг на отаси, на онаси бўлмагани учун шу гапни айтдимикин?! Болтабойнинг ўлимидан кейин одамлар қўлларидан келганча шўрлик Зубайдага ёрдам қилишди, Қурбон эса ўша куниеқ Башоратни Номсиз қўрғонга олиб келди. Башоратдан тўрт яшар каттаси Бибинурни Надежда Сергеевна Малясова ўзига ёрдамчи қилиб медресага олди. Ҳм! Ёрдамчи қилиб! Қурбон мийиғида кулиб қўйди. Бурнига булоқи таққан мишиқи, қиш-

лоқи Бибинур шундай улуғ, ақл бовар қилмайдиган ишда қандай ёрдамчи бўла оларкин: айтайлик, Бобоҳўжага ўхшаган табибга туркана дори тайёрлаб бериш учун ёрдамчи бўлса, бу бошқа гап. Малясовадек аёлга-я... Бироқ бунинг нимасини муҳокама қилади? Малясова уни пима учун олиб кетгани ҳаммага аён-ку ахир.

Болтабойнинг ўғиллари бойларнинг хизматини қилиш учун малайликка ёлланишди, лекин шунда ҳам бева Зубайданинг қўлида бир-биридан кичкина тўрт бола қолди. Лекин буларни эплаштириш ҳам мушкул эди. Ким билсин, эрининг ўлими уни адойи тамом қилдими ёки қандайдир бир бедаво дардга чалиндими, ишқилиб Болтабойдан кейин бир ярим йил ўтар-ўтмас, у ҳам оламдан ўтди. Худойқулнинг гапида жон бор: ажал шундай нарсаки, эшикни ёпсанг тешикдан киради.

Башорат ўзининг довюраклиги билан Қурбонни ҳам, Тозагулни ҳам кўпинча ҳайрон қолдирарди. Бир куни у устахонада Қурбонга:

— Амаки, мен ҳам сизни Рустам акамдақа чақирсам майлими? — деб қолди.

— Қандай?

— Дада деб.

— Тозагул холангни нима деб чақирасан?

— Холамними? Ойи дейман.

— Жуда ҳам ақллисан-да, қизим.

Қурбон қаҳри қаттиқ одам эди, чунки у олов билан темир ёнида ўсган, шунинг учун ҳам унинг кўзидан ёш келиши амри маҳол эди. Лекин бу сафар ўзини тутиб туролмади ва кўзига филт-филт ёш тўлиб ачита бошлаганини сезди, сезса ҳамки, бунчалик бўшашгани учун ўзидан гина қилмади. Башоратни даст кўтариб олди-да, пешанасидан ўпди.

Бунақанги довюраклик қизи тушмагурда қаердан пайдо бўлдийкин? Ахир раҳматлик Болтабой худодан қўрқарди, қачон қарасанг, домла билан Абдулхай бўлисининг олдида титраб-қақшаб қўл қовуштириб турарди-ку. Раҳматлик ўзи бўйчан, қадди-бастни келишган бўлса-да, хоҳлаган пайтида қаддини тиклаб бемалол юрарди. Лекин кўпинча, гўё одамлар олдида айбдордек, эгилиб-букилиб, қимтиниб, ҳаммага қуллуқ қилиб қўл қовуштириб турарди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким бирон ерда, Болтабой довюрак, мард, бир сўзли одам деган эмас. Ҳўш, Башорат кимга ўхшадийкин?..

Дарвоқе, баъзан Болтабой ҳам довьорак бўларди, деб Деҳқонбой бир неча марта гапирган эди. Ахир, ро-са қиздирилса тош ҳам ёрилади-да. Бунинг устига, виж-донан айтганда, Болтабойни қўрқоқ, юраксиз дейишга тил борармиди?.. Агар аҳд қилса унинг ҳам қўлидан ҳар иш келарди.

## 2

Ниҳоят Қурбон болга билан жангиллатиб уришни бас қилди, қизиб турган тақанинг у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди-да, қўлидаги қисқични кериб, тайёр бўлган тақа-ни бурчакдаги уюм устига итқитиб юбордию, ўзи ҳайрон қолди: шунча тақа билан кетмонни қачон ясаб улгура олдийкин?.. Афтидан, у бутунлай хаёлга чўмган эди, чунки ҳатто чўғ бўлиб чарсиллаётган бир парча темир-ни оловдан олиб сандонга қўйганини ҳам, бир оздан сўнг тақа тайёр бўлгач, уни ерда қалашиб ётган уюмга таш-лаганини ҳам, яна узун қисқич билан қизиган темир-ғўлачасини олганини ҳам мутлақо сезмасди.

Қурбоннинг бошидан бирин-кетин ҳар хил ўйлар го-ҳо худди Номсиз қўрган тепасидаги кузги қора булут-дай юрагини сиқиб, нимллаб, гоҳо баҳор булутидай кўнглини ёритиб тез ўтарди. Чуқур ўйга толганидан вақт ўтганини ҳам билмасди.

Қурбон совиган кўкимтир темир уюмига тикилиб ту-раркан, яна бир жуфт тақа ясасаммикин, ёки уйга кет-саммикин, деб ўйлаб қолди; унга тинчлик бермаётган турли фикрларни яна бир бор эслади-да: бу фикрлар ҳам худди қизиган темирни болга билан текисланаёт-ганда сачраган учқунга ўхшайди-я, деб қўйди ичида. Унинг фикрлари ҳақиқатан ҳам темирдан сачраган уч-қун сингари бирдан ёниб, бир зумда сўнар, лекин темир-чининг қалбида бир умрга из қолдирарди.

Ҳарқалай яна бир оз ишлашга аҳд қилди-да, ўчай деб қолган қўра ёнига бориб темир косов билан титки-лай бошлаганди ҳамки, ташқаридан музыка овози эши-тилди. Бу дутор ёки бўлмаса доиранинг овозига ўхшар-ди. Келаётган овоз шундай таниш, ёқимли ва майин эдики, ҳатто Қурбоннинг юраги алланечук бўлиб кетди.

Қурбон турган ерида қотиб қолди. Қулоқ солган сари, кимдир унинг шундоққина ёнгинасида, устахона эшиги олдида қўлларини дутор пардаларида ўйнатиб

чалаётгандек, унга эса бир маромда гоҳ баландлатиб, гоҳ пастлатиб чертилаётган доира жўр бўлаётгандек туюларди.

Йўқ, йўқ. У янглишди. Бу дутор ҳам, доира ҳам эмас. Бу овоз ҳатто яқиндан эшитилаётгани ҳам йўқ, лекин шунга қарамай қандайдир таниш эди. Мана энди аниқ эшитилляпти — улар устахонадан анча баландда учиб бораётган турналар овози эди.

Турналар!

Қурбон темир косовини улоқтирди-да, худди ёш болалардек югуриб ташқарига чиқди.

— Турналар! — деди барала овоз билан. — Ургилай сизлардан... жоним тасаддуқ... Баҳорни олиб келдинглар...

Бу қадрдон қушлар шаънига талайгина гаплар айтмоқ истагида эди-ку, бироқ азбаройи сеvingаниданми ёки гам ғусса-ю, мясида ғужғон ўйнаган ҳар хил фикрларданми — нимагадир, бирданига ўпкаси тўлиб айтолмади, шундан сўнг кафтини соябон қилиб осмонга тикилганича, энг ёқимли юрак ҳовуридай илиқ ва жозибадор сўзларни тобора секин, эшитилар-эшитилмас қилиб пичирлай бошлади. Бу сўзлар қанақа сўзлар, Қурбон буларни қаердан топдийкин?

Турналар икки гала бўлиб учиб ўтаётган эди: биринчи гала анчагина катта ва олдинда, иккинчиси эса, унга қараганда кичикроқ, орқароқда эди. Улар асрлар давомида учиб ўрганган, қадимий Миср эҳромлари шаклига ўхшаган учбурчак шаклида аргимчоқ солиб учишарди. Қурбон ўз ҳаётида бир неча марта, кумушсимон осмонда учбурчак шаклида учиб ўтаётган турналарнинг гоҳ баҳорги, гоҳ кузги ашуласини эшитган бўлса-да, лекин ҳар сафар турналар овози унинг юрагини ҳаяжонлантириб, дардини янгилатарди. Қурбон эсини танигандан бери бирон баҳор ёки бирон йилги куз йўқ эдики, у турналарнинг учиб кетганини ёки учиб келганини кўрмаган бўлсин. Неча марта кўрдийкин! Ҳадемай, қирқ биричи баҳорни кўради. Қани, ҳисобланг-чи, осмон карвони бу турналарни неча марта кутиб, неча марта кузатган бўлади? Жуда кўп марта, шундай эмасми? Ҳа, жоним тасаддуқ, жудаям кўп! Лекин Қурбон ҳеч вақт бу қушларга бепарво назар билан қараёлмасди. Уларнинг мусиқий товуш билан осмонда ғат-ғут қилишларигина эмас, балки шу билан бирга ўз тартибларини зар-

рача бузмай, ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, учбурчак шаклида арғимчоқ учишлари уни ҳаяжонлантирар, мафтун этарди. Нега шундайкин?.. Нега энди улар ҳам бошқа паррандалар сингари тўс-тўполон қилиб тартибсиз учишмас экан-а?

Қурбон осмонга тикилавериб чарчади-да, бошини буриб у ёқ-бу ёққа қаради, қўрғон томонга назар ташлади. Йе, бу қандай мўъжиза? Тушими ё ўнгги? Ахир бугун эрталаб Қурбон устахонага келган пайтда тепа усти тап-тақир бўлиб, ҳувиллаб ётган эди-ку! Фақатгина ёнбағирларда, у ер-бу ерда янтоқ билан чақиртиканак кўринарди, холос. Шамол эса, серрайиб қолган дарахт шохларига тегар-тегмас, гўё бир нарса чақиб олгандек дарҳол ўзини олиб қочарди. Ҳозир-чи! Қўрғон атрофи тип-тиниқ баҳор осмони гумбази остида яшнар, гўёки, бутун борлиқ ям-яшил беқасам тўн кийгандек, майса кўкатлар билан безаниб, ботаётган қуёш нурида жилваланарди.

— Қойил-е! — деди Қурбон яна овозини чиқариб. — Башорат қаердайкин?! Тозагул-чи?! Қўрғон атрофида баҳор ҳукмронлик қила бошлаганини кўриш учун нега бу ерга келишмаяптийкин?! Эҳ, аёллар!

У севинчини ичига сиғдирилмай югурганича, ёшлик чоғидан таниш бўлган сўқмоқдан тепаликка чиқди-да, рўпарасида чўзилиб ётган бепоён сарғиш қамишзорга, бўм-бўш йўлга, ҳозирча барг чиқаролмаган ўриклар ортидан мўралаб турган кулбаси томонга кўз югуртирди, бошини чалқанча ташлаб, яна осмонга қарай бошлади.

Турналар анча узоқлашиб кетганидан ташвиш тўла мунгли овози кунботар маҳалидаги сокинликда тобора секинлашиб аста-секин сўнмоқда эди. Уларнинг улкан ва оғир карвони қизғиш осмонда марварид шодасидек жилваланиб деярли уфққа бориб қолди. Кичкина бир бўлаги марварид шодасида ажралиб, анчагача қўшилолмай учиб юрди: Қурбон қуёшга орқасини ўгириб турганлиги учун ҳам, бу бўлакчасини ўз тўдасига бориб қўшилганини аниқ кўрди. Ниҳоят, қуёш нурида кумуш-симон товланиб турган бу санжир бирдан уфқ ортига ўтиб, қоп-қора тусга кирди-да, шу заҳотиёқ бутунлай кўздан ғойиб бўлди.

Бу нимаси тагин? Ботаётган қуёш нурининг ўйиними ёки биров ўқ уздими? Лекин битта ўқ билан бутун бошли галани нобуд қилиш мумкинми ахир? Наҳотки турналар

карвони кўз очиб юмгунча мотам тутгандек қоп-қорайиб кетса?..

Қуёш ботиб қоронгилик тушди. Қурбон ҳамон тепалик устида турналар кетган томонга қараб қолаверди. Қаёққа учиб кетдийкин-а? Балки, ўғлим Рустам томон учиб кетишгандир? Балки у ҳам кўриб қолар? Турналар бу ердан, қўрғон тепасидан, унинг киндик қони тўкилган ўз уйи устидан учиб ўтганига наҳотки Рустамнинг ақли етмаса? Наҳотки шуни тушунмаса? Наҳотки кўнглига аён бўлмаса? А?.. Ахир турналар у ердан ҳам худди шундай ғамгин оҳангда чуғуллашиб учиб ўтишади-ку. Бироқ у эшитармикин? Агар тирик бўлса албатта эшитадн, борди-ю...

Турналар... Қандай ажойиб паррандасиз-а? Нега энди юракқа шунчалик гулгула соласиз? Ҳар йили баҳорда ва кузда нималар деб чуғуллашасиз?.. Темирчи эндигина уйланган вақтда, сизлар фақат бахт ҳақида, Тозагулининг муҳаббати, улар ўғил кўргани ҳақида ҳикоя қилардингиз: ҳали-ҳали Қурбоннинг эсида. Ҳатто Юнусни от туёқлари остида мажақлаб ўлдиришганда ҳам, Деҳқонбой билан Филип Степанович Гордиенкони банди қилиб сургун қилишганда ҳам, Болтабойни ўлдиришганда ҳам, Август жўнаганида Малясованинг пирпираган қоп-қора қошларига ва ғамгин юзига қараш қанчалик оғир бўлган дамларда ҳам сизларнинг қўшиғингизда ҳеч қачон қайғу-алам эшитилган эмасди. Эҳ, Август-Сентябри тушмагур... Қурбон фикран уни ҳеч қачон бошқача ном билан атамас. Ҳа, шундай. Қайғу, ташвиш етарли эди, лекин илгари турналар фақат бахт ҳақида куйлашаётгандек туюларди. Нима сабабдан энди қалбида шунчалар ғам-алам тугён урдийкин? Нима бўлгандаям, аёллар олдида ўралашиб юргандан кўра ўғли билан бирга кетаверса бўларкан...

Шундай муҳим, керакли пайтда хотини билан қизини қўриқлаб уйда ўтирса-я... Ҳатто ўшаларни деб Еркентга боришга ҳам розилик бермади. Турган гап, хотини билан қизини деб шундай қилди-да, ахир уларни қандай ёлғиз ташлаб кетиб бўлади? Бу ер фақат сиртдан қараганда шунчаки хилват жой кўринади, холос. Ҳозирча ўзи шу ерда бўлгани учун шундай бежавотир ва тинч. Бир кун ёки бир соат йўқ бўлсин-чи... Бир зумда ҳамма ёқин босмачи босиб қизини ҳам, хотинини ҳам олиб қочадилар. Олиб қочолмасалар, шу ернинг ўзидаёқ тинчитиб



қўя қолишади... Худди жўжа-хўрозларнинг бошини кесишгандек сўйиб кетишади... Хотини ҳам ҳазилакам гўзал эмас-да. Уттиз еттига кирган бўлса ҳамки, ҳали юзига на биронта ажин, на биронта ҳуснбузар тушган эмас. Тозагулнинг юзи бамисоли санамлар юзидек сипсиллиқ. Фақат юқори лабининг бир бурчагида кўкнори уруғидек келадиган кичкинагина холи бор. Қошлари эса, гўё учиб кетаётган қушларнинг қанотига ўхшайди, жилмайса, гўё қалдирғоч учяпти дейсиз, қовоғини солса, нақ зағчаннинг ўзгинаси. Қош эмас, қалдирғочнинг қаноти. Шунақанги чиройлики, нимасини айтасиз! Кўзларига боқсанг, додиратиб қўяди. Бир олам маъно... Сочларини айтмайсизми... Сочларини! Тақимини ўпади-я. Ҳа-а... Тозагул шунақа... Қани энди унга тилла зирак олиб берсам! Арзийди. Қошки эди... Унинг ажойиб ҳусн-жамоли билан бирга севгисини — юрак ҳароратини айтмайсизми! Нақ жазирама саратоннинг ўзгинаси. Бунинг устига, тилла зирак тақса борми, нақ подшоҳларнинг қизидек бўлади-қўяди. Эҳ, Тозагул... Қандай қилиб оддий темирчига текканиннга шу пайтгача ақл бовар қилмайди! Қамншорда гўнглар орасида камбағал Юнусдан, жаннат гулидек соҳибжамол, пари қиз қандай қилиб дунёга келдийкин? Сираям тушуниб бўлмайди. Ҳар қандай бой-бадавлат кишилар Қурбонга ҳасад қилса арзийди. Одамларнинг гапига қараганда, Сариқ Қалхат шу пайтгача ўзини ҳам, Қурбонни ҳам кечиролмас эмиш. Умрида бирон кимсага ёмонлик қилиш у ёқда турсин, ҳатто ёмонликни раво кўрмагани учун ҳам эҳтимол, Юнусга худон таоло чиройли фарзанд инъом қилган бўлса ажаб эмас. У пашшага ҳам озор бермайдиган, ҳатто чумолини босиб олишдан қўрқиб, ҳатлаб ўтадиган одам эди. Қурбон-чи? Қайси феълига яраша унга Тозагул nasib қилди? Хўш? Ахир у Сариқ Қалхатни ўлдириш ниятида эди-ку, агар ўша кечаси қўлига тушганда, чиндан ҳам ўлдирган бўларди. Гуноҳни яширишнинг нима кераги бор? Баъзи пайтларда Қурбон ҳатто худога ҳам шак келтирарди. Бу кечириб бўлмайдиган даҳшатли гуноҳ, нобакорлик. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг-а... Худонинг ўзи кўра била туриб нобакорлик қилгандан кейин, қандай қилиб унга ишонса бўлади? Нега одамларни бой билан камбағалга ажратади? Хўш?.. Нега энди? Мана масалан, Сариқ Қалхатни, Абдулхай бўлисми, Мулла Мирҳайдарбекхўжани олинг? Бунга нима дейсиз?.. Ёки

раҳматлик Болтабой, қорасувлик Мавлонжон, Деҳқонбойни... Нега энди Деҳқонбойни сургун қилишди? Қайси гуноҳлари учун? Нима учун кишанга солишди? Отни қўйиб юборилганда узоққа кетиб қолмаслиги учун ёки биялардан эҳтиёт қилиш учун оёғига кишан урилади. Бу ерда эса одамга... Бу одамни худонинг олдида қандай гуноҳи бор? Мана ҳозир яна одамларни очликдан силласини қуритмоқда. Бу қандай адолат? Қани худо?

Баъзан Қурбон — йўқ, ахир мен ҳақ эмасман, деб ўйланиб қоларди. Адолат бор, бор, албатта. Демак; худо ҳам бор. Лоақал мана шу Қурбоннинг ўзини мисол олайлик. Қим қўйибди унга ҳаётдан нолишни? Худодан газабланишни? Уринлими? Хотини борми — бор, болачақаси тўқми — ҳа, тўқ. Арпами, кўжорими, ишқилиб, қора понга қорни тўқ-ку. Лекин нима учун уникида фақат арпа понию, Сарик Қалхатникида ҳар кун қўй гўшти билан қирғовул солиб пиширилган палов дейсизми, қанд-қурс дейсизми — ҳаммаси муҳайё?! Э-э, ўргилдим бунақа худодан...

— Дадаси, нима қилиб ўтирибсиз бу ерда? Қош қорайганига алламаҳал бўлди-ю, сиз ҳалиям устахонада юрибсиз.

Қурбон чўчиб, бошини кўтарди. Бир қадамча нарида, қоронғилик ва сокинлик қаърига бурканган шарпадек, тўсатдан Тозагул пайдо бўлди.

— Қаердан пайдо бўлдинг? — деб сўради у худди уйқудан уйғонгандай ҳайрон бўлиб.

— Секингина сездирмай келдим, сиз бўлсангиз, ҳеч нимани эшитмайсиз. Нега бунчалик ўйланиб кетдингиз?

Қурбон хотинининг саволига жавоб бермай хўрсинди-да, у ёқ-бу ёққа назар солди.

Шундай, қаттиқ ўйга чўмганидан, унинг қўрғондан чиқиб остонага келиб ўтирганини ҳам сезмапти.

— Қани, юринг энди, уйга борайлик. Башорат арпа унидан атала пишириб, қатиқлаб қўйди. Жуда мазали. Қани, юра қолниг энди. — Тозагул эрининг рўпарасига чўнқайиб ўтирди-да, қўлларини унинг тиззасига қўйди.

— Атала, атала... Билганларинг фақат шу атала! — тўсатдан жаҳл қилиб хотинининг қўлини тиззасидан туртиб юборди. — Қаёқда эдиларинг?

Тозагул ўридан туришини ҳам, бирон жавоб қилишини ҳам билмай қолди.

— Хўш?.. Қаерда эдиларинг деяпман?

— Ким?

— Сизлар. Ким бўларди тагин? Сен билан Башоратни айтяпман.

— Уйда эдик. Мен кўйлагингизга иккита ямоқ солиб, тикиб қўйдим. Башорат бўлса ун элаб овқат пиширди. Нима эди, дадаси? Нима бўлди, ўзи?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Қўрғоннинг тепасидан турналар учиб ўтди.

— Турналар?..— Тозагул жилмайиб қўрқа-писа қўлини яна унинг тиззасига қўйди. Ҳали бирон марта Қурбон унинг қўлини бунчалик қўполлик билан силтаб ташламаган эди. Унга нима бўлдийкин-а?.. Турналар... Наҳотки турналар деб шунчалик қилса? Ёки, биз ҳам ҳозиргина кўрдик десаикин. Турналарга қараб Башорат иккаламиз тоза йиғладик. Улар худди Рустам томон учиб кетаётганга ўхшарди... Балки у ҳам кўриб қолар? Эҳтимол, турналар унга уйдагиларнинг қанчалик соғинишганини етказар? Аёллар шуни эслаб роса йиғлашди. Шунинг учун улар кўз ёшларини Қурбон кўрмасин, яраси янгиланмасин, деб унинг олдига югуриб келишмади. Уларда айб йўқ. Улар аёл киши. Йиғлаб-йиглаб юракларини бўшатиб олишди. Эркак кишига қийин. Қурбоннинг икки бетидан кўз ёшлари тирқираб оқадиган бўлса...— Турналарни, дадаси... биз ҳам кўрдик ахир...

— Кўрдик эмиш?! Нега бўлмасам зинғиллаб менинг олдимга келмадинглар?

Бу тўғри, ҳар сафар баҳорда ва кузда, Рустам уйда пайтларда, бутун оила аъзолари қўрғонга югуриб келишарди-да, ана шу Номсиз қўрғонда туриб турналарни кутиб олишар ва кузатиб қўйишарди.

— Биздан жудаям хафа бўлманг, дадаси... Турналарни ҳовлида туриб кутиб олдик. Бу ёққа чопиб келишга улгуролмай қолдик. Бўлди энди, ҳадеб жаҳл қилаверманг. Қани, юра қолнинг, дадаси.

Қурбон жавоб қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўтирган еридан ҳам қимирламади.

Тозагул юрагини ҳовучлаб, эрининг қўли, елкаси ва юзларини силаб, чўнқайиб ўтираверди.

— Нима қиласан мени ёш боладек силаб-сыйпаб?!— деди у яна қўполлик билан.

Яна жаҳл... Тозагул қўлини олиб бир нафас жим турди-да, кейин кетмоқчи бўлиб ўрнидан қўзғалди.

— Қаёққа кетяпсан?— деди Қурбон бир оз бұша-  
шиб.— Мен билан бирпас шу ерда ўтир.

Тозагул қимирламай турди-турди-да, кейин индамай  
остона ёнига келиб ўтирди.

— Тозагул... менга қара!

— Нима дейсиз?

— Мен энди жўнайман.

— Жўнайсиз?..

— Ҳа, жўнайман.

— Қаерга, дадаси?

— Уғлим Рустамнинг ёнига. Ота-бола бирга жанг  
қиламиз энди.

— Рустамнинг ёнига? Қаердалигини биласизми  
ўзингиз?

— Ёўқ.

— Билмасангиз... бу қанақаси, а?

— Жўнайман, вассалом.— У белбоғидан носқово-  
ғини олиб, қоронғида бир отим носвойни кафтига  
солди-ю, шартта отди-қўйди.— Жўнайман, дедимми,  
жўнайман,— деб такрорлади Қурбон оғзида носвойни  
бўлгани учун дудуқланиб.— Ортиқ бу ерда сизлар  
билан ўралашиб ўтиролмаيمان. Хўш?.. Нега инда-  
майсан?

— Майли, боринг... Жўнай қолинг, дадаси,— деди  
Тозагул нафасини ичга ютиб, бўғиқ товуш билан.— Сиз  
виждон амрига бўйсуниб ўргангансиз. Виждонингиз  
нимани буюрса, ўшандай қилинг,— деб қўшиб қўйди.

Бироқ унинг овози шу қадар сўник ва ғамгин эдики,  
Қурбоннинг юраги эзилиб кетди. Лекин у сир бой бер-  
май дард-аламинини ичига ютди-да, тескари ўгирилиб  
жаҳл билан оғзидаги носвойни бир четга тупуриб:

— Кўнгил излаган жойга оёқ етказди, албатта,—  
деди Қурбон.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да. Майли, боринг...

«Мен кетсам сизлар нима қиласизлар?— деб сўра-  
моқчи бўлди-ку, лекин бир нарсага қулоқ солгандек  
кутиб қолди.— Менсиз икковингнинг ҳолинг нима ке-  
чади? Хўш?.. Қандай қилиб сизларни ташлаб кетаман?  
Кимга ишониб? Сизларни бу ерда...»— ўйланарди Қур-  
бон безовталиқ билан ҳамон қулоқ солиб ва Тозагул-  
нинг боши оша қоронғиликка — уй томонга қараниб.

— Башорат югуриб келаётганга ўхшайди,— деди у  
хавотирланиб.

Тозагул индамай ўрнидан турди. Қурбон ҳам қўзғалди.

Улар то ўзларини ўнглаб олгунларича Башорат етиб келди. Бир дақиқа олдин унинг қораси қудуқнинг нариги ёғида кўринганди. Кўз очиб юмгунча Башорат қоронғилик қаъридан яшиндек пайдо бўлди-қолди.

— Нима қилиб турибсизлар бу ерда?.. Тезроқ уйга юринглар.— Башорат азбаройи ҳовлиққанидан нафаси тикилиб, гапини ҳам чала-чулпа қилиб, энтикиб гапирарди.— Тез бўлинглар!.. Нима гап ўзи... Нега мунча узоқ қолиб кетдинглар?

— Тинчликми?.. Хўш?..— сўради Қурбон, худди бургутдек уй томонга ташланмоқчи бўлиб.

— Малясова келди... Синглингиз... Сизни йўқлаяпти... Жуда зарур ва муҳим ишлари бор эмиш.

### 3

— Меҳнат заҳмати бекорчилик заҳматидан минг чандон афзал. Ҳа, минг чандон афзал,— деб такрорларди хаёлчанлик билан Надежда Сергеевна стол ёнида ўтириб ойнада ўз аксини томоша қиларкан.

Наҳотки меҳнатнинг таги фақат заҳмат бўлса? Заҳмат? Наҳотки бошқа ҳеч қандай натижа бўлмаса? Йўқ, бу тўғри эмас. Бу аёл одамларни даволаяпти. Одамлар дардларига шифо топиб соғайиб кетяпти. Лекин ҳаммаси ҳам соғайиб кетяпгани йўқ. Безгакни сира енгиб бўлмаяпти. Одамларни бамисоли вабодек қиряпти. Тифдан ҳам ёмон. Офатнинг ўзгинаси. Эпидемия. Қани энди хинин бўлса... Оддий цинк мази билан йод топилмайди-ку, хинин қаёқда дейсиз? Лекин даволаш керак. Шарт. Бу унинг бурчи, вазифаси. Буни ўзи ҳам тушунади. Бу ердаги, Осиёдаги одамларни даволашдан ортиқ муқаддас бурч йўқлигини яхши билади. Унинг Осиёга бўлган муҳаббати бир умр, абадий. Албатта Петербургда, шафқат ҳамшираси бўлиш... Айтгандай, ҳозир Петербург эмас — Петроград...

Бундан уч йил муқаддам, февраль воқеасидан кейин у эри билан Петрограддан жўнаб кетаётган пайтда Варламов унга шундай деганди:

— Надя, биз ҳозир у ерда жуда керакмиз... Жудаям. Тушунасанми? Айни икковимиз. Нега? Шунинг учунки, биз ўша ўлкани, одамларини, урф-одатларини, тилини

биламиз. Шунинг учун ҳам керакмиз. Агар, бормасак, борди-ю, рад қилгудек бўлсак, мен ўзимни жиноятчи деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам менинг олдимда, бориш керакми ё йўқми, деган саволнинг ўзи бўлиши мумкин эмас.

— Варламов... Жуда тентаксан-да,— деди у эрига.

Афтидан Варламов хотинини нега бундай деганини тушунмади шекилли, ортиқча гапиришга қўймай, уни ишонтириш учун яна қизишиб давом этди:

— Сенинг вазифанг бу ердагиларни эмас, у ердаги одамларни даволаш! Бу ерда шунчаки ишлайсан, аммо у ерда шу ишинг ҳақиқий жасорат ҳисобланади. Ахир энди сен докторсан-ку!

— Яқинда бўламан,— деди Надя эрининг гапини бўлиб, Петербургда кечирган беш йиллик ҳаётлари давомида фақат икки марта оилавий байрам бўлди. Биттаси — ўгли Святославнинг туғилиши бўлса, иккинчиси — Надянинг медицина билим юртини тугатиб, ўртача врач бўлиши...

«Святослав... қандайдир маъжусий исм. Бу исмдан аллақандай даҳшат, хурофот ҳиди келади,— деб Варламов сира хоҳламаганди...»

— Эсингдами, у ердаги одамларга қанчалик керак бўлганинг,— яна нимагадир у хотинини ишонтирмоқчи бўлиб, гапни давом эттирди.

— Бас қил энди!— деди у ялиниб.— Ахир борадиган бўлдим-ку!

— Борасанми?!

— Бораман.

Варламов ҳовлиқиб шартта хотини томон интилди. Надя эса ич-ичидан қувониб, ҳозир мени кичкина боладек кўтариб олади-ю, телбалар сингари ҳушимдан кетгунча ўпа бошлайди, деган хаёлда азбаройи ҳаяжонланганидан данг қотиб турарди. Варламов жудаям бақувват. Унинг олдидан Августни митти дейиш мумкин. Лекин нимагадир Варламов бирон марта хотинини кўлига кўтарган эмас, токи энтикиб нафаси қайтгунча, вужудини қамраган тотли эҳтиросдан ўзини йўқотиш даражасига етгунча астойдил берилиб жон-жаҳди билан ўпган эмас... Улар 1913 йилда, Надежда Тошкентдан Петербургда қайтиб келган йили тўй қилишган эди. Мана энди яна Осиёга боришга тўғри келди. Деярли беш йил умр кечиришганига қарамай, Варламов ҳамон

ундан ийманар, ўз ҳисларига эрк бермасди. Нима учун? Хотини бунни мутлақо истамасди, эрининг шунчалик сипо бўлишини ёқтирмасди. Варламов эса бари бир ўша-ўша. Лекин болаларига нисбатан кўнгилчан, хушмуомала эди. Уларни эркалаб суярди, от бўлиб улар билан бирга уйда эмаклаб чопарди. Святославни устига мингизиб оларди, қизи Наташани эса, гарчи ёши ўнга бориб қолган бўлса ҳам, опичиб ўйнатарди. Лекин хотинига келганда-чи, у билан бирга ўйнаб-кулишдан уялар, эркалашга юраги дов бермасди. Эркалаш... Бунни Август дўндиради...

Ҳа, Варламов ёш болалардек уятчан эди. Ана шу журъатсизликни сира енголмасди.

Ахир у хотинини жонидан ортиқ яхши кўради-ку. Лекин шундай бўлса-да, у ўзини нимагадир сипо тутарди.

Ниҳоят улар Петрограддан яна Туркистон ўлкасига кетиш учун тайёрлана бошладилар. Варламов одатдан ташқар ҳаяжонда, ўзида йўқ хурсанд ҳолда ҳар хил нарсалар тўғрисида гапирарди. Надежда ҳам эрига халақит бермас, гапини бўлмас эди.

— Борасанми?— яна такрор сўради у.

— Ҳа, бораман! Бораман дедим-ку, ахир!— кулиб юборди Надя, лекин нимагадир кўзларига гилт-гилт ёш келди.

— Билардим боришингни... Ишонардим...— деди-да Варламов, хотинининг пешонасидан ўпди.

У бўшашиб кетди, юраги алланечук ачишиб, эрига қараб қўйди.

Бироқ Варламов хотини нима тўғрисида ўйлагани, ўтган йиллар давомида ва эндиликда ундан нима кутганини билмасди.

Улар икки кун ичида ҳамма нарсаларини йиғиштириб, тезда йўлга тайёр бўлишди. Уларни ташвишлантирган ва оёқларига кишан бўлган нарса фақат болалари эди. Уларни бирга олиб кетишга Надежда Сергеевна кўрқарди.

— Петя, агар олиб кетгудек бўлсак, безгакдан нобуд бўлишади. Бунга ақлим етиб турибди. Гапимга ишон,— деди у Варламовга.

— Бу ерда қолдириб ҳам бўлмайди!— деб эътироз билдирди. Варламов ҳақ эди.

Ана шу масала бир неча кунгача уларнинг бошини қотирди. Ниҳоят, бир қарорга келишди: болаларга қараб

туришни Гордиенконинг оиласига топширадиган бўлишиди.

«Меҳнат заҳматига чидаш... Шу туфайли болаларни ташлаб қетиши яхшимикан?! Нега энди ташлаб қетиш экан?.. Нима, мен уларни ташладимми? Бўлмаган гап, мутлақо бўлмаган гап! Наташа ҳам, Святослав ҳам мен бутун куч-қувватимни Осиёга бағишлаганимни тушуниб етишгач, сира ҳам мени айбламайдилар...»

Варламов Тошкентга Владимир Ильич Лениннинг кўрсатмаси билан, Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети қарорига биноан кетаётганини йўлга чиққанларидан кейингина Надежда Сергеевнага гапириб берди.

Хўш, қандай қилиб Надежданинг бормаслиги мумкин?

Ҳа, Варламов чиндан ҳам ажойиб одам! Наҳотки, хотинини ҳам худди ўзи каби Тошкентга боргиси келиб ўлиб турганини билмаса! Ушанда уни кетишга кўндирмоқчи бўлиб ялинганлари ҳам жуда кулгили. Надежда бўлса унинг бу гапларига кулгиси қистаб на ҳа, на йўқ демади, чунки у, эрининг эркалатишини, ёш боладай кўтариб гир айлантиришни кутиб турган эди-да...

Йўқ, уни Осиёга бўлган муҳаббати учун айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Ҳаттоки Петроградда бегона кишилар қўлида қолган жонажон болаларининг ҳам. Ҳа, шундай, у Тошкентга фақатгина севги ва эри туфайли эмас, балки инсоний бурчини адо этиш учун яна йўл олди.

Баъзан Надежда ана шундай қийин кунларда болалар ёнимда бўлса, балки яхши бўлармиди, деб ўйларди ўзича. Ҳатто бир кун болаларни олиб келиш учун отланди-ю, лекин ўйланиб қолди: қаёққаям бороламан?.. Шимол тарафдаги темир йўл Оренбург атрофлари билан атаман Дутовнинг қўлида эди, жанубда, Закаспийда — инглизлар билан оқ гвардиячилар хўжайинлик қиларди. Туркистон эса фронтлар ҳалқаси орасида қолиб, Москвадан ва Петрограддан, бутун Совет Россиясидан ажратиб ташланганди. У томонларга боришни ҳатто хаёлига ҳам келтириш мумкин эмас.

Балки энди мумкиндир?.. Лекин аввал эрининг олдига бориш керак. Ораси яқин. Бир амаллаб ўтиб олса, қидириб топиш мумкин. Агар тирик бўлса... Агар у ўша ерда бўлса, бошқа фронтга жўнатилмаган бўлса...



У тўшак устида ётган соябон билан ерда турган сариқ чармли чамадонга қараб қўйди.

Ҳамма нарса сафар учун тайёр. Чамадонни олиб фойтун аравага ўтиради-ю, Тошкентга йўл олади. Албатта, аввал Тошкентга, вокзалга. Ундан у ёғига дуч келган поезд билан жўнайверади. У ҳатто туя карвони билан кетишга ҳам рози. Ишқилиб, кетса бўлгани. Ортиқ кутиш мумкин эмас. Уша эсдалик хатини Варламовга жўнатганига тўрт ойдан ошди, лекин ҳеч қандай жавоб олгани йўқ. Жавоб ёзса бўларди-ку, ахир. Шундай хатга жавоб ёзмаслиги мумкин эмас...

«Петя!— деб ёзганди у.— Менимча, тобинг қочган бўлса керак, чунки тушимда сени кўрдим. Гўё сен уйга келганмишсан. Амбулаториядаги табуреткада ўтириб Худойкул билан гаплашаётган эмишсан. Мен ёнингга келиб, «Петя, нима бўлди сенга? Жудаям озиб кетибсанку»,— дебман. Сен бўлсанг: «Яраландим, Надя» деганмишсан. Ўтирган ерингдан туриб қўлимдан ушладинг-да, шундай орзиқиб ўпдингки, ўша бўсанинг мазаси ҳали-ҳали лабимда турибди».

Бу тушни, бу хатни ҳам ва аслида бўлмаган бу ўпишни ҳам шу тўрт ой давомида Надежда сира эсидан чиқаролмади. Кейин у яна йигирмага яқин хат ёзган бўлса ҳам, лекин жавоб олмади. Фақат ташвиши ортиб борди, холос.

Надежда Сергеевна ойнадаги ўз аксига яна қайта диққат билан қаради.

Ташвиш, ташвиш!.. Ёшинг ошган сари ғам-ташвиш ҳам ошавераркан-да. Замонлар ҳам ўзгариб кетди. Инқилоб бўлди, озодлик келди, эркин замон. Ушанда ҳаракатга келган халқнинг оламшумул куч-қудратини у астойдил шавқ-завқ, зўр ҳаяжон билан кутиб олганди! Лақмаллигини қаранг-а: эртадан бошлаб осойишталик бўлади, бахтли, беташвиш ва тинч ҳаёт бошланади. Болаларни олиб келиш учун борса ҳам бўлади,— деб ўйлади-я! Соддалиги қурсин... Э, худойим-е, нимага бунчалик содда бўлмаса-я! Ахир у чор армияси полковнигининг қизи бўлибгина қолмай, балки жасурлиги бутун Петербургда дoston бўлган Сергей Александрович Малясовнинг қизи-я! Қандай қилиб шу хилда ўйлаши, хомхаёлга бориши мумкин?

Агар ҳозир отам тирик бўлганда, албатта, шубҳасиз, инқилоб сафида туриб унга, чин садоқат билан, бутун

қалби билан астойдил хизмат қилган бўларди, деган фикрни хаёлидан ўтказди. Нагеддани баъзи-баъзида, қандайдир ғалати хаёл чулғаб олиб миясини пармаларди нуқул: хаёлида отаси ўлмагандек, худди тирикдек туюларди. Унинг назарида, бундан бир неча йил муқаддам бу ерда, мана шу Осиёда, қандайдир бир сирли, номаълум ҳодиса рўй берганга ўхшаб кўринарди, лекин барибир у тирик. Қандайдир ёвуз кучларми ёки аксинча, яхши ниятли кишиларми, ишқилиб, ким бўлмасин, уни асирликда сақлаб, қаердалигини ҳеч кимга билдирмасдан жим юришга мажбур қилишса керак, лекин барибир у тирик деб ўйларди Надежда Малясова. Шундай деб ўйлаган сари отаси тирихлигига тобора кўпроқ ишонар ва бу ишонч кундан-кунга мустаҳкамланарди. Шунинг учун ҳам Надежда Сергеевна бирор мўъжиза рўй бериб, отам билан дийдор кўришиш насиб бўлармикин, деган умидда худога сиғинар, нола қиларди. Баъзан миясига аниқ, лекин қайғули фикр ҳам келарди: ахир отамнинг дом-дараксиз кетганига деярли ўттиз беш йил бўлса-ю, қанақанги худо-ю, қанақанги ёвуз куч уни шунчалик абадий сақлаши мумкин?! Лекин афсуски, барибир у ҳозир йўқ, шуниси ачинарли. Ҳа, жудаям ачинарли. Унинг билими, ақл-идроки, кучли иродаси, жасурлиги ҳозир иш берган бўларди-да. Кузьма Захарич билан Варламов Надеждага, инқилоб сен кутган тинч ва осойишта, роҳат-фароғатли ҳаётни олиб келмайди, деб исбот қилишга, уни ишонтиришга бир неча марта уринишганди.

Улар ҳақ экан. Мана, ғалаба ҳам қўлга кирди. Лекин ҳаёт янада мураккаблашиб, кураш бэрган сари кескинлашди. Кураш... Ҳамма ёқда кураш. Ҳамма ёқда ғала-ғовур. Шу пайтгача қандай қилиб тирик ва бешикаст юрганига ўзи ҳам ҳайрон. Ахир, ўттиз еттига кирди-я. Вой худойим! Наҳотки ўттиз еттига кирган бўлса?.. Йўқ... Шошманг. Бўлиши мумкин эмас!..

Надежда Сергеевна лабини пичирлатиб ўзича бир нималарни ҳисоблаб чиқди, хомушлик билан, зарда билан бош чайқаб қўйди-да, ойнадаги ўз аксига қараб деди:

— Ҳа, албатта... Энди нимасини санайсан?.. Ёшинг ўтиб қопти. Аёллар қирққа кирганда қирқилади, деган мақол бекорга айтилмаган...

Лекин бунга ишониш қийин. Қани қарилик аломати?

Қаеридан билиняпти? Хўш, Надежда Сергеевна, шу йиллар давомида сенинг руҳинг бардамлашмадими?.. Қанчадан-қанча машаққат, ташвишларга бардош беришга тўғри келди! Борди-ю, бу ўлкага биринчи бор ўн етти яшарлигида келган пайтида ҳозирги ғам-ташвишлар агар ўшанда бошига тушганда, эҳтимол бардош беролмаган бўларди. Йўқ. Уша пайтда у фақат қўтир билан лейшманноз касалини даволаб, бойларнинг мунофиқлигига қарши, нодонликка қарши курашган эди, ҳолос. Ушанда жуда кўп кишилар даволаниш учун Малясовага эмас, Бобохўжа табибга мурожаат қилишарди. Бобохўжанинг топган дориси: иссиқ от гўнги, эшак сийдиги-ю ўргимчак уяси эди. Қизил қон тузи билан даволайман, деб Худойқулнинг бутун оиласини нариги дунёга жўнатиб юборишига сағал қолганди.

Энди-чи?.. Агар ўтган икки ярим йил орасида қилинган ишларни, чунончи: бир қарасанг — ярадорларнинг жароҳатини боғлаш билан банд, дам — қўлга милтиқ олиб югуришга, дам — Бош темир йўл мастерско-йидаги ишчиларга чой қайнатиб беришга, дам — Тошкентдаги хусусий дорихонадан дори-дармонларни мусодара қилишга, дам — мажлисларда қарор ёзишга тўғри келганлигини ҳисобга олинмаганда ҳам... Борди-ю, ҳатто ўша таҳликали кунларни, уйқусиз тунларни эсламай, фақатгина ўтган ҳафтада Қорасув қишлоғида бўлган воқеани ўйлаб кўрилса бас... Ислонбек баққолнинг йккала хотинини тезлик билан касалхонага жўнатиш ҳамда учта бандитни: баққол Ислонбек билан мулла Миркомилхўжани ва яна бир табибни қамоққа олиш учун Қорасувга дарҳол милиция юборишларини талаб қилди. Бу ерда Еркентда эса ҳеч нимани эплаб бўлмади. Яна Тошкентга боришга тўғри келди. Ораси яқин бўлса ҳам майли эди. Худойқулни боришга зўрға кўндирди. Эҳ, Худойқул, Худойқул... Яхши одамсан-ку, фақат бир оз ўжарроқсан-да...

Уттиз етти ёш!.. Юзлари ҳали ҳам тип-тиниқ, сип-силлиқ. Биронта ажин йўқ. Фақат салгина қорайган, ҳолос. Ие, манави-чи.. Манави пешанасидаги ўргимчак толасидек билинар-билинемас из нима? Ажинми? Ҳа, ҳар қалай ажин тушибди. Шунақа! Табриклаймиз, Надежда Сергеевна! Ҳа, ажин. Мана... Узиям худди ўргимчак толасидек ингичка, илон изи бўлиб кетибди. Биттагина... Ҳозирча битта. Лекин битта бўлса ҳам

узунгина, деярли у чаккасидан бу чаккасигача бориб қолибди.

Малясова пешанасини тириштирди.

Қошлари-чи? Шу ҳам қош бўлдими? Илгари қалам-дек ингичка, қоп-қора ва узун эди. Энди бўлса, энига ўсиб, йўғонлашиб кетибди. Лекин барибир, ҳали ҳам узун. Қошларининг ранги ҳам ўзгариб, сарғишроқ тусга киргандек... Эҳ, кимга ўхшаб қолдинг, Надежда Сергеевна? Бурун-чи?! Ўзгарганми ё йўқми?.. Қитдек тўлишган бўлса керак. Ҳозир, ҳар қалай очарчилик, овқат масаласи чатоқ, лекин шундай вақтда бурун тўлишгани қизиқ... Ҳай, майли. Бунга парво қилмаса ҳам бўлади. Лаблари ҳам... чакки эмас. Заррача ўзгармаган. Худди ўша ўн етти ёшидагидек. Шундай экан... ўттиз еттига кирсанг нима бўпти?

— Руҳинг тетиклашди, Надежда Сергеевна! Руҳинг,— деди у ўзига ўзи овозини чиқариб.

Бошқа томонлари-чи? Худди ўн етти ёшидагидек. Фақат қоши ўзгарган ва ажин тушган демаса... Лекин бунинг бир иложини қилиш мумкин. Юзига упу суртиш керак... Айтгандай, упу ҳам бор: «Оққуш пари» — қутичада... Хўш, қош-чи? Қошни ҳам у ёқ-бу ёғини тўғрилаш керак. Охирги марта юзига қачон упу сургани эсида ҳам йўқ. Варламов қандай кутиб оларкин? Агар тирик бўлса... Агар соғ-саломат... Яраланмаган бўлса. Ишқилиб, балою қазодан йироқ бўлсин-да... Ишқилиб, соғ-саломат бўлсанг бўлди.

— Ўзинг ҳам мени соғингандирсан... Мени кутавериб кўзларинг тўрт бўлгандир балки. Хотининг олдинга бормоқчи бўлиб отлангани эҳтимол хаёлингга ҳам келмагандир,— деди у оҳиста пичирлаб.

Лекин Худойқулга ўхшаган ланж одамлар билан йўлга чиқишдан қийин нарса йўқ. Қани энди ҳадеганда қимирлай қолса. Бир амаллаб Тошкентгача — вокзалгача бориб олса бўлгани. У ёғига бир иложини қиларди.

— Бу нимаси, нега ҳаяллаб қолдийкин? Отга кетиб от бўлиб кетдимикин! Ахир от ўзиники-ку. Худойқул оти билан бирга амбулаторияда хизмат қилади, шу ердан мояна олади. Бундан уч кун аввал амбулаторияга «Кўшчи» саязининг ҳозирги раиси келиб Худойқулдан отини сўрагани, у миқ этмай ўтираверди. Оғзига носвойидан солди-да, дераза ёнига ўтириб олди.

Шундан кейин раис Надеждага мурожаат қилишга мажбур бўлди:

— Синглим,— деди у қўлини қовуштириб,— манави мусулмонга сен айтгин, отини бериб турсин.

— Мен сизга ҳайронман, Роҳат. Сиз ахир раиссиз, совет ҳокимиятининг вакилисиз. Нима учун Худойқул гапингизга кирмайди? Нега? Сабаби нима?

— Билмасам... қайдам...

— Отни нима қиласиз?

— Дон ортилган араваларни Тошкентга юборишим керак экан.

— Дон ортилган?

— Ҳа, ҳа, синглим, дон. Буғдой, жўхори, арпа. Очликдан қийналган москваликларга.

— Донни қаердан олдиларинг?

— Озиқ-овқат развёрсткаси орқали йиғдик. Уйма-уй юриб, охиргисини олиб тўпладик. Иложимиз қанча: «Бўзчи белбоққа ёлчимас» дегандек, биз ҳам...

— Ана! Эшитдингми, синглим? Нима деганини эшитдингми?— деди Худойқул тутақиб курсидан тураркан.

— Хўш, нима депман?— сўради раис хотиржамлик билан боягидек қўл қовуштириб.— Гапим тўғри эмасми?.. Бўзчи белбоққа ёлчимайди дедим. Хўш?.. Шу гапни нимаси нотўғри экан?

Худойқул жаҳл билан очиқ дераза олдига борди-да, оғзидаги носвойини тупуриб, шартта ўгирилди.

— Сен ўзингни муғамбирликка солма. Кимларнинг гапини гапираётганингни жуда яхши биламиз.

— Кимларнинг гапи экан?

— Советнинг гапи эмас.

— Шунақамн?

— Абдулхай бўлиснинг гапи бу.

— Тўғри. Нима, у совет кишиси эмасми?

— Йўқ, совет кишиси эмас.

— Е тавба! Хўш, ундай бўлса, бутун бошли бўлишни қандай қилиб қўлида ушлаб турибди?..

— Билмадим.

— Ким уни бу тахтга мингазиб қўйди?

— Билмадим. Лекин сени раис қилиб қўйган одам ўша бўлади. Буниси менга аён.

— Йўқ, Худойқул. Мени сен сайлагансан, сенга ўхшаган деҳқонлар сайлаган.

— Ҳеч ким сени сайлагани йўқ. Сени бу вазифага Абдулхай ўтқазиб қўйган.

Роҳат кўзларини қисиб индамади, Худойқулга узоқ тикилиб қолди.

— Хўп, майли, Худойқул,— деди у бирдан хушмуомалалик ва муросасозлик билан.— Кел, қўй, баҳслашиб нима қилдик? Ундан кўра отингни бериб тур.

— Бермайман.

— Ўзи нима гап, Худойқул амаки? Бундай тушунтириб гапирсангиз-чи,— деб сўради Надежда Сергеевна.

— Билмадим, нима гаплигини, анавидан сўраг.

— Қанақаси бўлди? Ахир, сиз отингизни бермаяпсиз, у эмас. Биласизми, бу ахир... Ҳозирги пайтда шунча донни жўнатмай ушлаб туриш...

— Отни берганим бўлсин,— деб унинг гапини бўлди Худойқул.— Бераман. Лекин ўзим бирга бормоқчиман. У бўлса... Сенинг керагинг йўқ, дейди. Унга фақат отим керакмиш.

— Эй мусулмони комил, гапга тушунсанг-чи ахир, ҳаммамиз тўдалашиб қаёққа борамиз?— деб босиқлик билан тушунтиришга уринди раис.— Сенсиз ҳам ўзимиз беш кишимиз. Гапга тушунгин. У ерда мен керакман... ҳокимият вакили сифатида. Ахир олиб борган дон-дуларимизни сен эмас, мен топшираман-ку.

— Топширавер. Мен аравакаш бўлиб бораман.

— Яна ўзиникини маъқуллайди-я! Ахир айтяпман-ку... Отлар семиз бўлса ҳам бошқа гап эди! Юки оғир.

— Мен фойтун арава ёнида яёв кетавераман.

— Сенинг фойтун араванг керак эмас. Арава ўзимизда бор.

— Менинг Бойчовкарим аравага қўшишга ўрганмаган.

Раис чуқур нафас олиб хўрсинди-да, ниҳоят қўлларини шалвиратиб икки ёнига туширди, умидворлик ва итоатгўйлик билан Малясовага ғамгин қаради. Раиснинг бутун важоҳати: эғнидаги ҳаддан ташқари узун, этаги тўпнига тушган, туя жуни билан отнинг тер ҳиди босиб, яғирини чиққан қовума қора чопонидан тортиб, белбоғ ўрнига боғлаган белидаги бир парча дағал бўздан тортиб оёғидаги калиш-маҳсигача — ҳаммаси ғалати эди. Енглари ҳам шунчалик узун эдики, ҳатто қўлини

қовуштирганда дастпанжаларини яшириб, тағин бир қарич осилиб турарди. Елкасини итоатқорона қисиб туриши ҳам, энгагигача осилиб тушган ипдек мўйлови ҳам Малясовага ҳамон итоатқорлик ва сабр-тоқат билан қараб мўлтираб турган қўй кўзлари ҳам,— хуллас унинг бутун қиёфаси, «Манавининг қайсарлигини кўр-япсанми? Қанақа гап уқмайдиган одам ўзи бу? Гапирсанг-чи унга, синглим, шояд аёл кишининг гапига кирса»,— деган маънони англатарди.

Худойқул бирдан гап бошлаб қолди:

— Илгарилари сен ичингдан беқасам тўн, устингдан адрас чопон кийиб юрардинг. Икки-учтасини устма-уст кийиб олардинг. Белбоғ билан саллаларинг ҳам бўздан эмасди. Нега энди бунчалик палапартиш, фақирона кийинадиган бўлиб қолдинг, Роҳат? Тошкентга бораман деяпсан, тузукроқ уст-бошинг йўқми? Нима бўлди сенга? Хукумат қўлингда бўлса-ю, устингдаги чопонингни қара, худди раҳматлик Болтабойнинг кафанига ўхшайди.

Боядан бери сабр қилиб, уларнинг баҳсларига қулоқ солиб ўтирган Надежда Сергеевна:

— Майли энди, Худойқул амаки, отингизни бера қолинг,— деди.

— Сен нима қиласан, синглим? Ахир, жўнашинг керак-ку.

— Мен кутиб тура тураман.

— Нега энди? Нега кутишинг керак экан? Хўш?... Қачондан бери йўлга чиқаман деб тараддудланаяпсану, яна кутмоқчимисан?

— Ҳечқиси йўқ. Кута тураман. Донни кечиктирмай тезлик билан етказиш керак. Бу ахир, дон, нон!

Улар аравалар қайтиб келишини тўрт кунгача кутишди. Ниҳоят, бугун эрталаб Худойқул:

— Аравалар қайтиб келипти, Нодира. Айтишларига қараганда кеча кечқурун келишганмиш,— деди хурсанд бўлиб.

— Кеча? Қачон улгура олишдийкин? Ахир араваларга юк ортилганди-ку.

— У ёққа юк билан, қайтишда юксиз. Шундай бўлгач, улгуришган-да.

— Ундай бўлса, нега отни эгасига топширишмади?

— Ҳозир бориб Роҳатдан сўрайман. Сен унгача у ёқ-бу ёғингни йиғиштириб тайёрлаиб тур. Йўлга тушамиз.

Бу гап уч соат олдин бўлган эди. Шу вақт ичида Надежда Сергеевна олтига кирган иккита эгизакни кўришга ҳам улгурди. Уларнинг биттаси касал, иккинчиси соғ эди.

— Уғлингиз безгак бўлибди,— деди у боланинг онасига. — Лекин менда хинин йўқ. Ердан беришга ожизман.

Ундан кейин мўйсафид Шавкат ота келиб, ўнг елкам билан тиззам қақшаб оғрияпти, оғриғига чидолмай туни билан додлаб чиқаман, деб шикоят қилди.

Надежда Сергеевна энди қутулиб йўлга отланиб турганда, Бордонқулдан Бибинур билан Муҳаббат кириб келди. Уларнинг қишлоғидаги хотин-қизлар кўчанинг ўртасига гулхан ёқмоқчи ва паранжи-чачвонларини оловга ташлаб куйдирмоқчи экан. Улар шуни Надежда Сергеевнага айтгани келишган эди.

Бибинур Болтабойнинг катта қизи, отаси ўлгандан кейин Надежда Сергеевна уни ўзига ёрдамчи қилиб амбулаторияга олган эди. У кўп ўтмай эрга тегиб, Бордонқулга кетиб қолди. Эри камбағал-деҳқондан чиққан юмшоқ кўнгилли, дуруст киши бўлиб, Бибинурни севарди. Лекин у ўлдираман деб қўрқитиб, паранжи ташлашни қатъиян ман қилганди.

— Агар ташлайдиган бўлсанг, сўяман дейди. Энди нима қилсам экан?

— Сабр қилиш керак,— маслаҳат берди Надежда Сергеевна ўйлаб туриб.— Сабр қил. Афтидан, кимдир унинг қўлтиғига сув пуркаб гиж-гижлатаётганга ўхшайди. Ҳозир бундай қилиб бўлмайди. Сағал шаштидан тушиб, ўзига келсин, ана ундан кейин кўрамыз.

— Ахир сиз кетяпсиз-ку.

— Қайтиб келаман.

Бибинур билан Муҳаббат кетди. Надежда Сергеевна эса ҳамон Худойқулни кутиб ўтирарди. Ҳадеганда ундан дарак бўлавермади. Худойқулнинг жаҳли тезлигини билгани учун ундан хавотирланарди. Охири тоқати тоқ бўлиб, ўтирган еридан энди қўзғалган эди ҳамки, Худойқул ҳовлиқиб кириб келди. Надежда Сергеевна уни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаган эди.

— Худойқул амаки, сизга нима бўлди?— деб сўради ҳаяжонланиб, шу билан бирга, эсон-эмон келганини кўриб хурсанд бўлди.— Нега бунчалик хаяллаб кетдингиз?



Худойқул кўзларини чақчайтириб унга тикилганича қимирламай турар, нафаси тиқилганидан гапиролмасди.

— Нима бўлди сизга? Тинчланинг, — деди Надежда Сергеевна силлиқ ва майин, ёқимли овоз билан. Бу овоз ҳар қандай қизиққон одамни бирпасда юпатиб тинчитар эди.— Хўш, нима гап ўзи, у ерда қандай ҳодиса рўй берганини бир бошдан гапириб беринг-чи.

— Улар ҳалиям жойларидан қимирлашмапти, синглим.

— Бу қанақаси? Нега шу пайтгача жўнашмапти? Дон қаерда?

— Аравалар Қорасувда турипти. Бу ердан беш чақиримча келади.

— Нега энди? Нима қилиб турипти?

— Билмадим.

— Раис нима дейди?

— Ҳеч нарса демайди. Мен уни ахтариб тополмадим.

— Ўзи қаерда, ахир? Ўзи?

— Билмадим. Мен уни ахтариб тополмадим, — яна такрорлади Худойқул. У энгашиб чопонининг барини кўтарди-да, худди ҳаммомдан чиққандай терлаб кетган юз-кўзларини этаги билан арта бошлади.

Надежда Сергеевна эса, то Худойқул ажин босган бўйнини ҳам артиб бўлгунча индамай кутиб турди.

Унинг юзлари тошдек қотиб, қоп-қора узун қошлари керилди. Шундан кейин унинг юзи, айниқса, қошлари янада чиройли бўлиб кетди. Агар Худойқул шу дамда фаҳмли бўлиб бирор нарсани сеза оладиган бўлганда-ми, шу чимирилган қора қошлар тагида аллақандай ғазабнок сояларнинг гоҳ таққа тўхтаб, гоҳ хавотирлангандек яна типирчилай бошлаганини кўрган ва англаган бўларди албатта.

— Кетдик! — деди тўсатдан Надежда Сергеевна қатъий қилиб ва эшик томон йўл олди.

Остонага боргач, бир дам тўхтади-да, алланималар ҳақида ўйланиб қолди. Кейин стол ёнига қайтиб, тилла ранг сумкачасини олиб очди-да, куржевали батист дастрўмолчага ўроғлиқ бир нарсани кўздан кечириб чиқди.

— Кетдик, — дея такрорлади у Худойқулга.

«Кўшчи» союзи идорасидан раисни тсполмадилар. Унг оёғи лат еган чўлоқ қоровул Надежда Сергеевнани

кўриши биланоқ унинг қаршисига пешвоз чиқиб тиз чўкмоқчи бўлди-ю, лекин погирон оёғи булга имкон бермади.

— Бу қанақаси, Холмат ака? Асло ундай қилманг, кераги йўқ,— деди Надежда Сергеевна юзини ранжигансимон буриштириб, дарҳол унинг елкасидан ушлади.— Бунақани ёқтирмаслигимни биласиз-ку. Раис қаёқда?

Холмат яна тиз чўкмоқчи бўлди-ю, лекин бу сафар Худойкул жаҳл билан унинг белбоғидан маҳкам ушлаб, йўл қўймади. Шундан сўнг Холмат икки қўлини кўксига қўйди-да, Роҳатни тўрт кун аввал аравалар билан кетгандан бери кўрмаганлигини айтиб, Муҳаммад пайғамбардан тортиб, худон таоло ва Маккани ўртага солиб қасам ича бошлади.

— Аравалар Қорасувда нима қилиб турипти, хабаринг борми? Хўш, нега у ерда турипти? — сўради Худойкул.

— Билмадим. Ахир мен сенга бундан ярим соат олдин тушунтирдимку! Нега энди тагин суриштирасан?

— Роҳат нима учун келиб кетди — буни ҳам билмайсанми?

— Билмадим, кўшнижон, билмадим. Буни ҳам боя ўзингга айтдим-ку, ахир.

— Менга қара, агар ёлғон гапирган бўлсанг — кетини ўйлаб кўр: Маккани, худони ўртага солиб қасам ичдинг...

— Қасам ич десанг, яна миллион марта қасам ичан.

— Қўй-е!.. Ўзинг мусулмонмисан ахир? Шундай муқаддас сўзлар билан қасам ичиб бўладими? Гуноҳи азим-а!

— Гуноҳи азим! Ишонмасаларинг нима қялай ахир?!

— Синглим... Холматга ишонмиш керак. Мусулмон фарзандига ишонмай бўлмайди. Фақат... Ҳайронман. Бу қандай бўлдикин-а?... Шу бугун эрталаб Роҳатни ўз кўзим билан кўрдим, остида меннинг отим. Тўғри, вақт жуда эрта эди, эндигина ғира-шира ёришиб келаятганди. Лекин от ҳидимни билиб кишнаб юборди. Севиниб кетиб яхшироқ тикилиб қарасам — Роҳат. Танидим уни бир неча марта чақирдим, лекин у жавоб қилмай, отни йўрттирганича кетди. Кеча кечқурун ҳам

менинг отимда юрганини одамлар кўрган экан, кейин айтиб беришди.

— Абдулхай бўлисининг олдига боринглар. Боринглар, — деди бирдан сирли равишда Холмат ва энгашиб олиб, ногирон оёғининг тиззасини астойдил ишқалай бошлади.

— Холмат ака, борди-ю ёлғон гапириб бизни лақилатсангиз, унда уят бўлади, — деди Надежда Сергеевна. — Ахир мен сизни даволаганман-а...

— Гапинг тўғри. Сочим ўша лаънати темирўткидан тўкилиб кал бўлай деб қолувдим. Мана энди соч ўсиб чиқяпти, — Холмат қаддини ростлади-да, бошидан дўписини олиб, бақувват ва қалин қора сочинни кўрсатди.

Абдулхай бўлисининг карвонсаройга ўхшаш баланд дарвозасини шу тобда тақиллатишдан фойда йўқ, чунки у маҳкам ёпилган, ҳовли ичи сув қуйгандек жимжит албатта.

— Кетдик, — деди яна Надежда Сергеевна.

— Қаёққа?

— Қорасувга. Аравалар ўша ерда, деб ўзингиз айт-япсиз-ку?

— Ҳа, ўша ерда.

— Ким айтди сизга?

— Ҳеч ким. Ўзим бориб келдим. Аравакашлар карвонсарой ҳовлисидаги қайрағочнинг тагида карта ўйнаб ўтиришибди. Улар тўрт киши. Лекин ораларида Роҳат йўқ, кўринмади.

— Кетдик.

— Тўхта, синглим. Ахир ораси анча йўл-а, беш чақиримдан кўпроқ келади.

— Ҳечқиси йўқ, қани кетдик.

#### 4

Гаплашишга ҳам вақт йўқлигидан индамай боришарди. Теварак-атрофга қарашга ҳам фурсат йўқ эди. Аммо миянга уймалашган фикрлардан қочиб қутуллолмайсан. Хоҳ шошиб-пишгин, хоҳ отга миниб чоғин, барибир хаёлингни опқочиб, юрагингга ғулғула солаверади.

Худойқулнинг бутун фикри-зикри боғидаги дарахтларни бу йил баҳорда чилпишга қўли тегмаганида,

хаёли — Надежда Сергеевнада эди. Худойқул Надежда Сергеевнани таниганига неча йил бўлган бўлса, шундан бери унинг сабр-бардошига, жасоратига, чидамига ҳайрон қолиб юарди.

«Сиртдан қарасанг, худди қушчадек, қалдирғочдек заиф ва нозик кўринади... Лекин қилаётган ишларини кўрсанг — ақлинг лол қолади. Худди бургут дейсан. У қилган ишларни ҳатто темирчи Қурбон ҳам қилолмайди. Бу аёлнинг қалби қандай пўлатдан, қайси ноёб металлдан ясалганикин-а?! Олтинданми ёки темирдан? Йўқ, ҳар қалай темирдан эмас. Синглим Нодира қалби зангламайдиган қимматбаҳо металлдан. Олтиндан куйилган унинг юраги. Ҳа, олтиндан. Йўқса шунча куч-қувват қаёқдан келади унга? Қурбон эса, қуруқ устихон билан пайдан иборат. Пайлари ҳам арқондек йўғон. Унинг бутун куч-қуввати ана шу устихонлари билан пайларида. Нодиранинг бутун куч-ғайрати қаериданкин? Қалбининг қайси бир бурчагида? Ҳар бир одамнинг қалбини бутун бошли бир давлат дейиш мумкин: унда ўз хазиналари, ҳатто ўз қалъаси ҳам бўлади. Баъзи одамларда бу хазиналар бўшроқ, баъзиларда эса тўла бўлади. Айримларнинг қалъаси мустаҳкам, айримларники эса заифроқ... Ҳа, шундай... Дарахтларни чилпишга қўлим тегмади, энди ишқилиб атрофини чопиб юмшатовсам бўлгани. Ҳозир айна чопадиган пайт. Лекин синглим Нодирани қандай қилиб ташлаб кетишим мумкин. Ҳўш? Қимга ишониб ташлаб кетаман?.. Енида Кузьма Захарич, на Деҳқонбой, на Варламов бўлмаса. Ишонгани Қурбон эди. Лекин у ҳам олисда».

Худойқул ана шу хаёлларга берилиб кетганидан, Надежда Сергеевнадан элик қадамча орқада қолиб кетганини ҳам сезмади. Орқада қолганини бирдан пайқади-да, олдинга қараб, чолларга хос бесўнақайлик билан лапанглаб чопа бошлади. Унг тарафда гуркираб ўсган терак ниҳоллари орасидан чиқиб келган сўқмоқ кўринди. Бу сўқмоқ гўё катта дарёга қуйилган кичкина ирмоқдек, Ореховкага бориладиган қишлоқлараро катта йўлга қўшилди. Қорасувдан ўтиладиган тахтакўприкка энди яқин қолганди. Кўприкдан ўтилса, у ёғи таниш қишлоқ. Худойқул билан Надежда Сергеевнанинг эсларида бор: илгари шу ердан кўприкнинг панжаралари ва тўрт томонига теракдан йўниб қоқилган ходалар кўриниб турарди. Энди бўлса панжарадан асар

қолмаган, кўприкнинг ўзи ҳам бу ердан кўринмасди. Фақатгина мачит мезанасидаги оқ тунокадан қилинган ярим ой, кулбаларнинг томларидаги ям-яшил майсалар, гуллай-гуллай деб турган лолақизгалдоқлар, кўприкдан ўтилгач, йўлнинг чап томонида икковига ҳам таниш бўлган қарвонсарой ҳовлисидаги садақайрағочнинг учлари кўринарди, холос.

— Аравалар қаерда турибди? Қарвонсаройдами?— сўради Надежда Сергеевна.

— Ҳа, ҳа, ўша ерда. Ҳовлида, — деди шоша-пиша Худойқул нафаси тиқилганидан энтикиб.

Қарвонсарой дарвозасининг ланг очиқлиги Малясовани янада ҳайратда қолдирди. У шитоб билан ҳовлига кириб, тўхтади-да, теварак-атрофни кўздан кечирди.

Шу пайт унинг рўпарасида Роҳат пайдо бўлди.

— Синглим?.. Қандай шамол учирди? — деб сўради у ажабланиб.

Лекин Надежда Сергеевна уни кўрмади, гапини ҳам эшитмади. Араваларни икки, уч, тўрт марта санаб чиқди. Араваларнинг ҳаммаси жойида, каттакон сарой бўйлаб қаторасига бир-бирига тиркаб қўйилган эди.

— Отлар қани? — сўради у.

— Шу ерда, бостирмада.

Надежда Сергеевна ғира-шира қоронғи бостирманинг тўр томонига қаради-да, унинг бу бошидан у бошигача юриб, отларни ҳам санаб чиқди.

— Худойқул амаки, текшириб кўринг-чи, қоплардаги нима, буғдойми, ё?..

— Буғдой. Текширдим.

Малясова шундан кейингина у ёқ-бу ёққа аланглаб «Қўшчи» союзининг раисини қидира бошлади. Роҳат эса шундоққина рўпарасида, ёнма-ён турарди.

— Мана, мен. Нима гап ўзи? — деди у кимни қидираётганини фаҳмлаб.

Надежда Сергеевна ҳайрон бўлиб, индамай унга қараб турди-турди-да:

— Йўқ, бу сиз эмассиз, — деди.

Раис шунчалик ўзгариб кетган эдики, чиндан ҳам Надежда Сергеевна уни танймай қолди. Эғнида янги беқасам тўн, унинг устидан қўш белбоғ, бошида кўк духоба дўппи, оёғида сариқ шаброн этик.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Ким?.. Менми?..

— Ҳа, сиз. Араваларни, донни нега жўнатмадингиз?

— Э-ҳа, шундай демайсизми? Саволингизга ҳозир жавоб берамиз,— у теварак-атрофга қаради. Аравакашларнинг тўртови ҳам орқасида турарди.— Нимани кутаётганимизни ановилардан сўранг.

— Музикани кутяпмиз,— деди аравакашлардан бири баланд ва хушчақчақ овоз билан.

— Нима?..— сўради Надежда Сергеевна ўз қулоқларига ишонгиси келмай.

— Музикани! — Яна овозини баланд қилиб такрорлади ўша аравакаш.

Малясова яна ишонмади, бир нафас ўйлашиб туриб сўради:

— Қанақа музика?

— Оркестр. Духовой оркестр. Ахир, дон ортилган қизил карвонни оркестрсиз жўнатиб бўлмайди-ку, — деб тушунтира бошлади раис. — Тушунарлими?! Оркестр Тошкентдан келиши керак.

Шундан сўнг Малясова раисга тикилганича индамай узоқ туриб қолди. Лекин Роҳат ортиқ сабр қилолмай, яна аравакашларга ўгирилиб қаради.

— Сизга нима бўлди ўзи? Ҳазиллашяпсизми ёки эс-ҳушингизни еб қўйдингизми?— яна сўради Малясова.

— Йўқ. Худо ҳаққи, биз музикани кутяпмиз. Оркестрни, — қайта тушунтирди Роҳат. — Абдулхай бўлисининг буйруғи шу.

— Абдулхайнинг буйруғи билан... Тўрт кундан бери духовой оркестр кутяпсизларми? Одамлар у ёқда донни кутиб ўтиришса-ю, сизлар бу ёқда музикани кутсаларинг!.. Очликдан одамлар қирилиб кетяпти! Буни тушунасизми?! Сизларни отиб ташлаш керак.

— Синглим... Бу ерга нима иш билан келдингиз ўзи? А?.. — бирдан сўраб қолди Роҳат кўзларини қисиб.— Бу ерда Совет ҳокимияти ким ўзи?!

— Мен.

— Нима деддингиз?

— Бу ерда Совет ҳокимияти мен.

Роҳат кулиб юборди.

— Йўқ, менман.

— Ҳозироқ араваларни жўнатиб. Ҳозироқ!

— Менга корчалолик қилманг, буйруқ ҳам берманг. — Роҳат бошини кўтарди-да, гўё еб қўйгудек бўлиб, сурбетларча унга тикилди.

— Мен сизни ҳозироқ отиб ташлайман,— деди овозини баландлатмасдан, деярли пичирлаб Малясова, бармоқлари эса сумкасининг мис илгагини пайпаслар эди.

Сумкаси шиқ этиб очилди. У сумкасидаги оқ батист рўмолчани олиб ташлади-да, зилдай оғир қора браунинг олди.

«Сенга қолдираман. Эҳтиёт қил. Кулма. Балки вақти келиб керак бўлиб қолар», — деган эди Варламов фронтга жўнаб кетаётиб.

— Йўқол! — Шунақанги жаранглаган овоз билан қаттиқ бақирдики, ҳатто Худойқул ҳам чўчиб кетиб, довдираб қолди.

— Йўқол! Йўқол! Йўқол, аблаҳ!

## 5

— Ҳа-а...— деди Қурбон ўйчан ҳолда.— Демак, Ёр-кентда шунақа ишлар бўляпти. А?

— Ўзим ҳам қўрқиб кетдим,— деди Худойқул.— Эҳ синглим, ҳеч қачон сенинг овозинг бунчалик даҳшатли эканини эшитмаган эдим. Қарасам, ўқ товуши, ҳайқирик. Яна ўқ товуши, яна ҳайқирик. Қўрқмай бўладими?.. У ҳам оёғини қўлига олиб қочиб қолди.

— Қочиб кетдими? Қаёққа?

— Дарвозадан отилиб чиққаннича, тўппа-тўғри кўприкдан ўтиб кетди. Афтидан, Ёркент томонга қочди. У олдинда, орқасидан яна иккитаси. Фақат Йўлчи билан Мўмин қолди. Қочоқлар ҳатто кўприкка етганда ҳам Нодира ҳамон уларнинг орқасидан бақирарди, «Йўқол!»— дея бақирар ва осмонга қарата отарди.— «Йўқол»— яна ўқ узарди... Яна ўқ узарди...

— Яхшиямки осмонга қарата отдим,— деди Надежда Сергеевна ҳорғинлик билан.— Тўппа-тўғри ўзига отишим ҳам мумкин эди. Чунки нима қилаётганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Азбаройи ғазабланганимдан ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Яхши қилгансан,— деди Қурбон.— Жуда яхши!

— Уйқум келяпти,— деди Надежда сандал устига ёпилган кўрпага бошини қўяркан кўзини юмиб. Ҳаммалари оёқларини сандалга тиқиб ўтиришарди.

— Шошма, синглим. Бир қарорга келиб олайлик: араваларни ҳозир жўнатганимиз маъқулми ёки эрта-лабга яқинми?

— Кечаси йўл босиш хавфлими?

— Ким билади дейсан... Ҳозирча тинчликка ўхшайди...

— Донни тўрт кун ушлаб қолипти. Ҳозир жўнаганингиз маъқул, Қурбон ака. Эрталаб Тошкентда бўласиз.

— Тур, Худойқул, кетдик. Ановиларга... Йўлчи билан Мўминга ишонса бўладими?.. Худойқул, нега индамайсан?

— Ишонса бўлади. Ҳозир ҳам иккови отларнинг олдиди қолди. Сизлар бораверинглар, биз қараб турамыз, дейишди. Шундай бўлганига ўзлари ҳам ҳижолатда. Эсимни танибманки мен уларни биламан. Иккови ҳам ўлгудай содда.

— Кетдик; бўлмаса.

Худойқул яланг оёқларини сандалдан чиқариб, ўрнидан қўзғалди.

— Ҳозир мен ўз ишим билан овора бўлсаммикин дегандим, — деб қолди у иккилангансимон.

— Қанақа иш билан?

— Боғни чопиш керак эди. Айни пайти-да.

— Олдин донни топширайлик, Нодирани Скобелевга кузатиб қўяйлик. Ана ундан кейин менга деса кечаси-ю кундузи чопавер боғингни. Ҳозир жўнаш керак, қани кетдик.

— Қурбон ака, сизлар қайтиб келгунингизча мен шу ерда қоламан,— деди Надежда Сергеевна кўзини очмай. — Тозагул билан Башоратни ёлғиз қолдириб кетолмайман. Хотиржам бўлинг. Қайтиб келганингиздан кейин бирга Ёркентга жўнаймиз. «Қўшчи» союзи-га ўзингиз раис бўлишингиз керак.

Қурбон индамай, Худойқул билан бирга чиқиб кетди.

Надежда Сергеевна бошини қўлига қўйганича ўша алфозда сандал ёнида қимирламай ўтирарди.

Тозагул билан Башорат ора-сира ўзаро пичирлашиб, унга ўрин солардилар.

— Қандай қилиб шунақа қилиб қўйганимга ўзим ҳам ҳайронман,— деди бирдан Надежда Сергеевна бошини кўтармай.

Тозагул билан Башорат иккови бир-бирларига қараганча қотиб қолишди. Бир оздан кейин яна ўрин солишга уриниб кетишди.



## И К К И Н Ч И Қ И С М

### БЕДАРАК ИУҚОЛГАН

#### 1

Қилич зарбасидан қаттиқ жароҳатланган Рустам сой бўйидаги ёлғиз қўрғончада ётарди. Бу сой — «Тиниқ кўз ёши» деган ғамгин ном билан аталарди. Унинг бошқа кўпгина тоғ сойларидан фарқи шу эдики, ҳеч қачон қуримас ва бу водийга йироқлардан тўғдаги булоқлардан оқиб келарди. Унинг суви чиндан ҳам худди ёш боланинг кўз ёшидек тип-тиниқ эди.

Рустам бу ерда уч кундан буён ётарди. Унинг ўнг қўли ва бир ёқ елкасининг бир қисми чапиб ташланган эди. У ҳушидан кетиб нуқул инграр ва иссиғи зўрлигидан пўрсилдоқ бўлиб кетган лабларини билинар-билинимас қимирлатиб пичирлар: отаси билан онасини чақирарди. Баъзан шу қадар қаттиқ ваҳшиёна чақирардики, ҳатто овози қўрғончадан бир ярим чақирим наридаги Тозасой қишлоғида ҳам эшитиларди. Ухтин-ўхтин ўрнидан туриб, остонага югуриб чиқарди-да, чўғдай қизариб кетган кўзларини йириб қизғиш туман орасидан бир нафас аллақабёқларга қараб турарди ва бирдан худди терак қулагандай, чалқанчасига йиқилиб тушарди.

Мўйсафид бир чол унга ғамхўрлик қиларди. У бир неча марта Рустамни остонада қонга бўялиб ҳамма ёғи мажақланиб ётган пайтларда аранг кўтариб қўрғончага олиб кирган ва бўйра устидаги кўрпачага авайлаб ётқизиб қўйган. Ҳатто бир куни чол қишлоқдан келаётиб, уни сувда — сойдаги тош устида ётганини кўриб қолди. Ҳайтовур йигитнинг толеи баланд

экан, сув муздек бўлгани учун ҳушидан кетмабди. У, соғ қўлини сойнинг саёз ерига тираб, бошини сувдан кўтариб, чуқур-чуқур нафас оларди.

Чолнинг ҳеч кими йўқ эди. У ана шу қўрғончада якка-ёлғиз яшарди. Эндиликда унинг бутун фикр-зикри ярадорнинг дардига малҳам бўлиш, ўлимни енгишига ёрдам бериш билан банд эди. Шу йўлда жонини ҳам аямасди: ҳар доим Рустамга меҳрибонлик қилар, тагига юмшоқ кўрпа тўшаб, айланиб-ўргилар эди, ҳаттоки, қўрғончадаги ўзи ётиб юрган боққа қараган баҳаво жойини ҳам унга берган эди. Қишлоққа бориб қатиқ олиб келар, иссиқ-иссиқ чой ичирар, овқат қилиб берарди. Чолнинг бу қадар астойдил уринишлари, кўз ёши тўкиб оталарча қилган дуою илғи-жолари эвазига парвардигор буларга раҳм этиб бир мўъжиза кўрсатиши: Рустамнинг жароҳатини тузатиб қўлини асл ҳолатига қайтариши керак эди-да ахир... Ҳа, фақат мўъжиза билангина бу қўл жойига келиши мумкин, йўқса уни кесиб ташлашга тўғри келар, битиб кетишига сира кўз етмасди, чунки суяги билан бирга кесилгани учун фақат қўлтигидаги ингичка бир пайга илиниб турарди. Балки чол таваккал қилиб ўз пичоғи билан шартта кесиб ҳам ташлар эди-ю, лекин... кўзи ожиз бўлгани учун буни қила олмасди.

Жонкуяр чол кўпинча кундузимни ё кечасими, ишқилиб, ярадорнинг тепасида термилиб, унинг пала-партиш алаҳсирашларига, оҳиста инграшига қулоқ солиб, қачон ўзига келаркин, деб пойлаб узоқ ўтирарди. Қўрғонча рўпарасидаги сойнинг нариги ёғидаги бедапояда қандай воқеа юз берганини йигитнинг ўз оғзидан эшитиши керак эди-да ахир.

Бу воқеа икки кун олдин, жума куни бўлганди. Кечқурун сўқир Сирож худди кун ботар маҳалида бойларнинг олисидаги бедапоясидан бир тўрқовоқ тўла беданани кўтариб ўз қўрғончасига қайтаётганди. Бу ерларни Сирож яхши билар, ҳаммаси азалдан унга таниш эди. Шунинг учун ҳам бирон нарсани босиб олиш ёки қоқилиб кетишдан қўрқмай, бир қўлида — бедана солинган тўрқовоқ, иккинчи қўлида — ҳассага ўхшаш ингичка таёқча билан дадил юриб келмоқда эди. Йўлида қанча ариқ, қанча дўнглик, қанча пушта борлигини, қаерда сертикан наъматакни, дўлана ёки жийда дарахтини айланиб ўтиш кераклигини, сойдан кечиб ўтгач,

уйининг олдида чикмоқ учун қасрда чапга бурлиш лозимлигини яхши биларди чол.

Сирож энди тутзордан ўтиб, сойга тушаверишдаги охирги ариқдан ҳатлаган эди ҳамки, қулоғига кимнингдир инграган овози эшитилди. У дарҳол тўхтади. Бу овоз шундоққина унинг ёнидаги бедапоядан келар, Сирож ҳам айни шу бедапоя четидаги ёлғизоёқ йўлдан келаётганди.

Инграган овознинг нималигини аниқлаш учун у ҳам барча кўрлар сингари, бир оз бошини кўтариб тингшанди, бир-икки минут қимирламай турди-да, бирдан нига жойидан қўзғалиб, тизза барабар кўм-кўк бедани ҳассаси билан оҳиста нари-бери суриб, юракни эзадиган даражада ингроқ товуши келаётган томонга шоша-пиша юриб борди. Қўлидаги ҳасса тўсатдан юмшоқ бир нарсага тегиб, Сирож қоқилиб тушди, сал қолди йиқилиб кетишига, лекин ўзини ўнглаб олди. Ҳар бир нарсани ҳассаси билан туртиб-сийпалаб аниқлашга ўрганган сўқир чол босилиб қолган беда устидан ҳассасини аста юргизган эди ҳамки, ҳасса туртилиб кетди, у чўкка тушди. Уша заҳотиёқ тиззаси билан қўли аллақандай қуюқ шилимшиқ нарсага тегди. Чол шоша-пиша кафти билан бармоқларини бедага артди-да, олдида чўзилиб ётган кишини иккала қўли билан пайпаслай бошлади. Бирдан иккала қўли ҳам таққа тўхтади, бир лаҳза ўтар-ўтмас, бармоқларининг учи ерда ётган кишининг бошига тегиб кетди, бош мурданинг орқа ёғида — кураги ёнида эди.

Сирож ота ҳассасини ҳам унутиб ўрндан турди-да, ингроқ товуш келаётган томон йўналди.

Иккинчи кишининг қўли чопилган эди, муккаси билан тушганича ўша қўлини кўкси билан босиб ётарди. Она сўти оғзидан кетмаган бу ўспирин йигитча шунчалик ориқ ва енгил эдики, ҳатто чол уни ердан кўтариб олганида: ёки мен ҳали ҳам бақувватман ёки жароҳатланган бу йигит қушдай енгил бўлса керак, деб ҳайрон қолди. Сирож бува ярадорни ўз қўрғончасига олиб кирди-да, жароҳатини пайпаслаб кўриб, чуқур хўрсинди: йўқ, ўттиз йилдан бери эҳтиёт қилиб, яшириб қўйган мўмиёйи асили ҳам бу йигитнинг жароҳатига, афсуски шифо бўлолмасди. Лекин шундай бўлса ҳам, чиқмаган жондан умид деганларидек, Сирож бува қўлидан келган ҳамма нарсани қилди. У йигитни икки қават кўр-

пача устига ётқизди-да, яна бедапояга қараб жўнади. Синчиклаб «қараб», ярадор ётган жойларни ҳассаси билан титкилаб юриб ўт орасидан чўққи қалпоқ — будёновка билан бир жуфт пайтава топиб олди. Мурда тўновчиларга пайтава керак эмас, шунинг учун улар фақат ботинкасини олиб кетишган.

Чол ўликнинг олдидан битта белбоғ билан ўткир тер ҳиди босиб кетган деҳқонча эски дўппи топди. Сирож бува деҳқоннинг тер ҳиди қанақа-ю, амалдор — тўраларнинг, муллаларнинг тер ҳиди қанақалигини ажрата оларди. Ахир улар ҳам бедана ёки қирғовул босиб пиширилган паловхон тўрадан кейин кўк чой ичиб, ғарақ-ғарақ терлашади-да...

Кейин у қишлоқ томон йўл олди, йўлдаги ҳамма сўқмоқ ва кўприкларни яхши билади, қишлоқдаги ҳар бир уй унга таниш. Бу қишлоққа Сирож бува, ҳар бир эшик олдида қаландар сингари тўхтаб, хайр-садақа сўраш учун келгани йўқ. У умрида бирон марта садақа сўрамаган, тиланчилик қилмаган. Унинг бошқа касби, хайрли иши бор. Шунинг учун ҳам одамлар уни ҳурмат қилишар, унга миннатдорлик билдиришарди.

Тозасой қишлоғи жуда кичкина: бор-йўғи саккиз хонадондан иборат эди. Уйлари ҳам гавжум эмас: бир-биридан шунчалик узоқки, баъзиларининг ораси Юнуснинг қўрғончасидан яқинлик қилмайди. Сирож бува бу хонадонларнинг қайси бирига кирмасин, ҳаммасида азиз меҳмон эди. Тўғри, бу қишлоққа келмаганига ҳам бир йилча бўлиб қолди. Шарият мусулмон фарзандига, агар уйда эркаги — хўжайини бўлмаса шу аёл билан гаплашишни қатъиян ман қиларди. Лекин ўттиз беш йилдан бери Тозасойдагилар кўр Сирожга шу қадар ўрганиб кетгандики, ҳатто у ўз туғишганларидек бўлиб қолганди. Шунинг учун ҳам аёллар ундан қочишмасди, тортинмай бемалол гаплашаверишарди. Ҳар қалай, уйда эркак бўлмагандан кейин аёллар билан нима ҳақда ҳам гаплашиш мумкин? Едлаган қуръони ҳақида гаплашсинми? Бухоролик улуғ Ибн Сино ҳақида суҳбатлашсинми? Ёки Петербургда рус императорлари қандай яшаганини гапириб берсинми? Ёки Париждаги француз қироллари ҳақидами? Бухоро амирлариними? Сўнгги амир — Саид Олимхон ҳали ҳам тахтда ўтирибди. Йўқ, Тозасойда юрак чигалини ёзиб дардлашадиган кишининг ўзи қолмади. Тўрт эркак ўз хоҳишлари

билан Қизил Армия сафига кетди, учтаси дини исломнинг яшил байроғи остида курашиш учун босмачиларга, Мадаминбекка қўшилиб кетди. Бутун бошли Гозасойда биргина эркак қолганди. У ҳам бўлса сил касалига чалиниб доим йўталиб юрадиган Хуршид исмли чол эди. Сирож бува Хуршидни ўйлаши биланоқ, шубҳа қўзғовчи ғалати фикр хаёлидан лип этиб ўтди, бедапоядаги боши кесилган одам ўша бўлмасин тагин?..

Дарвозанинг тақиллашига ҳадеганда ҳеч ким жавоб бермади. Ҳовлининг ичкари томонида аёллар йиғлашарди. Ниҳоят, Хуршиднинг етти яшар ўғли Жамшид югуриб чиқди. Лекин у Сирож бувага нега йиғи-сиғи бошланганини тушунтиришга улгурмасданоқ, кетидан Хуршиднинг хотини Қумринисо оёқ яланг югуриб чиқди. У чолнинг саломига аранг жавоб қилди-да, кўз ёши тирқираб, ўпкаси тўлган ҳолда: уйга кирманг, ҳозироқ кетинг, деб илтимос қила бошлади.

— Нима бўлди, Қумринисо?.. Хуршид қани?

— Асти сўраманг, отажон, ҳеч нимани сўраманг. Утинаман сиздан, тезроқ кетинг. Сизни ҳеч ким кўрмасин, тезроқ кетинг. Утинаман!

Сирож бува бошқа гап сўрамай бир оз турди-да, сўнг дадил қадамлар билан Мардонқул полвоннинг уйи томон кетди.

Мардонқул полвон ниҳоятда бақувватлиги, баҳайбат ва новчалиги учун барча қишлоқ ва овулларга донғи кетганди. У қиморга, беданабозликка, қўчқор ва ит уриштиришга ишқибоз эди. Бир кун Мардонқул чойхонадагилар билан баҳслашиб, бир юз йигирмата пиширилган тухум ейишдан гаров ўйнади. Бир юз ўн етти-тасини еди-ю, учтаси қолганда иложини қилолмади. Баҳслашган улфатларининг унга раҳмлари келиб, қолган учтасини биттадан ўзлари еб қўя қолдилар. Полвон икки кунгача қимирламай булоқ четида ўладиган бўлиб ётди-ю, ҳар қалай тирик қолди. Ушандан бошлаб беданабозлар, қиморбозлар ва улоқ ишқибозлари ўртасида унинг довуғи янада ошиб, бир талай лақаблари устига: «Мардонқул тухумхўр» деган лақаб ҳам қўшилди. Баҳс бойлашиб бир қозон паловни ёки айтайлик, бутун бошли бир қўй гўштини тандир кабоб қилиб ейишда йигирма ёшидаёқ донғи чиққан эди.

Мардонқул полвон бултур баҳорда қишлоқдан гоёиб бўлган эди. Бир кун куппа-кундуз унинг ҳовли-

сига учта қуролланган отлиқ кириб келди. Учовининг ҳам эғнида қавума кўк чопон, бошларида чақмоқ телпак. Айтгандай, учинчисининг бошида телпак эмас, тулки мўйнали, бинафша ранг духоба аврали яп-янги тумоқ.

Отлиқлар дам олиб қоринларини обдон тўйғазиш-гач, ўша кунни қош қорайиши билан Мардонқул полвонниқидан жўнаб кетишди. Мардонқул полвон ҳам улар билан бирга кетди. Полвоннинг ҳамтовоғи Темур-лайлак, афтидан улардан ажралиб қолишга кўнгли бўлмади шекилли, у ҳам жўнади. Темур бу лақабни кўриниши лайлакка ўхшагани, оёқлари найнов, чорқирра елкалари туртиб чиққанлиги, бурни бесўнақай ва узунлиги учунгина олган эмасди, балки шу билан бирга Темур овқат еётганда сарғайиб кетган сўйлоқ тишлари билан шу қадар такиллашиб чайнардик, худди лайлак тумшуғи билан такиллаётгандек туюларди.

Шу воқеадан кейин Тозасойда ва теварак-атрофдаги қишлоқларда: беданабоз ва қиморбоз тухумхўр Мардонқул полвонниқига бутун Туркистонга машхур бой, йирик миллионер Сариқ Қалхат лақабли Низомхон келибди, мусулмонларни кофир большевиклардан ҳимоя қилиш учун Мардонқул полвонни ҳам ўзи билан бирга Қўқонга олиб кетибди, деган овоз тарқалди.

Кейин Тозасойдан яна биттаси — Саидназар исмли ҳамқишлоқ ҳам Қўқонга жуфтак уриб қолди.

Лекин ҳамқишлоқлардан яна тўрт кишининг: Нормат, Тўйчи, Мўмин ва Комилнинг Тозасойдан урушга жўнаганини аёллардан тортиб то болаларгача ўз кўзлари билан кўришди.

1919 йил қуёшли баҳор кунини эрталаб Тозасой қишлоғидан суворилар бригадаси ўтиб бормоқда эди. Бир кун олдин маслаҳатлашиб қўйган Тўйчи билан Нормат ўша кунини волость марказидаги бозорга қимиз обориб сотиш учун шайланиб, йўрға эшакларга миниб мешларини ортиб, отлиқ аскарлар қачон ўтиб бўларкин, деб кўчада кутиб туришарди. Тўйчи ҳам, Нормат ҳам ёш эмас. Иккови ҳам қирққа борай деб қолган эди, лекин шунга қарамай, худди ёш болалардек завқланиб томоша қилишар: колонна олдида ҳилпираган қизил байроққа, калта қора чарм камзул, қора чарм шапка кийган, белига қилтич ва ёғоч филофли маузер тақиб бўйдор тўриқ

арғумоқ минган бригада командирига ҳамда унинг ёнида кетаётган, у ҳам командирникига ўхшаш бўйдор ва чиройли, лекин қора арғумоқ минган ҳамқишлоқ — комиссар йигитга маҳлиё бўлиб тикилишарди: эрталаб-ки қуёш нурида барқ уриб товланган қизил байроқ шуъласи икковининг юзида жимирашганига, гоҳ кулиб, гоҳ ҳазиллашиб, гоҳ ғамгин ўйга толиб, чарчоқдан хомуш бўлиб келаётган қизил аскарларнинг чеҳраларини дам ёритиб, дам соя солиб ўтаётганига завқ-шавқ ва ҳаяжон билан қараб туришарди. Баъзи қизил аскарлар чўққи қаллоқ билан гимнастёрка кийиб олншган, баъзилари чопон билан дўппида эдилар.

— Ҳа, жиян! Эшитяпсанми?! Ҳой, мўйлов!— деб бақирди ёшгина, қувноқ, нақ бурнининг катаги олдида қора холи бор япалоқ юзли қизил аскар Норматга қараб.— Мешингдаги нима? Қимиз эмасми?

— Қимиз, қимиз!— деди Нормат.— Қани кел, қуйиб бераман.

Бирпасда Нормат билан Тўйчининг атрофини қизил аскарлар ўраб, қий-чув қилиб юборишди. Ёшгина биттаси эгаридан энгашиб, биринчи бўлиб бу шифобахш ичимликдан тотиб кўриб, яна бир пиёла қуйишни сўради. Сўнгра, лиммо-лим тўлдирилган пиёлани ушлаганича, колоннанинг олд томонига қарата отини йўрттириб кетди.

— Уртоқ командирлар, қимиз обкелдим, мана ичинглар! Чанқоқни босади,— деди у қимиз тўла пиёлани комиссарга узатар экан. Йигит ҳатто от елдириб бораётиб ҳам бир қултум тўкмай олиб келганди.

Комиссар пиёлани олиб бир қултум ичди-да, лаблабини ялаб, командирга узатди. Иккови галма-гал ҳўплаб тугатишгунча Нормат ҳам эшакда меш-пеши билан уларнинг олдига етиб келди.

Бирпасда танишиб олишди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Нормат билан Тўйчи қоронғи отхоналаридан бияларини етаклаб олиб чиқишди-да, белбоғларига биттадан арпа нон, икки ҳовучдан ҳолвадек ширин жўхори талқони тугишиб отларига минишди. Мўмин билан Қомилнинг улови бўлмагани учун уларга мингашиб олишди. Шундай қилиб тўртови суворилар бригадасига қўшилиб Тозасойдан жўнаб кетди. Қаёққа кетгани номаълум.

Ушандан бери орадан бир йил ўтди, лекин тўрттовий-

дан лоақал биттаси ҳам қишлоққа қайтмади. Эҳтимол бунинг сабаби теварак-атрофдаги қишлоқларда Мадаминбек хўжайинлик қилиб изғиб юрганлигидадир. Лекин бу яқин орада на Мадамин ва на унинг йигитлари Тозасойга қадам қўйгани йўқ.

Ҳа, Сирож бува қаерга бориш кераклигини энди топди.

Чол Мардонқул полвоннинг дарвозасини ҳассаси билан қаттиқ тақиллатди. Шу заҳоти Мардонқул полвоннинг Зуҳра исмли энг кичик хотини югуриб чиқди. Камгап ва доим маъюс юрадиган икки кундошидан Зуҳранинг фарқи шунда эдики, ниҳоятда тили заҳар ва ичи қора эди.

— Бўлди, бўлди! Бунақа қаттиқ тақиллатманг. Ким ўзи?— деб сўради Зуҳра дарвоза орқасидан.

— Бу мен. Сирож бувангизман. Мени кечиринг.

— Э-ҳа... Сирож бува...— Зуҳра дарвоза ортида бир оз чайналиб тургач:— уйга кирсангиз бўлармиди?— деди-да, дарвоза занжирини туширди.

Гарчи аёл киши шариат бўйича бегона эркакларни уйга киргизиш у ёқда турсин, ҳатто гаплашиши ҳам мумкин бўлмаса-да, афтидан Зуҳра бу қоидадан унчалик қўрқмасди. Бунинг устига иккала кундошни ҳам, эрини ҳам писанд қилмасди.

— Йўқ, йўқ, Зуҳра. Мен ҳозир кетаман. Марҳамат қилиб менга айтиб беринг, бу Тозасойимизда нима бўл-япти ўзи? Хабарингиз борми?

— Хабарим бор. Анави сил касал Хуршид... Хуршид— офтоб дегани. Қанақасига офтоб бўларкан у? Ҳа! Ана шу Хуршид қандайдир бир бемор қизил аскар йигитга уйдан жой бериб бағрига олипти. Безгаги бор экан, ўтган жумадан бери Хуршид уни уйда сақлар экан. Бун қаранг-а. Хуршид ўлгудай содда, деб юрсак, ҳеч кимга билдирмай, қилган ишини кўринг. Қилмиш—қидирмиш... ҳали бу ҳам оз унга. Бугун кундузи... Вой, Сирож бува, нега энди мендан суриштириб юрибсиз? Наҳотки бу ердаги воқеалардан ўзингизнинг хабарингиз бўлмаса?

— Мен узоққа бедана овига кетгандим. Икки кундан бери уйда йўқ эдим.

— Ҳа, шундайми... Бўлмаса қулоқ солинг. Бугун кундузи уч йигит келди. Қаердан келганини билмайман, шунча гапга солиб айлантирсам ҳам айтишмади. Учови дарвоза олдига келди-да, отдан тушмай бирпас ивирсиб



туришди. Улардан биттаси Мардонқулдан менга ёқут кўзли тилла зирак олиб келган экан. Бир парча бўзга ўраб, дарвозадан ошириб олдимга ташлади. Афтидан, полвонга содиқ бўлса керак... Бошқа одам бўлганда бунақа ёқут кўзли тилла зиракни ўлса ҳам ташламасди... Бу ёғини эшитинг... Улар ўша офтоб — Хуршид билан ёш қизил аскарни уйдан олиб чиқишгану, бедапоёга обориб, ўша ерда... қилич билан чолиб ташлашган. Лекин биттаси чопган. Олдин, улар бу ишни ким бажаради, деб ошиқ отишган... Олчими — йўқми... Биттаси олчи турғизган. У Хуршид билан қизил аскарни бедапоёга тикка турғизиб қўйгану, отини йўртириб келиб қилич солган ва Хуршиднинг бошини сапчадек узиб ташлаган. Қизил аскарни эса... уни чалажон қилган... Чунки икковини шундоққина ёнма-ён турғизиб қўйган экан-да. Вой Сирожиддин бува... Эшитяпсизми?.. Сирож бува!..

Чол индамай турарди.

— Тағин Хуршиднинг тобутини кўтаришга одам тўплаб юрманг,— деди Зуҳра, чол жавоб бергунча сабри чидамай яна гапга тушиб.

— Нега уни кўмишмади?— сўради чол Зуҳранинг нима деганини англамасдан.

— Товба... Мен сизга боядан бери шуни айтяпман-да. Нима, гапимни эшитмаяпсизми?

— Эшитяпман. Нега энди Хуршидни, мусулмон фарзандини шарият амрига мувофиқ ўша кунёқ кўмиб қўя қолишмади.

— Ахир, Сирож бува, ўша йиғит: кимда-ким уларга қўл теккизса, яқинига йўласа ёки Хуршидни обориб кўмса, худди уларга ўхшатиб чолиб ташланади, ҳатто болалари бўлса ҳам,— деб ҳаммани огоҳлантириб кетинди, ахир...

— Қумринисо-чи? Наҳотки эрини кўмиши мумкин бўлмаса?

— Унга ҳаттоки, эшигингга битта-яримта яқин келмасин, ўзинг ҳам ҳовлидан чиқа кўрма, деб тайинлашипти. Хайр энди, Сирож бува. Тағин ўша кофирникига бориб-нетиб ўтирманг, хўлми?

Зуҳра ичкарига кириб кетди, чол эса ҳамон дарвоза олдида турарди.

— Эҳ, одамлар, одамлар... сизларни ким шундай қотилликка ўргатди?.. Наҳотки эсларингдан чиқарган бўлсаларинг: «Эҳ, мусулмонлар, ер юзида бир-бирингизга

раҳм-шафқат қилинглар, шундагина худои таоло арши аълодан туриб сизларни ярлақайди»,— дейилган эдику!

Чол кечаси билан сой бўйидаги кичкина мозорчада гўр қазиб чиқди. Кетмоннинг нам тупроққа урилгандаги ва тошга теккандаги овози тунги сукунатда узоқ-узоқларга эшитиларди.

Эй, одамлар! Айтинг-чи, қайси бирингиз дўстингизни ёки энг яқин, туғишган кишингизни кўммагансиз, қабри ёнида тик туриб видолашмагансиз?! Қайси бирингиз гўр қазиётган кетмон ерга урилганда қандай овоз беришини эшитмагансиз? Агар эшитмаган бўлсангиз, пайтини топиб бир эшитинг, ана ўшанда кўп нарсани тушуниб оласиз...

Аммо бу овозни Хуршиднинг бева қолган хотини Қумринисо ҳам, болалари ҳам, қўрғончада жароҳатланиб ётган Рустам ҳам эшитди энди.

Бу ғалати, даҳшатли овоз, гарчи ўғри ва каллакесар Мардонқул полвон бу кеча ўз қишлоғидан йигирма чақиримча нарида бўлса ҳам, унинг ёлдор кўкрагида, гўё бонг чалингандек акс садо берди.

Узоқдаги тоғлардан эрталабки шабада эса бошлади, чолнинг кетмони эса ҳануз нам тупроқни гупиллатиб қовларди.

Лекин гўр қазишни тезроқ тамомлаши ҳам керак эди. Чол қотиб қолган белини ростлаб энди тепага чиқмоқчи ва Хуршиднинг ўлигини олиб келмоқчи бўлганда бирдан турган ерида қотиб қолди. Сўқмоқ томонда от туёқларининг товуши эшитилди. Чолнинг аниқлашича бир неча отлиқ мозор томон келмоқда эди.

Отлиқлар келиб тўхтади, улар уч киши бўлса керак. Улар отдан тушмай қабр ичида турган чолга индамай тикилиб қолишди. Чол ҳам индамай тураверди.

Оғир сукунат бир неча секунд давом этди: отлиқлар ҳам чурқ этмас, Сирожиддин ҳам.

— Э, бу еенимсан, чол?..— сўради ниҳоят улардан бири.

— Ҳа, бу менман. Кўр Сирожиддинман. Нима эди?..

— Қўрқмадингми? Ахир биз огоҳлантирган эдик-ку...

— Кимдан қўрқишим керак экан? Сизларданми? Сизлардан қўрқадиган ерим йўқ.

— Ҳар қалай, кўр бўлсанг ҳам ўлимдан қўрқарсан?

— Йўқ. Ўлимдан қўрқмайман. Гапир, мақсаднинг нима?

Орага яна жимлик чўкди.

— Биз сенга ёрдам қилмоқчимиз,— деди ҳалиги бос-мачи.— Гўрдан чиқ.

Чол индамас, жойидан қўзғалмасди.

— Отдан тушиб қўлингни узат,— деди ниҳоят.— На-хотки мусулмон фарзанди бўлмасанг?.. Биласан-ку, ахир, мен кўзи ожиз мўйсафидман.

Шу заҳоти учови ҳам шоша-пиша отдан тушди, бит-таси чолга қўлини узатди.

— Шошманглар-чи,— деб Сирож уларга юзма-юз туриб олди-да, бармоқ учлари билан бирин-кетин йигит-ларнинг чопонларини, белбоғларини, айниқса сезгир кафтлари билан уларнинг юз тузилишларини пайпаслаб кўриб чиқди.

Улар тўппонча, милтиқ ва қиличлар билан қурол-ланган бўлишларига қарамай, ваҳм босиб, итбатгўйлик қилиб, чолнинг олдида қимирламай туришарди.

— Хўп, етар энди. Бўлди,— деди ниҳоят бояги йи-гит.— Нима қиласан бизни тимироскилайвериб?

— Бу ишни учовингиздан қайси бирингиз қилган-нингизни билмоқчиман. Сен қилдингми? Айт, сенми?— Сирож бува яна бир бор бармоқлари билан унинг лаб-ларини, энгагини, ажин босган ва терлаб кетган пеша-насини пайпаслаб кўрди.— Сен!— деди у қатъий қилиб.

— Лекин мен... лекин биз... уни кўмгани келдик. Мардонқул полвон изимизга қайтариб юборди.

— Мардонқул полвон, Мардонқул полвон... Қана-қасига у полвон бўлади?.. Қанақасига паҳлавон?.. Беданабоз, қиморбоз, тухумхўр ўғри-каллакесар-ку!

— Қўйинг ота, ундай деманг. У сизни жуда ҳурмат қилади.

— Гапирма! Мени ота дея кўрма.

— Хўп, етар энди, юринг. Тонг ёришай деб қолди,— деди иккинчи йигит гапга аралашиб.

— Кўр бўлганим майли-я... Агар бунчалик қари бўлмаганимда... Хуршиднинг жасадига қўлингизни ҳам теккизмасдим. Ўзим кўтариб келардим... Ўзим кў-мардим.

## 2

Чол қўрғончага қайтиб келганда офтоб чиққан, ҳам-ма ёқ ёришиб кетганди.

— Отажон, эшитяпсизми?— деди Рустам шу қадар заиф овоз биланки, чол унинг гапини зўрға эшитди.

— Нима, ўғлим? Нимани айтяпсан?

— Турналар учиб ўтяпти. Қур-қурлашганини эшитяпсизми?

— Ҳа, эшитяпман. Чамамда улар шу яқин атрофга уя солиш ҳаракатида бўлса керак. Мен-ку, кўролмаман, ҳар қалай, нақ тепамизда айланиб учишаётганга ўхшайди.

Рустам тоқатсизланиб, ётган еридан туришга уринди.

— Нима қияпсан, ўғлим? Қаёққа?

Рустам қалтираган оёқларида то оғриғи босилгунча тишини тишига қўйиб турди-да, чолнинг саволига жавоб берди.

— Бир амаллаб мени ташқарига олиб чиқинг, отажон. Турналарни кўргим келяпти.

Чол авайлаб унинг белидан ушлади-да, секингина ташқарига олиб чиқди. Рустам талай вақтгача осмондан кўзини узмай, эрталабки қуёш нурида турналарнинг гоҳ бирдан кумушсимон товланиб, гоҳ қорайиб Тозасой устида айланишини томоша қилди.

— Мен уйдалик пайтимда... бутун оиламиз билан... отам, онам, синглим Башорат... Турналар қанчалик севинганимизни кўрсин, деб ҳаммамиз Номсиз кўрғоннинг тепасига чиқардик. Синглим бўлса, «Ҳой қушлар? Омонмисизлар? Қайси томонларга учиб кетяпсизлар? Нега бунчалик шошиласизлар? Мени ҳам олиб кетинглар!»— деб бақирарди.—«Нега энди фақат сени олиб кетаркан, мени-чи?»— деб хафа бўлсам, «Ҳа, майли, икковимизни ҳам»,— деб қўярди...— Рустам осмондан кўзини олди.— Отам, онам, синглим... ва ўзимизнинг Номсиз кўрғон... Мен ўша кезлари қадрига етмабман... Лекин бу бир олам бахт экан... Шундайми, Сирож бува?

— Ҳа, шундай. Одамзод қанча йил умр кўрмасни, тақдир уни қаерларга элтиб ташламасни, барибир у киндик қсин тўкилган она юртини соғинади, ҳар доим уни зўр ҳурмат ва чин садоқат билан тилга олади. Ҳа-миша унга таъзим қилгиси келади...

— Жуда тўғри гапирдингиз, Сирож бува... Лекин қўлим нима бўлади? Шундай оғрияптики!.. Шундай азоб беряптики... Ойижон!— у худди ёш боладек ўпкасини тутолмай йиғлаб юборди.

— Дадил бўл, ўғлим, ахир сен эркак кишисан. Солдатсан. Юр, энди, анча томоша қилдинг, уриниб қолмагин тагин, жойингга ётқизиб қўяй. Юра қол, болам.

— Турналарни кўриб юрагимнинг чигили ёзилди, шундай енгил тортдимки... гўё уйга бориб қолгандек бўлдим! Оғриқни ҳам унутибман. Ҳа, бутунлай, бутунлай унутибман. Мана шу тобда... Худди иссиққина зоғора ноннинг ҳиди димоғимга урилгандек бўлди... Бирам мазалики, асти сўраманг. Онам доим зоғора ёки арпа нон ёлиб берарди. Қани энди шу тобда тандирдан узилган, оғизни куйдирадиган нондан есам... Ҳозиргина тандирдан узилганини... Соппа-соғ бўлиб кетармидим балки, Сирож бува. Биттагина бўлса ҳам майлиди... Фақат қайноқ, янги узилгани бўлса...

У кўзини чирт юмди-да, гўё нон ҳидини маза қилиб ичига ютаётгандек, илиқ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Чол уни уйга олиб кириб, жойига ётқизди-да, шу заҳотнёқ индамай қаёққадир чиқиб кетди.

Азбаройи оғриғи зўрлигидан Рустам дам жунжикиб қалтирар, дам иссиғи ошиб, дам муздай терга ботарди. Устига-устак, жунжикканча, оғир мудроқ босиб алаҳсирай бошларди — ҳаммаси қўшилиб баттар қийналар, гўё устига қалин кўрпа ёпилгандек, нафаси қайтиб, бўғилиб кетарди. Аъзойи бадани қақшаб оғриганига, бўғилиб қийналганига қарамай, ҳамон димоғига иссиқ нон ҳиди-ю, она қўлларининг тафти уриларди. Рустам оғриққа чидолмай инграр, юлқинар, у ёнбошдан бу ёнбошга ағдариларди, лекин онанинг муборак қўлларини доим ҳис қилар, гўё парвонадек тинмайин гоҳ жароҳатини боғлаётганга, гоҳ юз-кўзларини силаб-сийпаб, иссиқ нон узатаётганга ўхшарди...

Кейин қаердандир гуркираб қовун иси келди. Рустам бу шифобахш исни тўйиб-тўйиб ҳидламоқ учун ҳатто инграшдан ва у ёнбошдан-бу ёнбошга ағдарилишдан ҳам тўхтади. Бунақа хушбўй қовунни у умрида бир марта — фақат ёшлигида: эски-туски сотувчи Убай, офтобда етилиб асал бўлиб кетган сап-сарик тилладай кўлоби қовунни отасига келтириб берганда ҳидлаганди шекилли.

— Қурбон, бу ёққа қара,— деди ўшанда Убай амаки аравасини темирчилик устахонаси олдига тўхтатиб.

Араванинг ичи қачон қараманг лоим майда-чуйда,

ҳар хил антиқа буюм ва ўйинчоқларга тўла бўларди: масалан лойҳуштак ичига сув солиб чалинса, худди булбулга ўхшаб сайрарди, бундан Рустамнинг кўнгли олам-олам қувончга тўларди; резинка ип билан боғланган турли рангдаги қоғоз коптоклар, ип-игналар; кўкиштоб тиғига тилла суви юритилиб ярим ой ва уч юлдуз сурати ўйиб ишланган ўзбекча пичоқлар, баъзилари қинсиз, лекин баъзилари кўк, қора, қизил чармдан қилинган шундай қимматбаҳо қинларга солингандики, болалар кўзига шоҳона буюмдек кўринарди; керосин ва ёғдан бўлаган шишалар, ҳар хил шоҳлар, от думлари—хулмас, бу аравада нималар йўқ эди дейсиз. Убай амаки бу шалоғи чиққан аравада дунёни айланиб чиққан бўлса ҳам ажаб эмасди.

— Ҳо, Қурбон!— яна чақирди у.— Бу ёққа келсангчи, ахир!

Темирчи унинг ёнига борди, иккови ҳол-аҳвол сўрашиб, талай вақт қуюқ гаплашди.— Убай амаки баъзан бир ойлаб кўринмай кетарди.— Рустам бўлса аллақачон арава ёлдирагига тирмашиб чиқмоқчи бўларди: буларнинг гапи қачон тамом бўларкин, аравадаги моллар устига ёпилган шолчани Убай амаки қачон олиб ташларкин, деб сабри чидамай пойлаб турарди. Ниҳоят Убай шолчанинг бир четини қайириб ташлади. Ўша онда Рустамнинг назарида гўё бирдан қуёш порлаб кетгандек туюлди. Ҳа, ҳа, қуёш қўрғон ортига ботаётганида доим шундай порлаб ботади.

Бу антиқа мўъжиза, бу қизиқ ҳангома жудаям ғалати сирли ҳодиса фақат уч-тўрт секунд давом этса-да, болани ҳанг-манг қилиб довдиратиб қўйди. Ниҳоят, Рустам ҳайрона кўзларини катта-катта очиб, бу думалаб ётган нарса каттакон қовунлигини англагунча, назарида талай вақт ўтгандек туюлди.

— Ма, ол бунн. Сенга олиб келдим,— деди Убай Қурбонга.

— Қўйсанг-чи! Шундай нарсани-я! Қўй, Убай, қўй. Олмаيمان. Агар сен бушақа инъом қилтиб улашаверадиган бўлсанг уйингни тополмай қоласан-ку,— деб қатъиян эътироз билдирди отаси.

«Отам чиндан ҳам қовунни олмайман, деб туриб оладиганга ўхшайди-ку», деган хаёлда Рустам қўрқиб кетди ва отасини унатмоқ учун ҳатто чимчилаб қўймоқчи ҳам бўлди.

— Олавер, олавер,— деди Убай амаки жаҳли чиққандай бўлиб.— Атайи сен учун, Тозагул билан ўғлинг, қизинг учун олисдан олиб келдим буни.

— Қайси яхшилигим учун? Ахир бирор хизмат билан қойил қилган жойим йўқ-ку!

— Эҳ, бирам муомалага юрмайдиган одамсан-да, Менга озмунча яхшилиқ қилдингми? Ўзинг бир ўйлаб кўр. Наҳотки битта қовунга арзимасанг? Устахонанга ўзимоқ обкириб берардим, бироқ жудаям оғир: аранг кўтариб, бир амаллаб аравага солдим-да...

Рустамнинг бахтига ниҳоят отаси қовунни олиб, тутнинг тагига, бўйра устига қўйди. Бирпасда ҳамма ёқни қовун ҳиди тутиб кетди. Рустам кафтлари билан силаб, унга юзини теккизиб кўрди, қовун ёнидан бир қадам нари силжимамай, гоҳ қорнини ерга бериб, гоҳ чўкка тушиб олиб, худди гулни искагандек, устма-уст ҳидлайверди, ҳидлайверди, минг марта ҳидлагандир балки...

Кейин эса ниҳоят қовун сўйилганда Рустам қийқириб юборди.

— Вой-бўй!..

— Тавба!— деди ойиси.

Ана шу қовундан анқиган ажойиб, хушбўй ҳид Рустамнинг хотирасида бир умр сақланиб қолди.

— Қалай, дурустми?— сўради Убай мамнун бўлиб.

— Тавба!— яна қайтарди Тозагул.

— Асалга айланиб кетибди-ку, ҳидини қаранг-а... Офтоб ҳарорати билан деҳқон меҳнати бу!— деди отаси, шарбатини оқизиб ҳаммаси қовун ейишга киришгач.

— Ўғлим... Мен сенга нон олиб келдим... иссиққина, ҳозир тандирдан узилган,— деди Сирож бува ярадорнинг олдига яқинроқ бориб чўкка тушар экан.— Ол, ея қол.

Рустам яллиғланган кўзлари ила унга қараганича индамай ётаверди.

— Ол, е... Буни қара, худди ўзинг айтган нон, мана...— чол буғланиб турган иссиқ нонни унинг лабла-рига олиб борди-да, пича ушатиб оғзига тутди.— Ол, е. Иссиққина. Тандирдан янги узилган бўлса дегандинг... Мана, олиб келдим...

Рустам оғзини очиб қитдай тишлади-да, лоқайдлик билан анчагача чайнаб ётди.

— Тахир экан,— деди у бўшашиб.

— Нима?

— Тахир. Эрмондан ҳам тахир.

Чол бир тишламани оғзига солиб чайнаб кўрди.

— Йўқ, сира ҳам тахир эмас, ширин-ку, худди қанд-дек. Ол, олавер.

Чол сойга бориб қора қумғонда муздек сув олиб келди-да, Рустамнинг ёнига ўтириб, қўярда-қўймай нонни ейишга ва устидан ҳўплаб-ҳўплаб сув ичишга мажбур қилди.

— Қовун...— деди ўзидан-ўзи Рустам.

— Нима?

— Қовун ҳиди келяпти... Гуркираб келяпти...

Чол индамади.

— Бу ерлар серҳосил,— деди Рустам,— қовуни ҳам ширин. Лекин ҳозир худди ўша ёшлигимда еган кўлоби қовуннинг ҳиди келяпгандек туюляпти. Шунақанги тўйиб егандимки, қорним дўмбира бўлиб шишиб кетганди ўшанда. Сал нарироқ бориб қовунга қараганманда, яна орқамга қайтганман. Отамдан, яна бир тилим кесиб беринг, деб сўраганимда, у кулиб бармоғи билан қорнимга чертиб, «У-ҳў, қорнингда бургани ўлдирса бўлади. Егинг келаётган бўлса, ма, еявер»— деганди... Эҳ, Сирож бува! Ўша қовундан еб кўрганингизда эди! Ўша куни ўз фойтун араваларида Нодира холам келиб қолдилар. Насибалари қўшилган экан. У киши ҳам қовундан еб, роса мақтадилар. Ҳар сафар Нодира холам бизникига келганларида худди байрам бўлиб кетарди. Ҳаммамиз ҳам уни яхши кўрардик. Қани энди шу топда... Нодира холам бўлса-ю, мени даволаса, қарабсизки, тезда тузалиб кетардим-да. Албатта, тузалиб кетардим.

— Ростдан даволай оладими?

— Нимасини айтасиз! Даволаш ҳам гапми...

— Нима, табибми ўзи?

— Табиб нимаси? Шафқатли ҳамшира. Ҳозир эса — доктор. Ҳақиқий доктор. Уни ҳамма танийди. Бу атрофда уни билмаган одам йўқ.

— Нодира хола дедингми?

— Ҳа, Нодира хола. Лекин рус. Малясова Надежда Сергеевна.

— Бу нима деганинг тагин?!

— Нима эди?! Нега ғалати бўлиб кетдингиз, Сирож бува. Сиз ҳам танийсизми?

— Йўқ. Лекин... Нега энди у рус бўлади? Айтгандай... Нега унинг фамилияси бунақа?



— Узи рус. Петербурглик. Бу ерга илгари ҳам келган экан. Анча вақт туриб кетган, лекин яна қайтиб келди.

Чол ҳеч нима демади.

Кейин ўрнидан турди-да, қаёққадир чиқиб кетди.

### 3

Сирож бува бундан ўттиз беш йил муқаддам қўлида ҳасса ва тўрқовоқда сайроқи беданаси билан Тозасойда пайдо бўлганди. Уша пайтда бу ерда ҳозиргидек саккизта эмас, бор-йўғи тўртта хонадон бор эди. Лекин ҳар куни тонг саҳарда тўрттала уйдан ҳам беданаларнинг: пит-пилиқ... пит-пилиқ... пит-пилиқ отиб сайраши эшитиларди.

Азалдан маълумки, ҳеч қандай парранда ўзбекнинг кўнглини бедананинг сайроғичалик эритолмайди. На булбул, на саъва ва на бошқаси, ҳатто сайроқи қушларнинг подшоси бўлса ҳам, бу жиҳатдан беданага тенглашолмайди. Ана шунинг учун ҳам йўл бўйига, кўприк устига қурилган ва чўғдек қип-қизил гиламлар тўшалган чойхоналарда иккита, учта, айримларида ҳатто тўртта-бештадан беданалар бўлади, чоллар суҳбатлашиб ўтиришади, чарчаган йўловчилар кўк чой ичиб чанқоқларини босади. Тўрқовоқлар чойхонанинг кираверишига, тангадек офтоб тушмайдиган соя-салқин тол ва қайрағоч новдаларига, баъзилари чойхона ичкарисидаги ғира-шира қоронғи жойга, самовар тутунидан қорайиб кетган устунларга илиб қўйиларди. Ёз кезлари ана шундай чойхоналарда кўк чой ичиб беданаларнинг питпилдиғини эшитиб ўтиришдан роҳат нарса борми.

Карвонсарой ва чойхоналарда, хонларнинг саройию, камбағалларнинг кулбасида, шаҳар ва қишлоқларда, тоғ бағридаги овулу чўл-биёбондаги ёлғиз қўрғончада ҳам ярим кечаси-ю, тонг саҳарда дейсизми, кун қизигнию кун ботарда дейсизми — ҳамма ёқда бедананинг тинмай сайраши эшитилади. Бедана ҳатто қўқон арава-нинг ўқига илиб қўйилган тўрқовоқда ҳам сайрайверади. Кўпинча бозор куни тепса-тебранмас эшакда уйига қайтаётган баъзи кишилар бозордан ҳеч нарса олмай, фақат битта бедана солинган тўрқовоқни эҳтиёт қилиб қўлида авайлаб кўтариб қайтади. Шунингдек, ошқовоқ палласидан қилинган ва қизил, кўк, сариқ рангдаги

хилма-хил илдан тўқилган енгил тўрқовоқнинг ичида бедана бор-йўқлигидан қатъи назар мағрурланиб кўтариб олган отлиқ олифтани ҳам, бир қўли билан елкасидаги хуржунни ушлаб, иккинчи қўлида тўрқовоқ кўтариб кетаётган сарпойчан йўловчинини ҳам учратиш мумкин. Кўпинча беданабозлар уни қўйнида ё енгида олиб юради, ёинки қўлида кўтариб устига рўмолча ёпиб олади. Лекин бу хил бедана тўрқовоқдаги бедана каби сайрамайди. Бу бедана уришқоқ бўлади. Шунинг учун уни маст қилиб қоронғида сақлаб кўтариб юришади. Бир сиқим патдан иборат бўлган шунақа уришқоқ бедана баъзан эгасига хотин, от, бир парча ер ёки кўп миқдорда пул ютиб беради.

Бедана сайроғини ҳамма яхши кўради, лекин уриштириш билан фақат беданабозлар шуғулланади. Лекин беданабозлар ҳам ҳар хил бўлади: бир хили — сайроқисини ҳам, уришқоғини ҳам овлаб ушлайдиганлар. Булар ҳам беданабоз саналади, лекин булар овчи беданабоз, уларнинг номлари ҳурмат ва иззат билан тилга олинади. Аммо пул тикиб фақат бедана уриштириш билан шуғулланадиганлари эса — ҳақиқий бекорчи, иш-ёқмас, банги, гиёвандлар ҳаммаси. Уларни ҳам ҳамма танийди, лекин номлари нафрат билан тилга олинади. Хуллас, иккала тоифа ҳам ўзига яраша обрўга эга.

Сирожиддин бувани одамлар: ҳар бир уйга хурсандчилик келтирувчи бедана овининг устаси, сайёдлар пири, деган яхши ном билан тилга олиб ҳурмат қилишарди. Ун ҳатто юз чақирим наридаги қишлоқ ва овулдагилар ҳам уни яхши билишарди. У ҳар бир хонадоннинг, ҳар бир чойхонанинг азиз меҳмони эди. Ҳатто уни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Скобелев каби катта-катта шаҳардагилар ҳам танишарди. Чунки, ўша ердаги кўпгина хонадонларда ҳам унинг қўлидан чиққан беданалар сайраб турарди. Лекин Сирож бува ўттиз беш йил мобайнида қанча бедана ушлаган бўлса, ҳатто энг яхшилари учун ҳам, уста беданабозлар унақа бедананинг баҳосини яхши билишарди, — бирор тийин пул олган эмасди. Чол, чарақлаган юлдузли тунлари беданоянинг энг ўсиқ ерларида ёйма тўр билан, ёинки амири, кўлоби, қизил уруғ, шакарпалак қовунлар ғарқ пишган полизларда август ойларида тузоқ билан ов қиларди. Кейин қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб, тутган беданаларини одамларга совға қиларди. Баъзан узоқ-

Ўзбек жойларда одамлар уни бир неча кунгача қидира, қидира Сирож буванинг олдига ўзлари келган пайтлари ҳам бўларди. Лекин улар сайроқисига эмас, уришқоғига ишқибоз эдилар. Улар бедана уриштиришда донғи кетган қиморбозлар эди. Нима ютишини худо биледи-ю, лекин оғизларидан бол томиб чолга ялиниб-ёлборишларига қараганда ҳар ҳолда, катта ўйинга тайёргарлик кўрилаётганини фаҳмлаш мумкин эди. Агар Сирож бува уришқоқ беданалари учун пул олса-ку, иш осонгина кўчарди-я: баҳосини ошириб кўпроқ тўлашарди-қўйишарди. Лекин чол пул билан битадиган унақа ишни яқинига йўламасди. Ҳамма гап келган кишининг муомаласига боғлиқ эди. Беданабоз эса, буни биларди, шунинг учун ҳам пулга унамаган қайсар чолни кўндириш учун (ичида ўл-э аҳмоқ деса ҳам) ширин сўзлар билан авраб, ҳунарини ишга соларди.

— Жуда галати чолсан-да.— деб бир неча бор дакки берганди Мардонқул полвон.— Нега энди пул олмайсан? Олавер бемалол. Ахир шундай уришқоқ беданаларинг учун бу беданабозлардан биласанми қанча... оғзингга сиққанича сўрашинг, хоҳлаган нарсангни олишинг мумкин. Сен бўлсанг нуқул совға қилганинг қилган. Мундоғ бир ўйлаб кўр, кимга совға қиляпсан? Муттаҳам беданабозларга. Биласанми сен совға қилган бедана билан улар қанча пул ютиб олиши мумкин? Хўш?

Сирож бува индамай, узил-кесил рад қилгандек, бош чайқаб қўя қоларди.

— Бекор қиласан, Сирож!— Мардонқул барибир куйиб-пишарди.— Сен худди туянинг ўзгинасан, устингга тилла ортиб юрасану, ейишинг янтоқ.

Лекин чол бир сўзди, ўз одатига содиқ эди. Бунинг эвазига агарда Сирож бува чойхонага кириб қолгудек бўлса, шунақанги шовқин кўтарилиб, хурсандчилик бўлардики, нимасини айтасиз! Одамлар дарҳол ўринларидан туриб, у билан самимий саломлашиб, ўтирган жойларини унга бўшатиб беришарди. Беданабозлар эса бараварига чолни кўтар-кўтар қилишиб иззат-ҳурмат билан гилам тўшалган тахта каравотнинг энг тўрига ўтқазинишади.

Агар кўр Сирож битта-яримтанинг ҳовлисига киргудек бўлса, ҳатто итлари ҳам унга вовилламасди.

Одамлар эса ҳайрон бўлишарди. Лекин эркаклар

дан тортиб аёлларгача, болалардан тортиб кексаларгача — ҳаммаси бу сайёдлар пирини — Сирожиддин бобони яхши кўрарди. Ўз деҳқончилик ишлари билан тинчгина тирикчилик қилаётганлар ҳам, урушда жанг қилаётганлар ҳам уни яхши кўрарди. Кўр Сирож босмачилар қароргоҳида ҳам, қизил аскарлар қисмларида ҳам маълум ва машҳур эди. Унинг тўғрисида тинч қишлоқ кўчаларида ҳам, чанг-тупроқли ҳарбий йўлларда ҳам гапиришарди.

Лекин шунинг ҳам айтиб ўтиш керак: босмачи калла-кесарларнинг кўр Сирождан ғазабланишларига анчагина сабаб бор, лекин газандалар шунга қарамай нима учундир унга қўл теккизишмасди. Балки улар, бу сайёд кейин ҳам бизга керак бўлиб қолади, деб ўйлашгандир, ёинки кўрни ранжитиб худонинг ғазабига дучор бўлмайлик, деб кўрқишгандир. Эҳтимол, Сирожнинг ўзидан чўчиган бўлсалар ҳам ажаб эмас. Бу сўқир қуръонни қандай қилиб ёд олган? Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаётини қайдан билиши мумкин? Бу ахир Искандар Зулқарнайн ва Темурланг тарихини ҳамда 1365 йил мўғуллар истилосида Самарқандни сақлаб қолган ва кейинчалик Самарқанд султони амир Хусайн томонидан қатл қилинган пахта титувчи Абу-Бакир Қалавий исмли номаълум ҳунарманд ҳақидаги қизиқ воқеаларни қаердан билиб олган? Бу кўр Сирож нима учун ҳамма нарсадан хабардор: аллақандай мунажжимларми, юлдузлар ҳаракатими, мўмиёй асилнинг шифолиги дейсизми, Бухорои шариф билан Самарқанд ва Тошкентнинг тарихи дейсизми — ҳаммасидан хабардор бу сўқир. Қаерда туғилган ўзи?.. Бундан ўттиз беш йил илгари, бу ўлкага келмасдан олдин қаерда яшаган, қандай одам бўлган ўзи? Ана шуларни биладиган бирорта одам борми ёки йўқми?

Йўқ. Бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Фақат бир пайтлар уни бэй карвон билан Қизилқум орқали Хивага кетаётганини билганлар, холос. Карвончилар йўлда Сирожнинг кўзини ўйиб, ўзини қум барханлари устига ташлаб кетишган. Лекин Сирож қандай тирик қолганини, Хивага нима мақсадда кетаётганини ҳеч қачон гапирган эмас.

Ҳаттоки, Сирож ўзбек ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас, деган миш-миш гап ҳам тарқалган эди.

Лекин бунга ҳеч ким ишонмасди.

Барча ўзбек уйларидаги каби Сирож буванинг уйида ҳам, шифтидан то ергача тушган катта тахмон ва деярли бўм-бўш иккита токчаси бор эди, холос. Токчанинг биттасига иккита оқ чинни чойнак, уч дона косаю, биттагина ёғоч қошиқ, четига ҳал юритилган бир даста пиёла терилган ва бир бурчагига узун чўян қумгон қўйилганди. Иккинчи токчада эса овга керакли ашқол-дашқол турарди: чунончи юмшоқ сахтиён теридан ўзи ясаган ўнтача киркик ҳамда қамиш ёки тол новдасидан ишланган калтагина найлар. Сирожнинг омади юришганига сабаб, худди ана шу киркиклар эди. Бу бежирим киркикларнинг сири қаердалигини ҳеч ким, ҳатто ўзи ясаган бўлса-да, Сирож бува ҳам билмасди. Лекин болалар ўйинчоғига ўхшаган киркикни лабига қўйиб чалиши билан нар беданалар гангиб, те-варак-атрофдан париллаб сайёд ёнига учиб келаверарди. Овга ишқизобларнинг аксарияти Сирож бува сингари кўплаб бедана тутишга уринарди-ю, лекин ҳеч қайсиси ундай қойил қилолмас, ови юришмасди, чунки биронтаси ҳам уникига ўхшатиб киркик ясаёлмасди. Баъзан Сирож бува ўшанақа овчиларга ҳатто киркигини ҳам бериб турарди, лекин барибир у одамнинг омади юришмасди. Маълум бўлишича киркикни лабга қандай қўйиш билан бирга уни қандай чалишда ҳам талай гап бор экан. Киркикни бошқа овчи чалса бир овоз, Сирож бува чалса — тамоман бошқача овоз чиқарди.

— Хўш? Энди нима дейсан? А? Сеникини овози ҳам худди меникига ўхшаб чиқяпти-ку? Хўш? Ҳеч қандай фарқи йўқ. Тўғрими?— деб қизишарди ҳамроҳи.

Лекин Сирож бува индамасди. Фарқига бормаган одамга нимаям деб бўларди. Куй жуда нозик нарса. Унинг сири нимадалигини ҳамма ҳам билавермайди. Киркикнинг овози эса куйдан ҳам нозик, шундай нозик ва жозибадорки агар макиённинг овозига ўхшатиб чалинса, бедана ўзидан ўзи учиб келаверади.

Сирож бува елкасини қисиб:

— Начора... Ҳамма гап эшитишингга боғлиқ...— дерди мужмал оҳангда.

Ичида эса, «Бу чалишинг бўлмайди, оғайни... Ундай эмас. Мутлақо унақа чалинмайди. Ахир бу чали-

шингда икки дунёда ҳам бедана яқин келмайди», деб ўйларди.

Ҳамма сир шундаки, аввало киркикнинг ўзини усталик билан ясай олиш, сўнгра ундан керакли товуш-ни чиқара билиш лозим.

Сирож буванинг киркикларни батартиб равишда ҳам-миша бир жойда — тоқчанинг ўнг томонига, худди ҳар хил рангли қушчалар қатор тургандек қаторасига те-риб қўйиларди. Унинг ёнида — бир тутам от думи ва ошқовоқ палласи тўла қилтузоқ, унинг орқасида — тўр-қовоқ ясаш учун тайёрланган бир талай ошқовоқ пал-лалари, бир калава пишиқ ип ҳамда фил суягидай сип-силлиқ, найзага ўхшаган аллақандай оқ нарса — хуллас, ҳаммаси жой-жойига саранжом қилиб териб қўйилган. Чол қаерда нима турганлигини яхши биларди, шунинг учун ҳам керак пайтида тўппа-тўғри бориб ўша ердан тузоқми, от қилими ёки киркикми — бемалол олаве-рарди.

Қоронғи тунда қандайдир сирли товушларга тингша-ниб, қоқ ярим кеча бўлганлигини аниқларди. Балки хў-розларнинг қайта-қайта чақиритишдан аниқлармикин? Ёки ҳамма ёққа сув қуйгандек жимжитлик чўкканидан. Баъзан бундай пайтларда шу қадар сукунат босардики, ҳатто ташқаридаги кумушсимон терак барглари ҳам шитирламасди.

«Нега шитирламай қолдинг, чарчадингми? Ухла-дингми, жонгинам?..»

Ҳа, жонгинам, сени бундан ўттиз беш йил илгари Сирож эккан.

Жар остидаги қамншларнинг шитир-шитири ҳам, сойнинг нариги бетидаги қурбақаларнинг ҳам, чигирт-каларининг ҳам овози сўниб, ҳаммаси уйқуга кет-ганди.

Қоқ ярим кеча. Ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит.

Чол аста ўрнидан туриб калишини оёғига илди, чо-понини кийиб, белбоғини боғлади-да, ҳассасини, тўрқо-воқни, янги ясаган тузоқларини ҳамда киркикнинг энг яхшисидан иккитасини олиб ташқарига чиқди. Соё бўйига тушгач, калишини ечди-да, саёзроқ еридан ке-чиб ўтиб, сўқмоқ йўлга тушиб олди. Рустам билан гап-лашиб бўлгандан сўнг ов қиладиган ерини олдиндан кечқурундоноқ белгилаб қўйганди. Яқинроқ жойни тап-лаганининг боиси шуки, энди Рустамни ёлғиз қолдириб

узоққа кетиши мумкин эмасди. Барча овчилар сингарин чолнинг ҳам ўзи ёқтирган жойи бор эди. Лекин бу сафар ов ўнгидан келишига Сирож бува унчалик ишонмасди, чунки бир ҳафта бурун ўша ерда роса ов қилганди. Шундай бўлса ҳам таваккал қилиб бораверди. Нима учун деганда — овлоқ жойларнинг ҳаммаси бу ердан йигирма-ўттиз чақирим нарида эди.

Теварак-атроф ҳар донмдагидек жимжит, фақатгина ўнг томонда сўқмоқдан ўн қадамча нарида сой шовилларди, холос. Сўқмоқ баъзан сой бўйига яқинлашиб, баъзан узоқлашарди. Сой суви, гоҳ тошдан тошга урилиб сачрарди, гоҳо шалдираб, гоҳ бутунлай жимирди-да, бирданига яна авж олиб, тобора кучлироқ шалдираб-шовиллай бошларди.

Чол икки чақиримча юргач, сўқмоқдан бурилди-да, бедапоя ўртасидаги сувсиз ўқариқдан кетаверди. Бир оздан кейин яна бурилди, белга чопган қалин беда ора-лаб ўттиз қадамча юргач, бирдан таққа тўхгади. Турган ерида қимирламай атрофга қулоқ солди. Сўнгра ҳассаси билан пайпаслаб бедаси пайхонланган жойни топди-да, қўлидаги нарсаларни ўша ерга қўйиб чўкка тушди. Ўтган сафар келганида бедапоя ўртасига қарата йигирма қадамча ерни топтаб из қилиб кетганди, ана энди ўша торгина йўлни топиб олиши керак. Бу йўлнинг эни бор-йўғи бир қарич, гўё ҳозиргина биров супуриб қўйгандек топ-тоза. Чол чўкка тушиб, сувчи бедапояни суғораман деб сув бостириб юбормадимикин, шу ер қулаймикин деган хаёлда атрофини қўли билан пайпаслаб кўрди. Лекин ҳаммаси жойида эди. Сирож бува ўн бешта тузоқни ажрата туриб, ариқдан лой ола келмагани бирдан эсига тушиб афсусланди. Баъзан тузоқларни кесак билан бостириб ёки беданинг бақувватроқ поясига боғлаб қўярди, лекин бунинг нафчи кам бўларди: беданалар солинган йўлдан юрмас, юрган тақдирда ҳам нимагадир тузоқда туриб бўғилиб ўларди. Афтидан, ҳўл лойнинг ҳиди беданаларни жалб этса керак. Эҳтимол улар макиёнларини чақириб сайрайверишгандан сўнг қақраб кетган томоқларини ҳўллаб олиш учун шу ерда сув бор деган умид билан келиб тузоққа илинса ҳам ажаб эмас.

Хуллас, бориб лой олиб келишга тўғри келди. Кейин йўлнинг узунаси бўйича тузоқларни қўйди-да, тариқ сеңди. Ўзи эса яшириниб олди. Устидаги чопонини ҳам ёй

май бошини ерга қўйганича шитир этган овозга жимгина қулоқ солиб ётди.

Шитирлаган овоз борми, йўқми — сира билиб бўлмасди. Жамики ўт-гиёҳлар, ҳатто шамол ҳам субҳидам уйқусида эди.

Сирож буванинг тепасида, шундоққина боши устидаги бир ўт қимирлай бошлади, гўё уйқудан уйғониб қаддини ростламоқ учун керишгандек, чолнинг юзига тегиб кетди. Сўнгра яна битгаси қимирлаб, қаддини ростлади. Бирдан қарсиллаган ўқ овози жимликни бузиб юборди. Чол сесканиб тушди. Йўқ, ҳар қалай, бу ўқ товуши эмас. Биллур кўза синди. Йўғ-е, сингани йўқ... Шунчаки жаранглаб кетди. Асл биллур шундай жаранглайди... Жимжит сокинликда бедана бир сайради-ю, жим бўлиб қолди.

Чол кулмсиради. Қиркикни олмоқчи бўлди-ю, лекин олмади. Йўқ, яхшиси бирпас сабр қилиш керак. Қани, яна сайрасин-чи...

Яна сайроқ эшитилди. Бедана янада тиниқроқ, жарангдор овоз билан узундан-узоқ сайрадики... Гўё тунда қандайдир сеҳрли кумушсимон тор бирдан узлиб кетгандек, симлари ҳам бурала-бурала юлдузли осмонга чиқиб кетгандек бўлди.

Чол қиркигини лабига қўйиб, гўё чўчинқирагансимон секингина овоз берди-да, яна жим бўлди. Кейин яна икки марта макиённинг овозига ўхшатиб чалди.

Шундан кейин бедана тўхтовсиз питпилиқ отиб тобора яқинроқ кела бошлади. Унинг сайроғига жавобан, нарироқдан яна икки бедана қўшилди. Кейин учта, тўрттаси қўшилди.

Биринчи сайраган бедана жуда яқин келиб қолди. Афтидан, ўша тор йўлга чиқиб олган бўлса керак.

Чол қиркик чалишни тўхтатиб яна жим бўлди: бедана қидирган макиён овоз бермади. Майли, бирпас олазарақ бўлиб қидиргани маъқул.

Бедана тоқатсизланиб, турган жойида ер титкиларди, ўткир тирноқлари билан ерни тирнаб, йўлнинг у бошидан-бу бошига бориб келаётгани шундоққина эшитилиб турарди. Ҳамон тинмай сайрарди.

— Келавер, қани бу ёққа, — деди чол бедана эшитмайдиган даражада секингина пичирлаб. — Кела қол. Ҳозир менга жудаям кераксан-да...

У қиркикни яна лабига олиб, оҳиста чалиб қўйди.



Бедана ўша заҳотиёқ орқа-ўнгига қарамай макиён овози келган томон югурди. Яхшиямки сўқмоқ бор. Лекин у йўлга сепиб қўйилган тариққа дуч келди. Бедана таққа тўхтаб ўзини тариққа урди. Ахир, шундай мазали донни чўқимасдан ўтиб кетолмасди-да. Бунинг устига, айни баҳор, роса очиққан пайти. Тариқ шунчалик кўпки, макиённи ҳам таклиф қилса бўлармиди... У қаердайкин? Ҳар қалай, ана шу атрофда бўлиши керак. Яна бекиниб олдимикин? Шошмай тур ҳали... Яна икки дона чўқий... Яна битта... яна биттагина чўқийман, холос... Мана охиргиси... Оҳ, жудаям мазали тариқ экан-да! Ташлаб кетишга кўз қиймайди. Макиён ҳам қандай жойда яшашни яхши билади... Бироқ... етар энди, инсоф ҳам бўлиши керак. Эҳтимол, макиён беда ичига яшириниб уни кузатиб турган бўлса ҳам ажаб эмас. Роса очофат экан, деб ўйлаши мумкин. Тариқ турган ерда мени бутунлай унутиб юборди дейиши мумкин. Йўқ, унчалик эмас...

Бедана бошини кўтариб, бўйинини чўзиб, мунчоқдай кўзларини теварак-атрофига югуртириб чиқди.

Ана холос! Бу қанақаси? Уҳ, омад келмаганини кўринг. Қачон илина қолдийкин? Ҳай, майли, ҳечқиси йўқ. Фақат ҳовлиқмаслик, шошмаслик керак.

Бедана оёғини кўтарди-да бир неча марта жони борича қаттиқ силкинганди, оёғига илиниб қолган қил тузоқ сирғалиб тушди.

Ана, қутулди қўйди. Арзимаган нарсадан юраги чиқиб, чўчиб ўтирибди. Ўтган йилдагига ўхшаган тузоққа илинмадимикин? Балки бу ўша тузоқдир? Орқа-ўнгига қараса бўларди-ку, лекин вақти йўқ-да. Макиён қаёқда қолдийкин?! Анави сайраётган ким бўлдийкин? Овози зўр экан. У ҳам шу томонга келяпти! Қани яқинимга келиб кўр-чи, дабдалангни чиқараман.

Бедана сўқмоқда туриб олди-да, бошини баланд кўтариб, рақибини қидира бошлади аланглаб. Рақиб келди-ю, душманни кўриб ғазаби қўзигандан дарҳол жангга ташланди. Лекин олдин келган бедана бу қадар сурбет рақибга ён бергиси келмади. Иккови ҳам биридан қолишмай ўткир тирноқли оёқлари билан шундай тепкилашдики, иккови баравар ёнга ағдарилиб қанотлари тағларида қолди. Ана холос! Демак, кучлар баб-баробар. Энди ҳийла ишлатиш лозим.

Иккови қанотини ёйиб ва бўйинини чўзиб турган ерда айланавериб, оёқларига нимадир илинганини сезмай

қолишди. Жанг қизигида эҳтиёткорлик эсга келадими. Рақиб ўралашиб турганида пайтдан фойдаланиб жанг қилиш лозим, жанг... Нима бўлса ҳамки макиённи бой бермаслик керак... Ие, бу нимаси тағин? Оёғидан бунчалик қаттиқ тортган ким бўлдийкин?!

— Хўш, қўлга тушдиларингми, жониворлар! Энди типирчиламасаларинг ҳам бўлади,— деди чол беданаларни тузоқдан бўшатиб тўрқовоққа солар экан, мамнун бўлиб.— Менга шу кеча-кундузда жуда зарур эдинглар, жудаям. Ана энди мен сенларни сотганим бўлсин. Сотгандаям анча қимматга сотаман.

## 5

Энди унга пул сувдан ҳам зарур эди. Озроқ бўлса-да пул жамғариб қўйишни ўйламай жуда чатоқ қилган экан. Мана энди беданафурушлик қилишга тўғри кел-япти.

Ҳа. Шунча йил қийинчиликда ҳаёт кечирса ҳамки, барибир мулла бўлмаган экан.

Ҳаёт... Қанақа ҳаёт?! Ҳаёти бундан ўттиз беш йил аввал тугаган. Қизиқ, ўшанда бунақа ҳаётдан кечиб жонига қасд қилиб қўя қолса қайтага яхши бўлар экан. Тўғри, шундай фикрга борган пайтлари ҳам йўқ эмасди. Бироқ ҳар сафар нимагадир ўзини босарди. Олдинига у барча қийинчиликни енгиб, қандай бўлмасин тирик қолгиси келди. Кейинчалик эса... яшашга иштиёқ туғилди, Сабаб? Сабаб шуки, ўлишдан осон нарса йўқ, бекордан-бекорга ўлгиси келмади. Аммо яшаш— бу жуда оғир масала... Ҳа, отасига балли. Минг қилгандаям Сирож азамат экан. Чўғдай қизиб кегган қумлар ичида... Танҳо бир ўзи... Бутунлай кўр бўлса... Бир қултум сувсиз... жойга золимлар уни қандай кўзлари қийиб ташлаб кетдиларкин? Нима сабабдан уни шунчалик лақиллатишдийкин? Эҳ, аблаҳлар! Карвончиларнинг тўртталови ҳам инглиз, фақат биттаси — бешинчиси йўл бошловчи эди. Улар Сирожнинг шу ерда ҳалок бўлишига аниқ ишонар, шунинг учун қумзорга ташлаб кетган эдилар.

Орадан икки кун ўтгач, қумтепалар ортидан карвоннинг қўнғироқ товуши келди-да, Сирож ўша томон юрди. Бироқ у юрган сари қўнғироқ овози тобора узоқлашаверди. Кейин эса мутлақо эшитилмай қолди.

Лекин Сирож қудуқ бошигача бир амаллаб бориб олди. Орадан бир ҳафта ўтгач, қудуқ бошига карвон келиб тўхтади.

Мана, бутун воқеа шундан иборат.

Кейинчалик худди тушга ўхшаб, ҳаётининг иккинчи варағи бошланди. У талай вақт Хоразмда уста Ниёз исмли ҳунарманднинг қўлида яшади. Эҳ, бу одамнинг қўли гуллигини айтмайсизми! Кун бўйи унинг уйидаги устахонада жажжи аррача ва дастарранинг ҳамда эговнинг қирт-қирти, ёғоч болғачаларнинг тақир-туқири тишмасди. Уста Ниёз қайрағоч, тут ва ўрик палёнларини қайнатиб, кейин йиллаб офтобда қуритарди. Бу қуриган палёнлардан уста ясаган дуторнинг овози сеҳрли жаранглар, ўзи ҳам қушдек энгил бўларди. Хоразмда бу устани ким танимасди дейсиз?! Ҳамма яхши биларди. Унинг дуторига ишқибозлар кўп эди; Ҳива хони ҳатто Бухоро амири ҳам одам юбориб дутор олдирадди. Уста Ниёз кун бўйи устахонасида ишлар, кечаси эса бедана овига чиқарди. Шундай қилиб уста икки нарсага ишқибоз эди. Сирож устанинг касбидан биттасини, яъни киркиқдан нозик товуш чиқариб беданаларни чақириб олишни ҳамда тўрқовоқ ясашни ўрганди; шунингдек, ов учун қандай ерни танлаш, тузоқни қандай қўйиш кераклигини муфассал равишда билиб олди. Лекин ҳунарни... Умуман тўғриси айтганда, ҳунарни ўрганишга қунт қилгани ҳам йўқ. Бу соҳада уста Ниёзга тенг келадиган одам йўқ эди.

Эҳ, уста Ниёз, уста Ниёз! Кўр Сирожиддинга шунчалик бахтли кунларни бахш эгдингиз. Жамики яхшиликларингиз учун мингдан-минг раҳмат! Ишқилиб, асло кам бўлманг, ёруғ дунёда узоқ умр кўринг.

Ана шу машъум фожнадан сўнг дастлабки йиллари (йўқ, у мутлақо кўзи учун ачинмасди, чунки ўзи шу жазога лойиқ эди) унга алам қиладиган жойи шунда ёдики, у худди қобилиятсиз разведкачилар сингарини алданиб ўзини-ўзи қўлга тушириб берди, бекорга ўлиб кетгандек, ном-нишонсиз бўлди-қўйди (ана шу машъум фожнанинг дастлабки йиллари, яъни Хоразмда уста Ниёзнинг даргоҳида юрган кезлари тушига нуқул қизи Надя, Наденка, Надюшаси кирадиган бўлиб қолганди... Ҳозир у кимсан Надежда Сергеевна). Нуқул тушига Петербургда қолдириб кетган вақтдаги кичкина қизалоқлик пайти кирарди. Эндиликда ўша кўрган

тушларининг ҳаммаси эсдан чиқиб кетди, уларни хотирлаш мумкин эмас. Лекин шулардан иккитаси ҳали-ҳали эсида.

Бир кун тушида Петербургдаги қор босган Ёзги боғда қизини чанада айлантириб юрган эмиш. Бирданига чана қушдай енгил бўлиб қолибди. Угирилиб қараса, чанада ҳеч ким йўқ эмиш. «Ие, қизимни йўқотиб қўйибман-ку»,— деб ўйлабди қўрқиб. Бир оздан кейин: «Йўқ, Петербургда, келиб-келиб Ёзги боғда йўқотиб қўйишим мумкин эмас», дея ўзига-ўзи тасалли берибди.

Яна битта туши эсидан асло чиқмасди...

Кимсасиз Фин кўрфазининг қирғоғи. У хотини Ольга билан бир нималар ҳақида гаплашиб турарди. Қизи Надюшка эса шундоққина сувнинг лабида қўлини тўлқинланган сувга тутиб чўнқайиб ўтирарди. Кейин нима ҳам бўлди-ю, Ольга билан Надюша сувга тушиб кетишди. Тўлқин икковини ҳам ҳаш-паш дегунча қоронғи қаърига тортиб, узоқларга оқизиб кетаётган эмишу, улар эса хахолаб кулишармиш.

— Қаёққа кетяпсизлар?! Оля, қаёққа борасизлар, ахир?!— деб қичқирибди у. Улар эса ҳамон кулишиб олислаб кетишаётганмиш, кулгилари теварак-атрофга акс садо бериб жаранглармиш. У қизи билан хотинининг орқасидан ўзини сувга ташлабди ва шу заҳоти офзига сув кириб чўка бошлабди.

Сирож аъзойи бадани қаро терга ботиб нафаси офзига тикилган ҳолда ҳаприқиб уйғонди.

— Уйқингда нималар деб бақирдинг, а?— сўради уста Ниёз.— Нима, туш кўрдингми? Яна қизингни кўрган бўлсанг керак, шундайми?

— Ҳа. Жажжигина пайти. Денгизга тушиб оқиб кетди.

— Менинг гапимга ҳам қулоқ солиб... уни Хоразмга олиб келсанг-чи,— деганди уста Ниёз бир эмас бир неча бор.

Лекин Сирож бу саволга ҳеч қачон жавоб бермаганди. Худди тошдан садо чиқмагандек ё миқ этмасди, ёки йўқ дегандек бош чайқаб қўя қоларди.

Унинг бошидан қандай воқеалар кечганлигидан биргина уста Ниёз воқиф эди. Ундан бошқа бирон-бир кимса билмаслиги керак. Сирожнинг тириклигини ҳам зинҳор ҳеч ким билмаслиги лозим. Ҳатто қизи ҳам. Унинг бахтига раҳна солишининг нима кераги бор?! Ахир бир

пайтлар Петербургда Сирожнинг ақл-идроки, жасурлиги, довиюраклиги ҳақида ҳамма қойил қолиб гапирарди. Жажжи қизалоғи Надя эса бундан фахрланарди, кўз ўнгида отаси гўё қаҳрамонлардек гавдаланарди. Эҳтимол, унинг тасавурида ҳанузгача шундай бўлиб қолгандир. Энди юрагига гулгула солиб, орзуларини тилкапора қилишнинг нима кераги бор? Керак эмас. У онт ичган. Сирож дом-дараксиз йўқолди, деб ҳатто газеталарда ҳам ёзишган. Лекин қизи шундоқ яқинида — Тошкентда яшаётганлигидан мутлақо беҳабар эди Сирож.

Энди нима қилиш керак?.. Нима қилса бўларкин?..

Борсамикин... Лекин, кўзи ожиз мўйсафид, ярадорни қандай қилиб олиб борарди?! Бўлмайди. Уни Скобелев шаҳрига олиб боргани маъқул. Ўша ерда жарроҳлар қўлини кесиб ташлашади-қўяди. Тузалгунча туриб, кейин Тошкентга бирга боргани маъқул..

Йўқ, ўша хатоси учун кечирим йўқ, сира ҳам ўзини кечирishi мумкин эмас. Орадан ўттиз беш йил ўтиб кетса ҳамки, ўша хатоси учун ўзини ҳали ҳам кечиролмай юради. Хеч қачон кечирмайди ҳам.

Инглизлар шундоқ бой ўлкани — Туркистонни қўлдан бой берганлари учун дарғазаб эдилар. Улар қандай қилиб бўлмасин уни Россиядан ажратиб қўймоқчи эдилар. Инглиз разведкачиларининг бу ерларда шунчалик кўп бўлиши, Сирожнинг ҳатто хаёлига ҳам келмаганди. Мана энди улар шароитдан фойдаланиб, ўшанда пучга чиққан ёвуз ниятларини амалга оширмоқчилар. Йўқ. Чучварани хом санабсиз, жаноблар! Энди қўлларингдан ҳеч нарса келмайди.

Хўш, бу ёғи нима бўлади? Қизи билан учрашгач, қейин нима бўларкин?.. Яна ўша бепоён қум барханлари... Йўл оғир... Эрталабоқ йўлга тушиш керак, йўқса ярадор ҳалок бўлади, турган гап. Ахир барибир етиб боролмаймиз... икковимиз ҳам бу кимсасиз чўл-биёбонда ҳалок бўламиз, эсон-омон чиқиб олишимиз амри маҳол.

— Дада! Дадажон!

— Қизим!

— Дада!

— Қаердасан?..

— Дада!

Чол инграб бошини кўтарди-да, ярадорга қараб қўйди.

Жуда кўпдан бери туш кўрмагандим. Хоразмдан кетганимдан бери туш кўрмагандим. Бирдан қизимнинг овози... Шундай аниқ, шундай тиниқки... Худди ўнгимда эшитилгандек. Ҳозир ҳам «Дадажон!»—деб чақиргани қулоғимда жаранглаб турибди. Уҳ, юрагимнинг гупилаб уришини қаранг-а...

6

— Қаёққа кетяпсиз, Сирож бува? Яна кетяпсизми? Мен ўламан. Сира мадорим қолмади. Жуда қаттиқ оғриятти! Жудаям! Сирож бува!

— Сабр қил, чидашинг керак, Рустамжон. Сабр қил, болам. Мен от олиб келгани кетяпман, ҳозир келаман.

Лекин чол пешиндан кейин ҳассасини дўқиллатиб отсиз, яёв қайтиб келди. Ҳамма режалари ўзгариб кетди. Чиндан ҳам ярадорни Скобелевдаги касалхонага отда қандай олиб боради? Ярадор саксон чақиримли йўлда отда юриши қийин гап. Аравада олиб бориш янада мушкул, олис йўл, чайқалтиравериб мазасини қочиради. Ёки яёв олиб кетаверсамикин? Бўлмайди.

Ҳар қанақасига ҳам чидаёлмайди, йўлдаёқ нобуд бўлади.

Ёки уни шу ерда қолдириб, Скобелевдан врач олиб келсамикин?.. Лекин Мардонқулнинг шайкалари бостириб кириб унга азоб беришади-да. Улар чол шу ердалиги учун ҳозирча қораларини кўрсатмай туришибди. Ҳар қалай ундан озми-кўпми ҳайиқишади.

Фақат битта йўли бор: яхшиси Скобелевга эпчил бир кимсани отда ибориб, ўзи Рустамнинг олдидан бир қадам нари жилмай туриши керак.

Оқбулоқ қишлоғида Мўмин исмли бир деҳқон яшарди. Исми ҳам жисмига монанд эди, чуқки бутун бошли Оқбулоқда унингдек ювош, меҳнатсевар, камтарин кимса йўқ эди. Мўминнинг ҳовлисида худди бойларнинг уйидагидек, олгита асил сайроқи бедана сайраб турарди. Бу беданаларни унга бир пайтлар Сирож ҳадя қилганди.

Мўмин ака чолнинг гапларини диққат билан эшитиб бўлгач, белбоғига бир дона зогора нон, тошдек қаттиқ бир нечта шўртаккина қуртларни тугди-да, бир оғиз гап қайтармай, отига минганича Скобелевга йўл олди.

Фақат у Сирож бувадан отга мингашинг, уйингизга оёриб қўяй, деб илтимос қилди. Бироқ чол унамади.

— Хаялламасдан тезроқ жўна, ҳайда тезроқ. Ахир шўрлик йигит ўлим тўшагида ётибди,— деди Мўминни қистовга олиб.

Мўмин ҳам анча олислаб кетган бўлса керак, энди Сирож ҳам ярим чақиримча юргач, ўзига таниш бўлган сўқмоққа бурилиши керак.

Кўп йиллар давомида юравергандан кейин бу йўлдаги жамики нарса унга белги бўлиб қолганди. Масалан, анави баланд кўприк: ҳар йили шох-шабба ташлаб, устига тупроқ босилаверганидан баландлашиб, юки оғирлик қилиб лопиллайдиган бўлиб қолган эди. Шу ерга келганда отлар ҳам қулоғини чимириб, аста-аста юриб ўтарди. Чол кўприк ортида йўл ёқасидаги бир туп баҳайбат ўрик дарахти ёнидан ўтди-да, бедапоя билан боғни ажратиб турадиган тутзорга етиб, энди сўқмоққа бурилмоқчи бўлганда жуда олисдан туёқларнинг товуши эшитилди.

Чол ҳушёр тортиб, худди ана шу бурилишдан қўзғалмай, отларни кутиб туришга жазм қилди. Дўпир-дўпир туёқ товушига қараганда, отлиқларнинг иккитаси отни елдирмай олдинда, қолганлари эса,— улар уч-тўрт киши бўлса керак,— орқароқда келишарди.

Олдинда келаётган икки отлиқ чол ёнига етгач, отларини тўхтатди.

— Салом, ота,— деди биттаси русчалаб.

Чол алик олишга шошилмади.

— Ассалому алайкум, отажон!— деди тўсатдан аёл киши ўзбекчалаб.

— Ваалайкум ассалом!— дарҳол алик олди чол севиниб.

— Отажон, Тозасой қишлоғи шуми?— сўради яна ўша аёл.

— Ҳа, Тозасой шу.

— Сиз шу ерликмисиз? Тозасойликмисиз?

— Ҳа, шу ерлик, Тозасойликман.

— Сизни учратганимиз жуда яхши бўлди-да. Айтолмайсизми, Хуршид деган кишининг уйи қаерда?

Чол жавоб қилишга шошилмади, ҳозиргина аёлга боқиб ёришиб кетган юзи билан нурсиз кўзлари бирдан ўзгариб қорайиб кетди.

— Хуршидники дейсизми, қизим?..

— Ҳа, отажон, Хуршид Собитов. Танийсизми?  
 Чол ерга қараб қолди.  
 Отлиқлар индамай туришарди.  
 — Нима қиласиз уни?— сўради чол ниҳоят.  
 — Уникига кирмоқчи эдик. Эшитишимга қараганда,  
 у сил касал эмиш, шундайми?  
 — Хуршид йўқ энди,— деди чол ғамгинлик билан.  
 — Йўқ? Қаёқда у?  
 — У энди йўқ. Уни босмачилар чопиб ташлашди. Қа-  
 ни, юринглар.  
 — Қаёққа борамиз?  
 — Сизлар йўқлаб келган ўша қизил аскар... темир-  
 чининг ўғли... менинг қўрғонимда ётибди. Юраверинг-  
 лар.  
 Ҳаммаси дарҳол отдан тушди.  
 Чол олдинда, сўқмоқдан йўл бошлаб борди. Унинг  
 кетидан Надежда Сергеевна Малясова отини етаклаб,  
 секин-аста борарди. Варламов энг кейинда эди.

7

— Йўқ, йўқ! Бир нафас ҳам кечиктириш мумкин  
 эмас!— деди Малясова кўз ёшини кафтлари билан ар-  
 таркан.— Бир нафас ҳам!  
 — Ахир, ҳозир сен жудаям ҳаяжонланяпсан. Бу аҳ-  
 волда қандай операция қиласан, Надя?  
 — Билмадим, Петя, билмадим.  
 — Лекин... балки... ҳар ҳолда уни... Эшитяпсанми?!  
 Менга қара, Надя, яхшиси уни Скобелевга олиб борай-  
 лик. Эшитяпсанми-йўқми, Надя!— дўқ қиларди Варла-  
 мов уни кўндирмоқчи бўлиб.  
 — Агар бошқа одам бўлганида ҳам майли эди... Рус-  
 тамнинг ўрнида бошқа одам бўлганда, тушуняпсанми?!  
 Бемалол операция қилаверардим. Ахир бу Рустам-ку!—  
 деди у Варламовнинг гапига мутлақо қулоқ солмай.—  
 Оғриғи бўлади, жони оғрийди-да. Унга қўшилишиб  
 мен ҳам бу оғриқни ҳис қиламан. Нега деганда у... у,  
 менга ўз ўғлимдек... ўз боламдек... Мен унга бир пайт-  
 лар ўйинчоқлар, шоколадлар олиб келардим... Алифбе  
 китобини бергандим... Келиб-келиб мен унинг қўлини  
 кесиб ташлашим керакми? Йўқ!..— Надя кафтлари би-  
 лан бирдан юзини беркитди. Кейин қўлларини юзидан



олди-да, даҳшат тўла кўзларини катта очиб, Варламовга қараб:— Петя,— деди секингина.— Лекин энг даҳшатлиси... ҳаммадан даҳшатлиси бу эмас. Гап менга оғир таъсир қилишида ҳам эмас. Йўқ, Петя... у нобуд бўлади. Менимча унинг қони заҳарланган. Биз уни касалхонага етказиб боролмаймиз. Шу ерда операция қилишга тўғри келади... Ҳозироқ. Ўзим қиламан. Яхшиси, тайёргарлик кўрайлик. Қани, тезроқ бўлинглар. Вақт кетмасин. Тезроқ!

У энди ортиқ йиғламасди. Қўл-оёқлари ҳам тез ва дадил қимирлар, овози ҳам буйруқдек қатъий, лекин секин эди.

Тўғридан-тўғри шу ернинг ўзига янги бўйра ташлаб,— яхшиямки чолнинг сандиғида янги чойшаб бор экан,— бўйра устига ёздилар. Шундан сўнг Надежда Сергеевна Варламов билан бирга қўлини тозалаб ювиш учун сойга тушишди.

— Яхшиямки энг керакли нарсаларни: пахта, спирт йодларни ёнимда ола келганим,— деди у Варламовга сойдан чиқиб келишаркан. Сўнгра, хотиржамлик ва умидворлик акс этган кўзлари ила эрига қаради-да:— Ноумид шайтон, умид қиламиз-да. шундайми?..— деб қўшиб қўйди.

Эри жавоб бермади, фақат «шундай» деган маънода кўз қисиб қўйди.

— Ишончинг учун сенга раҳмат. Энди нарироқ бориб тур, мен ибодат қилиб оламан.

Варламов нари кетди. Надежда Сергеевна шарқ томонга ўгирилди-да, қўлларини ёнига тушириб овозини чиқармай, алланималарни пичирлаб чўқинди, кейин яна пичирлаб, чўқиниб олди...

Надежда уйга кирганида Рустам оқ чойшаб устида ётар ва оғриғи зўрлигидан бошини дам у томонга, дам бу томонга ташлаб инграрди.

— Бошини маҳкам ушлаб туриш керак!— деб буюрди.

Уйда ярадордан бўлак яна уч киши: Надя, Варламов ва кўр Сирож бор эди. Қолганларни у ташқарига чиқариб юборганди.

— Мен сизга айтяпман, Сирож бува!— деди у яна буйруқ оҳангида.— Чўкка тушиб, бошидан маҳкам ушбанг. Мана бундай, мана бу еридан маҳкам ушлаб турсангиз бўлгани.

— Хўш?.. Боя мен сизларга нима дегандим? Эсингиздами?

— Нима дегандинг?

— Наҳотки эсларингдан чиқарган бўлсаларинг? Қойилман мияларингга! Демак, эс-ҳушларинг қизларнинг эс-ҳуши сингари тариқдай экан-да. Бирпасда унутдиларингми?

— Қизларнинг эс-ҳушига ўхшаса майли-я. Унда ҳам баттар, нимасини айтасан, офайни...

— Қани, айтинг-чи, бугун келаётганимизда даштда нимани кўрдик? Бир эслаб кўринг-а? Хўш?..

— Эсимда йўқ. Нимани кўргандик?— деди биттаси.

— Тағба! Чиндан ҳам эсларинг йўқми дейман. Ахир сиз... ахир сизлар қизил аскарсиз-ку. Ҳамма нарсани эсингизда сақлашингиз, ҳамма нарсани пайқашингиз керак. Келаётганимизда ўт устида туянинг калла суяги учради: жағи олд тарафга қараб юмалаб ётганди. Кўпни кўрган карвонларнинг гапига қараганда, агар йўлда туя ёки отнинг... йўқ, яхшиси туянинг... жағи олдинга қараб ётган калласи учраса, омад келармиш.

— Э, қанақасига омад экан ўша? Бу ерда одам ўлай деб ётибди-ю, сен бўлсанг, омад дейсан-а...

— Ҳа, дедим, демак, гапимда жон бор: омад келишига ишонганим учун айтдим. Омад нимада? Ҳозир операция қилишади. Мана кўрасиз, ярадор албатта соғайиб кетади. Агар мана шу аёл бўлмаганда-чи? Борди-ю Тошкентдан келмай қолганда-чи?! Хўш? Унда нима бўларди? Демак, йўлда бизга туянинг жағи ҳам учрамасди.

Сухбатдошлар бу гапга нима дейишларини билмай индамай қолишди. Учовларни кўрғончадан анча наридаги ўрикзорда ўтиришарди. Туянинг калла суяги ҳақида гапираётган йигит бир чеккага бориб, ўт устига пайтавасини ёйди, ёнига ботиқкасини қўйди-да, қайтиб келиб чордана қуриб ўтирди. Найзасиз милтиғи ҳамда филофи анча эскирган қиличи ёнгинасида эди. Отряддагиларнинг ҳаммаси унинг довиорақлиги, гапга чечанлиги, кўнгли очиқ ва ҳамма билан тезда апоқ-чапоқ бўлиб кетадиганлиги учун ҳам уни яхши кўришарди. У умрининг деярли ярмини белбоғ ўрнига жун арқон боғлаб, ўроғини белига қистириб, кетмонини елкага олиб, қишлоқма-қишлоқ батраклик қилиб ўтказганди. Унинг бор бисоти

— арқон, ұроқ ва кетмондан иборат эди. Ана шу билан у тирикчилик қилиб, бир бурда нонини топиб ерди. Эҳтимол, бу Йўлдош қишлоқма-қишлоқ ва овулма-овул батраклик қилиб юрган кезларида ҳар турли воқеаларни, афсоналарни, ёлғон-яшиқ гапларни, мақол ва маталларни кўп эшитгани учунми — кўнгиллилар сафига ёзилиб отрядга келган заҳотиёқ қизил аскарлар орасида донғи чиқди-қўйди. Унинг қошлари қоп-қора ва қуюқ, лекин калта эди. Хоҳ бирон нарса ҳақида гапираётган бўлсин, хоҳ индамай турган бўлсин — барибир, қошлари калталиги учунми, нимагадир, доим чимирилиб, юзида таажжубланиш аломати пайдо қилар ва бу аломат фақат Йўлдош кулган пайтлардагина бирпас ғойиб бўларди. Ҳатто ёлғиз ўзи алланималар ҳақида ўйлаб ўтирган кезларида ҳам таажжубланиш аломати юзини тарк этмасди. Япасқи гўштдор бурун тешигининг ўнг тарафига ёпишган нўхатдек холи ҳамда ҳабашларникига ўхшаш қалин лаби унинг истараси иссиқлигидан, кўнгли очиқлигидан далолат берса-да, юзини янада маънолироқ, ёқимлироқ қилиб кўрсатарди.

Йўлдошнинг иккала шериги эса устларидаги шинелларини ҳам, ботинкаларини ҳам ечмай, ўт устида қоринларини ерга берганича, оёқларини кериб ётишарди. Иккови ҳам Йўлдошдан кичик эди. Биттаси — Турсун, у тўрт ёш, иккинчиси — Эргаш, икки ёш кичик эди. Шунинг учун ҳам Йўлдошнинг гаплари уларга айниқса қизиқ туюларди. Йўлдош уларга кела-келгунча Насриддин афанди латифаларидан айтиб бериб шунақанги кулдирдики, ичаклари узилгудек бўлиб кулавергач, эгардан қийшайиб тушишларига оз қолганди.

Улар ўт устига жойлашиб, бемалол чўзилишиб, Йўлдошнинг ҳикоясини эшитишга тайёрланишиб, қачон у пайтаваси билан ботинкасини офтобга ёйиб бўларкин, деб кутиб ётишарди. Йўлдош шерикларининг ёнига келиб ўтириши биланоқ, иккови ҳалитдан илжая бошлади.

— Хўш, сабрларинг чидамай, қачон бошларкин деб кутяпсизларми? — сўради Йўлдош.

Улар индамай лабларининг таноби қочиб баттар илжайишди.

— Манови қўрғончада турадиган сўқир чолни кўрдиларингми?

— Кўрдик.

Йўлдош шерикларига ҳайрон бўлиб қараб қўйди-да, деди:

— Унинг нима тирикчилик қилишини биласизларми? Нотавон, камбағал экан деб ўйлайсизларми? Ёки бир бурда нонга гадо дейсизларми? Йўқ, нотавон ҳам, нон гадоси ҳам эмас. У, беданавоз. Бедана овлайди. Лекин ошга босадиганини эмас, бошқасини, қимматроқ пул бўладиганини. Одамларнинг кўнглини ёзадиган сайроқисини ов қилади. Балки сиз, чол беданафурушлик қиларкан, деб ўйлашингиз ҳам мумкин! Йўқ, ундай эмас. У ушлаган беданаларини одамларга шундоқ бепул беради, инъом қилади. Одамлар уйларида шодлик бўлсин деб. Агар тутган беданаларини одамларга инъом қилмайдиган бўлганидами, бедана овини аллақачон йиғиштириб қўйган бўларди. Бундан ташқари уришқоқ-зўрларини ҳам ушлайди. Жамики беданавозлар уни яхши билишадди. Бухоро, Самарқанд, Тошкентдан тортиб, ҳаммаси унинг олдига келади, ҳатто энг номи чиққан беданавозлар ҳам келади. Лекин чол биронтасидан ҳам пул олмай, текинга беради.

— Бу қанақаси бўлди? Нега энди пул олмайди?— сўради Гурсун.

— Чол мана шундақанги ажойиб одам.

Улар олисдан туриб, дам боядан бери ҳеч ким чиқмаган кўрғонга, дам бедапоя четида ўглаб юрган отларга қараб-қараб қўйишарди. Бу кўрғонча уларда ғалати таассурот уйғотарди; қишлоқдан анча нарида, бир чеккага жойлашган бу кўрғонча гарчи ҳозир ичкарида анча одам борлигига қарамай, қандайдир яккаланиб, ҳувиллаб қолгандек, ҳамма уни ташлаб, унутиб юборгандек кўринарди.

— Чолнинг ҳеч кими йўқми? Бола-чақалари, қариндош уруғлари ҳам йўқми?— сўради Эргаш.

— Ҳеч кими йўқ,— деди Йўлдош ва бирдан сергак тортиди: чордана қуриб ўтирган оёқларини тўғрилади-да, худди бадани увишгандек, елкаларини қимирлатиб, кафтларини бир-бирига ишқади.— Гап бундай, оғайнилар. Жудаям қовоқларинг осилиб кетди. Яхшиси менсизларга Хўжа Насриддин саргузаштларидан гапириб берай... Хулласи калом, қулоқ солинглар. Бир куни Хўжа Насриддин бозордан гўшт сотиб олипти ва уни хизматкорига тутқазиб: «Гўштни уйга олиб боргин-да, гуруч билан қўшиб пиширармишсиз, деб айтгин»,— депти,

—«Уйда ўтин йўқ-ку»,— эътироз билдирипти хизматкор.  
—«Ундай бўлса, арпа ёрмасини қўшиб пишира қолишсин»,— дебди.

Турсун билан Эркин иккови баробар чалқанча ўгрилиб олди-да, роса хахолаб кулишди.

— Сал секинроқ кулинглар,— деб огоҳлантирди уларни Йўлдош.— Агар анови ердагилар...— у боши билан имо қилиб қўрғонча томонни кўрсатди...— Кулгиларингни эшитиб қолишса, ҳар қалай яхши бўлмайди.— Шундай деб Йўлдош бошқа ҳикоя бошлади.— Хўжа Насриддин қоқ ярим кечада хотинини уйғотиб: «Хотинжон! Ҳой хотинжон! Тезроқ кўзойнагимни топиб бер»,— депти.— «Нима бало, эс-песингизни еб қўйдигизми, ярим кечада кўзойнакни нима қиласиз?!»— депти хотини.— «Гапни айлантирма, шу тобда жуда бир ғалати туш кўрдим, қоронғида кўзойнаксиз баъзи нарсаларни ажратолмаяпман»— депти.

Шериклари кулишга оғизларини жуфтламасданоқ, Йўлдош яна бошқасини улаб кетди:

— Хўжа Насриддиннинг яқин улфатларидан бири: «Ёшингиз нечага борди, мулла Насриддин?»— деб сўрапти.— «Роса қирққа кирдим»,— деб жавоб берипти у.

Шундан кейин орадан ўн йилча ўтиб кетипти. Бир куни яна шу ҳақда гап очилиб, улфатларнинг ҳаммаси бирма-бир ёшларини айтиб чиқишибди. Шунда Насриддин туриб: «Мен ҳам шу йил қирққа кираман»— депти. Улфатлари кулишиб, «Мулла Насриддин, бундан ўн йил бурун ҳам қирққа кирдим» дегандингиз-ку, бу қандай бўлди?»— дейишипти. Шунда Насриддин:— «Йигит кишининг гапи битта бўлади»— деб жавоб берипти.

Иккала шериги ўт устида думалаб-думалаб, роса мириқиб кулишарди. Лекин Йўлдош бир нимага қулоқ солиб, индамай ўтирарди. Унинг орқа томонидаги учинчи ўрик шохида ўтирган ҳакка худди ўқсиз пулемёт шарақлагандек, қисқа-қисқа шақилларди.

— Дунёда энг жиним ёқтирмайдиган нарса ана шу ҳакка бўлади,— деди Йўлдош орқасига қарамай.— Турсун, агар сенга малол келмаса, ундан сўра-чи, нима деяптикан?— деб қўшиб қўйди мутлақо жиддий равишда.— Бу хосиятсиз парранданинг учиб келиши ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Қани, қаранглар-чи, думини қай-

си җарафга қилиб ўтирганикин. Биз томонгами ёки, тескарими?

— Биз томонга,— деди Турсун.

— Ҳа, ундай бўлса дуруст. Демак, яхшилик келтиради.

Иккала қизил аскар жим бўлиб, диққат билан Йўлдошга қаради. Йўлдош юраги ғашлигини шерикларига сездирмаслик учун қанчалик ўзини ҳар хил кўйга солмасин, барибир, ташвишлангани юзидан билиниб турарди.

— Мана заҳматкаш, ана меҳнаткаш... Ановини қаранглар... Мановини заҳматкаш деса бўлади!— деди у ўзини қўлга олиб, жиддий равишда. Унинг шундоқ кўз олдида кўм-кўк майса орасидан қоп-қора чумоли ўрмалаб борарди. Йўлдош диққат билан уни кузата бошлади.— Нега куласизлар? Мен сизларга жиддий гапиряпман. Мана шу мўъжизага пешингача тикилиб турсанг ҳам чарчамайсан. Сургаб келаётган юкига қаранг: ўзидан йигирма баробар катта. Ким шунақа қила олади? Мана сизга чумоли! Тўсиқлардан айланиб ўтишини кўринг. Бир тўп ўтдан ўтиб олди, энди бармоғимдан айланиб ўтяпти. Бирпас тўхтаб, қаёққа юриш кераклигини ўйлаб олди-да, айланма йўлдан кетди. Ўзини қийнамасдан, орқа-ўнгига қараб юришига қаранг. Юкини ҳам ташламайди. Шошма. Ана ёнига бошқаси келди. Ановини томоша қилинг. Афтидан: «Юкинг оғирми? Кел, ёрдамлашиб юборай»,— деяётган бўлса керак шеригига. У бўлса: «Кераги йўқ, ўзим бир амаллайман» деяпти шекилли. Унисини қаранглар, зинғиллаганича кетяпти. Бирдан тўхтаб яна орқасига қайтди. «Менга қара, жигарим, бир ўзингга оғирлик қилади. Қе, яхшиси икковимиз...» деяпти яна. У бўлса қайсарлик қилиб азбаройи жаҳли чиққанидан: «Шилқимлик қилаверма кўп, бор, йўлингдан қолма»,— деб юборди шекилли, шериги индамай жўнаб қолди. Афтидан, у ҳам аччиқланган кўринади. Жаҳлига чидолмай югуриб кетишини қаранг. Демак, у ҳам ўз ишига шошилиб кетяпти.

— Нима қипти? Улар ҳам мисоли одамзотга ўхшаган-да. Уларнинг ҳам бойи билан камбағали бор,— деди Турсун.— Анови юк олиб кетаётгани... Тўхтанглар-чи, нимани судраб кетяптикин ўзи а?.. Келинглари, юкини тортиб оламиз.

— Нима кераги бор, қўйсанг-чи!— тўхтатди уни

Пўлдош. Қўявер, қандини урсин. Кўрмаяпсанми, сула олиб кетяпти.

— Сули эмас, сулининг қипиғи,— деди Эргаш чумолига диққат қилиб қарагач.— Ёки ёввойи бугдой қипиғи бўлиши мумкин...— деб қўшиб қўйди у ҳамон тикилиб.

— Сулиники ҳам эмас, ёввойи бугдойники ҳам,— деди Турсун диққат билан чумолини кузатиб.— Ниначининг қаноти. Майда-майда тўрини кўряпсанми, ниначининг қаноти-ку!

— Қаноти бўлса қанотидир. Бўпти,— деб кўна қолди Эргаш.— Менга деса, бутун бошли ниначининг ўзи бўлсин. Мен бунга айтаётганим йўқ. Мен худди одамзога ўхшатиб гимир-гимир қилишини айтяпман. Батраклари ҳам, бойлари ҳам бўлса керак. Манави судраб кетаётгани батрак бўлиши керак. Ҳов анови иккитаси... Ҳов ана, бир чеккада туриб олиб, нуқул мўйловларини қимирлатишяпти... Булар фақат кузатиб туришипти, холос... булар албатта бойлари. Анови эса, ёрдамлашиб юборайми, дегани, ҳар қалай укаси бўлса керак. Бу бўлса,— йўқ ўзинг судраб олиб келавер, биз туя қиламиз, деб туришипти.

— Гапинг тўғри,— деди Йўлдош ўйчан ҳолда Эргашга тикилиб, лекин юзидаги ҳайратланиш ифодаси янада кучлироқ тус олди. Шу тобда у кулибми ёки кулмасданми, ишқилиб нима тўғрисида ҳикоя қилаётган бўлмасин, қоп-қора, калта қошлари тобора кўпроқ чимирилар, кўзлари эса тобора ўйга чўмарди.

— Мана у! Ўзи учиб келди!— деди бирдан Турсун кафти билан шақ этказиб алланимани ўтга босаркан.

— Нима?! Нима экан у?— сўради Эргаш қизиқсиниб.

Турсун қўлига илинган нарсани ўт аралаш олди-да, секингина кафтини очди.

— Хўш олифта...— деди-да, чап қўлининг кўрсаткич бармоғи билан кафтидаги тиллақўнғизни олиб шерикларига кўрсатди.— Мана кўряпсизми?.. Ўзини ўлганга солиб ётишига қаранглар.— Турсун тиллақўнғизни кафтига қўйди-да, оёғини осмонга қилиб ётқизди.— Манавини қаранглар, худди ўлганга ўхшаб қимир этмайди-я.

— Ҳа-я, чиндан ҳам қимирламаяпти,— деди Эргаш.— Тавба, худди ўлганга ўхшайди-я.

— У ўт устига отиб юборишимни кутиб ётипти,—

деди Турсун.— Ҳозир кўрасизлар, уни нима қиламиз. У айёрлик қилмоқчи, лекин биз ундан кўра айёрроқмиз. Ҳар ҳолда биз инсонмиз-ку. Менда мана бу чўнтагимда оқ ип бор... Яна битта ингичка чўп топишимиз керак...

Унинг гапи оғзида қолди.

Қўрғонча томондан бирдан аёл кишининг йиғи товуши эшитилди.

Учовлари ўтирган ерларидан сапчиб туриб, теварак-атрофга алаңлаб қолдилар. Эгнига оқ халат, бошига оқ шапка кийиб операция қилган ўша аёл ўкириб йиғлаганча сой томонга чошиб борди-да, сойга етмай изига қайтиб, яна қўрғончага кириб бирпасда кўздан ғойиб бўлди, лекин ўша заҳотиёқ қайтиб чиқди. Энди у тўппатўғри ўрикзор томонга, одамлар ёнига чошиб келмоқда эди. Кетидан изма-из югуриб, унга бир нималар дея ялиниб, бригада командири Варламов келарди. Қўрғонча олдидаги остонада фақатгина мўйсафид чол ёлғиз қимирламай турарди.

Қизил аскарлар шошиб, турган жойларида қимирламай қотиб қолишди.

Қизил аскарлар турган жойга ўн қадамча қолганда Надежда Сергеевна бирдан қоқилиб, ўт устига юз тубан йиқилди.

Варламов орқасидан етиб келиб, уни даст кўтарди-да, азбаройи ўзини йўқотиб қўйганидан қаёққа олиб боришини билмай, тўхтаб қолди.

Қизил аскарлар бошларини қуйи солганларича, ўрикзордан аста чиқиб кетишди.

Шу воқеадан кейин Надежда Сергеевна деярли бир ҳафтагача ҳеч ким билан гаплашмади. Ҳамон бир нималарни ўйлар, бир нафас бўш қолмасликка, бекор ўтирмасликка ҳаракат қиларди. Агар Варламов унга бирор хусусда гапирётган бўлса, диққат қилиб қулоқ солиб ўтирарди-ю, лекин индамасди, худди тил билмайдиган одамга ўхшаб, саволига ҳам жавоб бермасди. Кейинчалик бу ўйчанлик наришонхолликка айланди.

Бир куни эрталаб Варламов:

— Надюша, Тошкентга кетадиган бўлдик,— деди.

— Тошкентга? Нега энди?

— Кетишимиз керак.

— Нега энди, ахир? Нима учун менга очиқ-ойдин гапиргинг келмайди?



— Мени фронт қўмондони чақиряпти.

— Фрунземи?

— Ҳа.

— Эй, худойим-е.

Унинг юзига қон югуриб, сўниб турган қора кўзлари севинчдан чақнаб кетди. Лекин бу севинчи кўз очиб юмгунча давом этди, холос.

— Қурбон билан Тозагулга энди нима дейман... Уларнинг кўзларига қандай қарайман?

— Ҳа, Надюша, чиндан ҳам бу оғир мусибат, лекин қандай қиламиз, ахир айб сенда эмас-ку! Жароҳати оғир эди. Бордию, жароҳатланган заҳоти операция қилинганда ҳам барибир ўларди.

— Шундайку-я, лекин... уларга нима жавоб қиламан?

— Мен ўзим ётиғи билан тушунтираман.

— Сенми? Мен-чи?

— Унинг ўлимига мен айбдорман. Шундай бўлгач, уларга ўзим жавоб беришим керак.

— Нега энди?

— Уни бу қишлоққа мен юборгандим.

— Тўғри, ахир сен уни яхши ният билан юборгансан.

— Лекин оқибати ундай бўлиб чиқмади-да.

У эрига сездирмай хўрсиниб қўйди. Унинг юзида яна аввалгидек чуқур ўйчанлик аломати пайдо бўлди.

— Сен анови сўқир чолнинг юзига разм солдингми? Нимадир бир нарса бор, жудаям ғалати, а?— тўсатдан сўраб қолди Надежда Сергеевна эридан.

— Юзига? Билмадим... Эҳтимол бўлса бордир... У деярли доим индамасди. Гапирганда ҳам нимагадир овози титирарди. У ҳам Рустамнинг ўлиmidан қаттиқ изтироб чекди.

— Овозими? Ҳа, овози титироқ... Лекин унинг юз қиёфаси мени жуда ҳайратда қолдирди. Кўринишидан дарвиш ёки тақводор мутаассибга сира ўхшамайди... Кўриниши ғоят олижаноб кишига ўхшайди... Қошлари, қалин сочлари... Агар сочлари оқ бўлмаганида... менинг отамга жудаям ўхшарди-да...

Варламов дарҳол унга қаради, лабларида пайдо бўлган билинар-билимас табассум шу заҳотиёқ сўнди.

— Нима учун кинояли жилмаygанингни тушуниб турибман...

— Кечирасан, Надюша. Мен сени хафа қилмоқчи

эмасдим. Лекин нима қиласан, ўз ярангга ўзинг туз сешиб?! Эсимда, бир вақтлар оймнинг товуқлари бор эди. Қачон қарасанг, ана шу товуқлар ва жўжалар билан ўралашиб юрардилар. Битта жўжанинг оёғини кимдир босиб олипти... Одамми, отми, сигирми, ишқилиб биттаси... Жўжанинг оёғи ҳадеганда тузалавермади... Оёғи қора қонга бўялса ҳам нуқул чўқийверарди... Оғриғига чидолмай чийнлласа ҳамки, чўқилайверарди... Сен ҳам ҳозир менга ўша жўжани эслатяпсан...

— Рустамни кўмдигу ҳеч қаёққа қарамай жўнаб қолдик,— деди Надежда Сергеевна, гўё эрининг гапини эшитмагандек.— Одамгарчилик бундай бўлмайди... Ҳар қалай чол Рустамга қўлидан келганча меҳрибонлик қилган-ку. Унга миннатдорчилик билдириш хаёлимизга ҳам келмади... Яхши бўлмади. Уят. Жуда уят! Сабабини билмайман-ку, аммо унга жудаям юрагим ачишяпти. Додлаб йиғлагим келяпти... Кетишга ҳозирланиб отларнинг ёнига бораётганимизда у мени тўхтатиб: «Қизгинам, сенинг юзингни хотирамда сақлаб қолсам дегандим... Бир нафас сабр қил...»— деди. Тўхташга тўхтадим, лекин бутун эс-ҳушим ҳамон Рустамда-ю, чолнинг овозини худди уйқу аралаш эшитаётгандай бўлдим. Чол бармоқларини юзимга оҳиста теккизиб, лабим билан энгаҳим атрофларини пайпаслаб чиқди, кейин яна пешанамдан энгаҳимгача силаб, киприк ва сочларимни ҳам сийпалаб кўрди-да: «Чиройинг билан фахрлан, она кизим. Ҳуснингни эҳтиёт қил. Ўзингни ҳам эҳтиёт қил. Хайр, омон бўлгин»,— деди.

— Тушунасанми,— гапини давом эттирди у бир оздан кейин,— Рустамни дафн қилганимизга бир ҳафтадан ошган бўлса ҳам, ўша чол ҳамон кўз олдимдан нари кетмайди. Олдинига бутун хаёлим фақат Рустам эди... Унинг ўлими мени эсанкиратиб қўйганди. Кўзимга ундан бўлак ҳеч ким кўринмасди. Мана энди... Гап бундай, Варламов,— тўсатдан мурожаат қилди у эрига,— Тошкентдан бу ерга қайтаётганингда мен ҳам сен билан бирга жўнайман. Сенсиз ортиқ туролмайман...

Лекин бахтга қарши, Тошкентдаги воқеалар бутун режаларни ўзгартириб юборди, натижада Надежда Сергеевна Қурбон билан Тозагулни кўришга улгуриш у ёқда турсин, ҳатто уйига,— Ёркентга ҳам бориб келолмади. Шу заҳотиёқ, шошилинч равишда Петроградга, узоқ ва хатарли сафарга жўнаб кетишига тўғри келди.

# У Ч И Н Ч И Қ И С М

## ҲАЁТ ҚУЁШИ

Ҳаётнинг шеърини ҳам, қуёшни ҳам муҳаббат эрур.

*Виссарион Белинский*

### 1

— Ухлаясиизми, дадаси?

Қурбон қўлларини боши тагига қўйганича миқ этмай ётарди. Балки ухлаб қолгандир, балки — уйгоқ, билиб бўлмасди.

Тозагул тирсагига тиралиб аста турди-да, Қурбоннинг юзига қаради. Унинг кўзлари очиқ, алланималар ҳақида ҳаёл суриб, чарақлаган осмонга қараб ётарди.

— «Қўшчи» союзига раис бўлдингизу, шундан бери тинчлигингиз йўқолди, — деди Тозагул.

Қурбон хотинига кўз қирида қараб қўйди-да, яна осмонга — милтиллаб турган Сомон йўлига тикилди.

«Ҳа... ҳали бош қотирадиган нарсаларни кўп бу бояқишнинг».

Тозагул юлдузлар шуъласида ҳамон эрига тикилиб турарди. Ана шундай юлдузлар чарақлаган тунларда тирсагига тиралиб, унга термилиб тургани қанчалик яхши кўришлигини ҳеч ким, ҳатто Қурбон ҳам билмасди. Бу дақиқалар унга гоҳида элас-элас, гоҳида эса очиқ-ойдини ўша қадимги ёз тунларини эслатардики, ўша вақтлардаёқ Тозагул дунёда бахт борлигини туншунганди. Унинг бахти эса, бир вақтлар темирчилик устахонаси олдидаги қудуқ бошида Қурбон билан ёнма-ён туриб, сувни лиммо-лим челақда акс этиб жимирлашган олтин ва кумуш юлдузларни томоша қилган эди. Челақдаги сув оҳишта чайқаларди. Юлдузлар гоҳ шўнғиб, гоҳ юзага чиқиб чўмилишар, ўзаро ўйин қилишарди. Бу ниҳоятда антиқа томоша эди, одамни шу қадар қизиқтириб, маҳлиё қилардики, олдинига улар бу

сеҳрли челака индамай тикилиб қолишганди. Кейин эса Қурбон челакадаги бебаҳо бойликдан ҳовучлаб олиб Тозагулнинг яланг оёқларига сепа бошлади. Шунда ҳам челакадаги афсонавий бойлик барибир боягисича тураверар, асло камаймасди.

Тозагулнинг Қурбонга бўлган муҳаббати ўша кечаси, ани ўша бахтиёр онларда пайдо бўлган эди.

Афтидан, Қурбон буни сезмаса керак, чунки у баъзида кўрслик билан, баъзида эса илгаригидек мулойим товуш билан сўрарди:

— Хўш?.. Нега бунчалик менга тикилиб қолдинг? А?..

Худди осмонда милтиллаб кўринган Сомон йўлидаи сирли ва узоқ, гоҳо бир кунлик умрдай қисқа бўлиб кўринган эр-хотинлик даврида Тозагул эрини қанчалик севишини Қурбонга айтиб улгурганича йўқ эди. Чунки унга бўлган муҳаббати кундан-кунга ва йилдан-йилга ортиб, айтмоқчи бўлган гапларини айтмасдан вақт-соати келар, деб нимагадир ундан яшириб, дилида сақлаб юрарди. Токайгача яширади?.. Нима учун сақлаб юради?..

Эҳтимол, асрлардан бери ҳукм суриб келган хурфот, урф-одат бунга йўл қўймагандир?.. Ахир хурофий урф-одат, аёл кишининг ўз эрига шу хилда рўйроост ошиқона кўз билан қарашини ман қилган-ку. Лекин барибир у қарайверади.

Баъзан Тозагул кўнглидаги гапларини, масалан, турмуш қуришган дастлабки ойларда Қурбондан қандай ийманиб уялганларини, эри ўпмоқчи ёки гаплашмоқчи бўлганда ундан кўзини олиб қочгани ва дуррачаси билан юзини пана қилганларини эрига айтмоқчи бўларди. Қурбон бирон ёққа бормоқчи бўлиб отга минган пайтда у доим ёнида отининг жиловидан ушлаб турарди. Хотини сочини орқадан олиб кўксига ташлаши билан бунинг маъноси: «Тезроқ қайтгин, жонгинам, сени кутаман», эканлигини Қурбон дарҳол тушунарди, гарчи хотин бирон марта унга бундай демаган бўлса-да, эр унинг дилидагини яхши биларди.

Энди эса ўша ёзги тунларда уларга осмондан қараб турган юлдузлардан ҳам, ҳовли атрофидаги қамишлардан ҳам, ҳатто ўз кулбасининг деворларидан қанчалик уялганини эслаб ҳаммасини Қурбонга гапириб бермоқчи бўларди.

Бир йили, Номсиз қўрғон алвон-алвон лолақизҒал-доқ билан қопланган баҳор кезида Қурбон хотинини даст кўтариб, тизза баравар гуллар орасидан юриб тепанинг устига олиб чиққан эди. Ана шулар эрининг эсидамикин ё йўқми? Баъзан Тозагул ниманидир эслай бошларди ва қўрқа-писа оғиз очиб эрига айтмоқчи бўларди. Лекин Қурбон қачон қараманг қандайдир ўз ўйлари, ўз хаёллари билан банд бўлиб, унинг гапларини эшитмас, саволларига ҳам жавоб бермасди. У эса бўлар-бўлмас нарсаларни эслаб, ҳадеб эрини безовта қилишга журъат этолмасди. Лекин у Қурбон билан ана шу қамишзорда, чивинларга ем бўлиб, ҳувиллаган Номсиз қўрғон ёнидаги путурдан кетган паҳса деворли уйда бирга ўтказган ҳаётини, умр хотираларини айтиши керак эди. Лекин бу ҳаёт қандайдир ақл бовар қилмайдиган сир-синоатларга тўла эди, чунки эрхотин ўз бошларидан жуда кўп кулфатларни кечирдилар. Шундай бўлса-да, барибир ҳаёт уларга ниҳоятда гўзал кўринар, бу хотиралар эса гўё тунги осмондаги ана шу сирли Сомон йўлидек, қалбларини ёри-тарди.

Тозагул эрига ачинарди. Шунинг учун ҳам ачинардик, ўтмиш хотиротларини эслашга Қурбоннинг бир нафас ҳам вақти йўқ. Бунинг устига, давлат ишларини бажариш унга анчагина оғирлик қиларди. Ҳозир эри уйга шу қадар чарчаб қайтардики, илгари темирчилик устахонасида ҳеч вақт бунчалик чарчаган эмасди. Ҳозир Қурбон устахонани бутунлай унутиб, ташлаб қўйганди. Қачон қараманг оғир сукутга ботиб, алланималарни ўйлаб, ич-этини еб қийналаётгани учун ҳам Тозагул унга ачинарди. Гўё бутунлай бошқа одам бўлиб қолган дейсиз. Илгари анчагина мулоийм эди, туппатузук гаплашиб турарди, энди эса худди кесакка ўхшаб, миқ этмай ётади. Мана, Тозагул Башоратнинг ўйлаган фикрини унга неча марта айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтларди-ю, лекин юраги дов бермасди. Лекин қандай бўлмасин айтиб, олдидан ўтиш керак. Қўрқса-қўрқмаса, барибир, айтиши керак. Балки, гапни ундан бошламаслик керакмикин?.. Балки Қурбоннинг кўзлари қандай ўзгараётганини ўзига айтиб берсамикин?.. Ахир бундан ўзининг хабари йўқ-ку. Унинг ниҳоятда равшан ва тиниқ қўй кўзлари худди ичига олтин зарралари сочилган иккита тип-тиниқ булоқчага ўхшайди. Лекин

бу кўзлар Сарик Қалхатни эслади дегунча тим қорайиб кетади, Тозагулни эркалаганда эса ўйноқи тус олади, хаёлга чўмган кезларида ёки ўглини эслаганда — қорайиб, ич-ичига ботиб кетади. Надежда Сергеевна Малясова ёки қизи Башорат билан гаплашганида эса, ичига ботиб кетган бўлса-да, нур сочиб чақнаб, порлаб туради. Агар Қурбон шу тобдагидек осмонга қараб ётган чоғ бўлса, сирли тарзда жимир-жимир қилиб, қора тусга киради. Бундай дақиқада унинг қалбида ғазаб жўш уряптими, ёки қандайдир ўй-фикрлар кўнглини алағда қиляптими — билиб бўлмайди.

— Дадаси, Башорат паранжисини ташламоқчи эмиш.

— Ташламоқчи эмиш?

У дарҳол гавдасини кўтариб, тирсагига тиралиб олди.

Эр-хотин бир-бирига қаттиқ тикилиб қолишди.

Улар кўпдан бери бир-бирига бундай тикилишмаган эди.

— Ташлар эмиш? Нима деяпсан ўзинг?

— Паранжисини бутунлай ташлаб, оловга итқитармиш. Ёниб кул бўлсин, деяпти. Бу гап қандай қилиб унинг оғзидан чиқиб кетдийкин?! Ахир у...

— Хўш?

— Нима дейсиз, дадаси?

— Қандай қилиб ташлармиш ахир?

— Қандай бўларди?.. «Оловга ташлайман қуриб кетгурни, ёниб кетсин», деяпти очикдан-очик.

— Ташлайман дедими, ташлайди. Башорат ўйлаб-нетиб ўтирмайди.

— Ҳа, сира ҳам ўйлаб ўтирмайди.

— Одамлар нима деркин, а? Ахир у мусулмон фарзанди-ку,— деди Қурбон.

— Уми... Сиз-чи? Сиз мусулмон эмасмисиз?..

— Мусулмонман... Лекин у ҳам инсон боласи.

— Ким?

— Қим бўларди, Башорат-да. Ахир у ҳам инсон-ку!

— Ҳали унга инсон бўлиш қайда! Гурган-битгани олов-ку.

— Оловми, олов эмасми... Феъли шундай. Шаддод. Айтганини қилади. Қараб туриб, унга ҳавасим келади. Қани энди мен ҳам унга ўхшасам, дейман ўзимча?!

Қурбон хотиржам бўлиб шошилмасдан қўлларини бош тагига қўйди-да, чалқанчасига тушиб индамай ётаверди.

— Мен сизга сира тушунолмайман-да, дадаси,— деди Тозагул охири тоқати тоқ бўлиб, яна уни гапга солиш ниятида.

— Нима дейсан?.. Хўш?..

— Минг қилганда ҳам отасисиз. Гапиринг унга.

У миқ этмасди.

— Синглимиз кетганига қанча вақт бўлди?— тўсатдан сўраб қолди Қурбон.

— Нодира синглимизни сўраяпсизми?

— Ҳа. Малясовани айтяпман. Кетганига неча кун бўлди?..

— Ўн етти кун. Мен кеча-ю кундуз санаб чиқаман. Уйқумда ҳам санайман, ўнгимда ҳам. Ана, ҳатто деворга чўп билан чизиб ҳам қўйганман. Бир кун ўтди дегунча деворга чизаман.

— Ўн етти кун,— деди Қурбон ўйга толиб.— Келадиган вақтидан ҳам ўтиб кетди. Ўн-ўн икки кунда қайтиб келаман, деб қатъий ишонтирганди.

— Менга бўлса айтгандиларки...— Тозагул бирдан юзини ёстиққа буркаб ётиб олди.

Қурбон халал бермай ўз ҳолига қўйди. Хотинининг ёстиққа бурканиб пиқирлаб йиғлаши Қурбоннинг юрагига гўё тўқмоқ билан ураётгандек эди.

Охири унинг сабри тугаб:

— Бўлди, бас қил энди,— деди Қурбон ва зилдай қўллари билан унинг қалт-қалт титраётган елкаларини аста силади.— Эшитяпсанми, Тозагул?! Сенга айтяпман! Жонгинам... қани айт-чи, Нодира сенга нима деганди?

Тозагул бирдан тишчланди-да, ёстиқдан бошини кўтарди.

— Нодирахон менга ўглингни олиб келаман, дегандилар. Қидириб топарканлару, унга отпускаи оберниб ўзлари бирга, албатта, олиб келарканлар.

— Ана кўрдингми... Сен бўлсанг суюниш ўрнига йиглаб ўтирибсан. Кутиш керак.

— Ахир ўн етти кун бўлди-ку...

— Ҳечқисси йўқ, сабр қилиб кутиш керак. Биласан-ку, ҳозир тишчлик пайти эмас ахир.

Тозагул, эрининг индамай ётганидан кўра, ҳар қа-

лай, шунчалик гапирганига ҳам шукур қилди, кўнгли кўтарилди.

Тозагул эрининг ёстигига бошини қўйди-да, ўйламай-нетмай бирон ножўя сўз ёки ҳаракат билан уни безовта қилиб юборишдан чўчигани учун нафасини нчига ютганча, яна бирон нима дермикин, деган хаёлда индамай ётаверди.

У сабр қилиб анчагача кутиб ётди-ю, лекин Қурбондан садо чиқмади.

— Башоратингиз фақат сиздан ҳайиқади. Йўқса аллақачоноқ паранжисини ташлаган бўларди. Эрталаб ўзингиз тўрт оғиз гапириб қўйинг, минг қилганда ҳам оталик ҳурматингиз бор, ахир.

— Гапираман. Ана шу лаънати паранжисини ташласин, майли,— деди у бирдан овозини баланд қилиб.

— Ташласин?

— Ҳа, ташласин.

— Сизга нима бўлди, дадаси?! Эс-ҳушингиз жойидами?

— Ҳа, эс-ҳушим жойида, тани-жоним соғ. Ёркентдаги аёлларнинг бари мendan: «Паранжи ташлаш ҳақида қачон декрет бўлади? Тошкентга бориб, бизга ана ўша декретни олиб кел. У ерда декрет чиққанига анча бўлганмиш»,— деб сўрайвериб ҳоли жонимга қўйишмаяпти.

— Наҳотки шундай дейишса, а? Худодан қўрқишмайдимиди?

— Йўқ, қўрқишмайди. Ҳеч нарсадан тап тортмай шундай дейишяпти.

— Қим экан у? Қим шундай деяпти?

— Худойқулнинг иккала хотини ҳам шундай деяпти...

— Йўғ-е!..

— Ҳа, шундай...

— Вой, тавба! Ахир Худойқул... художўй одам-ку...

— Ҳали унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ. Бу гапларни унга айтишмаган...

— Тавба! Тавба! Яна ким шундай деб сўради?

— Бордонқўлдан Бибинур билан Муҳаббат келишди.

— Башоратимизнинг опалари эмасми?

— Ҳа, опалари.

Тозагул ҳанг-манг бўлиб войбўйлай бошлади:



— Вой-бў, вой-бў!.. Тавба!— Бошини сарак-сарак қилиб, тилини тақиллатиб қўйди.— Дадаси, наҳотки шунақа декрет бўлса?

— Албатта, бўлади. Фақат... Айрим хотин-қизлар декретни кутиб ўтирмаса ҳам бўларди. Хўш?

— Нега? Нима учун?

— Мана, айтайлик, бизнинг Башоратга ўхшаганлар декретни кутиб нима қилади? Худди шунингдек, бу гап сенга ҳам тааллуқли. Хўш?.. Сизларга декретнинг нима кераги бор? Башорат— қизим, сен эса хотинимсан. Сизлар учун ўзим жавоб бераман, паранжини ташлайверинглар.

— Анавиларга ҳам шундай дедингизми?

— Йўқ. Уларга мен бу гапни айтолмайман. Декрет чиқмай туриб, айтишим мумкин эмас. Уларнинг бошида эрлари, оталари бор. Декретсиз мумкин эмас. Бошимда ёнгоқ чақиб, нақ ўлдириб юборишлари мумкин.

— Ўлдириб юборишлари мумкин?!

— Сен нима деб ўйловдинг?! Декретсиз ўзларича ташлагилари келса, ташлайверишсин... Менинг маслаҳатимсизоқ...

— Уларга шуни айтдингизми?

— Кимга?

— Бибинур билан Муҳаббатга?

— Нима кераги бор? Ҳали ҳеч кимга ҳеч нарса деганимча йўқ. Декрет олиб келаман, деб ваъда бердим, холос.

— Ундай бўлса Башорат ҳам декрет келгунча сабр қила турсин.

— Икковинг декретни кутмасдан ҳозирданоқ ташлайверинглар. Айтяпман-ку, сиз учун мен жавоб бераман. Паранжини ташлайверинглар. Фақат бу ерда эмас. Бу ерда ташласанглар, ҳеч ким кўрмайди.

— Қаерда ташлайлик?

— Эрта билан Ёркентга олиб кетаман. Уша ерда, кўпчиликнинг олдида оловга ташлаб, ёқиб юборасизлар.

— Даҳшат-ку, дадаси.

— Нимаси даҳшат?! Нимадан қўрқасизлар?! Хўш?..

— Мулла Мирҳайдарбекхўжа эшитиб қолса, нима дейди, ахир? Гўримизга фишт қалаб қарғайди-я!

— Ҳечқиси йўқ. Қарғаса қарғайверсин.

— Нима деяпсиз?! Нақ бошимизга худонинг балосини ёғдиради-я!

— Ҳечқиси йўқ. Ёғдиролмайти.

— Ёғдиради. Сиз уни нима деб ўтирибсиз?!

— Бўпти, кўрамиз. Барибир мен сизларни эрта билан Ёркентга олиб бораман.

— Нега энди? У ерда бизга нима бор?

— Ҳар кун Ёркентга эрталаб кетиб, кечқурун уйга қайтиш осонми, бутунлай тинка-мадорим қуриди-ку! Бундан кейин ўша ерда яшайсизлар.

— У ерда уйингиз борми?

— Уйим йўқ. Худойқулникида, Нодира синглим билан бирга тураверасизлар.

— Ундай бўлса яхши-ку, дадаси. Нодирахон билан бирга бўлсак, нур устига аъло нур.

— Жуда яхши, эрталаб ҳаммамиз бирга кетамиз.

Тозагул индамай ўйланиб қолди. Кейин хомуш бўлиб:

— Йўқ, дадаси, мен бормайман. Уғлимни кутаман, — деди.

— Рустам келган кунни қайтиб келаверасизлар.

— Йўқ, дадаси, бормайман дедимми, бормайман. Уз уйим, ўлан тўшагим.

— Уйим, уйим! — деди Қурбон куйиб-пишиб. — Уй яхшилигини ўзим ҳам биламан. Лекин сизларни ёлғиз ташлаб кетгани қўрқаман. Ҳозир теварак-атрофда нима кўп, ҳар хил аблаҳлар кўп. Улар ҳамма ёқда изғиб юришибди. Узунқулоқ гапларга қараганда, Сариқ Қалхат яна пайдо бўлганмиш.

— Сариқ Қалхат?!

Қурбон бошини кўтармай зимдан унга қарали-да, босиқлик билан сўради:

— Нега бунча хурсанд бўлиб кетдинг?

— Мен-а?.. Хурсанд бўлиб кетдимми?.. Хурсанд бўлиш қаёқда, капалагим учиб, қўрқиб кетдим.

Иккови индамай қолди. Ниҳоят, Тозагул эшитилар-эшитилмас деди:

— Мени хафа қилманг, дадаси. Ахир ўзингиз биласиз-ку..

— Хўп, энди хафа қилмайман. Жаҳлинг чиқмасин. — Қурбон узун қўллари ила хотинини қучоқлаб, бағрига босди. — Сизлардан сира кўнглим тинчимайди-да. Тушунасанми? Озор етказишлари мумкин.

— Узим ҳам жуда қўрқаман. Лекин сизга сездирмай, ҳаммасини ичимга ютаман.

— Шунинг учун ҳам Ёркентга олиб кетай деяпман-да. Худойқул билан аллақачон гаплашиб қўйганман.

— Йўқ, дадаси, йўқ. Мени кўндираман деб овора бўлмай қўя қолинг. Барибир бормайман.

Бирга кечирган ҳаётлари давомида Тозагул Қурбон учун гўё қалбининг бир бўлагидек бўлиб қолган эди, чунки ҳар бир масалада фикрлари доимо бир ердан чиқарди. Нега десангиз, Тозагул ҳеч вақт унинг гапини қайтармасди, эр нимани хоҳласа, қандай қарорга келган бўлса, ўшандай қиларди. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, Тозагул эрининг нимадандир шубҳаланиб қийналаётганини ўзи пайқамаса ҳам сезгир қалби билан дарҳол сезар ва шундай оғир дақиқаларда беихтиер унга ҳамдард бўлиб, шубҳасини енгилшга, руҳан дадил бўлишга кўмаклашарди. Тозагул жуссаси кичик нозик-ниҳол бўлишига қарамай, бутун умрини олов билан темир орасида ўтказган шундай гавдаси катта, бақувват эрнинг қалбига қандай йўл топиб, унга руҳан тетиклик, бардамлик, сабр-тоқат, матонат бахш этиши, далда бериши Қурбонга қизиқ туюларди. Ҳаммадан қизиғи шунда эдики, гоҳ-гоҳида ана шу хислатлар Тозагулни тарк этарди, бундай пайтларда Қурбон унга ҳамдард бўлиб руҳини кўтаришга тўғри келарди. Тозагул доим эрининг фикрига қўшиларди. Борди-ю, айрим пайтларда — бирон нарса тўғрисида эрининг фикрига қўшилмаса, (гарчи бундай нарса камдан-кам учраса-да) Қурбон ўйлаб кўриб, хотинининг фикрига қўшилар ва гапига кира қоларди. Тозагул эрининг фикрига қўшилган чоқларда эса ҳаммиша мулойимлик билан, ётиғи билан овозини секинлатиб гапирарди. Фақат Қурбонгина бу овозда нақадар қатъийлик, иккиланмаслик ҳамда ишонч борлигини тушунарди.

Шунинг учун ҳам у ҳозир хотинини кўндириш учун ортиқча уринмади, чунки, ўгли келгунча бу ердан бир қадам силжимаслигига ақли етарди.

— Хўп, майли, ухлайлик энди... Гулим-юлдузим, Тозагул,— деди у хотини томон ўгириларкан.— Куракларим этимга ёпишиб кетди. Ухла энди, ҳадемай туриш керак.

— Ҳадеб бошингизни қотиравермай, ўзингиз ҳам ухланг.

Қурбон отда, Тозагул эса унинг ёнида, от жilовини ушлаб турарди.

— Хўп, мен кета қолай, Тозагул,— деди у секингина.— Ҳадемай қуёш ҳам чиқади. Тезроқ жўнаш керак.

Тозагул гўё унинг гапини эшитмасди. Унг қўли билан от жilовини маҳкам ушлаганича чап қўли билан кўксига ташланган учларига подшо давридан қолмиш ярим сўмлик, бир тангалик ва бир сўмлик кумуш пуллар тақилган чилвир сочларини силаб индамай турарди.

— Эшитяпсанми, Тозагул, жўнашим керак.

— Мен сизни кўчанинг бошигача кузатиб қўяман. Отдан тушмай қўя қолинг.

Лекин у хотинининг гапига кирмай отдан тушди ва иккови от жilовидан ушлаганча ёнма-ён боришди.

— Бугун ўн саккиз кун бўлди...— деди Тозагул ғамгин ҳолда.

Қурбон индамади. Кўча бошига боргач:

— Гимнастёркамни ямаб, тикиб қўйгин,— деди.— Елкаси чириб, узилиб тушаёзипти. Узига ўхшаган биронта лахтак топарсан.

— Ҳа, шуни ямаб қўйишим керак, деб ҳар куни бир қараб қўяман. Лекин унга лойиқ яхлит лахтакни қаердан олай ахир?..

— Қараб кўр, бошқа рангда бўлса ҳам майли... Ишқилиб сал-пал мос тушса бўлгани.

Хотини мийгида кулиб қўйди.

— Устингизда ямоқ гимнастёрка, белгингизда белбоғ ва сарпойчан ҳолатда «Қўшчи» союзининг жуда кетворган раиси бўласиз-да...

— Ҳеч нима қилмайди. Ҳадемай кўрмагандек бўлиб кетамиз, сабр қил.

— Мен ҳалиям сабр қиляпман. Менга нима, барибир эмасми? Лекин сизга керак. Ахир, сиз доим одамлар орасидасиз... Сиртқи кўринишингиз ҳам жойида бўлиши керак-да... Еки маҳси-калишингизни кийиб олсангизмикан, а? Йўқ эмас, бор-ку, ахир.

— Шуниси етмай турувди!— деди у ва жаҳл билан жilовни шу қадар қаттиқ силтадики, ҳатто от юлқиниб бошини баланд кўтариб, сувлигини шақирлатиб чайнай бошлади.

— Қайтишингизда пича туз ола келсангиз бўларди,— деди Тозагул ўзини айбдордек ҳис қилиб узангидан ушлаганича хижолат чеккансимон эрининг кўзига боқар экан.— Тузсиз арпа нони жудаям меъдага урди.

— Тошкентдан туз олиб келишлари керак. Ваъда қилишган,— деди у қовоғини солиб.

— Бизларга-ку, майли-я, тузсиз ҳам бир кунимиз ўтаверади. Ахир, Рустам келса...

Тозагул умрида эридан бирон нарса сўрамаган эди, шунинг учун бўлса керак, Қурбон на хотинига, на туз ва ун сўраб келган ёркентликларга ёрдам беролмагани, қўли калталиқ қилгани учун хижолат чекиб бутун йўл давомида ўзини ноқулай сезди.

Қурбон уйда туз йўқлигини кўпдан биларди-ю, лекин индамай юрарди. Тузсиз ёпилган арпа нони, тузсиз пиширилган мошхўрда, атала, ширгуручни ва айниқса жўхори талқонни нштаҳа оплан еяверарди. Дарҳақиқат, тузсиз овқатни қачонгача ейиш мумкин?.. Одамлар тоқайгача бунга чидай оларкин? Сабр косаси тўлди. Ортиқ чидаб бўлмайди. Кутиб ўтириш ҳам мумкин эмас. Бироқ қаердан олсин?.. Демак, шуларни ундириш учун, бермаса талаб қилиш учун яна бир марта Тошкентга боришга тўғри келади. Қани энди Малясова шу ерда бўлса-ю, бирга бора қолса жуда яхши бўларди-я. Ҳаммаси осонгина унарди. Шундай бўлгач, уни кутиш керак. Ҳозир бу ерда энг муҳими ғалла разверсткаси, ерларни ўлчаб чиқиш, экилган экинни, асбоб-усқунани аниқлаш... Совет ҳокимияти тузилганига уч йил бўлса ҳамки, волостдаги асосий бойликка, ер-сувга ҳамон Абдулхай, Мирҳайдарбекхўжа, табиб, Тешабой боққолга ўхшаш текинхўрлар эгаллик қилишарди. Гарчи Тешабой хотинларига нисбатан ваҳшийлик қилгани учун қамоққа олиниб, кўпдан бери дўкони ёпиқ бўлса ҳам, лекин қандайдир бир тоғаси пайдо бўлиб, унинг уйига хўжайинлик қила бошлади. Волостда тегирмондан тортиб, обжувозгача бор, дон совурадиган машиналар, от-уловлар — ҳаммаси бор, лекин бу бойликлар ҳамон қадимгидек ўша Брутков, Стуликов, Абдулхайларнинг қўлида... Дворяниновнинг, Деҳқонбой, Козиревнинг болалари, Мавлон Эгамбердиевнинг тўртта азамати жон олиб-жон бериб, ниҳоят адолат ғалаба қозонсин, деб, камбағалликдан қутулайлик, бахтли бўлайлик деб аллақасқларда жанг қилишаётган бўл-

са-ю, бу ёқда аҳвол боягисидек, ҳатто ундан ҳам беш-баттар давом этаверса... Бешбаттарлиги шундаки, уларнинг оилалари оч-яланғоч, бунинг устига безгак, ичкетар ва терлама касалига дучор бўлишган. Шундай аҳволда бу ишларнинг ҳаммасини Қурбон бир ўзи қандай уддалай олади?! Қандай қилиб тартиб ўрнатади?! Балки шунча ишни Қурбоннинг ёлғиз ўзи қилиши керак эмасдир? Турган гап — бир ўзи қилолмаслиги аниқ, лекин шундай бўлса-да, нима учундир у ўзини бошқалардан кўра айбдордек ва бошқаларга қараганда кўпроқ жавобгар, деб ҳисобларди. Кечалари кўзини юммай, индамай ётишининг боиси ҳам ана шунда эди. Шунинг учун ҳам Тозагул баъзан унга:

— Бу аҳволдан кўра ана шу. «Қўшчи» союзининг баҳридан ўтганингиз маъқул эмасми? Ушани деб кечалари ухламай, ўзингизни ўзингиз қийнаб чиқасиз. Нима зарил келди сизга?— дерди.

Қурбон индамасди. Тозагул эса: «Унгаям осон тугиб бўлмайди, ҳазилакам гап эмас»,— деб ўйларди.

Ҳатто бир кунни Худойқулдек одам ҳам чидаб турсолмай:

— Бўйинтуруқ-ку, бу,— деганди азбаройи Қурбонга жони ачиганидан калласини сарак-сарак қилиб.— Бўйинингга боплаб бўйинтуруқ илишибди-да. Э, аттанг... Нақ қопқойнинг ўзгинаси.

— Қайдақа қопқон?! Нима деб вайсаяпсан?!— бирдан жаҳли чиқиб, бақририб берганди Қурбон.

Лекин ўша заҳотиёқ ўйланиб қолганди: «Ҳақиқий қопқон — бундан ~~мурак~~ками бўлмаса керак».

### 3

Қурбон ўйлачавериб бутунлай хаёлга чўмганидан Еркентга қандай етиб келганини ҳам билмай қолди. Оти йўлдан чиқиб, сув томонга бурилиб кишнагандагина у сесканиб ўзига келди. Бу ўзи тоғдан келадиган ўртамиёна сой бўлиб, чиройли ном билан «Еттисой» деб аталарди. Соё шундоққина Еркентга киравериш жойидан ўтарди. Унинг манбаи қорга бурканган баҳайбат тоғларнинг тармоқларидан бошланади ва Еркентгача бўлган етмиш чақирим оғир йўлни бу соё олдин қоялар ва азалий ҳолатича айқаш-уйқаш бўлиб ётган уй-

дай-уйдай қўйтошлар ҳамда бесўнақай харсанглар оралаб шитоб билан босиб ўгади, сўнгра пистазор ва ёнғоқзорлар оралаб, ўткир тиканли наъматак ва дўлана буталари ёнидан оқади. Ниҳоят, баҳорикор адирлар ва тепалар орасидан чиқиб олгач, яшнаб турган ям-яшил водий бўйлаб югуради, фақат мана шу ерда Ёркентда нафасини ростлаб, ҳайқириб оқувчи ўжар оқимдан ювош ва мулойим сойга айланади.

Қурбон Ёркентга кириб келишда отини доим ана шу Ёттисойда сугоради. Путурдан кетган эски тахта кўприкнинг ўнг томонида от сугоришга қулай кечув бор эди. Қурбоннинг қора тўриқ йўрғаси шу ердан сув ичишга шундай ўрганган эдики, етиб келди дегунча ўзи йўлдан бурилди. Баъзида у сув ичгиси келмаса ҳам, сойга тушиб сувда туришни яхши кўрарди. Сойга тушиб тумшуғини бирпас сувга тикиб турарди-да, бирдан бошини кўтариб силкитар, юган тўқаларни шиқирлатиб, бир-икки бор кишнаб қўярди. Кейин талай вақтгача бир нималарга қулоқ солаётгандек сергакланиб, кимсасиз йўлга, уфқ томонда кўм-кўк бўлиб кўринган узоқдаги боғларга ва Ёркент томонга қараб, қулоқларини чимириб турарди.

Ёттисойдан эллик қадамча нарида, бир пайтлар Абдулхайнинг қўлида чоракорлик қилган раҳматли Очилдан бева хотинга қолган лойсувоқ қулба кўриниб турарди; шу йил баҳорда уйнинг бир томони қулаб тушганди. Очил 1916 йили фронт ичкарасида ишлаш учун чор армиясига чақирилганди, бироқ ўша йили қишдаёқ Псков яқинида совуқдан музлаб ўлиб кетганди. Очил бутун умр ана шу қулбасининг атрофини пахса девор билан ўраб олишни орзу қиларди, лекин орзусига етолмади бояқниш. Ҳозир ҳовлида фақат қора райҳон билан сариқ гул экилган бўйрадай келар-келмас бир парча гулзор, қулаб тушган девор ортида пастақкина қора ўчоқ ва бир туп жийда бор эди, холос. Камбағалчилик қурсин, ҳамманинг юрагини эзиб кўзга яққол кўриниб турарди. Жойида ўрилмай қолган бултурги жўхори поялари ҳам, чангалзорга айланиб кетган қўланса ҳидли наша буталари ҳам, бехосият кўм-кўк какра-ю шўра ҳам, ғуж-ғуж гуллаб ётган бангидевона ҳам ҳовли саҳнини кўчадан пана қилолмасди. Ҳар сафар Қурбоннинг кўзи шуларга тушганда юраги туздек ачирди.

От туёғи остида сувнинг шалоплашидан ўзига келиб, жонивор сув ичиб олсин, деб у жиловни бўшатиб қўйди. Лекин от тумшугини сувга теккизганча ҳам йўқ эдики, бирдан бошини баланд кўтарди-да, қулоғини динг қилиб Еркент томонга қараб қолди. Қурбон ҳам ўша томонга қаради, бирдан эти жимирлаб кетди. Очилнинг беваси Зулайхонинг торгина ҳовлисида бир тўда паранжи-чачвонли аёлларнинг қораси кўринди ва ўша томондан уларнинг дод-фарёди ҳамда йиғи-сиғи овозлари эшитилди.

У ерда нима гап бўлганлигини Қурбон тушунди. Бир лаҳза қулоқлари битиб қолгандек на Зулайхонинг ҳовлисида келаётган йиғи-сиғини ва на тўриқ йўрғанининг бош чайқаб шақирлатиб пишқирганини ҳам, кишнаганини ҳам эшитмай қолди. У фақат бир нарсани: юраги шув этиб, орқасига тортиб кетганини сизди, холос. Кейин ёнидами ёки қулоқлари ичидами бир нарса тарсиллаб ёрилгандек бўлди-да, яна узоқдан келаётган қий-чувларни эшитди.

Зулайхо тўрт бола билан бева қолганди. Қурбонга унинг қандай яшаётганлиги аён эди. Очлик билан ажал кўпдан бери бу шўрликнинг эшигини қоқарди. Тўрт боладан биттаси ажал чангалига илинганини энди тушунди Қурбон.

Қурбон ҳовлига кириб келиши билан йиғи-сиғи овозлари бир нафасгина тинди. Бир томонга қийшайиб кетган кулбанинг очиқ эшигидан бош яланг, сарпойчан, нимжонгина қари чол чиқиб келди. Унинг саломлашганини ҳам, дуо ўқиганини ҳам тушуниш қийин эди; ўзича бир нималар деб гўлдиради-да, қўлини фотиҳага тортиб Қурбоннинг қўлидан жиловини олди. Аёллар яна шунақанги дод-фарёд кўтаришдики, Қурбон биронта деразаси йўқ қоп-қоронғи кулбага тезроқ кириб олишга шошилди. У остонадан энгашиб ичкари кирди-да, қаддини ростлаб тўхтади. Кўзини қоронғига ўргатмоқчи бўлиб, ўзи ёруғни тўсиб турганини сезмади ҳам. Эҳтиётлик билан таваккалига олға қадам қўйиши билан ёруғ тушиб, тор кулба бир оз бўлса-да, ёришди.

Қурбон яна тўхтаб, турган ерида қотиб қолди. Унгимми ёки тушимми, деб ўз кўзига ишонмасди. Кулбада бош айланадиган жой бўлмагани учун у ҳамма нарсани бирдан кўра олмади. Кўзи аввало, қоқ ердаги титилиб кетган бўйрада ётган, устига бир парча эски мато ёпил-



ган кимсага тушди. Матонинг бир четидан аёл кишининг оқ сочи, иккинчи четидан — оёқлари кўришиб турарди.

«Зулайхо,— деди фикран Қурбон унинг оппоқ ингичка сочларига, кирлаб кетган мато тагидан чиқиб турган сарпойчан оёқларига қараб.— Мени кечир, Зулайхо. Мен айбдорман. Ахир, сенга лоақал жўхори талқон келтириб беришим мумкин эди-ку... Балки, ўлмай қолган бўлармидинг... Бунга мен айбдорман».

Мархуманинг бош томонида иккита нимжон қизча чордана қуриб, анқайганча Қурбонга қараб ўтиришарди.

Ниҳоят, Қурбон ўнг-сўлига қаради, яна икки болага кўзи тушди. Иккови ҳам ўғил эди. Каттароғи қўлини орқасига қилиб, эшик ёнида деворга суяниб турарди. Иккинчиси — кенжаси эса дунёда нималар бўлаётганига, уйда қандай ҳодиса рўй берганига мутлақо аҳамият бермай ўзича бир нималарни гўлдираб бир бурчакда парвойи фалак ўйнаб ўтирарди. Еши ҳам уч ёки тўртларда эди. Қурбон тикилиб разм солгач, боланинг фақат битта ошиқ билан битта тошни ўйнаб ўтирганини кўрди.

Қурбон бирпас каловланиб қолди: болани кўтариб, бирон ёққа олиб кетиш керак. Лекин қаёққа?..

У орқасига ўгирилиб деворга суяниб турган каттароғидан пичирлаб сўради:

— Отинг нима?..

— Абдулла.

Қурбон белидан белбоғини ечди-да, Тозагул ўраб берган нарсаларнинг барини Абдуллага узатди: белбоғи-да беш дона қурт, икки ҳовуч жўхори талқон ва битта арпа нон бор эди.

— Ма, Абдулла, этагингга солгин-да, укаларинг билан баҳам кўргин.

Қурбон ҳовлига чиқди. Қуёш нури кўзларини қамаштирганидан бир зум кўзини юмди. Шу пайт кимдир унинг қўлидан тортди. Қурбон кўзини очиши биланоқ пайлари бўртиб чиққан, қоқ суяги қолган қоп-қора қўлни ҳамда бир ёғни қия очиқ паранжи ортидаги бир парча юзни кўрди.

— «Қўшчи» союзининг раиси сен бўласанми?..— сўради кампир.

— Ҳа,— деди Қурбон.

- Биззи қўшчиларимизни сен йингиб олдингми?
- Ҳа, мен.
- Ўзинг қаерликсан?
- Номсиз кўрғонданман. Темирчиман.
- Аҳмад темирчи эсимда бор. Сени нимагадир таниёлмай турибман.
- Мен ўша кишининг ўғли бўламан.
- Ўғли?.. Ҳо! Темирчининг ўғли бўлсанг қўшчиларни алдамасдинг...
- Сағал оғзингизга қараб гапиринг, онажон. Мен ҳеч кимни алдаганим йўқ.

Лекин кампир борган сари авжига чиқа бошлади. Қурбонга ёни билан туриб олиб, паранжининг бир чети билан юзини салгина пана қилганича кўзи билан еб қўйгудек бўлиб, чийиллаган товуш билан бутун заҳрини сочаверди:

— Сен бизга, бойларнинг дон-дуни билан ерларини олиб берамиз, деб ваъда қилгандинг. Қани ўша ваъданг?! Мана, ўз кўзинг билан кўргин!— қўли билан эшик томонни кўрсатди.— Кўряпсанми? Очликдан силламиз қуриб қириляпмиз: Очликдан. Сенинг ўша Абдулхайинг азбаройи ёғ босиб кетганидан гавдасини кўтаролмаяпти. Хўш, Зулайхони нимага ўраб-чирмаб кўмамиз энди? Қани айт! Бечоранинг ҳатто кафани ҳам йўқ. Болалари нима еб, нима ичади? Бизларнинг тирикчилигимиз қандай бўлади? Ей десак ҳеч вақо йўқ! Ун ваъда қилгандинг, унинг қани?

— Тагин у чорак қадоқдан пахта мойи ҳам ваъда қилганди...

— Гугурт ваъда қилган...

— Лампа мой...

— Туз!

— Туз келтириб бергин, туз!

Заҳарханда кампирнинг чийиллаган овозидан, аёлларнинг қий-чув ва додлаб йиғлашларидан Қурбоннинг қулоғи бутунлай битиб қолди.

— Ҳой мусулмонлар, бир оз андиша қилиш керак, ахир, бу уйда ўлик ётипти-ку. Наҳотки. Муҳаммад алай-ҳиссаломни ҳам унутган бўлсаларинг?!— Қурбон овозини баланд қилиб гапира бошлади, қора чачвон ва рўмол билан юзларини ярим-ёрти пана қилиб турган аёлларга хўмрайиб.— Ҳамма дон-дун бойларнинг қўлида. Буни ўзларинг ҳам яхши биласизлар,— деди-да, чол-

нинг қўлидан тизгинни олиб, отини етаклаганича ҳовлидан чиқиб кетди.

У «Қўшчи» союзи идорасигача бошини қуйи солиб, отини етаклаб яёв борди. Идора ҳовлисига киргач, гиштин иморат зинасига ҳорғин чўкди-да, қулоқларини кафтлари билан бекитиб олиб, шу алфозда талай вақтгача қимирламай ўтириб қолди; ҳаттоки ёнида турган отини ҳам, тизгини қўлидалигини ҳам бутунлай унутган эди. Ниҳоят, Қурбон бошини кўтариб қаради: тепасида индамай унга тикилиб турган Худойқул билан Неделькани ҳамда Деҳқонбойнинг ўн олти яшар ўғли — Темурни кўрарди. Темур ҳозир Қурбоннинг қўлида котиб бўлиб ишларди.

Қурбон уларга ҳорғин қараб қўйди-да, кафти билан юзини ишқади.

— Болаларни у ердан олиб кетиш керак,— деди зинадан чиқаётиб. Юқорига чиққач, сарғайиб пишган нокка ўхшаш тилла ранг носқовоғини белбоғидан олиб қоқди-да, қолган-қутган носини кафтига солди.

— Ореховога бориш керак-да, арпа билан нўхатни йиғиб-териб олиш учун Брутков ва Стуликов билан шартнома тузиш керак. Тенг шерикликка,— деди қатъий равишда Қурбон Неделька билан Худойқулга тик қараб.

— Тенг шерикликка унамайди, Қурбон. Ула қолсаям,— деди Неделька.— От-улов, экин ўрадиган, дон янчадиган ва шопирадиган асбоб — бари уларнинг қўлида.

— Жин урсин уларни... Майли, ҳосилнинг учдан бири... Шунга рози бўлишсин. Йўқса... Аммо четдан биронта одам ёллашмасин. Кейин Қорасувга бориш керак... Янги Саройга. «Қўшчи» союзининг маслаҳатисиз четдан ҳеч кимни ёлламаслик ҳақида у ердагиларни огоҳлантириш керак. Ўзимизнинг одамларни ҳам огоҳлантириб қўйиш керак. Битта ноннинг гадойи бўлиб дуч келган кишининг ишига боравермасинлар.

— Бу гапинг тўғри. Ўзбошимчалик қилиш керак эмас,— деди Неделька.— Бизда шундай кишилар топилади... бир бурда нон билан бир пиёла чой учун йил — ўн икки ой қаддини букиб ишлашга рози... Бундай қилиш ярамайди... Ҳисоб-китоб ишлари ҳам шундай...

Неделька тўғри фикрларни айта бошлади-ю, лекин қизишиб кетди. Қурбон унинг гапини бўлиб:

— Хўп, майли. Бу ҳақда мажлисда гаплашамиз,— деди.

Худойқул уларнинг гапига аралашмай қулоқ солиб турарди. Бирдан Қурбоннинг қўлидаги носқовоқни олди-да, кафтига нос солиш ҳам хаёлидан кўтарилиб:

— Зулайхонинг болаларини мен уйга олиб кетаман,— деди.

Қурбон белбоғини тимирскилаб ниманидир қидирди-ю, тополмагач:

— Кенжасини мен оламан. Ҳовлида сигир бор,— деди.

— Бу гапинг нотўғри, Қурбон. Сенда бола йўқ эмас, Башорат бор ҳар ҳолда. Болаларни бир-биридан ажратиш яхши эмас. Ҳаммаси бир ерда ўсгани маъқул. Менда боғ бор. Сигирим ҳам, соғин эчким ҳам бор. Ишқилиб, бир нима бўлмасин денг... Думалаб-сумалаб катта бўлиб кетишади.

У қўлида ушлаб турган носқовоқдан кафтига нос солиб Қурбонга қараб қўйди, лекин кўзига оз кўринди шекилли, яна пича солди-да, танглайига ташлади.

— Хўп, майли, Қурбон. Улимни энди кўраётганимиз йўқ-ку,— деди Худойқул носқовоқни унга узатар экан.— Ҳар куннинг ўзига яраша ғам-ташвиши бор. Қўлимиздан нимаям келарди. Сабр-тоқат қилиш керак.

#### 4

Одамзоднинг бошига тушадиган ғам-ғуссалар, мусибат ва кулфатлар ҳақида Шарқда кўпгина ҳикматли гаплар, матал ва мақоллар бор. Инсон боласи чидаши мумкин бўлган барча ғам-кулфатларни Қурбон ўша кунни ўз бошидан кечирди.

— Худои таоло ер юзини яратган вақтда жамики бахтсизликларни қоялар устига ёғдирган экан. Лекин қоялар кўтаролмай қулаб тушган экан. Шундан кейин ҳаммасини одамзодга юкларди,— деган эди бир кунни кимдир. Ҳар қалай Малясова бўлса керак.

Баъзан одамзод тўсатдан кетма-кет фалокатга учрайверади,— бундай аҳвол Худойқулнинг бошига тушган,— аммо Қурбон бошдан кечирган бу қадар оғир кун камдан-кам учрайди. Уша кунни Ёркентда бошидан кечган шунчалик қайғу-ташвишлар унга камлик қилган экан. Энг даҳшатлиси ҳали олдинда турган экан.

«Худойқул ҳақ,— ўйлади Қурбон қош қорайган пайтда Номсиз қўрғонга — уйига қайтиб келаётиб.— Ҳар куннинг ўзига яраша ғам-ташвиши бор. Лекин ҳар қалай, ташвишлар энди орқада қолди. Худога шукур, орқада қолди».

Лекин жамики ғам-ташвишлар чиндан ҳам орқада қолганига ўзи гоҳ ишонмасди. Азбаройи чарчаганлигидан отда мудраб келар экан, гўё тушини эслагандек, бугун эрталабки пайтни, сойда сув қандай йилтиллаб чайқалганини элас-элас кўз олдига келтирди. Сўнгра Зулайхонинг ҳовлисидаги ғовур-ғувур бирдан эсига тушди-ю, аъзойи бадани жимирлашиб, икки курагининг ораси музлаб кетди...

Қурбон ўз ишларини бир чеккага йиғиштириб қўйиши мумкин эмасди. Балки ишни тезлатишга мажбур этарди. Ўз кўзи билан кўрган ҳодисалар, қулоғи билан эшитган гаплар масалани тезроқ ҳал этишга ундарди...

Лекин марҳума Зулайхонинг ҳеч кими, боя Қурбон ҳовлига кирганида учратган ўша нимжон чолдан бўлак на узоқ ва на яқин биронта қариндош-уруғи йўқ эди. Аёллар эса, фақат мурдани ювиб кафанга ўраш учун, илоё жойи жаннатдан бўлсин, деб фотиҳа қилиш учун келган эдилар. Лекин биронтасидан бир парча кафан топилмаслигини Қурбон яхши биларди. Муҳаммад пайғамбарнинг амрига биноан мазорга аёлларнинг бориши мумкин эмас, тобутни фақат эркаклар кўтариб боради, шунинг учун Қурбон Худойқулдан илтимос қилди. Худога шукур, Худойқул бу ишларнинг ҳаммасини шарият буюргандек, Мирҳайдарбекхўжа айтгандек қилиб бажарди. Ҳар қалай, одамлар тобутни кўтаришаётганда Қурбон ҳам Ореховкадан қайтиб келди. Мазорга кетаётган одамларга йўлда етиб олди ва отдан тушди-да, отни бир болага тутқазиб, ўзи тобутни кўтаришишга югурди. У Худойқулнинг елкасидан тобутни олар экан, тобутнинг енгиллигини сезиб ҳайрон қолди. Тобут устига Зулайхонинг эски паранжиси ёпилган, гўё ҳеч ким йўқдек... Қурбон уйига қайтар экан, марҳуманинг қабри ёнига қўйилган сопол косадаги шўрва, косага ёпилган бугдой нон эсига тушиб, хижолат чекканидан ўзини ноқулай ҳис қилди. Бу нарса Қурбонга очликдан ўлган кампирни мазах қилгандек туюлди. Агар тўрт боласи бўлмаганда, эҳтимол, тирик қолармиди. Чунки еб турган бир бурда нонини ҳам, ичиб турган бир қошиқ ёв-

гонини ҳам, бир сиқим жийда ёки ўрик данаги, ишқил-либ, нимаики топса — ҳаммасини болаларига берарди. Ахир у онаизор-да, болалари турганда қандай қилиб унинг томоғидан ўтсин!..

Қурбон мазордан чиқиб Ҳазаевкага жўнади... Йўқ, олдин у Қорасувга, ҳар қандай шартга кўниб бўлса ҳамки, ярим пудча туз, бир оз лампа мой билан гугурт олиш учун дўкондор Тешабойникига, тўғрироғи, унинг қариндошиникига йўл олди... Лекин буни қарангки, Тешабойнинг қариндоши бир кун олдин Тошкентга жўнаб кетибди, ҳамқишлоқлар қулфни бузиб ўтирмасин, деб дўконни очиқ ташлаб кетибди. Бироқ дўконда чанг-тўзону ахлатдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Бугунги ғам-ташвишлар, кўнгилсиз воқеалар, бунинг устига омади юришмагани ҳаммаси олдинма-кетин эсига тушиб Қурбоннинг хаёлини чалғитарди, айниқса Зуллайхонинг ҳовлисидаги ғазабнок аёллар дам-бадам кўз ўнгида пайдо бўлаверди. Уларки андишани бир чеккага йиғиштириб, худодан қўрқмай, шарқнинг урф-одатини ҳам писанд қилмай, ҳатто ўша ҳовлига нима учун келганларини ҳам унутиб тўполон кўтаришдими — демак, қашшоқлик жонларига теккан, сабр косаси тўлиб-тошган. Шу кунги воқеалар ҳатто ҳовлига тўпланган аёллар ҳам унга худди туман орасидан кўрингандек элас-элас кўринар, аммо аёлларнинг қий-чуви қулоқларида ҳамон аниқ жаранглар эди:

— «Нон ваъда қилувдингми?»

— «Ҳа».

— «Қани ўша нон?!»

— «Бугдой ноннинг мазаси қанақалиги эсимиздан ҳам чиқиб кетди!»

— «Ҳатто туз нима деган нарсани, шу ҳам бўлмаса!»

— «Туз!»

— «Туз!»

Қурбон борган жойидан қош қораймасданоқ Ёркентга қайтди ва ўша заҳоти болалардан: кун ботар олдида қорабайир отда бир ҳарбий киши, командир бўлса керак, уни йўқлаб келганини билди. Қурбоннинг қаерга кетганини ва бугун қайтиш-қайтмаслигини унга аниқ айтиб беришолмаган. Шундан кейин у отини Худойқулнинг уйи томон бурган, лекин уни ҳам тополмаган. Чунки Худойқул ҳам, ёш котиб Темур ҳам Қурбон билан

бирга кетишганди. Қурбон ўз йўрғасида, Худойқул Те-мурни ахтасига мингаштириб жўнашганди. Болалар ўша отлиқ ҳарбий кишига фақат шуни айтиб беришолган, холос. Уларнинг қаерга ва нима учун кетишганини аниқроқ айтиб берадиган одам топилмаган. Бунинг устига отлиқни кўрган ва у билан гаплашганлар ҳам фақат шу болалар бўлгани учун бу хабарни Қурбонга шулар айтиб беришди. Отлиқ бир ўзи экан ва афтидан, шошилиб турган бўлса керак, ҳеч кимни кутмай, Етти-сойдаги кўприк олдида отини суғоргану йўрттирганича Тошкентга қараб жўнаб қолган.

Йўл-йўлакай қийнаб келган ҳар хил гамгин ўй-фикрлар ҳозир Қурбон уйига яқинлашган бўлса-да, хаёдан кетмасди. Бунинг устига тўсатдан келган бу отлиқ ким бўлди экан, деган фикр миясини пармаларди. «Ким бўлдийкин? Қаердан келдийкин? Еки ўғлим-микин?!» Худди ичида чироқ ёнгандек қалби севинчдан жўш урарди, лекин шу заҳоти ваҳимали ўйлардан яна кўнгли қоронғилашарди. «Рус командири, дейишди-ку болалар. Демак, йўқ... Ўғлим эмас. Қим бўлдийкин? Хўш?.. Варламовмикин? Борди-ю, Варламов бўлса-чи! Петр Ильич!» Яна қалбида бир лаҳза севинч учқунланар ва яна шу заҳоти сўнарди. «Ўғлим қани? Рустам қани? Нега энди иккови бирга кела қолишмади? Нима учун бирпас кутиб туришмадикин? Нодира-чи?.. Варламовнинг хотин... Сингилгинам... А?»

Шайтон васвасасининг охири йўқ эди. Уйига яқинлашиб қолган сари юрагига гулгула туша бошлади. Гарчи йўрғаси куни бўйи чарчаган бўлса-да, ҳар сафаргидек уйига қайтишда тезроқ йўрғалар эди. Унинг ҳам ўзига яраша одатлари бор: уйдан чиққанда юргиси келмасдан дам-бадам қамчи еб жўнарди, уйга қайтишда, ҳеч ким зўрламаса ҳам гоҳ йўрғалаб, гоҳ лўкиллаб чопарди. Бундан ташқари уйга яқинлашди дегунча кишнаб қўярди.

— Нима учун бугун уйга қайтаётганини унутиб, ер ҳайдаётгандек имилламасанг?— деди овозини чиқариб Қурбон отга қамчи босаркан.

Қурбон ноҳақ эди, чунки йўрға деярли чопиб келарди. Уйга яқинлашиб қолганини, қорайган қамишзор ортида Номсиз қўрғон борлигини сезиб, энди пишқирмоқчи, кишнамоқчи эди жонивор...

Чопиб келаётган йўрға ҳатто катта йўлдан юмшоқ

сўқмоққа бурилганда ҳам бўшашмай, олатасир йўртиб ҳовлига кириб борди. Кейин эса Тозагул қачон келаркин, дегандек тўхтаб кутиб турди. Ҳар сафар уларни, Тозагул кутиб оларди. От бошини силтаб, юганини шақиллатиб қўйди. Қурбон ҳам отдан тушмай, у ёқ-бу ёққа қараниб, кутиб тураверди. Ҳеч кимдан дарак бўлмади.

Охири у отдан энди тушган ҳам эдики, худди сояга ўхшаб, аста-секин Башорат келди.

— Ҳа, қизим, ойинг қани? Тозагул қани?..

Башорат индамади.

— Нега индамайсан?

Башорат бир нима дегандек бўлди.

— Нима деясан? Гапингга тушунмаяпман.

— Ойимла касал бўлиб қолдила,— деди Башорат эшитилар-эшитилмас гўлдираб.

— Касал бўлиб қолди?!— бақириб сўради Қурбон.— Нима?.. Касал бўлиб қолди?..

Башорат аста бошини кўтариб, қоронғилик орасидан отасига гоҳ айбдордек, гоҳ ўпкалангандек бир лаҳза индамай қараб турди-да, кейин бирданига от бўйнига осилиб:

— Вой-дод! Дод!— дея ҳўнграб йиғлаб юборди.

Бу қадар кучли чинқириқ, фарёд садоси унсиз тунги қамншзор орасидаги кимсасиз қўрғонда даҳшатли эшитилди.

От ҳуркиб пишқириб юборди-ю, лекин турган еридан қимирламади.

— Вой-дод! Дод!— дея ҳамон чинқирарди Башорат отнинг ёлига юзларини суйкаб.

Қурбон саросимага тушиб нима қилишни ва қаерга югуришни билмай, турган ерида қотиб қолди.

— Уғлингиз йўқ энди, дадажон! Акасиз қолдим! Дод!— деган фарёдни эшитди Қурбон.

Ёки унга шундай туюлдимики? У ҳамон турган еридан жилмай қизишинг нима деяётганига қулоқ солиб турди-да, бирдан: «Нима бўлди бунга? А?.. Ким... Нима гап ўзи?»— деб ўйлаб қолди.

— Башорат...— деди у ва шу заҳоти нимани сўрамоқчи эканлиги эсидан чиқиб, югурганича уйга кирди.

Торгина уй ичини қизғиш шуъла аранг ёритарди. Энсиз дераза тоқчасида турган шишасиз тунука лампа



бурқсиб ёнарди, бир бурчакдаги кўрпача устида Тозагул ётарди. Унинг кўзларидан тирқираб оққан ёш, худди ёмғир сувидек юзларини ювиб, хира чироқ шуъласида йилтиллер эди. Қурбон уни кўрди-ю, бирдан юраги орқага тортиб, заҳардай аччиқ, сирқиратувчи оғриқ кўксини чангаллаб олди.

— Бу ёлгон, бўлмаган гап,— деди остонадан туриб.

Тозагулнинг чеҳраси бир зумгина ёришди, умидвор бўлиб эрига тикилганча қотиб қолди.

— Бу гапни қаёқдан эшитдинглар? Ким айтди сизларга?.. Бу бўлмаган гап! — такрорлади Қурбон.

Тозагул бирдан ниманидир англаган бўлди-да, қовоғини солиб эрига қаради ва аранг лабларини қимирлатди.

— Рост...— хотинининг эшитилар-эшитилмас товуш билан пичирлаганини Қурбон аниқ эшитди. — Рост,— деди у яна.

Қурбон Тозагулнинг киприклари юмилганини, кўз ёшлари икки бетидан тирқираб оқиб тушганини кўрди-ю, ҳаммасига ишонди. Бирданига кифтлари шалпайиб, қўлидаги қамчиси ҳам ерга тушиб кетди. «Демак, рост... Ҳалок бўлибди... Ана кўргиллик... Ўзим ҳам хавотир бўлиб юрувдим-а... Ўз жоним кўзимга кўринмай, кечаю кундуз уни ўйлардим. Ахир жон керак бўлса, менинг жонимни олмайдами... Нима қиларди унга тегиб?.. Эй, худо!..»

У Тозагулнинг ёнига борди-да, гўё унинг олдида гуноҳкордек, букчайиб тиз чўкди.

— Демак... У йўқ энди?.. Шу гап ростми? А?

Хотини жиққа ёш кўзларини очиб, эрига қаради-да, яна қаттиқ юмиб олди.

— Варламов келди... Демак... рост...

## 5

Қурбон икки кунгача темирчилик устахонасидан ҳеч қаерга чиқмай, қуруқ бўйра устида кўкрагини захга бериб ётди. Ёркентдаги «Қўшчи» союзига ҳам, уйига ҳам бормади, ҳеч нарса емади. Ўхтин-ўхтин пешин пайти ёки ярим кечада ўрnidан туриб, қудуқ бошига бориб сув оларди-да, бамисоли кун бўйи ишлаб чарчаган тўриқ йўрғадек, жон-жаҳди билан челакка бошини тикиб ичарди.

Учинчи кун деганда бирдан унинг тепасида бировнинг овози эшитилди.

— Нега йиғлаяпсиз, отажон?

Қурбон чўчиб ўрнидан турди-да, соқоли ўсиб кетган юзларини шоша-пиша кафтлари билан арта бошлади. У, афтидан, кўзларини юмиб ётган бўлса керак, шунинг учун Башоратнинг келганини ҳам, устахонага кирганини ҳам пайқамай қолди.

— Бу нимаси ахир, худди ойимга айтиб бераман, — деди Башорат.

У ҳамон индамасди. Бўйра устида тиззасига қўлини қўйганича қизига қараб ўтирарди.

— Йиғи нимаси, йиғламанг. Бўлмаса ойимга айтиб бераман.

Башоратнинг овозида ҳам қайғу, ҳам жиддийлик ҳамда ҳазил-мутуйиба аломати бор эди. Шу пайт Қурбоннинг кўксини чапгаллаб ётган нарса бирдан узлиб тушгандек бўлди-ю, дарҳол ўзини енгил сезиб, эркин нафас олди у.

— Ойингга айтма тагин. Керак эмас. Сен боравер, ҳозир орқангдан етиб бораман, — деди Қурбон босиқлик билан гапиришга уриниб. Лекин овози бўғиқ ва ҳорғин эди.

Башорат отасининг гапига кириб чиқиб кетди. Қурбон қизи кетгач, яна анчагача қимирламай чўзилиб ётди. Энди ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Тозагул кириб келди.

«У-чи... Буни қарангки... ҳалиям мени яхши кўради-я... Ёшлик пайтимда мени қандай севган бўлса, ҳалиям ўшандай севади. Хушмуомала, ёқимтой, чиройли, ниҳоятда меҳрибон... Қандай қилиб булчалик оғир мусибатга бардош бера олдийкин, а? Мана мен темирчиман, лекин сираям чидаёлмайман... Ғам-алам шунчалик азоб беряптики, яшашга тобим қолмади... У эса — чидади... Ўзини қўлга олиб, мен қийналсам ҳам эрим қийналмасин, деб олдимга келди-я... Худди ёруғ юлдуздек, юзидан нур томиб турипти... Кўринг-кўрманг, худди сиғлим Малясованнинг ўзгинаси... Ақл-идрокнингга балли, Тозагул, жуда ақллисан. Барибир... кўз ёши қилаверган билан ўлган тирилиб келмайди... Ҳа, тирилмайди, ўчган олов энди қайта ёнмайди...»

— Қўйинг, дадаси, ҳадеб йиғлайверманг, — деди-да, эрининг жикқа ёш юз-кўзларини артиб қўйди.

— Мен йиғлаяпманми?

— Йиғлаяпсиз, дадаси, йиғлаяпсиз, — деди Тозагул ва бирдан ўзини тутолмай, бошини унинг кўксига қўйди-ю, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Энди эру хотин тишни тишга қўйиб, унсиз йиғлашар, кўзларидан тирқираб ёш оқар эди.

— Тозагул... Гулим-юлдузим... Бас қил, етар энди, бўлди-да... Ўзингга ҳам бир оз раҳминг келсин... Ахир, худога шукур, қизимиз бор-ку... Ана шу Башоратнинг бахти учун яшаймиз энди, — деди титроқ овоз билан Қурбон мумкин қадар ўзини босишга ҳаракат қилиб.

— Энди у қушлар овозини ҳам эшитмайди, — деди Тозагул йиғи аралаш энтикиб-энтикиб. — Қуёшни ҳам, ойни ҳам кўрмайди энди... Ҳали жудаям ёш эди-я... Гўдак... Энди болам ўзи униб-ўсган Номсиз қўрғонини ҳам, қадрдон тўқайзорини ҳам кўролмайди...

— Улган одамга ҳадеб йиғлайвериш яхши эмас, хотин. Бўлди қил энди, — деди Қурбон ниҳоят қатъий оҳангда.

Тозагул дарҳол кўниб жим бўлди. Юз-кўзларини олдин кафти билан, кейин енг учи билан артди.

Иккови ўринларидан туриб, яна бир-бирининг кўзларига қараб қўйишди. Шунда Қурбон:

— Менга шу ер маъқул... Биласанми... икковимиз шу ерда ўтириб қадимгидек бирга чой ичсак... А?..

Тозагул қувониб дарҳол рози бўлди. У бир зумда устахонага бўйра тўшади-да, устига дастурхон ўрнига бошидаги парча гулли чит рўмолини ёзди, сўнгра иккови чой ичгани ўтиришди.

Уларга ҳеч ким халақит бермасди. Кўрага ўт ёқиб, чўян қумғон қўйишди. Қумғон қайнагач, Тозагул эҳтиёт шарт асраб юрган кўк чойдан солиб дамлади-да, эрхотин майдалаб чойхўрлик қилиш билан бирга, Рустамнинг ёшлигида устахонага қандай югуриб келганлари борми, ким кўринганининг отига миндириб қўй, деб хархаша қилгани, дам отасига ёрдамлашиб оловни пуфлаб ёндиргани, гоҳ ўзидан катта болгани бер, деб тиқилинч қилгани — хуллас, ҳаммасини бирма-бир эслаб чиқишди. Надежда Сергеевна бир куни унга русча алифбе ҳамда турли расм солинган эртақ китоби олиб келиб, рус тилини ўргата бошлаганини хотирлашди. Бир куни Рустам қўрғондан анча нарида кичкина зағча тутиб олиб,

думига латта боғлаб қўйиб юборганди. Кейин зағчанинг орқасидан қувлайман, деб тепадан пастга йиқилиб тушган ва ҳамма ёғи шилиниб кетган. Надежда Сергеевна уни Еркентга олиб бориб икки ҳафтача даволаган эди. Шунинг эслашди. Сўнгра Болтабой билан Деҳқонбойни, Филипп Степанович Гордиенко билан жандарм ротмистри Зазнобинни, Август Снигурани ҳам эсга олишди. Эру хотин ёшлик чоғларини ҳам хотирлашди. Пировардида Тозагул эрига қараб туриб, унинг кўзлари қанчалик ажиб ва тез ўзгаришини айтиб берди.

— Баъзида худди ёзги осмондек тип-тиниқ бўлади,— Тозагул жилмайиб қўйди,— баъзида гўё кузги осмондек қоп-қорайиб кетади.

Қурбон бир вақтлар ўзи ясаган ва ҳозир кераксиз бўлиб, бир бурчакда уюлиб ётган тақаларга қараб турди-да, сарпойчан оёқ билан туртиб:

— Мана, ўзинг кўриб турибсан, икковимиз қачондан бери шу ерда ўтирибмизу, лекин биронта одам на отини тақалатгани, на арава тузатгани келгани йўқ,— деди ачиниб.

— Ахир, кўпдан бери бу ерда ишламай қўйганингизни одамлар биледи-да,— деди Тозагул.— Доим устахонада йўқсиз, шунга ҳамма кўникиб қолди. Икковимиз ўтирганимиздан бери йўлдан ҳеч ким ўтгани ҳам йўқ.

— Ўтди,— эътироз билдирди Қурбон.— Аравада кимдир ўтди, кейин...

— Анови келаётган йигитча ким бўлдикин?— Тозагул унинг гапини бўлди ва дастурхон ўрнига ёзилган рўмолини шоша-пиша бошига ўради.

— Менинг котибим... Деҳқонбойнинг ўғли,— деди Қурбон бир оз хавотирланган ҳолда кўйлаги билан белбоғини тузатар экан.— Ҳа, Темур? Нима гап, тинчликми?— сўради у сабри чидамай, йигитча салом беришга ҳам улгурмасидан.

— Хушхабар олиб келдим, Қурбон тоға,— деди Темур.— Шошганимдан яёв келяпман.

— Хўш?.. Нима гап?

— Тошкентдан туз, лампа мой, гугурт олиб келишди... яна бошқа нарсалар ҳам бўлса керак...

— Хўш?! Яна нима олиб келишди? Қани улар?

— Нима? Ким?..

— Ўша нарсалар... Қаерда?

— Ўша ерда. Еркентда.

- Одамлар-чи?
- Қайси одамлар?
- Ўша... нарсаларни олиб келган одамлар?! Қаерда улар?
- Улар ҳам ўша ерда... Сизни кутиб туришипти.
- Кетдик. Қани, юр тезроқ, Темур.

## 6

Кичкинагина қишлоқ қабристонига зим-зиё қоронғилик чўкди. Бундай зулмат қабристонда фақат ёз пайтлари — димиққан тунларда ой чиқиш олдидан бўлади.

Ҳали ўт-ўлан ниш урмаган қабр тепасида икки киши ўтирарди. Буларнинг бири — кўр Сирож, иккинчиси эса — терлама касалидан турганига энди икки кунгина бўлган ва батамом соғайиб кетиши учун бир ойлик отпусқа олган ёш қизил аскар Федор Дружинин эди.

Улар анча вақтдан бери шу ерда чурқ этмай ўтиришарди. Афтидан, иккови шу қабр ёнида сукут сақлаб, бир нималар хусусида ўйланиб, сокин тунга тингшаниб индамай ўтириши шарт эди.

Улар ўтирган ерда ҳам, Тозасой қишлоғининг тева-рак-атрофида ҳам қабристон сукунати ҳукм суларди. Баъзан чол ўз фикрларини таҳлил қиларкан, ҳайрон бўларди: «Бу нимаси, а? Шарқираб оқадиған Тозасой қирғоғида ҳатто тун ярмида ҳам бунақа жимжитлик сира бўлмасди-ку!»

Тозасой қишлоғи бу ердан ярим чақиримгина нарида, бедапоянинг ортида, зарғалдоқлар, сассиқпопишаклар ин қўядиган қалин тутзорнинг нариги ёғида эди. Тўғри, қабристондан то Хуршиднинг уйигача бўлган масофа ярим чақирим келади. Аммо Сирожнинг қўрғоқчасидан ҳисобланса, бир чақиримдан кўпроқ келади. Айтайлик, қабристондан то Мардонқул полвоннинг эшигигача ҳисобланса — унинг уйи ҳам қишлоқнинг бир чеккасига жойлашган, фақат мазор томонда эмас, балки тоғ томонда — агар шунини ҳисобланса, бир эмас, бемалол уч чақирим келади. Тозасой кичкина бир қишлоқ, уйлари жуда тартибсиз ҳолда тушган эди. Бу уй билан у уйнинг ораси бемалол ярим чақирим келарди. Айрим хонадонлар, Мардонқул полвонникига ўхшатиб, уйларининг тева-рак-атрофини девор билан ўраб олишган, Мўмин билан Тўйчига ўхшаган камбағалларники

эса тўрт тарафи қибла бўлиб, хоҳлаган томондан кириб-чиқавериш мумкин эди. Қишлоқда ўсмир болалар билан иккита қариядан бўлак эркак зоти йўқ эди. Биттаси қадди ёйдек букилиб, бутунлай, букчайиб қолган, икки қўли билан ҳассага таяниб зўрға юрадиган Азамат исмли чол эди. Лекин бу жони қаттиқ чол ҳамма хотинларини кўмиб бултур қўшни қишлоқдан яна бир қирқ яшар аёлга — беш болали бева хотинга уйланган эди. Бу хотин ҳам Азамат бувага ҳаш-паш дегунча бир ўғил туғиб берди. Иккинчиси Узунқулоқ лақабли Саид бобо бўлиб, ғийбатчилиги учун ҳам шу лақабни орттирганди. Лекин Саид бобо эрта кўкламдан бери касал эди, ҳатто бир ҳўплам кўк чой ичса ҳам шу заҳоти қайт қиларди. Одамларнинг гапига қараганда, гарчи Узунқулоқ Азаматдан ўн-ўн беш ёш кичик бўлсаям, анча оғирлашиб, у дунёга жўнашга тайёр бўлиб қолганмиш.

Кўр Сирож ана шу ўй-фикрларига яқун ясар экан, кичкинагина бир қишлоқ бошига қанчадан-қанча фожиалар, оғир муенбатлар тушганини ўйлаб кетди.

Бу қандай хунук жимжитлик бўлди?! Гўё бу атрофда тирик жон қолмагандек тиқ этган товуш йўқ... Ахир илгари ҳар доим, ҳатто ярим кечада ҳам қишлоқда ҳар хил овозлар эшитилиб турарди-ку! Ярим кечада Мардонқул полвоннинг ҳовлисидаги ҳанги эшак қишлоқни бошига кўтариб ҳанграрди, овози ҳамма ёққа эшитилар, унга жавобан қишлоқдаги барча итлар баравар вовилларди, эшак ҳанграб бўлиши билан яна ҳамма ёқ сув қўйгандек жим бўлиб қоларди. Фақат кимнингдир чакаги очиқ кўппаги ярим кечада безовта қилингани учун ранжигандек, ўхтин-ўхтин ғингишиб қўярди. Ниҳоят, у ҳам жим бўларди. Сирож буванинг эшиги ланг очиқ, димиқиб кетган қўрғонча ортидаги жарлик томондан сойнинг шовиллаши эшитиларди. Ёз фасли белдан ошиб, тоғдаги қор ва музлар эриб тамом бўлаёзгани учун Тозасой суви кундан-кунга камайиб, шовиллаши тобора пасайиб борарди. Шунда Сирож бува қўрғонча тепасидаги терак шохларида чумчуқлар уйқу аралаш бир-бирлари билан жой талашиб чирқиллашганини эшитиб ётарди.

Кўр Сирож тун бўйи қай хил овозларни эшитмайди дейсиз. Қизи Надежда Сергеевна кетган кунидан бери мутлақо ухлолмай тонг оттирадиган бўлиб қолди. Бедана қўядиган жой қолмаган бўлса-да, илгаригига қара-

ганда кечаси кўпроқ овга чиқарди. Пулга ҳам эҳтиёж қолмаганди. Теварак-атрофдаги бозор ва чойхоналарда, кўр Сирож яна беданафурушлик қиляпгаимиш, уришқоқ, сайроқи ва ошга босадиган семиз беданаларни сотяпганмиш, деган миш-мишлар тарқалган бўлса-да, лекин у Рустам дафн этилган кундан буён беданафурушликни бутунлай йиғиштирганди. Шунгача фақат иккита уришқоқ беданасини бир беданабоз чойхоначига сотди, холос. Беданани берай деса, яқинроқ ёру биродарларидан ҳеч ким қолмаганди. Ким кўринганга бергиси келмасди. Лекин шундай бўлса-да, узоқ-яқин ердаги поллизларга, бедапоя ҳамда мошпояларга бориб ов қилар, ушлаган беданасини қўлига олиб у билан ўзича гаплашар, лекин шу заҳоти қўйиб юборарди. Бу эса, гўё тушдай ўтиб кетган умрини, болалик чоғларини эслар ва шундан баҳра оларди.

Деярли ҳар кун кечаси ўрнидан турарди-да, остонага ўтириб хаёлга чўмарди...

Ҳар томондан турли-туман овозлар, шитирлаган товушлар ўраб оларди уни. Баъзида унинг сезгир қўлоқлари ҳатто яқинидаги тутда зарғалдоқнинг инида қимирлаганини ҳам, бемаҳал саргайиб узилиб тушган баргнинг шарпасини, чигирткаларнинг бирин-кетин чирқиллаши босилиб, қандай уйқуга кетганини ҳам бемадёл эшитаверади. Лекин баъзан шундай хаёлга чўмардики, ҳатто Мардонқулнинг эшаги ҳанграганини, итларнинг улиганини, эчкиларнинг маъраганини ҳам эшитмасди.

Бундан бир ҳафта бурун ярим кечада худди ана шу остонада ўтирганида, тўсатдан қишлоқ томонда чинқирган аёл кишининг овозини эшитиб қолди. Шундан кейин қий-чув кўтарилиб, ўқ товушлари келди, орадан бир дам ўтар-ўтмай, яйлов ортидаги тоғ томонга тобора узоқлашиб кетаётган отларнинг дупур-дупури эшитилди. Сирож бува безовта бўлиб, тонг отгунча сабри чидамай, Тозасойга йўл олди. У ҳар бир эшик олдида тўхтаб бутун қишлоқни айланиб чиқди, лекин қишлоқ жимжит эди: биронта ҳовлидан биронта ит унга вовилламади. Қизиқ, эҳтимол бу ерда ҳеч нима бўлмагандир. Қишлоқ итлари ўқдан жуда кўрқишади, мабодо ўқ товушини эшитиб қолса, дарҳол панароқ жойга биқиниб, нусиб олишади, буни Сирож бува яхши биларди. Чол яна шунини ҳам билардики, итлар бирон фалокат рўй бе-

ришини олдиндан сезиб улий бошлайди ёки пана жойга биқиниб, индамай ётаверарди.

Сирож эрта билан туриб ўзига таниш бўлган беданабоз чойхоначининг олдига чой ичгани борди. Чойхона айрилишдаги гавжум ерда, икки туп азим чинорнинг тагига жойлашган эди. Чойхонада доим одам гавжум, жамики янгиликларни чойхўрлардан ёки Жавод чойхоначидан билиб олиш мумкин. Бу ернинг теварак-атрофи Қизил Армия ҳимоясида эди. Лекин баъзан йўлларда ва шу чойхона атрофида тўсатдан тўртта ё бешта отлич босмачилар пайдо бўлиб, яна бир зумда кўздан ғойиб бўларди.

Сирож бувани унча-мунча янгилик билан, ҳатто энг ваҳимали хабар билан ҳам ҳайратда қолдириш қийин эди. Лекин босмачилар тухумхўр Мардонқул полвоннинг пайига тушиб, бирмунча вақтдан бери уни қидириб юришганлиги тўғрисидаги гап унинг учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Маълум бўлишича, Сирож бува Тозасой томондан ўқ овозини эшитган ўша кечаси, Усмон-найнов қўрбошининг бир тўда йигитлари Мардонқул полвоннинг ҳар кеча хотинлари олдига келишидан хабар топиб, уйга бостириб киришган. Лекин уни уйдан топишолмаган. Шундан кейин йигитлар Мардонқулнинг энг кичик хотини Зуҳрани қистовга олишиб, эринг қаерга яширинди, уйга яна қачон келади, айт деб қамчи ўхталишган, фақат қўрқитиш учунгина ўқ отишган экан. Чунки унинг қаердалигини учала хотин ичйда фақат Зуҳра билиши мумкин эди.

1920 йил 26 майда Туркистон fronti қўмондони Михаил Васильевич Фрунзе Фарғонага келди.

Шундан кейин босмачилар орасида саросималик бошланиб, устма-уст мағлубиятга учради. Босмачиларнинг раҳбарлари мавжуд вазиятга мувофиқ ўз кучларини бошқатдан группалаш, тўдаларини мустаҳкамлаш ва уларни йирик ҳарбий қисмларга айлантириш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Ана шунда улар ўртасида жанжал чиқиб, бирининг гўштини бири ея бошлади. Кичик-кичик босмачилар тўдасининг бошлиғи ўзини мингбоши, қўшин қўмондони, деб эълон қилди. Усмон-найнов билан Мардонқул полвон ўртасидаги низо ҳам аслида шундан келиб чиққан. Иккови ҳам қуролли тўдаларини бирлаштириб, ўзларини қўрбоши деб эълон қилиш ниятида эди. Гарчи Мар-



донқул полвон жисман бақувватлиги ҳамда тандирда кабоб қилинган бутун қўйнинг гўштини паққос тушира олишлиги билан ном чиқарган бўлса-да, лекин унинг қўрқоқлигини ҳамма биларди. Шунинг учун ҳам йигитлар Усмон-найновга қўшилиб кетган эди. Шундан кейин Мардонқул полвон Усмон-найновдан ўч олиш мақсадида яширишиб юрар ва босмачиларни ўз томонига оғдириб олмоқчи бўларди. Босмачилар бир ҳафта ичида Мардонқулни излаб, уйига икки марта келиб кетишди. Охирги марта бундан уч кун аввал келишган эди.

— Дружинин, қандай ғалати жимжитлик-а?..— деди чол ниҳоят соф рус тилида. Қизил аскар унга яна ажабланиб қараб қўйди: «Бу камбағал, кўзи ожиз чол» рус тилини бу қадар яхши, заррача бузмасдан талаффуз этишни қаердан ўргандийкин-а?» Дружинин нуқул шуни сўрамоқчи бўларди-ю, лекин турли хаёлга борибми ёки чолни негадир тушуниш қийин бўлганиданми, ишқилиб, сўрай олмасди.

— Улар кечаси бирор ерга биқиниб олишганда... доим шунақа жимжитлик бўлади,— жавоб берди Дружинин.— Ой чиқиш олдида ҳам худди шундай жимжитлик бўлади. Мен энди уларни аямайман, дўстим учун ҳам, жонажон укам учун ҳам... Ҳа-а!..— бирдан унинг кўксидан хириллаган овоз отилиб чиқди.

— Укам дедингми? Қанақа укамг?

Дружинин кафтини қабр устига қўйди.

— Мана у... шу ерда ётибди...

— Ҳа, тушунаман.

— Йўқ, сиз тушунмайсиз... чунки билмайсиз...

— Ундай бўлса гапириб бер.

Дружинин индамади. Қасаллик уни анча ҳолдан тойдирган, кўпроқ гапирса нафаси қисиларди. Қаттиқроқ гапиролмас, овозини баландроқ чиқаришга кучи етмасди.

— Мен у билан олт ичишганман... Биз қасамёд қилганмиз... Агар икковимиздан биримиз дунёдан кўз юмадиган бўлсак... тирик қолганимиз ўлганнинг исми фамилиясига ўтиши керак.

Чол гўё уни кўра оладигандек, қизил аскар томонга бурилиб қаради.

— Энди мен Тошкентга кетяпман. У ерда Қурбон деган темирчини топаман. Комбригимиз Варламов ҳам мендан шуни илтимос қилиб, бир ойлик отпуска ҳам тўғ-

рилаб берди... Лекин Рустам билан иккинмиз қасам ичганимизни унга айтганим йўқ. Ҳа, бу гапни отасига ҳам айтолмасман балки... Ахир, қандай қилиб мен у кишига ўғил бўла олардим?!

— Бу гапни Рустамнинг отасига айтмоқчи эмасмисан? Эндиликда унинг ўғли эканлигини айтмайсанми Қурбонга?

— Йўқ, айтмайман. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, қанақасига мен у кишига ўғил бўлай? Юз-кўзларим ҳам бутунлай бошқача. Рустамнинг сочлари қоп-қора эди, меникини қаранг, худди сомондек сап-сариқ.

— Менга қара, Дружинини. Демак, сен қасамни бузмоқчисан, шундайми?

Дружинин бирдан чолга шартта ўгирилди, нафаси бўғзига тиқилиб:

— Шундай дейишга қандай тилингиз борди?! — деди.

— Ундай бўлса, нега энди темирчига ўғил ўрнига ўғил бўлдинг келмаяпти?

— Менга жуда ноқулай туюляпти-да... Ахир тушунсангиз-чи... Қанақасига мен уларга ўғил бўлай? Олдин мен жонажон Волга бўйига бормоқчиман... она юртим Симбирск шаҳрига... яна ходаларни дарёда оқизаман... Ана ўшандан кейин мен Федор Дружинин эмас, Рустам Қурбонов бўлиб қайтаман. Қолаверса... отпускадан қайтгач, шу ердаёқ исм-фамилиямни ўзгартириб оламан... Лекин унга билдирмайман...

— Чакки қиласан. Жуда чакки қиласан. Агар сен уларнинг олдига, мен сизларга ўғил бўламан, деб борсанг, бошлари кўкка етиб, ўғиллари тирилиб келгандек хурсанд бўлишади. Уқдингми? Сен уларга ҳамма гапни очиқ-ойдин айтиб беришинг керак, ҳаммасини.

— Балки... бирга борсак қандай бўларкин? Нур устига нур бўларди-да! Нима қиласиз бу ерда ўтиравериб? Бу ерда ўтирдингиз нима-ю, у ерда — фарқи йўқ-ку! Нима дейсиз, отахон, сизга барибир эмасми? Борганингиз минг чандон яхши. Юринг, кетдик. Ҳар қалай сиз уни ўз қўлингиз билан дафн этгансиз... Энгаҳини боғлагансиз...

Чол индамай қолди.

Дружинин бир зум унинг оппоқ соқолига, оппоқ ва лекин ҳалиям қалин сочларига қаради-да, умидини узоқмай:

— Юринг, бирга бора қолайлик, — деди яна.

— Таклифинг маъқул, — деди охири чол. — Боришим

ҳам шарт эди-ку, лекин мен вақт-соати билан албатта бораман.

— Ундай бўлса, ҳозир вақт-соати. Қани кетдик, ҳозир.— Дружининга яна жон кирди.— Ахир Қурбонникига борамиз-ку. Менинг отам олдига... дўстимнинг отаси ёнига.

— Ҳа, ҳаммасига тушунаман.

— Хўш?..

— Лекин иложим йўқ,— деди чол узил-кесил қизлиб.— Ҳозир боролмайман.

— Нега энди? Нима учун?..— Дружинин бўш келмади.— Бу ерда қандай зарур ишингиз бор?

— Туркистон фронтининг қўмондони... Фрунзе шу ердами?— тўсатдан жиддий равишда сўраб қолди чол.

— Қаерда?

— Мен Фарғона фронтини назарда тутиб гапиряпман. Айтгандек... Ҳа, майли. Айтмасанг ҳам майли.

— Нима эди?

— Уша кишида менинг ишим бор.

— Қўмондондами?

— Ҳа.

Дружинин таажжубланиб, ҳаттоки ҳанг-манг бўлиб, яна чолга қараб қўйди.

— Ажабланма,— деди чол унинг миясидаги фикрларни гўё ўқиётгандек.— Мен у киши билан учрашим лозим. Албатта, керак.— Чол унинг елкасига қўлини ташлади-да, гимнастёрка тагидан туртиб турган жуда ҳам нозик курак ва суякларини ушлаб:— Э-э, Федя. Сенга эт битиши керак. Куч-қувватга кириб, соғайишинг керак.— Чол уни синамоқликка тебратиб кўрди-да, оталарча меҳрибонлик билан маҳкам бағрига босди.— Қисқа вақт ичида икковимиз синашта бўлдик-қўйдик, худди бирга пону қатиқ еб, бирга ўсгандек...

— Нима? Қанақа пону қатиқ?

— Одам бир-бирлари билан тезда дўстлашиб кетса, бизда шундай дейишади.

— Шундай денг...— Дружинин жилмайиб қўйди.— Пону қатиқ... яхши гап...

— Ана шунинг учун ҳам сенга дўстона бир илтимосим бор: Тошкентга борганигда Надежда Сергеевна Малясовани учратсанг... Сен уни албатта Қурбонникида учратасан, чунки уникига тез-тез келиб турди...

— Рустам менга ўша аёл ҳақида гапириб берганди. Қандай илтимос? Унга нима деб қўяй?

Чол индамай, ўйланиб қолди.

Дружинин унга тикилганича кутиб турарди. Охири сўради:

— Ўша аёлга нима деб қўяй?

— Шунчаки салом айтиб қўй... Айтгинки...

— Нима деяй?

— Айтгинки... Тозасойдаги сўқир чолдан...

— Қаранг! Анови ерда нима бўляпти?— бирдан Дружинин безовталаниб қолди.

— Қишлоқда аланга! Ёнғин! Ана... қий-чув, дод-войларни эшитяпсизми?

— Мен анчадан бери... боядан бери эшитяпман. Аланга қайси томонда кўриняпти? Нариги томондами?

— Қайси томонлигини билмайману... лекин ана энди аниқ кўринди. Жуда катта ёнғин. Уй ёнаяпти. Қимнингдир уйи ёнаяпти. Мен ўша томонга кетдим, отажон, ёрдам бериш керак ахир.

— Шошма.— Чол ўтирган ўрнидан қўзғалмай, хотиржамлик билан Дружининнинг енгидан ушлади.— Ўтир. Сен қараб туравер. Нима ёнаётганини мен яхши билман.

— Нима ёнаяпти?

— Мардонқул полвоннинг уйи ёнаяпти. Ўзи ўғри, каллакесар, тухумхўр, беданавоз, босмачи, ўшанинг уйи ёнаяпти.

— Мардонқул полвон дейсизми?.. Унинг ҳақида кўп эшитганман.

— Бу Усмон-найновнинг иши, ўша ўт қўйган. Иккови кўпдан бери бир-бирига тиш қайраб юрарди. У энди Мардонқулнинг ўзини ва бутун оиласини қирмагунча кўнгли жойига тушмайди. Шарқда, кучига ишонган одам хавфли эмас, ўч оладиган одам хавфли саналади.

Дружинин чолнинг гапларига қулоқ солар экан, ҳамон ҳаяжонланиб икки кўзи ёнғин чиқаётган томонда эди. Тобора алангаланган ёнғинга қараб безовта бўлар, ўша томонга боргиси, бирон иложини қилиб кимдир қутқаргиси келарди. Аланга бутун қишлоқни ёритиб, энди қабристон томонга яқинлашиб келаётганга ўхшарди. Ёнаётган уйнинг ёнгинасида баҳайбат чинорми ёки қайрағочми, ишқилиб азим бир дарахтнинг тепа томони яққол кўриниб турарди. Ундан берироқда эса, қоп-

қоронғи боғлар орасидаги пастак-пастак кулбалар ҳамда илдиизидан то учигача оппоқ кумушдек оқ терак кўриниб турарди. Кейин аланга аста пасайиб ўчди. Қоп-қорайиб кетган чинор ҳам, пастаккина кулбалар ҳам, терагу боғлар ҳам — ҳаммаси қоракуяга айланиб, қоронғиликка сингиб кетди. Қизиги шундаки, ёнғин кўтарилиб теварак-атрофни ёритган пайтда ҳам сўнгра ёниб тугагач, қоронғилик чўкканда ҳам бутун қишлоқ сув қуйгандек жимжит эди. Бақриқ-чақриқлар ва дод-фарёдлар фақат ёнғин чиққан пайтда бўлди-ю, кейин ҳамма ёқ жим бўлиб қолди.

— Нима учун ҳеч ким одамларни ёрдамга чақирмади?— деб сўради Дружинин.— Нега бу қадар жимжитлик, сабаби нима?

— Сабаби шуки, агар бирон киши Мардонқулнинг оиласини ва мол-мулкани қутқариш учун боргандами, балога дучор бўлиши турган гап. Бундан ташқари Тозасойда Азамат чол билан Саид бободан бўлак эркак зоти қолгани йўқ. Қолганларнинг бари аёллару ёш болалар, холос.

Ёнғин батамом ўчгач, иккови ўтирган кичкина қабристонни ва теварак-атрофни яна ғира-шира қизғиш нур қоплади: тугай деб қолган ой тоғ устига кўтарилди.

— Юр энди, ўғлим, менинг қўрғончамга бориб, бир оз ухлаймиз,— деди чол.

Иккови ўрнидан кўзғалишди-да, қабр тепасида яна бирпас туриб, сўқмоқ йўлдан сой томонга юришди. Дружинин бир неча марта чолга орқадан қараб-қараб қўйди, ҳайрон бўлди, ҳатто чолнинг кетидан қараб ажабланди: ҳозир ҳам, тунда ҳам унинг боши худди қор сепилгандек оппоқ эди.

## 7

Қурбон ўша кунни шошиб-пишиб Темур билан бирга «Қўшчи» союзи аъзоларига туз, гугурт ва лампа мой тақсимлаш учун Ёркентга кетганича уйга келмади. Олдинига Тозагул билан Башорат ўзларида йўқ севинишиб нон ёпиш учун ун, қурт қилиш учун сузма тайёрлай бошлашди. Улар бошқа кунлари бу ишларни бир зумда қилиб ташлашарди. Лекин бугун байрам — Қурбон туз олиб келиши керак, шунинг учун қилинадиган ишларнинг ҳаммасини, унни қайси элақда элаганимиз маъқул —

йирик кўзлигидами ёки майдасидами, қайси идишга эласак экан — чети дарз кетган ёғоч товоққами ёки сопол лаганга эласакмикин, сузмани-чи, Надежда Сергеевна Рустамга совға қилган батист кўйлаққа соламизми ёки дадасининг кўйлагидан қолган бир парча сурпгами, ха-мир билан сузмага қанча туз солиш керак, — хуллас, ана шу майда-чуйдалар ҳақида гаплашиб, маслаҳатлашишарди.

Тозагул билан Башорат кечаси алламаҳалгача Қурбонни пойлаб ўтиришди, ҳадеганда ундан дарак бўлмади. Тозагул кун бўйи катта йўл билан ҳовли орасига танда қўйди. Ҳар чиққанида йўлга тикилар, сўнгра қамишзор томонга буриларди-да, тўриқ йўрғанинг туёқ товуши келмаяптимикиан, деб тиқ этган товушга қулоқ солиб турарди.

Ҳар гал уйга қайтиб кирганида қизига:

— Мен Ёркентга бориб келаман. Бориб келмасам бўлмайди, қизим, — дерди.

— Ойижон, ахир ёлғиз ўзингиз қандай қилиб борасиз? Келинг, яхшиси икковимиз бирга борамиз.

Кун ҳам тугай бошлади. Бориш керакми, йўқми? Она-бола шуни билолмай гаранг эдилар. Охири қуёш қўрғон орқасига ўтиб, баланд бўйли қамишлар сояси йўлга тушгандан кейингина Тозагул бир тўхтамага келиб:

— Кетдик, Башорат. Юр, қизим, — деб қолди.

— Ойижон кун кеч бўлди, ҳадемай қоронғи тушади.

— Унда нима бўлади? Нима қилиш керак, а?

— Кечқурунгача кутайлик-чи, борди-ю келмасалар... Эрталабга яқин йўлга тушамиз.

Лекин кўпинча шундай бўладики, агар бирор кишини интизорлик билан кутсангиз, ўзи тўсатдан келиб қолади. Қурбон ҳам тўсатдан кириб келди. Лекин таажжуб шунда эдики, у отда эмас яёв келган эди.

Тозагул билан Башорат совиб қолган гўжани ичиш ҳам эсларига келмай, олови ўчиб қолган ўчоқ олдида хавотирланиб, унга нима бўлдийкин, деб пичирлашиб ўтиришганда, Қурбон секингина ҳовлига кириб келди.

— Вой, ойижон! Ана, дадам келяптилар! — бақириб юборди Башорат.

Тозагул турган ерида бўшашиб, оёқлари чалишиб, ўчоқнинг бир четига ўтириб қолди.

— Хайрият-е! Сизни соғ-саломат кўрганим учун худога минг қатла шукур! — деди у паст овозда.

Қурбон хотинининг олдига келди-да, унинг тиззасига аллақандай тўрвани қўяр экан айбдорларча:

— Тоза пойладингларми? Майли, ҳечқиси йўқ. Ўзим ҳам қачон уйга етаркинман, деб роса орзиқдим-да,— деди.

Тозагул кўз олдида эри соғ-саломат турганини кўриб, азбаройи севинганидан унинг гапини ҳам эшитмас, ҳеч нима қулоғига кирмас, эрида нимадир етишмай турганлигини сезарди-ю, лекин нималигини тополмас эди.

— Отажон, йўргангиз қани? Нега яёв келдингиз?— деб Башорат сўрагандан кейингина унинг эсига келди.

— Э... гап кўп, қизим,— бирдан у хурсанд бўлиб қўлини силкитди-да, бир бошдан гапира бошлади.— Бизда бир Муса деганимиз бор. Илгари батрак эди. Тагин, келиб-келиб ёшлигидан бери Бобохўжа табибга батраклик қилган! Ўша аблаҳ, товламачи табибнинг қўлида. Бир бурда нон учун-а. Мана, Совет ҳокимияти барпо бўлди. Ер тўғрисида қонун чиқди. Мен уни сўзма-сўз эсимда сақлаб қолдим. Ёддан биламан... Ўша қоғоз ҳозир ўзимизнинг қўлимизда, Темурнинг папкасида турибди. «Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ер-сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи эндиликда, фақат ўз кучи ҳамда оила аъзоларининг кучи билан меҳнат қилишни истаган меҳнаткаш деҳқонларга (миллати ва жинсидан қатъи назар) ва аларнинг уюшмаларига берилсин». Ана, эшитдингми? Шундан кейин биз ерларни, от-уловларни ҳамда деҳқончилик асбоб-ускуналарини ҳисобга ола бошладик. Демак, ҳамма бойларнинг ерлари энди «Қўшчи» союзининг фойдасига қирқилади. Бойларнинг ҳар бир оила аъзосига, жон бошига икки танобдан ер қолдирамузу ортигини камбағаллар билан батракларга бўлиб берамиз. Қачондан бери шу билан ўралашиб ётибмиз. Ҳалиям охирига етказолганимиз йўқ. Суғориладиган ерларнинг ҳаммаси қанча эканлигини аниқ ҳисоблаб ололмаёпмиз. Биргина Абдулхайнинг ўзида икки юз ботмондан кўп. Қани, текшириб кўр-чи, унинг гапи тўғри ё нотўғрилигини билиш учун ҳамма ерини айланиб, ўлчаб чиқиш керак. Хўп майли, гапларига ишондик ҳам. Лекин барибир улар ҳеч маҳал рост гапирмайди. Оила аъзоси қилиб кимларни ёзишмайди дейсан... Қариндош-уруғларидан тортиб, майда-чуйда болалари-ю, жиянларигача, хуллас, ҳеч ким қолмайди. Биз барибир... ошиқчасини чегириб таш-

лаймиз. Фақат... шундай қилсѐк ҳам нимагадир ишимиз юришмаяпти. Ер-ку бор, лекин унга нима билан ишлов берамиз? Бизнинг қўлимизда бор-йўқ асбоб-ускуна — фақат кетмон. Дарвоқе, яна бир нечтагина омонимиз бор. Лекин хўкиз йўқ-ку. Ерни нима билан ҳайдаб, нима билан ишлов берамиз? Яна ўша бойларга бўйнимизни эгиб, таъзим қилиб боришга тўғри келади. Бугун уларнинг ерларини қирқамиз-да, эртасига хўкизингизни бериб турунг, уруғлик жўхори билан арпа бериб турунг, деб берамизми? Шунинг учун ҳам биз улар билан шартнома туза бошладик. Ҳаммасини қонун бўйича қоғозга туширдик. Ерни ҳайдаш, экиш, ўриб-йиғиб янчиш биздан... Лекин ер кимники, ахир? Асбоб-ускуна кимники? Қарабсизки... ҳосилга ҳам тенг шерик. Ҳали у ерда... ким билсин, қандай шартга кўнишаркин улар... Хуллас, ҳали ҳам яшаганда бойлар яшаяпти. Ҳозирча яшаяпти. Лекин биз уларни огоҳлантириб қўйдик: «Бизларсиз, яъни «Кўшчи» саюзи-сиз... биронтангизда, ҳеч кимда, ҳеч қандай батрак бўлмасин», дедик. Лекин улар ҳийлакор. Бу ўринда ҳам тағин ҳийла ишлатадилар. Битта-яримта лақма батракни топиб ёллайдилару, бизнинг одамимиз борганда эса хўжайин туриб: «Бизга сизнинг керагингиз йўқ. Бошқа қишлоқдан мана иккита қариндошим келди. Сизларсиз ҳам ўзимиз иложини қиляпмиз», — деб важ қилади-қўяди.

— Дадажон, сиз анови табиб ҳақида гапириб бермоқчийдингиз, шекилли,— эсига солди Башорат.

— Шундай қилиб, ана ўша аблаҳ, товламачи... Азбаройи қариб-чуриганидан афт-башараси кўкариб кетипти... Юз-кўзларидан тортиб, соқол-мўйловигача кўкара бошлабди. Шунда ҳам зиқналигини қўймайди.

— Дадаси, кекса одам бўлса, нима қиласиз уни ёмон сўзлар билан қоралаб?— деди Тозагул.

— Сатқайи яхши сўз кетсин. У шундай мунофиқки, ишонмасанг — мана эшит: илгари унинг қўлида батраклик қилган Мусага биз икки таноб ер берувдик. Худди ўша Бобохўжа табибнинг бедапоясидан қирқиб, ажратиб бергандик. Муса куни кеча ўроғини кўтариб, ўзига ажратилган ердаги бедани ўргани келган экан. Темур билан иккимиз йўл ёқалаб ўтиб кетяпсак, девор орқасида бировнинг гангур-гунгур гаплашаётгани эшитилди. Девор нураб, ярмидан кўпи қулаб тушган эди. «Шошма Темур,— дедим секингина,— қани қарайлик-чи, нима гап экан». Ариқдан ҳатлаб ўтдик-да, девордан мўрала-



дик. Муса боёқиш ўша шайтоннинг олдида худди гуноҳкор одамдек, бир қўлида — ўроқ, иккинчи қўлида — бир боғлам келар-келмас беда ушлаганча бўйинни ҳам қилиб турипти. «Ахир сен мусулмон фарзандисан-ку, а? — деди унга табиб. — Нега индамайсан? Жавоб бер? Еки кофирмисан, а? Улар билан қўшилишиб энди чўчқа гўшти ҳам ерсан?» — «Мусулмонман...» — деди Муса секингина. Унинг овозини биз аранг эшитдик. «Демак, худон таолога ишонасан... Қуръони шарифни тан оласан?» — «Ҳа, тан оламан». — «Агар сен мусулмон фарзанди бўлсанг, қуръони шариф ва Муҳаммад пайгамбарни тан олсанг, нечун бировнинг ер-мулкини меники дейсан? Хўш? Ахир ўзинг биласан-ку, ер ҳам, беда ҳам сеники эмас — меники. Хўш, нега энди худди ўзингникидек, индамай келиб ўряпсан? Балки бедани сотиб, пулини ҳам чўнтагингга урарсан? Бировнинг пулини чўнтагингга ургани худодан қўрқмайсанми? Шундай ёш бўла туриб, кекса одамнинг молини ўғирляяпсан. Тагин келиб-келиб кимнинг молини-а?! Сени ахлатхонадан обчиқиб бошингни силаган, қорнингни тўйғазиб сени одам қилган кимсанинг молини ўғирляяпсан-а. Танангга бир ўйлаб кўргин-а. Ахир ҳаммамиз мусулмон фарзандимиз-ку. Худо бир, расул барҳақ, худо битта-я.» — «Худо бир... Худо бир...» — деб гўлдиради Муса ва бошини қимирлатиб тасдиқлади. «Яхши эмас, Муса. Бу ишинг мусулмон фарзандининг иши эмас». Бечора Мусага, худди итга ёпишган канадек ёпишиб олди. У эса нуқул бошини қимирлатиб: «Худо бир... Худо бир... Кечиринг, тақсир» — деб гўлдирарди. Бечора Муса, адойи тамом бўлди, бу ярамас, шайтон табиб, боёқиш Мусани яна тириклайин гўрга тикади, деб ўйладим. Шу вақт йўлнинг нариги томонида ўзимизнинг одамлардан саккиз киши картошка чопиқ қилаётганди. «Югур, Темур, ановиларни бу ёққа айтиб кел» — дедим. Бундай қарасам, мени кўриб ўзлари ҳам шу томонга келишяпти. «Гап бундай, оғайнилар, — дедим, — ҳозир ана шу ернинг ўзида — бедапояда мажлис ўтказамиз. Ҳозиргина шу ерда рўй берган воқеа хусусида гаплашиб оламиз... Мусанинг анови қирчанги эшак олдида ўзини қандай тутганини, хулқ-атворини муҳокама қиламиз». Ҳаммамиз барава-рига девордан сакраб тушган эдик, табиб ҳам, Муса ҳам эсанкираб қолди. Кейин Муса бизни кўрди-ю, дадиллашиб, бошини кўтарди. Бизга қараб илжайишни ҳам, севинишни ҳам билмайди. У энгашди-да, қўлидан тушиб

кетган бедани яна ердан олиб деди: «Мана... мен ўзимга тегишли бедани ўргани келдим». Биз табибни кўрмоқчи бўлиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб қарасак — у йўқ, аллақачон жуфтакни ростлаб қолипти. Ҳеч қаерда йўқ. Муса бўлса, ўзида йўқ хурсанд: «Жуда зўр беда экан, белга тепади. Қалинлигини, айтмайсизми. Қийғос гулча кирган» деди. Биз ҳам бўш келмай уни исканжага олдик. «Сен ўзи кимни тан оласан, Совет ҳокимиятиними ёки анови табибними?» — жиддий сўрадик ундан. Шу пайт мен Темурнинг папкасидан ҳалиги қоғозни олдим-да, унга декретни ўқиб бердим. Албатта, ўқиганим йўқ, ёддан айтиб бердим. Унга кўрсатиш учун қоғозни худди ўқиётгандек қўлимда ушлаб турибман. Ўқиб бўлгач, ундан сўрадим: «Хўш, ерни сенга ким берганлигини энди тушунгандирсан? Ҳақиқий инсонлигинини тушундингми? Инсон. Шунини ёдингда тутки, энди бу ер бир умрга сеники ҳисобланади. Нима қилиб муттаҳам табибнинг гапига қулоқ солиб турибсан? Нима, ер, беда униками? Бу ерни бутун умр пешана тери тўкиб суғорган, ҳайдаган ким ахир? Сен суғориб, сен ҳайдагансан. Бедани ким эккан? Сен. Шундай экан, нега энди ер сеники бўлмай, уники бўларкан? Хуллас, Мусани ўртага олиб роса таъзирини бердик. Темур югурганча табибнинг ҳовлисига кирди-да, ярми намаздан, ярми сап-сариқ эски қўй терисидан қилинган тасқара бир қалпоқни олиб чиқди. Илгарги Темур бу қалпоқни табибнинг ҳовлисидаги тандир устида кўрган экан. Темур бунини менга кейинчалик гапириб берди. Бизда Ниёз деган бир аскиябоз бор. На ўтганини қўяди, на кетганини, кулдиргани-кулдирган. У бор ерда доим кулги, аския. Ниёз Темурнинг қўлидан қалпоқни олди-да, Мусанинг бошига бостириб кийгизиб қўйди. «Муса, мана сенга жодугарнинг қалпоғи. Бу иснодни бошингга илиб юравер. Кимнинг орқасини қашиётганингни ҳамма билиб қўйсин» деди унга. Шунақанги кулги кўтарилдики, ҳатто болалар деворга чиқиб, йўловчилар кетаётган ерларида тўхтаб қулоқ солишди. Муса бечора индамай чидаб, кўзимизга тик қараёлмай қолди. Ниёз эса уни тобора калака қилаверди. Одамлар ичаклари узулгудек бўлиб кулишди. Шунда Мусанинг ғазаби қайнаб, бошидаги тасқара қалпоқни олиб ерга бир урди-да: «Унга ҳеч нарса бермайман. Бир боғ ҳам бермайман...» — деди. — «Ана энди ўзинга келдинг», — деди унга Ниёз. Шундан кейин тарқалишдик.

— От қани?— яна эсига солди Башорат.— Йўрғамиз қани? Энди гап бошлаган эдингиз, Муслага ўтиб кетдингиз.

— Ҳа, айтмоқчи... Нега яёв келдингиз? От қаерда қолди?— деб сўради Тозагул эрининг яёв келганлиги эсига тушиб.

— Муслага бердим,— деди Қурбон хижолат тортиб — Вақтинча... Темирдан қилинган плуг ҳам топиб бердим. Шунга битта от қўшиб бемалол ерини ҳайдаса бўлаверади. Омочга эса иккита ҳўкиз керак. Қаердан олади уни? Ана шунга ўйлаб, олми унга бердим... Майли, ерини ҳайдаб жўхори экиб олсин. Қузгача бемалол етилади. Ҳар қалай дон-дунли бўлади-ку.

— Ўзингиз нима қиласиз, яёв юрасизми?

— Ахир бу вақтинча-ку... Уч-тўрт қушга, жолос... бор ана, бир ҳафтаёқ бўлсин...

— Бир ҳафта... у ёқ билан бу ёққа яёв бориб келариш осонми?

Ушандан бери икки ҳафта ўтиб кетди ҳамки, отдан дарак йўқ, Қурбон эса ҳамон яёв қатнади.

— Ахир, отимиз қаерда қолди?— Тозагул бир эмас, бир неча марта сўради.

Қурбон ҳадеганда жавоб беравермасди. Талай вақтгача қовоғини солиб, бармоқлари билан мўйлабини силаб турарди-да, гапни чалғитиб дерди:

— Ореховкалик тагин бир одамга бердим... Фамилияси Қозирев... Арпасини янчиб олсин...

— Биров арпасини янчиб олсини, сиз яёв юраверинг-а... тагин сарпойчан... Келишадиган иш эмас. Ахир сиз ҳозир большовойсиз... Совет ҳукуматисиз. Одамлар сизнинг гапингизга қулоқ солиб, ҳурмат қилишлари керак. Тагингизда отингиз бўлмаса, қандай қилиб сизни ҳурмат қилишсин? Танангизга бундоқ ўйлаб кўринг-да.

— Ҳозирча замон шундай, Тозагул. Одамларга ёрдам бермай илож йўқ.

— Ундай бўлса, ҳадеб нолийверманг.

— Ҳалиям нолийетганим йўқ. Индамай бориб-келиб юрибман. Агар сизлар бўлмаганингизда-ку, эрталаб у ёққа, кечқурун бу ёққа қатнаб юрмасдим-а.

— Ахир, худонинг берган куни уйга қайтаверманг, деб айтяпман-ку сизга. Бориш ўн чақирим, келиш ўн чақирим. Йиғирма чақирим юриш осон гапми? Ҳар

кун бориб келаверса, отининг ҳам жонига тегиб кетади. Ахир сиз одамсиз-ку.

— Нима қил дейсан энди?

— Билмадим.

— Балки... мен билан бирга Ёркентга кетарсизлар? А?..

— Йўқ, дадаси.

— Нега? Нега энди «йўқ» дейсан? Хўш? Илгарни-ку, бормайман дейишингга сабаб бор эди... Ўглингни кутардинг. Энди кимни кутасан?

— Билмадим. Назаримда, худди бировни кутяпгандек бўламан доим. Ўзим ҳам билмайман.

— Ундай бўлса... ҳаммамиз Ёркентда бирга турамиз, хўпми? А?.. Хўп дея қол. Нега энди ўжарлик қиласан? Сизлардан хавотирлашиб ҳар кун уйга қайтиб юрмайман-ку. Ҳар қалай, менга анча енгил бўларди. Менга ҳам раҳминг келсин. Хўш?.. Ахир, умид билан бир ёстиққа бош қўйган хотинимсан-ку.

— Айтмасангиз ҳам раҳминг келиб, юрагим ачийди. Нимагадир жуда қўрқаман-да...

— Нимадан қўрқасан? Ахир мен билан бирга бўласизлар-ку. Сен ҳам, Башораг ҳам, учовимиз бирга бўламиз. Хўш?.. Нима дейсан?

— Билмайман.

— Яна билмайман дейди-я! Ахир тушунсанг-чи, сизлар бу ерда ёлғиз қоляпсизлар. Икковинг қўрқмаяпсизларми?! Ҳар сафар келаётганимда, эсон-омон ўтиришганимкин, деб юрагимни ҳовучлаб қайтаман. Ахир бу ер даҳшат-ку. А? Нима дейсан, борасанми?

— Хўп... бораман,— Тозагул охири зўр-базўр кўнди. — Умримда уйдан бирон ёққа чиққан эмасдим. Отамнинг бағрида ўн олти йил яшадим. Мана сиз билан бирга умр кечирганимга ҳаш-паш дегунча йигирма йил бўлипти. Бирон марта у ёқ-бу ёққа чиққан эмасман.

— Қанақасига бормагансан?! Мен билан Тошкентга борганинг-чи? Бозорга-чи? Синглим Нодирашикига борганинг-чи? Ёркентда анови билан... бирга туришганда... боргандинг-ку... Ҳаҳ, оти нима эди?

— Август-Сентябрь...

— Ана... Бунга нима дейсан, хўш?.. Тагин ҳеч қаерга бормаганман дейсан-а.

— Хўд, дадаси, бораман дедим-ку, ахир...

— Ҳа, баракалла. Бу ақлли гап, — Қурбон хурсанд бўлиб кетди. — Биласанми, дунёда учта нарса одамнинг умрини узайтирар экан; кенг уй, йўрға от ва садоқатли хотин. Менда кенг уй йўқ ва бўлмайти ҳам, йўрға отни ўз қўлим билан кишиларга бердим. Худога шукурки, пешанамда садоқатли хотиним бор.

Тозагул билан Башорат Ёркентга боришди, лекин икки кунга аранг чидашди. Биринчи кунни ўзларини қўярга жой, қўлларини уришга иш тополмадилар. Қошки ҳовлисида тандир ёки ўчоқ бўлса, гарчи ҳеч нарса ёпишмаса-пиширишмаса ҳам, шулар олдида юрак чигилини ёзиб овунишса. Охири юраклари сиқилиб, далани айланиб келишди. Дала Ёркентнинг нариги ёғидан бошланиб, тоғ этагигача чўзилиб кетганди. Она-бола ўтин ёришди, ҳовли супуришди, лой қилиб ўчоқ қуришди-да, ширчай пишира бошлашди. Ширчай ўша пайтларда бойларнинг тансиқ овқатларидан саналарди. Уни пиширишнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Тозагул ўчоққа ўт ёқиб юборди, Башорат эса сопол товоқда ариқдан сув олиб келиб, чўян қозонга солди. Сув келтириш учун уйдан на биронта челақ, на биронта дурустроқ идиш олишмаганди. Қозондаги сув қайнаши билан Тозагул бир чимдим чой ташлаб, сут қўйди ва озроқ туз ҳам ташлади. Яна қайнаб чиққач, қозони билан кўтариб олди. Ана энди бу шўртаккина ширчайни чанқамаслик учун маза қилиб ичавериш мумкин.

Қурбон кейин уларни Худойқулникига олиб борди. Худойқулнинг иккала хотини уларни яхши кутиб олиб, олдиларига ширчай ҳамда кунжут ёғидан пиширилган бўғирсоқ қўйди. Тозагулга ҳеч нарса ёқмас, негадир юраги сиқиларди. Бу нарса ўзига ҳам ғалати туюларди. Чунки илгари шунчаки Ёркентга ёки бозорга ёнгики Надежда Сергеевникига келган пайтларида Худойқулникига кирарди. Донм хушчақчақ, ҳаммалари билан апоқ-чапоқ бўлиб, еб-ичиб кетаверарди. Энди эса она-бола ҳеч нарсага қўлларини урмай, маъюс бўлиб ўтиришди ва у ерда ётиб қолишга унашмади. Учови Қурбоннинг идорасида ёттишди. Қурбон билан Тозагул бир бурчакда, Башорат эса эшикка яқин жойда ётди. Лекин шу кеча фақат Қурбон ухлади, холос. Она-бола туни билан мижжа қоқмай чиқишди.

Эртасига кечқурун Қурбон ҳовлига кириб келиши билан хотини дарҳол пешвоз чиқди-ю, йиғи бошлади.

— Башорат билан икковимизни уйга жўнатиб юборинг, жон дадаси. Сиздан илтимос, йўқ демаинг. Бизни бу ерга азобга олиб келиб нима қилардингиз?..

Қурбон оёқларини кериб, бошини қуйи солганча уйга толди ва хўрсиниб:

— Хўп, майли. Отланинглар,— деди.

Уша кунни кечкурун она-бола Қурбонни яна қадрдон Номсиз қўрғонда хурсандлик билан кутиб олишди.

— Тагин сизлар паранжимизни оловга ташлаймиз, деб юрибсизлар-а, балли сизларга,— деди Қурбон ҳазиллашиб овқатланишга ўтираркан.

Тозагул индамади, лабини салгина буриб, кулимсираб қўйди. Башорат бўлса:

— Вақт-соати келиб қолади, дадажон. Бунга шубҳаланманг,— деди.

— Башорат, қизим, жуда шарттакисан-а, — деди онаси.— Шу одатинг яхшими?

— Ҳа, яхши, ойижон. Замон довурақларники.

— Шошманглар... Қулоқ солинглар...— Қурбон уларнинг гапини бўлди.— От туёқларининг товуши... Эшитяпсизларми? Қандайдир отлиқ отряд қўрғон ёнидан ўтпти. Ана... тўхтади.

— Вой... Овоз... Одамларнинг овози, эшитяпсизми?! — деди Башорат ҳаяжон билан пичирлаб.— Мен қараб келай, майлими?

— Ўтир,— деди Қурбон унга қатъий оҳангда.

Қурбон ўрnidан туриб қулоқ сола бошлади. У сарпойчан, оқ сурп қўйлак-иштонда эди.

— Қудуқ томон бурилишди. Қани, мен борай-чи.

— Яхшиси, борма қўя қолинг, эшитяпсизми?!— хитоб қилди Тозагул ташвишланиб. Сўнгра эрининг кетидан қараб,— Дадаси, ҳаяллаб қоладиганга ўхшайсиз, устингизга чопонингизни ташлаб олинг,— деди.

Қурбон эса унинг гапини эшитмади шекилли, индамади. Қатта-катта қадам ташлаб, бирпасда кўринмай кетди. Темирчилик устахонаси томондан одамларнинг овози, отларнинг пишқириғи ва юганларнинг шиқирлаши аниқ-тиниқ эшитила бошлади.

Тозагул ўрnidан турди, кул ранг нимчасини бошига илди-да:

— Сен шу ерда ўтира тур, қизим. У ёққа борма,— деди.

— Узингиз-чи?

— Мен ҳозир... Йўлгача бораману изимга қайтаман... — деди она сўқмоқда кета туриб.

Тозагул гоҳ тўхтаб, гоҳ яна юриб бораркан, эрининг биров билан гаплашаётганини, қудуқдан челақда сув олганини эшитди. Қурбон қудуқдан челақни тортганда овоз чиқмасди, фақат сув тўла челақни тош супачага қўйгандагина банди бир марта жаранг этарди, ҳолос. Бунини Тозагул яхши биларди. Бирпасдан сўнг кимдир иккинчи челақни тортиб олди. Лекин бу Қурбон эмасди. У эҳтимол қудуқнинг ёнида турган бўлиши керак, чунки Тозагул унинг овозини бемалол эшитарди. Ҳатто эри челақдаги сувдан кружка билан олиб, кетма-кет аллакимга узатаётгани ҳам шундоққина эшитилиб турарди. Кейин учинчи марта челақ қудуққа тушиб чиқди... Тўртинчи марта... Тозагул охири сабри чидамай, қамиш панасидан йўлга чиқиб, муюлишдан қаради.

— Тавба!— деб юборди беихтиёр,— Шунча одам қаёқдан келдийкин-а?

У бунча отлични умрида кўрмаган эди. Эҳтимол, қирқ ёки элликта, балки юз чоғлича келарди. Айримлари отда, айримлари эса шоша-пиша отдан тушиб қудуқ олдида уймалашиб сув ичишар ва ҳамма ёқда сигарет учқунлари йилтиллаб кўринарди.

Тозагул турган еридан нарига ўтишга ботинмадида, қудуқ томонга қараганича ҳеч нарсага тушунмаса ҳам қулоқ солиб қимирламай тураверди. Фақат қулоғига чала-чулпа ўзбекча ва русча сўзлар чалинарди, холос.

Бехосдан кимнингдир қўли текканидан чўчиб тушди.

— Қўрқманг, ойижон, бу менман,— деди Башорат.

Башорат бошига камзулини ёпганча, оёқ яланг югуриб онасининг ёнига келди. Бирпас ғовур-ғувур овозга қулоқ солиб турди-да, бирдан эркаклар билан отлар уймалашиб турган қудуқ томонга чопиб кетди.

— Башорат! Қаёққа борасан? Қайт орқанга!— Тозагул кўрқиб кетди. Орқасидан югурганча бориб камзулидан тортган эди, камзул қўлида қолиб, Башорат қочиб кетди.— Юз-кўзи очиқ қочиб қолди-я. Тавба!— деди Тозагул эсанкираб, кўрқиб кетганидан. — Жиннипинни бўлганми ўзи?

Қудуқ томондан учта эркак билан бирга Башорат

келаётганини кўриб, довдираб қолди. Олдинда Башорат келарди.

Тозагул кўзларига ишонмай, синчиклаб қарай бошлади.

Ҳа, чиндан ҳам бу Башорат эди. Ундан бошқа узун кўйлак кийган ким бўлиши мумкин! Қиз бола бўлса ҳам худди солдатлардек қадам ташлаб олдинда келарди. Тагин яланг оёқлигини айтмайсизми.

— Тавба! — Тозагул югурганча қизи олдига бордида, бошига камзулини ташлади.

— Юзингни беркит! Жудаям ҳаддингдан ошиб кетма! — дея пичирлади у жаҳли чиқиб.

Башорат онасининг гапига кириб, камзулнинг четини икки қўли билан ушлаб юзини бекитди-ю, лекин бояги-бояги, солдатлардек қадам ташлаб келаверди.

— Ойижон, — деди у онасига камзул ёқасидан мўралаб. — Булар бизникига келишяпти. Қизил аскарлар.

— Ҳой онаси, — деди Қурбон, — бу иккала ўртоқ бугун бизникида тунаб қолишади. Қизинг билан бориб тайёргарлик кўринглар.

## 8

Дастурхон атрофида энди тўрт киши: иккита ёш меҳмон — қизил аскар, Қурбон ва Тозагул ўтиришарди. Фақат Башорат йўқ эди, ойниси унга бегона эркаклар ёнида ўтиришга руҳсат бермади.

Уй ичи дим бўлганидан, жойни ҳовлига, ўзлари ҳар доим ўтирадиган очиқ ерга эмас, балки ҳовлининг бурчагидаги катта оқ ўрикнинг тагига қилишди. Қурбон бу ўрикни ўғли тугилган йили ўтқазган эди. Тозагул азиз меҳмонларга сутни ҳам, тузни ҳам аямай аччиққина ширчой тайёрлади, кейин у эрининг бўйдоқлик пайтида уйланиш учун тўплаган жамғармасини яширган кўк сандиқчани очди, ундан бўғирсоқ, зогора нон ва тут талқон олиб дастурхонга қўйди.

Башорат дастурхон атрофида ўтирганларга эшик орқасидан мўралаб қаради. Қизил аскар йигитларни жуда-жуда кўргиси келди-ю, лекин турган ери анчагина олислик қиларди. Бунинг устига, улар худди атайлаб қилгандек Башоратга орқа ўғириб ўтиришарди. Азиз меҳмонлар шарафига ёқилган кичкинагина шишаси синиқ лампа ҳаддан ташқари бурқсир ва шамолда ли-



пишлаб, занглаб кетган тунука банка устида ўчай-ўчай деб турарди. Чироқ шуъласи хиралиги учун Башоратга ҳамма нарса, ҳатто дадаси суяниб ўтирган пастаккина оқ ўрикнинг танасидан тортиб то шох-бутоқларигача, дастурхон атрофида ўтирганларнинг гавдаларидан тортиб, то дастурхонгача, хуллас, ҳаммаси қоп-қора бўлиб кўринарди.

Башорат ниҳоятда қизиқиб уларнинг гапларига астойдил қулоқ соларди. Аввалига улар индамай ўтиришгани учун ҳеч нарса эшитмади. Фақат йўлдан ўтиб бораётган отларнинг дўпир-дўпири эшитилди, кейин эса бу ҳам аста-секин пасайиб, бора-бора бутунлай сўнди. Башорат узоқдан кўриб турди: дадаси нонни ушатиб қўйди — нон ушатилмагунича ҳеч ким дастурхонга қўл чўзмади, дадаси меҳмонларни, қани марҳамат олинглар, дегандай қўли билан дастурхонга таклиф қилганини ҳам кўрди. Кейин дадаси меҳмонларга бир нима деди, улар ҳам гапирди, лекин Башорат ҳеч нима эшитолмади, шундан кейин баттар қизиқа бошлади. Ниҳоят, меҳмонлар зоғора нондан тановул қилишиб, афгидан, унинг ширинлигини, кусир-кусирлигини мақтадилар шекилли, ширчойдан ича бошладилар. Башорат уларга яқинроқ бориш учун ҳозир қулай пайт келганини тушунди. Остонадан бир ҳатлаб, сарпойчан ҳолатда шипиллаганича ҳовлининг нариги бурчига ўтди-да, меҳмонларнинг отлари турган бостирманинг устуни орқасига яширинди. Бу ердан уларнинг гапини эшитиш ҳам, кузатиб туриш ҳам жуда қулай эди. Башорат суюнганидан ер тепиб ҳиринглаб юборишига сал қолди. Энди унга иккала қизил аскарнинг юзи бемалол кўринарди, дадаси билан ойиси эса орқаларини ўгириб ўтиришарди.

Ҳозирча, тўртовлари ҳам шошилмай овқатланиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирарди. Башорат меҳмонларга қизиқиб қарай бошлади. Чап томонда, ойисининг рўпарасида ўтирган қизил аскар унга шунақанги қизиқ кўриндики, пиқиллаб кулиб юборишига оз қолди ва иккала қўли билан оғзини тўсиб олди. У сочини шува бугун қиртишлаб олдирган бўлса керак, сочи қирилганга тўғайлар ҳали қорайиб улгурмаганидан гадир-будурлашари билан бирга кўкимтир-оппоқ бўлиб йилтираб кўринар ва офтобда қорайган лўппи юзидан бутунлай ажралиб турарди. Башоратга энг кулгили туюлгани шуки,

Йигитнинг чўмичдай бесунақай ва гўштдор бурни ҳамда ялпайиб кетган бурун катаги билан лўппи бети орасидаги нўхатдек қора холи эди. Сочини олдиргани учун қулоқлари шалпангқулоқ бўлиб ғалати кўринарди. Бу йигитнинг айниқса бурни билан қулоқлари гўштдор, катта эди, лекин шу билан бирга, зоғора нон ва сопол пиёла ушлаган қўллари ҳам катта, бугдой ранг бўйни йўғон, яғрини кенг, умуман, бўй-басти ва гавдаси келишган эди. Кўринишидан жуда кўнгли очиқ, қувноқ йигитга ўхшарди. Буларнинг ҳаммаси унинг лўппи юзига ва чорпахил гавдасига шундай мос тушган эдики, ҳатто у Башоратнинг кўзига истараси иссиқ, чиройли йигит бўлиб кўринди. Бироқ сочи йўқлиги чатоқроқ эди, агар сочи бўлганда чиройли ёки хулуқ кўринишини Башорат билмас ва тасаввур қилолмасди.

Унг томонда дадасининг рўпарасида ўтирган иккинчи қизил аскарнинг кўринишидан руслиги аниқ эди. У шеригидан қотмаллиги ва рангпарлиги билан ажралиб турарди. У ҳам яқин ўртада сочини олдирган бўлса керак, калтагина малла сочлари диккайиб турарди. Унинг бошини Башорат яқинда гуллаб бўлган жуда катта исмалоқнинг калласига — устини сарғиш тук қоплаган каттакон телпагига ўхшатиб ўзича хурсанд бўлди. Ана шу момикдай шапка тагидан ориқ ва рангпар юзининг ёноқ суяклари туртиб чиқиб турарди. Башорат талай вақтгача унинг қошларига разм солиб тикилди. Ўзининг қошимикин ёки аёлларга ўхшаб ўсма қўйганмикин, деган хаёлга борди. Қошлари шу қадар қалин ва қоп-қора эдики, малла сочига қараб туриб бу қошларнинг аслида шундайлигига ишонгиси келмасди. Борди-ю, қошлар орасини қаншари ажратмай, туташ бўлсами, унда Башорат, бу йигит ўсма қўйибди, деб ўйлаган бўларди.

Бу йигит Башоратга нимадандир жуда безовталанган ва айни вақтда ўйчан кўринди. Қўлида ушлаб турган пиёладаги иссиқ ширчойини тиззасига тўкиб юборганидан хижолат чекиб, ранги бутунлай оқариб кетди. Пиёлани тушириб юборганини кўрган Башорат ўзини тутиб туролмай пиқ этиб кулиб юборди, бироқ шу заҳоти ўз қилиғидан ўзи чўчиб кетди, чунки сочини тақир олдирган иккинчи қизил аскар Башорат турган томонга қараб, анчагача тикилиб қолди. Шунинг учун у дарҳол устунга ёпишиб биқиниб олди.

— Ўғлим, нега бунчалик ориқлаб, ранг-рўйинг бир ҳолатда бўлиб кетган?— деб сўради Тозагул пиёлага яна қумғондон ширчай қуяркан рус қизил аскардан.— Тани жонинг соғми, касал-пасал эмасмисан, ишқилиб?

— Топдингиз. Яқинда касалхонадан чиқди, — унинг ўрнига жавоб қилди шериги. — Терлама билан оғриди.

— Бу касални жуда қўрқинчли дейишади,— деди Қурбон.— Нимадан пайдо бўларкан ўзи?

— Битлашдан, очликдан.

— Тошкентда сизларни яхши боқишмайдимми?

— Бизлар Тошкентдан эмасмиз, отахон, Фарғонаданмиз,— бирдан суҳбатга рус қизил аскар аралашди.

— Фарғонадан дейсизларми? Менинг ўғлим ҳам ўша ерда-ку... Рустамни... 'балки эшитгандирсизлар?.. Қурбонов Рустам?..

— Эшитганмиз, отахон. Шунинг учун ҳам сизникига келдик-да.

— Ҳали шундай денглар... Нега бўлмаса... индамай ўтирибсизлар? 'Ширчайдан ичинглар... Қани, мановилардан олинглар-чи... Ҳой онаси, яна ширчайга уннаб юбор.

Тозагулнинг қулоғига энди бошқа гап кирмасди. Иккала кўзи фақат рангпар қизил аскарда бўлиб, гўё қотиб қолгандек эди, ҳатто рўмолининг учи билан юз-кўзларини пана қилишни ҳам унутиб қўйганди.

— Фарғонаданмиз. Тўппа-тўғри фронтдан келяпмиз,— гапини давом эттирди рус йигит. — Бунинг исми Йўлдош. Йўлдош Дадабоев. Меники эса... Мен ҳам ўзбекман.

— Ўзбекман? Сен-а?

— Ҳа.

— Йўғ-э... Сен ўзбек эмассан,— деди Қурбон.— Сочларинг сап-сарик, кўзларинг кўм-кўк-ку... Йўқ... қанақасига ўзбек бўласан!

Бостирмадаги отлар бир нимадан ҳурккандек типирчилаб бошлади, лекин бунга ҳеч ким эътибор бермади.

— Шошилма, Федя,— деди Йўлдош ҳўстига. — Ҳаммасини бир бошдан гапириб бер. Чўй ичйб, сал ўзингни босиб ол.

Федор худди ҳеч нимани тушунмагандек шеригига қараб қўйди. Йўлдош қўлидаги пиёлани унга узатди.

— Чой ичиб ол. Тинчлан, — такрорларди у.

Федор чордана қурган оёқлари ёнида ўз пиёласи турганлигини ҳам унутиб, дўсти узатган пиёладаги ширчойни бир кўтаришда симириб тамомлади.

— Гапнинг очиги, мен русман. Фамилиям ҳам русча, Федор Дружинин. Россияданман. Симбирск шаҳридан. Ленин туғилган ердан. Эшитганмисиз?— сал ўзига келгач, қайтадан гап бошлади Федор.

— Ленинни ким билмас экан? Уни билмаган одамга уят-а,— деди Қурбон.— Симбирск шаҳри ҳақида ҳам кўп эшитганман. Бу шаҳар ҳақида Кузьма Захарич, кейин Варламов гапириб берганлар.

— Ана ўша Варламов... хотини Надежда Сергеевна... У сизнинг синглингизми?

Тозагул бошини қимирлатиб:

— Ҳа, синглимиз, синглимиз,— деб қўйди.

— Нодира гарчи биздан бир неча ёш кичик бўлса ҳам синглимиз ўрнида сингил, онамиз ўрнида она,— деб қўшиб қўйди Қурбон.

— Варламов бизда — бригада командири. Сизнинг олдингизга бизни ўша киши юбордилар. Сизга қуюқ салом айтиб, икковингизга таъзим қилишни буюрдилар.— Федор ўрнидан турмай икки марта энгашиб, таъзим қилди. — Манови совғани ҳам сизларга бериб юбордилар. — Федор орқа томонда турган майда кўк гулли қизил чит халтачани олди-да, дастурхонга қўйиб:

— Бу — Варламовдан,— деди.— Мана буниси эса... у қоғозга ўроғлиқ нарсани Тозагулга узатди. — Бу совға у кишининг рафиқаси Надежда Сергеевнадан экан, командиримиз шундай дедилар.

Тозагул совғаларни олиб тиззасига қўйди-да, рўмолининг учига кўзларини артди.

— Эртага эрталаб Йўлдош кетади... Унинг Тошкентга бориши зарур, кейин Фарғонага қайтади, — деб гапида давом қилди Федор. — Мен эса... Агар рози бўлсангиз шу ерда қоламан, сизларникида яшаб тураман... Ҳозирча отпускадаман.

— Ростдан қоласанми?!— Қурбон суюниб кетиб бошнинг кўтарди.

— Қоламан...

— Отанга раҳмат, ўғлим. Бемалол яшайвер бизникида, болам, барака топкур,— деди Тозагул йнги

аралаш ва бошидаги рўмолча учи билан яна кўзларини артиб қўйди.

— Мен, ўғлингиз Рустамни жуда яхши билардим,— деди бирдан Федор осудалик билан. — Мана, Йўлдош ҳам уни биларди.

— Йўқ, мен Рустамни билмасдим,— деди Йўлдош босиқлик билан, кўзини наमतдан узмай. — Лекин мен уни энг оғир дамда кўришга муяссар бўлдим. Энг оғир... Менга фақат... Фарғона яқинидаги... Тозасой қишлоғига... уни дафн этиш насиб бўлди...

Ана шу гапдан кейин тўртови ҳам узоқ вақт индамай қолишди. Қурбон пиёладаги ширчоий аллақачон совиб, хаёлидан бутунлай кўтарилиб кетган бўлса-да, пиёлани икки қўли билан маҳкам ушлаб олганди. Тозагул эса, ваҳима билан бирга кўзларида умид учқунлашиб дам Федорга, дам Йўлдошга қарарди.

Ниҳоят, Йўлдош Федорга кўзи билан имлабми ёки лаби билан пичирлабми:

— Қани, бошла!— дегандай буюрди.

— Рустам менинг дўстим эди... Оғамдек эди,— деди Федор ҳаяжонини аранг босиб, товушини секин чиқариб.— Мен ҳам унга худди шундай эдим. Мен уни яхши кўрардим... ҳар жиҳатдан яхши кўрардим, айниқса Пушкин эртақларини айтиб бергани учун жонимдан ҳам ортиқ кўрардим. Эртақ айтишга жуда уста эди. Мен доим ҳайрон бўлиб: «Бу эртақларни сенга ким ўргатган?— деб сўрардим. Бу саволни илгари ҳам бир неча бор берган бўлсам-да, яна қайта-қайта сўрайверардим.— Рус тилини ким ўргатган?..»— «Ким бўларди опам... Нодира... Надежда Сергеевна Малясова. Айтиб бергандим-ку, дарров эсингдан чиқдими!» деб жавоб берарди ҳар сафар, баъзан кулиб, баъзан жаҳли чиқиб. «Эсимдан чиққани йўқ, шунчаки таажжубланыпман. Зеҳнингга балли,— дердим мен унга. У менга Надежда Сергеевна Малясова ҳақида, Тошкентдан унга келтирган китоби ҳақида, бригадамиз командири ҳақида... бир миңг тўққиз юз ўн иккинчи йилги сапёрлар қўзғолонида яраланиб, сизларникида турган даврини ҳикоя қилиб беришни яхши кўрарди. Ҳикоя қилиш истеъдоди жуда зўр эди. Сизларнинг оилангиз қанақалигини, Номсиз қўрғондан тортиб то Варламовнинг илтимосига кўра ота-бола икковингиз қаңдай қилиб икки юзта отни тақалаганингизни — ҳаммасини

у менга гапириб берган. Сизларни у жудаям соғинганди... Нуқул тушига кирардинглар... Тушида сизларни кўрса, менга албатта айтиб берарди... Иккаламиз бирга келмоқчи эдик... Биринчи жангдан сўнг иккимиз қасамёд қилдик...

Қурбон билан Тозагул унсиз йиғлаётганини Федор эндигина пайқади. Эру хотин унинг гапини бўлмай, кўз ёшларини ҳам артмай, чурқ этмай қулоқ солишарди. Федор эса бўлган воқеаларни гапириб берган сайин юраги бўшаб, тобора кўнгли таскин топар эди.

— Бу, икковимиз учун ҳам ҳақиқатий жанг, биринчи марта жангга киришимиз эди. Қиличбозлик жанги... Шу кунгача биз фақат милтиқдан ўқ отгандик... Бунда эса... отишга вақт ҳам қолмаганди. Бизнинг суворий отрядимиз чанг босган йўлидан олға силжимоқда эди. Куз пайти октябрь ойининг охири бўлгани учун тупроқ ҳам пишиб шундай билқиллаган эдики, ҳатто от туёқлари тўпнигача ботиб кетарди. Бирон марта ёмғир ёққан эмасди. Чап тарафдаги бўм-бўш даланинг нарёғида, ҳали ҳам сарғаймаган кўм-кўк дарахтлар орасида қишлоқ кўринарди, ўнг тараф эса, йўл бўйлаб кетган чакалакзор, жийдазор эди. Унинг орқаси шолিপоя бўлиб, шолиси ўриб олинган ва иккита катта-катта гарам узоқдан сарғайиб кўринарди. Душман ана шу гарамлар орқасидан чиқиб келди. Бундай қарасак, шовқин-суронсиз тўппа-тўғри шолипоядан от солиб келишяпти: худди бизни ярим ҳалқа шаклида ўраб олишмоқчи. Хўш, нима қилишимиз керак? Биз ҳам уларга қарши ташландик. Жийдазордан ўтиб, тўғри шолипояга от солдик. Рустам билан икковимиз ёнма-ён боравердик, чунки биз бир-биримиздан ажралмасликка, хоҳ жангга бўлсин, хоҳ овқатланаётганда бўлсин, доим бирга бўлишга ҳаракат қилардик. Шунга олдиндан келишиб олгандик. Шунда унга: «Бир-биримиздан ажралмайлик, ёнимдан узоқлашма. Эшитяпсанми?»— дедим. Мени ваҳима босди. Уни ҳам. Ёнма-ён боравердик. Кейин... кейин ваҳима ҳам ўз-ўзидан йўқолиб кетди... У ёғига... қизишиб кетганимиздан қўрқиниш хаёлимизга ҳам келмай қолди. Рустам менга кейинчалик гапириб берди... Бу олишувда ким билан тўқнашишга тўғри келишини у олисдан турибоқ билган экан.

Чорпахилдан келган босмачи йигит тўппа-тўғри Рустам томонга от қўйиб учиб келаверди. Унинг сочи олин-

ган: бошида салласи ҳам, дўпписи ҳам йўқ. Фақат пешанасини аллақандай кўк латта билан танғиб олган. Рустам уни кўриши биланоқ ҳозир нима бўлишини тушуниб, бир лаҳза яна ваҳимага тушади. Орадаги масофа қисқарган сари, йигит тобора кўпроқ отнинг бўйнига энгашиб олади. Рустам фақат елдек келаётган отнинг тўзғиган ёли ва ғазабдан чўғдек ёнган бинафша ранг кўзларини-ю, бош яланг йигитнинг калласини кўради холос. Ғалаба қозонишига... ёки эҳтимол ўзининг ажали етишига бир лаҳза қолганда, Рустам қиличчини бош узра баланд кўтарди-ю, лекин нима бўлганини бирдан пайқаб қолади. Дарҳол қиличга зарб бериб чопиб ташлаш керак эди, бироқ айни қилич тушадиган оралиқда рўпарама-рўпара келган отнинг калласи, чўғдек ёнган кўзлари-ю, йирик-йирик тишлари-ю кўпириб-осилиб кетган бир қарич тили тўсатдан пайдо бўлиб, Рустам қилич ўқталганича эсанкираб қолади, йигитнинг боши эса, отнинг калласи ортида бўлиб, тўзғиган қора ёллар орасидан кўринмасди, шунинг учун қиличи йигит қолиб отга тегиши, қаншаридан то кўз-қулоқларигача чопиб ташлаши мумкин эди. Шунинг сезиб отини елдирганича ўтиб кетади. Лекин қилич солмаганига ўша заҳотиёқ ачинади, чунки йигит қорабайир отда лип этиб кўринганда, дарҳол ўша онда уни қилич билан саранжом қилиш мумкин эди. Лекин вақт ўтган, душман анча узоқлашиб кетганди. Жанг тамом бўлгандан кейингина Рустам ўша охириги дақиқада нима бўлганини, назарида йигитни эмас, отни чопиб юборадигандек туюлганини тушунади: иккала от бир-бири билан тўқнашганда олдинги оёқларида тикка туриб олади, бироқ Рустам азбаройи қизишиб кетгани учун буни сезмайди. Кейин эса, эсанкираб қолдим, деб пушаймон бўлди. Дарҳол қилич солиши керак эди, чунки йигитнинг боши ҳам отнинг калласи ортида, қаншари билан бирдай сатҳда эди. Бироқ отни қайтариш учун вақт ўтганидан Рустам отини елдирганича кетаверган. Лекин атрофда нима бўлаётганини, отини қаёққа чоптириб бораётганини бу гал ҳам англамаган. Олдинда эса, тирақайлаб қочаётган бештами-олтита отлиқ, ҳаммасининг бошида оқ салла. Булар ким ва қандай одамлигини Рустам дарҳол тушуниб, ичида хурсанд бўлади ва уларга етиб олмоқ учун отини ҳайдайди. Энг орқада кетаётган одамга етиб олгач, яна қилич яланглатиб ғолибона овоз билан

Энди қийқирмоқчи бўлганда бирдан отининг оёғи тағи да оппоқ булутдек бир нарса пайдо бўлиб, ўралашиб қолади. Хайриятки, оти қоқилиб йиқилмайди. Жонивор ўша нарса устидан сакраб ўтади ва гўё эгасининг дилини тушунгандек, бир пишқиради-ю, яна ҳам тезлаб чопади. Рустам мундоғ қарайди-ю, олдига солиб қувлаб келаётган рақибининг бошида салласи йўқлигини кўради. Салласиз отлиқнинг ялт этиб орқасига қараганини ва отини шартта бурганини Рустам сезиб қолади. Лекин тез чопиб кетаётган от дарҳол кетига қайрилолмай, анча жойдан Рустамни айланиб қайтади. Отлиқ энди орқа томондан Рустамга ҳужум қилишни кўзлайди. Лекин Рустам унинг ёвуз ниятини фаҳмлаб, дарҳол у ҳам отини буради. Энди икки рақиб бир-бирига ёни билан туриб қолади. Иккови яна барабар отларини буриб, юзма-юз бўлиб олишади. Шу пайт Рустамнинг қўлида чунонам қаттиқ жаранглаган ва чарсиллаган товуш эшитиладики, қилични тушириб юборишга сал қолади. Ҳатто, қўлим йўқ бўлиб қолдим деган хаёлга боради. Лекин оғриқ сезмайди. Қилич дастасини ҳали ҳам сиқимлаб ушлаганидан қўли соғлигини англайди. Қарасаки, душманнинг қўли қилич-пиличи билан ерда ётипти. Демак, билагидан чопиб ташлабман, деб қўрқиб кетади. Сўнгра раҳми келиб, душманга қарамоқчи бўлади. Лекин у аллақачоноқ отини елдирганича, шериклари яширинган шоли гарами томонга жўнаб қолган. Рустам унинг: «Э худо! Э худо!» деб ваҳшиёна бақирганини эшитади. Рустам отини тўхтатиб у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради. Ана шундан кейингина биз бир-биримиз билан кўришдик.

Федор бу ерда нима бўлаётганини ва ким гапирётганини уларми ёки ўзими — гўё тушунолмаб ҳайрон бўлгандек Тозагул билан Қурбонга паришонҳол қараб-қараб қўйди-да, индамай қолди...

Қурбоннинг ҳам, Тозагулнинг ҳам кўз ёшлари тинган, фақат ранглари ўчган эди, кўзларини катта очиб иккови ҳам Федорга тикилиб олиб, киприк қоқмасдан, давомини кутишарди.

— Гапиравер, ўғлим; гапиравер,— деб пичирлади Тозагул.

— Ана шундай гаплар,— деди Федор.— Кейин Рустам менга:— «Қилич билан қилич тўқнашганда пайдо бўлган токнинг зарбидан қўлим ҳамон оғрийдн: лан-



жамдан то елкамгача зирқирайди, ўшандаги товуш қўлогимдан кетмайди»,— деб бир неча бор гапирганди. Лекин кекса жангчиларнинг гапига қараганда фақат янаги жанггача шундай бўларкан, кейин одам ўрганиб қоларкан.

— Гапиравер, ўғлим, гапиравер,— яна ялинди Тозагул Федор ҳикояни бирдан тўхтатиб, совиб қолган ширчайли пиёлани қўлига олгач.

— Ана шу жангдан кейин...— Федор ширчай ичишни ҳам унутди шекилли, пиёлани ерга қўйди.— Ана шу жангдан кейин... биз... бир-биримизга қасамёд қилдик... Борди-ю, иккимиздан биттамыз... иккимиздан биттамыз... Ҳалок бўлсак... тирик қолганимиз, марҳум дўстининг исми ва фамилиясига ўтиши керак, деб қасам ичганмиз.

— Нима!.. Қандай дединг?— сўради Қурбон.

— Қайси биримиз тирик қолсак... ўлган дўстининг исми ва фамилиясига ўтиш лозим, деб онт ичгандик.

— Шошма, шошма...— Қурбон кўзини Федор Дружининдан узмай аста ўрнидан тура бошлади, Федор ҳам худди шундай қилди.— Демак... шундай қилиб... Сен энди... менга ўғил бўласанми?

— Ҳа, отахон.

— А?..

— Жангдан кейин биз қасам ичганмиз ахир... Сиз хоҳлайсизми, хоҳламайсизми энди барибир мен ўз қасамимга содиқман. Мен энди унинг исмини оламан. Мен энди ўзбекман. Сизнинг ўғлингиз бўламан. Агар сиз... ижозат берсангиз... Агар сиз... оқ фотиҳа берсангиз... Фақат... рози бўлсангиз... Ихтиёр сизларда... ота-оналик розилиги...

— Уғлим! Сен бизга қайтадан ҳаёт бағишладинг. Уйимизга шодлик, бахт олиб келдинг... дардманд юрагимизга севинч...— Тозагул дастурхонни айланиб Федорнинг ёнига борди-да, йиғлаб-сиқтаб пешанасидан, елкаларидан ўпа бошлади.

— Гапинг тўғри, ўғлим. Қаерда бўлмагин, аввало ўзингга уй қургин, деган гап бор халқимизда.— Қурбон Федорни бағрига босиб оталик меҳри билан қучоқлади.

Кейин у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради-да, ўзидан-ўзи сўраб қолди:

— Айтгандай Башорат қани? Башорат!— дея чақирди баланд овозда.

— Мен бу ердаман, дадажон!— деб жавоб қилди Башорат қоронғилик орасидан чиқиб келар экан.

— Бу ёққа кел, қизим! Ҳеч кимдан уялма. Бу сенинг аканг бўлади. Паранжингни ташла.

— Ташладим, дадажон.

— Бу йигит сенга ака бўлади. Эшитяпсанми?!— деб такрорлади Қурбон.

— Эшитдим.

Башорат уларнинг рўпарасида, ёгинасида севинчдан жиямайиб турар, кўзларини Федордан узмасди.

## 9

— Қани энди қимиз бўлганда, ҳаш-паш дегунча қувватга кириб кетарди-да. Саратон яримлаб қолган пайтда қаердаям қимиз бўларди? Қулунлар ҳам катта бўлиб қолган. Хўш?.. Шу дамда битта-яримта одамда соғиладиган бия топилармикин? А? Нега индамайсан?..

— Билмадим, дадаси, шундай пайтда кимда ҳам соғиладиган бия бўларди дейсиз. Сигир билан эчки ҳам камдан-кам одамда бор-ку. Оддий сутни пулга қидириб топиш қийину, сиз бўлсангиз қимизни гапириб ўтирибсиз.

— Менга керак эмас.

— Сизга керакмаслигини ўзим ҳам билиб турибман. Ахир шу топда қаердан қимиз топиларди дейсиз. Ўзингиз айтяпсиз-ку, ҳозир ёз палласи. Кўклам пайти бўлганда ҳам бир нав эди! Қимиз тансиқ нарса, Тўқчилик пайтида нчмаганмизу, эндиги пайтда...

— Нима эндиги?!

— Ҳамма ёқда очарчилик деяпсиз-ку. Хўш?.. Ахир ўзингиз айтяпсиз-ку.

— Очарчиликми, эмасми, ўзинг кўрмайпсанми?!

— Кўряпман. Бизга-ку, ҳеч нарса эмас-а?! Бизлар кўнгиб қолганмиз. Худога шукур, арпа нонимиз, ағаламиз бор, қорнимиз тўқ. Лекин у қандай қилади?..

— Ярамга туз сепиб нима қиласан, хотин?

Тозагул шаштидан тушиб, индамай кўя қолди. Улар ҳовлига жой қилиб, юлдузларга қараб ётишди. Ҳозир уларнинг ҳовлиси бундан йигирма йил илгаригидек эмас, энди анчагина файз кириб, соя-салқин бўлиб қол-

ганди. Қизил ва оқ гулли қора намати ҳовлининг бў-  
тасига ёки ўрик билан тут тагига солишлари мумкин  
эди-ю, лекин улар шундоққина остона яқинида очик  
ерда, очик ҳавода ётишни яхши кўришарди. Ёшлик чоғ-  
ларида худди шу ерда ётишарди-да.

Туни билан ялпиз, райҳон ва гулсафсарларнинг хи-  
ди гуркираб турарди ва фақат эрталабга яқин шарқ-  
дан эсган енгил шабада қамишзорнинг рутубатли, дим  
ҳавоси билан ботқоқликнинг ачиган-бижиган ҳидини  
ҳовлига олиб келарди.

— Тоғда бир одам бор... Ушанинг олдига борсам-  
микин?— яна гап бошлади Қурбон.— Тоғда қимиз бўли-  
ши мумкин,— деди-да, шартта ўрнидан туриб, боғичини  
маҳкам боғлади.

Қурбоннинг волостда масъул ходим бўлганига ҳам  
деярли уч ой тўлди, лекин у ҳануз сарпойчан, почаси  
тиззадан келадиган бўз иштон ва ёқаси жуда кенг,  
тугмасиз бўз яктакда юрарди. Айтгандай, гарчи якта-  
ги ювилган ва ҳатто янги бўлса ҳам, уни оппоқ деб  
бўлмас, ранги кирлаганга ўхшаб кетганди. Тозагул  
совунсиз бўлса-да, бир челақ қудуқ суви билан роса  
мижиглаб, тез-тез ювиб турарди.

— Уст-бошингни ўзгартирсанг бўларди, большо-  
вой,— деганди бир куні Абдулҳай бўлис келишган  
отида кета туриб Қурбонга.— Ҳар қалай сен энди ким-  
сан, Совет ҳукуматисан, «Қўшчи» союзининг раиссан,  
қўшчиларнинг ғамхўрисан. Шундайми? Уст-бошингга  
қара, мардикорникидан ҳам хароб-а! Бугун кечқурун  
олдимга кир, сенга чопон, духоба дўппи, калиш-маҳси  
бераман.

Абдулҳай эгарда кеккайиб олиб гапирар, Қурбон  
эса қовоғини уюб, отнинг оёғига тикилиб, индамай ту-  
ради. Кейин белбоғидан носқовоғини олиб, Абдул-  
ҳайга қарамай, шахдам-шахдам юриб кетган эди  
ўшанда.

«Нега мен индамай гапига қулоқ солиб турдим-а?»—  
деб кейин неча марта ўшани эслаган эди. Мана,  
ҳозир ҳам яна эсига тушди. Тоғдаги танишиникига қи-  
мизга бораётиб бирдан иккиланиб қолди: шу муноса-  
бат билан калиш-маҳсини кийиб олсаммикин ёки сар-  
пойчан кетаверганим маъқулмикин? У калиш-маҳсини  
жуда ёмон кўрарди. Бунақанги пойафзални Мирҳайдар-  
бекхўжага, Тешабой боққолга ўхшаганлар ёки масалан

Тозагул кийса ярашади. Лекин унга... Йўқ! Сираям тўри келмайди.

Қурбон бу гал ҳам Абдулхайнинг гўрига фишт қалаб сўкди, чунки ўша учрашувнинг эртасигаёқ этигини эски калиш-маҳсига алишганди. Тўғри, унинг этиги ҳам айтарли янги эмасди: хом теридан ағдарма қилиб тикилган, тумшуги ингичка, пошнаси баланд эди. Лекин ҳар қалай номи этик эди-да, қурғоқчилик пайтларида ярайверарди, ёмғирда ёки лойгарчиликда киядиган бўлса, бир кунда ивиб, бутунлай ишдан чиқарди. Қурбон, этигини калиш-маҳсига алишгандан кейин бир неча марта: аттанг-аттанг деб пушаймон еганди. Ҳозир ҳам тоққа кетмоқчи бўлиб турган пайтда яна этиги эсига тушиб, афсусланди.

«Тоғдаги сўқмоқлар учун, айниқса отда юришга ўша этикнинг баҳоси йўқ эди-да», хуноб бўлиб ўйлади Қурбон қизил аскарнинг отини эгарлар экан, сарпойчан бўлгани учун юрагини ҳовучлаб дам у оёғини, дам бу оёғини кўтарарди. Чунки ер тепиниб турган отнинг тақаси оёғига тегиб кетиши мумкин эди.

Охири, жини ёқтирмаса ҳам ноилож ана шу калиш-маҳсини кийишга мажбур бўлди-да, ўтириб кия бошлади. Тозагул отнинг жилловини ушлаб унинг ёнида турарди.

— Йўқ, шошма,— деди бирдан Қурбон ва қоронғида хотинига бошдан-оёқ разм солиб, маҳсини кийиб бўлган жойида таққа тўхтади.— Бу ёғи қандай бўлди?!

— Нима? Нимани гапиряпсиз?

Қурбон қўлини тиззасига қўйди-да, оёғига қараганча, бир зум ниманидир ўйлаб қолди, сўнгра бирдан маҳсини еча бошлади.

— Нима қияпсиз? Нега энди тагин ечяпсиз?— ташвишланиб, сўради Тозагул.

Қурбон ўтирган ерида нуқул пишиллаб, юмшоқ маҳсини қийналиб еча бошлади.

— Нега бунча хуноб бўлмасангиз?.. Сизга ҳеч тушунолмадим-да. Уйимизда шундай хурсандлик бўлса-ю, сиз бўлсангиз...— деди Тозагул ўпкалангандек секин овоз билан.

«Дарҳақиқат... Нега энди?.. Ахир бахт қуши кўндил... уйимиз севинчга тўлди-ку.. Жин урсин ўша Абдулхайни ҳам, этикни ҳам», нчида хурсанд бўлиб ўйлади Қурбон.

— Хуржунни олиб чиқ,— деди гапни калта қилиб.

— Бўш хуржунни нима қиласиз?

— Айтганимдан кейин, гапни кўпайтирмай, олиб чиқаверсанг-чи.

«Дадаси, жудаям серзарда, қўрс бўлиб кетяписиз-да. Оғзингиздан сира ширин гап чиқмайди-я»,— дилидан ўтказди Тозагул ранжиб. У сўнгги пайтларда, айниқса, уларни адоий тамом қилиб бемаҳал қаритган оғир мусибатдан сўнг, бир оз ўзига кела бошлагач, эри ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолганди.

— Мана хуржунингиз, ичига иккита нон билан қурт солиб қўйдим,— деди жундан тўқилган эски хуржунни эрига узатиб.

— Биронта идиш топиб берсанг бўларди,— деди Қурбон.

— Идиш йўқ-да,— деди Тозагул айбдор кишидек.— Фақат мана шу хуржун...

— Хуржун, хуржун дейсан нуқул. Ахир қимизни хуржунга солиб бўладими?

— Биламан хуржунга солиб бўлмаслигини... Ахир қимиз солишга ярайдиган идиш бўлмаса, нима қил дейсиз? Қанийди меш бўлса... Балки борган жойингизда меш-пеш топилиб қолар.

— Топиладими, топилмайдими, ишқилиб меш бўлиши керак,— кутилмаганда унга хотинининг гапи маъқул тушди ва ҳафсаласи пир бўлгандек қўл силкидида, хурсандлик билан қўшиб қўйди:

— Э, жин урсин шу калиш-маҳсини. Уни қимизга алиштирвораман.

— Қимизга?

— Хўш, нима қилипти алишсам? Икки қўлимни бурнимга тиқиб қуруқ бораманми? Олинг қуда, беринг қуда-да, ахир.

— Мен сира қарши эмасман... Обора қолинг. Менга қолса, ўзим ҳам дуч келган нарсага алишиб берворган бўлардим... Фақат... менга қаранг, дадаси, тагин калиш-маҳсини нонга аралаштириб хуржуннинг бир кўзига солиб юрманг...

Қурбон отда ҳаш-паш дегунча тоққа етаман деб ўйлаганди. Федорга қимиз жуда ҳам зарур эди. Уни қидириб Еркентга бормади-да, тўппа-тўғри Янгисарой

орқали тоққа жўнашга ақд қилди. Қурбон бўм-бўин ётган лалмикор ерлардан ўтиб борар экан, Тянь-Шань тоғларининг қорли чўққилари ортидан қуёш кўтарила бошлади. Июннинг жазирама иссиғи бу ерлардаги ўт-ўланларни қовжиратиб юборганди. Ҳеч нарса экилмай, қақраб ётган ерларни кўриб юраги ачишганидан қовгани солиб, пешанасини тириштириб, тескари қарарди. Лекин теварақ-атроф паст-баланд қуруқ дашт бўлганидан кейин, кўзни қаёққа ҳам олиб қочарди. Шунинг учун ҳам Қурбон йироқларда йилтиллаб турган қорли чўққиларга, тоғлар орасидаги ям-яшил яйловларга, пистазору ёнғоқзорларга тикиларди. Бир вақтлар Қўзибой деган одамнинг улоқчи отини тақалаб берганди. Қўзибойни фақат ама шу яйловлардан топиши мумкин эди. Ушанда Қўзибой тойининг фақат олдинги чап оёғини тақалатмоқ учушгина Қурбоннинг устахонасига кирганди. Қурбон улоқчи отларни тақалаш сирини яхши биларди. Тойни тақалаб бўлгач, аргумоқнинг оёқларини синчиклаб кўриб, нидамасдан тўрттала ёғини тақалаган, лекин Қўзибойдан пул олмаган эди.

— Омадингни берсин. Улоқда ютсанг, бир кунмас бир кун мени тоққа қимиз ичгани таклиф қиларсан,— деганди Қўзибойга.

Яхши нияти йўлдош бўлиб, Қўзибой улоқда ютди, совринига она-болали соғин бия олди ва ўшандан бери тоғда яшарди. Чавандоз бир неча марта Қурбонни қимиз ичгани тоққа таклиф қилди-ю, лекин унинг қўли тегиб боролмади. Буни қарангки, энди ўз-ўзидан зарурат туғилиб қолди. Яна қанақанги зарурат денг! Ишқилиб, қуруқ қайтмасин-да. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Чор-атрофи баданд-баланд тоғлар, Қўзибой бўлса эркин қушдек боши очиқ бир одам. Уни қоялару дараларнинг, типпа-тик ёнбағирлару кўм-кўк ўтлоқлар ҳамда арчазору ўрнқзорларнинг қаеридан қидириб топади? Тўғри, Қурбон ҳар сафар уни Еркентдами, бозор-ўчардами ёки темирчилик устахонасидами тасолифан учратиб қолганида, у ўтовни тоғнинг қаердалигини эслатарди. Мана энди Қўзибой унга совуқ суздек зарур бўлганда, албатта тополмасам керак, деб ўйларди нукул. Чунки бир ишни қиламан деб турганинда, албатта оёғинг остидан бир нарса чиқиб, худди аксига олгандек, иш ўнгидан келмай қолишини биларди Қурбон. Дарҳақиқат, кераги йўқ пайтида, атрофинг-

да ўралашавериб безор қилади. Қерак бўлган пайтда эса худди жин-пин олиб кетгандек ҳеч ердан ахтариб тополмайсан. Қурбон жин-ажиналар у ёқда турсин, ҳатто худо борлигига ҳам унчалик ишонмасди, лекин битай деб турган ишига бирон фалокат аралашиб, халақит бериши мумкинлигига ишонарди.

У олдинга, Қўзибойни тоғдан топа олармикинман, деб ташвиш қилди, кейин эса борди-ю, қимиз бўлма-са-чи, унда нима қиламан, деб ваҳм босди. Бутун йўл бўйи унинг хаёлидан Федор гапириб берган қилчбозлик жанги нари кетмади. Назарида ўнг тарафдан ҳам, чап тарафдан ҳам ўша жангнинг шовқин-сурони қулоғига эшитилиб турганга ўхшарди. Гуё ўша жанг худди мана шу ерда, кўз олдида бўлаётгандек ўзи ҳам жангда иштирок этаётгандек, лекин нимагадир ўз фарзандларига ёрдам бериш қўлидан келмаётгандек туюларди. Қурбон бутун йўл бўйи ўйлаб, кеча кечкурун уйида бўлган воқеаларни бирма-бир эслаб чиқди, лекин қандайдир тушуниб бўлмайдиган нарсадан кўнгли безовта, юраги фахр ва гурур, бахт ва секинч, аламзадалик ва кўз ёшлари билан тўлган эди.

«Отнинг ёлига яшириндингми... ёш боладан қўрқиб кетдингми... Тагин лашкар эмиш... ҳали шунақа қўрқоқмисан?! А?! Менга рўдара келганингда-ку... қочиб қутулмасдинг... Осмонга учсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан ушлардим... Барибир қўлимга тушардинг... Қутулиб кетолмасдинг... Эҳ, шунча ер экилмасдан бекор ётипти-я, юрак ачийди. Ермисан ер! Лоқал бирон нарса экиб қўйишмапти... арпани, жўхорими, нўхатми... Қўзибой жудаям ялқов-да. Экиб қўйса бўлади-ку. Улови бор, омочини бериб турардик... Дангаса... Ишқилиб, уни уйдан топай-да... Жин урсин калиш-маҳсини. Майли, ўшанга буюрсин, ишқилиб қимиз топилса бўлгани... Хўш, қўлига оғриқ турса турипти-да, шуюм гапми?.. Мана меням елкамдан тортиб бармоқларимнинг бўғин-бўғинигача қақшаб оғрияпти... Келаси жанггача шундай бўлади дейишади-ку... Ҳа, жонивор, нега ҳуркасан?.. Ахир бу чуғурчуқ-ку! Паррандадан шунчалик ҳуркасанми-а? Нимасидан қўрқасан?.. Нега қулоғингни динг қиласан?! Мана, бу ёғи пичанзор, чаман-чаман гуллар! Қандай ажойиб-а! У, ёқда сой шовиллайди...»

Қурбон тобора баландга — тоққа кўтарилмоқда эди.

Ниҳоят атрофига назар солиб, қаради; баъзи жойлари хушбӯй эрман билан қопланган баҳорикор ерлар, кўм-кўк тепалар ва ёнбағирлар пастда қолиб кетган эди. Кўкатлар орасидаги билинар-билинемас торгина сўқмоқдан кетаётган от сабрсизлик билан юлқиниб жилловини пастга тортқилар: унга нондан ҳам, шакардан ҳам ширин туюлган ям-яшил ўтларни лаби билан чимдиб, йўл-йўлакай еб борар эди. Сўқмоқ эса тепалик ва дўнглари айланиб гоҳ юқори кўтарилар, гоҳ пастга тушар, гоҳ чуқур жар ёқасига тақалаб қоларди. Ниҳоят, зинага ўхшаб тикка тушган сирғанчиқ жойдан совуқ ва захкаш дарага кирди-да, қизгиш шағаллар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Қурбон дара ичи билан кетди. Дара борган сари чуқурлашиб, тобора торайиб борарди. Қўл узатса етдиган қоп-қора чўққиларнинг ажойиб нақшга ўхшаб дарз кетган жойларидан гўё мислсиз зўр тазийқ зўрма-зўраки куч таъсирида пайдо бўлгандек каҳрабо шираси, худди кўз ёшлари сингари чак-чак оқиб турарди.

«Тавба! Вожаб! Тоғларнинг йиғлашини умримда кўрмаган эдим,— бирдан ўйланиб қолди Қурбон, эти жимирлашиб.— Уларнинг мотам тутганини, кўз ёшларини ҳеч ким кўрмасин, инсон ҳам, осмон ҳам!»

Қурбон юқорига қаради: жуда баландда, нақ тепасида, даранинг икки четидаги қорайиб кўринган баҳайбат қиррадор қоялар деярли бир-бирига тутшиб кетганди, фақат орасидаги лентага ўхшаш ингичка чизикдан зангори осмон кўринарди. Ўша ердан тушган ғира-шира қуёш шуъласи даранинг тагини ёритиб турарди.

Бирдан кўз олдида ёруғ дунё пайдо бўлиб, қуёш шу қадар чарақлаб кетдики, ҳатто Қурбон кўзларини юмиб олди. У гўё ширин уйқудан уйғонгандек, ҳам қувониб, ҳам ёруғга кўникиб кўзини секин очди-ю, азбаройи ҳаяжонланганидан бақриб юбораёзди. Рўпарасида қуёш кўзини қамаштириб, бутун саховати билан ярқирар, орқа томонида — каттакон ясси тепа, тепа устида эса ҳали гули тўкилмаган яккам-дуккам наъматаклар кўринарди; тепа ортидан, гўё зангори белбоғ каби уни айланиб ўтган ўйпоқи сой шарақлаб оқарди. У деярли юз қадамча нарида, балки икки юз, балки... «Минг қадамча келар, ким уни ўлчабди дейсиз»,— ўзи-



ча ўйлади Қурбон. Сой тўшдан тўшга сакраб, атрофга парча-парча кўпикларини сачратиб, йироқларга интилар, зумраддек товланган жарлик томонга ошиқарди.

Сойдан тепага қараб ёнғоқзор бошланарди, унинг ортидаги дўнгда эса иккита ўтов, ёйилиб юрган отлар, қўй-қўзилар кўринар, ўтовдан буралиб-буралиб чиққан кўкиш тутун ҳавога кўтариларди.

Қурбон шарқираб оқаётган сойдан ўтди-да, ёнғоқзорни айланиб, биринчи ўтов олдига отини тўхтатди.

У тўхташи биланоқ, думи ва қулоқлари қирқилган, катталиги танадек келадиган оқ бўрибосар вовиллаганча югуриб келди-да, нотаниш кишига шу қадар юлқиниб ташландики, азбаройи жон-жаҳди билан вовиллаганидан томоғига суяк тиқилгандек, овози хирллаб қолди.

Ўтов эшигидан энгашиб Қўзибой чиқиб келди. Қурбонни кўриб, суюнганидан чапак чалиб юборди.

— Қурбон? Қаёқдан кун чиқди! Қайси шамол учирди сени?! Буни қара-я! Бугун меҳмон босадиган кун экан! Қани туш, бу ёққа кир. Йўлдан келгансан, бир қимиз ичиб ҳордиғинг чиқсин,— хитоб қилди Қурбоннинг тўсатдан келиб қолганидан хурсанд бўлиб.

Қўзибойнинг бошида кўк духоба дўппи, оёғида каллиш, устида узун оқ сурп кўйлак-иштон бўлиб, белни кўк қийиқча билан боғлаб олганди. У йилтираган қипқизил юзини жилмайтириб, кўзлари билан кулиб, ҳамон отдан тушмай турган Қурбонга тикиларди.

— Нима қилиб турибсан?! Қани, тушмайсанми, нега хаёл суриб қолдинг?!— деди Қўзибой сизқидил билан унга мурожаат қилиб.

— Бўрибосарингдан кўрқяпман. Нарироққа ол уни,— деди Қурбон.

Эгаси ўтовдан чиққандаёқ кўппак вовиллашин бас қилгани-ю, лекин ундан бир қадам нари силжмай, худди вафодор соқчидек ёнида турарди. Қўзибой, итнинг бўриларикига ўхшаш ўсиқ юнгидан ушлаб юлқилаб қўйди-да, жиддий тусда бир нима деди. Бўрибосар юм-юмалоқ сариқ кўзларини олайтириб Қурбоннинг бошидан оёғигача қараб чиқди-да, индамай тикилиб қолди.

Қўзибой яна бир марта секин дўқ қилгандан кейин кўппак, узр сўрагандек, дарҳол ўтовнинг орқасига ўтиб кетди.

Қурбон отдан тушиб Қўзибой билан аввая қўл олишди, кейин эса бир-бирининг елкаларига қоқиб, қучоқлашиб кўришишди. Шундан сўнг Қурбон от ёнига қайтиб, эгар устидаги хуржунни олиб келди.

— Отингни ўтга қўйиб юбор, ўтласин,— деди Қўзибой.— Отинг ажойиб экан, зоти яхши бўлса керак. Мен ҳам саман отни жуда яхши кўраман. Сенинг отинг тўриқ эди шекилли? Янглишмадимми?

— Йўқ, янглишмадинг.

— Ҳа, отасига балли, ўша азаматларнинг.

— Кимни айтяпсан?

— Қўшчиларни-да.., Қўшчи.., Ерни бемалол ҳайдайверишсин. Ахир, сен уларнинг бошлиғи — раиссанку. Демак, остингдаги отинг ҳам хонлар минадиган отдан қолишмайдиган бўлиши керак-да!

Қурбон унга диққат билан қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демади. Бир нима дейиши ҳам мумкин эди-ю, лекин шу пайт дарахтзордан икки тапиш киши чиқиб келди. Қурбон уларни кўриб ҳайрон қолди.

— Тавба! Қаёқдан келяпсизлар?!— деб хитоб қилди.

Буларнинг биттаси Роҳат эди. Ҳа, бир пайт Қорасувда буғдой жанжали кўтарилганда Малясова отиб қўйишига сал қолган ўша Роҳат эди. Иккинчиси ҳам ёркентлик бўлиб, «Қўшчи» союзининг қоровули Холмат эди. У икки ҳафта бурун ўз хоҳиши билан бўшаб, шу бўйи Ёркентда кўринмай кетганди. Тўғриси айтганда, Қурбон унинг қишлоқда кўринмай қолганини ҳам пайқамаган эди. Лекин ҳозир уни кўриши биланоқ, анча кундан бери Холматга кўзи тушмаганлиги эсига келди.

— Икковларинг бу ерда нима қилиб юрибсизлар?— қайта сўради Қурбон.

— Булар иккови жуда иноқ, ораларидан қил ҳам ўтмайди,— уларнинг ўрнига Қўзибой кулиб жавоб берди.— Бир-биридан сираям ажралишмайди.

— Жуда иноқ-а... — такрорлади Қурбон, олифта Роҳатга ва кўришиши аянчли, лекин безбет Холматга бошдан-оёқ разм соларкан.— Бу сўз уларга унчалик тўғри келмас.

Холматнинг ўнг оёқ товони туғма қийшиқ бўлиб, чапга ташлаб юрарди. Шунинг учун ҳам бир кифти баланд, иккинчиси пастроқ эди. Тиззасини эгиб, шап-шап қилиб юришини ва уст-бошининг хароблигини кўрган

одам унга раҳм қилиб, ёрдам бергиси келарди, ammo у ҳар ким билан ҳар хил гаплашарди: гоҳ тилёғламалик қилар, гоҳ тилидан заҳар томарди, агар унинг дам лаганбардорлик билан тиржайиб, дам ёвуз тусга кириб ўзгариб турадиган безбет юзига назар ташлангудек бўлиниш, ачиниш ўрнига одам ундан жирканарди. Гарчи Холмат ҳозирча гапга аралашмаган бўлса-да, Қурбон унга нисбатан кўнглида ҳам ачиниш, ҳам жирканиш ҳисси уйғонганини сезди. У эса Қурбоннинг гапига боплаб жавоб беришга тайёрланиб, кўзини ундан олиб хўжайинига қаради.

Қўзибой Холматнинг феъли айнаганини сезди шекилли:

— Отни кишанлаб қўй, ўтласин,— деди жаҳл билан унга.

Шу заҳоти Холматнинг чеҳраси ўзгариб, тилёғламалик ва хушомадгўйлик тусига кирди.

— Қани, қадрдон дўстим, ўтовга кир,— деди Қўзибой яна илтифот билан Қурбонга ва сўнг қулоғига:— Ичкарида азиз меҳмоним бор,— деб шивирлаб қўйди.

Қўзибой шошиб-пишиб калишини ечди-да, ўтовга кирди. Унинг орқасидан Қурбон ҳам энгашиб, ним қоронғи ва салқин ўтовга кирди-да, шошилмасдан, хотиржамлик билан қаддини ростлаб, қўлидаги хуржунини қўйишга жой қидириб чап томонига қаради, меҳмонга кўзи тушди.

— Хуржунингни бу ёққа бер. Қани, ўтир,— деди мезбон ва намат устидан юриб бориб, хуржунни ўтов керагасига суяб қўйди.— Қани, ўтир энди, хуржунинг орқангда тураверади,— деди.

Қурбон чордана қуриб кўрпачага ўтирди. Қўзибой дастурхон ёнида чўкка тушди-да, иккита чинни косага тўлдириб қимиз қўйди ва мезбонлик қондасини бажо келтириб ўнг қўлида меҳмонларга узатди. Меҳмонлар ҳам ўнг қўллари билан косани олишлари ва одоб юзасидан ичишга ошиқмай бирпас ушлаб туришлари, дастурхонга қўйишлари керак эди. Фақат битта меҳмон шундай қилди. Қурбон бўлса сабри чидамай, косани қўлига олиши биланоқ қимиздан икки марта катта-катта хўплади. Бир кўтаришда ичиб қўя қолмоқчи ҳам эди-ю, лекин начора, атрофидагиларга қараб одоб сақлашга тўғри келди. Қимиз муздек, сал нордонроқ бўлиб, ичаётганда тилни оз-моз ачиштирарди. Қимиз ниҳоятда

мазали бўлишидан ташқари Қурбонга худди афсонавий шароб-ан-тахурдек туюлиб, жуда ёқиб кетганидан ўзини туютолмай:

— Мана буни қимиз деса бўлади! Бай-бай-бай! Қимизинг жудаям зўр-ку, дўстим Қўзибой! Ана қимизу, мана қимиз! Бунақасини аллазамонлардан бери ичмагандим,— деб юборди.

Қўзибой мийиғида кулиб қўйди.

— Тани сиҳатликка, ичавер, ич,— деди у.— Ахир, йўлдан келгансан-да, сенга ҳозир бизнинг тоғ сувларимиз ҳам шарбат бўлиб туюлаверади.

— Жуда ҳам унчалик эмас, биродар. Сув — сув-да. Бизнинг қудуқ сувимиз ҳам тоғдаги сувингдан қолишмайди. Бу эса... Билмадимов, лекин бунақасини фақат амирлар ичган бўлса керак. Шундайми?— деб сўради Қурбон очиккўнгиллик билан ҳам меҳмонга, ҳам мезбонга мурожаат қилиб.

Иккови ҳам унинг саволига жавоб қилмади. Меҳмон бояги-бояги индамай ўтираверди. Фақат Қўзибойгина яна секин кулиб қўйди. Дастлабки дақиқалар шу тариқа ўтди, энди ҳеч ким уни очкўз ёки одобсиз экан, деб айблаши учун ўрин қолмади. Ана шунинг учун ҳам Қурбон косани қўлига олди-да, оз-оздан хўплаб ича бошлади. Қорни очганида нон еб, чанқаганида чой ичиб ҳам бунчалик маза қилмаганди. Дунёдаги ҳеч бир нарса унга ана шу қимизчалик роҳат бағишламаган. «Балки, гап... Қимиз ичмаганимга неча йил бўйдийкин?.. Тўрт йилча бўлгандир. Балки шунинг учун оғзимга жудаям тотли уннадмикин-а?.. Энг охири марта Худойкул иккаламиз Янгисаройдаги чойхонада ичгандик. Лекин у қимиз бунақа тотли эмасди, ҳа...» Қурбон қўлидаги косани дастурхонга қўйди, қимиздан аста-секин сархуш бўлиб, боши айлана бошлади.

Қўзибой унинг косасини яна тўлдирди. Қурбон қимизни қўлига олди-да, биринчи косани бўшатганидан ҳам тезроқ симириб, бўшатди. «Шошма! Шошма!— деди фикран ўзини тўхтатиб.— Дарвоқе, мен нима қиляпман ўзи-а?! Сал инсоф билан-да, ахир».

— Ичавер, Қурбон, ичавер,— деб далда берди унга Қўзибой.— Агар гапимга ишонсанг, мен олтига, еттига косани бўшатдим.

Қурбон бу гапдан капалаги учиб Қўзибойга қаради. «Табла! Етти коса! Нега юзларинг қип-қизил мағиздек

эканлигига энди ақлим етди», — бирдан хавотирланиб, учинчи косани ичмай дастурхонга қўйди. Йўлда кела туриб Қўзибойда қимиз тугаб қолган бўлса-я, деб ўйлагани эсига тушди-да, яна ваҳима босди: «Бу ёғи қандай бўлди?.. Уйга нимани олиб бораман?! Ёки қимизга келганимни секин ўзига шипшитиб қўйсаммикин» — деган хаёлда Қурбон ҳеч кимга сездирмай у ёқ-бу ёққа разм сола бошлади. «Нега?.. Нима учун?.. Хўш?.. Бу Қўзибой тушмагур ўзи қанақа одамикин?.. У фақат йўл-йўлакай устахонага кириб ўтарди, ўшанда учрашишарди, холос. Лекин бу хилда дастурхон устида қимиз-хўрлик ёки чойхўрлик қилиб бафуржа ўтиришган эмас, бу биринчи марта ўтиришлари. Хўш, ановилар буникида нима қилиб юришибди?.. Бир-бири билан иноқ эмиш, тагин ораларидан қил ўтмайдиган иноқ эмиш... Қанақасига ораларидан қил ўтмайдиган иноқ бўлишади? Манови ўтирган меҳмон ким бўлди?..»

Қурбон бу жиддий ва индамас меҳмоннинг тўрдаги ёруғ жойга ўтирмай, нимагадир ён томондаги нимқоронғи жойда ўтирганига фақат энди аҳамият берди. Қанчадан бери ўтирганларига қарамай, меҳмон ҳали чурқ этиб оғиз очгани йўқ, фақат аҳён-аҳёнда дастурхондаги қимиз тўла косани олиб хўплаб қўярди. Қурбоннинг ҳайрати тобора ортаверди. У меҳмоннинг башанг кийинганига қараб баттар ҳайрон қолди. Оёғида хром этик, чалвори — жигар ранг чий духобадан, эгнида устма-уст иккита қавума чопон, устидан яна иккита чакмон кийиб олган. Энг устидаги чакмонидан тортиб белбоғи-ю қимматбаҳо юпқа матодан ўраган салласигача — чалворидан ташқари — ҳаммаси бир хил яшил рангда бўлиб, ним қоронғиликда кумушсимон товланиб турарди.

Қурбон кўпдан бери бунақа башанг кийинган одамни кўрмаган эди. «Ҳозирги замонда, ҳатто Абдулҳай ҳам бунақа кийинолмайди, — хаёлидач ўтказди. — Сариқ Калхат ҳам... Айтмоқчи, ҳозир Низомхон — Сариқ Калхат қаердайки?..»

Меҳмон белини букмай, гавдасини тик тутиб ўтирарди, ҳатто дастурхондан бир нарса олмоқчи бўлса ҳам эгилмай, узун ва бақувват қўлларини чўзарди. Бўйи ҳам жуда новча эди, новчалигини ҳатто, сандиқ устига чиройли қилиб тахлаб йиғилган кўрпалар унинг чорпахил ягрини билан баб-баравар турганидан ҳам билиш мумкин эди. Бу меҳмоннинг қайси томонга қара-

ётганини, Қурбонгами ёки ўз қаншаригами — сира тушуниб бўлмасди, чунки ич-ичига кириб кетган кўзларининг қорачиғи ҳам кўринмасди. Қурбон меҳмоннинг энгаҳи-гача қиртишланган бесўнақай чўзинчоқ юзига, тепага қарата бураб қўйилган шопдай мўйловиغا ва қимирламай, гапирмасдан ўтиришига қараб туриб, бу одам шу ерлик эмас, деган хулосага келди. Ахир одамзоднинг турқига, авзойига қараб шу ерлик ёки келгинди эканлигини аниқлаш мумкин-ку. Айниқса, Қурбон буни яхши биларди, чунки у умр бўйи катта йўл ёқасида яшагани учун минг хил тонфадаги одамлар билан учрашган, ҳатто Тошкентда ҳам бўлган, ўша ерда жанг ҳам қилган-да. Теварак-атрофдаги қишлоқларни-ку беш қўлидек биледи. Учратган ҳар бир одами ўзимизнинг одамми ёки бошқа ердан келганми,— дарҳол айтиб бериши мумкин.

Қурбон нотаниш одамга синчиклаб разм солиб ўтирди. Бу орада Қўзибой бир неча марта дам ташқарига чиқиб, дам ўтовга қайтиб тинчимасди. Қурбоннинг назарида у бир нимадан ташвишланаётгандек кўринди. Бир сафар Қўзибой ўтовдан чиқиб кетганда, Қурбон нотаниш кишидан, кўнглига қаттиқ тегмайдиган қилиб мулойимлик билан: ким бўласиз, қаерликсиз, деб энди сўрамоқчи бўлганда, бирдан ўтов орқасида бўрибосар вовиллаб қолди. Лекин шу заҳоти унинг овози тинди ва чопиб келаётган отларнинг дўпир-дўпири, пишқириши, юганларнинг шарақ-шуруғи, отдан тушаётганларнинг тапир-тупири эшитилди. Қўзибой ўтовга кириб келди-да, кўнгли жойига тушганиданми, ёки хавотирланганиданми:

— Олиб келишди,— деди ҳаяжонланиб.

— Айт, киришсин.

Бу нотаниш одамнинг хириллаган овоз билан айтган биринчи сўзи эди.

Ўтовга кираверишда қўлида хуржун, эгнида чопон, белни қийиқча ва камар билан боғлаган, чап ёнига қилич, ўнг томонига оғир филофли тўппонча таққан киши кўринди.

— Хўш?

Қириб келган одам паришонхотир дастурхонга қаради.

— Қани, кўрсат.

— Бу ерда бўлмайди... Дастурхон... Нон...

— Қани, бўлмаса дастурхонни йиғиштиринглар,— деб буюрди.

Қўзибой ичкарига кириши билан, қимиз солинган каттакон чора, косалар ва нонлар кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди. Қимирламай ўтирган нотаниш одамнинг оёғи тағида, ҳозиргина дастурхон турган жойда отлиқ аскарлар қиличи билан ёғоч ғилофдаги маузер ётарди.

— Хўш?— яна такрорларди у жойидан қимирламай, лоақал бурилиб қарамай.

Келган одам қўлидаги хуржуинини ағдарган эди, намат устига сочи қирилган одам калласи «тўп» этиб тушди. Қалла намат устида бир-икки думалади-да, душмандан жиркангандек, юзи тескари ўгирилиб қолди.

Нотаниш одам ўтирган жойида узун қўлларини узатиб оёғи остидаги қилични ғилофидан суғурди-да, учи билан жонсиз каллани туртиб ўзига қаратди. Қоп-қора ўсиқ соқол-мўйлови, ҳали кўкариб кетмаган лўппи бетлари қонга беланган эди.

— Энди ишондим. Бу, Мардонқул полвон, ўша тухумхўр бўлади,— деди ўтирган нотаниш одам бояги-бояги хириллаган овозда, лекин ғоят мамнунлиги овозидан сезилиб турарди.— У мени, Усмон-дарозни ўзига бўйсундирмоқчи эди,— шундай деб туриб, бирдан Қурбонга мурожаат қилди.— Йўқ, азизим, Мардонқул, чучварани хом санабсан.

Хуржунни олиб кирган ва кўринишидан, лайлакка ўхшаган киши:

— Мардонқул бундан тўрт кун илгари довондан ошиб, Қурамага ўтган. Чотқол тоғларида биздан яширинаман, деб ўйлаган бўлса керак-да,— деди.

— Биз бу ерда пашшамизни қўриб ўтирган эканмизда...— деди Қўзибой.

Қурбон унга жавдираб қаради-да, бирдан ўрнидан қўзғалди.

— Йўл бўлсин?— сўради Қўзибой.

— Мен борай энди...

— Қаёққа?

— Уйга, ўғлим бетоб ётибди.

— Уғлинг қайтиб келдимми?

— Э, йўқ! Ундай эмас... Эсим қурсин, нима деяётганимни ўзим ҳам билмайман... Хотиним билан қизим касал ётибди... Иккови ҳам касал... Уғлим шунчаки

эсимга тушиб, оғзимдан чиқиб кетди. Хўп, мен борай энди...

— Нега келдинг? Бунақа шошилар экансан, шунча олис йўл босиб нимага келдинг? Хўш?

— Қимиз сўраб келувдим... Хотиним билан қизимга...

— Ундай бўлса ўтира тур. Келиш меҳмоннинг, кетиш эса мезбоннинг измида. Ҳеч қаёққа бормайсан. Ҳозир бешбармоқ тайёр бўлади.

## 10 *z*

Башорат умрида биринчи марта томга жой солиб ётди. Вой-бў, бу ерда ётиш жудаям маза экан-ку! Тепангда — турли-туман юлдузлар туркуми билан безанган чароғон осмон, пастда — уй ичида эса, икки киши ухлаб ётибди...

Башорат, тунда осмон бу қадар бепоён, улуғвор ва муҳташам бўлади, деб ҳеч қачон ўйламаганди... Ҳаётда шундай воқеа юз бериши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди... Ака! Сочлари сарғиш, кўзлари кўм-кўк. Йўқ, осмонга ўхшаган кўм-кўк эмас, сал нимрангроқ, лекин барибир кўк-да. У энди уларнинг уйида узоқ вақт яшайди. Ҳали кўп қизиқ-қизиқ воқеаларни сўзлаб беради. Ўша жанг жудаям даҳшатли бўлган экан! Отда қиличбозлик қилиш! Бундан даҳшатлироқ нарса бўлма-са керак. Аттанг, анави яшил юлдузнинг номини билмайди-да. Юлдуз Башоратнинг нақ тепасида унга қараб турибди. Қизнинг исми Башоратлигини у билса керак, албатта. Лекин Башорат унинг номини билмайди. У-чи? Ер юзидаги ҳар бир кишининг ўз юлдузи бўлади, деганди ойиси. Башоратнинг юлдузи қаердайкин? Жуда баландда бўлса керак, шунинг учун ҳам жуда-жуда узоқлардан кичкина кўриниб, милтираб нур сочиб тургандир балки... Эҳтимол, ҳов анови дам ёниб, дам ўчаётган кичкинагина нуқтача унинг юлдузидир. Ана, ёнди... энди ўчди... Ўчиб қолди... Нимагадир, энди ёнмаяпти... Юлдуз ўчса, демак ўша одам ўлади, деб айтганди ойиси. Йўқ, бу менинг юлдузим эмас. Балки... ўша каттакон яшил юлдуз чиндан ҳам меникидир? Жуда яқинда турипти. Агар кўзини қисиб қараса, у жуда пастга тушади... шундоққина боши устига... Мана ҳозир... уни



қўл билан ушлаб олиш мумкин... Фақат эпчиллик билан ушлаб олиш керак... Бўлмаса у яна баландга чиқиб кетади... Эҳ!.. Аттанг!..

— Башорат, нима қиляпсан?! Ким билан гаплашяпсан?

Ойиси пастдан туриб уни секингина чақирдими, ёки назарида унга шундай туюлдимикин?

Башорат тирсагига тираниб ўрнидан турди-да, пастга қаради. Қоронғи дарахтлар тагида турган ойисининг хавотирланиб, бир нима деб шивирлаётгани эшитилди.

— Она қизим, сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса... Ўзим, шунчаки туш кўрибман...

Башорат мийғида кулиб қўйди, лекин нимага кулганини ўзи ҳам билмасди. У ёнбошига ўгирилиб ётди-да, боши ёстиққа тегиши билан ҳозиргина қалбида пайдо бўлган фавқулодда севинч ва ширин хаёллар оғушида ухлаб қолди. Эҳтимол унинг ширин хаёллари сал олдинроқ, уйқуга кетар олдида ёки яшил юлдузни қўли билан ушлаб оламан, деганда пайдо бўлгандир. Энди эса, ҳатто уйқу аралаш ҳам ана шу шодликни, кўнгли безовталанаётганини сезар, кўксига нимадир дук-дук ураётганини аниқ эшитарди... Эҳтимол, бу юракдир... ундан қочиб кетгиси келиб талпинаётгандир... Шунинг учун дук-дук ураётгандир балки?.. Ҳа, юраги дукиллаяпти!..

«Йўқ, қўйвормайман! Барибир қўйвормайман»,— деди Башорат уйқусираб ва қош-қовоқларини маҳкамроқ уйиб олди-да, ойиси кўрпа ўрнига берган эски кўйлакка бурканиб ётди.

Башорат эрталаб ана шу шодлик ва ширин хаёллар оғушида энгил тортиб уйғонди. Болалик чоғида бир кун марҳум отаси Болтабой Тошкентдан унга атаб, ичи қип-қизил кичкинагина калиш олиб келганда ҳам худди шундай суюнган эди. Калишини қўлдан қўймай силаб-силаб, юзларига босганди, кейин эса, кўнгли хотиржам бўлиши учун уни бош томонига қўйиб ётганди. Кечаси билан ўхтин-ўхтин уйғониб калиш жойида турибдимийўқми, дегандек наmatнинг бир чеккасини қайириб қараб-қараб қўйгани эсида. Ушанда эрталаб кўнгли қувониб уйғонганди. Кейинчалик Башорат Қурбон билан Тозагулникида яшай бошлагандан сўнг отаси ҳам, Надежда Сергеевна Малясова ҳам шаҳардан совға-салом олиб, тез-тез келиб туришарди-ю, лекин нимагадир ун-

чалик суюнмасди. Башоратнинг ўзи ҳам нега аввалгидек кўнгли ёришмаётганлигига сира ақли етмасди. Шуниси ҳам борки, бу ҳақда сира ҳам ўйлаган эмас.

Фақат ҳозир уйқу аралаш кўзларини очар-очмас, эслаб, бир зум ўшалар ҳақида ўйлайди-ю, шу заҳотиёқ тушунди: уларни ҳозиргига қиёслаши жуда ҳам кулгли. Хих!.. Еш боланинг калишини-я!..

Тепасида тун бўйи чарақлаб турган осмон тусини ўзгартириб, тонг ёришиши олдидан хиралашди. Фақат шарқ томонда Зухро — Чўлпон юлдузигина ярқ-ярқ этарди. Бу юлдузнинг номини Башорат биларди, шунинг учун ўзича: ҳар кун эрта тонгда қамишлар ортида, ернинг бир чеккасида қизғиш шафақ таратиб турадиган юлдуз шу бўлса керак, деб ўйлади.

Башорат чалқанча ётган жойидан, ҳовлида нима бўляптикин, деб қулоқ солди... Ойиси, эҳтимол, дадасига чой ичириб, Ёркентга — ишига жўнатаётгандир. Бугун дадаси отда жўнайди.

Лекин нега энди улар индамай туришипти?! Нима учун уларнинг овози эшитилмаяпти? Нега?

Башорат бирдан, нимадандир, кўрқиб кетди. Апилтапил ўгирилиб олди-да, иккала тирсагини тўшакка тираб, ҳовлига қарай бошлади. Шунда, бостирма тагидаги отлар йўқлигини кўриб, баттар кўрқиб кетди.

Юраги дукиллаб ура бошлади. Бу нимаси? Ойим қаерга кетдиларийкин?.. Дадам-чи?.. Ҳаммаси қаёққа гоёиб бўлди, а?..

Ҳовли сув қуйгандек жимжит эди.

Башорат чаққонлик билан дарҳол настга тушди-да, ҳовлининг бир бурчагидаги дарахт тагида сигир соғатган ойисини кўргач, кўнгли жойинга тушиб, эркин нафас олди.

Башорат онаси томон югурди.

— Отлар қани, ойижон?

Тозагул кифти оша унга қаради.

— Тавба! Саҳар мардондан нега туриб олдинг?!

— Отлар қани, ойижон?

— Отнинг биттасини даданг миниб қимиз олиб келгани тоққа кетди. Иккинчи отда ҳозиргина... ўғлимизнинг ўртоғи... Йўлдош кетди.

— Йўлдош дейсизми?! У қаёққа кетди, ойижон?

— Тошкентга, бугун эрта билан ўша ерда бўлиши керак экан.

— Акам-чи?.. Уғлингиз... у қани?

— Нега бунча бақирасан, қизим?.. Секинроқ гапир. Бирпас мириқиб ухласин у.

— Ухлаб ётиптими?

— Тавба! Ухламай нима қилсин?! Яқинда касалдан турган, кўпроқ ухлаб дам олиши керак. Ўртоғини кузатиб келди-да, яна ётди.

Башоратнинг кўнгли жойига тушди: ҳамма ёқ тинч-хотиржам... Қандай яхши-а!

Унинг қалби яна қувончга тўлиб-тошган эди. Башорат хурсанд, бирон иш қилгиси келиб, питирлаб турарди.

— Ойижон, келинг, мен соға қолай.

— Кераги йўқ. Ўзим соғиб саранжомлайман. Сен бориб бирпас ухла.

Ухла эмиш! Хурсандлигимдан ўзимни қаерга қўйишимни билмай турибман-ку, ухла дейдилар-а!

— Дадам тоққа нега кетдилар?— яна сўради у.

— Қимиз обкелгани дедим-ку сенга!

— Қимизни нима қиларканлар? Қимга керак экан?

— Намунча эзма бўлмасанг, қизим, бор, бошимни қотирмай бориб ухласанг-чи, ахир!

— Ойижон, дадам жўнаянганларида... Йўлдош ака кетаётганда нега мени уйғотмадингиз?

Чиндан ҳам, нега уйғотишмади?! Ўзи нега бунчалик қаттиқ ухлаб қолдийкин?! Нега ҳеч нимани эшитмади-я? Уйғонганидами, дадаси билан бирга тоққа бориб биргалликда қимиз олиб келишарди.

Башорат бир лаҳза нималарнидир ўйлади, ўзида йўқ даражада хурсанд бўлди. Бирдан пиқ этиб кулди-да, иккала қўли билан оғзини бекитиб олди. Кейин оҳиста, оёқ учида катта-катта қадам ташлаб уй томонга юрди. Очиқ турган эшик олдига борди-да, нимқоронғи уй ичига қаради, миясига келган ғалати фикрни амалга оширишини ҳам, оширмаслигини ҳам билмай, ўйланиб туриб қолди.

Уйнинг ўнг томонидаги бурчакда, меҳмон келганида солинадиган кўрпачада, дадасининг эски чопонига бурганиб олган Федор ухлаб ётарди. Девор ёнида, қўл чўзса етадиган жойда турган курси устига унинг ҳарбийча уст-бошлари ечиб қўйилганди.

Башорат киришга жазм қилди. Оёқ учида оҳиста юриб, курси ёнига борди, бироқ ваҳм аралаш Федорга

тикилганича таққа тўхтади. Назарида, юрагининг гупиллаб уришидан акаси уйғониб кетадигандек туюларди. Лекин у донг қотиб ухлаб ётарди. Устига ёпган чопоннинг бир четидан фақат бурни билан даҳани кўринарди.

Башорат қалтираб-титраб, курси устидаги ҳарбийча мовут қалпоқни, гимнастёрка билан шимни шоша-пиша чамалаб кўрди. Сўнгра қалпоқни бошига қўндириб, гимнастёркага ёпишди. Олдинига шунчаки уни кўксига қўйиб, кифтни кифтларига, енгини қўлига ўлчаб чиқди. Кўзига худди ўзига ўлчаб тикилгандек кўринди. Ёқаси ҳам тўғри келармикин, деб тугмасини ечди-да, қалпоқни ечмасдан бошини суқиб кийиб олди: энди шимга ёпишди.

Юраги гупиллаб ураётгани учун Башорат вақтни ганимат биллиб, шим тўғри келиш-келмаслигини текшириб ўтирмади-да, чаққонлик билан нари-бери шимни ҳам кийди-қўйди. Шундан сўнг шартта бурилиб чопди, лекин эшик олдида бирдан тўхтаб алаң-жалаң қараб қолди: энг кераклигини — қилич билан тўппончани олиш эсидан чиққан эди. Бу қурооллар кунни кеча Федорнинг ёнида эди. Қуроолларни тақиб келишга Варламов нима учун рухсат берганлигини Федор отасига тушунтирган эди. Башорат изига қайтиб, курсининг ён-верини қарай бошлади. Лекин у ерда этикдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Башорат уйнинг ҳамма бурчакларига, Федорга кўз югуртириб чиқди, ниҳоят у ётган ўринга назар ташлади-ю, бирдан кўнгли ёришиб, кўзлари чақнаб кетди. Федорнинг бош томонида мис пойнакли қора чарм ғилофнинг учи ва иккита қандайдир тасма кўринди. Тасманинг биттаси камбар, иккинчиси эса энли ва қалингина эди. Башорат чўнқайиб ўтирди-да, ушлаб кўришга юраги бетламай дам Федорга, дам ғилофга қараб, кўзини узолмади. Шу алфозда маҳлиё бўлиб, талай вақтгача қимирламай ўтирди. Фақат юраги ҳовлиқиб гурсиллаб урар, уни сира тинчитиб-босиб бўлмасди. Башоратни ваҳм босди: юрагим гурсиллаганини эшитиб Федор уйғониб қолса-я, деган хаёлда қўрқиб кетди. Охири юрак ютиб, иккала қўли билан ғилофни ушлаб, секингина тортди. Ғилоф аллақандай бир нарсадан ажралиб ёстиқ тагидан аста сирганиб чиқа бошлади. Башорат қўрқиб кетди, дарҳол қўлини тортиб олди-да, капалаги учиб яна Федорга қаради. Федор қотиб ухлаб ётарди. Нафас оляп-тими-йўқми, дегандай Башорат ҳатто қулоқ солиб ҳам кўрди.

Иўқ, таваққал қилиш ярамайди. Федор ҳар лаҳзада уйғониши ва унинг қилаётган ишини кўриб қолиши мумкин эди.

Башорат ўрнидан турди-да, ҳовлига қараб югурди. Энди у ҳарбийча форма қандай ярашганини кўриши, ўзига мундоқ қараб олиши керак эди. Омадини қарангки, ойниси ҳалиям сигир олдида ўралашиб юрар, ўзича бир нималар деб сигирга гапирарди.

Башорат ўзига разм солиб қаради-да, турган ерида у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди. Шим — худди қоп кийгандай ярашган, почаси ергача тегиб оёқлари кўринмасди. Гарчи гимнастёркани Башорат кўйлаги устидан кийган бўлса ҳамки, икки кифти билан қўлтиқ тағлари азбаройи кенглигидан осилиб тушган эди. Енглари ҳам жуда узун эди, ёқаси ҳам шу қадар кенг эдики, бутунлай тугмаланган бўлса-да, яна Федорнинг бўйи ҳам бемалол сифарди. Башорат бунақа ёқадан ажабланиб ҳатто пиқирлаб кулиб қўйди: демак, Федор кеча дастурхон ёнида ўтирганда кўрганидай жуда ҳам қотма, бўйни ингичка, нимжон эмас экан. Ахир Башорат кеча унга устун панасидан қараб кўрган эди-да. Тўғри, кейинчалик отаси билан унинг ёнида туришга имкон туғилганди-ку, лекин қиз бола бўлгани учун ҳаяжонланиб, тузукроқ қарашга ийманган эди. Лекин қизиқ: агар унинг кийим-бошига қараб фикр юритадиган бўлса, унда Федор баланд бўйли ва келишган йиғит экан, бу эса, нимагадир Башоратни қувонтирарди. Балки, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдир. Нима бўлганда ҳам акаси-ку...

Шу тобда у ўзини катта ойнага солиб кўргиси келарди. «Шундай катта ойналар борки, унда одам ўзини бутун бўй-басти билан тўлиқ кўриши мумкин», деб гапириб берганди Надежда Сергеевна. Лекин Башорат бу гапларни эшитиб, бунақа зеб-зийнат кимлардадир бўлса бордир деб ҳам ҳаваси келган, ҳам унчалик ишонмаганди.

Уйда, дераза тоқчасида бир парча синиқ ойна ётарди, лекин шунинг учун яна хонага киргиси келмади. Тўсатдан бир нарса эсига тушиб, қўрғончадан ярим чақиримча нарида, қамишзор орасидаги кичкина кўл томон югуриб кетди. Кўл сизот сувлардан тўпланган бўлиб, ёз бўйи сарғайиб тураверарди. Лекин суви тиниқ эди, таги саёз бўлгани, пўпанак ва балчиқ босиб кетгани учун сарғайиб кўринарди. Башорат илгарилари ҳам аҳён-аҳ-

ёнда бу ерга келиб ўз аксини сувда томоша қиларди. Қўл айна пайтда эсига тушганига севиниб, чопқиллаганича кетди. Азбаройи ҳовлиқиб чопганидан шимга ўралашиб, йўлда икки марта йиқилаёзди-ю, лекин кулиб қўя қолди ва шимини кўтаринқираб ушлаганича югурди.

Башорат сувда ўз аксини кўриб хурсанд бўлганидан «зой-бў» деб юборди. Узини танигач, сувга энгашди-да, худди бегона бир кимсага тикилгандай, ўз аксига узоқ тикилиб қолди. Назарида, қорачадан келган, чиройли қизил аскар қоп-қора ўйноқи кўзлари билан унга тикилиб олгандек. Эгнидаги кийимлари ҳам бинойиндек ярашган. Ким айтди: кенг, қўпол деб? Бўлмаган гап, аксинча. Шимнинг белини ва почаларини сал қайтариб, гимнастёрканинг егнидаги тугмаларини солувди, худди ўзига тикилгандек лоп-лойиқ бўлди-қолди. Бошидаги қалпоқ эса, қоп-қора қоши билан сўлим юзига янада чирой қўшиб, шундай гўзал бўлиб кетдики, ҳатто ўз кўзларига ўзи ишонмай, шу қадар истараси иссиқлигини илгари билмаганига ҳайрон қолди. Башорат анча вақтгача дам кўлнинг у ёғига, дам бу ёғига ўтиб айланаркан, сувдаги ўз аксидан ўзи завқланарди. Гоҳ сувга энгашиб қарар, гоҳ яна қаддини ростлаб жиддий ва жанговар қиёфага кирарди. Фақат гимнастёрканинг камари етишмасди, холос. Агар қилич билан тўппончани ҳам тақиб олганда борми, жудаям антиқа бўларди-да.

Башорат ана шуларни ўйлаб бўлгач, уйга югурди. Уйнинг муюлишига етганда ойсига рўпара келиб қолмаслик учун тўхтаб, кутиб турди. Онаси ўчоқ бошидаги юмушларга уриниши биланоқ лип этиб уйга кириб олди. Федор ҳамон ўша ёнбошида, юзи Башорат томонга ўгирилган ҳолда ухлаб ётарди. Ана шунисидан бир оз чўчиди Башорат. Лекин нега чўчиди, борди-ю, уйғониб қолганда бир нима дермиди? Шунчаки ҳазиллашиб кийиб кўрди-да.

Башорат унинг бош томонига ўтиб, яна боягидек чўнқайиб ўтирди-да, қилични ўзига томон дадил торта бошлади. Бирдан... нима бўлганини ўзи ҳам пайқамай, кутилмаган тасодифдан бақриб юбораёзди: бўм-бўш ғилофни маҳкам ушлаган ҳолда чалқанча тушиб чўзилиб қолган эди.

Енгинасида ҳиқиллаб кулган товуш эшитилди.

— Қилич жойида қолди-ку, Башорат,— деди Федор кулиб. — Дастасини девор томонга қўйиб қўйгандим.

Шошмай тур. Ҳозир ўзим бошлаб тақиб қўяман... Қани ўгирил-чи...

Федор устига ёпиб ётган чопонни кийиб, унинг олди-га келди-да, қилич билан тўппончани Башоратнинг бели-га боғлай бошлади.

Башорат эса ҳатто унга қарашга ҳам ботинолмай, бошини ҳам қилиб турар, гап қайтармай Федорнинг буй-руқларини итоатгўйлик билан бажарарди. Федор унга қараб: қани, манови қўлингни кўтар, энди бунисини, бо-шингни тўғри тут, деб буйруқ берарди.

— Ана энди кифтларингни тўғрила... Дадилроқ, да-дилроқ. Энгаҳингни юқорироқ кўтар... Қани! Буни қара-я, кўринишинг тайёр жангчи, айнан ўзгинаси! Худо ҳаққи, Башорат, ҳазиллашаётганим йўқ! Жуда ажойиб! Жуда ҳам ажойиб бўлиб кетдинг! Қани энди уй ичида юриб, бир айланиб чиқ-чи. Шагом... Э, шошма, шошма. Бош-қатдан. Қани, этикни ҳам кийиб ол.

— Керакмас,— дея секин эътироз билдирди Башо-рат.— Ҳозир ойим кириб қоладилар.

— Кирсалар кираверсинлар. Нима қилибди? Қанақа азамат жангчилигинини ойим ҳам бир кўриб қўйсинлар!— Федор унинг олдига бир ёқ тиззаси билан чўкка туш-ди-да, этикни рўпара қилиб деди...— Қани, оёғингни бер-чи... Қўнжидан тортиб, оёғингни итар... Елкамдан ушлаб тур... Ана шундай... Энди иккинчисини ҳам кийиб ол. Сар-пойчан кийсанг ҳеч нарса қилмайди... Ахир, сен походга бормайсан-ку, оёқларим қавариб кетади десанг... Қани... Уйнинг ўзида яна бир марта юриб кўр-чи. Қойил! Ҳечқи-си йўқ, уялма. Қилич ерга тегиб туриши керак... Қойил! Агар сочларинг... сочларингдаги шақилдоқларинг бўл-маганда...

— Тавба! Тавба! Бу сенмисан, Башорат?!

Ойиси остонада қўлларини бир-бирига ишқаб ту-рарди.

— Мен бўлсам боятдан бери ичкарига қараб-қараб киришга юрагим бетламай эшик орқасида турибман. Битта-яримта бегона одам келиптими, деб хаёл қилиб-ман... Йўқ, қизим, сен бутунлай эс-ҳушингни еб қўйган-га ўхшайсан.

Федор очиқ кўнгиллик билан онасини юпатиб Башо-ратнинг белидаги қилич билан тўппончани ечиб олди. У бўлса, чурқ этмай устидаги формани бир лаҳзада еч-ди-ю, югурганича уйдан чиқиб кетди.

Уйдагилар Қурбонни келиб қолар деб кунни бўйи кўзларни тўрт бўлиб куттишди.

— Бугун албатта, қайтса керак, ҳар қалай, у ерда ушланиб қолмайди,— дерди Тозагул.

Кун пешиндан оғди, қуёш ҳам уфққа ёнбошлади, қамишлар ҳам катта йўлга соя ташлади, ҳамон Қурбондан дарак бўлмади.

— Қизим, ўша тоққача неча чақирим келаркин?— деб сўради Тозагул.

— Қайси тоққа, ойижон?

— Ҳалиги... ҳув ана... шу ердан ҳам кўришиб турибди-ку... Кўкка туташиб кетган...

— Дадам Чотқолгача қирқ чақирим келади, дердилар. Қурамагача эса ундан ҳам кўпроқ.

— Ундай бўлса, аллақачон қайтиб қолишлари керак эди,— Тозагул бир оз ўйланиб ўзича шундай хулосага келди-ю, яна сўради:— У қаерда, қайси тоғда туради?

— Ким?

— Ким бўларди? Ўша киши-да... даданг қидириб кетган киши.

Башорат кулиб юборди.

— Дадамлар кимникига кетганларини мен қаёқдан билай, ойижон.

— Биласан, қизим, биласан.

— Билмайман, ойижон.

— У кишининг исми Қўзибой. Даданг у кишининг отини тақалаб берганлар... Улоқда чопадиган отини... Улоқда омади келиб соврин олган... Ўша Қўзибой-да... Худди домлаларга ўхшаб, дадангнинг олдига духоба чопон кийиб келганди...

— Духоба чопон кийиб келган бўлса бордир... Мен у кишини танитайман, ойижон.

Башорат унинг саволларига пинагини бузмай бепарволик билан жавоб бергани учун Тозагул бир оз хотиржам бўлиб, кўнгли тинчланди. Бирон нарса тўғрисида ўйлаб, ташвиш қилиш Башоратнинг хаёлига ҳозир сира келмасди.

«Ҳовлида худди капалакдек учиб юради-я,— деб ўйлади Тозагул.— Нимасини айтасиз... Уйда шундай хурсандчилик бўлса... Агар хаёлим бир жойда бўлганда-ку, мен ҳам елиб-югурардим-а... Айтгандай, ёшим ҳам ўтиб



қолди. Юракда куч-ғайрат кўпу, лекин, ҳар қалай, одам андиша қиларкан. Ҳатто дадасининг олдида ҳам одам уялади. Ахир, нима деб ўйлашлари мумкин?.. Лекин баъзи пайтларда, худди қизимга ўхшаб шўхлик қилгим... ҳаққалак отиб ҳовлини гир айланиб чиққим келади... Ёшлик пайтларни эсладинг дегунча ғам-ташвишлар унутилиб, юрак чигили ёзилади... Умр ҳам ўтиб кетди... Бутун севинч-қувонч фақат ёшликда... Анавиларга қараб туриб... ҳавасинг келади... қандай навқирон ёшлар-а... ҳусн-жамолларини айтмайсизми...»

— Башорат, сўхтаси чиқиб кетган ўчоқ билан тандирни нимага унга кўрсатярсан, қизим?— Тозагул қизининг нақадар эркинлик ва хурсандлик билан Федорга ҳовлидаги нарсаларни: ҳали унисини, ҳали бунисини кўрсатиб юрганидан дам хижолат чекар, дам суюнар эди.— Нима, умрида кўрмаган дейсанми, қизим?

— Ҳа, ойижон, унга ҳамма нарса қизиқ кўринади,— деди Башорат. Чунки Федор учун бу нарсаларнинг ҳаммаси чиндан ҳам қизиқ туюлишини у биларди. Башорат Федорга, Рустам туғилганда дадаси ўтқазган тут билан оқ ўрикни ҳамда ўчоқ ва тандирни кўрсатиш билан бирга, ўчоққа қумғонни қўйиб қандай чой қайнатишни-ю, кунжут ёғида бугдой палов, мошхўрда, атала пиширишни, тандирда нон қандай ёпилишини — ҳаммасини тушунтирди. Ундан сўнг кувини кўрсатиб, бунда сариёғ олинишини, ўғирда эса шоли туйилишини айтиб берди, чунки ойиси ширгуруч қилмоқчи бўлиб уринаётган эдида: Башорат ҳатто уйнинг эшиги орқасидаги деворга осилган бир боғлам гаримдори билан исириқни ҳам кўрсатди.— Исириқ,— деди Башорат,— уйга фалокат кирмаслиги учун баъзи-баъзида тутатиб турилади.— Кейин у Федорни етаклаб дадасининг устахонасига, сўнгра эрталаб ўзи борган кўлга олиб борди. Иккови кўл бўйида бирпас ўтиришди. Шунда Башорат томда ётиш қандай мазалигини эслаб, уни ҳам Федорга гапириб берди.

Кечга яқин иккови қўрғон тепасига чиқишди-да, қизариб уфққа ботаётган қуёшни томоша қилишди.

— Кичкиналик пайтимда, ҳув анови қуёш ботаётган жой менга ернинг охирига ўхшаб кўринарди,— деди Башорат ҳаяжонланиб.— Мен ўзимча агар ўша жойга борилса... ҳов ўша чизикқача... анови... осмон билан ер туташган жой бор-ку... ўшатгача бориб, у ёғига яна бир қадам қўйилса— «гуп» этиб... асфаласофилинга кетилса

керак, деб ўйлардим. Бир марта ўша томонга боргим келиб... аллақандай чанг босган йўлдан юрганман. Юравердим, юравердим, сира ўша чизикқа етолмадим. Олдин қандай бўлса, худди ўша жойда қимирламай турипти... Бир қарасанг, яқинга ўхшаб кўринади, бир қарасанг — узоқда... Уйга қоронғи тушганда қайтиб келсам бўладими?.. Келдиму таппа ташлаб, ухлаб қолдим. Ўша кунги саёҳатим натижасиз тугаган бўлса-да, эрталаб уйғонгач, ҳаммасини бир бошдан эслаб, куним бекор ўтмагани учун қайтага хурсанд бўлдим. Ўша кунни озмунча нарса кўрмадимми! Кўрган нарсаларимни оймларга айтиб берган эдим, нуқул қарс уриб, ёқаларини ушлаганча, «Тавба» — дедилар. Мен илонларнинг уришганини кўрганман. Бир кун сизга гапириб бераман.

— Илонлар уришганини?

— Ҳа. Жуда қизик, лекин қараб туриб қўрқиб кетдим. Мен илонлар уришаётган ердан ўн қадамча нарида турдим, лекин шундай бўлса ҳам жуда қўрқдим. Азбаройи қўрққанимдан эгим жимирлаб, ҳамма ёғим гўдда-гўдда бўлиб кетди. Ҳатто қўлларим юзларимгача. Агар сочларимни иккита қилиб ўриб, кумуш тангалар осмаганимда борми, тепа сочим типпатик бўлиб кетарди. Олдиниға ўқ овозини эшитдим. Ҳа-ҳа, ростакамиға ўқ овози. Шунақанги кескин қарсилладики... Бб-аах! Чўчиб, қўрқиб кетдим, кейин эса битта-яримта шу атрофда ер ҳайдаётган бўлса ҳўкизини қамчи билан ураётгандир, деб ўйладим. Ҳўкизнинг устига қамчи қарсиллаб тушганида шунга ўхшаш овоз чиқади. Лекин далада на одам-зод, на ҳўкиз кўринмасди. Шунда яна бирдан «Бб-аах!..» деган овоз келди. Бундай қарасам, шундоққина ёнимда... Нақ йўлнинг ўртасидаги қизиган тупроқда иккита илон олишяпти. Қўрқиб кетганимдан орқамга қарамай шата-лоқ отиб қочдим. Нарироққа бориб, томоша қила бошладим. Уларга қараш ҳам даҳшатли, ҳам жирканчли бўлсаям барибир қарадим. Улар думларини гажак қилиб тепага кўтариб шунақанги зарб билан бир-бирларига ташланардиларки, худди ўқ отилгандек бўларди. Қараган сарим ваҳима босиб кўзларимни юмиб олдим. Иккови бир-бирини тушириб бўлгач, бир зумда думларини яна гажак қилишиб, тикка кўтаришди-да, бир-бирига ўралашиб қолиб, иккиси икки томонга қараб роса тортқилашди. Агар мардикор келиб, кетмони билан чопиб ташламаганда, билмадим, уларнинг аҳволи нима кечарди.

У мени уйгача олиб келиб қўйди. Лекин мен барибир ундан орқароқда қолиб капалакларни қувиб юрдим. Кейин чумолиларнинг қандай ишлашаётганини кузатдим. Ундан кейин қизил мия илдизини қидира бошладим, чунки у қорин очганда эрмак бўлади-да. Анови ёққа қаранг-а,— деди бирдан Башорат қувониб.— Қош қорайиб қолибди-ку, энди кетсак ҳам бўларкан.

— Яна бирпас ўтирайлик, батамом қоронғилик тушсин,— деди Федор.— У ёқ-бу ёқдан тагин гапириб бер.

— Бўлди, бошқа ҳеч нарса билмайман. Яхшиси, энди сиз гапириб беринг,— деди Башорат секин. Башорат ердан бир тутам ўт юлиб олди-да, ўйлай бошлади.— Яхшиси энди қайтайлик,— деди у қатъий қилиб ва қўлидаги майсани бир чеккага улоқтирди-да, ўрнидан турди.— Дадамлар шу пайгача қайтганлари йўқ, ойим хавотир оляптилар.

Башорат шундай дейишга деди-ю, лекин кўнгли тўқ эди. Бугун ҳеч қандай бахтсизлик бўлмаслигига нима учундир ишонарди. Эҳтимол, қалбида хафагарчиликка ўрин йўқлигининг боиси ҳам шундан бўлса керак. У ҳали бу ҳақда Федорга айтганича йўқ, лекин бугунги кун чиндан ҳам қувончли ўтди. Бунақанги ажойиб кун ҳали унинг ҳаётида ҳеч бўлмаганди. Эрта тонгдан то кечгача фақат шодликка тўлиқ эди. Қайси юмушга тутинмасин, қўлини нимага урмасин— ҳамма нарса кўзига ажойиб кўринарди: Федор билан ойисининг гаплари қулоғига мойдек ёқар, осмон ҳам, пахса деворли уй билан ҳовли ҳам, ҳатто ойиси парча-пурча лахтак, ун, шоли, қурт ва жўхори талқон солиб қўйилган дадасининг сандиқчаси-ю деворга осиб қўйилган тешик элагу исириқ ҳам, Номсиз қўрғон ҳамда ботаётган қуёш— ҳамма-ҳаммаси худди бошқача бўлиб қолгандек туюларди. Лекин бунақанги ҳис-ҳаяжон нимадан эканлигини Башорат ўзи ҳам билмас, зеро, бу ҳақда ўйлашга вақти ҳам йўқ эди. Балки ҳали томга чиқиб ётганида юлдузлар тўла осмонга боқиб, шу тўғрида ўйлаб кўрар ёки ўйлаган нарсаларини ойиси билан Федордан нималигини сўрар? Нега шундай бўларкин-а?.. Федор билан қўрғондан пастга тушиб келаётганларида унинг хаёлига ялт этиб ана шу фикр келди ва бу сирли ҳиссиёт унинг қалбини яна чулғаб олди. Башорат ҳозирча фақат бир нарсани биларди, холос: уйда янги одамнинг пайдо бўлгани яхши бўлди, чунки у билан дардлашиш,

унинг гапларини эшитиш ва бирга у ёқ-бу ёққа бориш мумкин эди.

Улар ҳовлига кирганда дадаси ҳам ҳозиргина келиб, ҳали отдан тушмаган эди. Ойиси эса от ёнида узангини ушлаб турар ва шодиёна овоз ила унга бир нималарни гапириб бераётганди.

— Мен сизга нима дегандим, ойижон?!— Башорат бидирлаб кетди.— Хўш? Қимизингиз қани, дадажон? Олиб келдингизми ё йўқми?— деб сўради у отасидан ва хуржунни титкилаб, нимагадир яна қайтиб келган калиш-маҳсини кўриб, кейин бирдан севинганидан қийқириб от атрофида ўйинга туша кетди:— Бор экан! Дадам қимиз обкелибдилар, мана яшасин! Бир меш-а. Буни қаранг, акажон.

Бирпасдан сўнг кечки овқатга ўтиришди. Қурбон пиёлага қимиз қўйди-да, Федорга узатди.

— Қани, мазасини тотиб кўр, нималигини айт-чи...

— Раҳмат, отажон. Ўзингиз ичинг,— деди Федор ийманиб.

— Мен ҳам ичаман. Қани биринчиси сендан бўлсин.

— Қуллуқ, отажон, ўзингиз ичинг.

— Нега ундай қиляпсан, ўғлим?

Федор ундан баттар ийманди, лекин пиёлани олмади.

— Бу нималигини биласанми? Қимиз деган нарса шу бўлади, биянинг сути. Буни ичсанг, кучга кириб соғлом бўлиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасан. Қани, ол

— Раҳмат.

— Ҳеч ичганмисан?

— Сира ичган эмасман.

Башорат дадасининг қўлидаги пиёлани олди-да, кафтига қўйиб Федорга узатар экан:

— Ичинг, акажон. Бу жуда яхши нарса. Дадамлар атайлаб сизга олиб келдилар,— деди.

Федор индамай унга қараб, нозик кафтидан пиёлани олди-да, бир кўтаришда бўшатди.

— Ҳа-я,— деди чиройи очилиб.— Жуда мазали-ку. Худди квасга ўхшаш нордон экан.

— Ана шунақа... Ма, ичавер,— деди Қурбон мамнун бўлиб.— Мешдагини ичиб бўлсанг, яна олиб келаман.

Қурбон овқат пайтида ҳам кейин чой ичишганда ҳам — бутун оқшом кам гапириб, хомуш бўлиб ўтирди. Ўқтин-ўқтин қош-қовоғлари чимирилиб, чеҳраси тобора

маъюслашганини Федор ҳам, Тозагул ҳам сезди. Фақат Башоратнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ эди. Шунинг учун у кўп ўтмай томга ухлагани чиқиб кетди.

## 12

Шавқ-завқ тўла ажойиб дақиқалар кундан-кунга давом этаверди. Қизиғи шундаки, Башорат бунинг қадрига етмас, уни тўхтатиб қолишга уринмасди ҳам. Хаёлида шу қувончли дамлар узлуксиз давом этаверади-гандек туюлди. Лекин шунга қарамай кунлар, худди Номсиз қўрғон устидан учиб ўтган қушлар сингари жуда тез ўтар, гўё турналар галасидек, уфқ ортига ўтиб туман ичида ғойиб бўларди. Лекин Башорат шунда ҳам ўз хатосини тушуниб, эс-ҳушини йиғиб олмади. Унга қолса, кун бўйи Федор билан бирга бўлиб гаплашиб ўтирса... Ҳозир Федор Рустамнинг уст-бошини кийиб юрарди. Бошида дўппи, белида белбоғ, иссиқ тупроқда ҳам, муздай ерда ҳам бемалол оёқ яланг юраверарди. Лекин Башорат ўрнидан туриши билан унинг формасини кийиб оларди-да, ҳовлида ҳам қудуқ ёнига борса ҳам ечмасди. Қудуқдан сув олиб келгани кўпинча иккови бирга боришарди. Башорат қумғонни, Федор эса челақни кўтариб оларди. Ҳатто кечки пайт қуёшнинг ботишини томоша қилгани қўрғон тепасига чиқишганда ҳам, шу кийимда борарди. Ҳар қандай мўъжиза одамни бир ҳафтадан ортиқ ҳайратга сололмайди, деб жуда тўғри айтган шарқликлар. Аммо Башоратнинг бу хилда телбатескари қилиғи — эркакча кийим кийинши, тагин ҳарбий кийимда юриши — одамлар тушунган маънодаги мўъжиза бўлмаса ҳам, лекин бу мутлақо ақл бовар қилмайдиган, одамни ҳар қандай мўъжизадан кўра кўпроқ ҳайратга соладиган ҳодиса эди. Лекин бунга Тозагул ҳам тезда кўникиб, энди илгаригидай ғазаб билан эмас, балки қизиқиб жилмайиб қарайдиган бўлиб қолди: Башорат эса, онасининг жилмайганини ҳам сезмасди, ҳатто бу формани дастлаб кийганда қанчалик ўнғайсизланганини ҳам унутганди. Кўп ўтмай бунга ҳамма кўникиб қолди. Энди ҳеч ким: на ўзи, на Федор бу гимнастёрка билан шим унга жуда катталигини сезмас эди, қадди-қомати келишган буғдой ранг юзли Башорат бу кийимда худди кўпни кўрган жангчидек олифталик билан савлат тўкиб юрарди.

Одатда иккови эрталабданоқ аввал онасининг ўй юмушларига қарашишарди. Кейин дадасининг устахонасига бориб кўрага ўт ёқишарди. Федор анча куч-қувватга киргач, болғани ва темирчилик асбобларини қўлига олди-да, битта мола билан занглаб ётган иккита сўқани тузатди. Ҳар куни кечки пайт иккиси қўрғон тепасига чиқиб, шарқ томондан босиб келаётган қоронғилик қўйнига ботаётган қуёшни томоша қилишарди.

— Ановини қаранг, қуёш ҳар доим, худди биз билан абадий хайрлашаётгандек хомуш ботади. Лекин биз биламиз: барибир эрта билан у оламни нурафшон айлаб, яна чиқади,— деди Башорт тиззасини қучоқлаб, узоқ-узоқларга ўйчан тикиларкан.

— Мен эса,— деди Федор,— отпускам тугаётганини ўйлаяпман, ўз қисмимга қайтиб боргач, сен билан бирга қўрғон тепасида қуёшнинг ботишини томоша қилганларимизни эслаб юраман.

— Мени эслайсизми?— сўради Башорат хушчақчақ овозда.

— Бўлмаса-чи... Албатта сени эслайман.

— Мен ҳам... Шу ерга ёлғиз ўзим келаману... худди ана шундай ўтириб сизни эслайман... Отпускангиз тугашига қанча қолди?

— Етти кун...

— Вой, қандай яхши-я! Ҳали анча бор экан.

— Қаёқда! Бир ҳафта кўз очиб юмгунча ўтиб кетади.

Федорнинг хаёли паришон, хомуш, Башорат бўлса бояги-боягидек парвойи фалак эди.

Федорнинг кетишига тўрт кун қолганда Қурбон қаёқдандир бир эчки топиб келди.

— Бунн тўйга атаб олиб келдим. Эл-юртни чақириб, ўғлимизни яхшилаб кузатамиз,— деди у.

Башорат ўйлиниб қолди, чиндан ҳам, ҳаш-паш дегунча етти кундан уни кетиб, тўрт кун қолипти-я! Бор-йўғи тўрт кун. Бу ёғи ҳам физиллаб ўтади-кетади.

Шундан кейин Башорат безовталана бошлади. Қандайдир бир нарсани энди тушунгандек бўлди. Федор кетса, ҳувиллаган қамишзорларда ёлғиз қолишини ўйлаб юраги увушади.

Кечаси Башорат туш кўрди. Туши аниқ-тиниқ эсида. У ҳатто ўз овозини, юрагининг гупиллаб уришини ҳам эшитди-ю, лекин Федорни кўрмади:

— Мен ҳеч нарсага тушунмаган эканман. Менга бу давру даврон сира тугамайдиганга ўхшаб кўринган эди. Мен бўлсам энди сиз доим, бутун умр бизлар билан бирга бўласиз, деб ўйлагандим... сизни ҳадемай кетишингиз тўғрисидаги гап... битта-яримтанинг уйдирмаси бўлса керак деб юрибман. Йўқ, кетмайсиз, бу бўлмаган гап. Ҳеч қаёққа кетмайсиз. Яхшиси шукн, сиз ҳозир шу ердасиз, бундан кейин ҳам шу ерда қоласиз... Ҳатто сиз ўшанда, кетишимга етти кун қолди, деганингизда ҳам... мен ўшанда ҳам нима гаплигини ўйламабман, ҳеч ба-лога ақлим етмабди... Қанчалик тентакман-а! Қандай тентакман-а! Нега индамайсиз?— Федорнинг индамай ўтирганига бир оз ҳайрон бўлди. Кейин гўё Федор ёни-да пайдо бўлиб қоладигандек, бошини дам ўнг томон-га, дам чап тэмочга ўгирди. Башорат ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа қаради-да: у ахир йўқ-ку, аллақачон кетган-ку, деб ўйлади... Назарида юраги бирдан алангаланиб отилиб чиққандек, гўё каттакон юлдуздек ярқираб уч-ди-ю, кўксида қайноқ из қолдириб, аллақаёқларга ду-малаб кетгандек бўлди...

Башорат кўзини очиб, энди ўнгида у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради-да, ўрнини пайпаслаб кўрди. Кейин секин туриб овоз чиқармай, худди соядек пастга тушди.

— Қаёққа кетяпсан, қизим? Нима бўлди сенга?— қоронғилик орасидан онасининг овози эшитилди.

— Чанқаб қолибман, ойижон, сув ичман,— деди Башорат.

Сўнгра ҳовлининг ўртасига борди, юраги гупиллаб урганини сезиб-сезмай, теварак-атрофга қулоқ солиб турди. Шу тобда уйга кириш— ўтакетган тентаклик бўлади... Иккала от шу ердами-йўқми, қараб қўя қол-са бўлади-ку! Тўриқ йўрға ҳам ҳозир уйда... Бундан бир ҳафта бурун дадаси миниб келган-да:

— Сенинг саманинг дамни олатурсин,— деганди Федорга.

Башорат шипиллаганча бостирма томон юрди.

— Башорат, нега энди у ёқдан-бу ёққа танда қўйиб қолдинг? Тобинг қочдимми?— сўраб қолди дадаси.

Иккала от ҳам жойида турганини ва курсиллатиб беда чайнаётганини кўриб, кўнгли жойига тушди.

— Назаримда отлар ечилиб кетганга ўхшади,— де-ди Башорат.

— Ҳеч нарса ечилиб кетгани йўқ. Бор, ўрнингга ёт.

Лекин қалби севинчга тўлган эди. Башорат бамисоли қалдирғочдек учиб томга чиқди.

Энди у бир қарорга келди. Лекин юраги яна ҳаприқа бошлади: Федор нима деркин? Ахир, бу ақл бовар қилмайдиган иш-ку. Бунақа таваккал ишга у рози бўлармикин? Гап фақат таваккал қилишдами?

Башорат кунни аранг кеч қилиб, иккови яна қўрғон тепасига чиққунига қадар юраги сиқилиб кетди.

— Мен сиз билан бирга кетаман. Йигитларга ўхшаб кийиниб оламан-да, кетавераман,— деди у қатъий.

Федор уни ҳазиллашяпти деб ўйлаб кулди-да:

— Ҳазиллашяпсанми? Шу топда кўнглимга ҳазил сиғадими?— деди.

— Худо ҳаққи, Муҳаммад пайғамбар ҳаққи, агар ҳазил қилаётган бўлсам, ота-онамнинг арвоҳи урсин... агар ишонмасангиз... икковимиз яхши кўрган ана шу қуёш ҳаққи...

Федор ҳанг-манг бўлиб Башоратга қараб қолди. Ҳа, бу қиз ўз гапининг устидан чиқишига ақли етди.

— Қойилман сенга,— деди ва шу лаҳзада уни ўпиб олгиси келди.— Қойилман, эшитяпсанми?— такрорлади Фёдор.

— Нима бўпти? Эркакча кўйлак-шим кийиб оламан. Чопоннинг устидан белимни боғлайман... Ким мени таниб ўтирипти...

— Сочинг-чи? Сочингни, мана бу кумуш тангаларингни нима қиласан?

Башорат лабини тишлаб, ўйлаб қолди.

— Эртага жума, Еркентда бозор бўлади. Бозорга бораман-да, туркманча телпак оламан. Сочимни телпак тагига бостириб олсам, ҳеч ким кўрмайди. Кумуш тангалар масаласи осон. Ахир, уни қирқиб ташлаш мумкин-ку. — У бир силкинган эди, сочидаги тангалар жаранглаб кетди. Кейин у жозибали чарос кўзларини қисди-да, тикилиб унга сирли боқди:— Биласизми... Сочимни ҳам қирқиб ташлашим мумкин.

— Нима деяпсан? Ахир бу нарса сизларда шармандалик саналади-ку?

— Саналса саналаверсин! Қирқиб ташлаганимни ким билиб ўтирипти? Аёллигимни ким биларди дейсиз? Сочимни кесиб туркманча қора телпак кийиб олганимдан кейин, йигитнинг ўзи бўламан қўяман, сиз билан ёнма-ён туриб жанг қилавераман. Кейин эса... кейинча-



лик, менга ҳам ҳарбий кийим-бош беришади. Сенга шунанга кийим ярашаркан, деб ўзингиз айтдингиз-ку. Хўш? Нега индамайсиз?

Федор қизнинг кумуш танга тақилган сочларини кафтига олиб хаёлга чўмганча силар, бироқ чурқ этмасди.

— Нега индамайсиз?— сўради Башорат яна ташвишланиб.— Хўш? Гапимни эшитяпсизми?

— Биласанми мен нимани ўйлаяпман?— деди ниҳоят Федор бошини ердан кўтармай.

— Нимани?— У сергакланиб, қошларини чимирди.

— Ота-онамиз нима дейишади? Нима, биз энди уларни алдашимиз керакми? Уларга билдирмай албатта қочишимиз шартми?

— Албатта-да,— деди Башорат ўйлаб-нетмай.— Бўлмаса, нима қиламиз?

— Улар менинг ҳақимда нима деб ўйлашлари мумкин? Улар мени ўз ўғилларидек кўришса-ю, мен уларнинг кўзига чўп солиб, алдайми... бу ҳам етмагандек, сени ҳам олиб кетайми?!

— Энди нима қиламиз — сўради Башорат.

Федор яна ўйланиб турди-турди-да.

— Мен ўзим ёлғиз кетаман,— деди қатъий равишда ва кўм-кўк кўзлари ила қизга ғамгин тикилиб қолди.

— Мен-чи?— сўради Башорат нафаси ичига тушиб.— Мен бу ерда қололмайман. Сиз билан кетаман. Улар қолса қолаверсин, мен кетаман!

— Йўқ, Башорат, йўқ. Бундай қилиш мумкин эмас.

# Т У Р Т И Н Ч И Қ И С М

## ОППОҚ ТУНЛАР

### 1

Надежда Сергеевнанинг бутун фикри-зикри шимолда, Петроградда эди.

У ерда, Гордиенконинг оиласида қандайдир воқеа рўй берганди. Надежда Сергеевна эри Варламов билан Фаргонадан Тошкентга келгач, Кузьма Захарович ёзган хатдан Петрограддаги болалари қаровсиз қолганини билди. Бунн Кузьма Захарович қаердан эшитдикин, деб Надежда Сергеевна бош қотириб ўтирмади, чунки Кузьма Захарович ишончли одам, унга ишониш керак.

Сўнгги йилларда Кузьма Захарович революцион воқеалар марказига айланган Тошкентда яшарди. 1917 йил сентябрида Александровск боғида ўтказилган умумшаҳар йиғилишида у Туркистон революцион комитетига аъзо бўлиб сайланди; Октябрь қуролли қўзғолони арафасида ишчи ва солдатлар билан биргаликда большевикларнинг ревком штаби жойлашган Бош темир йўл мастерскойи ҳовлисига 9-нчи Туркистон мотир батариясининг тўпларини ўрнатди; ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фахл қатнашди, биринчи қизил гвардиячилар отрядини тузди; Осипов қўзғолнини бостиришда бевосита иштирок қилди. 1919 йил 19 январь кечаси хоин Осипов томонидан ўлдирилган ун тўрт Тошкент комиссарларини дафн этишда иштирок этди. Ҳозир Турк Чекада хизмат қилар, шошилинич иш билан Тошкентдан жўнаб кетганди.

Надежда Сергеевна Кузьма Захаровични йиғирма йилдан бери билар ва уни отасидек кўрарди.

«Азизим Надежда Сергеевна, деб ёзганди Кузьма

Захарович ўша хатида.— Тезлик билан Питерга жўнашингиз керак. У ерда Наташа билан Святослав ёлғиз қолишди. Андрей Гордиенко 1919 йил кузида Петроградга иккинчи марта ҳужум бошлаган Юденич қўшинларини тор-мор қилган жанг вақтида ҳалок бўлди. Хотини Ольга Васильевна эса шу йил кўкламда тепкили терламадан вафот этди».

Надежда Сергеевна ўша кунёқ Петроградга жўнади. Хайрият поездга улгурди.

Варламов у билан хайрлашиб вагондан тушиши биланоқ, поезд жўнади. Аллақандай йўловчилар қўлларидаги бесўнақай саватлари ва қоп-хуржунлари билан итаришиб уни бир бурчакка суриб ташлашди. Надежда Сергеевна қанчалик эътироз билдирмасин, улар худди гаранга ўхшаб қулоқ солишмасди.

Сават билан қоплардан майиз, туршак, олмақоқи ва тут майизларининг хушбўй ҳиди келарди. Шунда Надежда Сергеевна болаларига на бир қадоқ майиз, на туршак ва на мева олмаганлиги эсига тушди.

— Вой худойим-э! Мен қанақа одамман-а? Нега эсимдан чиқди?— пичирлади оҳиста, бармоқлари билан чаккаларини босаркан, пушаймон бўлиб. Чаккаси худди игна санчгандек лўқилларди.

Йўқ, бунақа бепарволикни кечириш мумкин эмас. Мутлақо мумкин эмас. Тўғри, жўнар олдида ҳаяжонлангани, шошилгани рост... Лекин, юртда очарчилик. У ёқда эса бундан ҳам бешбаттар. Тағин болаларини боққани кетяпти-я. Уларни олиб қайтмоқчи.

— Эҳ, кечириб бўлмайдиган бепарволик қилдим. Оналар учун асло ярашмайдиган эътиборсизлик... Бемехрлик...— у ҳамон икки чаккасини бармоқлари билан сиқиб, бошини чайқар эди.— Менга қаранглар,— дея мурожаат қилди у чой ичгани ўтирган қўшниларига.— Манови саватларингиздаги нима?.. Майиз, туршакми?..

Улар беш киши эди. Ҳаммалари ҳушёр тортиб, бир-бирларига қараб олишди. Деярли мўйсафид бўлиб қолган учта каттароғи кўзларини ерга тикишди, қолган иккити ёшроғи, биттаси ўттиз ёшлар чамасидаги йигит, иккинчиси эса ўн беш ёшлардаги ўспирин эди.— Надежда Сергеевнага, унинг бошидаги қизил дуррачага қарашди-да, индамай тескари қараб олишди. Ўша пайтларда кўпчилик аёллар сингари у ҳам шляпа ўрнига

дуррача ўраб юрарди. Бешовлари ҳам каттакон саватни ўртага қўйиб, устига белбоғ ёзишди-да, унинг атрофида қопларига ўрнашиб ўтириб олишди. Белбоғ устида тартибсиз ҳолда қора нон, қотган буғдой нон, бир-икки ҳовуч сап-сариқ Каттақўрғон майизи сочилиб ётарди; челақдай келадиган, банди ўрнига каноп боғланган қопқоқсиз мис човғум, ёғочдан ясалган най, тамаки солинган қизил халтача, оқ сурпдан қавима қилиб тикилган татарча дўппи, хуллас, ҳаммаси ёнларида эди.

Надежда Сергеевна қоп ва саватлар оша бешаласига разм солди. Улар юкларини устма-уст қалаштириб ташлашгандики, Надежда Сергеевна на ёта олар, на оёғини чўза оларди. Ўрнидан туриб тамбурга чиқишга ҳам имконият йўқ эди. Фақат бир бурчакка тикилганча уларнинг уст-бошларига, бошларидаги оқ сурп дўппиларига қараб улардан ҳамон жавоб кутиб ўтирарди. «Дўппилари қизиқ экан. Бу ердаги бизнинг одамлар бунақа дўппи киймайди»,— деб ўйларди ўзича.

— Менга қаранглар, нима олиб кетяпсизлар ўзи? Майизми, туршакми?— яна сўради у.

— Ҳа, майиз, туршак,— деди бирдан ёшроғи тилёгламалик ва ширинсўзлик билан чайналиб, муғамбирлик билан Надежда Сергеевнага ер тагидан тикилиб.— Нима, сенга керакмиди?

— Менга эмас, болаларимга бир оз олсам дегандим.

— Ҳозир кимни кўрсанг болаларимга дейди-я! Қани ўша болаларингиз?— Сочини устарада олдириганидан шалпонқулоқ бўлиб қолган ўспирин бола суҳбатга аралашди.— Пулга сотмаймиз, фақат буюмга алиштирамиз.

Учала мўйсафид йигитчага ўқрайиб, ўз тилларида жаҳл билан бир нима дейишди.

— Йўқ, ойим пошша, айирбош ҳам қилмаймиз, пулга ҳам сотмаймиз. Умуман бизда ҳеч нарса йўқ,— деди қип-қизил мағиздек, оппоқ соқол-мўйлови тикандек ўсиб кетган лўппи юзли чол.

— Ёлғон гапиряпсизлар, ёлғон!— деди Надежда Сергеевна, қони қайнаб.— Ахир кўриб турибман-ку, озроқ сота қолсаларинг нима қилади?.. Менга икки қадоқча керак, холос: бир қадоқ майиздан, бир қадоқ туршакдан, ё бўлмаса анжир қоқидан сотсаларинг ҳам майли. Ёки манови...— қулоғининг учини ушлаб кўрсатди:— Манови зирагимни ола қолинглар.

— Ярим қадоқ берамиз, майлими?— деди яна бояги ёшроғи.

— Нима? Ярим қадоқ? Шу зиракка-я? Ҳазиллаш-япсизми? Ахир бу тоза тилла-ку!

— Менга ҳеч қанақа зирак-пирак керакмас. Хоҳласанг шу, ярим қадоқ бераман.

— Гапингизга тушунмадим.

— Нимасини тушунмайсан? Ширали майиз, тушундингми? Қоп-қора, худди ақиқдек, сенинг кўзларингдек.

Йигит кулиб юборди.

Надежда Сергеевна унинг кулишига, бошидаги телпагига қараб туриб, бирдан сумкаси эсига тушди: пушти ранг бухори шойидан, устига анор гули солиниб тикилган сумкачаси тиззасида эди. Ҳамон индамай ўша йигитга тешиб юборгандек тикилиб, бармоқлари билан сумкачасини пайпасларкан, ўйланиб қолди, очсаммикин ё очмасаммикин?

— Бу ердан дарҳол саватларингни олинглар. Дарҳол олинглар!— деди тўсатдан Надежда Сергеевна, лекин бешови барабар унинг буйруғини бажаришга киришишганини кўриб, ўзи ҳайрон қолди.

Нима қилиб қўйди-а?..

У тиззасидаги сумкачасига қаради. Наҳотки газаби қайнаб уни очган бўлса?! Ахир, шу йил баҳорда Қорасувда бир марта шунақа ҳодиса юз берганди-ку... Карвонсаройда сумкачасидан тўппонча олиб, ғаллани вақтида жўнатмай ўзбошимчалиқ қилгани учун Роҳатни отиб ташлашига оз қолганди-ку...

Худога шукур, сабр-тоқати бор экан ҳали. Лекин ўша онда юзи шу қадар қатъий тус олгандики, олдинга улар қўрқиб кетишди, кейин эса тўсатдан муомалаларни ўзгартириб, уни ҳурмат қила бошладилар.

Улар бир ҳафтагача Надежда Сергеевна билан гаплашишга ҳам чўчишди. Фақат қариялар бир неча марта ундан, йигитчани кечиргайлар, деб илтимос қилдилар, лекин Надежда Сергеевна индамаганидан кейин, улар ҳам жимиб қолишди. Кейин улар то Самарага етгунларича ундан хафа бўлмасликни, «худонинг бу тентак бандасини» кечирини ва майиздан олишини илтимос қилавериш жонга тегишди. Надежда Сергеевна уларнинг гапларидан безор бўлиб, ҳатто икки марта бошқа вагондан жой топмоқчи бўлиб урниб ҳам кўрди. Лекин ҳар сафар, тагин ссиқ ўрнидан ажраб қолмайин, деб бу фикрдан қайтди.

Йўқса ўз вагонини ҳам тополмай қолиши мумкин эди, чунки ҳамма йўллар ва тамбурлар то зиналаргача одам билан юкларга тиқилиб кетганди. Бир неча бор у: сумкачадан браунингни олсаму бу чайқовчиларни ҳайдаб биронта станцияда комендатурага ёки Чекага топширсамкин, деган хаёлга ҳам борди.

Лекин улар билан сургашиб юргиси келмади. Бунинг устига, станцияда улар билан овора бўлгунча, поезд жўнаб қолиши мумкин эди. Чунки поезд ҳеч қандай графиксиз ва жадвалсиз кетаётганди. Надежда Сергеевнинг бутун фикри-зикри эса,— мумкин қадар тезроқ, ҳеч қарерда тўхтамай тезроқ етиб олишда эди. Шунинг учун ҳам қўл силтаб, менга нима, дегандек қўшниларига эътибор бермай қўйди. Лекин бундан кейин кечирим сўрашни бас қилиш ва майиз ҳақида ортиқча гап очмасликларини огоҳлантириб қўйди. Шундан сўнг улар ҳам хотиржам бўлишди. Энди улар фақатгина: ўзимиз ҳам, юкимиз ҳам Самарагача эсон-омон етиб олсак бўлгани, деб ташвишланишарди, холос.

Бутун йўл бўйи Надежда Сергеевни ҳам, уларни ҳам ташвиш ва хавотир тарк этмади.

1919 йилнинг кузидан бери Тошкентдан Москвага борадиган темир йўл очиқ эди. Лекин, уч марта атаман Дутов Оренбургни олиб, уч марта Совет Туркистонини Россиядан ажратиб қўйган бўлса-да, Қизил Армия уч марта тўсиқни ёриб ўтиб, бу шаҳарни озод қилди ва Осиега йўл очди. Хунук миш-миш гаплар ҳали ҳам қора булутдек Орёл ва Оренбург атрофидаги даштларда кезиб юрарди. Вагондаги одамларнинг гапларига қараганда, Колчакнинг Жанубий Армияси билан Дутов армиясидан ажралиб қолган газандалар тўдаси шу атрофдаги даштларда ҳануз изғиб юрганмиш. Шундай воқеалар ҳам бўлганки,— деб гапиришарди йўловчилар,— бирон разъездга ёки кичкина ярим станцияларга улар тўсатдан бостириб кириб стрелкачини ўлдиришган ва семафорнинг қизил чироғини ёқиб қўйишган. Поезд тўхташи билан қопқоронги даштни ўқ товушлари, аёллар дод-фарёдлари босиб кетган...

Надежда Сергеевна тушган поезд Орол денгизидан ўтиб, Бер-Чугур станциясига яқинлашганда бирдан йўловчилар вагон деразаларига, тамбур ва эшикларга ёпирилиб қолишди. Лекин нега бундай қилишганини ҳеч ким билмасди. Ниҳоят, бунинг сабаби маълум бўл-

ди: 1919 йил 13 сентябрда худди шу ерда Туркистон фронтининг авангард қисмлари Актюбинск фронтининг қўшинлари билан бирлашган ва Совет Туркистонини қуршаб олган ҳалқа шу ерда узил-кесил парчалаб ташланган. Поездаги йўловчилар орасида ўша воқеани билган ва шоҳиди бўлган одамлар ҳам бор эди.

Йўловчилар қалбида куннинг иссиғидан ҳам, ғам-ташвиш, очлик, тижилинч, сўкинишлардан ҳам йўл азобига ва бу тарихий воқеага қизиқиш ҳисси, шу ерларда жанг қилган азаматларга нисбатан илиқ муҳаббат туйғуси голиб чиқди.

Надежда Сергеевна ҳам деразадан қарамоқчи бўлди-ю, лекин ўтирган еридаги деразанинг орқа томонига тахта қоқилгани учун ҳеч нарса кўролмади. Бошқа дераза ёки эшик олдига боришни хаёлига ҳам келтириб бўлмасди.

Маълум бўлишича, фақатгина Бер-Чугургина эмас, балки Чалкар, Эмба, Актюбинск, Оренбург станцияларида ҳам қизил аскарларимиз атаман Дутов билан Колчак армиясига қарши қизгин жанглар олиб бориб, қаҳрамонлиги ва жасорати билан шуҳрат қозонган эканлар. Шунинг учун ҳам йўловчилар вагон деразаси билан эшикларга ёпирилишган эди. Дастлаб улар поезддан қолиб кетишдан қўрқиб, пастга тушмадилар, кейин бир йўловчи сакраб тушгач, бошқалар ҳам, гўё бир нимадан қуруқ қоладигандек бир-бирини итаришиб, тўп-тўп бўлиб туша бошладилар.

Ниҳоят, Оренбург ҳам ортда қолди.

Самарага етишдан анча бурун Надежда Сергеевнанинг ҳамроҳлари ҳовлиқиб, юкларини йиғиштира бошлашди. Лекин қоп ва саватларини эшикка яқинроқ олиб бориш учун қанчалик уринишмасин, ён-веридагилар билан қанчалик жанжаллашишмасин, эвини қилишолмади. Уларнинг касрига вагонда шунақа тўполон, шовқин-сурон кўтарилдики, ҳатто Надежда Сергеевна қулоқларини маҳкам бекитиб олди, «Ўйлаб-ўйлаб бешовининг топган йўлини қаранг-а»,— деб кулиб қўйди Надежда Сергеевна. Улар ҳеч кимга парво қилмай, олдин битта қопни, кейин иккинчи ва учинчисини, ундан сўнг саватларини тепага кўтаришди-да, йўлакда турган йўловчиларнинг бошига қўйишди. Йўловчилар эса, сурбетлардан тезроқ қутулиш учун сўкина-сўкина, уларнинг юкларини бошларидан қўлма-қўл ошириб юборишди, ўзлари эса

йўловчиларни туртиб-итариб эшик олдига ўтиб олишди. Чайқовчилар моллари билан Самарада қўлга тушишдан қўрқиб, берироқдаги бежавотир жойда — кичкина станцияда тушиб қолишди.

Поезд Самарада тўрт кун туриб қолди. Бешинчи кун эса, бу поезд ярадорларни олиб кетиш учун санитар поезди бўлади, шунинг учун дарҳол бўшатилсин, деган буйруқ эълон қилинди. Буни қарангки, Надежда Сергеевна шу поезд учун жуда зарур одам экан.

— Мана кўрдингизми, тагин биз худо йўқ деймиз, бор экан-ку,— деди санитар поездининг бошлиғи Надежда Сергеевнанинг хужжатини кўздан кечириб.— Сизни менга худонинг ўзи етказди. Врачлигингиз жудаям яхши бўлди-да.

— Мен — дипломсиз врачман,— дея унинг гапини тўгрилади Надежда Сергеевна.

— Дипломингиз борми-йўқми, ишқилиб, врачсиз. Сиз мушкулимни осон қилдингиз. Агар сиз бўлмаганингизда, бутун поезд бир ўзимга қоларди.

Надежда Сергеевна то Самарага етиб келгунча ўтган уч ҳафталик йўл давомида бекорчиликдан, ўй-хаёллардан, тикилинчдан ниҳоят чарчаганди. Мана энди у поезд бошлиғидан ҳам хурсандроқ эди: чунки яна одамларга хизмат қилади, ярадорларга совуқ сувдек зарур.

Ана шу соатдан эътиборан чақиримлар ҳам, кунлар ҳам гириллаб ўта бошлади.

## 2

Надежда Сергеевна июль ойининг бошларида зўрбазўр Петроградга етиб олди. Вагондан тушиб тошплита ётқизилган перронга қадам қўйди-ю тўхтади, ўзинча секингина пичирлади:

— Ишонмайман... Наҳотки Петроградда турган бўлсам?.. Наҳотки етиб келган бўлсам? Эй, худойим-е!..

Теварак-атрофида одамлар говур-ғувур қилишар, бақириб-чақирившар, бир-бирлари билан ўпишар, ҳаммаси севиниб қасққадир шошилишарди. У эса турган ерида кўеларини қисиб, ҳовлиқиб кетаётган одамлар бошидан оша, қадимдан таниш ғира-шира қоронғиликка тикилар, гўё бегона вокзалга келиб қолгандек индамай қараб турарди.

— Етиб келдим!— деди у овозини чиқариб гўё ўзига



Ўзи гапиргандек кулиб, атрофга қараб қўйди. Енида ҳеч ким йўқ эди. У яна бирпас тўхтаб турди.

Ортада қолиб кетган поёнсиз масофа, рельсларнинг тарақа-туруғи, шамолнинг увиллаши, станцияларда очлангоч одамларнинг навбат кутиб туриши хаёлидан кетмай ҳамон уни чўчитарди, вокзал орқасида чалинаётган духовой оркестрнинг садоси ҳамда ўша ёқда шодиёна қийқираётган оломоннинг овози қулогига чалинарди.

«Нима қилиб турибман? Ахир мени ҳеч ким кутиб олмайди-ку».

Перронда одамлар сийраклашиб қолди. Надежда Сергеевна, ҳаммол кўрнармикин, деб атрофга олазрак бўлиб қаради, бироқ тополмади.

Бир чеккадаги симёгоч тагида учта ўспирин индамай унга қараб турарди.

Каттароғини — ориқ ва новча ўспиринни у қўли билан имлаб чақирди-да:

— Укажон, ана шуни извошгача олиб боришга ёрдамлашиб юборсанг,— деди мулойимлик билан.

Лекин учови барабар Надежда Сергеевнанинг бежирим чарм чамадонига ва қўғадан тўқилган саватчасига ёпишди. Саватчани Казалинск яқинидаги аллақайси станцияда сотиб олганди, чамадонда эса кийим-кечак бор эди.

— Йўқ, йўқ! — дарҳол уларни тўхтатди.— Сизларни мен яхши биламан, жудаям эпчилсиз. Фақат биттангиз кўтарасиз. Мана бунисини. Ўзи ҳам унчалик огир эмас.

— Биз сизни Питерда биринчи марта кўриб турибмиз. Қаердан биласиз бизни? — деди қовоғини солиб уларнинг каттароғи.

Надежда Сергеевна унинг жингалак сочларини эркалаб силади-да, қувноқлик билан:

— Мен сизларни Самарада кўрганман. Москвада ҳам, Сизранда ҳам кўрганман,— деди.

Шундай деди-ю, икковини тонг қолдириб, чамадонни кўтариб олган ҳалиги новча ўспириннинг кетидан югурди.

Майдонга етгач, у сумкачасини очиб пул олмоқчи бўлди, бироқ йигитча қовоғини солганича ерга қараб деди:

— Пул керак эмас. Бизга бирон егулик...

— Егулик? — Надежда Сергеевна йигитчага жуда ҳам ачинди, бир лаҳза нима қилишини билмай қараб қолди.

Кейин саватга энгашиб, бир нима қидира бошлади.— Уҳ, ўзим шошиб турганимда... ҳа, майли,— деди қаддини ростлаб.

Ингитча индамай, эс-ҳуши оғиб олдин саватчага, кейин унинг қўлига қаради.

— Ма, бу учовларингга... нон... Манави ёғни ҳам ол... — Надежда Сергеевна унга қизил аскарлар нонидан каттагина бир бўлак суви қочган нонни ва гурурт қутичасидек қилиб кесилган уч япроқ сур мойни берди.— Лекин гап бундай... Менга извош чақириб бер, фақат тезроқ, худо ҳаққи, тезроқ топиб кел.

Лекин у қулоқ солмай кўз очиб юмгунча ғойиб бўлди.

Извош йўқ. Борадиган жойи эса анча олис: Нарва дарвозасидан нарида — Озерная кўчасида эди. Орлов зотли кўк човқар аргумоқ қўшилган, чарм соябони қайириб қўйилган фойтунда мовут қалпоқ ва қора чакмон кийган пахмоқ соқолли извошчи пайдо бўлгунча Надежда Сергеевна роса ҳолдан тойди. Извошчи шунчалик кўп сўрадики, Надежда Сергеевна, ёнимдаги пулим стадими-йўқми, деган хаёлда иккиланиб шошиб қолди.

— Қани, ўтира қолинг, хоним. Жудаям пишиқ бўлмаг. Кўринишингиздан олижаноб аёлга ўхшайсиз, йўқса бу арзимаган пулга обориб бўпман. Ҳозирги пуллар пулми?..

— Йўқ, йўқ... маъзур тутасиз... Мен учун жуда қимматлик қилади,— деди қатъий равишда Надежда Сергеевна.

Кейин бошқа биттаси келиб қолди. Бироқ унинг аравасида на ўтирадиган, на ушлайдиган жойи бор эди. Фақат ўқлари устига учта тахта ташлаб қўйилганди, холос.

— Обориб қўяйми?— сўради у.

— Ҳа, ҳа,— деди Надежда Сергеевна.— Лекин бу аравагиз қанақа ўзи? Катафальк<sup>1</sup> бўлиб, катафальк эмас, арава бўлиб, арава эмас. Худди ўлик ташийдиган аравага ўхшайди-я.

— Пулемет тачанкаси бу,— деб кулиб қўйди аравакаш.— Тўрт гилдираги бор, қушдан ҳам учқур.

Надежда Сергеевнанинг гапи тўғри чиқди. Аравакаш

---

<sup>1</sup> Дафн маросимида ичига тобут қўйиб, қабристонга бориш учун шийпончага ўхшатиб ясатилган махсус арава.

чиндан ҳам қабристонга ўлик ташир экан. Тобутни яна шу энсиз тахта устига жойлаштириб, арқон билан маҳкам боғлаб қўяркан. Ҳозир ҳам ана шу арқон кейинги гилдирак ёнидаги тахтага ўраб қўйилган эди. Араваканининг ўзи ҳам белига арқон боғлаб олганди. Чол йўл-йўлакай бу ҳақда оғзини тўлдириб Надежда Сергеевнага ҳикоя қиларкан, унинг кўнгли алланечук бўлиб, эти жимирлашарди. Жирканганини бир амаллаб босишга ҳаракат қилар, лекин чолнинг гаплари қулоғида жаранглар эди. («Начора, нима бўлса бўлди, энди аравадан тушиб кетиш мумкин эмас»). Ниҳоят ўзига таниш кўчаларни, қизил байроқларни, революцион қўшиқлар айтиб, шахдам қадам ташлаб бораётган одамларни кўриши билан кўнгли ёришиб кетди.

Чол Николай вокзалдан Лиговская кўчасига бурилмоқчи бўлган эди, Надежда Сергеевна тўғри Невский хиббонидан юраверинг, деди.

— Аничкин кўприги бутунми? — сўради Надежда Сергеевна.

Чол унинг саволини тушунмади:

— Қанақасига? Нега бутун бўларкин?

— Йўқми? Нима, кўприк йўқми? — қўрқиб кетди у.

— Йўқ, деганингиз нимаси? Қаёққа кетарди? Жойида турипти.

— Мен уни портлаб кетган, деб эшитгандим.

— Бўлмаган гап. Портлагани йўқ.

У энгил тортиб хўрсинди.

— Ундай бўлса, Аничкин кўпригидан ўтгач, Садовая кўчасига бурилиб, кейин Никольск черкови орқали яна Фонтанкадан, Айланма каналдан ўтамиз-да, тўппатўғри Нарва дарвозасидаги Галаба арки ёнидан чиқамиз. Дарьса бузилмагани ишқилиб, бутунми? — яна хавотирланиб сўради у.

— Бутунликка бутун-а, — деди чол. — Фақат Лиговка кўчасидан юрсак яқинроқ бўларди.

— Йўқ, йўқ, — гарчи ичида унинг таклифига рози бўлса-да, шоша-пиша эътироз билдирди. — Садовая орқали анча яқин. Садоваядан ҳайдайверинг.

Надежда Сергеевнанинг бундай дейишга сабаб бор эди: ҳозир Невский бўйлаб бир оз юргиси ва айниқса Аничкин кўпригини кўргиси келганидан шу топда кўнглида пайде бўлган пинҳоний истак, — ҳаттоки Тошкентдан чиққанидан бери ҳозир ниҳоятда шошилиб, ҳовлиқиб

турганига қарамай,— қайси йўл узоқ, қайсиниси яқин деган мулоҳазалардан кўра кучлироқ эди. Бошқа кўчани танламай, шу кўчани ихтиёр қилишидан мақсади: «Большевиклар Петербургдаги кўп черковларни, Аничкин кўпригини портлатиб юборишганмиш, Мис чавандоз ҳайкалини жойидан ағдариб, майда-майда қилиб ташлашганмиш», деб йўлда эшитган миш-мишларнинг ҳақиқатан ҳам ёлғонлигига, ёвузлик ниятида тўқилган бўҳтонлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Кўприкнинг тўрт чеккасидаги ҳайкалларни — ажойиб бронза отларни ва уларни жиловлаб турган ва унга ёшлигидан таниш бўлмиш бронзадан ясалган йигитчаларни кўриб қалби қувончга тўлди, лекин кўкси билан кўприк панжарасига суяниб турган кишига эътибор бермади. Агар аравакаш гап қотмаганда Надежда Сергеевна уни мутлақо пайқамасди.

— Ана шу одамни бир неча кундан бери шу ерда кўраман.

— Қайси одамни?— деб сўради у беихтиёр.

— Ановини... ҳар хил расмлар сотади. Афтидан ўзи чизиб, ўзи сотса керак. Бироқ ҳеч ким олмайди. Ҳозир кимга ҳам расм керак, дейсиз.

Надежда Сергеевна фақат олисдан рассомга қараб қўйди, лекин шу заҳотиёқ уни унутди, чунки арава кўприкдан ўтиб кетган эди. Шу пайт Малясова чап томондаги ям-яшил дарахтзор орқасидаги Екатерина Иккинчининг ҳайкалини кўриб қолди. Шунда Петроград большевиклари тўғрисида йўлда кимдандир эшитган ёмон гап эсига тушиб: «Ҳа, албатта... Ҳаммаси ёлғон, турган-битгани бўҳтон экан»,— деб мамнуният билан ўйлаб қўйди.

Нарва заставасидан ўтгач, гиштин иморатлар ҳам тугаб, тахта деворлар ҳамда олди кўм-кўк боғчали уйлар кўрина бошлади. Надежда Сергеевна суюнишини ҳам, безовталанишини ҳам билмасди. Ҳаяжон ичида юраги ҳовлиқарди нуқул. Болаларини эсон-омон кўриш насиб бўлармикин ё йўқ? Улар соғ-саломатмикин? Қаердайкин ҳозир? Ана шунга ўхшаган таҳликали фикрлар миясида гужғон ўйнарди. Улар онаизори келаётганини сезишганмикин?! Ҳа... жуда яқин қолди. Муюлишдан ўтиши билан газли фонарь симёғочи кўриниши керак. Кечаси бу фонарь ёнган пайтда қаттиқ вишиллаб турарди. Еруғини айтмайсизми... Еруғи ҳам жуда ғала-

ти эди... Тўқ зангори... Ҳатто сал-пал кўкишроқ бўлиб ёнарди. Еошқа кўчалардаги фонарга сира ўхшамасди. Тошкентдаги Жуковский ва Қўйлиқ кўчалари туташган жойида ҳам шунақа газли фонарь бор, лекин унинг ёруғи нима учундир сарғишроқ... Худди лампа мой солинганга ўхшаб сарғишроқ шуъла сочиб турарди... Йўқ, улар ҳеч нимани сезишгани ҳам, билишгани ҳам йўқ... Агар билишганда дарҳол олдига югуриб чиқишарди...

— Мана ўша айтган фонарим!— деди бирдан Надежда Сергеевна овозини чиқариб.

Чол ё тушунмади, ёки эшитмади:

— Нима?

— Йўқ, ўзим, шунчаки.. Ҳеч нима. Анави фонарни... танидим...

— Қани?.. Ҳеч қанақанги фонарь йўқ, аллақачон синдиришган. Фақат симёғочи қолган, холос.

У фонарни бутунлай унутди, юраги ҳаяжон билан севинчдан ҳаприқиб, атрофи очиқ боғчадаги кекса арчага кўзи тушди. Бир пайтлар бу боғчанинг атрофи панжара билан ўралган эди, арча тагида болалар ўйнашарди. Энди эса панжара олиб ташланган, негадир болалар кўринмасди. Арча эса ҳамон турибди: шохлаб кетган, бўйи баланд, кўриниши хомуш. Ана, учта қарағай ниҳоли. Уч йил ичида сираям ўсмабди-я! Ёки ўсганмикин-а?..

— Ана шу қарағайлардан ўтгач, бешинчи уй, — деди у. — Ўша ерда тўхтайсиз.

Надежда Сергеевна аравадан тушиб, сумкачасини очди-да, гул олди.

Аравакашга кира ҳақини тўлагач, у билан хайрлашишни ҳам унутиб, жимжит ва бўм-бўш ҳовлига кирди. Ҳовлининг дарвозаси ҳам, девори ҳам йўқлигини пайқамади. Бундан уч йил аввал жўнаб кетганда дарвоза ҳам, тахта девор ҳам бор эди. Ҳовлида уйни қандай айланиб ўтиб даҳлизга бориб қолганини ҳам сезмади. Фақат эшикдаги иккита ҳалқада қулф йўқлигини кўриб, ««Эшик қулфланмаган, демак, уйда битта-яримта бўлса керак»,— деб ўйлади. Қўлидаги чамадон билан саватчани ерга қўйиб, қулоқ солди. Кейин эшикни секин тақиллата бошлади. Бирпас кутиб тургач, қаттиқроқ тақиллатиб, балки чақириш керамикан, ёки эшикни очиб кираверсаммикан, деб ўйлади.

— Наташа! Светик!

У ҳатто ўз овозини ҳам эшитмасди, чунки лаблари билан билинар-билимас шивирларди, холос.

— Светик! Наташа!

Кейин деразадан қарамоқчи бўлиб, даҳлизни айланиб ўтди-да, югуриб дераза ёнига борди, тузукроқ кўриш учун қўлини соябон қилиб ичкарига мўралади.

— Вой, худойим-е! Светик!

Бирдан ўзини орқага ташлади-да, яна деразага ёпишди.

— Светик!— бақириб юборди азбаройи суюниб кетганидан.— Светик! Светик!

Бироқ Светик эшитмади. У аллақандай бола билан курашмоқда, полда чирпирак бўлиб думаламоқда эди.

Надежда Сергеевна деразадан нари кетолмай, анчагача, балки ярим минутча қараб турди-да, шодлигидан эсанкираб иккала қўли билан деразани муштлай бошлади.

— Светик!

Лекин у ўйинга берилиб кетгандан бу гал ҳам эшитмай, курашни давом эттираверди.

Надежда Сергеевна югургилаб яна даҳлизга қайтди-да, эшикни шартта очиб юборди. Ичкари ўтиб, иккинчи эшикни ҳам очиб, уйга кирди.

Болалар унга сира эътибор беришмасди. Улар ҳатто уни ё кўрдилар, ё йўқ. Нафаслари тиқилиб ҳарсиллашиб ерда юмалашарди, холос. Биттаси эса хўрлиги келганиданми ёки бирор ери оғриганиданми — ҳиқиллаб йиғлай бошлади. Надежда Сергеевна шунча тикилса-да, ўғлини таниёлмади. Шумикин Светик? Янглишмадимикан?..

— Ҳой, болалар? Светик! Нима қиялпсизлар асти?! Бас қиялнинглар! Светик, мен келдим, мен! Ахир ойингман!

Надежда Сергеевна болаларни ажратмоқчи бўлиб яқинроқ борди-ю, ҳайрон қолди ва бирдан тушунди: улар мутлақо ўйнашаётган эмас, аксинча, уришаётган эди. Болалар ниманидир таллашиб, бир-бирининг қўлидан юлиб олмоқчи бўлишарди. Охири Святослав шеригига ён бериб, чирмашиб олган панжаларини ёзиб юборди. Надежда Сергеевна болалар нимани талашаётганини кўриб қўрқиб кетди. Талашаётган нарсаларни эса: зигирча гўштини қолдирмай оқ ем қилиб сўриб ташланган қоқ балиқнинг думи эди.

— Светик! Святослав! Мени танимаяпсанми? Бу мен... ойингман...

Она бу қадар даҳшатли манзарадан жон-пони чиқиб, ўз кўзларига ишонмай турган ерида серрайиб қолди. Аввалига худди яшин ургандек, кейин эса оғир туш кўраётгандек туюлди унга.

Олти яшар ўғли аянчли аҳволда, полга тўшалган адёлнинг бир чеккасида чалқанча тушиб йиғлаб ётарди. Светик йиғи аралаш, остонада турган онасига эмас, балки балиқ думини худди конфет шимаётгандек маза қилиб сўраётган шеригига тикиларди.

Надежда Сергеевна шу дақиқани то оламдан кўз юмгунча бир умр эсидан чиқара олмайдиган бўлди. У йиғлаётган болага тикилиб тураркан, гоҳ таниб, гоҳ таниёлмасди. Бундан уч йил муқаддам юзлари лўппи, сочлари жингалак боланинг шу даражада озиб-тўзиб, қоқсуяк бўлиб қолганига асло ишонгиси келмасди. Шу аҳволда тагин, чиллакдай бўлиб қолган нимжон қўлоёқларини қимирлатарди. Бесўнақай катта бошини ва қилтириқ бўйинини кўриб, одамнинг юраги эзилиб кетарди. Бола йиғларди-ю, лекин азбаройи тинка-мадори қуриганидан овози ҳам, кўзидан ёш ҳам чиқмасди. У фақат афтини бужмайтириб, мушук боласига ўхшаб ингилларди, холос.

— Светик! Ойижонинг келди, Светик,— деди ҳадиксираган овоз билан Надежда Сергеевна, сўнг ўглининг ёнига келиб чўкка тушди-да, уни кўтариб олди, шу онда қизини кўриб қолди.

— Наташенька! Қизгинам! Шу ердამисан! Мен келдим! Дийдор кўришадиган кун ҳам бор экап-ку!.. Энди биргамиз... Биргамиз... Ишқилиб омонмисизлар... А?..

Онанизор қувонганидан гангиб, нима қилаётганлигини ҳам, нима деяётганлигини ҳам билмасди. Қўлида ўғли билан бирга чўкка тушганича, ўрнидан кўзгалмай, қизига ташлади ўзини. Лекин қизи ўзини ғалати тутарди. У ёстиқсиз қизил адёлга бошини буркаб полда ётарди, шунинг учун ҳам Надежда Сергеевна уйга кирганда уни кўрмаганди. Наташа адёлни устидан олиб ташлади, қўлларини полга тираб аста ўрнидан турди-да, чурқ этмай, қовоғини солиб, анча вақтгача ҳадиксираб, онасига қараб қолди.

— Наташенька... Нима қилди? Нима бўлди сенга? Нима, танимаяпсанми мени?... Қорнинг очми?... Тобнинг

йўқми?.. — уни қўрқитиб юбормаслик учун йиғисини аранг босиб секингина деди Надежда Сергеевна.

Қизи ҳамон қовоғини солиб, нурсиз кўзларини она-сига тикиб тураверди. Болаларининг омон-эсонлигини кўриб севинганидан, юрагидаги аччиқ алам бир оз йўқолгандек бўлди.

Надежда Сергеевна йиглаб юборди. Ҳўнграб юборсам, уларни чўчитиб юбораман, деган хаёлда, пастки лабини маҳкам тишлади. У, ўғлини кўтариб, чўкка тушиб ўтираркан, икки бетидан дув-дув ёш оқиб, ҳамон нигоҳини қизининг ўқрайган катта-катта кўзларидан узолмасди. Лекин ич-ичига ботиб кетган бу кўзларда нимадир йилт этиб, нимадир чарақлагандек бўлди.

— Ойижон... — деди қиз. Шунда қизнинг кўзлари сўниб, ингичка қўллари аста шалпайиб, қизил адёлга чалқанча йиқилиб тушди.

Надежда Сергеевна бақирисини ҳам ё битта-яримтани ёрдамга чақиришини ҳам билмай шошиб қолди.

### 3

Аmmo ҳозир саросимага тушишнинг вақти эмаслигини она тушунарди. Ҳар бир дақиқа ганимат: бир зумда фарзандларидан ажраб қолиши ҳам, уларни асраб қолиши ҳам мумкин эди.

Нима қилса экан-а? Нима? Қорнини тўйғазсамикан?.. Албатта, қорнини тўйғазиб керак. Уларни дарҳол овқатлантириш зарур.

— Ҳозир... Ҳозир қоринларингизни тўйғазаман! — деди у овозини чиқариб.

У ўғлини адёлга ўтқазиб, саватчани тита бошлади.

Йўқ. Ахир, очликдан силласи қуриган болаларга дуч келган нарсани беравериш мумкин эмас. Саватчада суви қочган солдат нони, тузланган чўчқа мойи, қанд... Қанд! Қанд! Ҳа, дарҳол қайнаган сувга қанд солиб бериш керак. Эки чой билан бўлса, яна яхши. Агар чойга ярим қошиқча вино қўшиб берилса, ундан ҳам яхши!

— Хаҳ, ундай қилиш бўлмайди. Ундай эмас, — деди у овозини чиқариб. — Бемаъни гап қилияман-а. Эй, худойим-е!.. Светик, сувларинг қаерда? Қайнаган сувларинг борми?..

Бола индамас, унинг гапларини эшитмасди. Унинг бутун диққат-эътибори онасининг саватчани титкилаб қозғоларни шитирлатаётган қўлларида эди. Надежда



Сергеевна унинг кўзлари киприк қоқмай бир нуқтага тикилиб қолганини, болаларга хос бўлмаган аллақандай суқтойлик билан, очлик алаmidан чақнай бошлаганини кўриб, ваҳимага тушди. Дарҳол бу тугунчаларни йиғиштириб, боланинг кўзидан нари қилиш керак эди. Лекин бунга вақт қайда дейсиз.

У шоша-пиша ўғли ёнига борди ва саватчадан олган ҳамма майда-чуйдаларни ўз гавдаси билан беихтиёр тўсиб қўйди. Яхшики қўлида фақат сариёр ўралган қогоз қолганди. Надежда Сергеевна ўйлаб-нетмай сариёрдан зигирдай олиб, худди зағчага егизгандек ўглининг оғзига солди. Ўғли уни қандай ютиб юборганини она сезмади ҳам. У яна бир чимдим олиб шакарга булади-да:

— Светик, бирпас оғзингда турсин, дарров ютиб юборма,— деди.

Онаси гапани тугатмасданоқ, Светик бунга ҳам ютиб юборди. Энди унинг кўзлари бир оз равшан тортиб ёшланди. Бола мўлтираган кўзлари ила ялиниб илтижо қилиб, онасига шу қадар тикилиб олдики, она бардош беролмай яна бир неча бор унга кафтида шакар егизди. Лекин қанча егизмасин, барибир унинг кўзи тўймас, ҳамон талаб этарди. Ниҳоят тили қимирлади:

— Яна!

Лекин боланинг оғзи қуруқшаб кетганди.

— Сенга энди чой бериш керак, чой, Светик, шундайми?..

Иложи йўқ нарсани гапирётганини ўзи ҳам биларди. Шу топда унга қаердан чой топиб бера оларди?.. Лоақал қайнаган сув бўлганда ҳам майлийди. Лекин сув қидиришдан олдин Наташага қараш зарур.

— Светик, сен энди ётгин. Ойингнинг гапига кириб, бирпас ёта тур. Агар гапимга кирсанг, тўйгунингча овқат егизаман,— деди Надежда Сергеевна.

Бола онанинг гапига кўнди-да, ундан кўзини узмай тикилиб ётди.

Надежда Сергеевна энди қизи ёнига югурди. Наташанинг кўксига қулоғини қўйиб, юрак уришини эшитмоқчи бўлди. Лекин на нафас олиши эшитиларди, на юрак уриши. Ҳеч нарса...

— Наташа! Наташенька! ♪

Наташа худди мурдадек қимирламай ётарди. Юпқа ва сўлгин, қуруқшаган, қонсиз лаблари салгина очилиб, садафдек тишларига ёпишиб қолганди. Ич-ичига ботиб

кетган кўзлари эса, кўкимтир жонсиз қовоқлари остида чирт юмуқ эди.

— Терлама касалига йўлиққан бўлсанг-а, қизим? Вой худойим-е, менга нима бўлди ўзи? Сендан нега сўраяпман-а?..

— Йўқ, терлама эмас. У оч қолган,— деган кимнинг-дир дўриллаган овози эшитилди эшик томондан.

Надежда Сергеевна ўгирилиб қаради-ю остонанинг нарёғида турган аёлни кўриб суюниб кетди.

— Барака топкур, уйингизда доғ сув топилмайди-ми?— деди Надежда Сергеевна.— Худо хайрингизни берсин, қайноқ сув топиб беринг. Бир иложини қилинг, айланай...

Надежда Сергеевна остонада турган аёл ким, ёшми ёки кексами — билолмади. Фақат остонада турган аёлнинг қиёфаси ғира-шира кўзига чалинди ва яна яллиниб-ёлворди:

— Азизим, барака топинг, озроқ доғ сув келтириб беринг.

— Сиз Малясова эмасмисиз? Надежда Сергеевна-мисиз?

— Ҳа, ҳа, Малясоваман. Фақат тезроқ обкелинг... ўтинаман, илдамроқ. Ахир унинг жонини узилай деяпти...

— Ҳозир, ҳозир. Доғ сув тайёр,— деб аёл кетди.

Надежда Сергеевна Наташанинг ингичка биллагидан бир эмас — икки-уч марта ушлаб, томир уришини текшириб кўрди... Томир тўхтаган эди. Бирдан жамини фалокатлар устига ёғилгандек туюлиб, бутун вужудини мудҳиш умидсизлик қамраб олди ва кўксидан даҳшатли чинқириқ отилиб чиқаёзганда она бор кучини тўплаб, ўзини аранг босди, фақат кучли иродагина чинқириб юборишдан уни сақлаб қолди.

— Йўқ... Бу мумкин эмас... У тирик... Тирик!— деди у умидворлик билан.— Мана у... Мана томири... худди ингичка ипдек... ингичка ипдек... Лекин уряпти... Уряпти...

— Мана доғ сув,— деди бояғи нотаниш аёл эшикда пайдо бўлиб.

Надежда Сергеевна эса у билан бирга уйга кирган яна учта аёлга эътибор бериш у ёқда турсин, ҳатто бурилиб қарамади, стакандаги сувга бир неча қошиқ шакар солиб аралаштирди ва қизининг олдига чўкка тушди-да, унинг бошини кўтариб, иссиққина ширин сувдан икки чой қошиқ оғзига қуйди.

Лекин Наташа ҳали ҳам кўзини очмасди.

— Сен унга нон берсанг яхши бўларди,— деди аёллардан бири. Доғ сув бериб нима қиласан?! Унга ҳозир нон керак.

— Нима деяпсиз ўзи?— Надежда Сергеевна шивирлаб эътироз билдирди.— Ҳозир мумкин эмас. Нон оғирлик қилиб, ўлиб қолиши мумкин.

— Ўлиб қолармиш-а... — аёл кулиб қўйди.— Қани... нондан бер-чи менга. Ноннинг борми ўзи ёки йўқми?..

— Бор, саватчада.

Саватча ҳамон уйнинг ўртасида турарди. Аёл саватчани очиб, нон олди-да, юзига яқин обориб, кўзини чирт юмиб, суви қочган нонни маза қилиб, ичига ютиб-ютиб ҳидлади. Ҳатто маст бўлгандай бир томонга гандирак-лаб кетиб, аёлларни қўрқитиб юборди.

— Жудаям яхши нон экан...— деди у пичирлаб шу қадар ёқимли, майин овоз билан, аёллар ҳайрон қолди: Еленанинг товуши ҳеч қачон бу қадар ёқимли эшитилган эмасди.— Жудаям яхши-я. Фақат унга бўлмайди.

— Нега? Нима учун унга бўлмас экан?! Ҳа,ҳа... Албатта. Бўлмаса, нима керак? Нима... Нима қилмоқчисиз?— деб сўради Надежда Сергеевна ҳам жаҳли чиқиб, ҳам умидворлик, ҳам умидсизлик билан унга термилиб.

— Уни ҳушига келтирмоқчиман.

— Қандай қилиб ҳушига келтирасиз? Нима билан?..

— Нон билан. Фақат юмшоқроғи, янги ёпилган хушбўйи топилса янаям яхши бўларди-да.

— Саватчада бошқаси бор, ола қолинг,— деди Надежда Сергеевна.— Фақат тезроқ қимирланг, ўтинаман. Нега бунча имирсилайсиз-а!

— Мана бу бошқа гап... Тамоман бошқа,— деди Елена думалоқ булка нондан ушатаркан.— Еб тўйсанг ҳам, ҳидлаб тўймайсан.

Аёл оҳиста юриб, қизнинг бош томонига келиб ўтирди.

Хаммаси жим бўлди, чурқ этмай қараб туришди.

Елена булка ноннинг юмшоқ томонини қизнинг оғзига обориб пичирлай бошлади:

— Нафас ол, қизим, чуқур нафас ол. Ё пок-парвардигор, ўзинг мадад бер... Бизга раҳм қил, эй худо...

Наташа ҳамон қимирламай ётарди. Елена яна бир нималар деб пичирлади, дуоми ёки афсунми ўқиди. Сўнгра қизнинг оқариб кетган жонсиз юзига тикилиб, қўлидаги нонни оғзига яқин обориб индамай ўтираверди.

Аёллар ўзаро пичирлаша бошладилар. Улардан бири Еленага таъна қилгандек секин деди:

— Дуони олдинроқ ўқиб, болани ҳам, нонни ҳам чўқинтириш керак эди.

«Эҳ, ўша қуриб кетгур аравага қаёқдан ҳам туша қолдим-а?— армон қилди Надежда Сергеевна.— Нега энди фалокат босиб ўшанда келдим-а?»

Елена қўлини бирдан оҳиста кўтарди-ю, бир дам тўхтатди-да, озгин ва қоп-қора кафтини пахса қилиб, аёлларни жеркиб ташлади:

— Бўлди, бирпас овозларингни ўчиринглар.

Ниҳоят, Наташанинг юқори лаби қимирлаб, тишла-ридан кўчганини ва пастки лаби билан қўшилиб оғзи юмилганини пайқади Елена. Қиз бурни билан чуқур нафас олди. Уша заҳоти кўзини очди-да, қуруқшаган қонсиз лаблари билан эшитилар-эшитилмас:

— Нон...— деди.

Хонадагилар чурқ этмай донг қотиб қолишди.

— Нон...— деди яна Наташа баландроқ овозда.

Елена хурсанд бўлиб кетганидан нонни унинг энгаҳи ёнида тайёр ушлаб тураркан, савол назари билан Надежда Сергеевнага қаради.

— Асло нон бера кўрманг,— деди Надежда Сергеевна бирдан Еленанинг нигоҳига кўзи тушиб. Лекин шу ондаёқ: «Нега энди овозимни чиқариб айтдим-а? Оғзимдан бу сўзлар қандай чиқиб кетди?»— деб пушаймон бўлди.

Наташанинг кўнгли ўксиганидан лаблари титраб, лекин овозини чиқариб йиғлашга ҳоли келмасди.

— Наташенька, ҳозир мен сени овқатлантираман... ҳозир, она қизим... Фақат олдин мана бу қошиқчадагини ичгин... Ича қол...— дерди Надежда Сергеевна устма-уст унинг оғзига ширин сув қуйиб.— Ана, жуда яхши... Баракалла. Ича қол, она қизим. Ич...

#### 4

Бутун кун аллақандай мудроқ ва ҳаяжон ичида ўтди. Фақат кечга яқин Надежда Сергеевна ўз бахтидан гоят мамнун бўлиб даҳлиз ёнида, ҳовлида шу аёллар билан бирга чой ичди.

— Лена, сиз жудаям меҳрибон, ажойиб аёл экансиз. Сиз, фариштаннинг ўзгинасисиз. Сиз одамларни ҳар қан-

дай дарддан халос қила оласиз... Нима десамикан... ҳар қандай доктордан ўтқирсиз,— дерди Надежда Сергеевна ҳаяжонланиб.— Қандай қилиб бу нарса эсингизга келди-а?!

— Ҳаммасини биламиз.

— Қандай қилиб? Ахир буни билиш қийин эмас-ку.

— Ҳаммасини бошимдан кечирганман, Надежда Сергеевна,— деди Елена кутилмаган мақтовлардан мағрурланиб кеккайса ҳамки, ўзини сипо тутишга ҳаракат қилар экан.

— Ростдан бошингиздан кечирганмисиз?

— Ҳа, рост. Бундан ўттиз йил муқаддам кечирганмиз... Одамлар очликдан пашшадек қирилган йили... Ахир сиз қайси йили бўлганлигини билсангиз керак.

— Бир минг саккиз юз тўқсон биринчи йилда.

— Ана ўшанда, мен сизнинг Наташангиздан кўра кичикроқ эдим. Чамаси саккиз ёшларда бўлсам керак. Биз ўшанда Вологда яқинидаги бир қишлоқда яшардик. Отам аллақайси шаҳарга иш ахтариб кетганди. Билмадим... Москваданми... ёки бу ердан... Питерданми қайтиб келди. Отам йўқлигида оиламиздан тўрт киши вафот этганди. Бешинчиси мен, энг бахтлиси бўлсам керак, ҳарқалай тирик қолгандим... Ойим, икки синглим, укам Ваня тўртови ҳам оламдан ўтган эди. Айтишларига қараганда, отам беҳуш ётганимнинг устига келиб қолган. Лекин буни аниқ билмайман... Беҳуш ётганмидим-йўқми,— буни айтолмайман. Фақат нон ҳидидан ўзимга келганлигим яхши эсимда. Ё тавба, ноннинг қудратини қаранг-а! Унда қанчалик ҳикмат ва мўъжиза бор-а! Ҳали-ҳали ўша қора ноннинг ҳиди димоғимда турипти. Ўшандан бери нондан мазалироқ нарсани билмайман. Дунёда ундан мазали нарса йўқ. Қанд мазалими ёки гўшт? Ёки манави чўчқа мойи-чи? Одамзод нимадан кучқувват олади?.. Нондан. Дунёда нондан улуғ нарса йўқ.

Ленанинг юзи катта, хуну кроқ эди. Агар бу аёл очарчилик азоб-уқубатларини чекмаганда, эҳтимол бунчалик ранг-рўйи ҳам бу хилда қорамтир-тупроқ тусига кирмасди, икки бети салқиб, ёноқ суяклари туртиб, ияги ҳам диккайиб қолмас, кенг манглайига бевақт чуқур ажнлар тушмасди балки. Қўриниб турибдики, илгари бу кўзлар кулонғич ва ўйноқи бўлиб доим нурланиб турган албатта, ҳозир эса ранги ҳам ўзгариб, нурланиш ўрнига гўё ҳадиксирагандек, газаб ўти сочарди. Агар очарчилик

касри урмаганда унинг юзи ҳамён чиройли, истараси иссиқ бўлиши аниқ эди. Баъзан Лена ўтмиш хотираларининг таъсири остидами ёки кўнглида кири йўқлигиданми,— гапириб туриб бирданига дағал овози мулойимлашар, ўзини димоғдор, гап кўтармайдиган қилиб кўрсатмоқчи бўлганини ҳам унутиб, оддий ва самимий дилкаш аёлга айланарди-қоларди. Ҳозир ҳам у, бугунги миннатдорчилик ва мақтовлардан талтайиб, гўё ниқоб кийгандек, юзига сунъий тус бериб олди. Надежда Сергеевна Лениннинг юзидаги ўзгаришни дарҳол пайқаб, ўзича ўйлади: «Эҳ, жудаям кулгили... Нега шундай қиларкин-а? Нима учун бу сунъийликка берилиб, ҳамманинг кўзига ёмон кўринаркин? Ҳамма ундан ҳадиксираб, ўзини четга олади. Мана ҳозир бутунлай бошқа аёл бўлди-қолди. Ёқимтой, оддий, дилкаш... Энди манглайи кенглиги ҳам билинмайди. Одамлар унга ишонч, меҳр билан қарашади. Ана, яна бошланди... Уни қаранг! Яна ниқоби эсига тушди-я. Нақадар кулгили. Унга ниқоб нега керак экан? Бу ҳақда Ленага айтиб қўйиш керак албатта». Лекин у билан ҳозироқ гаплашмоқчи бўлса-да, кейинга қолдирди. Кейинга қолдиргани учун қайтага хурсанд бўлди. чунки Лена тентаклиги сабабли ўзини ҳар мақомга солаётган эмасди. Ленадаги руҳий касалликка ўхшаган бу кайфият очлик касридан яқинда пайдо бўлганди. Надежда Сергеевна бунга ишонса-да, қатъий равишда тасдиқлагиси келмас, шунинг учун Ленага очик айтишга истиҳола қиларди. «Бу ниқоб Ленага торф тайёрлашда бирга ишлашаётган баъзи ичи қораларнинг истеҳзоли кулиши ва таъна-маломатидан ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса керак»,— деган фикрга келди. Бироқ Надежда Сергеевна бунга анча кейин билди. Ҳозир эса Ленадаги бу сунъийликни пайқаса ҳам болалар ўйинидай шунчаки бир ўйин-да, деб эътибор бермай қўя қолди. Болаларни тирик кўриб қанчалик севинган бўлса, энди уларнинг аста-секин соғайиб кетишига кўзи етгач, янада севинди. Айниқса, Наташани ўлимдан сақлаб қолгани учун умрбод Ленадан миннатдор эди. Шунинг учун Надежда Сергеевна ҳатто ундаги ғалатиликни ҳам ёқтириб, гапларига маҳлиё бўлиб тинглашга, анови аёлларнинг ҳам очик чехраларига завқ билан қарашга ва ҳаммасини қўлидан келганча сийлаб меҳмон қилишга тайёр эди. Агар саватчасида лоақал тузукроқ бирон нарса бўлганда, улардан аямасди. Нон, гугурт қутичадек келадиган

тўрт бўлак чўчқа мойи, шакар, ҳатто бугун эрталаб станцияда сотиб олган сузмани ҳам столга қўйди.

— Олинглар, тортинмасдан олаверинглар,— дерди у Ленанинг гапларига диққат билан қулоқ солиб, айтилган вақтда уларга мулойим боқар ва ҳар бирининг олдига столдаги нарсалардан дам устига бир япроқ чўчқа мойи қўйилган қора нонни, дам пиёладаги олма чойни яқинроқ суриб, еб-ичиб ўтиринглар, деб таклиф қиларди. Аёллар олдини индамай столга тикилиб ўтиришди, лекин дастурхонга қўл чўзишмади. Лена эса ўз қишлоғи ҳақида тинмай гап сотарди, бошқалар унинг гапларига қулоқ солардилару, аммо икки кўзлари столдаги емишда эди.

— Одобдан бўлмаса-да, гапингизни бўламан, Лена,— деди унга Надежда Сергеевна.— Олдин манави бир бурда нон билан ширин чойни ичинг. Нима, қорнингиз тўқми?

— Бизнинг ғамимизни еб нима қиласиз?— деди Лена яна қўрслик билан.— Биз жудаям унақа такаббур одамларданмасмиз— қайда карам шўрва билан бўтқа, биз ҳам ўша жойда.

— Унақа бўлса яхши. Олинглар, еб-ичиб ўтиринглар,— деб зўрларди Надежда Сергеевна.— Қанийди карам шўрва билан бўтқа қилиб бера олсам... Сизларга ҳозир бирон иссиқ овқат бўлганда-ку...

— Қўйинг, Надежда Сергеевна, ҳадеб куйиб-пишаверманг. Тушуниб турибмиз, ахир манавиларнинг ўзи текинга келмагандир?

— Леночка, нима, сиз пулни айтяпсизми?

— Пулни айтяпганим йўқ... Лекин пулсиз иш битмаслиги ҳам бор. Ҳозир бу нарсаларни қаердан топиб бўлади? Бу ахир пул тугул ёмбига ҳам топилмайдиган. Ҳозирги замонда бу шоҳона овқат-ку. Нима, ё гапим нотўғрими?— деб сўради у ҳамроҳларига такаббуруна қараб.

— Тўғри, Ленушка, гапинг тўғри,— деди сочларни оппоқ кампир. У шу қадар қотма ва кичкина эдики, баланд стол ортидан аранг кўринарди. Айтгандай, бу стол эмас, идиш-товоқ қўйиладиган шкаф бўлиб, Надежда Сергеевна билан аёллар уни уйдан олиб чиқиб, унинг атрофида чой ичишаётганди. Уйда на стол, на стул, на табуретка, ҳеч нарса қолдирмай болалар ҳатто ёғоч каравотни ҳам қишда печкага ёқиб юборишганди.

— Мундан чиқди, мен сизларни шоҳона ноз-неъмат-

лар билан меҳмон қилаётган эканман-да,— деди кулиб Надежда Сергеевна.— Олинглар, йўқса, хафа бўламан.

— Ундай бўлса, бир бурдадан уйимизга... болаларимизга олиб кетамиз,— деди ниҳоят Лена мақсадга ўтиб.

Шунда аёлларнинг энг ёшроғи Шура бирдан мингиллаб нолий бошлади:

— Икки кундан бери туз тотганим йўқ.

— Қоқи балиқ-чи? Қоқи балиқ олдингми?— сўради Лена.

— Балиқни Васька еб бўлди. Бўтқа пишириб берсам, уни ҳам туширди.

— Ахир у ўз болангми?

— Ким?

— Ким бўларди, Васька-да, ўғлингми?

— Ҳа, ўғлим.

— Унда нега нолийсан? Эрталабгача сабр қил. Рўза тутган одам ўлмайди-ку, лекин нафси бузуқ ҳайитда ўлади, деган гап бор. Эртага яна чорак қадоқдан сўк беришармиш.

Надежда Сергеевна Ленанинг гапидан хафа бўлди. Лена эса столдан бир бурда нон билан ёғдан олди-да:

— Қани, олинглар, меҳмон қилиб сийлагандан кейин ейиш керак-да... Дунёда энглар-ичинглардан ҳам яхши сўз борми?— деб кулиб қўйди.

Стол атрофи жимжит бўлди-қолди. Аёллар нонни кўзларига суриб, қитдай-қитдайдан тишлаб, бир дона ушоғини ҳам тўкмасдан маза қилиб ея бошладилар. Бир бурдадан еб бўлишгач, нафсларини тиёлмасдан иккинчи, кейин учинчи бурдани ҳам ейишди. Кўз очиб юмгунча столда нон билан ёғдан асар ҳам қолмади. Лекин Надежда Сергеевна уларнинг еганини кўриб сидқидилдан қувонди, лоақал шу йўл билан Ленага ва унинг қаторида оғир дамда кириб келган уч аёлга дам Наташанинг, дам Святославнинг ёнида парвона бўлиб, ҳамдардлик билан берган маслаҳатлари учун миннатдорлик билдира олганидан хурсанд бўлди. Ҳозиргина тилга олинган Шуранинг ўғли Васька эса шкаф орқасидаги бурчакда ҳеч нима билан иши бўлмай, ҳамон қоқи балиқ думини сўриб ўтирарди. Афтидан, уни ўз ҳолига қўйиб қўйишгани ва балиғини ҳеч ким тортиб олмагани учун мамнун эди. Васька гоҳ конфет сўргандек шимар, гоҳ чайнаб тезроқ ютиб юбормоқчи бўларди. Лекин қотиб кетган бу серсуяк балиқ думи ҳадеганда эпақага келмас, тил ва



лабларини тирнаб ташлаган бўлса ҳам Васька парво қилмасди. Васьканинг ойиси Шура эса ўқтин-ўқтин ўғлига қараб-қараб қўярди-ю, лекин индамасди. Унга қараган сайин ичи ачишиб, юраги сиқиларди. У беихтиёр кўзини саватчага саватча атрофидаги тугунчага ва нимадир ўралган қоғозларга тикарди; буларни Надежда Сергеевна шошилнчда уйнинг ўртасига, полга ташлаб қўйган эди. Саватча олдида, шундоққина Васьканинг бош томонидаги шкафта бўлка ноннинг чети кўриниб турарди. Қани энди, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб турган пайтда ўғли секингина олса-ю, ея қолса, деб жони ҳалак эди. Лекин ўз ишига астойдил берилиб кетгани учун, дунёда нон, ёғ деган нарсалар борлиги Васьканинг хаёлига ҳам келмас, шундай ажойиб емиш қўлни чўзса етадиган жойда турганлигини мутлақо билмасди.

Аёллар алоҳа болани кўриб қолишди-да, уни ҳам чақриб, қорнини тўйғазишди. Қорни тўйган Святослав, Наташа ҳамда Васька уйга кирдилар ва битта кўрпани устларига ёпиб, ўша ерда ухладилар.

— Менга қаранг,— деди тўсатдан Лена оғзи чайнашдан тўхтаб.— Нега энди бизни еб-ичинглар, деб қистайсизу, ўзингиз ҳеч нарса емайсиз?

Надежда Сергеевна шу онда Ленанинг юзидаги сунъийлик, ясама такаббурлик бирдан йўқолганини сезд; айниқса ҳозиргина овқат пайтда ўзини ҳар мақомга солгани яққол кўриниб турган эди. Ҳозир у хижолат чекиб, ўзидан астойдил норози эди, буни юз-кўзларидан билса бўларди. Тўсатдан хижолат чекканиданми, нимагадир, икки бети чўғдай қизариб, қорамтир туси баттар қорайиб кетди.— Хўш?.. Нега энди ўзингиз емаяпсиз, Надежда Сергеевна?

— Қорним тўқ, мени қўяверинглар. Қорним тўқ.

Шундай деди-ю, бугун кунни бўйи ҳеч нарса емагани эсига тушиб, қизариб кетди Надежда Сергеевна.

— Лекин сизларни алдаганга ўхшайман,— иқроп бўлди у.— Менимча, ҳеч нарса емаган бўлсам керак. Едимми, емадимми эсимда йўқ. Вой, йўқ, йўқ! Қараб туриб яна алдаяпман-а. Бологоеда сузма сотиб олиб, шакар қўшиб егандим. Сизлар мени, ҳеч нарса егиси келмаяпти деб ўйлаяпсизларми? Унақамас, кўриб туриб-сизлар, бирон нарса еган-емаганим ҳатто эсимдан ҳам чиқиб кетипти.

— Ҳа, тўғри, шунча йўл босиш осон эмас ахир. Бу-  
нинг устига, болаларим ҳаётми ё йўқми, деб роса таш-  
виш чеккандирсиз, албатта...

— Тўғри, Леночка. Қела-келгунимча юрагимни ҳо-  
вучлаб келдим. Энди бу ерда турмушларнинг қандай  
ўтяпти, яхшиси шундан гапириб беринг.

— Гапирсам гапира қолай,— деди салмоқлаб Лена,  
бироқ Надежда Сергеевнанинг назарида бу гап маъно-  
дор қилиб айтилгандек туюлди, шунинг учун ҳам у сер-  
гакланиб қулоқ сола бошлади. Лекин Ленанинг тўсатдан  
маънодор оҳангда бошлаган гапи, мутлақо бирор ажойиб  
воқеа тўғрисида эмас, балки бошқа нарса ҳақида ўйла-  
ётгани аён бўлди. Лена Надежда Сергеевнадан юзини  
ўгириб Шурага шундай ошкора нафрат билан тикилдики,  
янги луқмага қўл чўзган жувон дарҳол қўлини дастур-  
хондан тортди-да, бошини ҳам қилиб, ҳатто Ленага  
қарашга ҳам юраги бетламади.

— Сенингча, кўп еган одам узоқ яшар экан-да,—  
деди Лена ҳамон унга маъноли тикилиб тураркан.

— Қўйинг, ундай деманг, Лена! Шурани хижолат  
қилманг. Майли, егани ош бўлсин,— деди Надежда  
Сергеевна, Шурани ҳимоя қилиб.

— Бас, етар!— деди қатъий равишда Лена. Бирдан  
ҳамманинг олдидаги нон билан ёғни йиғиштириб, стол  
ўртасига қўйди-да, устига тарелка тўнкарди.— Болалар-  
га ҳам қолсин. Эртага уларга нима берасиз?! Энди  
буларни қаердан оласиз? Қошки топилса,— деди Лена  
Надежда Сергеевнага юзланиб. Унинг овозида ҳам ға-  
заб, ҳам ажабланиш ҳамда илтижо бор эди.— Шошмай  
туринг, ҳали болалар яна овқат сўрашади.

— Ҳозир уларга бу овқатларни бериб бўлмайди.  
Тушуяпсизми, мумкин эмас,— дея эътироз билдирди  
Надежда Сергеевна.

— Нон мумкин эмасми-а? Ахир, беҳуш ётган бола  
шу нондан ҳушига келди-ку! Нега бериб бўлмас экан?—  
деди Лена ўз гапида қаттиқ туриб.

— Ҳушига келгани тўғри, бунинг учун раҳмат сизга,  
Леночка. Лекин ҳозир унинг ошқозони бунақа оғир ов-  
қатни ҳазм қилолмайди, ўлиб қоллиши мумкин.

— Тўғри гап, Леночка, ҳадеб баҳслашаверма,— де-  
ди кампир.— Қани энди ҳозир уларга янги соғилган сут  
бўлса.

— Товуқ шўрва бўлса-чи,— кулиб қўйди. Лена.

— Қўйинглар бунақа гапларни. Турмушларинг қандай ўгяпти? Ана шуни гапиринг,— яна эслатди бояги саволини Надежда Сергеевна.

— Қандай ўтарди дейсиз... Сиз бу ердан қачон жўнаб кетгандингиз?— сўради Лена.

— Февраль воқеасидан сўнг, баҳорда. Май ойининг ўрталарида.

— Уч йил бўлди денг.

— Ҳа, айтишга осону, лекин минг йил бўлганга ўхшайди.

— Вақт... фақат қилинган иш билан ўлчанади. Иш билан шуҳрат қозонилади.

— Бу гапингиз жуда тўғри, Леночка. Иш билан. Фақат иш билан.

— Амал-тақал қилиб яшаб юрибмиз, нон емасак ҳам, баъзи бир нарсаларга ақлимиз етадиган бўлиб қолдик, Питерда рўй берган воқеалар ўзингизга маълум. Буни гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Нарва заставамиз ҳамма ишда илғор. Айниқса, Путилов заводимиздагилар. Илгари стачкалар, иш ташлашлар аввало қаерда бошланарди? Ана шу Путиловдан. Биринчи бўлиб қўрқмасдан подшога қарши ким бош кўтарди? Путилов ишчилари. Бизнинг эрларимиз. Қишки саройга ким кўкрагини қалқон қилиб борди? Яна бизникилар. Путиловчилар. Биринчи марта қайси заводда қизил гвардиячилар пайдо бўлди? Юденич ёки анави Корнилов Петроградга ҳужум қилганда Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун ким олдинда борди? Ишчилар отряди. Путиловчилар. Мана энди яна бизнинг путиловчилар... Озуқа отрядларида... Ким биринчи? Бизнинг эрларимиз. Путилов ишчилари. Қишлоқ ва хуторларда қулоқлар дон-дунларни яшириб қўйишди, эски тузумга қарши кўксини қалқон қилиб курашган, Совет ҳокимияти барпо этганлар эса оч, ейишга ҳеч нарса йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Қандай йўл тутиш керак? Шунда Путилов ишчилари ўз ораларидап, ҳақиқий путиловчи азаматлардан озуқа отряди тузишга қарор қилишди. Мана энди бизнинг отрядларимиз қулоқлар қўлидаги дон-дунларини тортиб олгани қишлоқларга жўнаб кетишди. Кўпчилик қаторида менинг Егорим ҳам кетди. Бу ердаги эркакларнинг кўпчилиги... манави ўтирганларнинг эрлари ҳам кетган, ҳозир учови ҳам эрсиз... Аниса холанинг эри кекса бўлса ҳам, ҳали анча тетик, ғайрати жойида, шунинг учун ҳозир флотда хиз-

мат қиляпти. — Машина бўлимида — ким бўлиб ишляяп-ганди? Хаҳ, эсим қурсин-ей, мой қуядиганми ё моторист-ми, ишқилиб шунақа бир иш. Аниса хола, эринг у ерда ким бўлиб ишляяпти? Митяжонинг, а?

— Механик, — жавоб қилди сочлари оқ кампир.

— Мана, кўрдингизми... ҳатто механик... Лекин Анисанинг ўзини кўринг: маррасига тақалиб, чувакдай бўлиб қолипти. Мана Дуняхани олайлик, бева қолди шўрлик. Эрини шу ерда ўлдиришган... Пулково тепалигида... Юденичга қарши ҳужум пайтида. Гордиенко Андрей Филиппович ҳам худди ўша Пулково тепалигида ҳалок бўлди. Дунях, сенинг эринг билан бир кунда бўлса керак-а, шундайми?..

— Ҳа, бир кунда, — деди сочлари тим қора, юзлари думалоқ, елкасига зангори шол рўмол ташлаб олган аёл. Афтидан, бу аёл бошқаларга қараганда очликдан унчалик қийналмаганга ўхшарди: на чақнаб турган қоп-қора кўзларида, на дўрдоқ лабларида, на силлиқ қилиб таралган тим қора сочлари остидан кўринган жажжи қулоқларида — умуман афт-ангорида ҳеч қандай ғам-андуҳ аломати кўринмас, балки аёллик ҳусн-латофати мавж уриб турарди. — Ҳа, бир кунда, — деб такрорлади Дуня, — ҳа, Колямнинг ҳам, Андрей Филипповичнинг ҳам жасадларини заводга олиб келишди. Путилов заводининг ишчилари ёппасига қатнашиб уларни дафн қилди.

— Уларни кўмганимиздан кейин икки ҳафта ўтар-ўтмас, Андрей Филипповичнинг хотини Нина тепкили терлама касалига учради. Уни завод қошидаги касалхонага ётқизишди... Лекин ўша ерда бандаликни бажо келтирди.

— Қизлари қаерда қолди? Наташа? У менинг қизим билан тенгдош эди...

— Уни заводдагилардан бири қиз қилиб олди. Менимча, у Андрей Филипповичнинг дўсти бўлса керак.

Лена индамай қолди, столдаги нон увоқларини кафтига сидира бошлади.

— Шунақа савдолар бошимизга тушиб, болаларингизга қараёлмадик. Аввалига ҳампаларни ва шкафларни титкилаб у-бу топиб еб юришди, кейинчалик... Наташа ҳар кун шаҳарга югурадиган бўлиб қолди... зир югурди... Гоҳ куни пича бугдой олиб келиб укасига бўтқа пишириб берар, гоҳ аллақайлардан қоқи балиқ, баъзан

нон ҳам топиб келарди. Ҳаммасини укасига егизарди... Светикка, укажонига. Узи бўлса нафсини тийиб, бир амаллаб чидарди шўрлик. Мана, охири озиб-тўзиб, кейинги кунларда уйдан ҳам чиқолмай қолди. Қандай қилайлик, агар бу ёғимизда бор бўлганда-ку, қараб турмасдик, лекин иложимиз йўқ эди-да, нима қилайлик ахир?

— Тушунаман, Лена... Тушунаман...— деди Надежда Сергеевна хўрсиниб. — Ҳар ҳолда уларни қаровсиз қолдирмай, баҳоли қудрат хабар олиб турганларингиз учун раҳмат, сизлардан миннатдорман.

— Э, қайси яхшилигимизга раҳмат дейсиз?

## 5

Очликдан силласи қуриб, ўлар ҳолатга етган болаларни ҳозир Туркистонга олиб кетиш ҳақида ўйлаш — мутлақо ақлга тўғри келмасди. Бунинг устига, қайтишда ҳам яна омадим келиб қолса, йўл азоби ва узоқлиги унчалик билинмасдан Тошкентга тезроқ етиб оларман, деб ҳатто умидвор бўлиш ҳам мумкин эмасди.

«Тўғрисини айтганда кетишда келишимдан ҳам ёмон бўлиши мумкин. Ҳар хил хом хаёлларга бориб, ўзимни ўзим алдамаслигим, йўлда энг ёмон ҳодиса рўй бериши мумкинлигини кўзда тутишим керак» — деб ўйларди баъзан Надежда Сергеевна. Айниқса, бу сафар бир ўзи эмас, болалари билан қайтиш ниятида, демак, ҳеч қандай тасодифдан умидвор бўлмаслиги, яна биронта санитар поезд ёки ҳарбий эшелон тўғри келиб қолар, деб ўйламаслиги, Тошкентдан Самарагача қандай келган бўлса, яна ўшандай қайтишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаслиги керак. Бундан ташқари, Тошкентга қатнайдиган поездларнинг қанчалик тирбандлигини, оч-яланғоч, битлаб кетган одамларнинг қандай оғир шаронгта кетаётганини ўз кўзи билан кўрган.

«Хуллас, йўл, қайтиш азоби... яхшиси, бу ҳақда кейинроқ, кейинчалик... ўйлаш керак, ҳозир эмас... Ҳозир энг муҳими — болаларини оёққа турғазिश...»

Надежда Сергеевна тиним билмай, ҳатто чарчаганни ҳам унутиб, болаларига бирон тузукроқ, мазалироқ овқат топиб келиш мақсадида кунини бўйи Петроградда зир югурарди. Эс-ҳуши чайқов бозорида бўлиб, болаларнинг оёқларига лойиқ шиппак, ё бир парча батис ёнги каламенка сотиб олиб уларга яп-янги кўйлак-иштон тикиб бермоқчи эди. Бунақа кўчма бозорлар гоҳ шундоққина

Нарва дарвозаси олдида, гоҳ Беговая кўчасида, гоҳо эса Путилов заводига яқин жойда, баланд тахта девор орқасида пайдо бўлиб қоларди. Бу хил бозорлар ҳатто шаҳар марказида ҳам, гоҳо — Нева хиёбонидаги Қазанский жомеси олдида, кўпінча — Елисеев магазинининг муюлишида пайдо бўлиб турарди. Бу ерда бир шиша лампа мойини бир стакан йирик тузга, бир қадоқ бугдой ёки нўхотни «Павел Буре» маркали чўнтак соатга, бир кийимлик инглиз мовутини картошка ёки нонга, французларнинг бир плитка шоколадни чўчқа мойига алиштириш мумкин эди. Бирон нарсани нақд пулга сотиб олиш ниҳоятда қийин эди. Шунинг учун ҳам Надежда Сергеевна кўпінча уйга икки қўли бўш кириб келарди. Бисотида кичкинагина бриллиант қадалган бир жуфт тилла зиракдан бўлак ҳеч қандай буюм қолмаганди. Яхшиям поездда келаётганда зираklarини майиз билан баргакка алиштирамагани. Ҳозир Надежда Сергеевна зиракни тақмасдан қоғозга ўраб, сумкачасида эҳтиётлаб олиб юрар ва бирдан-бир ишонган буюми ҳам шу эди. Шунинг учун ҳам зираklarини: чорак қадоқдан какао билан шоколадга ёки ярим пуд оқ ун, ёхуд шунга ўхшаган бирон егуликка алишаман, деб қимматроқ сўрарди. Лекин бу бозорларда унинг айтганига олишадиган харидор топилмасди.

Ниҳоят, унга ҳам бахт кулиб боқди. Ҳамма нарсадан хабардор Лена. Нарва дарвозасининг нарёғида яшовчи ўнта товуғи ва эчкиси бор аёлнинг дарагини топиб келди. Надежда Сергеевна бу аёлга зираklarини олтмиш стакан сут билан битта товۇққа алишди, бир ойгача ҳар кун икки стакандан сут олишга келишишди.

Бундай омад келишини Надежда Сергеевна мутлақо кутмаган, ҳатто етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. У бир неча бор ўзига-ўзи: «Худога шукур, яхшиям ўшанда бемаънилик қилиб зираklarимни икки қадоқ баргакка алиштирамаганим, унда ҳозир нима қилардим?»— деган эди суюниб.

Ота-боболаримиз, ҳар бир ишнинг бошланиши қийин бўлади, деб бежиз айтишмаган.

Бир кун Лена Надежда Сергеевнага, бошим оғрийди, йўталаман, шамоллабман шекилли, деганида Надежда Сергеевна аспирин бериб уни тузатганди.

— Ана шу порошогингизнинг таги мўлроқми?— сўради Лена.

— Гапингиз қизиқ, мўлроқ? Қанча?

— Нима десаикин... Ҳарқалай шу... Яхшиси, ўша одамдан яна бир сўраб кўрай...

Индичига Лена аспириин эвазига чорак қадоқ шоколад порошоги олиб келиб, Надежда Сергесвнага берди.

Шунда Надежда Сергеевна ҳам хурсанд бўлди, ҳам жаҳли чиқди. Аввало ўзидан, қолаверса Ленадан хафа бўлди.

— Бу нима қилганингиз, Леночка?

— Нима қипти? Нега ташвишланасиз?

— Сиз бу аспириинни касал одамга оляпсиз, деб ўйлагандим.

— Ҳалиям касал одамга олмай, кимга олардим?

— Шундайку-я, лекин сиз уни сотибсиз. Бундай қилиш мумкин эмас. Тушунасизми? Бу дорини касаллар учун бепул олсаму, ўзим уни сотсам. Ахир бу... пасткашлик-ку!

— Нега энди пасткашлик бўларкан, Надежда Сергеевна? Ҳозирги шароитда-я? Ана шу қора кўзларингиз учун алишилди-да!

— Барибир, бу жиноят ҳисобланади.

— Билмадим, билолмадим... Ахир самогонга эмас-ку!.. Дорини дорига алишилди, холос...— Лена хафа бўлди, шу заҳотиёқ юзида такаббуруна аразлаш нфодаси пайдо бўлди.— Ўз болалари учун алишса... жиноят бўлармикими? Қизиқ.

— Сиз хафа бўлманг,— деди мулоғимлик билан Надежда Сергеевна.— Мен айбдорман. Бундан кейин бошимни қотириб, мени лақиллатманг, бунақа найрангбозлик ҳам қилманг, кераги йўқ. Дурустми?.. Келишдикми?..

Лена индамай, тумшайиб турарди.

Бироқ, қандай бўлмасин, энди Надежда Сергеевна болаларининг соғайиб кетишига ишонар, кўнгли тўқ, шунинг учун у хурсанд ва бахтиёр эди. Лекин шу билан бирга, виждон азоби уни тинч қўймас, худди чувалчангдек кўксига ёмирлаб безовта қилар, шодлигини заҳарлар эди. Надежда Сергеевна бир кунни Святославга бир стакан шоколадли чой ичиргандан кейин ўғли бирдан жилмайди, буни кўриб, она кўнглини худди хира қилиб юрган бу доғ бир зумда тарқалиб учиб кетди. Надежда Сергеевна келганидан бери ўғлининг чехраси ёришиб кулганини биринчи марта кўрди. Унинг шодлиги ичига сиғмасди. Чунки ҳар бир она тўнғич фарзандининг кулишини қан-

чалик сабрсизлик билан кутса, Надежда Сергеевна ҳам шунчалик бетоқатлик билан орзиқиб кутган эди. Кейин Наташанинг ҳам чеҳраси ёришиб, кулимсиради. Опа-ука миннатдорлик назари билан онага қарадилар, кейин бир-бирига боқиб, нимадандир хурсанд бўлиб, биринчи марта кулиб юбордилар.

Надежда Сергеевнанинг кўзларига ғилт-ғилт ёш келди. У бир зум индамай болаларига тикилиб турди-да, кейин ердаги ўрнига, икковининг ўртасига кириб маҳкам бағрига босиб, юзини ёстиққа босди-да, йиғлаб юборди.

— Қўйинг, йиғламанг, ойижон, сизга нима бўлди?— опа-ука уни юпата бошлади. Иккови ойисининг ёстиқда патила-патила бўлиб ётган қора сочларини силашар, юзларини унинг юзига суркаб, унга қарамоқчи бўлишарди. Фақат шундагина улар дунёда ҳеч кимда ойисиникига ўхшаган бундай гўзал соч, бундай ёқимли, майин қўл йўқлигини билишди. Лекин дунёда ҳеч ким ўз ойисини уларчалик яхши кўрмаган.

— Нега йиғлаяпсиз, ойижон, айтинг? Келинг, айта қолинг?— дерди Святослав эркаланиб ҳамон ойисининг сочларини жажжи қўллари билан силар экан. Кейин опасига қаради-ю, бирдан индамай қолди, опа-ука бир-бирига тикилишиб, кўзларидаги ваҳм, даҳшат ифодасини кўришди.

— Ойим нега йиғлаяпганларини энди билдим,— деди Святослав пичирлаб.

— Нега йиғлаяптилар?..

— Ойим яна кетмоқчилар. Бизни яна ёлғиз ташлаб кетишга юраклари ачишяпти. Шунинг учун йиғлаяптилар.

— Мен ҳам шундай деб ўйловдим-а.

Надежда Сергеевна жим бўлиб қолди. Елкалари ҳам титрашдан тўхтади.

Болаларининг пичир-пичири тугагач, ёстиқдан бошини кўтариб, икковининг ўртасига чўкка тушиб ўтирди-да, дам ўғлига, дам қизига қараб кулиб деди:

— Сизларга ким айтди ташлаб кетмоқчи деб? Ахир мен сизларни олиб кетгани келдим-ку. Энди ҳаммамиз бирга жўнаймиз: дадангларнинг олдига — Варламов ёнига. Тошкентга.

Дастлабки пайтларда Надежда Сергеевна фақат болалари ва уларнинг ташвиши билан банд бўлиб, кўзига



ҳеч нарса кўринмас: бу ерда — Петроградда нималар бўлаётганини, граждандар уруши фронтларида аҳвол қандайлигини мутлақо билмасди. Кўчалардаги қизил байроқларга ҳам, Нева хиёбонидан тўғри Москва вокзали томон музика чалиб, ашула айтиб бораётган саф-саф ишчилар ва қизил аскарлар колонналарига ҳам аҳамият бермай, ёнидан ўтиб кетаверарди. У шаҳарнинг қаерида юрмасин — жонажон Нарва заставаси кўчаларида ёки Нева хиёбонларида, ёхуд Ёзги боғ олдидаги дарё бўйлаб гранит ётқизилган соҳил кўчадами, ишқилиб нимаики ўйламасин, нимаики қилмасин — ҳаммаси гўё хаёлида, худди уйқуга ўхшаган ғалати ҳолатида бўлаётгандек туюларди унга. Лекин бу ҳолат уйига келиши биланоқ тарқалиб кетарди-да, яна аввалгидек болалари билан ўралашиб, уларни овқатлантирар, ювиб-тарар, кир-чирларини юва бошларди. Ниҳоят, Надежда Сергеевна Наташа билан Святославнинг кундан-кунга соғайиб, куч-қувватга кираётганини кўриб, энди жўнаш кунини хаёлан белгилаб қўймоқчи бўлганда, ҳадемай бу шаҳардан кетишини, эҳтимол, бутунлай қайтиб келмаслигини бирдан англаб қолди. Шундан сўнг у Эрмитажга йўл олди. Бундан йигирма йил бурун, шу ерда Августни учратган пайтидагидек, яна худди ўша кичкина диванга ўтириб, Рубенс чизган расмга узоқ тикилиб қолди. Кейин каттақонзал бўйлаб тўшалган гилам-поёндоздан аста-аста одимлаб, 1812 йили Ватан урушида қатнашган қўмондонларнинг суратлари ёнидан ўтаётиб яна худди ўшандагидек, генерал Раевскийнинг портрети олдида бирдан тўхтади. Надежда Сергеевна тикилган сари бу суратнинг кимгадир ўхшашлигини сезиб турарди-ю, бироқ кимгадир тушунолмас, эслаб, тополмасди. Тўғри, агар отасининг фотосуратига қараб ҳукм чиқариладиган бўлса, унда отаси Раевскийга жуда ўхшаб кетади. Буни у ўша вақтдаёқ, ўша йиллардаёқ билганди. Лекин бу мардондор юз, бу қошу сочлар ҳозирда кимнидир эслатапти. Лекин кимни? Бирдан унинг эсига Фарғона яқинидаги, сой бўйидаги ёлғиз қўрғонча тушиб, Рустамни бирга дафн қилишган ўша сўқир ўзбек қария кўз олдида келди.

«Нега энди?.. Нима учун бу чол эсга кела қолди?..

Наҳотки унинг бирор ери шундай атоқли генералга ўхшаса?.. — деб ўйлади Надежда Сергеевна юраги нимадандир чўчигандай бўлиб. — Ҳа-я, чиндан ҳам... Қае-

ридир ўхшаб кетади... Қизиқ». Ана шу хаёллар билан Эрмитаждан тезроқ чиқиб кетишга шошилди.

Лекин ҳаприқиб кетган юраги унга тинчлик бермас, яна алдақаёқларга судраб қўймасди. Надежда Сергеевна майдондан қандай ўтиб кетганини ҳам билмай, Қишки сарой муюлишига бурилди. Гранит зинапоялардан пастга, Нева қорғоғига тушаётганидагина ўзига келди.

«Мана шу ерда... Мана шу зинада Август мени даст кўтариб, тепага опчиққанди..»— нимагадир ҳозир эсига тушиб қолди. Зинанинг энг пастки поғонасига тушиб тўхтади-да, муздек тўлқин шу поғонага ёпирилиб келиб урилишини жону дили билан кутиб турди.

Тўлқин кўпинча ёнидан шовиллаб ўтиб кетарди, баъзилари зинапояга ҳам кўтарилолмай ўзига қайтар ва дарёга қўшилиб кетарди.

«Ўшанда оппоқ тун эди»,—эслади-да, Надежда Сергеевна сувга, Неванинг нариги қирғоғига, Петропавловск қалъасига қараб, бирдан овозини чиқариб деди:

— Худоё тавба... Ана оқ тунлар... Шимол тунлари... Ўзимизнинг ажойиб оппоқ тунларимиз... Мен бўлсам шу пайтгача ҳеч нимани кўрмаяпман, сизларни сезмаяпман-а.

Шўх тўлқин зинапояга тўсатдан шитоб билан урилгандан Надежда Сергеевна чинқириб юборди. Аммо тўлқин оёқларини ялаб, пастга сирганиб тушиб кетганди. Шундай бўлса-да, гранит поғона ёнидан кумуш ранг барра каби товланиб ўтаётган тўлқинларга қараб, ҳозиргина зинага урилиб, оёғини ҳўл қилиб кетган тўлқинчани топишга ҳаракат қиларди. «Ановисими? Ёки мана бунисими? Ён томони кўкиш товланаётганимикан?.. Йўқ, у эмас, ҳов ановиниси... Энг узоқдагиси... Бирпасда шунча узоқлашиб кетганини қаранг-а... Ҳаммадан қизиги шундаки, паҳлавон Неванинг айни шу дақиқаси, худди ёш бола каби шу хилда шўхлиги унда ҳаяжон ва севинч туғдириб, уни яна ўн етти яшардек қилиб қўйди. Лекин ким айта олади: шу топда унинг оёғига урилган тўлқинми ёки бошқа нарсами? Нима бўлмасин, ишқилиб ҳам узоқ, ҳам яқин туюлган ажойиб ёшлик давридаги севинчларини қайтариб берди. Балки бунинг боиси мана бу гранит зинапоялар ва оппоқ тунлардир.

Шундан кейин гранит зинапояда яна қанча вақт турганини, нималарни ўйлаганини Надежда Сергеевна ҳеч билмасди?! Фақат, нима учундир зинапоянинг қоқ ўртасида туриб Невага, нариги қирғоққа қарагани, ниманидир ўйлагани эсида қолганди, холос. Сўнгра у, тошдан ясалган Пушкин шерлари ёнига борди-да, олдин биттасининг, кейин бошқасининг қизил ёлларини силади ва шу ерда яна бир оз турди.

## 6

У уйга қайтиб келгач, болаларини овқатлантириб бўлди-да, ерга тўшалган қизил кўрпага ётқизди, ўзи ҳам уларнинг ёнига кириб ётди, бироқ анча вақтгача ухлаёлмади. Надежда Сергеевна бироз мизғигандек бўлди, лекин бирдан унинг кўз олдида Раевскийнинг юзи пайдо бўлиб, бир өз таажжубланди: на полотно бор, на мойли бўёқ ва на рамка, фақат юзи гўё жонли, кумушдек оқ тундаги марварид тусли туман орасидан сузиб чиққанга ўхшарди. Шунда у баттар таажжубланиб, ҳушёр тортди. Худди ана шундай кўз илғамас марварид туман қўйнидаги қўрғончадан келишган, соч-соқоли оппоқ мўйсафид чол чиқиб келди ва сойнинг қиялама қирғонидан аста юриб, Раевскийнинг юзига яқинлашди.

Надежда Сергеевна, тушимми ё ўнгимми, деб бошини кўтарди. «Ахир, ҳали кўзим илингани йўқ-ку»,— деб ўйлади-да, хонадаги ғира-шира қоронғиликка тикилди.

Унинг уйқуси бутунлай ўчиб кетди. Надежда Сергеевна ётган ерида, нега энди кўзимга чол билан унинг қўрғончаси кўринди, деб хаёл сурди. Эҳтимол Рустам туфайлидир? Лекин кейинги пайтларда уни эсламаганди шекилли? Барибир уни унутиб бўлмайди... Рустамни ҳам, бирдан жони узилганини ҳам, ўша даҳшатли онларни ҳам ҳеч қачон унутмайди. Унута олмайди ҳам. Агарда, доим ўйлатиб, доим соғинтирган мана шу болаларни бўлмаганда... Агар Варламов билан ўша чол бўлмаганда... Узини ўлдириб қўя қоларди. Ахир, Рустамнинг ўлимига чидаш осонми?! Ахир, ҳали жуда ёш эди, бола эди-я, бола. Агар пложини топа олганида, Қурбон билан Тозагулга бу мусибатни раво кўрармиди?! У ёқда уларнинг ҳоли нима кечдийкин?.. Бу жудаликка Варламов қандай бардош беряпганин?.. Ҳа, у жангчи. Шунинг учун унчалик қийналмаяпгандир балки. Йўқ, бу-

ниг учун эмас. Йўқ, Надежда Сергеевна, сен бошқа хаёлда шундай ўйлаяпсан. Жангчи бўлгани учун унга ҳам осон тутиб бўлмайди. Сен уни севмайсан.

— Севмайман?! — беихтиёр пичирлаб юборди Надежда Сергеевна. — Бу қанақа бемаъни сўз?! Варламов — аж ойиб инсон.

Ҳа, у мақсадга интиладиган, довиорак, тўғри одам. Ахир, унинг қалбига Кузьма Захарич пайдо қилган учқунни пуфлаб алангалатган ана шу Варламов-ку. Надежда Сергеевна энди умрбод ундан қарздор. Ундан — Варламовдан. Аслини олганда... Ундан нима орттирди?! Аниги — нима?.. Борди-ю, тўсатдан ундан, сен бахтлиман деб йўқми, деб сўраб қолишса?.. Нима деб жавоб берарди?..

— Вой худойим-е! Наҳотки ўзимга ўзим ҳалиям шу саволни берсам-а?.. Менда қатъий ишонч бор, бу камлик қиладимиз? Бунинг устига, кимнинг этагини ушлаганимни ҳам яхши биламан. Фақат билибгина қолмай, аллақачоноқ у билан биргаман, бир йўлдаман.

«Умримнинг охиригача ана шу тўғри йўлдан бораман. Ҳўш, бахт ана шунинг ўзида эмасми?! Ана шу йўлни тўғри танлай билиб, ундан адашмай боришда эмасми? Болалар-чи? Варламов-чи? Менинг бахтим шулар эмасми? Кузьма Захарич ҳам, Варламов ҳам мени, жудаям фидокор дейишарди. Қанақасига мени фидокор дейиш мумкин, а?.. Қанақасига?..»

Мақсад йўлида қилаётган хизмати ва ҳозирги ҳаётининг ўзи — жасурлик эмиш. Улар шундай дейишса, донм унинг жаҳли чиқади. Уни мазах қилишаётгандек туюлади. Шундан кейин улар жим бўлиб қолишади. Тўғри, Варламов шунчалик ишчан, жиддий, ўқимишли бўлганига қарамай, қалбининг қаеридадир бир оз дағаллик бор, чаққон эмас, беўшвороқ кўрилади. Аммо энг муҳими — революцияга содиқлиги. Муқаддас содиқлик!

→ Нега ухламаяпсиз, ойижон? — Наташанинг пичирлагани эшитилди сукунат орасидан.

— Менми?.. Йўқ, ухлаяпман. Ўзинг-чи? Ухламаяпсанми?

— Йўқ.

— Ухлаш керак. — Надежда Сергеевна адёлни унинг устига тортиб ёпиб қўяр экан, яна такрорлади: — Ухлаш керак, қизим. Алламаҳал бўлиб қолди. Ҳеч қаеринг оғримаяптими ишқилиб?

— Йўқ, ҳеч қаерим оғриётгани йўқ.

— Ундай бўлса, ухла энди.

Наташа жим бўлди-ю, бирпасдан кейин оёқларининг кифтига туртди:

— Ойи...

— Нима дейсан, қизим?

— Сизга айтмоқчи эмасдим... Хафа бўлиб йиғлайсиз, деб қўрққандим...

— Нимадан? Нимага йиғлар эканман? Айтавер, она қизим.

— Йиғламайсизми?

— Йўқ, сираям йиғламайман.

— Мен дадамларни кўрдим. Гаплашдим. Дадамлар шу ердалар — Петрограддалар.

Надежда Сергеевна ҳамма нарсани кутганди-ю, лекин бу гапни эмас. У қизига нима дейишини билмай, ханг-манг бўлиб қолди. Оёқини узатиб, оппоқ туннинг ғира-шира ёруғида қизига тикилиб, бир нима демоқчи бўларди-ю, лекин ҳарчанд уринмасин гўё тушида босинқирагандек, овози чиқмасди.

— Дадамлар ҳар доим Аничкин кўпригида туриб, ҳар хил расм сотадилар.

— Қанақа расмлар?— сўради у овози босиқ ва майинлигидан ўзи ҳайрон бўлиб.

— Расмлардақа расмлар-да. Ўзлари чизадилар, кейин сотадилар. Ахир, ўзлари рассом-ку.

Наташа гапини тугатгач, Надежда Сергеевна бирпас индамай турди-да, кейин бошини ёстиққа қўйди ва ҳамон ўша босиқлик билан, лекин аччиқланган оҳангда қизини огоҳлантирди:

— Гап бундай, Наташа. Сен у билан бекор гаплашибсан. У билан таниш бўлишнинг ҳам кераги йўқ сенга. Ундан кўра, ухла.

## 7

Надежда Сергеевна Аничкин кўпригига бормоқчи ҳам, Августни кўрмоқчи ҳам эмасди. Бундан ташқари, жўнай-диган вақт ҳам бўлиб қолди, деган фикрга келди. Зудлик билан. Дарҳол Наташа билан маслаҳатлашиб, жўнаш кунини йигирманчи июлга — беш кундан кейинга белгилашгандан сўнг кўнгли хотиржам бўлди. Кечаси қи-

зидан эшитган гапга эътибор бермагани учун қайтага хурсанд эди.

Эҳтимол, қизидан ана шу гапни эшитган пайтда ҳаяжонланган бўлса бордир. Лекин кейинчалик ўзини босиб, бу Август мутлақо бегона одамлигини, унга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, унинг тақдири билан энди сира ҳам қизиқмаслигини ўйлади, ўйлаб туриб қизидан бир оз жаҳли чиқди, лекин ўзини босиб жаҳлидан тушди.

Ҳали бир талай ишлар бор: йўлга сухари ва пича озиқ-овқат тайёрлаши, Путилов заводи амбулаториясига аспирин, морфий, бинт, йодларни топшириши керак,— у ерда бу дорилар етишмасди.

— Текинга бериб кетаверасизми? Сизга нима бўлди, Надежда Сергеевна, ақлингиз жойидами?— деди Лена.— Бу дориларга анча нарса олиш мумкин.

— Текинга эмас, Леночка. Текинга эмас, улар бунга ники қадоқ сўк, ярим қадоқ қанд, ярим қадоқ писта мойи, битта гугурт берадиган бўлишди. Нима, шунча нарса беришса озми?

Лена кулиб қўйди.

— Оз? Кошки шунча дорига арзиса, ҳеч нарса йўқ-ку! Ҳалиям бўлса менга беринг, бу дорилар ўрнига сурланган колбаса опкелиб бераман. Йўлда жудаям асқотади сизга.

— Асқотишга асқотади-я, Леночка, лекин бундай қилиш мумкин эмас.

— Нега энди мумкин эмас экан?

— Мумкин эмас.

Чиндан ҳам ўша вақтда зарур бўлган бу ноёб дориларни Москвада санитар поезднинг бошлиғи унга бераётди:

— Олаверинг, бу нарсалар ҳали жуда керак бўлади,— деганди.

— Нимага керак бўлади?— сўраганди Надежда Сергеевна.— Менда аспирин бор. Тошкентдан олганман.

— Ортиқчалик қилмайди, олаверинг, керак бўлади. Зарур бўлиб қолганда қандгами, нонгами алиштирасиз.

Агар Надежда Сергеевнадан бошқа одам бўлгандами, Ленанинг гапига жон-жон деб кира қоларди, лекин бундай гапни ҳатто эшитгиси келмасди. Бундан ташқари, ҳали у Путилов заводига бориб, Яригин фамилияли кишини топиши керак эди. Наташа Гордиенко ўшаникида

турарди. Уни кўрмасдан кетиши мумкин эмас. Ундан кейин, ойсининг қабрини зиёрат қилгали Лазаревское қабристонига ҳам бориши керак.

«Оқ қуш кўли балетини-чи?» Наҳотки театрга бормай, севган балетини яна бир кўрмай кетса... Лекин ҳаммадан ҳам поездга билет олиши осон бўлмаса керак. Ана шунинг учун Надежда Сергеевна вақтни ўтказмасдан эртасига эрталабоқ Москва вокзалига отланди. Ҳа, чиндан ҳам у ҳақ эди. Ҳамма ташвишдан ҳам билет олиш мушкул экан, энди бир неча кунгача вокзалга югуришга тўғри келади балки.

Энг муҳими — вокзал бошлиғининг олдига бир амаллаб кириши, Туркистонга жўнаши зарурлигини унга тунтириб, ўз ҳужжатларини кўрсатиши керак. Лекин вокзал бошлиғининг олдига кирмоқчи бўлиб навбатда турганларнинг сон-саногини йўқ эди. Булар бунақа навбатларда туравериш жонларига текканидан, энди бошлиқ олдига ёки ўринбосари ё бўлмаса бирон масъул ходим олдига югурарди. Вокзал бошлиғи эса, йўлланма қоғоз бўлмаса ҳеч кимни қабул қилмасди. Лекин бу йўлланмани қаерда ва ким беришини ҳеч ким аниқ билмасди. Бундай ишларда Надежда Сергеевнанинг анчагина тажрибаси бор эди. У революция йилларида Тошкентдаги темирйўлчилар орасида кўп ишлагани учун ҳам Петрограддаги бунақа кўнгилсизликлар уни чўчитмасди. Бундан ташқари, бу ерга бугун фақат программа минимумни бажариш, Туркистонга қандай қилиб жўнаш мумкинлигини билиш учун келганди. Лекин эндиги сафар жиддийроқ ҳаракат қилишга, ҳеч қандай йўлланмасиз вокзал бошлиғи олдига кириб, ҳужжатларини ўқишга уни мажбур қилиши керак.

Петрограддаги Москва вокзалида бўлган одам, у ердан Нева хиёбонига чиқмасликнинг иложи йўқлигини яхши билади. Шунингдек, Надежда Сергеевна ҳам, бу хиёбоннинг жозибасига бардош беролмади.

У вокзалдан чиққунича қаёққа бориши тўғрисида қатъий қарорга келмаганди. Мана энди бирдан эсига Ёзги боғ тушиб, Самсон билан Вольтер фонтани ёнида бир оз ўтириш фикрига келди. Бугун Нева хиёбони билан Ёзги боққа боришни худди олдиндан билгандай, дурустгина кийинган эди. Тўғри, эғнидаги панбархит юбкаси билан тугма ўрнига садаф, ёқаси билан елкасидан тоенгининг учигача айлантириб нозик қадалган жужун

кофтаси гарчи замонавий бўлмаса-да, Петрограднинг ёз мавсумига жуда мос эди. Юбка билан кофта ўзига жуда ярашарди. Айниқса, кофтасини яхши кўрарди, шунинг учун ҳам уни жуда эҳтиётлаб, бирон тантанали маросимлардагина киярди, холос. Нима учун бугун шуларни кийгиси келганини ўзи ҳам билмасди. Бунинг устига, пошнасидан паст замш туфли, тўрли шляпасини кийгани-чи. Бир кун Варламов уни ана шу шляпада кўриб кулганида, дарҳол ечиб ташлаган ва шу-шу иккинчи марта унинг олдида шляпа киймайдиган бўлганди.

Ҳа... Ёзги боққа Фонтанка анҳори бўйлаб бориш қулайроқ... Пушкин уйи олдидан... Фонтанка? Фонтанка?

Надежда Сергеевна бир зум иккиланиб қадамини секинлаштирди. Унда қандай бўлади? Аниқкин кўпригигача боришга тўғри келади-ку. «Эй, худо! Нима, расом кун бўйи ўша ерда қимирламай турармиди!» Дарвоқе, энди нимасини ўйлайди, Аниқкин кўпригига келиб қолибди-ку.

Йўқ, барибир у ҳеч қачон бронзадан ясалган арғумоқлар билан ўсмирлар ҳайкаллари олдидан бепарво ўтиб кетолмайди! Ана, рўпарасида, бронза ҳайкал олдида кимнидир оломон ўраб олган. Ўша томонга ўтиб кўриш керак, нима гап ўзи?

Ҳар ҳолда ғалати манзара... Бориб нима қилади? Ахир, обивателлар сингари кўча-кўйдаги майда-чуйда ҳодисаларга қизиқадиган одати йўқ эди-ку. Надежда Сергеевна кўчаларда ғижжак чалиб ўтирган сўқир тиланчининг минғиллаган ашуласини ҳам, ғижжагини ҳам ёқтирмасди. Бундан ташқари, бир гала бекорчиларга қўшилиб, саёқ найрангбозлар ёки фолбинларни томоша қилишни ҳам ёмон кўрарди.

Назарида ўзини тўхтатмоқчи бўлгандек туюлди-ю, лекин оёқлари бўйсунмасдан бронза ҳайкал томонга, кўприкнинг чўян панжарасига суяниб турган одамлар ёнига судради.

Яқинроқ боргач, одамлар чурқ этмай нимагадир тикилаётганини пайқади. Тагин биронтаси кўриб қолмасин, дегандек оҳиста-оҳиста юриб, одамларнинг орқасида турди. Фақат, шляпасининг тўри юзига туширилганми-йўқми — шуни билиш учун ушлаб кўрди. Надежда Сергеевна одамлар нимага бунчалик диққат қилиб тикилаётганлигини аниқлагунича, оппоқ сочли эркакнинг энса томонига кўзи тушди: қалин сочлари елкаларига ёйи-



либ кетган, жигар ранг духоба кўйлақда бели букчайган эди. Бу одам орқасини ўгириб, кўприкнинг чўян панжарасига суяниб турарди.

Ҳа, бу — Август эди. Надежда Сергеевна гарчи уни орадан ўн уч йил ўтганда кўриб турган бўлса-да, янглишмади. Унинг оппоқ сочларига, букчайиб қолган аянчли қадди-қоматига Надежда Сергеевна тикилиб туриб: не-не азоб-уқубатлар бу шўрликнинг бошига тушмадийкин, деган ўйда чинқириб юборишига, отини айтиб чақиришига сал қолди.

Надежда Сергеевнанинг юраги яна гупиллаб ура бошлади. Лекин ҳали ҳам шубҳаланарди: «Чиндан ҳам ўшами? Янглишаётганим йўқми?..» ўйларди юрагига гулгула тушиб.

Рассом чуқур хўрсинди-да, қаддини ростлаб, бошини секин бурди ва атрофини ўраган одамларга эътибор бермай кўприкдан оша йироқларга, балким адмиралтейство минораси устидаги қуёш нурида ялтираган тилла найзага қараганча туриб қолди.

Надежда Сергеевнанинг юраги баттар гурсиллаб ура бошлади. Энди ҳеч қандай шубҳа қолмади. Бу ўша — Август.

Надежда Сергеевна бирдан: «Агар бу, Август эмас, бошқа одам бўлганда қандай яхши бўларди-я», деган хаёлга ҳам борди.

## 8

Август Надяни Тошкентда ёлғиз қолдириб, бир ўзини узоқдаги жазирама ўлкага ташлаб келганидан кейин, бу ерда омади чопмади. Кейинги хотинининг на нуфузли оиладанлиги-ю, на бойлиги ва на зеб-зийнати уни бахтли қилолмади. Хотини машҳур рус заводчиси Анатолий Демидовнинг қариндоши эди, Демидов эса Напалеоннинг жиянига уйланган ва кейинчалик пулнинг кучи билан князь Сан-Дonato бўлиб олганди.

Тасодифни қарангки, бу аёлнинг исми ҳам Надя, Надежда Павловна эди. Кейинчалик, орадан бир неча йил ўтгач, Август баъзан, мени жин урмаса шунақа хунук, бедаво аёлга уйланармидим, деб ўкинарди ўзича. Надежда Павловнага унинг мол-дунёси учун эмас ва борингки, Напалеонга авлодлиги учун ҳам эмас, фақат унинг ҳам исми Надя эканлигини билгач, юраги жиз

этганлиги учун уйланганини сабаб қилиб, ўзини оқламоқчи бўларди. Ушанда у, тасодифан иккиси адаш бўлиши бежиз эмас, демак, ҳақиқий севгилим Надежда Малисованинг илоҳий сиймоси ҳар доим, умр бўйи кўз ўнгимда бўлади, деб ўйлаганди. Кейинчалик у танасига ўйлаб, ўзини оқлаш учун баҳона қидира бошлагач, Надежда Сергеевна билан Надежда Павловнанинг номини ёнма-ён қўйса, уни таҳқирлагандек кўринди.

— Ахир, мен уни ҳақорат қиляпман-ку... Ўз севгилимни ҳақорат қиляпман-а. Гўзал Надяни таҳқирляпман... Гўзаллар гўзалини-я... Эҳ, жин урсин ҳаммасини!

У руҳан азоб чекиб, ўзини оқлаш йўллари ахтараркан, Надежда Павловнанинг фақат мол-дунёсига учиб, беғам-беташиш, роҳат-фароғатда ҳаёт кечириб учунгина унга уйланганлигига ақли етарди.

Август ҳам хаёллар билан тўй тараддудда юрган кезларида биринчи муҳаббатини оёқ ости қйлаётганини ҳеч ўйламаганди. Надежда Сергеевнани севаман, бу севги давом этаверади, Надежда Павловна эса анчайин эрмак, унинг давлати соясида айш қилиб юравераман, деган хаёлга борганди. Устига-устак, Августнинг ота-онаси Клавдия Алексеевна билан Марк Иванович Снигур, фақат шунга уйланасан деб, икки оёқларини бир этикка тиқиб, қистовга олишди.

— Бахт қуши бошинга қўнганлигини наҳотки кўрмайпган бўлсан?— деди Клавдия Алексеевна.— Аллақандай оснёлк андини топволиб, энди ўшани унутолмайсан шекилли.

— Сен унинг бутун мол-мулкига бир ўзинг хўжайин бўласан. Буни ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳозир бориб унинг қўлини ўп,— деди отаси.

Сирасини айтганда, Август унга уйланмайман, демоқчи эмасди, фақат узил-кесил бир тўхтамга келолмай, нимадандир шубҳаланиб, пайсалга соларди.

— Ахир у хунук-бедаво, кўзлари худди қурбақа кўзига ўхшаб чақчайган. Пешанаси тор, бурни шолғомдай, юзини бутунлай ҳуснбузар босиб кетган, у па чаплаган билан барибир йўқолмайди. Сочлари сийрак, сап-сариқ. Бунинг устига букри, оёқлари калта!

— Лекин, болам, барибир сен билмайсан, унинг бир ерида кўзингни ўйнатадиган холи бор, ҳа...— Эътироз билдирди Клавдия Алексеевна. — Гапимга ишонавер! Менга ўзи холни кўрсатди.

— Мана, кўрдингизми, сизга ҳали айтмовдимми?— Август негадир ичиқоралик билан суюнди,— у ўтакетган тентак, ўтакетган аҳмоқ деб. Фақат миясини еган одамгина шундай қилиши мумкин.

— Нега энди у аҳмоқ бўларкан? Аёллик ғурури устунлик қилиб, мақтангиси келган-да. Қолаверса... Менга қара, Август, тишлари бирам оппоқ, бирам текиски, худди тизиб кўйган садафга ўхшайди-я... Ҳаммадан ҳам холини айтмайсанми...

— Ахир у мendan саккиз ёш катта-ку!— Гарчи у кўнглида аллақачон рози бўлиб, шу аёлни қўлдан чиқармаслик ниятида бўлса-да, негадир ҳамон тижирлик қиларди.

Ваҳоланки унинг рақиблари ҳам бор эди. Рақиб бўлгандаям, хавфли рақиблар эди. Фақат Августнинг келишган қадди-қомати ҳамда Надежда Павловнанинг пинҳоний хоҳиши: эринг борми деса — бор дейишга арзигудек йигитга тегиб олиш нияти Августнинг ғалаба қозонишига ёрдам қилди.

Тўйдан кейинги келди-кетдилардан тинка-малори қуриган эр-хотин саёҳатга чиқишди. Улар Швейцария, Франция, Италия, Греция ва Миср каби мамлакатларга боришди. Ярим йил айланиб Петербургга қайтгач, Августнинг бир замонлар, Тошкентда юрган пайтидаги санъатга бўлган ташналиги кўзгади. У ажойиб бир устахона очди. Бу устахонага бир кунни ҳатто Георгий Константинович Савицкий ёш рассомлар билан кириб кўриб ҳаваси келганди.

Август Осиевнинг табиат манзараларини чизишга ишқивоз эди: ложувард осмон, тоғлар ва улардан юмалаб тушиб, ям-яшил майсазорларда ётган баҳайбат харсанглар; туя карвонлари ва олдинда эшак миниб кетаётган карвонбоши, салмоқлаб қадам ташлаётган нор туя олдида эшак жуда кичкина кўринарди. Йўл ёқасидаги Номсиз қўрғон ва унинг ёнида — қурум босган темирчилик устахонаси... Яна устахона: ўша қудуқ, бир туп тут, чарм фартук кийган қора мўйловли темирчи йигит, кўринишидан ҳозиргина қудуқдан челақда сув олиб, ёнидаги жувонга жилмайиб гапирмоқда, жувон эса бошидаги оқариб кетган рўмоли билан бетини пана қилиб, ёнламасига турибди; овул манзараси: ўтовлар, қулоғи билан думи кесилган бўрибосарлар, овулдан анча нарида ўтлаб юрган йилқи уюри, қўй-қўзилар подаси, чўпоплар ва уларнинг эғнидаги ямоқ-ясқоқ увада тўнлар, азим чинор

сойсида чойкўрлик қилиб ўтирган оқсоқоллар; чўққи телпак кийган новча дарвеш бозорда одамларга исриқ тутатиб юрибди,— ҳаммаси ўхшатиб чизилганди.

Август тиним билмай жон-жаҳди билан ишларди, негаки Осиеда... кўрган манзараларининг шайдоси эди. У нонушта қилишни, тушлик ва кечки овқатни ҳам унутган, ҳатто Надежда Павловнага эътибор беришни, уни казинога олиб боришни ҳам, меҳмон кутишни ҳам бутунлай эсидан чиқариб юборганди. Аввалига Надежда Павловна эрининг устахонасидаги сўрига чўзилиб, итоатгўйлик билан унинг ишларини кун бўйи индамай кузатиб ётарди, Август эса унинг сабр-тоқатига ҳайрон бўларди. Гоҳида хотини бирдан ҳовлиқиб, кетма-кет тутуруқсиз саволлар беравериб Августнинг энсасини қотирарди. Баъзида сўрига чўзилиб китоб ўқирди. У ўзини қандай тутиб, нимаикн қилмасин, Август уни кўрган сари юраги сиқиларди, лекин индамасди. Ниҳоят, эрининг ишини томоша қилишдан зерикди шекилли, Надежда Павловна кўнгил очар ишлар билан овунадиган бўлди: казинога бориб пилдироққа пул тикиб ўйнай бошлади, саёқ артистлар ва рассомларни, гоёси бузуқ шоирларни уйга тўплаб, улардан наша чекишни ўрганди.

Август эса бундан жуда-жуда хурсанд эди, чунки энди унга ҳеч ким халақит бермасди. Яшириб қўйган жойидан Малясованинг фотосуратини олди-да, шундоққина ёнига, мольберт устига қўйиб, янги ишга киришди — Надежда Сергеевнанинг портретини яратиш учун эскизлар чиза бошлади. Август ўз полотносида — ўша тоғларними, овуллар ва улар тепасидаги мовий осмоними, қорақўл тери сотаётган одамларними, доира ёки дугтор куйига тушиладиган ўзбек рақсиними ёйинки сертупроқ қишлоқ кўчаларида кетаётган оддий фойтунни, қишлоқ медицина пунктининг расмини — ниманики чизмасин, энди олдинги планда Малясова турарди: гоҳ батист ёки шойи кофтасида, салгина қийшайтириб кийган кенг гардишли ёзлик шляпасида, гоҳ оппоқ халатда кўксига қизил крест тикилган, бошида — шафқат ҳамшираси ўрайдиган рўмол, гоҳо бинафша ранг понбархтдан тикилган кўйлақда ёки зар билан гул солиб безатилган ҳаво ранг ўзбекча нимчада, дўппи кийган бўларди. Энди Надя Малясова ҳатто қорабайирда пойгада қатнашиб чавандозлардан ҳам олдинда учиб бормоқда эди.

Бир куни Надежда Павловна эрининг устахонасига

кирди-ю, Малясованинг фотосуратига кўзи тушиб, жон-пони чиқиб кетди, индамай бориб суратни олди-ю, бурда-бурда қилиб, йирта бошлади. Олдинига Август анграйиб қолиб, бирпас индамай турди, кейин бирданига хотинининг қулоқ-чаккаси аралаш икки тарсаки солиб қолди. Шунда ҳам хотин бўш келмади: суратни майда-майда қилиб йиртиб ташлади, расм чизиш учун тайёрлаб қўйилган матоларни, ромлар, мольбертлар ва мўйқаламларни — нимаики қўлига дуч келса олиб улоқтираверди, тепкилаб синдираверди, жазаваси қўзиб кетганидан эрига чанг солди. Август то ўзини ўнглаб олгунча юзини тимдалаб, қора қонига беллади. Август бирпас ётиб ўзига келгач, расмларини йиғиштириб гиламга ўради-да, чердакка олиб чиқиб қўйишни буюрди.

Август хотинининг бу қадар тутаққанидан каловланиб, бутунлай бўшашиб қолди. Санъатга бўлган иштиёқ яна уни тарк этиб, неча йилгача қўлига мўйқалам олмади.

Кейин эса, ялиниб-ёлборишлар, кўз ёши тўкиб товба қилишлар, севасанми севаман дейишиб қасам ичишлар бўлди ва яна ярашиб кетишди. Энди Август у билан бирга юришга, иона тўплаш мақсадида уюштирилган кечаларга боришга, таниш-билишлар даврасида кўри-нишга, казинога ва ҳатто циркка боришга ҳам ор қиладиган бўлди. Лекин қанчалик ори келиб уялганига, хотинидан нафратланганига қарамай, одамлар олдида Надежда Павловнага тилёғламалик қилиб, атрофида парвона бўлар, уни бир соат ҳам ёлғиз қўймасди. Бир куни хотини ўроғлиқ қоғозни очди-да, бошмалдоқ тирноғига аллақандай порошок солди ва бурнаки қилиб, ичига тортди ва шунчаки эрмак, дегандек кулиб қўйди. Олдинига Август қўрқди, лекин хотинининг кўнгли учун, менга ҳам озроқ сол-чи, деб илтимос қилди. Август хотинидан қўрқарди. Шунчалик қўрқардики, бекорчиликка ва тўқликка шўхликдан қутуриб кетган хотини бақувват ва серсоқол, ёши ҳам элликларга бориб қолган кучери билан дон олишиб юрганини сезса ҳам, ўзини сезмасликка олди, хотинини уриб-сўкиш ёки бошини олиб уйдан чиқиб кетиш у ёқда турсин, лоақал кучерни ишдан бўшатиб ҳам юбормади. Август Петербург олий электротехника билим юртини битириб, инженерлик дипломи олган эди. Лекин бу уйдан кетишга кўнгли бўлмади. У яна Туркистонга кетишни ўйлай бошлади ва бу билан ўзини ўзи юпатган бўлди. Эндиликда Август Надя

Малясовасиз, унинг муҳаббатисиз Туркистонга бориши бефойда эканлигини билса-да, бу гал ҳам сустлик қилиб, бир қарорга келолмади. Чунки разилона қилмиши учун Надянинг мутлақо кечирмаслигига кўзи етарди.

Август ана шу чигал калавани ечолмай, аросатда қолганди. Баъзан имконият топилиб ёлғиз қолган пайтлариди, ўзидан нафратланар, Надежда Сергеевнага разиллик қилгани эсига тушиб, ўзини ўзи еб қўйгиси келарди. Айниқса, бу тентак хотинга давлатига учиб уйланганини, ундан қўрқишини, кучер билан алоқасни ўйласа, дунёда тургиси келмасди.

Ниҳоят бир қарорга келиб, Туркистонга жўнамоқчи бўлиб турганида тўсатдан Надя Малясованинг аллақачон турмуш қурганини ва шу кеча-кундузда Петроградда яшаётганини эшитиб қолди. Шу пайтларда Петроград Германия билан бўлаётган уруш тўғрисидаги, инқилоб арафасидаги овозалар билан — чунки 1916 йил эди — тўлган эди: умрини фидокорона ишга бағишлаб, ўз хоҳиши билан шафқат ҳамшираси сифатида жанг майдонларига жўнаб кетаётган ёки Малясовага ўхшаб, маърифат тарқатиш ниятида жазирама Туркистонга йўл олган ажойиб аёллар ҳақида одамлар гапиришарди.

Августнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, нима қиларини билмай қолди. Устига-устак, Надяни Петрограддан ахтариб топиш йўлидаги барча уринишларидан натижа чиқмади.

Ниҳоят, кўпдан бери ҳамма орзиқиб кутган момақалди роқ гумбурлади: Октябрь инқилоби бўлди.

Бўрон туриб, борлиқни алғов-далғов қилиб юборди.

Надежда Павловна кучери билан бирга Швейцарияга, ота-онаси эса Францияга жўнашди. Уларга Август тан бериши керак; жўнаш олдидан хотини ҳам, қайната-қайнанаси ҳам унга биз билан бирга кетинг деб таклиф қилишди, бироқ у шу ерда Надяни учратиш умидида унамади ва улардан қутулганига хурсанд бўлди. Улар шошилишганиданми ёки куёвнинг қайсарлиги учун ўч олмоқчи бўлишдими, на хотини ва на чол-кампир лаоқал тирикчилик учун унга пича пул ёки биронта қимматбаҳо буюм ташлаб кетишмади. Август энди нарсаларни сотиб, тирикчилик қиламан деб турганда, асбоб-анжомлар ҳам, данғиллама уй-жой ҳам мусодара қилинди. Унга фақат икки хонали уй, керакли мебель ҳамда ўзи чизган расмларини қолдиришди, холос.

Баъзан Август Петроград яқинида турган Корнилов армиясига қўшилиш пайти келди, деб ўйларди. Агар шундай қиладиган бўлса, Надя билан яна топишиш тўғрисидаги фикрдан бутунлай воз кечишга тўғри келади. Бундан ташқари, Корниловга солдатлар керак, лекин у солдатликка ярармиди? Август бу фикрларни хаёлидан чиқариб, яна расм чиза бошлади.

Ҳозир мамлакатнинг ҳамма томонларида граждандар уруши авж олган эди. Шунинг учун Август, Надя ҳам аллақачон биронта фронтга жўнаб кетган бўлса керак, деб ўйлади.

Петроградда очарчилик бошланди.

Корниловдан кейин шаҳарга Юденич яқинлашди, лекин Август Юденич армиясига ҳам қўшилмади.

Очликдан силласи қуриган Август бир куни уч-тўртта расмларини қўлтиқлаб, Анничкин кўпригига келди. Шу заҳоти уни одамлар ўраб олди: Осиё, карвонлар, ўтовлар, мачитлар манзараси, кишининг сўлагини келтирадиган анвойи мевалар ҳамда тилимланган қовунлар сурати, дарҳол томошабинлар ва харидорлар диққатини ўзига тортди. Расмлардан тушган пул нон, чой ва папирос харид қилишга аранг етди. Аста-секин кўзи очилиб, расмларини энди гугуртга, ўн дона оқ тешиккулча ёки бир бўлак колбасага алмаштирадиган бўлди. Аммо шундай кунлар ҳам бўлардики, икки қўлини бурнига тиқиб уйига қуруқ қайтарди. Томошабинлар кундан-кунга ортгандан кўпайиб борарди. Август ҳар доимги жойи кўприкка — бронзадан ишланган арғумоқлар ҳайкали олдига келиши билан одамлар уни ўраб олишарди.

Бир куни очликдан ранг-рўйи заъфарон, кўк кўзлари ўйчан, ўн уч ёшлар чамасидаги бир қиз Августнинг олдига келиб:

— Амаки, мана бу суратингиз қанча туради? — деб сўради.

— Қайсиниси?

— Мана... мана буниси...

Қиз елкасигача очиқ ва докадек оқариб кетган нимжон қўлларини чўзиб суратни кўрсатди.

— Буниси сотилмайди.

— Нега?

У қизга қараб қўйди-да, ўйлаб туриб:

— Сотилади-ю, лекин баҳоси қиммат, — деди.

— Қанча туради?

— Жуда қиммат, пулинг етмайди.

Қиз очликдан хиралашиб, ранги ўнгган кўзларини унга аста тикди-да, хўрсиниб яна суратга қаради. Бу суратда эса, мулойим жилмайиб турган ёшгина, гўзал рус аёли ҳамда мўйлови қоп-қора, чарм фартук боғлаган ва дўппи кийган, оёқ яланг темирчи тасвирланганди. Темирчининг чап қўли кўксиди, ўнг қўлида — тўқ сариқ пиёла, ерга солинган бўйрада — қора қумғон, темирчининг орқасида — кўрада ёнаётган олов.

Қиз суратдан умидини узолмай ахири кетди, лекин орадан уч соат ўтгач, яна қайтиб келди, қараса — ўша сурат йўқ.

— Амаки, бояги қани?..— секин сўради у.

— Боягинг нимади?..

— Мен олмоқчи бўлган сурат-чи.

— Сен сотиб олмоқчи бўлган суратми?.. Э-ҳа... уни сотиб юбордим.

— Сотиб юбордим дейсизми?!— Қиз унга кўзларини катта очиб, қўрқув аралаш шубҳа ва таъна назари билан қараб, шу алфозда тикилиб турди-турди-да:— Нега энди? Нима учун сотиб юбордингиз? Ахир, уни мен сотиб олмоқчи эдим-ку,— деб қўшиб қўйди.

— Нима гап ўзи? Бу сурат сенга нега бунчалик керак бўлиб қолди?

— У ойимнинг сурати эди.

Август қизнинг гапига тушунмади.

— Қанақа ойинг? Қаерда?

— Ушатда... бояги суратда... Сиз менинг ойимнинг суратини чизибсиз. Сиз ойимни қаердан биласиз?.. Сиз уни танийсизми?

Август қизга узоқ қараб қолди. Туш кўраётган бўлсам керак, деб ўйлади у.

— Фамилиянг нима?— сўради у охири.— Исминг нима?

— Варламова Наташа.

— Хўш?.. Ундай бўлса, суратнинг сенга нима дахли бор?

— У ойимнинг сурати,— яна ўша гапни такрорларди қиз.— Унинг фамилияси Малясова. Надежда Сергеевна Малясова. Демак, сиз ойимни танийсиз, шундайми?

— Ҳа... Танийман... Бир пайтлар танирдим. Мен Август Снигур бўламан. Менинг тўғримда бирон нарса эшитганмисан?



Қиз жавоб бермади. У дам ерга қараб тикилиб, дам бошини кўтариб, унга қаради. Кейин шу индамаганича кўприкдан ўтиб кетди. Лекин унинг кўзига бу қизнинг юриши ғалати кўринди, очликдан тинка-мадори қуригани учун гандираклаб кетяпти, деб ўйлади.

Август қизни чақирмоқчи, кетидан югурмоқчи бўлди. Бироқ худди олдида девор пайдо бўлиб, уни бузиб ўтишга қурбн келмайдигандек, турган ерида қимирлолмади.

Шу учрашувдан кейин Август бир ҳафтагача кўприкда кўринмади. Ўша кунги қатъиятсизлиги учун гўё ўзидан ўч олмоқчи бўлгандек, жон-жаҳди билан ишга шўнғиб кетди. Наташа Варламовага атаб, у сотиб олмоқчи бўлган суратнинг янги нусхасини чиза бошлади. Август унинг албатта яна келишига ишонар, имони комил эди.

## 9

Бир кунни у Наташага атаб чизган суратини олди-да, ҳар доим турадиган жойига келиб, уни кута бошлади. Август Наташа кетган томонга тикилиб, кўзлари тўрт бўлиб, бир неча кунгача йўлини пойлади, аммо қиздан дарак бўлмади. Бу суратга кўп одам харидор бўлди, лекин ҳеч кимга сотмади.

Кунларнинг бирида Наташа ўрнига сочлари тўзиган, яланг оёқ, ёши ҳам тахминан қизнинг ёшига тенг бир бола келди. Бола сурбетлик билан одамларни туртиб-итариб олдинга ўтиб олди-да, суратларни бирма-бир кўриб чиқди ва ниҳоят Наташа учун эҳтиётлаб қўйган суратга тикилиб қолди.

— Ҳой рассом, манови суратингга қанча берай?— деб сўради у дағаллик қилиб.

Август жиркангансимон кўз қирида болага қараб қўйди-ю, лекин индамади.

— Эшитяпсанми, мен сенга гапиряпман, ҳой хумпар! Манови суратингга қанча сўрайсан? Айт.

— Йўқол бу ердан!

— Қўйсанг-чи... Мен сендан жиддий сўраяпман, хумпар. Сен уст-бошимга қарама. Мен ростдан сотиб олмоқчиман. Мана пул.

— Бу сурат сотилмайди.

Бола индамай чўнқайиб ўтирди.

— Нега бу суратни менга сотгинг келмаяпти? Пул керакми сенга? Ма, хумпар, хоҳлаганингча ол.

— Мен сенга гапнинг пўскалласини айтдим-ку...  
Қани, туёгингни шиқиллат.

Бола ўтирган еридан қимирламади:

— Масала равшан, хуллас, менга сотгинг йўқ. Майли, менга сотмасанг сотма. Тушундингми? Хумпар! Мен бу суратни ўзимга олмоқчимасман.

— Бўлмаса кимга?— Август чекиб тамомламаган папиросини оғзидан олди-да, кўприк панжарасидан ошириб, шартта сувга улоқтирди.— Қимга олмоқчисан?

Бола муғамбирона жилмайиб дам суратга, дам рассомга қаради.

Августнинг юраги така-пука бўлиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради.

— Қани у?

— Ким?

— Уша қиз. Биламан, суратни ўша қиз сотиб олмоқчи! Ўзи қани?

Бола унга бир қараб қўйди-да, кейин яна суратга тикилди.

— Манави ким?— деб сўради у кирлаб кетган бармоғи билан суратни кўрсатиб.— Қиз болами?

— Майнабозчиликни йиғиштир!— Август боланинг ёқасидан бўғмоқчи бўлиб, унга интилди.— Сени бу ерга ким юборди?

— Манави...— деди у полотнола сурати чизилган аёлни кўрсатиб.— Шу юборди.

— Ким?!

— Уша-да, — деб такрорлади бола ўрнидан тураркан. — Ким бўларди? Кимнинг суратини чизган бўлсанг, ўша аёл юборди. Хув ана... кўприкнинг охирида турибди... Ана, кетди... Ана, ҳайкал томонга юрди... Анови... хаҳ, оти нима эди... хотин подшоҳ бор-ку... Екатерина...

## 10

Йўқ, Надя гарчи қадамини тезлатган бўлса ҳам узоқлаб кетолмади.

Август худди ёш боладек унинг кетидан югуриб, кўприкдан ўтди.

Борди-ю, у бўлмаса-я, деган хаёлга борди-ю, бироқ номини айтиб чақиришга юраги дов бермади.

Надежда Сергеевна орқасига қарамай, йўлида давом этаверди. Лекин тезроқ қочиб қутулгиси келарди. Гўё оёқлари остида ер ёнаётгандек, чирпирак бўлиб айлана-

ётгандек туюларди. Атрофидаги жамики нарса! кўприк ҳам, ундан ўтаётган от-аравалар ҳам, йўловчиларнинг овози ҳам — ҳаммаси қўшилиб шу қадар шанғиллаб гулдираб кетдики, қани энди бу даҳшатли товушлар тезроқ тина қолса, деб ўйлади бирдан.

Надежда орқасига ўгирилиб қараши биланоқ овоз чиндан ҳам тиниб, ҳамма ёқ сув қуйгандек жимжит бўлди-қолди.

— Надя... Сени кўрганимдан беҳад хурсандман... Нега энди... ёнимга келавермадинг?.. Сен шу ерда... Петрограддамидинг?..

— Шошиб турибман, Август...

— Қаерга шошяпсан? Мен сен билан... Майлими?

— Йўқ, асло! Бу мумкин эмас.

— Мен барибир сен биланман... Жаҳлнинг чиқмасин.

— Ҳа, йўқ... Жаҳлим чиқаётгани йўқ... Лекин... Мен болаларим олдига шошиб турибман. Қизим Наташа билан ўғлим Святослав шу ерда.

— Сен ҳалиям ўша-ўша... гўзалсан... Илоҳий гўзаллик...

— Қўйсанг-чи, Август.

Шу пайт тўсатдан уларнинг суҳбатига бегона овоз аралашиб қолганидан иккиси ҳам ҳайрон бўлишди.

— Хўш, хумпар, тўғри айтибманми?.. Сурати солинган аёл шунинг ўзгинаси-ку. Менга қара... ма, суратларингни ол, йиғиштирмай, жўнаб қолдинг-а. Сен, гражданка... пулларингни ол, мана...

— Ҳой бола, шошма,— деди Надежда Сергеевна довираб.— Майли, пулни сен ола қол.

— Кераги йўқ. Саломат бўлсинлар!— У қўлини худди чўнтагига солгандек иштонининг йиртиғига тикди-да, катта-катта қадам ташлаб, ашула айтиб жўнади:

Кўчада юрар танҳо.

Каттакон бир аждаҳо,

Қорни очган, бандаи бенаво...

— Надя, бирон жойга бориб овқатлансак, нима дейсан?

— Йўқ, Август, раҳмат. Мен борай энди.

— Қандай бўларкин? Ахир, биз бундан кейин, эҳтимол кўришмасмиз.

Надя индамай унга қараб тураркан, ҳақиқдек қора кўзларида ғамгинлик ёхуд таъна аломати бор эди.

— Мени кечир... Сенинг олдингда гуноҳкорман...

Надя ҳамон индамас, унинг оқариб кетган, лекин ҳали ҳам қалин сочларига, кумуш ранг калта соқол қоплаган ҳорғин юзига, қўй кўзларига тикилиб турарди.

— Жуда ҳам қариб қолибсан, Август,— деди у паст овозда.— Бардам бўл, бўшашма... Соқол-мўйловингни олиб юр, ўзингга қарагин.

— Рухсат эт, қўлингни ўпай...

Надежда Сергеевна оқ шойи қўлқопини ечди-да, қўлини узатди.

— Ҳали-ҳали эсимда, сен театримизда қўйиладиған «Аида»ни яхши кўрадинг. Балки...

— «Оққуш кўли» балетини ҳам.

— Ҳа. «Оққуш кўли» балетини ҳам. Эртага шу балет қўйилади. Балки... бирга борсак, нима дейсан?..

— «Оққуш кўли» балетини яна бир марта кўриш... Чайковский музикасини эшитиш... Нима десам экан... мен муғамбирлик қилишни билмайман. Шу балетни яна бир бор кўрсам, ўзимни жуда бахтиёр ҳисоблардим. Лекин билет топиш амри маҳол-ку.

— Бунинг ташвишини қилма. Мен эртага театр олда сени кутаман.

## 11

— Ҳаммаси шу балетдан ўтаверсин,— деди Надежда Сергеевна театрдан чиқиб келишаркан.— Музикаси жозибали, илоҳий музика! Эшитиб ўтириб, ўйланиб қолдим: эй, худойим, нақадар бахтлиман-а! Ҳали энг асосий орзу-тилагим ушалганича йўқ. Қани энди ана шу орзуимга тезроқ эриша қолсам. Мен Ленинни кўрмоқчиман. Эшитишимга қараганда, Учинчи Интернационалнинг иккинчи конгресси шу ерда, Петроградда бўлармиш. Уни Ленин бошқарармиш. Ленинни кўриш қандай бахт, бир тасаввур қилгин-а, Август! Кейин эса Туркистонга қайтиш. У ердаги одамлар... Қурбон, Тозагул, Худойқул... менинг гапларимни зўр эҳтирос билан тинглайдилар ҳали... Уларнинг ҳаяжонланишини, юз-кўзлари шавқ-завқ билан нурланишини ҳалитдан кўриб турибман! Варламовни айтмайсанми?! Петр Ильич Варламов! Менинг эрим! У менинг шодлигимга, бахтимга шерик бўлади, айти вақтда менга ҳаваси ҳам келади. Ахи-

ри қариб, буви бўламан, невараларим бўлади, ўшанда... Қаёққа кетяпмиз, Август? Кечирасан, мен яна гапга тушиб кетибман. Эҳтимол, сенга бу гапларнинг қизиғи йўқдир?..

У индамади, нима хусусдадир ўйланиб қолиб:

— Ростини айтсам, нима ҳақда гипираётганингни эшитганим ҳам, тушунганим ҳам йўқ,— деди.— Фақат овозингни эшитдим, холос. Шунинг ўзи мен учун катта бахт. Ёнимда кетаётганингдан теримга сиғмаяпман. Менга шундан бошқа нарсанинг кераги йўқ. Ҳеч нарса... Сен гапиравер, гапиравер... Қулогим сенда, эшитаман.

— Қаёққа кетяпмиз ўзи?..

— Ўзим ҳам билмайман. Балки, Ёзги боққа борсакмикин? Бирпас ўтирардик.

Надя бир оз ўйланиб турди-да:

— Майли,— деди.— Шундай оқ тунда Ёзги боққа кирмаслик гуноҳ бўлади...

Иккови елкалари бир-бирига тегиб-тегмай, ёнма-ён бораверишди, лекин Август унинг қўлтиғидан олишга юраги бетламади.

— Ёдимда... Сен билан танишмасимдан бурун ҳам, бир ўзим Ёзги боғда сайр қилишни яхши кўрардим... Мен ҳар сафар мағрурланиб, эҳтимол соддалигимдан бўлса керак, ўзимча ўйлардим: Бу даргоҳга Чайковскийнинг пойқадами теккан... У мана шу чўян ўриндиқда ўтирган... Шу билан бирга Пушкин, Лермонтов ҳақида ҳам ўйлардим... Бу шаҳар қанчадан-қанча улуғ кишиларни вояга етказди. Уларнинг номини айтиб, санаб туғатиб бўлмайди. Лекин бизнинг Петроградимиз ҳали жуда навқирон... Унга бор-йўғи икки юз йил бўлди... Сал ошиқроқ... Икки юз ўн етти йил... Ёдимда, 1916 йил, мен ўшанда қандай хурсанд бўлгандим... Биз ўрмонда Варламов билан бирга яшардик... Шунда Петербургни Петроград деб аташ тўғрисида фармон чиққан эди. Дарҳақиқат, нега энди; «град» бўлмай, «бург» бўларкан. «Град» сўзида бир дунё маъно бор: дўл, моқалдироқ, яшин... Град, шаҳар...

Улар Ёзги боғда Платон ҳайкали ёнидаги чўян ўриндиққа ўтиришди. Август чурқ этмасди, лекин Надежда ҳамон бидирлар: қудратли композиторлар, халқпарвар рассомлар, улуғ актёрлар ҳақида, Тошкентда машҳур актриса Комиссаржевская билан учрашгани, Комиссаржевская уни актриса қилиб етиштиромоқчи бўлгани ҳақи-

да тўлиб-тошиб гапирарди. Агар у қора чечак касалидан Тошкентда вафот этмаганида, эҳтимол, мени ҳам актриса қилиб етиштирармиди, деб ўқинар эди.

Надежда тўхтовсиз гапирар ва афтидан, агар мен гапдан тўхтасам, Август бошлайди, ўтган гапларни эслашга тушади, деб қўрққанидан атайин шундай қилгани кўриниб турар, дилида эса унинг гапини эшитгиси келарди.

— Комиссаржевская... қора чечак... Сира тўғри келмайди... Ақл бовар қилмайди-я...

— Ҳа, уни рухдан ишланган тобутга солиб, Петербургга олиб келишгани эсимда,— деди Август.— Мен ўшанда вокзалга ҳам, қабристонга ҳам боргандим. Кўп одам бормади, чўчишди шекилли. Комиссаржевскаяни ҳаддан ортиқ севиб эъозлашарди-ю, лекин дафн маросимига боришмади. Ушанда менинг бутун фикри-ёдим сенда эди, фақат сени ўйлардим... Сен қандай қилиб яшайсан... ўша осиеликлар билан?.. Вабо, ўлат, қора чечак орасида?..

— Бу касаллик камдан-кам бўлади, Август. Аҳён-аҳёнда.

— Комиссаржевская ўлди-ку! Ахир Комиссаржевская сен бўлган жойларга бормасданоқ, ҳақиқий даҳшат нималигини кўрмасданоқ оламдан ўтди.

— Начора... Пешанасига битилгани шу экан-да. Даҳшат билан ваҳима ҳамма ерда ҳам бор. У ерда сен айтган даҳшатлар йўқ, безгак деган балойи азим бор. Одамлар ана шундан азоб чекишяпти.

— Кўра била туриб яна ўша ерга бормоқчимсан?

— Албатта.

— Қачон жўнамоқчисан?

— Яқин кунда. Мен энди осиелик бўлиб қолдим, Август. Энди ўзингдан гапир. Хўш, онланг, хотининг, бола-чақаларинг қаерда?

— Бола-чақам йўқ, Надя. Хотиним Швейцарияда, қайнатам билан қайнанам эса Францияда.

— Нега улар билан кетмай, бу ерда қолдинг?

— Ҳа, шунақа бўлди.

— Нега?

Август анча вақт индамай қолди-да:

— Билмадим,— деди ниҳоят.

— Афсусланаётган бўлсанг керак-а, Август?

— Нимадан?

— Бирга кетмаганинг учун. Ҳалиям бўлса вақт ганимат.

— Йўқ, Надя. Сира афсусланаётганим йўқ, аксинча... Мен бахтлиман.

— Бахтлисан?

— Ҳа, кечадан буён. Бир кунмас-бир кун албатта учрашишимизни негадир юрагим сезарди, бунга ишонардим. Мана кўрдингми, сезганим тўғри чиқди. Мен хурсандман. Ҳа, бахтиёрман. Борди-ю, агар сен Петроградга келмаганингда, сени бу ерда учратмаганимда барибир сени қидириб яна Осиёга борардим.

— Нима қилардинг бориб, Август?

— Сендан кечирим сўрагани.

— Эҳ, Август!

— Ҳамма мени ташлаб кетганидан бери ёлғиз қолиб, ўзимни овутиш учун нуқул қўшиқ айтаман...

Қанотим қайрилган, қанотим синган..  
Аччиқ ҳасрат сари қалбим бошлади,  
Аллақандай кумуш қуюнлар билан,  
Бутун йўлларимни кўмиб ташлади...

Август бунни қўшиқ қилиб эмас, балки сўниқ овоз билан бошини қуйи солиб секин айтди.

— Қўшиқ айтсам, йиғлаб юбораман. Йиғлаганим йиғлаган.

Надя оқ туннинг ғира-шира ёруғида унинг кумушдек товланган оппоқ сочларига қаради-ю, яна кечагидек, кўприкда кўргандагидек юраги ачишиб кетди.

— Август, мени кечиру, лекин бу қўшиғинг дсйдилар ёинки... ўғри-каззоблар айтадиган қўшиқ-ку.

— Энди мен ҳам дайдиларнинг бириман, улардан фарқим йўқ. Бу қўшиқ ҳам — ўз тўғримда.

— Сен бирон ерда хизмат қилишинг керак.

— Қимга хизмат қилишимни ҳам билмайман.

— Совет ҳокимиятига хизмат қилиш керак. Фақат Совет ҳокимиятига. Қўлингда гулдай ҳунаринг бор: инженер-техниксан. Ҳозир Совет ҳокимияти сендай мутаҳассисларга жуда муҳтож. Шунда сендан жуда хурсанд бўлардим.

— Хурсанд бўлардим дедингми, Надя? Шундай қилсам мендан хурсанд бўласанми? Шу гапинг чинми?

Надя жавоб беришга улгурмай, Август унинг олдида тиз чўкиб қўлини ушлади.

— Қўй, Август, керак эмас. Мен борай энди, қани юр кетдик,— деди шошилиб ўрнидан турар экан.

Август бош эгиб, итоат этди. Иккови ҳам индамай боғ дарвозасидан чиқди.

Улар қаеққа кетаётганини, қайси кўчалардан юраётганини билмасдилар. Певческий кўприги<sup>1</sup> орқали Мойка анҳоридан ўтишгач, беихтиёр тўхташди. Қўшиқчилар хори жойлашган иккинчи қаватнинг очиқ деразасидан гитара жўрлигида қадимий романсни куйлаётган эркак кишининг ширали овози эшитилди:

Нола қилар куз шамол,  
Учар сарғиш япроқлар...

— Сендан биргина илтимосим бор,— деди бехосдан Август,— мени кечиргин...

Август Надяга гитара жўрлигида қўшиқ тинглашига жалақит бергани учунми ёки кечирим сўрагани учунми, нимагадир унинг энсаси қотгандай афтини бужмайтирганини кўрди-ю, бироқ жавоб эшитмади.

— Лоқал бир оғиз сўз айтгин... Фақат бир оғизгина... — дерди у нуқул.

— Севгининг кўзи кўр бўлади, Август. .. Начора... Мен сени севардим.

— Севардим, дедингми?!

— Ҳа, мен сени жуда севардим. Шундай севардимки!.. — тўсатдан қизишиб сўзлай бошлади ва шу заҳотиёқ гапдан тўхтаб, ўзича ўйлади: «Вой худойим-е! Нега энди... буни унга гапиряпман?! Йўқ, йўқ, гапирмаслик керак». Надежда иккиланиб типирчилаб қолди ва тўсатдан бир вақтлардаги ажойиб хислати ёдига тушди. Бу хислат илгари, айни шундай нозик дақиқада асқотиб кераксиз ва ортиқча гапдан таққа тўхташига ёрдам берган, хи-жолатпазликдан уни сақлаб қолган эди. Афсуски, бу хислатнинг қалити йўқолган шекилли, шунча ўйласа ҳам топилмагач, ҳозирги жонсарақлиги фолиблик қилиб, ўзини тиёлмай, яна гапга тушиб кетди:

— Сени қанчалик севишимни билардинг. Лекин сен... Нималар қилдинг?! Севгимни хор қилдинг! Шу қадар разилликка, пасткашликка бориб, аблаҳлик қилиб мендан юз ўгирдинг, қочиб қолдинг. Вақт-соатим тўлмасдан тўлғоқ тутиб касалхонада ётганимда, сен номардлик қи-

<sup>1</sup> Қўшиқчилар хори жойлашган бино ёнидаги кўприк.



либ, мени ташлаб кетдинг. Ушанда, жўнаб кетганингни эшитиб, қай аҳволга тушганимни биласанми?.. Қочиб қолдинг-а! Мени ёлғиз ташлаб кетишга қандай кўзинг қийди? Қандай қилиб жўнаёлдинг-а? Ҳали-ҳали бунга ақлим бовар қилмайди. Ҳеч тушунмайман. Ишонмайман, ахир бу куракда турмайдиган қилиқ-ку. Инсон қўлидан шунақа ишлар келишига асло ишонмайман. Яна кимни денг! Августни-я! Менинг Августимни-я! Бир вақтлар иккимиз танишган кунни, биринчи тунни бедор ўтказиб, сени ўйлаб: «Август... Август... Рим императори Август Октавиан...»— деб не-не орзулар билан тонг оттирдим. Гарчи бу орзу-тилакларим болаларга хос соддалик, ёшлик ғурури, романтика бўлса-да, айни вақтда мен сени энг гўзал, энг жасур, довурак ҳамда вафодор, ажойиб инсон сифатида кўриш ниятида эдим. Сен бўлсанг... Бутун орзу умидларимни пучга чиқардинг. Агар дунёда Кузьма Захарич, Қурбон, Тозагул, Худойқул ҳамда Варламов каби одамлар бўлмаганда, менинг одамларга бўлган ишончимни сен бутунлай поймол этган бўлардинг. Сендан бундай иш келишига гоҳ ишонардим, гоҳ ишонмасдим. Чунки мени қанчалик севишингни билардим-да! Шунинг учун ишонмасдим, бундай номардлик қиласан деб хаёлимга ҳам келтирмасдим. Ҳали ҳам тушунолмаيمان: нима учун мени энг зарур пайтда, менга фақат сен керак бўлган дақиқада ташлаб кетдинг? Йўқ, мен бунга асло кечиролмайман. Иложим йўқ! Иложим йўқ!— усма-уст такрорлади Надежда Сергеевна қалбида сақланган бутун ғазаб ва нафрат яна бирдан хуруж қилганини сезиб.— Ушандан бери сени кўрарга кўзим йўқ. Сендан нафратланаман. Август, кет, мени ўз ҳолимга қўй! Бор, жўна.

— Мени кечир. Агар кечириш мумкин бўлса, гуноҳимдан ўт,— деди Август яна сўниқ овозда.

Бу яқинда бўлган эди...  
Бўлган эди илгарин... —

очик деразадан яна ўша дўриллаган овоз ва торлар садоси эшитилди.

Надя Августга қаради, у чўкка тушиб, барвақт оқарган оппоқ сочли бошини, гўё кундага қўйишга тайёрландек, эгиб турганига кўзи тушди-ю, қалбидаги ғазаб ва бутун нафрат қандай пайдо бўлган бўлса, яна ўшан-

дай худди мавж урган тўлқин изига қайтиб тарқалган-  
дек, тарқалиб кетди, унинг ўрнини ачиниш, раҳм-шафқат  
ва меҳрибонлик ҳисси қамраб олганини бирдан сезиб,  
кўзлари филт-филт ёшланди, кумушсимон оқ тун бир  
зум хиралашгандек бўлди.

— Кечир мени, Надя... Утинаман, илтижо қиламан...

Бу — яқинда бўлганди...

Бўлган эди илгари...

Надя унинг бунчалик азоб чекишига ортиқ бардош  
беролмади: индамай энгашди-да, оппоқ сочларидан аста  
ўпди.

Лекин шу пайт бирдан ўша хислат кўксининг алла-  
қаерида яна пайдо бўлди. «Бас қил, эс-ҳушингни йиғ!»  
дегандек огоҳлантириб, яна ғойиб бўлди.

— Тур ўрнингдан, — деди Надя жиддий равишда, ле-  
кин овози яна қатъий, ҳатто илгаригисидан ҳам кескин  
чиққани учун суюнди. Ҳатто ундан кўра жиддийлигига  
қувонди. — Мен уйга боришим керак.

Эртаси кечқурун оқ тун, худди қизлар тушидаги хаё-  
лий шарпа сингари шаҳар узра қанот ёйган чоғда, икки-  
си яна Ёзги боғда яна ўша чўян ўриндиқда ўтиришарди.

— Блокнинг «Гўзал хоним» шеъридаги мана бу  
мисралар эсингдами?

Бўридай ойга ув тортгайман,

Билмайман, ўзимни етгайман,

Ортингдан қайларга кетгайман...

— Бу шеър менинг ҳақимда эмасми ахир? — деди Ав-  
густ. — Лекин сен қўрқма... Асло қўрқма. Мен сени таъқиб  
қилмайман, кетингдан қувмайман... Севган эринг, оиланг  
борлигини биламан. Гуноҳимдан ўтиб, кечирганингнинг  
ўзи мен учун етарли. Ана шунинг ўзи мен учун катта бахт.

— Демак, сен ҳалиям китоб ўқишга ишқивозсан,  
шундайми? — сўради Надя самимий оҳангда ва афсусла-  
ниб қўшиб қўйди: — Мен эса... ҳозир жуда кам ўқийман.  
Сабабини ўзим ҳам билмайман. Лоақал, бирон марта  
ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрмапман-а. Албатта, бу яхши эмас.  
Жуда ёмон. Яхшилаб ўйлаб кўришим керак. Уқиш керак.  
Сенга қойилман. Сен доим... оқил ва зукко эдинг. Фа-  
қат... ироданг бўш. Ўзингни қўлга ололмайсан. Ўзингни

мажбур қила билмайсан. Ҳозирги пайтда бу нуқсон сени ахийри ҳалок қилади. Шуни билиб қўй.

— Сен менинг саволимга яна жавоб бермаяпсан,— деди Август яна тиқилинч қилиб.— Айт-чи, мени кечирдингни, ё йўқми?

— Тавба, жуда шилқим бўлиб кетибсан, Август,— деди Надя энсаси қотиб.— Кечирдимми йўқми, бунинг сенга нима фойдаси бор?! Барибир, биз энди... ҳеч қачон бирга бўлолмаймиз. Кел, яхшиси, бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик. Мана... масалан, Блок. Нима?.. У ҳозир Петрограддами? Заррача иккиланмасдан большевиклар томонига ўтди. Шундай зиёли одам-а!

— Сен-чи?

— Мен нима?

— Сенми?.. Сен ҳам ўшандай зиёли оиладансан. Сен ҳам ахир... Большевиклар томонга ўтиб олдинг-ку.

— Майнавозлик қилма, Август,— деди у жиддий.— Йўқса мен кетаман.

— Сенга нима бўлди ўзи, Надя? Мен майнавозлик қилаётганим йўқ.

— Майнавозлик қиляпсан. Илгари ҳам шу қилигинг бор эди. Ҳали ҳам йўқолмабди-да.

— Кечирасан... Сени асло хафа қилмоқчи эмасдим. Асло.

— Александр Блок билан мени нега бир қаторга қўясан? Мен оддий бир одамман. Менга ўхшаганлар сон мингта. Борди-ю, менга ўхшаган мингдан биттаси хато қилса... йўлдан озса... билинмайди. Блокка ўхшаганлар эса бармоқ билан саналади... Ҳозирги пайтда у кимнинг тарафида эканлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Бўпти, энди. У ҳақда гап очмаймиз... Сенга шуни айтмоқчиманки... англашингни истардим. Мени тушунгин... Шуни билки... сени севаман... Сени севиш — мен учун кифоя... бошқа ҳеч нарса керак эмас. Тушуняпсанми, Надя? Хўш... севмаслик-чи... Йўқ-йўқ! Фақат севиш! Сени севмаслик мумкин эмас. Мен фақат сенга, сенинг қўлларингга, лабларингга, чаросдек қоп-қора кўзларингга боқсам, сочларинг бўйндан нафас олсам дейман, ана шунинг ўзи мен учун бахт, бахт бўлгандаям мислсиз бахт. Назаримда... бутун умр... умр бўйи ҳеч нарса емай-ичмай, фақат сарпойчан оёқларинг изига термилиб чарчамасам керак. Менга қолса... бир вақтлар икковимиз ўтирган жойда, ҳув анови ерда... қарағайзор ортида, Фин

икўрфази соҳилида ўтирардим-да, ҳозиргина сен босган ҳўл қум устидаги изларингдан кўзимни узмасдим. Майли, одамлар мени жинни бўлибди дея қолсин, барибир термулиб ўтираверардим...

«Е, тавба... Наҳотки у мени ҳалиям шунчалик севса?! Бу — даҳшат. Варламов... Петя! Мени қутқар!— Биринчи марта Надежда Сергеевна эрини эслаб хаёлан ёрдамга чақирди-да, ўша ҳалоскор хислатини қалбидан қидира бошлади.— Петя! Петя! Гапимни эшитсанг-чи, ахир! Нима учун сен ҳеч қачон менга бундай сўзларни гапирмайсан?!»

— Энди сен кетасан, Надя, мен бу ерда қоламан. Лекин то ўла-ўлгунимча сени севаман. Ахир, гуноҳларимни кечирдинг-ку. Энди бунга ҳаққим бор.

— Нега энди ҳаққинг бўларкан?

«Бунини нима қилиб сўраб ўтирибман-а?»— деб ўйлади Надежда Сергеевна.

— Ахир, мени кечирдинг-ку! Тўғрими? Кечирдингми? Борди-ю, кечирмаган тақдирингда ҳам... Барибир... сени ўйлашга, севишга ҳаққим бор. Энди мени севмасанг ҳам, мендан нафратлансанг ҳам майли. Барибир мен сенингу дои жонингни қиламан... Ва сени...

— Бас қил, Август. Осмондан пастга туш,— деди Надя.

Август унга таажжубланиб қаради:

— Сен нимани назарда тутяпсан?

— Асосийсини, Август. Энг асосийсини.

— Гапингга тушунмадим.

— Эндиликда биз тамоман бошқа-бошқа одаммиз, шуни унутиб қўйибсан.

— Бу гапинг билан нима демоқчисан?

Надя унга қаради-ю, бирдан ҳайрон қолди: Август нимадандир жаҳли чиқиб, бутунлай қизариб кетганди.

— Балки, сен ўз марксистик эъдиқодингни назарда тутяпгандирсан? Большевистик революционликними?..

— Албатта. Худди шуни назарда тутяпман.

Надя унинг кўзлари қисилиб ўт чақнаганини кўрди. Унинг кўзлари бу хилда қисилиб, яшиндай чақнашини илгарилари ҳам, ҳатто ёшлик чоғларида ҳам ёқтирмасди. Шуни кўриши билан севинчи ва унга бўлган меҳр-муҳаббати дарҳол сўнарди. Лекин у пайтларда бу нарса бирпасда ўтиб кетарди.

Унгландимкин десам, қайтага баттарлашибди.

«Ҳа. Жаҳли тез, заҳар бўлиб қолибди. Энди фойдаси йўқ. Овора бўлиш ҳам керак эмас. Жўнаш керак. Жўнаш, жўнаш...»

12

Шаҳарнинг ҳамма ерида, хусусан Путилов заводида, — айтгандай, Надежда Сергеевна Яригин билан Наташа Гордиенкони шу ердан топиб учрашди, — кўча-кўйларда ҳам, жаҳонга машҳур майдонлардаги кўчма ва чайқов бозорларда ҳам, Москва вокзалида ҳам, — Надежда Сергеевна вокзал бошлиғи ҳузурига киролмай, ҳарбий комендантга учрашганда у Туркистонга жўнаш учун ёрдам бермоқчи бўлди, — торф қазиладиган жойда ишлаётган қўшни аёллар орасида ҳам, — хуллас, бутун Нарва заставасидан тортиб шаҳарнинг ҳамма ерида: Ленин Москвадан Петроградга келаётганмиш, деган дув-дув гап бошланди.

Олдиниға бу ҳақда шунчаки миш-миш тарқалиб, бора-бора босилди. Кейинроқ эса бу хабар яна пайдо бўлди-да, тобора зўрайиб, худди Болтиқ шамолидай, яшин тезлигида Петроградга ёйилди.

Надежда Сергеевна имкони бўлса эртага, ҳатто ўша куниеқ жўнашга қатъий аҳд қилгач, Ёзги боғда Август билан хайрлашди ва кузатиш учун вокзалга чиқишини унга қатъиян ман қилди-да, эртасига эрталаб Москва вокзалидаги ҳарбий комендант ҳузурига келди.

Бу ерда, вокзалнинг гумбазсимон шифти остида вағир-вуғир гап авжга чиққан эди. Лекин шунчалик шовқин-сурон орасидан Надежда Сергеевна эшитган биринчи сўз:

— Ленин!

Надежда Сергеевна тирбанд одамлар орасини аранг ёриб, ҳарбий комендант олдиға кириши учун навбатда турганлар қаторига ўтиб бораётиб беихтиёр уларнинг гапларига қулоқ соларкан, узук-юлуқ гаплардан фақатгина биргина сўз қулоғига аниқ чалинарди:

— Ленин...

— Ленин... Владимир Ильич... — яна эшитди Надежда Сергеевна, тугмаланмаган қора чарм куртка ва қора чарм шапкали, новча, қадди-басти келишган кишини ўраб олган қизил аскарларни айланиб ўтаркан.

Уларнинг маънодор юз-кўзлари, жиддий туришлари Надежда Сергеевнанинг эсида сақланиб қолди. Кўриниши чекистга ўхшаган бу чарм курткали кишининг буғдой ранг юзи нега қорайганини Надежда Сергеевна ўз касбига хос сезgirлик билан дарҳол аниқлади: ранги қорайиб кетганига асл сабаб, чарчаганлиги, тунларни уйқусиз ўтказганлиги эди, лекин шунга қарамай у зўр ҳаяжон билан, беҳад шод-хуррамлик билан гапирарди. Гарчи у чекистларга хос камгаплик билан ўз севинчини яширишга уриниб, қизил аскарлар берган саволларга ҳар сафар калта-калта жавоб қилаётган бўлса-да, барибир унинг шодлиги барқ уриб, қорачадан келган, ҳорғин, аммо бахтиёр чеҳрасидаги нурланишдан, кўкимтир тийрак кўзларининг чақнашидан ҳамда лабларининг сирли қимтинишидан бемалол сезилиб турарди. Надежда Сергеевна еттита қизил аскарни айланиб ўтгунича даврага яна тўрттаси, ҳаш-паш дегунча тағин учтаси келиб қўшилишди. Ҳаммасининг оёғида ботинка, болдирига обмётка ўралган, эғнида — ғижимланган ва ювилавериб ранги ўнган гимнастёрка, беллари камар билан танғилган. Қизил аскарлар бу кишининг уст-бошига, чеҳрасидаги қувноқликка, унинг нутқ оҳангига, дона-дона қилиб гапиришига маҳлиё бўлиб, зўр ҳаяжон ва диққат билан тинглашар эди. Надежда Сергеевна сал нарироқдан бу одамга қараб туриб, ўзича: ҳа, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган нарса бу кишига маълум, деган фикрга келди. Афтидан, фақат унгагина маълум бўлган нарса, энг яхши, шодиёна хабар бўлса керак, деб ўйлади.

Қизил аскарлар унинг атрофини ўраб, кетма-кет саволлар беришарди.

— Ҳой ўртоқ... Менга қара!

— Эшитаман.

— Энди нима қилишга тўғри келади-а?

— Ким?

— Мана, биз-да... Энди биз нима қилдик-а?

— Нима қилардинглар?

— Бу қанақасига? Ахир, Ленин келади деяпсан-ку...

Жимлик чўкди. Чарм курткали киши кулимсираб, лабларини янада маҳкам юмиб олди.

Надежда Сергеевна нари кетди, лекин орқа томондан:

— Демак, Ленин Петроградга келяпти, биз бўлсак, Петрограддан жўнаяпмиз. Омадимиз юришмаганини

қара-я...— деган ұша қизил аскарлардан бирининг маъюс овозини эшитди.

Надежда Сергеевна ҳали ҳам диққат билан атрофга қулоқ солиб, ҳарбий комендант олдиға кириш учун навбат олди. Ундан уч қадамча нарида қўлиға қизил лента боғлаган иккита кекса ишчи турарди. Улардан бири оппоқ мўйловни шалпайган, мовут шапка, матросларникига ўхшаш икки қатор жез тугма қадалган мовут китель кийган — икки бармоғи билан сигарета ушлаб турар, иккинчиси унга сал энгашиб, ўз сигаретасини тутатмоқда эди.

— Конгресс ўн тўққизинчи июлда Табриз саройида очилади,— деди у сигаретини ёндириб, қаддини ростлаб олгач.— Ленин халқаро аҳвол тўғрисида доклад қилади.

— Қанийди биз ҳам эшитсак,— деди ўйчан ҳолда хаёлға берилиб биринчи ишчи. Надежда Сергеевнанинг назарида унинг ёши каттароқ кўринди. Аммо иккинчи ишчи ҳам шеригидан ёш эмасди, фақат соқол-мўйлови йўқ, озғин эди. Унинг соқол-мўйлови тақир олингани учун энгаҳи билан оғзининг икки бурчи салқиб қолганди.

— Унинг сўзини эшитиш менга насиб қилиш-қилмаслигини билмадим; лекин ўзини албатта кўраман,— деди у ишонч билан.

— Уни кўрармикимиз-а?..— бир оз умидланиб, лекин гумонсираган тарзда сўради ёши каттароғи чап қўли билан қалин мўйловини икки ёққа бураб.

— Кўришимиз аниқ,— деб ишонтирди шериги ва янада хотиржам қилиш мақсадида гапини давом эттирди:— Хўш, вокзалдан ўтмай кетоладими? Йўқ. Биз бу ерга тартиб-интизомни назорат қилиш учун юборилганмиз. Шундайми?

— Шундайликка шундайку-я...

— Хўш, нима?

— Нима бўларди? Тартиб-интизом йўқ.

— Тартиб-интизом йўқ экан, албатта бўлади. Мана кўрасан, эртага эрталаб ҳамма ёқ тартибга тушиб қолади. Балки бугун кечқурунданоқ тартиб ўрнатилади.

— Бу қанақаси: «Эртага эрталаб, бугун эса кечқурун?» Нега энди бугун эрталабдан эмас? Нима учун ҳозирдан, ҳозирнинг ўзидан эмас?.. Хўш?

— Ахир, ҳозир бу ерда неча кишимиз?.. Икковимиздан бошқа яна ким бор? Хўш?

— Нима хўш? Қўлимиздан келганча тартиб-интизомга қарармиз ахир. Бизни шунинг учун бу ерга юбо-

ришган-да. Лекин бу ерда тартиб-интизом йўқ ҳисобиди.

— Шундай бўлгач, икковимизнинг қўлимиздан нима келади? Шундай катта вокзалда икки киши қандай қилиб тартиб ўрнатиши мумкин? Владимир Ильич ҳаётининг хавфсизлигини таъмин эта оладими?!

— Ҳа... Унинг ҳаёти азиз... Қўпчилик қатори сен билан мен учун ҳам... қолаверса, бутун дунё пролетариати учун... Жаҳон инқилоби учун!

— Ана шундай... Энди тушундингми, Матвейч? Ишқилиб, вокзалда Қапланга ўхшаган яна битта-яримта аблаҳ топилиб қолмасмикин?

— Энди мулла бўлганмиз, кўзимиз очилди. Бизнинг ишчиларимиз ана шундай аблаҳлардан Ленинни кўз қорачиғидай ҳимоя қилиши зарур!— деди қовоғини солиб ёши каттароғи ва бармоғи билан жез тугмаларини пайпаслаб чиқди-да, қўлидаги қизил лентани тўғрилаб қўйди.

— Мен ҳам худди шуни айтяпман-да,— деди шериги... — Бу ерда фақат икковимизгина эмас, бутун Петроград ишчилари бўлади,— тартиб-интизом албатта ўрнатилади. Владимир Ильичнинг хавфсизлиги тўла таъминланади.

— Биз-чи?

— Бизинг нимаси?

— Тумонат одам йиғилгандан кейин биз қаерда қолиб кетарканмиз?

— Қаерда қолардик? Шу ерда бўламиз.

— Ахир, биз уни кўролмай қолишимиз мумкин-ку!

— Албатта кўрамиз,— деб яна ишонтирди қотмадан келган шериги.

Надежда Сергеевна уларнинг гапларини эшигиб, афт-ангорларига разм солар экан, бир кўнгли улар ёнига бориб, Владимир Ильич қачон келармиш, деб сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин негадир юраги бетламади. Охири энди сўрамоқчи бўлиб турганда, орқада навбат кутиб турганлар унга бақиришди:

— Гражданка, сурилинг! Бу ёқдагиларга халақит беряпсиз ахир!

— Ҳой, шляпали хоним! Комендант олдига кирасизми ё йўқми?!

— Ким у тартибни бузаётган?!

— Гражданка, сизнинг навбатингиз. Дарча томонга сурилинг. Нега анқайиб турибсиз?



Надежда Сергеевна чўчиб кетиб, бу ерга нима учун келгани эсига тушди. Баланд эман эшикнинг ички тарафидан кичкина дарча ўйилган ва унга йирик кўзли темир панжара қоқилган эди. У дарчадан мўралаб сўради:

— Уртоқ ҳарбий комендант, айтинг-чи, Владимир Ильич қачон келади?..

Дарчанинг ички тарафидаги йўғон темир панжара ортидан кўк кўзлари ўқрайган, соқол-мўйлови ўсиб кетган кишининг ярим башараси кўринди.

— Сизга нима керак?— деди у ичкаридан.

— Мен билмоқчийдим... Менга бу жуда зарур... Туркистонга кетишим муносабати билан билмоқчиман... Ленин Петроградга қачон келади?

Жавоб ўрнига дарча шарақлаб ёпилди. Бир нафас ўтар-ўтмас залворли эман эшик очилди-да, баланд бўйли, келишган, новвот ранг соқолли, худди Дзержинскийга ўхшаган ҳарбий комендант чиқиб келди.

— Айтинг-чи...— Надежда Сергеевна унга мурожаат қилмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, индамай қўя қолди.

Ёғоч филофли маузер тақинган, қайиши елкадан ўтказилган комендант гапга қулоқ соймай, унга кўз қирида қараб қўйди, калитни икки марта шиқ этказиб буради-да, эшикни қулфлади-ю, залдан шахдам юриб, ташқарига йўл олди. Навбатда турганлар эса шовқин-сурон кўтариб, унинг кетидан югуришди.

— Уртоқ комендант... Менга қаранг ахир...

— Фақат битта саволим бор...

— Ҳамма масалалар бўйича ёрдамчимга мурожаат қилинсин,— деди у йўлида давом этиб.

— Менинг бир оғизгина гапим бор, холос...

— Уртоқ, ҳарбий комендант...

— Айтдим-ку... ҳамма масалалар бўйича ёрдамчимга мурожаат қилинсин,— деб такрорлади-да, қадамини секинлаштириш у ёқда турсин, ҳатто ўгирилиб қарамади ҳам.

Оломон муюлишга етгач, таққа тўхтади-да, девор ортида кўздан ғойиб бўлди.

Надежда Сергеевна ҳарбий комендантнинг ёлғиз қолганини кўриб, тезда унга етиб олди-да, йўл-йўлакай гапира бошлади:

— Уртоқ Сандалов, менга ёрдам бермоқчи бўлган эдингиз...

— Нима тўғрида?

— Мен Малясова бўламан, Туркистондан. Мен сизнинг қабулингизда бўлгандим... Эсингиздан чиқдимми?..

Комендант бирдан тўхтади-да, Надежда Сергеевнага бошдан-оёқ разм солиб қаради.

— Малясова? Туркистондан? Эсимдан чиққани йўқ. Фақат дарчадан қараганлигингиз учун сизни таниёлмадим. Владимир Ильич қачон келади, деб сўраган сизмингиз?

— Ҳа, мен эдим. Сирасини айтсам, билолмадим...

— Нима истайсиз?

— Менга ёрдам берсангиз. Тушунинг, ахир бу нарса жуда муҳим...

— Конгрессда бўлишни истайсизми?

— Ҳа.

— Лениннинг гапини эшитмоқчимисиз?

— Худди шундай.

— Буни сизга ваъда қилолмайман,— деди у кескин.— Лекин болаларингиз билан бирга тўғри Туркистонга борадиган вагонга жойлаштириш... бу ҳам осон эмас. Лекин... ҳар қалай, бу қўлимдан келади. Буни ваъда қила оламан...

— Ахир ҳозирги илтимосим бошқа хусусда,— Надежда Сергеевна энди қатъий, талабчанлик оҳангда гапира бошлади.

— Мен нима хусусида гапираётганингизни тушуниб турибман... Ленин ва Туркистон... Бу нарса чиндан ҳам жуда муҳим. Тушунаман.

— Ундай бўлса менга ёрдам беринг.

— Иложим йўқ, қўлимдан келмайди.

— Қўлингиздан келади.

— Келмайди.

— Келади. Ахир қўлингиздан келади, ўртоқ Сандалов,— деди Надежда Сергеевна ишонч билан.— Ваъда беринг.

— Иложим йўқ.

— Бу гапингизга ишонмайман.

— Модомики ваъда берарканман, ваъдамнинг устидан чиқишим керак. Тушуняпсизми?

— Тушунаман,— деди у кулиб.— Шунинг учун ҳам ваъда беринг деяпман.

— Гап бундай, мен сизни ҳозир ёрдамчим билан таништириб қўяман,— деди у ва шахдам қадамлар билан

изига қайтиб, эшиги баланд кабинети томон юрди.— Ёрдамчим Табриз саройини қўриқлаш учун тайинланган масъул шахслардан,— дея гапида давом этди эшикни шиқиллатиб очаркан.— У конгресс залига кириш учун сизга мандат беролмайди, балки пропускнинг ҳам иложини қилолмайди, лекин...— Сандалов гапини тугатмай эшикни очиб, кабинетига кирди-да, ёнма-ён жойлашган ёрдамчисининг эшигини калитсиз очди.

— Хазбулат,— деди Сандалов остонадан туриб.— Одамларни қабул қилишни бирпас тўхтатиб тур... Та ниш... Бу киши ўртоқ Малясова бўлади... Туркистондан...

— Аслида мен, петроградликман...— деди Надежда Сергеевна баланд бўйли Сандаловдан орқароқда туриб. Унинг ким билан гаплашаётганини ҳали кўрганича йўқ. Сандалов бир чеккага ўтиши билан Надежда Сергеевна бирдан оҳ деб юборди.

— Вой худойим-е... Қимни кўриб турибман-а! Хазбулат! Наҳотки бу сиз бўлсангиз?! Бу ўнгимми, тушимми? Қандай яхши бўлди-я! Хазбулат! Бу чиндан ҳам сизмисиз? Нега индамайсиз?!

Надежда Сергеевнанинг рўпарасида ўрта бўйли, ёши ўттизларга тўлиб-тўлмаган, эғнида кўк жундан тўқилган қийшиқ ёқали сертугма кавказча кўйлак, белига эса кумуш шокилали кавказча энсиз камар эмас, балки тўппонча тақиш учун қулай — энли чарм камар боғлаб олган одам турарди.

— Надежда Сергеевна! Қандай шамол учирди сизни бу ёққа?! Бунга қаранг-а!

— Нимасини айтасиз, Хазбулат! Бунга ўзим ҳам ишонмайман.

— Хўш, Петя қани? Петр Ильич ҳам шу ердами?, Петрограддами?

— Йўқ... у, у ёқда... Туркистонда... Фарғонада... Фронтда.

— Сиз-чи?

— Менинг келганимга анча бўлди... Болаларни олиб кетгани келдим. Кетиш тараддудидаман. Ленин Петроградга келармиш деб эшитиб, бир оз кечикишга аҳд қилдим. Балки, Ленинни кўриш, гапини эшитиш насиб бўлар... Надежда Сергеевна Сандаловга кўз ташлади: ҳарбий комендант зарур ишларини ҳам унутиб, бу тасодифий учрашувдан таажжубланиб дам ёрдамчисига, дам

Малясовга аланглаб қарарди. Ниҳоят, ўзини ўнглаб олиб: комендантга кўз қирини ташлади.

— Хўп бўлмаса, ўртоқлар, мен кетдим,— деди-да, кабинетдан залга чиқиб кетди.

— Қани энди бирпас ўтириб, у ёқ-бу ёқдан гаплашайлик, Надежда Сергеевна, — деди Хазбулат.

— Ахир, ишингиз бошингиздан ошиб-тошиб ётибдику! Дарчани тақиллатишларини қаранг...

— Бугун-эрта бундан ҳам муҳимроқ ишлар бор...

— Мен сизнинг вақтингзни олмай, бўлмаса.

— Шундай бўлса ҳам... ўтиринг, Надежда Сергеевна, бирпас гаплашайлик.

### 13

Хазбулат Кавказнинг тоғли ўлкаси Осетияда туғилди. У революция ишига жон-дили билан содиқ эди. Унинг революция томонига ўтишига анчайин бир қишлоқ попи сабаб бўлиб, буни ҳатто ўзи ҳам кутмаганди.

Воқеанинг бошланиши мана шундай бўлганди.

Уша унутилмас куни субҳидамда, боғларда қушлар сайраган, аёллар эчки ва сигирларини соғишга, шаршарадан муздай сув олиб келишга ошиқаётган пайтда Хазбулат уйига қайтди. Йўлда унга кўза кўтариб олдинма-кетин сувга кетаётган икки аёл учради. Олдиндаги аёл тор сўқмоқда тўхтаб, Хазбулатга йўл бериб, уни ўтказиб юборди-да:

— Вой-бў, Хазбулат! Саҳар мардонда қаердан кел-япсан? — деди.

Агар бу аёл индамаганда Хазбулат унга жавоб бериш у ёқда турсин, ҳатто танимаган ҳам бўларди. Лекин у аёлнинг овозидан таниб қолди. Бу ҳамқишлоғи Мадинат эди. У бундан икки йил бурун турмушга чиққан бўлса-да, лекин нима учундир қизлик чоғида ҳам, эрга теккандан кейин ҳам Хазбулатни кўрди дегунча гап отиб, тегажаклик қиларди.

Ҳозир эса айни пайти! Мадинатнинг овозидан ичи қоралик, ҳасад сезилиб турарди.

Лекин шу тобда Хазбулатнинг хаёли у билан влақлашиб ўтиришда эмасди. Илгарилари ҳам у гап отганда индамасликка ҳаракат қиларди, ҳозир эса айниқса кўнглига гап сиғмасди.

Иккинчи аёлни мутлақо танимади. У ким бўлдикин,

кимнинг хотиникин? Агар аёл сўқмоқнинг бир четига ўтиб, унга йўл берганида, уни мутлақо пайқамаган ҳам бўларди. Гарчи бу аёл чурқ этмаган бўлса-да, лекин тўхтаб унга разм солди. Хазбулат буни сизди ва орқасидан қизнинг пиқиллаб кулганини эшитди.

Хазбулатнинг эс-ҳуши унда эмасди. Юрагига ғул-ғула тушиб, бошида минг хил ўй-фикрлар ғужғон урарди. Азага нима бўлди? Нега учрашувга келмайдикин-а?! Ахир, Хазбулат уни туни билан кутса-ю, ундан дарак бўлмаса... Боя пешинда шаршара ёнида учрашганларида Хазбулат унга, кечқурун ўша муқаддас еримиз Қушлар қоясида сени кутаман, деб тайинлаганди.

— У ер жудаям узоқ-ку,— дея пичирлаганди Аза.— Яхшиси бизникидаги... анорзорда... Уша дарахт тагида... Эсингдами?

— Йўқ... Яхшиси ўша Қушлар қоясида... У ерда бизни ҳеч ким кўрмайди... Сизларнинг боғларингиз анча хавфли.

— Ҳўп, майли...— рози бўлганди қиз.

Хазбулат ана келиб қолар, мана келиб қолар, деб ярим кечагача Азани кутди.

«Ҳечқиси йўқ, сабр қилиш керак» деди ўзига ўзи Хазбулат.— Демак, битта-яримта унга тўсқинлик қилган бўлса керак. Ота-онаси ёки акалари йўл қўйишмадикин? Улар бизга қарши! Менинг оиламдагилар эса Азани яхши кўришади. Лекин буни унинг туғишганлари биллишмайди. Ёлғиз Аза билади, холос. Мен унга бор гапни очиқ айтганман. Менга тегиб оиламизга аъзо бўлишга рози. Лекин отаси рози эмас... Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ... Секингина уйдан чиқай деб турганда отаси халақит берган, бу аниқ. Энди Аза уйдагиларнинг уйқуга кетишини кутаётган бўлса керак...»

Шитирлаган ҳар бир товуш гўё Азанинг оёқ товушига, пичирлашига ўхшаб Хазбулат ўша томонга интиларди; Қушлар қоясида юлдузлар ёғдуси тушганиданми ёинки қушлар уйғониб қимирлаганиданми, — ғалати гарзда липиллаб ўйнаган ноаниқ соялар унинг назарида Азанинг қорасига ўхшаб кўринганидан гоҳ юраги гупиллаб урар, гоҳ яна тинчигандек бўларди. Етти қароқчи юлдузи узоқ тоғ ортига ботиб, самода унинг учта ёруғ юлдузи қолди. Ҳулкар эса нақ Қушлар қояси тепасига келди. Хазбулат ортиқ чидаёлмай, анорзор томон югуриб кетди. Бу ер ҳам иккиси учра-

шадиган муқаддас жой эди. Лекин у ердан ҳам Азани топмади. Балки у Қушлар қоясига кетгандир, деб яна изига қайтди.

Эрталабгача у ёқдан-бу ёққа икки марта югуриб бориб келди. Лекин фойдаси бўлмади, Аза келмади. Агар у анорзор томонга кетган пайтида Аза Қушлар қоясига келган бўлганида йўлда учрашмай қолишлари сира мумкин эмас, чунки анорзордан Қушлар қоясига фақат битта сўқмоқдан бориларди. Эҳтимол, кечаси унга шундай туюлгандир. Лекин ҳозир эрталаб уйига қайтаётганида бунга ишончи комил бўлди.

Отаси эшик олдида уни кўриб вайсаб кетди:

— Ҳўкизларни қўшга қўшадиган вақт бўлди-ю, сен энди келяпсан-а.

Хазбулат индамай ҳўкизларга бўйинтуруқ урди-да, бир бўлак пишлоқ билан озроқ поinni қўйнига солиб, ер ҳайдагани жўнади.

Цхавребовларнинг қийшиқ уч бурчак шаклидаги бир ярим десятинача ери қишлоқ попининг ери билан йўл оралиғида эди. Поп бир неча марта Цхавребов чолга, шу туморча ерингни менга сота қол, бир парча еринг ўзингга ҳам, ўткинчилар кўзига ҳам ёмон кўринмасин, деб таклиф қилганди.

— Менинг ерим билан туташлиги жуда хунук, Сослан Цхавребов. Нима дейсан? Ана, ўзинг кўриб турибсан, худди кўзга тушган чўпдек, одамнинг гашига тегяпти. Кел, шу лахтак ерингни менга сотиб қўя қол, Сослан,—деганди унга поп.

Сослан бу гапга рози бўлмади,— дарҳақиқат шу лахтак ер попининг экин-тикинига халақит берарди. Бу ерларни яхлит ҳайдаганга нима етсин. Бироқ сотишга қандай кўзи қияди? Ахир бу унинг ҳосилдор ери, Сослан Цхавребовлар оиласини еб-ичирарди. Шунинг учун унинг бутун умиди шу ерда эди. Тоғ ён бағрида Сосланнинг яна бир парча тошлоқ ери бўлиб, уни ҳайдаш машаққат эди. Бу ерга бечора чол нўхат, карам, жўхори, ловия экиб кўрди, фойдаси бўлмади, фақат уруғлигини аранг оларди, холос. Унда-мунда битта-яримта бута ўсиб чиқиб, ораси тап-тақир эди. Бунақада қанақа ҳосил бўларди? Шунга қарамай бу ерни ҳайдашар, экин экмасликка кўзлари қиймасди. Бироқ оиланинг бутун умиди ана шу йўл бетидаги лахтак ерда эди. Шунини кўра-билла туриб, қандай уни бировга сотиш

мумкин?! Хўш, қани, халойиқ ўзларингиз инсоф билан айтинглар-чи, шу ерни сотса бўладими?

Йўқ, Сослан Цхавребов попни қанчалик иззат-ҳурмат қилмасин, бу ерни сотиши мумкин эмасди.

Хазбулат лахтак ерни оמוчда уч марта ҳайдаб чиқди-да, уч қатор жўяк тортиб бўлгач, нонушта қилмоқчи бўлди. У пишлоқ билан нонни еб, эчки сутини ичди-да, қўлларини боши остига қўйиб, уватга чўзилди.

Хазбулат тип-тиниқ баҳор осмонига қараркан, ҳамон бир нарсани ўйларди: «Нега?.. Нега Аза келмадийкин-а? Балки мени севмасмикин?..»

Хазбулатнинг хаёли бир зум бошқа нарса билан банд бўлди: икки акаси — Симеон билан Азаматни ўйлади. Улар кўпдан бери Одесса портида юк ташувчи бўлиб ишлашарди. Икки йилдан бери ота-оналарини соғиниб, она юртга қайтмоқчи бўлишарди-ю, лекин иложини қилишолмасди. Хазбулат ётган ерида акаларини ва денгизни ўйлар экан, унинг ҳам Одессага бориб биронта кемада матрос бўлиб ишлагиси, дунёни кезгиси келди. Унда Азани нима қилади? Ахир уни кемага матрос қилиб олишмайди-ку. Ота-онасини ташлаб кетишга қандай кўзи қияди? Хазбулат ана шу хаёллар оғушида, бадани баҳор иссиғидан бўшашиб, ухлаб қолди.

Бирдан уйғониб кўзини очди-ю, ҳўкизлари эсига тушиб, чўчиб ўрнидан турди. Қараса, ўтлаётган жойда ҳўкизлар йўқ. Шунда бу ҳўкизларнинг муғамбирлиги, доим пайт пойлаб, бирдан эгасининг кўзини шамғалат қилиб жўнаб қолишга усталиги эсига тушди. Кўпинча улар попнинг еридаги эртаги карам энди бош ўрай бошлаган полизга югуришарди. Иккиси ҳам ажойиб ҳайвон эди-да, айниқса сариғи жуда айёр эди. Тўқол бўлгани ва манглайда оппоқ қашқаси борлиги учун уни «Қашқа» деб аташарди.

Хазбулат боя нонушта қилиб ўтирганида, Қашқа унга бинафша кўзлари ила бу, қачон ухларкин, деб қараб-қараб қўйганини сезган эди. Қашқанинг бу қилигини у илгаридан биларди, ҳатто икки марта шеригини бўйинтуруқ билан бирга сургаб кетаётган пайтда ушлаб олганди. Бироқ Қашқа шеригига қараганда анча бақувватлиги учун, уни бўйсунушга мажбур қиларди. Ушанда попнинг кузги буғдойи кўм-кўк майса бўлиб, ер бе-

тини қоплаганди. Буни кўргач, сўлакайн оққанидан чегарадан ўтмай қараб тура олармиди... Иккинчи марта эса бутунлай тақиқланган ерга яна ўтмоқчи бўлиб, кўз олайтириб турганда қўлга туширганди. Попнинг ерига экилган жўхори эндигина кўкариб, барг ёзган эди. Шунда Хазбулат худди аввалгидек ўзини сезмасликка олиб, фақат кўз қирида ҳўкизларни кузатиб турганди. Қашқа шеригини бўйинтуруғи билан бирга энди сургамоқчи бўлганда, қамчи билан иккаласини роса савалаганди. Кейин дам бермай чунонам ишлатгандики, ҳўкизлар терга ботиб кетганди. Гарчи улар тилсиз ҳайвон бўлса-да, эгаси нега бунчалик дўппослаб, ишлатаётганини билишарди.

Ҳозир Хазбулат атрофига қаради-ю, пайҳонланган ва гажиб ташланган карам бошларини кўриб, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. У дала этагидаги четан деворга, унинг орқасидаги попнинг ҳовлиси ва тулука томли оқ уйига қаради. Хазбулат ҳўкизларини кўриб, кўнгли таскин топди, лекин аллаким ҳўкизларни четан дарвоза томонга ҳайдаб кетаётган эди. Хазбулат карам экилган эгатдан ўша томонга югурмоқчи бўлди-ю, лекин экинзорга кириш мумкин эмаслиги эсига тушиб, йўл томонга бурилди. Хазбулат токи далани айлашиб дарвозага етиб боргунча, ҳўкизлар аллақачон ичкарига кириб кетганди. Четан дарвозанинг нарёғида ҳўжайиннинг ўзи — поп Антон ҳазрат ҳамда ҳўкизларни ҳозиргина ҳайдаб кириб, қўлидаги хивичини ташлашга ҳам улгурмаган хизматкори Терентий турарди.

— Хўш... Энди, нима дейсан, болакай?— деб сўради поп.— Бу ёғи неча пулдан тушди?

— Ҳўкизларимни беринг,— деди Хазбулат, нафаси оғзига тиқилиб,— бу сафарча кечиринг, ҳазрат.

— Қимни кечирай? Ҳўкизларними ёки сеними?— сўради поп кесатиб, лекин мулойимлик билан.

Афтидан, унинг вақти чоғ эди. Шунинг учун Хазбулат умидвор бўлиб, докадек оқариб кетган юзини ердан кўтарди-да, попга қаради.

— Хўш?! Қани, ким айбдор?— ғолибона жилмайишини аранг босиб, яна ўша мулойимлик билан савол бера бошлади Антон ота.— Сенми? Ёки ҳўкизларми? А, Хазбулат? Нега миқ этмайсан?

— Ҳўкизларимни беринг,— деб ялиқди Хазбулат янада баттароқ ранги оқариб, ер тагидан ҳўжайинга



қараркан.— Беринг... Кечирасиз... Бундан кейин такрорланмайди.

— Такрорланмайдимиди?

— Ҳа.

— Ҳм... Кошкийди мен билмасам, бу билан учинчи марта такрорланяпти-ку!

— Бўлмаган гап, бу ёлғон. Аввалги сафар ҳўкизлар сизнинг ерингизга тушгани йўқ.

— Шунақами ҳали. Бундан чиқди, мен ёлғончи эканман-да? Демак, ёлғон деб юзимга солмоқчимисан?

— Йўқ, сизни ёлғончи деганим йўқ. Лекин ўша сафар ҳўкизлар ерингизга тушмасданоқ қайтариб қолганман. Беринг ҳўкизларимни... Беринг...— талаб қилди Хазбулат.

— Сен балки мени қўрқитмоқчи ҳам бўларсан?! Карамларни пайхонлаб, мени хонавайрон қилсангу, яна дўқ ҳам қилмоқчимисан?!— деди заҳархандалик билан поп.

— Мен асло дўқ қилаётганим йўқ... Фақат отам билмасин буни. Касал ётиптилар. Агар эшнтиб қолсалар, адойи тамом бўладилар... Отам менга доим кўзингга қара ҳўкизлар уватдан ўтмасин, деб кўп тайинлардилар... Кечирасиз ҳазрат... мен айбдорман...

— Айбингга иқрор бўлганинг билан менга нима фойда? Бу билан карам қайта ўсмайди-ку, тўғрими Терентий, ё ўсадими?— деб сўради у хизматкоридан.

У қўлидаги хивичини бирдан синдириб четга улоқтирди-да:

— Келинғ, ҳўкизларини бериб юбора қолайлик... Бор-йўғи ўн тупга етар-етмас карам нобуд бўлипти, холос,— деди.

— А... Ҳали икковингиз тил бириктириб олган экансиз-да. Бундан чиқди, ҳўкизларни атайлаб карамга қўйиб юборган экансиз-да,— деди Антон ҳазрат ва бирдан қатъий қилиб қўшиб қўйди:— Бас, шундай экан, гап бунай, Хазбулат... Ёнгирма беш сўм... Карам пайҳонлангани учун... Шу пулни олиб келсанг, ҳўкизларингни бериб юбораман.

Хазбулат олдинига хурсанд бўлиб унга қаради, ўз қулоқларига ишонмади, чунки попнинг гапларини ҳазид деб тушунди. Лекин индамади. Яна нима деркин дегандек, попга қараб тураверди.

— Хўш? Гапим маъқул тушдимми дейман, а? Балки мен пайҳонланган экин учун кам сўраётгандирман-а?— шубҳаланиб қолди Антон ҳазрат,— Йигирма беш сўм... А?.. Тўғриси айт, кам-а?.. Шундайми?..

Хазбулатнинг юз-кўзлари бирдан бўзариб, кейин бутунлай қорайиб кетди.

— Агар гапингиз жиддий бўлса... унда... ҳайронман... Нима қилиш керак?.. Ахир бизда бунча пул йўқ-ку...— деди Хазбулат, тарвузи қўлтиғидан тушиб, қош-қовоқлари осилиб.

— Ҳечқиси йўқ, топасизлар.

— Йўқ, Антон ҳазрат, тополмаймиз...

— Топасизлар,— деди яна хотиржамлик билан поп.

— Балки... Яхшиси, мен сизга ишлаб бера қолай... Рухсат этинг, ишлаб бера қолай... Фақат ҳозир ҳўкизларимни беринг...

— Йўқ, Хазбулат, сенга лойиқ иш йўқ. Ана, ҳатто Терентий ҳам бекор юрипти, қўлини қаёққа уришни билмайди,— деди поп.— Йигирма беш сўм берсаларинг, ора очиқ бўлади.

Поп шундай деди-да, ўгирилиб уйига кириб кетди.

Хазбулат билан Терентий, бири — четан дарвозанинг бу ёғида, иккинчиси эса у ёғида, анча вақтгача индамай туриб қолшди. Ниҳоят, Терентий ҳам индамай кириб кетди, Хазбулат бир ўзи қолди. Хазбулат кейинчалик Сибирда сургунда юрган кезларида, четан дарвоза олдида қанча вақт туриб қолганини эсламоқчи бўлганди-ю, лекин аниқ эслай олмаганди. Попнинг ҳовлисидаги ҳўкизларнинг бўйинтуруғи олинмагани учун пастга осилиб тушгани, қуёш эса тиккага келиб, унинг елкаси билан бошини куйдириб юборганди. Ушанда Хазбулат, четан деворни дабдала қилиб, ҳўкизларни ҳайдаб кетсам қандай бўларкин, деган хаёлга ҳам борганди ҳатто, лекин негадир юраги дов бермаганди. Охири ўзига келиб, энди кетмоқчи бўлганда, ёнида отаси турганлигини кўриб қолди. Унга бу ерда нима ҳодиса рўй берганини кимдир айтган ёки кўнгли ғаш бўлиб, ўзи келган бўлиши керак. У ўғлини койи мади, ўқрай мади ҳам. Индамай ҳўкизларига тикилиб тураверди. У ҳўкизларига шу қадар тикилиб олгандики, Хазбулатлар хонадонининг бахти ҳам, суянган тоғи ҳам шу жониворлар бўлса керак, деб ўйлаш мумкин.

— Ахийри бир кун шундай бўлишини билардим,— деди ниҳоят отаси,— жаримасига неча пул талаб қил- япти?— деб сўради.

— Йигирма беш сўм.

— Нима?! Қанча?!

Хазбулат отасига қаради ва гапини яна қайтаришга тили бормади. У отасининг оппоқ бароқ қошлари ости- да кўзлари қинидан чиқадиған даражада бу қадар ўй- наб кетганини асло кўрмаганди.

— Ҳўкизларнинг ўзи йигирма беш сўм турмайди- ку,— деди у ҳамон ўша ваҳимали нигоҳи билан ўғлига тикилиб.— А? Бу қанақаси бўлди?

Хазбулат бошини ҳам қилиб:

— Билмадим,— деди секингина.

— Юр, олдига бориб ялиниб кўрайлик,— гўё Хазбу- лат бормайман деб тихирлик қилаётгандек, отаси унинг қўлидан тортқилаб сургади.— Бундай қилиши яхшимас. Ахир у поп-а... Ҳолимизни билади, зора-мора раҳм-шафқат қилса.

У қалтираган қўли билан четан дарвозани очмоқ- чи бўлиб тармашди, лекин сулфинига бўйи етмай, ўғ- лига:

— Қани, сен оч,— деди.

Хазбулат отасидан анча новча бўлгани учун дарвоза сулфинидаги тиқинни қийналмай олди. Ота-бола ҳовли- га кирди.

— Сенга у ерда нима бор? Қаёққа кетяпсан?— деди отаси бирдан ҳайрон бўлиб. Сўнгра ўғлининг қўлидан ушлади-да, хаёлига бир нарса келди шекилли, оппоқ қошларини чимирди:— Қераги йўқ. Сен кирма, қаддинг- ни букма, унга ялинма... Ҳеч қачон... Асло...

— Узингиз-чи?

— Мен қари одамман. Менга бўлаверади. Сен... кет бу ердан, жўна. Уйга бориб, агар ойнинг эшитган бўлса, уни юпатиб тур.

Уйда қўшни аёллар ўтиришган бўлса-да, ойисининг ҳеч гапдан хабари йўқ эди. Эҳтимол қўшнилари, кампир эшитиб қолмасин, деб атайин уни гапга солиб ўтириш- ган бўлса ҳам ажаб эмасди.

Хазбулат овқат егиси келмаса ҳамки, ойисида шубҳа туғдирмаслик учун, уй олдидаги супага ўхшаш оқ харсангга ўтирди-да, истар-истамас овқатини ея бош- лади. Шу топда кўнглига овқат сиғармиди...

Отаси ҳадеганда келавермади. Қуёш ётоғи томонга оға бошлади. Ойиси икки марта ўғлидан отанг қаёқда, деб сўради. (Яхшиямки қўшнилар чиқиб кетишмай, уни гапга солиб ўтиришганди.) Охири Хазбулатнинг тоқати тоқ бўлиб, яна йўлга тушди.

Отаси билан йўлда учрашди: уни ҳамқишлоғи Цадаса қўлтиғидан суяб келмоқда эди.

— Ҳечқиси йўқ, Сослан, хафа бўлма. Мушкулинг осон бўлади. Тонг отсин, бирон иложини топармиз. Мени кутиб тур, эрталаб келаман,— деди-да, Цадаса кетди.

Цадаса эрталаб кун ёришмасдан етиб келди-да, қўлидаги эски рўмолчани Сосланнинг олдига ечиб, узр сўрагандай деди:

— Мана, Сослан... буни ҳамқишлоқларинг йиғишди... Баҳоли қудрат... Тағин кўнглингга бирон гап келмасин, бизлардан ёрдам... Ол. Лекин рўмолчада йигирма беш эмас, ўн икки сўм пул бор, холос... Ахир, поп ҳайвон эмас-ку! Улибдими, ҳолингни тушунмаса...

Сослан рўмолчадаги икки бошли бургут расми солинган бир сўмлик ва ярим сўмлик тангаларга анча вақт тикилиб турди-да, қизариб кетган кўзларини Цадасага қадаб:

— Раҳмат сизларга. Менимча, шу етар,— деди.

Чол рўмолчани олиб, ўрнидан турмоқчи бўлганди, Цадаса унинг қўлидан ушлаб тўхтатди:

— Менга қара. Яхшиси сенинг ўрнингга мен бора қолай,— деди.

— Сен-а?

— Ҳа, мен. Шундай қилганимиз маъқул. У ҳали черковга кетмагандир, уйда бўлиши керак.

Цадаса рўмолчани чаққонлик билан тугди-да, маҳкам қисимлаб, ўз таклифидан ўзи хурсанд бўлиб, шахдам қадамлар билан йўлга тушди.

Учови: отаси, ойиси (у ҳам энди ҳамма гапдан хабардор эди) ҳамда Хазбулат кўчага чиқиб, Цадаса билан ҳўкизларини узоқ кутишди.

Фақат ибодатхона кўнғироғи эрталабки ибодатга бонг ургандагина Цадаса қайтиб келди.

— Олмаяпти,— деди у маъюс.— Йигирма беш сўмдан бир тийин кам бўлса ҳам кўнмайман, деяпти.

— Ҳа, майли,— деди Сослан гўё хурсанд бўлгандек.— Юр, биз ҳам бориб ибодат қиламиз. Бизнинг ҳам ибодат қилганимизни кўриб қўйсин. Дарвоқе,

ибодатхонага кам борадиган бўлиб қолдик. Ҳа, ўша ерда яна бир марта илтимос қилиб кўрамиз. Ибодатхонада... Ҳар қалай, у ерда йўқ деёлмас ахир.

Антон ҳазрат хизматини адо этгач, ибодатхона эшигига осма қулф солди-да, орқасига ўгирилиши билан — рўпарасида қўлидаги рўмолчани маҳкам қисимлаб турган Сосланга кўзи тушди.

— Олинг, мўътабар отахон. Раҳм-шафқат қилинг, олинг. Ҳўкизларимни қайтариб беринг, — деди чол ҳаяжонланиб ва қўлидаги рўмолчага қўшиб бошидаги эски барра телпагини ҳам полга узатди.

Антон ҳазрат тўхтади-да, рўмолчага қараб:

— Қанча?— деб сўради.

— Ўн икки сўм, мўътабар отахон.

— Нарн тур,— деди поп ва қўлидаги ҳасса билан Сосланни итариб ташлади.

Лекин чол тош пиллапоядан югуриб тушди-ю, яна олдинга ўтиб, қалпоғи билан рўмолчани кўксига босиб, полга ялиниб-ёлвора бошлади.

— Қанақа одамсиз асти?! Ахир, бу оз эмас-ку! Ўн икки сўлкавой. Раҳм қилинг. Худо ҳаққи. Баҳаққи Исо ҳурмати. Ола қолинг ахир!

Антон ҳазрат чурқ этмади, ҳатто унга эътибор бермай, ибодатхона зинасидан секин-секин туша бошлади. Сослан азбаройи тутақиб кетганидан кўз олди қоронғилашиб, ўзини йўқотиб, нима деётганини, нима қилаётганини ҳам билмай қолди. У яна поппинг олдига тушиб югурди-да, ўртадаги зинада тиз чўкиб, Антон ҳазратнинг йўлини тўсди, ўнг томонига рўмолчани, чап томонига қалпоғини қўйди ва қўлини кўксига қўйиб яна ялина бошлади.

— Худони ўртага солиб ялиниб-ёлвораман! Ола қолинг. Ахир, ҳўкизлар бўлмаса очликдан ўламан-ку. Ҳўкизсиз қандай тирикчилик қиламан? Шунн ола қолинг.

Антон ҳазратнинг жаҳли чиқди, қўлидаги ҳассани Сосланнинг бўйи баробар кўтариб, уни йўлдан яна итариб юбормоқчи бўлди. Лекин ҳассаси оғирлик қилдими, ёки чолдан тезроқ қутулгиси келдими, ҳарқалай қўлидан сирғалиб, Сосланнинг елкасига эмас, кўзига тегди. Чол инграб иккала қўли билан кўзини бекитди. Бир чеккада турган Ҳазбулат тезда юқорига чиқди-да, белбоғига қистирилган ханжарини шартта

суғуриб олди, ханжар қуёшда ялт этди-ю, попнинг кўксига санчилди.

Хазбулатни қамашга улгуришмади. У тоққа қочиб кетди. Унинг ўрнига касалванд чолни — кўзи боғлиқ Сосланни қамадилар.

«Орадан икки кун ўтгач, Хазбулат тоғдан қайтиб, ҳукуматга мурожаат қилди:

— Попни мен ўлдирдим. Отамни қўйиб юборинглар, мени қаманглар.

Хазбулат ўлим жазосига ҳукм қилинди. Шунда унинг ҳамқишлоқлари ва теварак-атрофдаги қишлоқ аҳли подшонинг Кавказдаги ноиби граф Воронцов-Дашков номига илтимоснома ёзишди. Улим жазоси ўрнига умрбод сургун қилишиб, Хазбулатни Сибирга жўнатишди.

Хазбулат Цхавребов Сибирда Филипп Степанович Гордиенко, Деҳқонбой ва бошқа ўртоқлар билан учрашди ва улар билан дўстлашиб, революцион ишларда қатнаша бошлади.

1917 йил феввалида Филипп Степанович Петроградга, ўғлининг олдига қайтди. Унга эргшиб Хазбулат Цхавребов ҳам келди. Петроградда Гордиенконинг ўғли Андрей Филиппович Гордиенконинг уйида у Петр Ильич Варламов, Надежда Сергеевна Малясова билан учрашиб, тезда улар билан дўст бўлиб олди.

Петр Ильич билан Надежда Сергеевна Туркистонга жўнашаётганда бошқа дўстлари қатори Хазбулат ҳам уларни вокзалда кузатиб қолган эди.

— Сиз Туркистонга жўнаб кетганингиздан кейин Петроградда озгина яшадим, холос,— деб ҳикоя қила бошлади Хазбулат Надежда Сергеевнага.— Революцион ишлар олиб бориш учун мени Кавказга, она юртимга юборишди. Кейин эса Москвага, у ердан Закаспий фронтига жўнатишди. Уша ерда... кўкрагимдан ўқ еб оғир яраландим... Госпиталда узоқ ётдим. Тузалдим. Мана, уч ойдан бери вокзалда комендант ёрдамчиси бўлиб ишляпман. Путилов заводига бориб, эски қадрдон дўстларимни зиёрат қилиб келай дейману, ҳеч қўлим тегмайди.

Надежда Сергеевна оғир хўрсинди.

— Андрей Филиппович эсингиздами?

— Бўлмасам-чи! Уша кишини излаб топмоқчиман.

— У киши 1919 йил кузида Юденичнинг Петроградга иккинчи марта ҳужумини тор-мор қилиш вақтида ҳалок бўлди. Хотини Ольга Васильевна эса тепкили терламадан вафот этди. Ёлғиз Наташагина қолди, холос.

Хазбулат бошини қуйи солди.

— Мен уларни зиёрат қилмоқчийдим,— деди Надя маъюс бўлиб.

Иккови бир дам индамай қолишди.

— Хазбулат, мен анча вақтингизни олдим,— деди Надежда Сергеевна.— Эшитишимга қараганда Табриз саройини қўриқлашга сиз тайинланган эмишсиз. У ерда Ленин нутқ сўзлайдими?..

— Ҳа.

— Владимир Ильичнинг сўзларини эшитмоқчийдим, қандай бўларкин-а?..

Хазбулат жилмайди.

— Ўзим сизни у ерга олиб кираман.

#### 14

Учинчи Интернационалнинг Иккинчи конгресси 1920 йил 19 июль куни Петрограднинг Табриз саройида очилди.

Хазбулат Надежда Сергеевнани ён томондаги эшикдан залга олиб кирди-да, қулайроқ жой топиш мақсадида атрофга қаради. Зал аллақачон лик тўлган, биронта бўш жой йўқ эди.

— Залда биронта одам тикка турмасин, деган қатъий топшириқ бор,— деди Хазбулат Надежда Сергеевнанинг қулоғига.— Буни қаранг, бэрибир одамлар тикка туришибди-я!

Хазбулат унга жой топгани қаёққадир ғойиб бўлди.

— Менинг орқамдан юринг,— деди у қайтиб келгач.

Надежда Сергеевна севиниб кетди.

— Жой бор эканми?

Хазбулат жавоб бермади, одамлар тиқилишиб ўтирган қатор оралаб, асосий йўл томон юрди, Надежда Сергеевна унга эргашди.

— Қани, ўрнингдан тур-чи, биродар,— деди Хазбулат энг чеккадаги стулда ўтирган ёш қизил аскарга.

Қизил аскар Хазбулатга, унинг қўлига боғланган қи-

зил лентага, залворли тўппонча қинига қаради-да, ўтирган еридан қимирламай деди:

— Мен ҳам Лениннинг гапини эшитгани келганман. Шу ерда ўтиришга ҳаққим бор.

— Мандатингни кўрсат,— Хазбулат жиддий талаб қилди.

Қизил аскар истар-истамай ўрнидан турди.

— Утиринг, Надежда Сергеевна,— деди Хазбулат,— сен тикка турсанг ҳам бўлаверади.

— Тикка туришга рухсат беришмайди,— тўнғиллади қизил аскар.

— Сенга рухсат беришади. Қани, менинг орқамдан юр-чи.

Лиқ тўла зал ғувилларди.

Надежда Сергеевна ҳаяжонлиб атрофига қарар, одамларнинг гап-сўзларига қулоқ соларди. Дастлабки дақиқаларда у ўзини, гўё сув остида қолиб қулоғи битгандек, зал эса, назарида, нақ унинг тепасида ғувиллагандек туюлди. Шунинг учун ҳам у одамларнинг гапларини аниқ эшитолмади. Тўсатдан ғовур-ғувур овозлар пардаси шир этиб йиртилгандек бўлди. Шунда Надежда Сергеевна худди устидан босиб турган сувдан юқорига сузиб чиққандек, бирдан қулоғи очилиб, ён томонидан келган русча сўзларни аниқ эшитди.

— Сергей Петрович, конгрессда африкаликларни кўриш қандай яхши-я!

— Ҳа, нимасини айтасиз, айнан шу ерда, Петроградда. Шимолда.

— Рус шимолида, Сергей Петрович, Шимолий Америкада эмас. Мана шуниси қувончли-да! «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»— шиори амалга ошяпти.

— Ҳа, ҳақиқатан амалга ошяпти. Уларга бир қаранг-а. Чиройли халқ. Қандай қилиб уларни севмаслик мумкин, сира тушунмайман. Гўё ҳозир бутун Африка кўз ўнгимизда тургандай бўляпти.

Надежда Сергеевна гаплашаётган кишиларни кўрмоқчи бўлиб қаради, то уларни топгунича, жингалак сочли бир неча негрларга кўзи тушди. Негрлар Надежда Сергеевна ўтирган қаторда, ундан уч киши нарида ўтиришарди, гаплашаётганлар эса, у билан негрлар ўртасида бўлиб, парусиндан тикилган ёнёқа кўйлакли руслар эди.

Икки соатлардан кейин Надежда Сергеевна ёнида-



гилар билан танишди. Улар ивановолик тўқувчилар, собиқ профессионал революционерлар бўлиб, конгрессга делегат сифатида келган эканлар. Малясова дастлаб негрларни кўрганда узоқ вақт уларнинг жингала-жингала бўлиб ўсган сочларидан ва жигар ранг юзларидан кўзини узолмаганди. Негрларнинг ёқимли юзларида — залдагиларни бутунлай қамраб олган зўр қизиқиш, жиддият ва ҳушёрлик — уларнинг шодон чеҳраларида ҳам акс этарди. Чунки ҳозир ҳамма одам, шунингдек Надежда Сергеевна ҳам, интизорлик билан орзиқиб, ҳаяжонланиб кутган улуғ дақиқа — Ленинни тезроқ кўриш ва овозини эшитиш онлари яқин эди. Надежда Сергеевна негрларга қараган сари уларнинг очиқ чеҳралари унга Бичер Стоу романидаги ажойиб Томни эслатар, гўё улар танишдек, ҳатто эски қадрдонларидек туюларди. Шунинг учун уларга қараб, беихтиёр жилмайиб қўярди. Афтидан улар ҳам Надежда Сергеевнанинг меҳр-ла тикилиб, мулойим жилмайяпганлигини сезишди шекилли, завқ-шавқ-ла унга узоқ тикилиб қолдилар.

— Ҳеч ким... ҳатто бутун залдагилар уларнинг диққатини жалб эта олмаганди, фақат сиз уларни мафтун қила олдингиз,— деди унга ёнёқа кўйлакли қўшниси.— Кесатяпти деб ўйламам тагин.

— Қўйинг-э! Қанақасига мафтун қиларканман?— деди Надежда Сергеевна.

Бироқ қўшниси унинг гап оҳангига қараб бошқачароқ тушунди шекилли, дўстона маслаҳат берди:

— Ноз-қарашма сизга ярашмайди.

— Худо кўрсатмасин! Ноз-қарашма нимаси? Мен сизкидилдан гапиряпман.

— Ундай бўлса сирасини айта қолай. Сиздай рус аёлига хос гўзаллик уларни мафтун қилди.

Надежда Сергеевна тутақиб кетди, лекин бир лаҳза ўзини босиб, сўнгра деди:

— Мен шу залда ўтирганларнинг ҳаммасини ҳурмат қиламан... Шунингдек сизни ҳам. Бу ерга мен зўр ихлос ва эҳтиром билан келганман. Зўр ихлос ва эҳтиром билан... Уйлайманки, бошқалар ҳам шундай... Шунинг учун мен кўпчилик қатори тантанали дақиқани кутиб ўтирибман. Шу боисдан сизни кечираман. Йўқса шундай боплаб жавоб қилардимки, минбаъд ўйлаб гапирадиган бўлардингиз. Сиз шунга лойиқ одамсиз.

— Бусиз ҳам боладингиз мени,— деди у мулойимлик билан.— Лекин бу ҳақиқат-ку. Ишонмасангиз, разм солиб кўринг-а: ана, уларга ҳамма қараяпти, бироқ улар ҳеч кимга жилмайиб қараётгани йўқ. Фақат сизга... Ҳалиги гапимнинг битта узрли томони бор: мен фақат «сиздаги рус аёлига хос гўзаллик» деб айтдим. Демак, сиз руссиз, ўз одамимизсиз.

Надежда Сергеевна залга разм солди. Дарҳақиқат, кўпчилик одам африкалик меҳмонлар ўтирган шу қаторга тикилиб олганди: ён томондаги креслоларда ва йўл ёқасидаги стулларда ўтирганларнинг айримлари ўринларидан туриб, бўйинларини чўзиб, ўнг ва сўл томонга қарашар, бир-бирларидан ниманидир сўрашарди. Олдинги қаторда ўтирганлар эса орқаларига ўгирилиб ё ўринларидан туриб, шу қаторга тикилишарди. Надежда Сергеевна малла, қора ва оқарган сочларни, чарм ва мовут шапка, каламенкадан тикилган кепка, козирёксиз матросча фуражка, манглайда қизил юлдузли будёновка кийган эркакларни, қизил дуррача ўраган аёлларни кўрди ва бошлари оша қараб, эшик олдида турган, боя унга ўз жойини бўшатиб берган ёш қизил аскарга кўзи тушди. У бир группа қизил аскарлар олдида қўлини чўзиб шу қаторни кўрсатар, худди Надежда Сергеевна ҳақида гапириб, шерикларига бир нималарни уқтираётганга ўхшарди. Шериклари эса, худди бир нимани қидираётгандек, қаторлар узра кўз югуртиришарди. Шу пайт улардан иккитаси ҳайрон бўлиб тошдай қотиб қолди, кейин бошқалари ҳам бақрайиб тикилиб олишди. «Охири кўриб қолишди-я, — хаёлидан ўтказди Надежда Сергеевна ғазабланиб, негрлар олдида ўнғайсизланганини сизди: «Эҳ, аттанг, фақат французчани билиб, инглизчани билмаганим жуда чатоқ бўлди-да. Булар инглизча гаплашада. Мен ватандошларим кўнглида кири йўқлигини айтиб, ҳеч хафа бўлмаглар, деб булардан илтимос қилардим. Бу ёвқараш эмас... самимий қизиқиш, дўстона боқиш эканлигини тушунтириб берардим».

Ниҳоят, ёнма-ён ўтирган кишидан:

— Сиз бу одамлар олдида хижолат чекмаяпсизми?— сўради Надежда Сергеевна.

— Нима десам экан...— деди у иккиланиб.— Албатта, улар олдида бир оз хижолат бўляпман. Лекин улар ақл-заковатли одамлар. Тушунади. Нима учун бунчалик қизиқаётганимизни билишади. Биз, шимол халқи-

миз, Африка биздан узоқда. Шуниям түшүнмайди деб ўйлайсизми?

— Америка ҳам Африкадан узоқда,— деди Надежда Сергеевна.

— Аммо бизда қул ташийдиган кемалар ҳам, қул бозори ҳам бўлган эмас. Виждонимиз бу халқ олдида, уларнинг ватани олдида пок.

Надежда Сергеевна бу одамга ҳурмат билан қаради, унинг чаккалари оқарган сочларига, ироқи ёқали парусин кўйлагига кўз югуртириб чиқди. Шунинг билан бирга конгрессга делегат бўлиб келган негрларга қизиқиш сусайганини ва ҳозир уларга ҳеч ким эътибор бермаётганини пайқади. Шунингдек, залда эшитилаётган русча, инглизча, немисча сўзларга ҳам ҳеч ким қулоқ солмасди. Конгресснинг очилиш пайти яқинлашганидан, ҳамманинг нигоҳи президиумдаги узун столга қадалган эди. Баъзан президиумда аллақандай бир одам пайдо бўларди, шунда зал бир зум сув қуйгандек жимиб қоларди. Кейин зал яна жоңданиб ғовур-ғувур бошларди.

Минут сайин тобора авжига чиқаётган бу ғовур-ғувурда сабот-матонат ва жиддият, талабчанлик ва бесабрлик оҳанги яққол эшитиларди.

Бирдан, гўё таранг тортилган тор шартта узилиб кетгандек бўлиб, яна залга жимжитлик чўкди.

Надежда Сергеевна эса нима бўлганини билолмай, теъарақ-атрофига аланглаб қаради ва ўша ондаёқ тушундики, орзиқиб кутган дақиқа — энг азиз лаҳза ўтиб кетибди: қайси ёқдан ва қайси эшикдан Ленин кирганини ва президиум столи ортида қандай пайдо бўлганини кўролмай қолди.

Залда гулдуроч, ҳайқириқлар, олқишлар, ҳаяжонли табрик садолари янгради.

— Ленин!

— Ленин!

— Ленин!

Дастлабки минутда ҳамма учун, ҳар бир қалб учун энг азиз бўлган фақат битта сўз — унинг мўътабар номи янграганидан зал ларзага келди.

Ҳамма оёққа турди. Шодиёна садолар зални босиб кетди, ишчиларнинг шапкалари, козирёксиз матросча фуражқалар, қизил аскарлар шлёмлари ҳавога учди, аёлларнинг қизил дурралари ҳилпиради.

Надежда Сергеевна ҳамма қараётган томёнга қанчалик қараса ҳам, лекин елкалар ва бошлар, кўтарилган қўллар тўсиб, ҳеч нарса кўролмади. Унг томонга интилиб йўлга ўтмоқчи бўлди, лекин йўл ҳам одамлар билан тирбанд эди.

— Яшасин Ленин!

— Ленин!

— Ленин!

— Владимир Ильич Ленинга — ура!

— Ура-а!..

— Вива Ленин!

— Ленин!

— Ленин!

Залда гумбазсимон шифт остида рус, инглиз, француз, немис тилларида улуғ Ленин номи янграрди.

— Вива Лели!

— Вива Лели! Лели!— дея ёнидаги негрлар ҳаяжонланиб қичқиришар, жон-жаҳдлари билан чапак чалишарди.

Надежда Сергеевна уларга кўз ташлади: жигар ранг чеҳраларида акс этган фавқулодда шавқ-завқ ва қувончни, беҳад бахтиёрликни кўриб, «Вива Лели!»— дея зўр ҳаяжон билан бақиршларини эшитиб, бирдан кўзлари ёшга тўлиб, тирқираб оқиб кетди.

— Владимир Ильич!— бу сўз унинг қалбидан отилиб чиқди.— Туркистон меҳнаткашларидан сизга алангали салом!— дея чинқирди Надежда Сергеевна кўз ёшларини артиб улгурмасдан қарсақ чалар экан.

— Сиз Ленинни кўряпсизми?— сўради у қўшнисидан.

Бу саволни қўшниси эшитмади ҳам. Надежда Сергеевна унинг кўйлагидан тортди, лекин бунга парво қилмади у. Надежда Сергеевна эса, айтганини қилдирмагунча қўймайдиган ёш болалардай, қўшнисининг кўйлагига тирмашиб, тортқилайверди. Ниҳоят у, нима гап ўзи, дегандек савол назари билан Надежда Сергеевнага қаради.

— Сиз уни кўряпсизми? — баланд овозда сўради у.

— Кўряпман,— деди бошини қимирлатиб.

— Мен эса кўрмайпман.

— Стулга чиқиб олинг, уялманг.

«Ҳа-я. Боятдан бери шундай қилсам\* буларкан-а»,— кўнглидан ўтказди Надежда Сергеевна.

У қўлидаги ипак сумкачасини маҳкам ушлаб, энди столга чиқмоқчи бўлганда, зал бирданига жимиб, ҳамма одам жой-жойига ўтирди.

Залда шу қадар ажойиб сукунат ҳукм сурардики, ҳатто зал охиридаги асосий эшик олдида кимнингдир оҳиста қўйган қадами, бировнинг ерга тушириб юборган мундштук ёки трубкаси, ҳатто пичирлаб гаплашиши, нафас олиши, ҳаттоки тиқ этган товуш ҳам аниқ эшитиларди.

Надежда Сергеевна ўтирган ерида типирчилаб олга тикилар, кўзларини жавдиратиб Ленинни қидирарди. Вақт эса ўтиб борарди. Президиум столи ортидан раислик қилувчи ўртоқ ўрнидан турди-да, бир нималар деб сўзлай бошлади.

Надежда Сергеевна эса ҳамон Владимир Ильични тополмасди. Ҳаяжонланганидан юзи қизариб кетганини ўзи ҳам сезиб, кўшнисидан пичирлаб сўради:

— Владимир Ильич қани?

— Раислик қилаётган ўртоқнинг ёнида ўтирибди. Кўряпсизми, ана, бошини энгаштирди... Бир нималар ёзаяпти... Ана... Ана энди залга қаради.

— Вой худойим-е! Кўряпман, кўряпман! Ҳа, бу ўзи! Владимир Ильич! — Надежда Сергеевна беихтиёр бақириб юборди, ҳамма унга қаради: Владимир Ильич эса, кўзларини мулойим қисиб, гўё уни ахтараётгандек, залга кўз югуртириб чиқди.

Энди бу дақиқани — Ленин нигоҳи билан уни қидирган шу қувончли, энг бахтли дақиқани Надежда Малясова умрбод ёдидан чиқармайди. Ўтирган еридан шартта тургиси ва: «Мен бу ерданман! Бу ерданман, Владимир Ильич!» деб қичқиргиси келди.

Ленин икки қўлини стол устидаги қоғозга қўйиб, бошини сал қийшайтириб, раиснинг гапига диққат билан қулоқ солар экан, икки кўзини залдан узмасди. Шуниси таажжубки, ўтирган ҳар бир киши ҳозир, Ленин менга қараяпти, нимагадир менга тикиляпти, деб ўйлаётгандек туюлар, шунингдек Надежда Сергеевнанинг назарида ҳам Ленин фақат унга қараётганга ўхшаб кўринар, гўё Ленин у билан гаплашмоқчи ва ундан алланарсаларни сўрамоқчи бўляпганга ўхшарди. «Мен Туркистонданман, Владимир Ильич! — деди фикран унга мурожаат қилиб Надежда Сергеевна. — Туркистондан. Ўзим шу ерда — Петроградда туғилганман.

Энди яна Туркистонга қайтиб кетмоқчиман. Биз сизнинг топширигингизга биноан ўт еттинчи йилда эрим Варламов билан бирга Туркистонга кетгандик, Владимир Ильич. Эсингиздами, Варламов?.. Сиз уни яхши биласиз, буни менга ўзи гапириб берган. Варламов ҳозир бригада командири... Совет ҳокимиятининг душманлари босмачиларга қарши курашяпти... Темирчи Қурбон эса ҳозир «Қўшчи» союзига раислик қиляпти. Ҳаммамиз сизнинг байроғингиз остида жипслашганмиз, Владимир Ильич. Ленин байроғи остида. Бизга бемалол суянсангиз бўлади... Бизга ишонаверинг».

— Халқаро аҳвол ҳақида доклад учун сўз Владимир Ильич Ленинга берилади,— Надежда Сергеевна бирдан раслик қилувчининг овозини эшитиб қолди.

Раислик қилувчи Ленин номини айтиб улгурмасданоқ Владимир Ильич чаққонлик билан ўрнидан турдида, тез-тез юриб минбарга борди.

Делегатлар, меҳмонлар ва залда бўлган жамики одам яна оёққа туриб, шоднана овозлар ва қарсақлар билан Ленинни олқишлади.

Надежда Сергеевна энди аниқ кўриб унга тикилиб олди: Владимир Ильич минбарда туриб, қора нимчасининг чўнтагидан соатини олиб, унга қараб қўйди, кейин залга тикилиб қаради, бир неча дақиқагача одамларнинг тинчланишини кутиб турди, ниҳоят бир нима деди. Лекин гулдурос қарсақлар орасида унинг гапини англаб бўлмади. Владимир Ильич яна соатга қаради-да, бутун залга ишора қилиб, соатини кўрсатди.

Бу ишора залдагиларни янада жонлантириб юборди, қийқириқ ва олқишлар янгради. Владимир Ильич эса бу олқишларнинг гўё унга алоқаси йўқдек шу қалар оддийлик ва камтарлик билан минбарда турардики, гоҳ бошини кўтариб залга тикилар, гоҳ яна энгаштириб тезисларига қараб қўярди.

Орадан бир дақиқа ўтди, кейин икки дақиқа, бироқ залда ҳамон ҳаяжонли, тантанали садолар янграрди. Владимир Ильич сал қовоғини уйди-да, раислик қилаётган ўртоққа қараб, гина тарзида унга гап қотгандек бўлди.

— Уртоқлар, Коммунистик Интернационалнинг асосий вазифалари ҳақидаги тезислар матбуотда барча тилларда босилиб чиқди...— бутунлай жимжит залда овоз жаранглади ва бу овоз шу қадар юракка яқин,

шу қадар ёқимли эдики, гўё Надежда Сергеевна уни ҳар доим, умр бўйи эшитиб юргандек ҳис қилди ва бирдан ҳаяжонланиб кетди: гапираётган одам Ленин эканлигини тушунди.

Надежда Сергеевна залга сув қуйгандек жимлик чўкканини, ҳамма одам аллақачон жой-жойида ўтирганини, ўзи ҳам жойида ўтирганини энди англади.

Шу дақиқадан бошлаб, у бошқа ҳеч нарсани кўрмади, эшитмади, фақат биргина овозни — Лениннинг овозини тинглаб ўтирди.

Энди ҳеч ким ва ҳеч нарса Малясованинг диққат-эътиборини Ленин турган минбардан четга тортолмас, унинг сўзларини тинглашдан чалғитолмасди.

Ўз орзу-умидларининг рўёбга чиққанини, кўпдан бери орзиқиб кутган бу дақиқани, шу онни умрбод унутмаслигини ва Лениннинг ҳозир айтаётган гапларини, ҳар бир сўзини ҳаммиша ёдида сақлаяжагини ўйлади.

— Илғор капиталистик мамлакатларнинг революцион пролетарларини ҳали пролетариати йўқ ёки деярли йўқ даражадаги мустамлака мамлакатларнинг, шарқ мамлакатларининг эзилган халқ оммалари билан бирлаштириш шиори ушбу конгрессда рўёбга чиқмоқда.

— Рўёбга чиқяпти, амалга ошяпти, Владимир Ильич!— хаёлан такрорлади Надежда Сергеевна диққат билан нутқни тингларкан.

— Советларнинг роли ва аҳамиятини эндиликда Шарқ мамлакатлари халқлари ҳам тушундилар,— деди Владимир Ильич.— Советлар ҳаракатининг бошланишига бутун Шарқда, бутун Осиёда ва барча мустамлака халқлари орасида асос солинди.

Надежда Сергеевна, Владимир Ильичнинг баъзан жумла охиридаги сўзларни алоҳида таъкидлаш учун чаққонлик билан минбардан энгашиб қўйганини кўрарди.

Унинг гапларини чуқур тушуниб, жон-дили билан қизиқиб, астойдил қулоқ солиб тинглаганидан вақт қандай ўтиб кетганини ҳам сезмади. Бирданига бошланган гулдурос қарсақлар остида Владимир Ильичнинг минбардан узоқлашганини кўриб ҳайратда қолди ва қўшнисидан сўради:

— Нима? Тамом бўлдими? Шунчалик тез-а?!

— Владимир Ильич ҳар доим докладини бир соат ёки қирқ беш минутда тугатишга ҳаракат қилади.

Надежда Сергеевна афсусланиб, чуқур хўрсинди.

Минбарга энди бирин-кетин бошқалар чиқиб гапира бошлади. Надежда Сергеевна уларнинг гапини тинглаётган бўлса-да, лекин иккала кўзи президиумдаги раислик қилаётган одамнинг ёнида ўтирган Владимир Ильич Ленинда эди.

## 15

У толеидан мамнун эди. Афсуски, ёнида на Варламов бор, на Қурбон билан Тозагул ва на Кузьма Захарович. Умрида бир марта учраган бу ногаҳоний қувончни, бу бахтни у фақатгина шуларга сўзлаб бериши, улар билан ҳамдамлашиши мумкин эди. У Ленинни кўргани ва унинг гапларини эшитганини ҳовлидаги аёлларга, Наташа билан Святославга гапириб берди. Кейинчалик эса Варламовдек, Қурбон ва Тозагулдек, Кузьма Захаровичдек одамлардан бошқа ҳеч ким унинг гапларига тушунмаслигига, улардан бўлак биронта одам ҳаётида юз берган ана шу бахтли онларни биргаликда ҳамдамлаша олмаслигига ақли етди. Балки бу ҳақда дуч келган одамга кўрган-чечирган воқеаларни, унинг онгини бойитган ажойиб фикрлар тўғрисида гапиравериши керак эмасдир. Балки керакмикан, а?.. Лекин баъзан шундай қилгиси келарди, чунки бундай қувончни ичига сиғдирилмаса, бошқалар билан ҳамдамлашмаслик унинг учун жуда қийин эди.

Надежда Сергеевна сабрсизланиб, энди тезроқ уйга қайтишга, Туркистонга жўнашга шошилиб қолди. У бирданига Августдан, у билан учрашишдан чўчий бошлади. Ёзги боғда у билан бирга бўлгани, унинг тавбатазарру ва ялиниб-ёлворишларини эшитиб ўтиргани эсига тушиб хижолат бўлди; бунинг устига эса, унга юрак сирини очиб, уни севганлигини, у ташлаб кетгач — қанчалик алам қилганини, азоб чекканини гапириб қўйгани учун ўзидан уялиб кетди. Нега гапирди-а?.. Буларни унга гапиришнинг нима ҳожати бор эди?!

Августга нисбатан ҳозир қалбида пайдо бўлган нафрат, Петроградда яна қайтадан уйғонган ачиниш ҳиссини батамом ўчирди. Айниқса, уни Аничкин кўпригида ўз расмларини сотаётган пайтида биринчи кўрганида, ик-



кинчи марта эса, Қўшиқчилар кўпригида у билан ёнма-ён туриб, қуйидаги қадимий романсни эшитганида унга жудаям ачинган эди:

Нола қилар куз шамоли,  
Учар сарғиш япроқлар...

Илгаридан уни Август билан боғлаб келган барча ҳис-туйғулар ҳам, Августнинг ўзи ҳам — бир лаҳзада Надежда Сергеевнанинг кўнглидан чиқиб кетди. Ҳаммаси йўқолди, бутунлай гойиб бўлди, фақат у билан учрашганлигининг доғи, андак пушаймонлик қолди.

Надежда Сергеевна энди у билан учрашишни сира истамас, ҳаттоки қўрқарди. Август уни таъқиб этиши, кетидан эргашиб Туркистонга ҳам бориши мумкин эди. Орқасида оғирлиги йўқ, ким уни ушлаб турарди?! Унинг бу ерда кимга ҳам кераги бор?!

Хайриятки, Хазбулат уни Петрограддан тезда жўнатиб юборди. Надежда Сергеевна Табриз саройидан чиқиб келаётиб, Августни сўнгги марта кўрганида, ҳали-бери жўнашимнинг тайини йўқ, деб алдаганди. Август ўшанда уни Литейний кўчаси билан Нева хиёбони муюлишида кутиб турган эди.

— Сенинг шу ердалигингни билувдим, — деганди Август унга, — яқинроқ боришга юрагим бетламади. Табриз саройини жуда кўп соқчилар қўриқлаяпти. Чекистлар шубҳаланиб, мени қамашлари мумкин эди.

Надежда Сергеевна поездда кетар экан, шуларни эслади-да, бу Август билан охириги учрашувим бўлиши керак, деб енгил тортди.

Ҳозир эса хаёли фақат йўлда эди: поезд тезроқ юрса-ю тезроқ уйга етиб ола қолса...

Яна бир ташвиши — болалари эди. Йўл ва болалари.

Надежда Сергеевна йўл бу қадар олис ва машаққатли бўлади, деб ўйламаганди. Гоҳо болаларини бағрига босиб, вагоннинг бир бурчагида ўтираркан, ўқтин-ўқтин ҳорғин кўзларини юмарди, шунда граждандар уруши оловида ёнаётган, қоп-қора порох тутуни босиб кетган, очарчиликдан ва терлама касалидан қийналган азиз Ватани кўз олдида гавдаланарди.

— Нега йиғлаяпсиз, ойижон?—тўсатдан сўраб қолди Наташа ойнисига тикилиб.

— Мен-а?! Йиғлаяпманми?!— деди она шоша-пиша

кўз ёшларини артаркан.— Йиғлаётганим йўқ. Фақат сал хаёл суриб кетибман, холос.

«Бардош бера олармикансан, жонажон Ватаним...» дерди у яна ўйга толиб, бирдан кўз олдида қарсақлар ва шодиёна олқишлар орасида Ленин сиймоси намоён бўларди.

«Қуролдан фойдаланиш билимини бизга улар ўргатди. Бу ниҳоятда фойдали билим, бунинг учун биз уларга барча рус ишчи-деҳқонлари номидан ва бутун рус Қизил Армияси номидан буржуазияга чуқур миннатдорчилик билдиришимиз мумкин»,— деган овоз, Ленин овози қулоғида жарангларди.

— Бардош бера оласан! Жамики кулфатлардан омон чиқасан!— дея пичирларди жилмайиб ва болаларини маҳкамроқ бағрига босарди. Болалари учун она ёнида ўтириш, табассумидан баҳра олиш, нурланиб турган катта-катта ва чиройли, ҳали ёши қуримаган кўзларига боқиб гоят мароқли эди.

Ҳамма станциялар оч-яланғочларга тўлиб кетганди. Надежда Сергеевна Туркистондан Петроградга кетаётган пайтда эса очлар бунчалик кўп эмасди. Улар темир изларда, станция олдиларида, вокзалларда дайдиб юришар, чорак қадок сўк ёки қотган балиқ учун узундан-узоқ навбат кутиб туришар, жануб томонга — Тошкентга кетаётган поездларга ёпирилиб ўраб олишарди.

Надежда Сергеевна Қинель станциясида доғ сув олиб келгани вагондан тушиб, югуриб бораркан, перрондаги аҳволни кўриб даҳшатга тушди. Очликдан ўлган одамлар жасаdlари саржин тахлагандек тахланиб, устига чипта ёпилган ҳолда, шундоққина перрон саҳнида, ёмғирда ётганди. Тунука чойнак кўтарган Надежда Сергеевна қаерга ва нимага кетаётганлигини ҳам унутиб, шоша-пиша вокзал ҳарбий комендантини ахтара кетди. У оломон орасидан юрмади, перрон дарчаси томон бормади, тўппа-тўғри комендантнинг кабинетига кирди.

Ҳарбий комендант эшиги олдида турган соқчи бу аёлнинг кўриниши ваҳимали ва ғазабноклигини пайқаб дарҳол эшикни ўзи очиб; ҳужжатига шунчаки кўз ташлади-да, уни кабинетга киргазиб юборди. Надежда Сергеевнанинг қўлида эса Петроградда берилган: «Гражданка Малясова Надежда Сергеевнага Тошкентга тезроқ этиши учун, шунингдек йўлда озиқ-овқат олиши

ва ҳарбий комендантларнинг қабулига навбатсиз кириши учун тўхтовсиз ёрдам кўрсатилсин» деб ёзилган мандаг бор эди.

Надежда Сергеевна оstonадан ҳатлаб ўтди-ю, тўхтаб қолди. Комендант унга тескари ўгирилган ҳолда деворга осиглиқ ёғоч телефон орқали кимгадир бақирди:

— Мен иккита арава талаб қиляпман. Дарҳол. Йўқ, битта эмас, иккита керак. Ҳа, иккита деяпман. Дарҳол юборилсин. Бир соат ичида. Агар бажармасак, иккаламиз ҳам отиламиз.

Нима ҳақда гап бораётганлиги равшан эди: тутоқиб турган одамни баттар хуноб қилиш ақлдан эмасди. Шунинг учун Надежда Сергеевна бу ишга аралашмасдан секин чиқиб кетди.

Кинелдан кейин станцияларга камроқ тушадиган бўлди. Баъзан уларнинг вагонини — Надежда Сергеевна ва яна бир қанча бошқа оилалар бирга у кетаётган вагонни поезддан ажратиб, боши берк изга киргизиб қўйишарди, ўшанда бу вагон суткалаб, ҳафталаб ўша ерда қолиб кетарди. Шундай пайтларда бошлиқ олдига бориб, вагонни тезроқ поездга тиркашларини ва белгиланган манзилга тезроқ жўнатишларини талаб қилишга тўғри келарди.

Бир куни Оренбургга етмасдан, яна вагонни ажратиб, юк вагонлари ўртасидаги бўш изга ташлаб кетишди. Надежда Сергеевна станцияни айлангани вагондан тушди. Қайтиб келса — вагон йўқ. Аъзойи бадани жунжикиб кетди. У ёқдан-бу ёққа зир югуриб қидирди. Вагон йўқ. Охири тинка-мадори қуриганидан қоқилиб йиқилди, назарида юраги ёрилиб кетгандек туюлди. Ниҳоят, унинг вагони Тошкентга кетаётган бир поездга тиркаб, жўнатиб юборилганини билди. Олдинига уни ваҳима босиб, муздай терга ботди, кейин ўзини қўлга олиб ҳовлиқмасликка ҳаракат қилди.

Ҳарбий комендант унинг мандатини ўқиб кўргач, нариги станцияга қўнғироқ қилиб, вагонни ажратиб ташлаб кетишни тайинлади; Надежда Сергеевнани эса дрезинага мингазиб, поезд орқасидан кетма-кет жўнатди.

Буни қарангки, сарсон-саргардонлик ва энг оғир кунлар ҳали бу ёқда экан. Бу кўргилик ўз вагонига етиб, ўз болаларини топгандан сўнг бошланди. Вагонини ажратиб, шу станцияда қолдирилишини, ўзи сўраганининг

жазоси учунми, нимагадир, шу ерда бир ҳафта туриб қолди. Надежда Сергеевна ўглининг икки бети чўғдай қизарганини, лаблари пўрсилдоқ бойлаб, аъзойи бадани ўтдай ёниб, оёқлари музлай бошлаганини кўриб, касали жиддий эканлигини англади.

— Ойи, бошим оғрияпти! Бошим оғрияпти, ойи-жон!— деб шикоят қила бошлади бола.

Надежда Сергеевна фақат тепкили терлама билан ички терламадан қўрқарди. Унинг гумони тўғри чиқди — Святослав тепкили терлама билан оғриган эди. Йўл бўйи тортган азоб-уқубатлари етмагандек, бунинг устига ўғлимдан ажралиб қолмасам гўрғайди, деган ваҳима ҳам қўшилди. Шунга қарамай, бу ваҳимадан қутулишга, ўзини дадил тутишга ҳаракат қиларди. Бир ўлимни — очликни енгиб, эндигина оёққа турганда жувонмарг бўлишига сира ишонмасди. «Йўқ, йўқ,— деб пичирлади у ўғлининг устига энгашиб. — Бундай бўлиши мумкин эмас... Болам... сен албатта яшайсан... яшашинг лозим... яшашинг.

— Йўқ, йўқ,— дерди у овозини чиқариб, навбатдаги станциянинг ҳарбий коменданти олдига бораётиб.

«Йўқ»,— ҳаёт сурарди узундан-узун поезд бўйлаб ўз вагонига қайтаётиб.

«Йўқ,— ўйлаб чиқарди кечаси қоп-қоронғи вагонда болалари ёнида ётаркан.— Эй худо, ишқилиб бу мусибатга йўл қўймагайсан... Ахир, у ҳали норасида-ку... Эй худо... Қайси бир қилмиши учун унга бунчалик азобни раво кўрдинг?.. Сенга сиғинаман, ишқилиб ўлимнинг юзини тескари қил, ўз паноҳингда асра. Ўзинг асра боламни... Агар чиндан ҳам худо бўлсанг, илтижоларимни қабул қиласан... Борди-ю, у нобуд бўлса, демак сен йўқсан... Унда мен сенга лаънат ўқийман, қарғайман».

Надежда Сергеевна врач бўлгани учун, яқинда очликни бошидан кечирган боласининг ҳали заиф, камқувватлигини тушунар, шунинг учун ҳам тобора кўпроқ хавотирланаарди.

Вагонда терлама касали борлигини ҳеч ким билмасди. Надежда Сергеевна бу ҳақда ҳатто Наташага ҳам айтмади. Шунинг учун ҳеч ким унга ҳамдардлик билдирмас, ҳар хил маслаҳатлар билан халақит ҳам бермади... Вагондагилар унга ҳурмат билан қараб, хизматига тайёрлигини изҳор қилишар: станцияга тушиб қай-

поқ сўв олиб келишми, болаларнинг қўйлак-иштонини ювишми, хуллас, нимаки юмуш бўлса, бизга қўйиб бераверинг, дейишарди. Улар шундай врач билан бир вагонда кетаётганларидан фахрланишарди. Биронта одам бошқа вагондан Надежда Сергеевнани чақириб келгудай бўлса, улардан биттаси дарҳол гапга аралашини ўз бурчи деб билиб:

— Тинчлик борми, йўқми? Ахир бу одамни қийнаб юбординглар-ку,— дерди.

— Надежда Сергеевна, нима қиласиз бошингизни қотириб, ҳайдаб юборинг... Ёки хизматингиз учун нон, ёғ, қанд, шунга ўхшаш нарса сўранг...

— Юринг, юринг. Уларнинг гапига қулоқ солманг,— дерди Надежда Сергеевна уни олиб кетиш учун бошқа вагондан келган ўспирин ёки аёлга.

Поезд Оренбург билан Актюбинскда тўхтамай ўтди, буниг ўрнига чўлдаги кичик разъездда бир суткадан кўпроқ туриб қолди. Оренбург атрофидаги ва Орол бўйларидаги чўлларда ҳали ҳам бандитлар шайкалари изғиб юрганмиш, поездларни тўхтатиб, талашаётганмиш, деган овозалар вагондан вагонга тарқалди. Поезд Оренбург билан Актюбинскдан кейин ҳам катта-катта шаҳарларда тўхтамай ўтиб кетаверди. Поезд баъзан кичкина, ҳувиллаган станцияларда суткалаб туриб қоларди. Йўловчилар вагондан тушиб, чўлда бирон овқат пиширишар ёинки бегубор мовий Оснё қуёшига орқаларини тоблаб ухларди. Аммо ҳеч ким чўлнинг қоқ ўртасида паровозни алақайга йўқолиб, онасиз қолган етимчадек бўзрайиб турган поезддан ва темир йўл кўтармасидан кўзини узмасди.

Кўпинча тунда қаёқдандир изларни жаранглатиб вишиллаб паровоз келарди-да, шоша-пиша вагонларни тиркаб, калта-калта ҳуштак чалиб қўярди. Ҳуштак чалганидан кейин ҳам бир неча дақиқа кутиб турар, баъзида эса бирдан составни шақир-шуқир қилиб ўридан қўзгарди-да, қоронғилик қаърига судраб кетарди.

Чўлдаги разъездда бирдан саросималик бошланди. Ҳамма ваҳимага тушиб, қий-чув, йиғи-сини кўтарилди. Одамлар ҳовлиқиб югуришар, болаларни ва бир-бирини йиқитиб, темир йўл кўтармаси томон интилишарди. Бу тўс-тўполонда кўпчилик одам вагонга чиқолмай қолди. Составнинг ярми жойнда қолиб, йиғирма-йиғирма бештача вагонни паровоз составдан ажратиб олиб

кетгани маълум бўлди. Яна шунча, балки кўпроқ вагонлар чўлда қимирламай турарди. Одамлар эса, паровоз вагонларни станцияга ёки нариги разъездга олиб қўяди-да, қолган вагонларни олиб кетгани ҳадемай келиб қолади, деб бичиб-тўқишарди.

Жўнаб кетолмаганлар эса қолган вагонларга ёпирилиб чиқишарди, зинапоя-ю, тамбурларгача одамлар билан тўлиб кетарди. Романтикага ишқивоз ҳамда жасур йигитлар вагон томларига чиқиб, жануб тупи қоплаган зимистон чўлга тикилиб, паровозни кутиб ўтиришарди.

Тун оғиб, тонг ёришай деб, шарқда булутлар орасидан шафақ яллиғлана бошласа ҳамки, паровоздан дарак бўлмасди. Йўловчилар пешинга бориб яна вагонлардан тушишар ва кўтарма бўйлаб тизилиб ўтиришар: аёллар бир-бирининг бошларини боқиб сочларини пайпаслаб қидиришарди, эркаклар эса қўйлақларини ечиб, жазирама офтобга орқаларини тутиб ором олишарди.

Надежда Сергеевна энди вагондан камдан-кам чиқар, бетоб ўғлининг олдида қимирламай ўтирарди. Фақат бир мартагина ўғлини очиқ ҳавода айлантиргани ташқарига олиб чиқди. У ўғлини ярим соатча кўтариб юрган бўлса-да, унинг оғирлигини сира сезмади. Ниҳоят, вагонга қайтиб, ўғлини жойига ётқизди ва бирдан, назарида бола нафас олмаётгандек туюлди. Ваҳима ичида шоша-пиша энгашиб ўғлини қоқ суяк елкасидан, қўлларидадан тортқилаб уйғота бошлади.

— Светик, ўғлим, ухлама! Ухлама. Эшитяпсанми?! Кўзингни оч. Ойингга қарагин, Светик! Менга қара, ўғлим! Лоақал яна бир бор қарагин, жон ўғлим!!

Лекин Святослав кўзини очмади. Онасига қарамади. Фақат ич-ичига тушиб кетган кўзларида ва хиёл очилиб қийшайиб кетган лабларининг бир чеккасида аччиқ алам изи қолганди, холос. У кўзини очмади, сўнгги марта онасига қарамади. Унинг чеҳрасида қотиб қолган ана шу аччиқ алам она қалбига ханжардек санчилиб, юракбагрини эзиб юборди.

Надежда Сергеевна ўғли Святославни ҳувиллаган бир станциядаги қум тепаликка дафн қилиб, августнинг ўрталарида қизи Наташа билан бирга ниҳоят Тошкентга етиб келди. У Варламовнинг қаердалигини билиш учун Туркистон фронти штабига ҳам бормади, Кузьма Захаровични кўриш учун шаҳарга ҳам бормади. Бир ерга бориш, бировни кўриш — юрагига сиғмасди.

Ҳатто эрини жуда соғинганига қарамай, Петроградда лик пайтида тезроқ дийдор кўришишни орзу қилганига қарамай, ҳозир у билан учрашгиси йўқ эди. Ҳозир фақат бир нарсани истарди. Тезроқ Номсиз қўрғонга борсаю, Тозагулни кўрса, ўша ерда тўйиб-тўйиб йиғласа, ҳўнграб йиғлаб юрагини бўшатса...

Она-бола Первушин кўпригида қўқон аравага тушиб олди ва кўп ўтмай иккови ҳам қаттиқ ухлаб қолди. Арава Номсиз қўрғонга етиб келиб, аравакаш отини суғораётгандагина уйғонишди.

— Эй... амакижон!— деди Надежда Сергеевна шодиёна овоз билан аравакашга мурожаат этиб.— Нега уйғотмадингиз?! Ахир биз шу ерга келмоқчийдик-да.

— Бу ерда нима бор сенга?— ҳайрон бўлди аравакаш.— Ахир, Ёркентга дединг-ку.

— Қани, Наташа, бўла қол, аравадан гез туш,— деди Надежда Сергеевна.— Амакингнинг гапига қулоқ солма. Бизга шу ер керак.

Номсиз қўрғон томондаги қудуқ ёнидан аёллар овози эшитилди.

Надежда Сергеевна ўша томонга ўгрилиб қаради. Қудуқ томондан шодиёна қарс уриб, қўлларини силкитиб Тозагул билан Башорат унга пешвоз чиқиб чошиб келдилар.

# БЕШИНЧИ ҚИСМ

## МУҲАББАТ МАНГУ

### 1

Ҳаёт карвони инсонни ажойиб йўлларга бошлаб кетади. Одамлар, Нодира опага... Надежда Сергеевна Малясовага бир қаранг. Бу аёлнинг бошига не-не савдолар тушганлигини, узоқ сафарда нималарга дуч келганлигини, қанчадан-қанча шаҳарларда бўлганлигини эслаб кўринг-а. Петроградда Ленинни кўрдим, дейди. Ҳа, у Ленинни кўрган, гапини эшитган. Бунга нима дейсиз? Дадам эса Нодира опанг бахтли, дейди. Ўзи ҳам буни тасдиқлайди: ҳа... бахтиёрман, дейди. Фақат бир нарсадан кўнгли хира, у ҳам бўлса — ўғлининг ўлими... бола унинг қўлида жон берди... Уни чўлу биёбонда ҳувиллаган аллақайси ярим станцияда дафн этди. Жигарбандидан жудо бўлиш осон эмас албатта... Бундан ташқари, Рустамга ҳам жуда ачинди. Нега? Ёки Рустам ҳам унинг отаси Болтабой сингари қазо қилиптими? Бойлар учун сув талашиб ўлиптими? Болтабой ота бахтсиз одам. Бутун умри номоз ўқиш, худога сиғиниш билан ўтди. Рустам-чи... отасига раҳмат, ақлли йигит эди. Ун етти ёшда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. У ҳақиқат учун, камбағаллар манфаати учун жон бераётганлигини ўзи биларди. Бас, шундай экан, нега унга ачиниш керак?.. Башорат бир кун Нодира опага шуларни гапириб берди. Надежда Сергеевна бу гапдан ҳайрон қолди, эшитгач, чаросдек тим қора кўзлари катта очилиб, юзлари гулгун ёниб янада гўзаллашиб кетди. У бирпас индамай турди-да: «Оббо Башорат-ей, сен ҳали шунақамисан!» деб қўйди. Башорат бунақа гапларни ойисига ҳам, дадасига ҳам айтмайди. Лекин онаси-



нинг ҳадеб Рустамни эслаб, обидийда қилиши унга ёқмайди. Надежда Сергеевна Наташа билан келган кунни кечқурун ўғли Святославни эслаб фақат бир марта йиғлади, холос. Уша кунни кечқурун ҳаммалари роса йиғлашиб юракларини бўшатиб олишди. Ҳаммадан улар кўп йиғлашди. Наташа ҳам бир оз йиғлаб олди. Уларни кўриб дадаси ҳам ўзини тутолмай, пиқиллаб йиғлади-ю, лекин кўз ёшларини кўрсатгач, бармоғи билан дарҳол артди. Унинг шу бармоғи қорайиб, тарс-тарс ёрилиб кетган. Ёрилган жойларига кўмир чанги ўрнашиб қолган, ювган билан сира кетмайди. Доим кўмир билан темирга ишқаланавергани учун айниқса шу бармоғи жудаям қоп-қора эди.

— Дада, қўлингизни ювиб қўяйми?—деди бир кунни унга Башорат.

— Нима билан ювасан?— сўради дадаси хомуш жилмайиб.

— Совун билан-да, менда совун бор.

— Қаердан олдинг? Яна Нодира опанг бердимиз?!

— Йўқ, йўқ. Барибир қаердан олганимни тополмай-сиз. Келинг, ювиб қўяй.

— Кераги йўқ, қизим,— деди у, чиройи ёришиб.— Барибир тоза қилолмайсан.

Уша кунни кечқурун Башорат уларнинг йиғлашига қараб туриб, ўзи ҳам ғалати бўлиб кетди, юраги жиз этиб, кўзлари ачишиб, гўё томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. Лекин бу Рустамга ачинганидан эмасди. Агар инсон қаҳрамонларча ҳалок бўлса — бу катта шараф. Мабодо унинг ҳам бошига шундай кун тушса-чи! Афсуски, у йиғитмас-да. Унга на қилич беришади, на милтиқ, ишоничмайди. Агар ишонганларида-ку... Башорат қилич ишлатишни, милтиқ отишни уларга кўрсатиб қўярди-я! Федор унга тўппонча отишни ўргатганди... Башорат беш марта ўқ отди. Шундан фақат биттаси — иккинчиси хато кетди, холос. Шунда Федор, бу ўқ қулоғини ушлаб кетди, деди... Биринчи ўқ нишонга тўғри тегди. Федор ҳайрон бўлиб, кўзларига ишонмади... Лекин кўриниб турибди, деди Федор, сопол чил-чил бўлди... Бир кун олдин ойиси хурмачани синдириб, синиқларини ташлаб юборишга кўзи қиймай, уй орқасидаги девор тагига тўплаб қўйганди. Федор билан иккови булардан йирик-йиригини танлаб олиб, қамишзордаги қўлча ёнига қўйишган ва нишонга олиб, роса отишганди.

Федор Башоратнинг биринчи отган ўқига ишонмай, яна бир парча сополни дўнгликка қўйиб, деди:

— Қани, нишонга ол-чи!

Бу сафар аксига олгандек қўли қалтираб, нишонга теккизолмади. У яна бир марта отишга рухсат сўраб қўймагандан кейин, Федор ноилож рози бўлди.

— Хўп, майли, ота қол. Толеингни бир синаб кўр, албатта теккизасан. Теккизсанг, ниятингга етасан. Ма-бодо теккизолмасанг...

Башорат бутун иродасини бир нуқтага тўплади. Бахтига бу сафар унинг қўли қалтирамади, ўқ сополга тегиб, уни чил-чил қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Федор:

— Қани, яна бир марта теккизиб кўр-чи,— деди.

Демак, ҳалиям ишонмас экан-да. Башорат нишонга тўғри урди. Кейин яна отди, бу гал ҳам нишонга теккизди.

Шунда Федор деди:

— Қойил, мерган бўлиб қолибсан-ку. Ҳар қандай йигитдан яхши отасан. Агар сени қизил аскар қилиб олишганда-ку, жуда яхши бўларди-я...

— Майли, олинглар, жон деб кетаман,— деди Башорат дадил.

— Чиндан ҳам сенга гимнастёрка, галифе, будёновка жуда ярашади...

Бир куни Федор бундан юз йиллар муқаддам рус армиясида Надежда Дурова исмли довирак қиз бўлганлиги ҳақида Башоратга гапириб берди. Унинг ҳам исми Надежда... Малясованинг исмидай... Унинг тақдири ҳам қизиқ бўлган. Афтидан, ҳамма Надеждалар бахтли бўларкан-да... Надежда Дурова кўпгина йигитлардан ҳам абжирроқ экан. Уста мерган, эпчил чавандоз, довирак аскар бўлган. Надежда довираклиги, жасурлиги билан ҳаммани қойил қолдирган, лекин унинг аёллигини ҳеч ким билмаган.

Ушанда Башорат билан Федор бундай дадил фикр билан қизиқиб қолишганди. Кейинчалик Федор эс-ҳушини йиғди-да, бундай қилиш мумкин эмас, бу бемаъни фикр, деб жўнаб кетди. Ушандан бери Башоратнинг ҳузур-ҳаловати йўқолди. Ана шу «бемаъни фикр» унга тинчлик бермасди. Хўш, нега мумкинмас? Бунинг нимаси бемаъни? Қани, айтинг-чи, халойиқ. Қани, биронтангиз айтинг! Нима учун бировнинг тақдири ундоғу, бошқаники мун

доғ?! Ахир ҳар кимнинг тақдири ўз қўлида-ку! Боринги, ўзбек аёли бўлсин. Боринги, масалан, Болтабойнинг қизи Башорат бўлсин. Нега энди у умр бўйи ана шу Номсиз қўрғонда, тўқайзорда яшаши керак? Ахир Федор, дунёда азим шаҳарлар ва катта дарёлар, улкан денгизлар бор, деганди-ку. Хўш, булар ким учун керак?

— Инсон учун, Башорат,— деган эди Федор.— Сен учун. Буларни ўз кўзинг билан кўришинг керак.

Нима қилибди? Наҳотки бу мумкин бўлмаса? Ахир буларни ўзи гапириб берганди. Башорат, ўтиб бўлмай-диган тоғ йўқ, астойдил аҳд қилсанг — тоғдан ўтасан, ўтиб бўлмай-диган дарё йўқ, астойдил аҳд қилсанг — сузиб ўтасан, деб ўзи ўргатганди-ку... Эндиликда айтган гапларидан ўзи қўрқиб, уни шахтидан қайтаряпти. Сендақа йигитни қара-ю! Ҳозир қаердасан, йигит? Башоратни унутдингми?! Қўрғонда ёнма-ён ўтириб, нималар ҳақида гаплашганларимиз ёдингдими?.. Ҳа, йигитларга маза. Хоҳласа қўлига милтиқ олади, хоҳласа қилич олиб, жангга жўнаб кегаверади. Тўрт томони қибла. Сен эса бошингда паранжи, ёруғ дунёни қора чачвон тўсиб қўйгандан кейин қаёққа ҳам борардинг! Башорат умри бино бўлиб нимани кўрди? Ҳар йил баҳорда кўк майса-ю, томида лолақизғалдоқ барқ уриб гуллайдиган пастаккина лой сувоқ кулбадан бўлак ҳеч қаерни кўргани йўқ. Лолақизғалдоқли томнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Бу ерни ташлаб кетишга унинг қандай кўзи қияди? Ёзда қишлоқ кўчаларида қизиган билқ-билқ тупроқни айтмайсизми! Башорат ёшлигида қизиган тупроқда яланг оёқ юришни ёқтирарди. Ахир ўғил болалар тупроқ чангитишни яхши кўришади-да, Башорат эса чангдан қочиб, олдинга ўтиб оларди. Ўғил болаларга ҳаваси келарди. Лекин уларнинг шўхлик билан кўча чангитишлари, бақариб-чақиришларини ёқтирмасди. Айниқса уларнинг ошиқ ўйнашларига, дарахтларга чиқиб, қушлар инини бузишларига, Тешабой баққол ёки Бобохўжа табибнинг томорқасига тушиб, жўхори сўталарини қайириб олишларига ҳаваси келарди. Болалар табибдан қўрқишса ҳамки, барибир унинг томорқасига кўпроқ тушишарди. Бунақа ишларга Қудрат эпчил эди, ҳеч нарсадан қўрқмасди. Башоратнинг ҳаммадан ҳам кўпроқ ўшанга ҳаваси келарди. Ҳарқалай у энди ёшлик чоғидаги ҳаётидан нолимаса ҳам бўлади. Қиндик қони тўкилган она қишлоғи ҳам, Номсиз қўрғон

ҳам унинг ҳаётида ўзига яраша аҳамиятга эга. Ҳар йил май ойининг охирларида қўрғондаги жийдалар чаман-дек гуллаб, шундай ёқимли бўй таратадики, одамни маст қилади. Кузда ариқлардаги тип-тегиқ зилол сувнинг шилдираб оқишини айтмайсизми: гоҳ чанговуз оҳангини ёки дутор куйини эслатса, гоҳ уяси олдида сайраган каптарга ўхшаб ғув-ғувлайди. Тоғ ортидаги кўтарилган ойни айтмайсизми! Тўлин ой гўё ерга жуда яқин келиб қолгандек худди ҳавода муаллақ турган мис баркашдек бўлиб кўринади, уни ушлаб олгинг келади. Куз кечаларида қўрғонча ёнидаги йўлдан ўтиб бораётган туя карвонларининг жаранг-журунги одамга нақадар ҳузур бахш этиши-чи! Айниқса, умрида биринчи марта новвотни тотиб кўрганда қандай маза қилганини унутиб бўладими? Башорат ўшанда унчалик ёш эмас, ўн иккиларга бориб қолган эди. Бир куни эски-тускичи Убай амаки аравасини темирчилик устахонаси олдида тўхтатди-да, қудуқ ёнидаги тут тагига дастурхон ёзиб, дадасини чойга чақирди. Башорат шу вақт қудуқдан сув тортаётганди, бошидаги дуррача ўрнига ташлаб олган чит латга билан юзини пана қилди, лекин қудуқ ёнидан кеткиси келмай жўрттага имиллаб дастурхонга кўз қирини ташлаб тураверди.

— Башорат, — деди Убай амаки, — умрингда новвот еганмисан?

— Новвот? Йўқ, Убай амаки, емаганман.

— Бўлмаса, бу ёққа кел, новвотнинг мазасини тотиб кўргин, кейин қанақалигини даданг икковимизга айтиб берасан: уни чой билан ичса бўладими, йўқми?— Убай амаки чўнқайиб ўтирган ерида Башоратга қарамай, унга новвот узатди. Башорат яқинроқ бориб, бир дона ловиядек келадиган новвотни ийманиб олди-да, мазаси қанақалигини, уни чой билан ичса бўлиш-бўлмаслигини Убай амакига айтиш учун секингина оғзига солиб, шимиди. Орадан бир минут ўтгач. Убай амаки яна сўради:

— Башорат, нега индамайсан? Нима, ширинмасми? Балки тахирдир?

Башорат оғзидаги ширинликдан шу қадар маза қилаётган эдики, гўё эси оғиб қолгандек, дунёдаги жамики нарсани унутиб, ҳеч нарса кўрмас, ҳеч нарса эшитмасди. Ниҳоят эсини йиғиб:

— Ширин экан,— қисқа жавоб қилди-да, сув тўла қумғонни кўтариб, жўнаб қолди.

— Башорат, тўхта! — орқасидан чақирди Убай амаки. — Ма, бир бўлак новвот, олиб кет.

Башоратни нимадандир жаҳли чиқиб, жавоб бермади, орқасига қайрилиб ҳам қарамади. Унинг нимадан жаҳли чиққанлигини биллиб бўлмасди. Эҳтимол, жаҳли чиқишига новвот сабабчи бўлгандир. Новвотнинг мазаси умр бўйи оғзида қолди. Башорат новвотни эслаганди, ҳозир ҳам унинг мазаси оғзида тургандек ҳис қилди.

«Демак, Абдулхай бўлис, мулла Мирҳайдарбекхўжа, дўкондор Тешавой, ҳатто табиб Бобохўжага ўхшаганлар хоҳлаганларинча новвот еяверадилар?! — бирдан ғазабланиб ўйлай бошлади Башорат. — Бу ерда ўтираверганимдан нима фойда? Нимани кутяпман? Қимни? Федорними? Борди-ис, у энди қайтиб келмаса-чи?..»

Чумолиларнинг қандай меҳнат қилишини, уюшқоқлик билан саф тортиб чумоли жангига боришини ва жанг майдонида ўлган уруғ-аймоқларини ташиб келишини томоша қилиб ўтиришнинг энди қизиғи қолмаганди. Башорат ёшлик чоғида чумолиларга тикилиб ўтиришни яхши кўрарди, энди капалак ва ниначиларнинг ҳам кераги йўқ... Энди чанговузнинг ҳам кераги йўқ. Дадаси бу чанговузни эски-тускичи Убай амакидан солиб олиб берганди. Унинг аравасида ҳар доим чанговуз, лойхуштак, резинка коптоқлар кўп бўларди. Бу нарсалар Башорат билан Рустамга бебаҳо нарсалардек туюларди. Ойисига эса оқ, қора ғалтак иплар билан машина игнаси бебаҳо кўринарди. Ойиси ғалтак ип ёки битта игна сотиб олмоқчи бўлса, арава олдига келиб талай вақт турарди, кейин қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини кўрарди ва ўзича хомчўт қиларди-да, яна жойига қўярди. Шунда дадаси қўлидаги болғани ташлаб арава олдига келиб дерди:

— Нима қилиб танлаб ўтирибсан? Олавермайсанми?

Дадаси учун ҳам қора йўрғани минганда жарангжурунг қиладиган кумуш ҳалқачали юган дейсизми, оқ, кўк, қора рангдаги майда маржонлар қадалиб, бежирим қилиб ишланган нос қовоқлар дейсизми, — ҳаммаси топинларди.

Йўқ, бундай яшашга ортиқ чидаб бўлмайди. Бир ғалтак ип ёки игна кўзига бойлик бўлиб кўринса-я. Энди у албатта ўз йўлини ўзи топиб кетади.

— Ахир, сен инсонсан-ку! Тушуняпсанми?.. Парранда эмас, инсон-а!

— Ҳаҳ! Парранда қуш эмас... Паррандаларнинг ҳам ўзига яраша ҳаёт тарзи, қисмати бор. Масалан, лайлақларни олайлик. Бу ўзи қандай парранда? Қани, ким билади? Қишлоғимиздаги лайлақларни ўйласам, ҳали-ҳали юрагим ачишади.

Айб Қудратда эди. Ўша воқеадан кейин Башорат Қудратнинг шўхликларига ҳавас қилмайдиган бўлди, ҳаттоки, уни ёмон кўриб қолди. Эҳтимол Қудрат лайлақларни эмас, Тешавой боққолнинг жиғига тегмоқчи бўлгандир. Қудрат бировларнинг жиғига тегини, шўхлик қилишда тенгги йўқ, уччига чиққан найрангбоз эди. У тунука банкачаларни мушук думига боғлаб, қўйиб юборарди. Мушук ҳовлини гир айланаверарди, думидаги банкачалар шақир-шуқур қилаверарди. Бунни кўрган болалар ичаклари узилгудек бўлиб кулишарди.

Қудрат эса, ўз ишидан мамнун бўлиб тураверарди. Қурбақа ёки сичқон ушлаб, похол найча билан пуфлаб шиширарди-да, қўйиб юборарди. Сичқон ўрнидан қимирлолмай, ерга думаларди. Эҳтимол Қудрат лайлақларга ёмонликни раво кўрмай, шунчаки, оқибати нима бўларкин, деб ўйлагандир балки. Бу найранг отасининг қулоғига етиб қолншидан қўрқиб, болаларга ҳам билдирмасдан қилди. Қудрат лайлақларни ранжитиш яхшиликка олиб бормаслигини биларди. Лайлақ муқаддас ҳисобланади. Қудрат нима қилди денг? Лайлақларнинг инига иккита ўрдак тухуми қўйди. Ин Тешавойнинг дўкони рўпарасидаги катта тутда эди. Харидор йўқ пайғда Тешавой лайлақларга қараб ўтирарди. Бу икки лайлақнинг доимо иноқликларини кўриб, ҳайрон қоларди. Боққол бирдан ҳанг-манг бўлиб қолди, чунки уларнинг тинчлиги нимагадир бузилган эди. Улар қўрқа-писа инларига қарашарди-да, нимадандир ҳуркиб нари кетишар, тумшуқларини такиллашиб уриша бошлашарди. Бу воқеа деярли кун бўйи давом этди. Ниҳоят кечга яқин лайлақларнинг уруғ-аймоғидан беш-олтитаси тут тепасида пайдо бўлди. Ҳаммаси барабар қўнолмади, битта лайлақ тутга қўниб, инни синчиклаб текширгунча бошқалари тепада учиб юришди. Шундан сўнг ҳамма лайлақ тутга қўнди-да, фақат ўзлари тушунадиган овоз билан ўзаро муҳокама қила бошлашди.

Ниҳоят, жанжаллари босилди. Ин бекаси — мода лайлақ осмонга кўтарилди-да, қанотларини йиғиштириб, тошдек ерга ўзини ташлади. Лайлақлар кўп хотин-

ликни ёқтирмайди, шунинг учун уни эрига хиёнат қилишда айблашган бўлса керак. Бека эса шармандаликдан кўра ўлимни афзал кўриб, поклигини исбот этди.

«Ахир, бу инсон эмас, парранда-ку! Мен — инсонман. Шунинг учун ўз йўлимни ўзим танлашим лозим. Шундай қилишим керакми ё йўқми?»

Башорат Федор билан яқиндагина бирга ўтирган кўрғон ёнидаги тела устида ўтирар ва ана шу саволни қайта-қайта такрорлаб ўзидан жавоб кутарди.

Қуёш алвон тусга кириб қамишзор ортига бота бошлади. Унга энди кўз қисмасдан бемалол қарайвериш мумкин. Башорат овозини чиқариб сўради:

— Хўш? Қани, менга сен айт-чи, қуёш...

— Ҳа!— деди қуёш.— Дадилроқ бўл.

Башорат бошини кўгариб осмонга қаради.

— Ҳа!— деди осмон.— Пайсалга солма. Дадил бўл.

Халқнинг доно бир гапи бор: агар маслаҳат соладиган одам топилмаса, дўппингни ерга қўй-да, яхшилиб танангга ўйла. Лекин Башоратнинг дўпписи йўқ, орқаси тўла қирқ кокил.

— Қирқ — бахтли сон, она қизим,— дерди Тозагул.— камайтириш мумкин эмас, бахт кулиб боқмайди.

— Бахтни ўзим топаман, ойижон,— дерди Башорат ишонч билан.

Башорат ҳозироқ йўлга тушишга тайёр эди. Лекин орқасидаги кокилларини нима қилади? Нима қилса бўларкин, а?

— Дадилроқ!

— Дадилроқ!

— Дадилроқ!— тўқайзордаги кўм-кўк қамишлар чубиллашиб ҳуштак чаларди.

— Дадил бўл, Башорат!— деди осмонда биринчи кўринган юлдуз кўзи билан имлаб.

— Лекин сочларимни нима қиламан? — сўради Башорат юлдуздан.— Айт, нима қилай? Ойим билан дадамни-чи? Уларни ёлғиз ташлаб кетиш инсофданми?

«Агар, шунақа мужмаллик қиладиган бўлсам...— деди-ю, бирданга ўзидан жаҳли чиқиб кетди.— Унда шу ерда қимирламай ўтиравер. Бахт ҳақида орзу қилишни менга ким қўйибди...»

— Ҳа!— деди-да, дик этиб ўрнидан турди.

Масала ҳал. Қетганим бўлсин.

Осиё.

Август.

Бозор.

Кимики Осиё бозорларини умрида бирон марта кўрмаган бўлса, ана шу қисқа уч сўзданоқ, бозор кунлари одам қанчалик кўп бўлишини, август ойининг жазирама иссиғини, кўзни қамаштирадиган турли-туман буюмларни, мева-чеваларни кўз олдига келтириши мумкин. Бозор кунни одамлар бу ерга фақат бирор нарса олиш ёки сотиш учунгина тўпланмайди, энг муҳими шуки, бу ерда ёру биродарлар билан учрашиш, янгиликларни эшитиш, Тошкент, Петроград ва Бухорода нималар бўлаётганини билиш мумкин. (Бухорода эса, ҳали ҳам тахтда ўтирган амир Саид Олимхоннинг ҳукмронлиги инқирозга юз тутганди.) Бундан ташқари дайди кўзбўямачиларни, дорбозларнинг ўйинини кўриб, роҳат қилиш мумкин.

Шунинг учун Ёркент бозорига теварак-атрофдаги қишлоқлардан жуда кўп одам келарди. Бой-бадавлатдан тортиб камбағалларгача, ҳатто чўнтагида сариқ чақаси бўлмаган одам ҳам бозорга келарди.

Шуни унутмаслик керакки, ҳали ҳам граждандар уруши давом этиб, ғолибона байроқлари билан, минг тўққиз юз йигирманчи йилги митинглари билан жаҳонга ғулғула солиб турарди. Шунинг учун бозорларда на бир сиқим дон, на қорамол, на туз ва на лампамой топилмасди. Шундай бўлса-да, ҳар донм бозор кунлари тумонат одам йиғилар, ким нима олиб, нима сотаётганини билиб бўлмасди.

Ёркентда бозор жума кунни бўлади. Илгари Ёркентда бўлмай, бу ерга тасодифан жума кунни келиб қолган одам бозор қайси томондалигини ҳеч янглишмасдан билиб олиши мумкин. Одамлар қуёш чиқмасдан тўда-тўда бўлиб бозор томонга йўл олишади. Кўпчилик одам устига бордон ёки шолча ташланган араваларда борарди; баъзан кўк духоба қопланган данғиллама соябон аравалар кўриниб қолар, ичида бойларнинг паранжи ёпинган суюкли хотинлари бўларди; баъзилар от, эшак, туя миниб оларди, яёв бораётганларнинг эса сон-саногини йўқ эди; улар оқ сурпдан яхтак-нистон кийиб, белбор боғлаб олишган, баъзилар эса, жазирама иссиқ бўлиши-



га қарамай, калиш-маҳсида, телпак ва пахтали чопонда келишарди.

Еркент бозори марказий кўчадан юз қадамча наридаги тепага жойлашганлиги учун қишлоқнинг лойсувоқ томли уйлари, пахса деворлари шундоққина кўриниб турарди.

Мулла Мирҳайдарбекхўжа тонг ёришмасдан азон айтарди, шундан сўнг бомдод намози ўқилиб бўлиши биланоқ бозорга бориладиган тор кўчаларда ҳаракат бошланарди. Пешинда бозорнинг энг қизиган пайти бўларди. Шунда дўкондорлар дўконини ёпиб, мачитга йўл олардилар. Лекин бозор куни ҳамма дўкондор мачитга бормасди, баъзилар дўконлари олдига гиламча ёки жойнамоз солиб, намоз ўқийди. Қорасув билан Бордонқулдан келган камбағаллар эса арава ёнигами, девор тагидами, ҳатто бозорнинг қоқ ўртасигами, ишқилиб, дуч келган ерга белбоғларини ёзиб, пешин намозини ўқишарди. Бундай пайтда олувчи ҳам, сотувчи ҳам чор-ночор номоз ўқиётган одамнинг орқасидан айланиб ўтишга мажбур эди.

Пешиндан кейин бозор яна қизиб кетарди.

Айни шу пайтда бирон нарса харид қилиш ниятида Еркент бозорида бир аёл пайдо бўлди. Бозорда аёллар унчалик кўп эмасди. Ҳамма аёллар сингари у ҳам чачвон-паранжи ёпинганидан, олдин унга ҳеч ким эътибор бермади. У бозорни айланиб, учраган дўконга тикилди. Мол бозорига ҳам борди. У ерда бир киши тойини сотмоқчи бўлганди, тумонат одам унинг атрофини ўраб олди. Бу аёл ҳам тўпланганлар ёнига бориб, гапларга қулоқ солди. Кейин бир ўспирин боладан:

— Нима сотишяпти?— деб сўради.

Ўспирин унга ажабланиб қаради-да, одоб билан:

— От сотишяпти, хола,— деди.

— От?— Аёл бирпас ўйланиб турди-да, кейин аста боланинг қўлидан тортди:— Биронта тулки телпакми ёки туркманча папах сотаётган одам борми? Сариқ Калхатникига ўхшаган, унинг телпагини кўрганмисан?..

Бола афтидан янада кўпроқ ажабланди шекилли, кўзларини тикиб унга қаради. Лекин сотилаётган отга бўлган қизиқиши фолиблик қилди шекилли:

— Йўқ, холажон, билмадим,— деб елкасини қисдида, оломон орасига кириб кетди.

Бозорда олдиларига рўмолча ёзиб, унга кўк мун-

чоқларни, ёқут нусха шишачаларни, йирик-йирик жигар ранг ёки майда-майда оқ ловияни қубба-қубба қилиб териб ўтирган фолбинлар ёнидан ҳалиги аёл секин-аста ўтди, кейин яна у бошидан бу бошига икки марта бориб келди-да, дўконлар томон юрди. Аёл дўкон ичкари-сидаги салқин жойда чой ичиб ўтирган кекса боққолдан кўк духоба аврали чақмоқ телпакни кўрсатишни илтимос қилди. Боққолга жон кирди, пиёлани ерга қўя солиб, телпакни олиб кўрсатди. Аёл телпакни қўлига олиб, чачвон орасидан у ёқ-бу ёғини кўрган бўлди-да, нархини сўради. Лекин боққол ҳадеганда нархини айтмади. У телпакни аёлнинг қўлидан олди-да, кулиб, икки қўллаб рахтинни текислай бошлади:

— Ниятингни англадим. Эрингга тортиқ қилай дебсан-да. Гапимга кирсанг, бундан ортиқ манзур бўладиган совға тополмайсан. Гарчи чачвонингни олмай қараган бўлсанг-да, кўзларинг ўткир экан. Бежирим, чиройли нарсани ажрата олди. Бозорни чарх айланиб қидирганинг билан бундан яхшисини тополмайсан. Ўзи-ям телпакмисан телпак-да. Бунақа телпакни ҳали амир ҳам кийган эмас.

— Сал юзароқ экан-да,— деди аёл.

Боққол тушунмади.

— Нима? Қанақасига юза бўларкан?

— Чуқур эмас, юзароқ экан, бошни яхшигина бекитиб турмайди. Тушундингизми? Менга чуқурроқ телпак керак.

— Гапингни қара-ю.— Дўкондор телпакни бошига кийиб кўрсатди.— Хўш, бундан ортиқ бўладими?

— Ким сизга ёмон деяпти? Телпагингиз жуда яхши,— деди аёл.— Лекин... Анави Сарик Қалхатникига ўхшаган бўлса яхши бўларди, дейман-да. Унинг телпагини кўрганмисиз?

— Нега кўрмас эканман, кўрганман. Унақанги чақмоқ телпакни фақат битта у кийди.. Сен шуни олавер.

— Неча пул деяпсиз?

— Келишамиз.— Боққол пештахтага энгашди-да, унга яқинроқ келиб пичирлаб сўради:— Николайнинг пулидан борми? Ёки амир Саид Олимхоннинг кумуш тангаларидан-чи? Мен советингнинг пулини олмайман.

Аёл секин кулиб қўйди.

— Бухорога кетмоқчимсиз?— деб сўради аёл,— мен ҳам ўша ёққа кетмоқчиман.

— Сиз-а! Бухорон Шарифга?— Боққол довдираб қолди, пештахта ортидан бошини янада кўпроқ чиқарди, лекин аёл аллақачоноқ дўкондан нари кетиб, одамлар орасида кўздан ғойиб бўлганди.

— Бу кимнинг аёли бўлдийкин?— секин ўз-ўзидан сўради дўкондор.— Бухорога яна ким кетмоқчийкин-а? Амир паноҳига?

Бу орада ажиб харидор эркаклар орасидан ўтиб, бозор кеза бошлади. Тўсатдан одамлар орасида «ялт» этиб туркманча папах кўриниб қолди. Аёл одамлар орасида уни кўздан йўқотиб қўймаслик учун қадамни тезлатди.

— Ҳой амаки! Амаки деяпман!— чақира бошлади у орқама-орқа бораркан.

Лекин у киши ё эшитмади ёки аёл кишининг бу қадар мулойим, лекин дадил овози унга тааллуқли экани хаёлига ҳам келмади. Бунақанги тўс-тўполонда кимни ким чақираётганини билиб бўладими...

— Амаки! Ҳой амаки!— яна чақирди аёл.— Ҳой қора папах кийган амаки, мен сизни чақиряпман.

У киши тўхтаб, аёлга бир зум ажабланиб қаради-да:

— Мени чақиряпсизми?— деб сўради.

— Ҳа, сизни чақиряпман, амаки, сизни!— қувониб кетди аёл.

— Ҳм... шунақами? Хўш, хизмат?..

— Ҳа... айтмоқчи... Ўзим шундай... Кечирасиз мени... Илтимос, жон амаки...

— Нима, ёш боламисан, жиян?! Мен унчалик кексасман. Амаки, амаки дейсан нуқул.

У папахини бошидан олган эди, гарчи баланд бўйли, келишган, яғриндор бўлса-да, ўзи ёш эканлиги маълум бўлди.

Аёл довдираб қолди, чайналиб ғўлдиради:

— Кечирасиз... хафа бўлманг...

Йигитча кулиб қўйди-да, очиқ кўнгиллик билан:

— Хафагарчиликка бало борми,— деди.— Сен ҳам унчалик кампирга ўхшамайсан. Фақат... эрингдан қўрқмайсанми? Ота-онангдан-чи?— Унинг овозидан ҳадиксираяпгани сезилиб турарди.

Шунда аёл ийманганини енгиб, ўзини ўнглаб олди-да, қувнаб жавоб берди:

— Мен-ку, қўрқаётганим йўқ. Борди-ю, ўзингиз...

— Шундайми?— деди у хижолат чекиб, ҳатто унинг жавобидан бир оз доврираб.

— Папахнигини менга сотинг, амаки,— деди бирдан аёл.

Йигит ҳайрон бўлди.

— Папахни? Ҳазиллашяпсанми?

— Йўқ, сира ҳазиллашаётганим йўқ.

— Ҳм... Ундай бўлса, сенга бунинг нима кераги бор?

— Кераги бор, жудаям керак. Менга қаранг, телпагиниғизга шуиҗа пул бераман...— Аёл паранжисининг аллақаеридан бир ҳовуч танга олди-да, кафтини очиб, йигитга кўрсатди.

— Ҳўш? Қаммасми?

Йигит унинг нозик, чиройли кафтини кўриб, хахолаб кулди, ҳуштак чалиб юборди:

— Пулларинг тешик-ку! Булар ўтмайди.

— Нега ўтмас экан?

— Сен ахир буларни чочпопугингдан қирқиб олибсан. Шундайми? Ҳўп деявер, сенга тўғрисини айтяпман.

Аёл доврираб қолди. Кўзлари чачвон ичида гоҳ ёниб, гоҳ яна сўнарди: у дам қўлидаги тангаларга, дам йигитга қарарди.

— Бўлмаган гапни қўйинг. Мана, олинг пулни, телпакни беринг,— деди у жиддий.

— Олмайман,— деди йигит жилмайиб.— Менга сенин пулларинг керакмас.

— Нега энди?— ҳайрон бўлди у.

— Бунақа пуллар кимга керак? Мана ўзинг кўр: бир сўмлик сўлкавойинг ҳам тешик, яна икки бошли бургути ҳам бор. Ярим сўмлик ҳам, тангалар ҳам — бари шунақа. Манови танга... лекин буниси ҳам тешик, кўр-япсанми? Ҳам тешиги бор, ҳам бургути. Ҳамма тангаларинг ҳам бургутли экан.

У аёлининг кафтидаги тангаларини оларди-да, битта-лаб яна кафтига соларкан, унинг иссиқ қўлига ўз бармоқларини оҳишта теккизиб қўярди.

— Ҳўп... Тешиги ҳам майли-я, манови гўрсўхта бургут кимга керак?— гапида давом этди у.— Подшоҳнинг ўзи-ку, аллақачоноқ гумдон бўлди... Унинг пули энди ҳеч кимга керак эмас.

— Ҳали ҳам баъзи бировлар олишяпти... Ҳатто ўзлари сўраб олишяпти,— деди у ҳафсаласи пир бўлиб.

— Буни мияси йўқ аҳмоқлар олади. Ушанақаларга обориб бера қол, ё бўлмасам ташлаб юбор. Кокилингга соч попук қилиб тақма, кераги йўқ.

Йигит папахини аёлга берди-да, бошидаги туркманча гилам дўпписини тўғрилаб, унга бир-икки қаради, сўнг одамлар орасига кириб кетди.

— Башорат?! Бу сенмисан?! Ассалому алайкум! — кимдир унинг олдига келиб салом берди.

— Ва... алайкум... — деди аёл, кутилмаган саломга ҳатто тўлиқ алиқ олишни ҳам унутиб.

— Сенга эркаклар папахи нимага керак бўлиб қолди? Тағин туркманчаси-я. Қатталигини айтмайсанми... Қани юр, кетдик, Башорат. Бу ер тиқилинч экан. Папахингни яшир.

Башорат суҳбатдошига, унинг гажимли духоба паранжисига қарар экан, овози танишдек туюлди-ю, лекин қаерда кўрганлигини эслаёлмади.

Улар бозордан чиқиб, муюлишдаги ҳеч ким йўқ жойга — пахса девор олдига келиб тўхташди.

— Хўш, сен мени ҳалиям танимадинг-а? — деб сўради ҳамроҳи.

— Йўқ, — тан олди Башорат. — Ким бўласиз?

— Менимча, ўзинг ҳам битта-яримта таниб қолмасин деган хаёлдасан, тўғримми?

Башорат индамади.

— Лекин даданг аллақачон уйга қайтди. Сен ҳам уйингга тезроқ боришинг керак. Уйларингда меҳмон бор... совчилар.

— Қанақанги меҳмон? Қандай совчилар? Нима деяпсиз ўзи? — Башорат безовталанди.

— Ҳа, шунақа, жонгинам Башорат. Сени унаштиришяпти. Тўйга тайёргарлигингни кўравер.

— Бўлмаган гап! Йўқ, мен буни хоҳламайман, хоҳламайман!

— Ахир ўзинг ҳам биласан-ку, ҳеч қачон қиздан розилик сўрашмайди.

— Ўзингиз ким бўласиз? — Башорат жиддий оҳангда яна сўради. — Тағин совчи ўзингиз бўлманг!

— Йўқ, мен совчи эмасман. Сенга ёрдам бермоқчиман.

— Ёрдам?! Лекин ким... Кимга мени беришмоқчи?! — унинг қалбини тотли умид бир зум ёритгандек бўлди.

— Ёмон ниятли одамлар сенга оғиз соляпти, Башорат.

— Ёмон ниятли одамлар? Мен эрга тегмайман, истамайман! — деди у қатъий ер тепиниб.

— Секироқ. Бу ер гаплашадиган жой эмас. Юр, менкига. Уйингга боришингга ёрдамлашамаи. Дадаингнинг жаҳли чиқиб юрмасин тагин.

Икковлари катта кўчага чиқиб, собиқ темир йўл устаси Филипп Степанович Гордиенконинг уйи томон юришгач, Башорат тўхтади. Надежда Сергеевна Малясова Петрограддан келганидан сўнг бу уйга амбулаторияси билан жойлашиб олганди.

— Нега энди у ёққа кетяпмиз? У ерда Нодира опам... У киши мени койиб берадилар.

— Нега?

— Мен ўзбошимча эмишман... Мана бугун ҳам... Ёркентга қочиб келдим... бозорга... Ойимлар бўлса, уйда яна ёлғиз қолдилар...

— Албатта, бу яхши эмас. Шунинг учун ҳам тезроқ боришинг керак. Лекин сенга ваъда бераман... Надежда Сергеевна сени койимайди...— Аёл у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч ким йўқлигига иқрор бўлгач, чачвонини орқага қайриб ташлаб, юзини очди.

— Вой... Нодира опа! Бу сизмисиз?!— деди Башорат қувониб. Кейин у ҳам чачвонини орқасига ташлади.— Ўзим ҳам, бу сизми ёки бошқами, деб ўйловдим! — Ҳамон бир нимадан чўчигандек ранги оқариб гапирарди Башорат.— Ўзимча: Нодира опам паранжи ёпиниб нима қиладилар? Рус бўлсалар... Сираям бундай қилмаслар, бошқа аёлдир, деб минг хил хаёлга бордим. Буни қараиш, бу сиз экансиз-а! Манави учрашувни кўриш. Мен жуда хурсандман. Бироқ нега паранжи ёпиндингиз? Бизларнинг паранжимиз сизга нима учун керак бўлиб қолди?

— Керак, Башорат, керак. Уйга кир, ҳозир ҳаммасини тушунасан.

### 3

Надежда Сергеевна Петрограддан қайтиб келгач, Қурбон билан Тозагулга ва Башоратга, омади келиб Ленинни кўргани ва унинг гапларини эшитганини бир печа бор ҳикоя қилиб берган эди. У ҳар сафар янги-янги тафсилотларини эслаб ҳаяжонланиб гапирарди.

— Дўстларим, биласизларми... Ана ўша он... Владимир Ильич залда пайдо бўлиши билан мен аввало шунини сездимки... Ҳа, чиндан ҳам сездим... теварак-атрофим бирдан сув қуйгандек жимжит бўлиб қолганини сездим. Лекин токи мен ҳамма қараган томонга ўгирилиб қарагунимча, жимжитлик бузилди... Бузилдигина эмас, тарс ёрилгандай бўлди. Шодиёна ҳайқириқлар билан бирга, матросча фуражкалар, будёновка-ю, шапкалар ҳавога отилди, қизил дуррача рўмоллар ҳилпирлади... Гулдурос қарсақлар ва ҳаяжонли садолардан зал ларзага келди-я!

— Фақат ўшандагина мендан бир неча қатор олдинда аллақандай жаноблар ўтирганига бирдан кўзим тушиб қолди. Аммо-лекин, билмадим... булар конгрессга келган делегатлар ёки журналистлар бўлиши ҳам мумкин, лекин улар анчагина эди... Улар бошларидаги қора шляпаларини ва оппоқ дастрўмолларини балаид кўтариб силкитишарди... Тасаввур қила оласизларми?! — деб гап бошлади у кейинги сафар.— Ана ўша дастлабки онда мен Лениннинг қандай, қайси эшикдан чиқиб, президиум столи ёнига келиб ўтирганини кўролмай қолдим. Лекин бунинг эвазига кейин... Лениннинг шахдам юриб минбарга чиққанини бемалол кўрдим.

— Мен деярли анча узоқда, залнинг ўртасида ўтирдим, лекин уни яққол кўриб, гапларини бемалол эшитдим,— ҳикоя қилди у янаги сафар.— Мен ўшанда ёнимда ўтирган кўшнимдан: «Владимир Ильич Ленин қаерда ўтирибди? Сиз уни кўряпсизми?» деб нега сўраганимга ҳали-ҳали ақлим етмайди. Уни яққол кўриб турсам ҳамки, нима учундир сўраб қолдим-а... Ҳатто Ленинни тумонат одам орасида кўрганда ҳам, дарҳол уни таниш мумкин.

Менга шундай туюлди... Йўқ, туюлгани йўқ. Ўша пайт мутлақо ишончим комил эди... Бунга ҳозир ҳам ишончим комил: Ленин, залда ана шу Малясова деган аёл ўтирганини, унинг юраги Туркистонга талпинаётганини билиб турарди. Буни биларди. Дарҳақиқат, сирдан қараганда, халқаро аҳвол ҳақидаги Ленин докладининг менга, Малясовага қандай дахли бор? Бизга тегишли жойи бормикин? Лекин сизлар Владимир Ильичнинг нима деганига қулоқ солишлар-а: «Эндиликда мамлакатимизнинг ҳамма ерида илғор пролетариатимиз

мавжуд». Хўш, кимлар экан бу илғор пролетариат? Бу сиз бўласиз, Қурбон ака! Аввало сиз. Мана кўрдингизми... Демак дахли бор экан! Дахли бўлганда ҳам нимасини айтасиз. Мендан ҳам кўра кўпроқ сизга дахли бор, Қурбон ака. Ҳа, шундай, бунинг учун қошингизни чимириб, юзингизни ўгирмай қўя қолинг.

— Ҳа, йўқ, нега энди юзини ўгирар эканман. Уй-лаяпман... Дарҳақиқат ҳаммаси жудаям тўғри.

— Совет ҳокимияти учун биз жуда оз иш қиляпмиз, Қурбон ака. Ленинни ўз кўзим билан кўриб, гапларини эшитганимдан кейин аниқ тушундимки, жуда оз иш қиляпмиз. Кўпроқ иш қилишимиз мумкин, қўлимиздан келади, деган хаёлдаман.

— Гап мана бундай, синглим. Филипп Степанович Гордиенконинг уйи энди сеники бўлади,— деди Қурбон. Битта хонасини амбулатория, иккинчисини уч ўринли аёллар касалхонаси қил. Эсингдами, кузда сен Варламовнинг олдига, Фарғонага кетаётганигда аёллар касалхонаси учун уй керак дегандинг? Мана энди ўша уйга яхшилаб жойлашиб ол. Учинчи хонада эса қизинг билан тураверасан. Уруш тамом бўлса, Варламов ҳам қайтиб келади. Ҳаётни ўз йўлига туширамыз... Ленин ўргатгандек қилиб, янгитдан қурамыз... Ҳозирча...

— Нима ҳозирча? Шу уй ҳам етади, демоқчимисиз?

— Қайси уй? Гордиенконикими?

— Ҳа, борди-ю, у сизга қишлоқ совети учун керак бўлса-чи...

— Мен бунн айтаётганим йўқ. Уйни сен олавер. Мен тамоман бошқа нарса ҳақида...

— Хўш, нима ҳақда? Уй учун катта раҳмат, албатта.

Қурбон индамади, хаёлга чўмганича ўнг мўйловини буради-да, бирдан овозини баландлатиб деди:

— Мен бу ерда ортиқ туrolмайман. Жангга бораман, тоқатим тугади. Тушуняпсанми, синглим?! — У бошини қуйн солди, чап мўйловини бурай бошлади.— Холдиним билан қизимни сенга, сенинг паноҳингда қолдираман,— гапида давом этди овозини пастлатиб.— Тўртовларинг тураверасизлар. Шунда сизлардан кўнглим тўқ бўлади... Ахир, мен иш кўрсатолмайманми? Хўш, нега энди бу ерда ўралашиб юрибман? Еки қўлсиз, кўзсиз, майиб-мажруҳманми? Милтиқ отиш, қилич ушлашни билмайманми? Барни биламан, ахир ўзинг ҳам



кўргансан-ку. Уғлим шу йўлда жон берган бўлса-ю, мен қимирламай ўтираверсам...

— Шундай экан, яна бир оз сабр қилинг. Варламов билан бирга кетасиз,— деди Надежда Сергеевна.

— Нима деяпсан?! Варламов ҳозир бу ерда нима қилади?

Лекин Қурбон хурсанд бўлди ҳар ҳолда.

— Варламов келади. Ўтган куни Тошкентга борганимда округ штабидагилар айтишди. Мана, менга бериб юборган хатини ҳам беришди. Петя ҳадемай бориб қоламан, деб ёзибди.

— Келса жуда яхши бўларди-я!— деди Қурбон ғоят хурсанд бўлиб.— Нур устига аъло нур. Айтгандай...

— Нима айтгандай?

Надежда Сергеевна Петрограддан қайтиб келганда, у йўқлигида бу ерда нималар бўлганлигини Қурбон айтиб берганди.

— Ёркент атрофидаги тоғларда босмачилар пайдо бўлиб қолди. Ўз кўзим билан кўрдим. Қўзибойнинг овулида улар билан бирга бўлдим. Қимизга боргандим. Федор бизникида тўрт ҳафтача меҳмон бўлиб турганлигини Тозагул сенга айтувдими? У энди бизга ўз ўғлимиздай бўлиб қолди: Рустамнинг ўрнига Рустам. Борди-ю, агар куни битиб битталари ҳалок бўлса, тирик қолгани унинг номини қабул қилишга онт ичишган экан. Шундай қилиб, Федор Дружинин бизга ўғил бўлди. Бу ерга келганида терламадан энди турган экан... Нима қилиш керак?! Бунақанги касалдан сўнг қандай қилиб тезроқ тuzалши, дармонга киргизиш мумкин? Шунда Қўзибой эсимга тушиб қолди-да, қимиз олиб келиш учун борувдим. Боришга бордиму қўлга тушдим... Омон қайтишимга ақлим етмай қолди. Ҳайтовур, омон-эсон уйга қайтдим. Бир меш қимиз олиб келдим. Улар мени ўз томонларига тортишмоқчи бўлишди. Нима учундир, мен уларга жуда керак бўлиб қолибман...

— Бу маълум. Сиз ахир бутун бир «Қўшчи» союзининг раиси бўласизу, тағинам уларга керак бўлмай-сизми.

— Ҳа... Демак, мен бир ўзим эмас, яна одамларимдан ҳам эргаштириб уларга ўтишим керак экан. Ана шуни назарда тутиб, улар мени яхшилаб боқишди. Федор жўнаётганда, Қўзибой менга улоқ инъом қилди. Яна бир меш қимиз ҳам. «Олсаммикин, олсамми-

кин?...» деб кўп ўйладим. Лекин жўнаши олдидан Федорни бир меҳмон қилгим келиб, жин урсин сенларни, барибир бу билан мени сотиб ололмайсизлар, деб олавердим. Қўзибой бўлса сир бой бермай, гўё бу нарсалар шунчаки ўзидан... ҳеч қандай ғаразсиздек... Гўё ўзини қадрдон дўстдек кўрсатишга уринди. Лекин... гап нимадалигига дарров ақлим етди... Меникида турган меҳмоннинг кимлигини билишдими ё билишмадими, ҳарқалай унга тегишмади. Қўзивой ҳам бу ҳақда менга чурқ этиб, оғиз очгани йўқ. Очигини айтсам, мен фақат Федордан хавотирландим. Кечасими ё кундузими Номсиз қўрғонга бостириб келишса, унда нима бўларди? Шуни ўйладим холос... Тошкентда бўлганимда Кузьма Захаричнинг олдига, Турк Чекага кирдим. У менга Фарғона томондаги босмачилардан қолган-қутганлари бу ёқларга ўтганлигини гапириб берди. Уларни Фрунзе тор-мор қилгач, дуч келган томонга қочишган. Айримлари Саид Олимхон паноҳига — Бухорога, айримлари Амударёнинг нариги ёғидаги Қорақум чўлига, қолганлари эса бу ёққа қочишган. Уларнинг мақсади, бу ерда бир оз нафасини ростлаб, куч тўплаш, иложини топишса янги тўдалар тузишдан иборат. Лекин қўрбошиларнинг ўзлари бир-бирларини ғажишга тушишди. Ким кимга итоат қилишни билмай ҳаммаси гаранг. Қайси қўрбоши каттаю қайсиниси кичик,—билолмай қолишди. «Ана томоша!»— деди Кузьма Захарич. Қўзибойнинг овулида, шундоқ кўз олдимда фарғоналик Мардонқул полвон деганнинг калласини хуржундан олиб, дастурхонга ташлашганлигини айтиб бердим. У ҳам босмачилар бошлиғи бўлмоқчи экан. Ёигитларини нега хафа қилганлиги номаълум, фақат ёигитлар ундан қочиб, Усмон найновга ўтиб кетишгани аниқ. Усмон найновнинг тўдасини қизил аскарлар тор-мор қилиб ташлаган. Усмон найнов ва унинг бир неча каллакесарлари Еркент атрофидаги тоғларда пайдо бўлиб қолишди. Улар Мардонқул полвонни ана шу ерда қўлга туширганга ўхшайди. Кейин Усмон найновнинг ўзи ҳам ғойиб бўлди, Қўзибой эса тоғма-тоғ кўчиб юрипти. Тошкентда Турк Чекага кирганлигимдан уларнинг хабари борми ё йўқми, билмадим. Ҳозир иккови яна ўша илгариги овулида туришибди.

— Уларни чўчитиб юборманг,— деди Надежда Сергеевна.

— Кузьма Захарич ҳам шундай деб мени огоҳлантирд-ди. Уларнинг топган найрангини қарагин-а...

— Қанақа найранг ўйлаб топишибди?

— Сенга айтишга тилим ҳам бормайди.

— Нега энди, айтаверинг.

— Билмадим-ов... Индамай, нчимга ютиб юраверишим ҳам мумкин эмас. Сен билан маслаҳатлашмасам, унда ким билан маслаҳатлашаман!

— Қани, хўш, нима гап ўзи? Агар астойдил мени синглим десангиз, айтинг.

— Гап мана бундай... Улар мени тўй қиламиз деб ҳоли жонимга қўйишмаяпти.

— Қанақанги тўй?

— Башоратни сўрашяпти.

— Башоратни?! Нима деяпсиз?! Кимга сўрашяпти?

— Ана ўша Усмон найновга.

Қурбон Надежда Сергеевнанинг қошлари чимирилиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетганини пайқади-да, деди:

— Мен розилик берганим йўқ. Сира рози эмасман. Узинг ўйлагин, қандай қилиб рози бўлишим мумкин?! Бу гапни Башоратга айтиб бўладими?! Мен буни ҳатто Тозагулга ҳам гапирганим йўқ.

— Нега айтмадингиз?— тўсатдан сўраб қолди Надежда Сергеевна.— Уларга айтиш керак эди.

— Қандай айтаман? Уларга айтиб бўладиган гапми бу?!

— Наҳотки сиз ўз қизингизни ана шу ўғри, калла-кесарга бермоқчи бўляпсиз?

Қурбон эсанкираб, унга қараб қолди.

— Башорат ҳам, Тозагул ҳам розилик бермаслигингизни билишади,— деди Надежда Сергеевна.— Ундан кўра, ўлим минг марта афзал... Жангда мардонавор ҳалок бўлган яхши. Башоратни унга бергандан кўра, уларнинг устига якка ўзингиз кўкрак кериб борганингиз минг марта яхши. Тўғрими?

— Бўлмасамчи?

— Шунинг учун бу гапни улардан яшириш керакмас. Ахир, Тозагул ҳам, Башорат ҳам сиз билан бир жон, бир тан-ку. Уларга ҳаммасини рўйирост айтиш керак.

— Нима учун? Яхшиси улар буни билмагани маъқул.

— Ундай бўлса, рад жавобини беришингизга тўғри

келади... Бу — уларни чўчитиб юборади, — англадингизми? Рози бўлаверинг. Тўйга розилик бераверинг. Биз уларга бошлаб томоша кўрсатамиз. Башорат билан ўзим гаплашаман.

4

Тажрибали доктор Надежда Сергеевна Малясова ўн етти йилдан бери Еркентда яшарди. Унинг ажойиб шифокорлиги, одамларни ҳар хил касалликлардан даволоччи халоскорлик шуҳрати Туркистоннинг катта-кичик шаҳарларига, олидаги қишлоқ ва овуллари-гача тарқалганди. Унинг ҳақида одамлар Тошкент ва Самарқандда, Хива ва Бухорода ҳам гапирардилар. Агар узоқ сафар хатари бўлмаганда, йўлда баъзан қизил аскар кийимини ҳаттоки қизил командир формасини кийиб олган ва ўзини ЧК ходими қилиб кўрсатувчи дайди босмачилар учрамаганда, одамлар Малясовани қидириб Туркистоннинг турли бурчакларидан келган бўлардилар. Лекин шундай хавф-хатарга қарамай, баъзи беморлар Еркентдаги касалхонага бориб шифокор Малясовада даволаниш мақсадида йўлга отланишар, бироқ ёру биродарларининг маслаҳатига кўра то яхши кунлар етиб келгунига қадар сафарларини кечиктиришарди. Нодўст кишилар эса Малясовани ёмонотлиқ қилишга, номини булғаб, одамларда унга нисбатан шубҳа, нафрат кўзгатишга ҳаракат қилишарди, ёвуз ниятларини амалга оширишлари ҳам мумкин эди. Чунки, ўша пайтларда ҳали ислом динининг, шариат ва хурофотнинг, руҳонийларнинг таъсири кучли эди. Шунинг учун эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш, домла-имому табибларнинг таъна-маломатларига қолмаслик учун одоб сақлаб, зўр диққат-эътибор билан беморларни даволаш керак эди.

Малясова уларни қандай енггани қизиқ, лекин ҳар қалай енгди. Надежда Сергеевна Малясованинг обрўи кундан-кун ортиб, довуғи бутун қишлоқларга, ҳар бир хонадонга, уни ёқтирган ва ёқтирмаган ҳар бир уйга кириб борди. Унинг дўстлари борган сари кўпаяверди. Безгак, қичима, трахома, лейшманиоз касалликларидан даво топган одамлар унга чуқур ҳурмат-эҳтиром билан миннатдорлик билдирардилар. Еркент ва Янгисаройда, Қорасув ва Ореховкада, Бордонкўлу Уразаевкада Мал-

ясовани ҳамма танир, унинг кўнгли очик, камсуқум, бағри кенг аёл эканлигини билмаган ёки эшитмаган биронта одам топилмасди.

— Ҳар бир камбағал қишлоқ аёлига чин юракдан гапирганини кўриб, оғзингиз очилиб қолади,— деганди Тозагул бир неча марта Қурбонга.— Бегона болаларни суйиб, эркалаб айтган сўзларини қаердан топаркин-а? Буни ким менга айтиб беролади? Айниқса, унинг одамларга меҳр-муҳаббати зўр экан! Ҳали ҳам шунчалик латофатли, истараси иссиқ, бирам ёқимтойки, кўрган одам, унинг ёши ўттиз еттида эмас, ўн еттида бўлса керак, деб ўйлайди.

— Э-й, қўйсангиз-чи, нималар деяпсиз!— деди мақтовни ёқтирмасдан Надежда Сергеевна бир куни уникига келган аёллар билан чой ичиб ўтирганида. Даврада Тозагул, Башоратнинг Бордонкўлдаги опаси Бибинур, улардан ташқари эса, умри муҳтожликда ўтган бўлсада, ҳали аёллик латофатини, ҳуснини, кўзлари чақноқлигини йўқотмаган қорасувлик мулла Мавлоннинг хотини ҳам бор эди. Худойқулнинг Холида ва Башорат исмли икки хотини ҳам шу ерда эди. Агар ёдингизда бўлса Худойқулнинг сарвқомат, қотмадан келган, қулоқлари тагида биллинар-биллимас чўтири бор катта хотинининг исми ҳам Башорат эди. Бу икки хотин хаёлга чўмиб, гапга аралашмай ўтиришарди. Холида қувноқ кўринса-да, лекин каттасига ўхшаб у ҳам камгап эди. Лекин даврада гап айланиб Надежда Сергеевна хусусига келганда, Холида билан Башоратга жон кирди. Иккала кундош ҳеч кимга гап бермай, Надежда Сергеевна Малясованинг бундан йигирма йил бурун узоқ Петербургдан Ёркентга қандай келганлигини, келган кунидек бошига қандай оғир синов тушганлигини эслашди: ўшанда Худойқулнинг барча оила аъзоларини ўлим чангалидан қутқариб қолган эди. Бобохўжа табиб жинга қарши исми аъзам ўқиб, уларга дам солган, қон аралаш намакоп хўплашга мажбур қилган, аллақандай нарса ичириб, ҳаммасини заҳарлаган экан.

— Шунчалик ёш бўла туриб, қандай қилиб бизларни ўлим чангалидан сақлаб қолганлигингизга ҳали-ҳали ақлим бовар қилмайди-я,— деди Холида.

— Ҳа, у пайтда жуда ёш, қиз бола эдингиз,— деди каттаси унинг гапини маъқуллаб.

Кейин бундан ҳам даҳшатлироқ бир воқеани эслаш-

ди: тоғда бир неча кунгача кеча-кундуз момақалди роқ бўлиб, тишмай жала қуйди. Натижада тоғ ёнбағридаги икки қишлоқни сел ювиб, бутуиллай йўқ қилиб юборди. Бир кунмас-бир кун Оҳангарон дарёси тошади, Ёркентни ҳам сув олиб кетади, деган хаёлда одамларни ваҳима босди. Мулла Мирҳайдарбекхўжа билан Бобохўжа табибнинг айтишича, Ёркентдаги бадавлат кишиларнинг, ҳатто Абдулхай бўлиснинг гапига қараганда,— Оҳангарон ғазабга минганмиш, уни тинчитиш учун қурбон қилиш керакмиш. Олдинига дарёга тирик қўй ташлашди, фойдаси бўлмай, дарё тобора қутираверди. Кейин одам бўйи келадиган қўриқчи ясашди, латта-луттадан паранжи-чачвон ясаб, уни ёпинтиришди-да, дарёга ташлашди. Шунда ҳам дарё тинчланмади.

— Тўхтасин-Тўхтасин!— деб бақирди оломон.— Тўхтасин!

Кейин йўғон симдан тўқилган дамба — тўр топиб келишди-да, ичига бир талай оғир тошлардан тиқишди. Ниҳоят, дамба ёнига қўрққанидан ранги бўздек оқариб кетган, кўриниши мўмин-қобил, кар-соқов бир болани дарё бўйига, дамба бетига олиб келишди. Бола шўрлик қўрққанидан дағ-дағ титрар, ранги кўкариб-бўзариб кетганди. Бу болани Ёркентда ҳеч ким танимасди.

Бобохўжа табиб болага, дамбага туш, дегандек ишора қилди. Хайриятки бу даҳшатли фожиа устига нафаси оғзига тиқилиб, ғазабнок ҳолда Надежда Сергеевна югуриб келиб қолди. Малясова икки қўлини ёзиб, бутун гавдаси билан дамбани тўсиб олди-да, индамай хўмрайиб турган бир тўдагина оломонга юзма-юз бўлиб, оломон орқасида турган Абдулхай бўлисга қараб, қаттиқ бақирди.

— Жапоби Абдулхай! Мен ҳозироқ Тошкентга бориб, бу хусусда тўппа-тўғри губернаторга хабар қиламан. Сиз қамоққа олинасиз ва жазонингизни тортасиз.

Абдулхай чурқ этмади, болани қўйиб юборинглар, деб буюрди-да, жўнаб қолди.

Яхшики, ўша йили Ёркентда ҳеч қандай кўнгилсиз воқеа юз бермади, Оҳангарон суви ўша кунийёқ пасайди.

Кейин Ёркентга жапдарм ротмистри Зазнобин келиб, Малясовани сўроқ қилганини, ерлик аҳолига нисбатан ҳаддан ташқари ғамхўрлик қилгани ва иноқ бўлгани учун уни айблаганини ҳам эслашди.

Хуллас, Ёркентда биринчи очилган янги амбулато-

рияни ва уч ўринли аёллар касалхонаси ҳамда қизи Наташа билан кўчиб кирган янги хонани кўриш баҳонасида тўпланган аёллар чой ичиб, ўтган-кетган воқеаларни эслаб, мириқиб суҳбатлашишди.

Уй бекаси меҳмонларнинг гапига индамай қулоқ солиб ўтирар, аҳён-аҳёндагина суҳбатга қўшилиб қўярди.

— Опа-сингилжонларим! Сизлар менинг қадрдон дугоналаримсиз,— деди Надежда Сергеевна суҳбат охирида.— Меникига келиб, гаплашиб ўтирганларинг учун катта раҳмат. Аммо менинг тўғримда гапирганда жудаям ошириб юбординглар. Эҳтимол, баъзи нарсалар қилгандирман, лекин бу қилганларим оз! Жуда оз! Қолаверса, сизлар ёрдамлашмаганингизда, ёлғиз ўзим ҳеч нарса қилолмасдим.

— Қўйсангиз-чи, опажон? Қилган ишингизга бизнинг қандай алоқамиз бор?— деди Бибинур.

— Ун етти йилдан бери сизлар билан биргаман. Паранжи-чачвоним йўқ. Мана, уч йилдирки, Совет ҳокимияти даврида бирга яшайпмиз. Ҳа, йигирма йилдан бери танишмиз. Фақат шунчаки танишмиз холосми?! Айт-чи, Бибинур? Фақат танишмизми?

— Йўқ... Сиз бизга опа бўлиб қолдингиз.

— Биз қариндош-уруғдекмиз... Эгачи-сингилдан яхшимиз. Нега энди мен юзимни очиб юраману, сизлар паранжи-чачвон ёпинасизлар? Ахир, Совет ҳокимияти тузилганига, ўрнатилганига уч йил бўлди-ку... Ҳали биронгангиз паранжингизни ташлаб, ёқиб юборганингиз йўқ... Нима учун, хўш? Петроградда Ленин мenden ана шуни сўради.

— Ленин?! Сиздан сўради-ми-а?!

— Ҳа. У менга бир қараб қўйди, лекин шу ҳақда сўраётганини мен дарҳол пайқадим.

— Наҳотки шу ҳақда сўраган бўлса?— яна сўради Бибинур. Лекин шу заҳоти ўзи тасдиқлади:— Тўғри, жуда тўғри. Аллақачон бу савил паранжини ёқиб юборишимиз керак эди. Мен сизнинг олдингизга баҳорда келганим эсингиздами, опажон?

— Эсимда. Мен ўшанда Фарғонага эримнинг олдига кетаётгандим.

— Энди ҳеч қаёққа кетмайсизми?

— Йўқ, энди менинг зиммамда касалхона бор. Қаёққа ҳам кетардим?

— Ленин оизга яна нималар деди?— сўради Холида. Унинг ҳаяжонланаётгани юзидан сезилиб турса-да, лекин сездирмасликка ҳаракат қиларди.

— У менга, қилган ишларинг ҳали оз, деди. Тўғри, жуда оз,— деди Надежда Сергеевна.— Сизлар бўлсангиз мени бу ерда... ҳаммаларинг бир бўлиб мени анча-мунча иш қилганга чиқариб, мақтаб ўтирибсизлар... Ленин эса оз, деди менга.

Аёллар бошларини қуйи солиб, бир дақиқа айбдордек индамай қолишди.

— Энди нима қиламиз? Сизга қандай ёрдам берсак бўлади? Нима қилишимиз керак?— сўради Тозагул.

— Мен сизларга ҳали айтганимча йўқ... Ахир, касалхона бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди-ку,— деди Надежда Сергеевна маъюсланиб.

— Нега энди?

— Ўзингиз кўрдингиз-ку: каравотлар бўш ётибди... давом қилди Малясова.

— Тўғри. Ўзимиз кўрдик... Бўш ётибди,— маъқулади Бибиноур ҳайрон бўлиб.— Лекин биз буни ҳеч ўйламабмиз. Хаёлимизга ҳам келмабди-я.

— Тушунаман,— деди Надежда Сергеевна,— кўриниб турган нарсани йўққа чиқариб бўлмайди. Биронта одам касалхонада ётиб даволанишни истамаяпти. Касаллар кўпу, лекин ётишга тоблари йўқ. Ҳа, эрлари рухсат беришмайди.

— Менда биронта касал йўқлигига ачинаман,— сидқидилдан деди Бибиноур.— Жон-жон деб кўна қолардим... Шу ерда ётиб, дамимни олволган бўлардим-да.

— Эринг-чи?— Ғурур билан сўради мулла Мавлоннинг хотини Рихси.

— Эрим бўлса нима?!— Қалондимоғлик билан деди Бибиноур.— У ҳам менсиз даммини олволарди нафсини тийиб.

Аёллар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди, Тозагул эса хижолат тортиб қизарди, Рихсига таъна қилибми ёки уни мақтабми:

— Сен ўз хулқ-атворинг билан худди синглинг Башоратнинг ўзгинасисан,— деб қўйди.

— Иккимиз ҳам бир отадан туғилганмиз. Болтабойдан. Унинг шаддодлигини ҳамма билади. Отам фақат худо билан шайтондан қўрқса-ку майлийди-я, одамлардан ҳам чўчирди. Туриб-туриб, қандай қилиб дунёга келиб



қолганимизга ҳайрон бўламан. — деди Бибинур дедил.

Ҳаммаси яна кулиб юборди. Бибинур эса, ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмади.

— Мен паранжимни ёндирганим бўлсин, — деди у тўсатдан. Бу гапдан аёллар чеҳрасидаги қувноқликдан бир зумда асар қолмади. — Ёндираман, — яна такрорлади Бибинур. — Гулханга ташлайман. Бозордаги майдонда, — у ҳаммага бирма-бир назар ташлаб чиқди. — Хўш, сизлар-чи?

Аёллар индашмасди.

— Нега индамайсизлар, опажонлар?

— Улар ҳам сен билан бирга бўлишадилар, — аёллар ўрнига Малясова жавоб қилди. — Улар ҳам ёндиришадилар. Гапим тўғрими, сингилларим?

— Тўғри, — деди Тозагул. — Мен ҳозироқ ташлайман... Қизим Башорат ҳам... Бизнинг эркагимиз уста Қурбон ҳозир большавой... Гарчи чурқ этмай юрган бўлса ҳам, бизни ўрмайди, сўкмайди.

— Гапинг тўғри, — кулди Надежда Сергеевна. — Уста Қурбонга кафилман.

— Ундай бўлса, келинлар, ҳаммамиз бараварига... — деди Бибинур.

— Ҳа, шундай бўлсин, бараварига паранжи ташланлар, — маъқуллади Надежда Сергеевна. — Бундан буёқ сафингиз кундан-кунга кўпаяверсин.

## 5

Еркент, Қорасув, Янгисаройдан тортиб, теварак-атрофдаги барча қишлоқларга, Номсиз қўрғонда «Қўшчи» союзи раисиининг уйида аллақандай бир бойвучча хотин меҳмон бўлиб турганмиш, деган овоза тарқалди. Баъзи бировлар, бу аёл фарзандсиз эмиш, шунинг учун Малясованинг касалхонасига ётиб даволанмоқчимиш деса, бошқалар бир-бирларига маънодор қараб қўйишарди-да, эҳтиёткорлик билан ўзаро фикр олишарди.

— Балки шунинг учун эмасдир?

— Нима учун?

— Сабаби бошқа бўлса керак, дейман.

— Хўш? Бўлмаса нима сабаб экан? Гапираверинг, Гапираверинг, писмиқлик қилмасдан, қўшинжон. Сиз ҳамма гапдан хабардорга ўхшайсиз.

- Йўқ, ҳеч нарсадан хабарим йўқ... Ўзим шўнчаки тахмин қилиб айтдим-да...
- Нимани? Нимани тахмин қилиб?
- Наҳотки эшитмаган бўлсангиз? Қишлоғимизга яқин тоғларда Усмон найнов пайдо бўлганмиш...
- Усмон найнов. Қим ўзи?
- Наҳотки билмасангиз? Ҳамма билади-ку.
- Хўш, хўш... Нимани билади?
- Ахир Башорат яқинда ўн еттига тўлади.
- Тўғри, ўша йигит ўлгур... бахти қора казак ўрис... Болтабойни тўғонда ўлдирганда... Бир минг тўққиз юз еттинчи йилда... Агар янглишмаётган бўлсам...
- Йўқ, йўқ... гапингиз тўғри.. Худди ўша йили ёзда мен қизим Қумрихонни туққандим...
- Башоратнинг бўйи шунда қўзичоқнинг бўйидек эди...
- Хуллас калом, Башорат келин бўляпти. Ана энди совчи келяпти. Тўғрими?
- А-а. Гап бу ёғда денг... Ақлингиз анча ерга етади-да, ўргулай Санобар.
- Фақат илтимос, тағин...
- Хотиржам бўлинг, нима деяпсиз мени? Сиз учун жонимни ҳам аямайман...
- Ҳа, йўқ... Мен ўзимни айтаётганим йўқ.
- Хўш? Унда нимадан хавотир оляпсиз?
- Тагин ана ўша Усмон найнов... Ўртамиздаги гаплар қулоғига етиб қолмасин... Нақ калламизни сапчадек узиб ташлайди-я.
- Нега энди?
- Нима?
- Нега бунчалик қўрқасиз-а? Ёки бу гаплар нотўғрими?
- Тўғрилиқка тўғри-я... Нон ҳурмати қасам ичишим мумкин.
- Хўш? Ундай бўлса нега энди?
- Ахир, биласиз-ку, манави Қурбон... У ахир большавой-ку. Шунинг учун у билан Усмон найнов ўртасида жанжал бор.
- Жанжал? Ана холос, бу ёғи қизиқ бўлди-ку! Жанжалнинг боиси нимада?
- Ахир айтяпман-ку... темирчимиз большавой. Совет ҳокимиятининг тарафдори. Фарғоналик Усмон найнов бўлса — босмачи, ўшаларнинг раҳбари. Ўз-ўзидан

кўриниб турибдики, оралари келишмайди. Қурбон ҳеч маҳалда унга Башоратни бермайди.

— Бермасмикан-а?

— Ҳеч қанча пулгаям, қалин молгаям унамайди! Ҳатто осмондаги юлдузни узиб берса ҳам кўнмайди.

— Ёпирай-а!

— Ана шунинг учун ҳам совчи бир оз ушланиб турибди... Умиди борга ўхшайди чамаси. Бунга аллақачон ақлим етган... Совчининг уринишлари беҳуда. Сиздан илтимос, тилингизга эҳтиёт бўлинг-а. Афтидан Усмон найнов, агар келин томон кўнмаса, шарманда бўлмаслик учун ими-жимиди иш битирмоқчига ўхшайди.

— Улибманми оғзимдан гуллаб... Наҳотки, сиз билан мен бўлар-бўлмасга валдирайверсак?

— Бу тўғрику-я... Утган сафар икковимиз шунчаки ҳазиллашиб чақчақлашгандик, холос... Ана ўша гапимиз аллақачон ҳамманинг оғзида.

— Қанақа ҳазил? Қайси гапимиз?

— Утган жума кундаги... Кечки пайтда... Бир пиёла гуруч сўраб келган кунингиз эсингиздами?

— Ҳа, ҳа, нега эсимда бўлмасин... бугун олиб чиқиб бераман. Ҳозироқ... Пиёлага солиб қўювдим-а, келаётган еримда хаёлимдан кўтарилибди.

— Мен уни айтаётганим йўқ. Ушанда сиз менга шма дегандингиз, эсингиздами?

— Нима деган эканман? Эсимда йўқ.

— Эсингизда бор.

— Эсимда йўқ, ўргулай Санобар... сира эсимда йўқ, тасаддуқ.

— Ўша кун келиб, кўнглим қурсин жудаям бўш-да, деб менга ҳасрат қилдингиз... Кейин Зувайда келди. Ҳалиги ношуднинг хотини бор-ку... Мавлонни... Бир кап гуруч топилмайдими деб сўраб қолди... Эримга хўрда қилиб бермоқчийдим, деди... Сиз охириги бир кап гуручнингизни ҳам унга бердингиз... Эҳ, Замира дедим... Бир кап гуруч от билан туя бўлармиди? Менинг кўнглим ўлгур жудаям бўш-да... Бешта боламнинг биттаси ҳам дадасига ўхшамайди, деб кулдим мен. Менга қўшилиб сиз ҳам кулдингиз. Шундан кейин пиёладаги гуручни олиб уйингизга шошилдингиз. Ҳўш, оқибати нима бўлди?

— Билмасам.

— Ҳозир ўша гап ҳаммага ёйплипти, мени мазах қи-

лишяпти. Мен бўлсам, бу гап эримнинг қулогига етиб қолмасин, деб жоним ҳалак.

— Бу гап эрингизнинг қулогига етмайди, чўчиманг, Санобар. Лекин ўша анчайин ҳазил гапингизни ким тарқатдикин-а? Ахир бу гапнинг тепасида икковимиздан бўлак ҳеч ким йўқ эди-ку. Хўш?

— Ундан бўлак ким тарқатарди ахир... ўша тарқатган... анови ойимча...

— Кимни айтяпсиз?

— Зувайдани.

— Бу гапингизда жон бор. Ундан бўлак ҳеч ким бу ишни қилмайди. Ёки бўлмаса... анови қорасоч «қисир бия»... Эти бориб устихонига ёпишиб қолипти-ю... Ҳалиям фарзанд кўрармиканман деб домла ҳам қолмайди, табиб ҳам... Гўё иккови келишиб қўйгандек, нима дебди денг-а: бахтингни сувдан топасан дейишибди... Ҳовузнинг тагига қўлларингни тиқиб титкилайсан. Ошиқ топсанг, ўғил кўрасан, мунчоқ топсанг, қиз кўрасан деб фатво беришибди. Қорасоч эпчиллик қилипти: мачитдаги ҳовуздан ошиқ топиб олипти, Бобохўжанинг хотини эса — кўк мунчоқ. Орадан икки йил ўтипти ҳамки, фарзанддан дарак йўқ. Ана энди Малясова уни касалхонасига ётқизди. Қорасоч: энг олдин безгакдан қутулиб олай, дейди. Қаёқда қутулади дейсиз, қараб туринг, ҳадемай ана шу безгаги уни гўрга тиқади.

— Мен ғалати бир гап эшитдим, қўшнижон...

— Қани... қўрқмасдан гапираверинг...

— Малясова паранжи ёпиниб юрганмиш.

— Нега энди?

— Бунга ҳеч ақлим бовар қилмайди. Билмадим. Лекин ҳаммани қистаб паранжингларни ташланглар, деб юрганидан хабарим бор эди.

— Наҳотки, шундай деган бўлса?

— Нон олиб, қасам ичаман...

— Агар ўзи шундай деб юрган бўлса... Нега энди паранжи ёпинади?

— Ана шунисига ҳайронман-да.

— Ҳм... Дарҳақиқат.

— Нима?

Иккови бир-бирига индамай қараб қолди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас...— деди охири шеригидан кўра сезгирроқ ва билимдонроғи.

— Хўш?

— Усмон найнов Қурбонга совчи юбормаган.

Суҳбатдоши ўзини босиб олиб сўради:

— У бўлса... юбормаган деганингиз нимаси? Нон урсин деб қасам ичдингиз-ку...

— Ҳозир ҳам қасам ичаман...

— Ундай бўлса совчи юборган экан-да?

— Ким?

— Усмон найнов... Уша босмачи...

— Кимни?

— Совчини-да... У юборганми ё йўқми?

— Йўқ... билмадим... Эҳтимол... юборган бўлиши ҳам мумкин...

— Бунга шубҳа қилса бўладими, ўргилай Санобар?

— Албатта йўқ-да... Фақат... Бу ҳам тўғри...

— Нима?

— Малясова ҳозир паранжида юрибди-ку. Хўш, бу ким? Ана шу паранжилик ўша бўлади.

— Ким?

— Совчи-да...

— Совчи... Қанақа совчи? Нега энди?

— Ҳа, йўқ... Икковимиз ҳозир совчи деб гумон қилган хотин Малясова бўлиши керак.

— Тўхтанг... бошимга бир бало бўлди... Нуқул айланиб кетяпти... Уйга кета қолай.. Фақат унутибман... Сизнинг олдингизга нимага келганим ҳам эсимда йўқ...

— Тузга келгандирсиз... Кеча ҳам айтувдингиз...

— Тузга? Йўқ, эрта билан бир кап туз қарз олудим... Зувайдадан. Сиздан гугурт сўрамоқчи бўлиб келувдим... Топиладими? Тандирга шох-шабба қалаб, ўт ёқай деб қарайманки; гугурт йўқ. Кечагина икки қутича турувди... Бугун тополмадим... Ёки битта-яримтага бердиммикин... Қўлим очиқ-да... Балки бекитиб қўйгандирман... Эсимда йўқ...

Икки қўшни энди уй-уйинга кетмоқчи бўлиб туриб, бирдан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Еркентга кетадиган катта йўлдан уларнинг кўчасига кўк духоба паранжили бир аёл бурилди-да, муюлишдан кейинги учинчи эшикнинг ҳалқасидан тақиллата бошлади.

Етти пушти батраклик, чорикорликда ўтган Собиржоннинг ҳаёти худди мулла Мавлоннинг ҳаётини эслатарди. Икковларининг хотинлари ҳам чиройли бўлиб, еттидан болалари бор эди. Фақат мулла Мавлоннинг

хотини Рихси уй-рўзғор ишларидан бўлак ишни билмасди. Бунинг устига, қўшни аёлларнинг гапига қараганда, Рихсида арзимаган бир камчилик бор экан. Лекин бу камчилик эрига ёқаркан. Рихси ўлгудек ялқов бўлса ҳамки, Мавлон ҳеч қачон буни хотинининг юзига солмас, ҳатто болаларнинг мишиқ бурнини ҳам ўзи артиб, ҳовлидаги кичкина гулзорни ҳам ўзи ўт-ўланлардан тозаларди. Айтгандай, гуноҳни яширишнинг нима кераги бор? Фақат мулла Мавлонга эмас, кўпчилик эркакларга ялқовроқ хотин ёқади. Эҳтимол, бу арзимаган камчиликни аёлнинг ҳусн-жамоли, эрига бўлган муҳаббати ювиб кетса керак. Ким билади дейсиз, балки... Лекин Собиржоннинг Гулчеҳраси бундай камчиликдан мутлақо мустасно эди. Бунинг устига, Гулчеҳра шу қадар меҳнатсевар эдики, азбаройи чарчаганидан кечга яқин бутунлай тинка-мадори қуриб қоларди. Фақат болаларга қарашу, уй-рўзғор ишларининг ўзи бўлганда-ку, буначалик ҳориб-чарчамасди-я. Булардан ташқари у атлас, сатин, чит кўрпаларга пахта, туя жуни, ғоз ва ўрдак патлари солиб қавирди. Бу ишларни шунақанги берилиб қилардики, иш устида ҳатто бошқа нарсаларни бутунлай унутиб юборарди. Ҳар донм эри Собиржон, бойнинг ерида кечгача ишлаб, елкасида кетмон ва белига ўроқ қистириб қайтганида, хотини кўрпа қавиб ўтирган пайтда устига келарди. Буксртмачиларнинг ниҳоятда кўплигидан Гулчеҳра тиним билмасди. Баҳорда, бир оз иши камайган пайтларда бошқа ишга ёпишарди. Гулчеҳра кўрпа қавишдан ташқари аёллар киядиган қимматбаҳо ироқи дўппи ҳамда духоба ва зарвароқ нимчалар тикишга жуда чевар эди. Лекин бу меҳнат унга сира оғирлик қилмас, аксинча, кўнгли қувониб ором оларди. Одамлар уни, чиндан ҳам қўлингиз гул-да, деб мақташарди. Гулчеҳра бу мақтовларга унчалик ишонмаса-да, лекин бахтли эди.

Ҳовлига бегона аёл кириб келганини кўриб, Гулчеҳра ажабланмади. Чунки, ёз ўтиб қолди, ҳадемай кўрпа керак бўлади деган ҳаракатда шошилиб, айвонда биронинг кўрпасини қавиётган эди.

Шунинг учун бу нотаниш меҳмонни айвонга таклиф қилиб, қавиётган кўрпаси ёнига ўтқазди-да, дастурхон ёзиб, зогара нон қўйгач, чойга уннади. Шарқда ота-боболардан қолган яхши одатга кўра, хоҳ бой, хоҳ камбағал эшикдан кириб келса, уй эгаси албатта дастурхон

ёзиши шарт. Аммо иккови ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгандан кейин ҳам меҳмон юзини очмаганлиги Гулчеҳрага эриш туюлди.

— Келинг, айланай, хизмат? Қавиладиган кўрпангиз бормиди?— сўради Гулчеҳра.

— Мендами? Йўқ. Мен кўпдан бери олдингизга келаман дейману... — дея гап бошлади меҳмон ҳамон чачвонини олмай.

— Бирор ёқдан келганмисиз дейман? Қаердан бўласиз?— яна сўради Гулчеҳра.— Юзингизни очинг, қўрқманг. Уйда эркак киши йўқ.

— Сиз мен танийсиз, сингил. Мен кўпдан бери шу ерда яшайман.

— Кўпдан бери? Ундай бўлса... тушунолмаё қолдим-ку...— Меҳмон икки қўли билан чачвонини шартта очиб ташлади. Гулчеҳра кўриб ҳайрон қолди. Кейин ранги оқариб деди: — Тавба, ақлим бовар қилмайди, Нодира опа... Сиз рус бўлсангиз... Ҳамма сизни яхши билса... Нега энди паранжи ёпиниб келдингиз?

Надежда Сергеевна кулди. Гулчеҳра ҳам кулди-да, деди:

— Ёки бу ҳазилми?

— Аксинча, Гулчеҳра, сира ҳазил эмас.

— Ундай бўлса, нега паранжи ёпиниб келдингиз?

Надежда Сергеевна сопол пиёладаги чойдан бир ҳўплаб дастурхонга қўйди-да, бирпас индамай қолди.

— Аёллар Тошкентда паранжиларини ташлашяпти, ўтга солиб ёндиришяпти,— деди Надежда Сергеевна.

— Эшитдим,— деди секин Гулчеҳра.

— Эшитдим? Кимдан?

— Қўшнилари айтишди. Санобар билан Зувайда. Кейин эрим ҳам айтди. Бу хунук иш-ку, опажон.

— Нега хунук бўларкан? Жуда яхши қилишган!— кулиб деди Надежда Сергеевна.— Ҳамма энди юзини очиб юради. Қўёшнинг ҳақиқий юзини кўришади.

— Қонун-чи? Эрим-чи?

— Қонун? Ҳозир янги қонун бор, совет қонуни. Бу қонун аёлларга паранжисиз юришга рухсат беради.

— Нималар деяпсиз, Нодира опа?

Гулчеҳра ҳамон унинг гапларига ишонмай, кўзларини катта очиб Малясовага қаради-да, бирданига суюниб кетиб уни қучоқлаб олди.

— Мен ҳам юзимни очаман,— деди Гулчеҳра. Фақат... Собиржонингиз нима деркинлар?

— Эрингиз жуда яхши одам. Сизни севади, тушунди, албатта. Паранжи ташлаётган фақат сизгина эмас, Ёркенгда жуда кўп аёллар ташлашмоқчи.

— Ким? Замира билан Санобар ҳам ташлармишми?

— Наҳотки сиз ўшалардан ибрат олсангиз? Сиз уларга ибрат бўлишингиз лозим.

— Мен улардан қўрқаман. Тиллари ўлгур ёмон.

— Иккови ҳам ҳозир кўчада турибди. Бирон яхшилик тўғрисида гаплашишяпти, деб ўйлайсизми?

Надежда Сергеевна ўрнидан турди-да, чачвонни юзига туширди.

— Шошманг... Қаерга шошиляпсиз?— бесаранжом-ланиб қолди Гулчеҳра.

— Мен борай энди, Гулчеҳра. Ишингиз бошингиздан ошиб ётибди, сизни ишдан қўйдим.

— Ҳечқиси йўқ. Сизнинг баҳонангизда бир оз дамимни олволдим. Бирпас ўтира туринг, Нодира опа.

— Раҳмат, борай энди.

— Лекин сиз бу ёғини айтмадингиз-ку... Бу ёғи нима бўлади? Қачон бошланади?

— Яқинда, синглим Гулчеҳра, ҳадемай. Катта кўчада ёинки бозорчада гулхан ёқилади. Қимки эркинликда яшашни истаса, паранжисини гулханга улоқтираверсин. Гулчеҳра, сиз ҳам танангизга ўйлаб кўринг. Доҳий Ленининг ўзи бунга ижозат берди.

## 6

— Ана шундай, уйма-уй ташвиқот қилиб юрибман, Башорат. Ленин тўғрисида,— деди Надежда Сергеевна бозордан ўтиб янги амбулаторияга киришар экан.— Гулчеҳраникидан чиқиб Соли беданабознинг хотини олдига кирдим. Уни танимайдиган одам борми? Ҳар доим у ё чойхонада, ёки бозорда бўлади. Қачон қарасанг, қора чопон кийиб, енгига бедана, белбоғига ошиқ қистириб юради. Утакетган қиморбоз. Бедана уриштириш билан ошиқ ўйнашга муккаси билан кетган. Шундан бўлак дарди-фикри йўқ. Қимордан ютгудек бўлса, чойхонада ошхўрлик қилади, борди-ю ютқизса, уйга келиб бутун аламинни хотинидан олади. Соли беданабознинг ҳозирги хотини учинчиси бўлади. Биринчиси ҳам, иккинчиси



ҳам кайтак зарбидан ўлиб кетди. Энди ҳозиргиси — Ҳабиба ҳам... маррасига тақалиб қолди шўрлик. Бу хотинини Сайрамдан олиб келганда эшикдан киргавишмай, девордан ошиб тушишга мажбур қилишган экан. Буни Соли беданабозга Бобоҳўжа табиб ўргатишти: икки хотининг ўлган, учинчиси биринчи марта эшикдан эмас, девордан ошиб ҳовлига кириши керак, чунки кўча эшикда жин-ажиналар бор депти. Иккала хотинингни шулар ўлдирган, депти... Каттакон жин Соли беданабознинг ўзи экан. Шунинг учун ҳам Ҳабиба ундан қўрқиб, паранжи ташлашга журъат қилолмайди-да. Кейин мен Мўмин, Содиқ, Ниёзнинг хотинлари олдига кирдим... Ҳаммалари Абдулхай бўлиснинг илгариги батраклари...

— Нодира опа, нимага журъат қилиш керак?— гапни бўлди Башорат.

— Паранжини итқитиш керак. Ёндириш зарур.

— Шу ишни биринчи бўлиб мен бошлаб берсам, нима дейсиз! Биринчи бўлиб?— Башоратнинг кўзлари ҳам ғазаб, ҳам қувончдан чақнаб кетди.

— Мен сенга худди шуни айтмоқчийдим. Биринчи бўлиб сен ташла, демоқчийдим. Яхшим?

— Яхши, Нодира опа. Қачон ташлай? Ўзингиз айтдингиз-ку, сени кимгадир унаштиришмоқчи деб? Шу гап ростми?

— Рост. Фақат эрга тегининг керак эмас. Сенга Усмон найнов одам қўйяпти.

— Усмон найнов? Ким у ўзи? Қаердан?

Надежда Сергеевна бор гапни рўйи рост айтди-да, кейин қўшиб қўйди:

— Сен қўрқма, ҳамма иш жойида бўлади.

— Йўқ, йўқ, Нодира опа, қўрқмайман, сира қўрқмайман. Аксинча, бу жудаям қизиқ. Бу айни ўзим истаган нарса... Ўзим ҳам шундай бир ғалати иш кўрсатсам, деб орзу қилиб юрувдим... Ишонмасангиз... мана!

Башорат паранжиси ичидан боя сотиб олган эркакча қора папахни олди-да, кафтига уриб силкиди.— Кўрдингизми?

— Кўряпман.

— Хўш?

Надежда Сергеевна ўйланиб қолди.

— Хўш?— сабри чидамай қайта сўради Башорат.— Нега индамай қолдингиз?

— Тезроқ уйингга боришинг керак,— деди Надежда Сергеевна.— Дадаңг ҳам, ойинг ҳам бозорга қочиб кетганингни билишмайди, тўғрими?

— Тўғри, билишмайди.

— Кечга яқин сизларинкига Қўзибой келади. Усмои найновнинг олдидан. Сенинг тўғрингда гаплашади. Шунинг учун сен уйда бўлишинг керак. Мен Худойқул амакига айтаман, сени отига мингаштириб элтиб қўяди. Паранжида сени ким таниб ўтирибди?

— Маъқул. Фақат айтинг-чи... Сиз менн... Ҳеч кимга айтмайсизми?

— Ҳеч қачон, ҳеч қачон, Башорат. Ойингга ҳам, дадангга ҳам айтмайман. Дўстга ҳам, душманга ҳам. Ахир бу ишинг сен учун жуда хавфли-я... Уйлаб кўр-а.

— Менга йигитча кийим жуда ярашади-да. Федор келганида униқини кийиб кўргандим.

— Сенда бор-йўғи фақат битта папах-ку.

— Дадамнинг чопони бор. Афдарма этикларин ҳам бор, сал эскироқ. Йўғ-а... Калиш-маҳси бўлса керак...

У бирпас индамай турди-да, яна бирон гап айтармикин дегандай умидворлик билан Малясовага қаради.

— Сен эсли-хушли қизсан. Қўлингдан ҳар иш келади,— деди қизнинг кўнглини кўтариб Малясова.— Сенинг дилингда иккита порлоқ ҳиссиёт мавжуд — бурч ва муҳаббат. Сени шу икки нарса чорлаяпти. Бу энг гўзал ҳиссиёт, Башорат.

Номсиз кўрғонга ярим чақиримча қолганда Худойқул отни тўхтатди-да:

— Бу ёғига чопқиллаб кетаверасан, туш энди,— деди. Худойқул орқасига ўгирилди-да, қўшиб:— Шошма, мен ёрдамлашиб юборай. Худойқул то шундай дегунча, Башорат аллақачоноқ ерга тушиб олганди. Унинг эпчиллик билан отдан тушганини кўриб Худойқул ҳайрон қолди.— Чаққонлигини қаранг-а, паранжим бор ҳам демайди-я.

— Раҳмат, Худойқул амаки,— деди-да, баланд деворга ўхшаб ўсган қамишзор ёқалаб, чопганча уйига кетди. Башорат ҳовлида бегона от турганини олдин пайқамади; хайрият, ҳеч ким келмабди деган хаёлда хурсанд бўлди. Қора йўрға одатдаги ўз жойида-бурчакдаги бостирмада эди. Демак, дадаси уйда. Қўлидаги папахни тезроқ бирон ерга яшириш керак. Башорат аста қўрғон орқасидаги девор панасига ўтиб, тўхтади-да, қулоқ солди. Юраги

бирдан гурсиллаб ура бошлади: девор орқасида эркак кийининг овози эшитилди.

Башорат ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси келмади-да, бир вақтлар Федорнинг шимини, гимнастёркаси ва қизил юлдуз тақилган шлёмини кийиб, ўз аксини томоша қилган кўл томон югурди.

Қўққисдан қамишзор орасида бир нарса шитирлаб кетди. Башорат таққа тўхтади-да, сўқмоқ бурилган жойдан мўралаб қаради-ю, ола-чипор тўриқ отга кўзи тушди. Башорат нима учун буни от деб ўйлаганини ўзи ҳам билмасди. Кейин эса ҳақиқатан от эканлигини аниқ билди. Отнинг ҳурковчилиги, ўйноқилиги жуда ёқиб қолди: жонивор турган ерида гўё рақсга тушаётгандек, ср тепиниб ўйнарди.

От ҳам унинг чиройли югани-ю, икки чаккасидаги жажжи попуклари ҳам, тўқ қизил духоба ёпиғи ҳам — бари шу қадар антиқа эдики, Башорат азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан тўсатдан миясига: «Шартта шу аргумоққа ирғиб минсаму жўнаб қолсаммикин?»— деган телба фикр келиб, кўз олди туманлашиб кетди. Лекин отга миннишдан олдин эркакча кийиниб олиш керак, қўлидаги папахдан бўлак ҳеч қандай усти бош йўқ. Чопон билан этик эса уйда эди. Тўғри, чопон-ку эшик орқасидаги деворга қоқилган арава миҳда осиглиқ турарди, бироқ этик, гарчи янги бўлмаса-да, ойнасининг сандиғида эди. Бундан ташқари, эркакча шим ва кўйлак ҳам керак. Буларни ҳозир уйдан қандай олиб чиқиш мумкин? Ваъда-чи? Паранжини тўйда ёндираман, деб Малясовага айтган сўзи-чи? Ахир бу сўз — қасам билан баравар-а! Буни бузиш мумкин эмас. Башорат хўрсиниб қўйди.

— Йўқ, мумкин эмас,— деди пичирлаб Башорат ўзига-ўзи ва унга, эркаланиб тумшугини чўзган отга қараб.

— Бирон нарса берсам ейсанми? Нима берсамикин? Лекин ҳеч нарсам йўқ-да. Гапимга тушуняпсанми, йўқми?— Башорат ҳамон пичирлаб от билан гаплашарди. У қамниш баргидан узиб олди-да, отга бера бошлади.

— Ма, ейсанми?.. Ма... ея қол... Нима, ёқмадимми? Хўп, ундай бўлса, мендан ўпкалама, мен кетдим.

Ҳа Қўзибой уларникида ўтирибди. Бу аниқ.

Энди ишқилиб бир гап бўлади.

Ваҳимали. Қизиқ.  
Тайёргарлик кўриш керак, ҳа, ҳозирлик.

## 7

Осиёда, Туркистонда яшаган ҳар бир одам, ҳатто Совет ҳокимияти ўрнатилиши давридаги энг оғир йилларда, босмачиларга ва аксилинқилобчиларга қарши кураш, очарчилик, вайронгарчилик йилларида ҳам, бошқа ерлардаги каби бу ўлкада ҳам тўй-томошалар бўлиб турганини яхши билади.

Аммо шарнатнинг зарарли ақидалари, баъзан фожиа билан тугайдиган аҳмоқона урф-одатлар ва айниқса «қалин пули» деган ярамас расм-русумлар ҳамон сақланиб келарди. Нимасини айтасиз! У вақтда замон жуда оғир эди. Ҳозир ҳам бу ердаги тўйлар илгаригидек ёз охирида ёки эрта кузда айни мевалар фарқ пишган паллада ўтказилиб, тўй дастурхони турли-туман мева-ю ноз-неъматлар билан безатилади.

Қўзибой тўй тайёргарлиги учун куёв тўрадан икки ҳафтага муҳлат олди. Гарчи бунақанги катта тўй-томоша учун бу муҳлат кам бўлса-да, Қўзибой тўйга керакли ҳамма ишни қилиб улгура олди. Олдинига у билан Қурбон ўртасида бир масалада келишмовчилик бўлди: Қурбон тўйни Ёркентда ўтсин, деди. Қўзибой эса, тўй фақат тоғда бўлади, деган куёв боланинг талабини айтди. Қурбон икки кун обдан ўйлагач, охири рози бўлди.

— Хўп, майли. Тоғда бўлса, тоғда-да.

— Албатта, Ёркентда нима бор?! Чанг-чунг, тор жой бўлса. У ёқнинг бағри кенг... Тўйга ҳамма бора-версин, бойлардан тортиб камбағалларгача ҳаммани таклиф қиламиз. Ёркентдан, Қорасувдан, Бордонқўлдан, ҳатто Тошкентдан ҳам келаверсин. Эҳтимол тошкентлик большевиклардан битта-яримтаси келиб қолар, марҳамат, келаверсин, бош устига. Сенинг у ерда таниш большевикларнинг бор-ку ахир... Кузьма Захарич, хотини Маргарита Алексеевна Ягелло. Кузьма Захарични ҳозир ЧК да ишлайди дейишадими. Ишласа нима бўпти?.. Жуда яхши... Биз Совет ҳокимиятига қарши ҳеч нарса қилаётганимиз йўқ. Келишимиз камбағалнинг қизи, сенинг қизинг ахир. Сени ким билмайди?! Куёв ҳам чакки одам эмас. Фарғонада юрганида

шайтон бир оз йўлдан оздириб, сизларга қарши, қизилларга қарши иш тутди-ю, лекин тезда эс-ҳушини йиғиштириб олди. Улардан айниб, биз томонга ўтди. Уша куни қимизга борганингда, Мардонқул полвон деган босмачининг калласи қандай олинганини ўз кўзинг билан кўрдинг. Нима учун ўлдирилганлигини биласанми? Ана шу Мардонқул полвон Тозасой қишлоғидан бўлади. Шу қишлоқда сенинг ўғлинг ётибди... Ҳа-да, Рустамнинг жасади ана шу Тозасойда. Ўғлинг Хуршиднинг уйида безгак тутиб ётганда Мардонқул полвон уни бедапояга сургаб чиққан-да, ўша ерда чавақлаб ташлаган... Усмон эса Мардонқулнинг пайига тушиб, анча вақтгача қувиб юрди... Охири ана шу ерда қўлга туширди. Ўзинг кўрдинг. Унинг қанақа одамлигини ўзинг биласан. Сен ўша куни, ўғлимга қимизга келдим, деганингда мен бу гапни сенга айтмагандим... Сени қара-ю, деб ўйлагандим ўзимча... Ўғли чавақланиб ташланган эди-ку, яна қайси ўғлига қимиз керак бўлдийкин, деб ҳайрон қолгандим. Кейинги сафар келганингда, яна ўғлимга деддинг. Мен қайси ўғлингга эканлигини яхши билардим, лекин индамадим. Чунки, сен ўзинг ичингдаги гапни айтиб ёрилмадинг. Лекин Усмон найнов билан икковимиз сеникида қанақа ўғил меҳмон бўлиб турганини билардик. Фақат... ўзинг индамаганингдан кейин, биз ҳам индамай қўя қолдик. Мана энди ўз ўғлинг ҳақида бор гапни билдинг... Сенинг ўғлинг ўша эди, анови меҳмон эмас... Маллавой... Қанақасига у сенга ўғил бўлсин?!

Тоғда чиндан ҳам тасаввур қилиб бўлмайдиган зўр тўй тараддуди бошланган эди. Гарчи августнинг охирларида водийдаги ўт-ўланлар қовжираб кетган бўлса ҳамки, бу ерда қорли чўққилар атрофи, адирлар ва жарликлар ям-яшил бўлиб кўзни қамаштирарди. Баланд тепа устига тикилган оқ ўтовлар, худди гултож каби ярашганди: биттаси — қоқ ўртада, қолган олти-таси эса унинг атрофига жойлашган эди. Юқоридан қандай кўринишини билиш учун Қўзибой икки ёрдамчиси билан отга миниб, ён томондаги тоққа чиқди ва ўша ердан томоша қилди-да, азбаройи завқланганидан воҳ деб юборди:

— Маржон-ку! Бошқа дўнгла орасида ҳозир бу тепа худди пошшолар, амирлар шаҳнишинига ўхшаб кўринади. Ўтовлар қуёш нурида марвариддек товла-

нади. Олтита ўтов эса марварид қадалган дўлпидек ярашибди,— деди у куёвга.

Пастга эса, шундоққина тепа этагига, каттакон тақага ўхшатиб ярим доира шаклида, қора ва кул ранг кигизлар билан ўралган икки қатор ўтовлар тикилганди. Ҳатто сиртдан қараган ҳар бир одам, бу ўтовларнинг қайсиниси кимга мўлжалланганлигини бемалол айтиб бера оларди. Тепа атрофидаги дўнгларда ва улар орасидаги жарликларда эрта тонгдан қош қорайгунча иш қайнарди: ўчоқ қазилар, қозонлар, мис қумгону тунука патнислар, сопол идиш-товоқлар ташишарди; от, эшак ва туялар устидаги хуржунлардан узуму анжир, pistaю бодом, эртаги анору ёнғоқлар, оппоқ буғдой нону қип-қизил зогора нонлар ортиб келишарди; кўлоби, амири, шакарпалак, бўрнкалла навли қовунлар, хилма-хил тарвузлар эса уюлиб ётарди. Қозон ўрнатилган жарликда қасооблар аллақачон иккита қўй билан олти ойлик тойни сўйиб, терисини шила бошладилар.

— Оҳ-оҳ! — тилларини такиллашарди мазасига ақли етадиганлар. — Той гўштининг мазаси жудаям бошқача бўлади-да... Қани энди шу гўштдан норин қилинса. Озроқ қўй гўшtidан ҳам қўшиб юборилса дейман! А?!

— Албатта қўшамиз.

— Қазичи! Қани энди ана шу биянинг гўшtidан қазичи қилинса!

— Бия деганинг нимаси?! Бу ҳали той-ку!

— Барибир-да. Мана шунақа той билан биянинг гўшти нақ ҳолвадек бўлади-да, оғзингга солсанг эриб кетади. Фақат бизга насиб қилармикин?

— Насиб қилади, хотиржам бўлавер. Бошқаларни билмадим-ку, сен билан мен ҳаммадан олдин мазасини кўрамиз.

— Бу гапинг тўғри. Келин билан куёвга таом тортилгунча, икковимиз бу ерда тўйиб оламиз.

Тоғ шамоли пиёз билан сабзининг ва қўй ёғининг ҳидини олиб келди.

— Шундай оғир пайтда бунақа ноз-неъматларни қардан топиб келишдикини-а, Ҳасан?

— Ҳа! Мен ҳам шуни айтяпман-да. Арпа понга зорман, уйимда бир кап тузим йўқ. Буни қара, ҳамма тишларим лиқиллаб қопти... Бу ерда бўлса... тушингда ҳам буларни кўролмайсан...

— У ахир қорамол савдогари-да.

— Ким?

— Ким бўларди... Қўзибой. У улгуржи молфуруш, чаканалаб ўтирмайди. Ҳозир ҳам... тоғда бекорга юради дейсанми? Манави тоғлар ортида унинг уюр-уюр йил-қилари ўтлаб юргандир...

— Ҳа, гапингга жон бор.

— Бўлмаса шунча нарсани қаердан олади дейсан? Узиям жуда удабурун-да.

Бу суҳбат — сўйилган қўйни ёнғоққа осиб, терисини шилаётган ёркемлик икки қассоб ўртасида давом этарди. Улардан беш қадамча нарида турган томошаталаб кишилар, омади келган бу икки қассобнинг ишига суқтойлик билан тикилишарди. Лекин икковининг гоҳ тўхтаб, гоҳ яна давом этаётган суҳбатига, аралашшига ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Баланд бўйли, жуда ориқ, яланг оёқ, чап қўли олти бармоқли ўспирин бола индамай қассобларга дастёрлик қилмоқда эди.

— Манови еридан ушлаб тур-чи,— деди бир қассоб унга.— У еридан эмас... Манави еридан... Қани... Ана шундай... Бор кучинг билан тортма... Нима деяпман сенга, қулоғинг борми? Бўшроқ ушлаб тур, бўлмаса пичоқ терини чилпиб кетади... Ҳозирги замонда тери пул бўлади... Энди қўйиб юбор...

— Қўзибой бизга терини ола қолинглар, деди. Лекин қандай қилиб иккига тақсим қиламиз, Шерали?— деди қора мўйловли Ҳасан қассоб. Ёши каттароқ шериги эса қўли банд бўлгани учун пичоқни тишлаб унга қараб қўйди. У Ҳасанининг гапига индамай пичоқни оғзидан олди-да, болага:

— Ҳадеб бу ерда ўралашаверма-чи, олти бармоқ. Бориб, битта чойнакда чой дамлаб кел,— деди.

Иккала қассоб қаддини ростлашди-да, атрофга қараб қўйишди. Одамлар гужғон ўйнаб, у ёқдан-бу ёққа танда қуриб, зир югуришарди. Бироқ кўпчилик одам тўйга тайёрланган тепа олдидаги кенг ўтлоқда эди. Шу ерга бундан бир неча кун илгари дунёдаги энг катта циркка ҳам сиғмайдиган жуда баланд дор қурилганди. Бу ерда бўладиган ҳамма томошадан энг қизиғи дор эди. Олдин отаси, кейин ўн икки яшар ўғли лангар ушлаб дорга чиқади. Дорбозлар ўйини кечки пайтга, келин келиб, гулханлар ва машъаллар ёқиладиган пайтга мўлжалланган эди.

Қорға бурканган тоғ чўққисидан қуёш мирзатерак бўйи кўтарилганда ҳамма ёқни карнай-сурнай овози босиб кетди. Бу терак Қорасувдан ўтадиган кўприк ёнида, йўл ёқасида бўлгани учун уни ҳамма биларди. Одамларга жон кириб гивирлаб қолишди. Гангур-гунгур гаплар эшитила бошлади:

— Қўзибой роса уларнинг қорнини тўйгазганга ўхшайди.

— Бўлмасам-чи! Худди шер наъра тортгандек, жонжаҳдлари билан чалишяпти.

— Бизга қачон овқат тортишаркин-а?

— Оқ ўтовдагилар аллақачон кабоб еб, қимиз ичишяпти.

— Гапинг тўғри. Уша томондан иштаҳани қитиқлайдиган ҳид келяпти-да.

— Ҳидлайвер, ҳидига қорнинг тўяди.

Кейин карнайлар жим бўлди, одамлар эса, шовқин-сурон садолари ва дўпир-дўпир туёқ товушлари келаётган тепа ортига қараб чопдилар. Бу товушлар гоҳ узоқлашиб пасайиб қолар, гоҳ яна авжига чиқиб, яқиндан эшитилгандек бўларди. У ерда улоқ бўлаётганга ўхшарди. Демак, ҳали ҳам қорни тўқ одамлар ва улоқчи отлар бор экан-да.

Дор тагидаги ялангликда эса томошаталаб одамлар гир айланиб ўтиришарди. Оломон орасидан бирин-кетин ўйинчилар чиқиб, ўйнай бошлади. Энг олдин ёши каттароқ, пакана бўйли, қотмагина, яланг оёқ бир киши қўллари қарсиллатиб давра айланиб ўйинга тушди. Кейин ундан кўра новчароқ ва ёшроқ, белбоғ ўрнига жун арқон боғлаган иккинчиси ўртага тушиб ўйнади. Булар бордонкўллик батраклар бўлиб, меҳнатчанлиги ва қувноқлиги билан ҳаммага танилган эди. Улар чирманда жўрлигида даврани уч-тўрт марта айланиб чиқишди, бир-бирига тўқнаш келганда имо-ишора ва ғалати ҳаракатлар билан, кўзларида акс этган ташвишли боқиш билан ниманидир ифодалашарди. Уларнинг ҳаракати, юз-кўзларидаги имо-ишоралар асло шод-хуррамлик аломатига ўхшамасди, буни ҳамма пайқаб ўтирарди. Бу ўйин-кулги оч-наҳор кишиларнинг кўнглини ёритмади, аксинча, уларнинг юрагига қўрқув, ваҳима солди. Чирмандачи қанчалик жонини жабборга бериб чалмасин, лекин ўйинга тушадиган талабгор топилмади. Ҳафсала-си пир бўлган одамлар энди уй-уйларига тарқалишмоқ-



чи бўлишганда, бирданига дорбоз пайдо бўлди. Бу машхур дорбоз кечқурун дорга чиқиши керак эди, лекин дорбозликдан ташқари энг мураккаб рақсга ҳам усталлигини намоён қилди. Дорбоз яланг оёқ, эгнида — калта кўйлак-иштон, бошидаги эски дўппи терлайвериш шўри чиқиб кетганидан гуллари билинмай қолганди. Ёши ўттиз бешларда, қотмадан келган, бақувват, келишган йигит эди. Фақат ана шу ҳушбичимлиги, истараси иссиқ ва руҳан тетиклиги уни бошқалардан ажратиб турарди. У ўртага чиқиб, бир зум томошабинларга назар ташлаб, «ассалому алайкум» деди-да, томошабинлардан алиқ жавобини олгач, даврани бир айланиб чиқди ва қарс урди. Шу пайт томошабинлар орасидан дорбознинг ўғли қўлида бир лаган палов билан ям-яшил майдонга чиқди-да, отаси ёнига келди. Лаганга уйиб сузилган, буғи чиқиб турган палов ҳидидан одамлар ҳузур қилди. Ҳамма ҳайратда қолиб, бу ёғи нима бўларкин, деб чурқ этмай қизиқиб кута бошлади. Томошабинлар ичларида, қани энди шу паловни бир айлантириб чиқса-ю, бир чўқимдан олиб, мазасини татиб қолсақ, деётгани юз-кўз ва лабларидан кўриниб турарди. Лекин дорбоз лаганни олиб бошига қўйди-да, чирманда жўрлигида даврани бир неча марта айланиб чиқди. У югуриб кетаётган ерида гоҳ бирдан таққа тўхтаб, гўё лаганни ағдармоқчидек, бошини қаттиқ-қаттиқ силкитар, гоҳ яна қадамини тезлаштирарди. Лаган бошидан тушиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто бир дона гуручи ҳам тўкилмасди. Бирданига дорбоз ақл бовар қилмайдиган ажойиб томоша кўрсата бошлади. У аста олға томон энгашди-да, гавдасини ликиллатиб, лаганни сирғалтириб белига туширди, кейин яна аста-секин қимирлатиб лаганни бошига чиқарди. Ниҳоят, қаддини ростлади-да, лаганни бошидан олди.

Оломон данг қотиб қолди. Дорбоз доирани айланиб қўлидаги паловни томошабинларга тута бошлаганда, кўпчилик ҳали ўзига келмаганди. Бинобарин, оч бўлишига қарамай, қўлини паловга урадиган биронта одам топилмади. Ниҳоят, одамлар шошмасдан, тўкиб-сочмасдан навбатма-навбат бир ошамдан ола бошладилар. Биринчи лагандаги палов тугагач, ўғли иккинчи лаганни олиб келди, дорбоз яна шу қабилда даврани айланиб чиқди.

— Ейверинглар, оғайнилар, бемалол олаверинглар!

Палов мендан, ейиш сизлардан. Хизмат ҳақимга келган бу палов. Бу палов меники. Меҳнатимга топдим,— дерди у. — Мен бир қозон паловга байлашиб, томоша кўрсатишга рози бўлганман. Нима қиламан шунча паловни? Барибир, ота-бола еб тугатолмаймиз.

Томошабинлар учинчи лагани ҳам бўшатишгандан сўнг, дорбоз яна ҳам ғалатиноқ ўйинни бошлади. Бу сафар у найрангбозлик ҳунарини кўрсатди. Бошида — кичкина кўк салла, иккала кафтида биттадан чинни пиёлача. Пиёлада нима борлигини кўрсатиш учун даврани тез айланиб, ҳаммага кўрсатиб чиқди. Пиёланинг бирига сув тўлатилган, иккинчиси бўш эди. Найрангбоз чўнқайиб ўтирди-да, пиёлани ерга қўйди. Орқасида ўғли турарди. Отаси қўлини чўзди, ўғли иккита оқ рўмолчани тутқазди. Найрангбоз шу икки рўмолча билан икки пиёлани ёпиб қўйди. Сўнгра бутун диққат-эътибори билан индамай пиёлаларга тикилиб турди-да, яна ўшандай ҳаракат билан индамай қўлини кўтарди, ўғли унга сурнайга ўхшаш бир таёқча тутқазди. Найрангбоз чўнқайиб олиб, овозини чиқариб, вақтни санай бошлади. Орадани икки минут ўтар-ўтмас кескин ҳаракат билан пиёлалар устидаги рўмолчаларни шартта очиб ташлагач, оломон ҳанг-манг бўлиб бараварига воҳ деб юберди. Сув тўлдирилган пиёла бўм-бўш, иккинчисида эса — тўла палов...

Шундан кейин яна бирон томоша кўрсатилиши номашлум бўлиб қолди, чунки найрангбоз ўз ишини тўхтатган, томошабинларнинг диққат-эътибори бошқа ёқда эди.

Одамлар шоша-пиша баланд тепага қараб югуришди. Ўша томондан ғовур-ғувур овозлар эшитилди. Оломон тепа устига оқ ўтовлар тикилган чўққига кўтарила бошлади. Лекин ўтовлар атрофини одамлар ўраб олгани учун пастдан қаралганда уларни кўриб бўлмасди.

— Нима бўляпти у ерда? Тинчликми?— деб сўрарди одамлар бир-биридан, лекин ҳеч ким жавоб бермасди.

— Менга қара, биродар,— мурожаат қилди ярим соат олдин даврада ўйинга тушган паст бўйли, қувноқ йиғит найрангбозга қараб.— Хўш? Нима бўляпти-а? — Бу бордонкўллик Жавод эди, у негалир ташвишланиб, ҳансираб нафас оларди. Жавод саволига жавоб олмач, диққат билан чўққига қаради. Унинг ёнида, қаердандир, Бибинурнинг эри Қудрат пайдо бўлди.

— Хўш, нима бўляпти ўзи? Нима гап, а?— сўради Жаводдан.

Найрангбоз ҳамон уларнинг ёнида турарди; у ҳам пидамасдан ўша томонга тикилиб, узун арқонни секин-секин қўлига ўрамоқда эди. Унинг ниҳоятда вазмин қарашлари ҳам хотиржам эди.

— Шунча аёл қаёқдан пайдо бўлди-а? Уни қара, Қудрат, қарасанг-чи, ахир!— деди Жавод негадир хавотир бўлиб.

— Кўряпман,— қисқа жавоб қилди Қудрат бурун катаklarини йиритиб нафас оларкан.

— Келинни олиб келишди,— деди найрангбоз бамай-лихотир.

— Келин? Қанақа келин?!

— Башоратми?!— деди иккала оғайни бараварига.

— Башорат... Бибинурнинг синглиси... Қайини синглим...— деди Қудрат ҳаяжонланиб.

Найрангбоз унга секин қараб қўйди.

— Лекин келинни... Башоратни... кечга томон олиб келишлари керак эди...— деди у шошилмасдан.

— Хўш?

— Келин эса... ҳозир келиб қолди... Купша-кундузи келди...

— Узиям жудаям довюррак-да... Ҳеч марсадан тап тортмайди. Олов дейсиз, олов... Мен уни биламан-ку, ахир... Хотинимнинг туғишган синглиси бўлади.

— Нега энди у ерга гулхан ёқишдийкин? Кўряписми? Ана, гулхан ёняпти,— пичирлади Жавод гангиб.— Борди-ю, улар шу ерда...

— Нима?

— Ишқилиб шу ерда бошламасинлар-да...

— Нимани бошламасинлар?..

— Ҳалиги... Ўзинг ҳам биласан-ку!— деди бирдан жаҳл билан Қудрат.— Нега талмовсирайсан? Нега?

— Паранжи ташлашними?

— Ҳа-да!

— Ташласа ташлайверишин... Жин урсин шу паранжини,— деди Жавод.— Фақат бу ерда эмас.

— Ана кўрдингми... Тагин, ҳеч нима билмайман, деб талмовсирайсан, билмасликка олсан нуқул.

— Сизлар ҳам ўша ерга боринглар, бораверинглар,— деди найрангбоз арқонни ўраб бўлгач.— Бу ерда масала таллашиб нима қиласизлар? Хотинларинг у ерда

тақдирини ҳал қилаётган бўлса-ю, сизлар бу ерда ва-лақлашиб ўтирибсизлар-а.

Қудрат билан Жавод унга бир қараб қўйишди-да, тепа томонга югуришди. Улар азбаройи саросимага тушганларидан эс-ҳушларини йўқотиб, одамларни туртиб-итариб, олдинга ўтишганда, Башорат аллақачон юзини очиб, қўлидаги паранжини ловиллаб ёнаётган гулханга ташламоқчи бўлиб турганди.

Оломон тошдай қотиб анқайиб қолганди.

Башорат ҳам индамай турарди. Чурқ этмасди. Шундагина унинг қанчалик соҳибжамол, гўзал эканлигини ҳамма одам кўрди. Юзини очиб, паранжисиз дадил турган аёл ниҳоятда чиройли эди!

Бироқ Башоратга осон эмасди. Узини қўлга олиши ниҳоятда қийин эди, чунки юраги кўксидан сапчиб чиққудай бўлиб, гуп-гуп урар, томоғига бир нарса тиқилгандек, нафаси бўғиларди.

Оломон орасида аллаким йиғлаб юборди, баланд овоз билан унга далда берди:

— Гапир, Башорат! Паранжини гулханга улоқтир!

Овозига қараганда, бақирган аёл кампир бўлиши керак, лекин бошида паранжи борлиги учун ҳеч ким унинг юзини кўролмади.

Башоратнинг юзи яна ҳам ёришиб, гул-гул очилиб кетди. Бир зум кўзларини юмиб, юзини қуёшга тутиб турди-да, кейин оломонга қаради ва паранжисини гулханга улоқтирди.

— Опажонлар!— деди қўнғироқдай овоз билан Башорат қўлларини икки ёққа ёйиб. Сўнгра эркин нафас олди-да, яна қичқирди:

— Опажонларим! Қаранг, қандай яхши. Ҳамма ёқ қандай ёруғ, нурафшон! Нега имиллаб турибсизлар, опажонлар?

Бирдан гулхан атрофига ажали етган даҳшатли қора калхатлар қора қанотларини ёйиб учиб келаверди ва ловуллаб ёнаётган оловга тўлиб шу заҳотнёқ ҳалок бўлаверди.

Шу пайт оломон жунбишга келиб, ғовур-ғувур овозлар эшитилди. Биринчи қаторда турган новча Қудрат бир сакради-да, пакана Жаводнинг орқасига биқиниб олди.

— Нима қиляпсан?— сўради Жавод.— Нега энди хўрозга ўхшаб бошингни пинжимга тиқяпсан?

— Кўряпсанми? Хотиним Бибинур ҳам Башоратдан кейин биринчи бўлиб шайланиб турипти...

— Бе...кўзинг яхши кўрмас экан... Биринчи бўлиб турган менинг хотиним,— деди Жавод.

— Сеникими?

— Албатта-да... Узим кўрдим-ку. Нима қиласан яшириниб? Бемалол қарайвер.

— Бу ахир даҳшат-ку.

— Сен учун даҳшат. Уларга-чи? Қара, жудаям кўп, тумонат хотин-халаж йиғилипти... Бир, икки, уч, тўрт... Санаган билан ҳисобига етиб бўлмайди.

— Мана сенга тўй-ю, мана сенга томоша! Бу ёғи неча пулдан тушаркин?

— Куёв тўра бу ерда йўқ, — деди найрангбоз. У яна уларнинг ёнига келиб турганди. Афтидан, бу икки йигит унга ёқиб қолганди шекилли.

— Нега энди куёв йўқ бўларкан?

— Йўқ, дегандан кейин йўқ-да. Ҳалл улоқдан қайтишгани йўқ. Ҳамма қайтиб келди, лекин еттигача одам қайтгани йўқ.

— Қаерда қолдйкин улар? Куёв қаёқда юрипти-а?

— Хўп, бас қил энди. Ановининг гапига қулоқ сол.

— Меҳрибон опажонлар!— овозини жаранглатиб гапирарди Башорат.— Қаранглар, олам қанчалик ёруғ! Атрофинг қанчалик гўзал. Қани энди ташланглар паранжиларингни... Еппасига ташланглар. Бунинг учун ҳеч ким сизларни ўлдирмайди. Ҳеч ким сизларга таъна-маломат қилмайди. Ҳеч кимдан қўрқадиган жойимиз йўқ. Уялмасдан очиқ юз билан юришимиз лозим, опажонлар. Ярамас одамларнинг гапига қулоқ солманглар! Ҳаммаси ёлгон, бўҳтон. Улар бизни асрлар давомида лақиллатиб келдилар. Бутун борлиқни, жамики гўзал нарсаларни бизга кўзимиздан яшириб, зимистон қилишган. Ҳаттоки куёш нурини ҳам чачвон билан тўсиб қўйдилар. Қуёшдан, унинг нуридан бебаҳра қилдилар. Ахир, шу ҳам адолатми-а? Совет ҳокимияти эса, бу адолатсизлик деди. У бизга паранжи ташлаш учун ижозат берди. Ленин ижозат берди. Эшитяпсизларми, опажонлар? Ленин!

— Эҳтиёт бўл, Башорат,— бақирди биров тусатдан.— Қайлигинг тоққа кетди. Лекин бемалол гапларингни эшитяпти. Барибир сени топмай қўймайди.

— Мен ундан заррача қўрқмайман Ингит бўлсанг

ўзинга... сендан ҳам қўрқиб бўпман. Қаердан туриб жар соляпсан?! Қани, мард бўлсанг, бу ёққа чиқ!

Бироқ жавоб бўлмади. Фақат одамларнинг пиқирлаб кулгани-ю, баъзи бировларнинг қичқиргани эшитилди, холос.

Башоратнинг гаплари ҳам, унинг атрофида турган паранжи-чачвонсиз аёллар ҳам оломонни ҳайратда қолдириб, сеҳрлаб қўйган эди, гўё бу ерда нималар бўлаётганини ҳали ҳам ҳеч ким тушунмагандек, ҳаммалари ҳам тезроқ тушунишга интиларди.

— Менинг тўйим учун бу ерда ниманки тайёрланган бўлса, ҳаммасини баравар тақсимлаймиз. Барча камбағалларга баб-баравар. Гуруч, гўшт, қовун-тарвуз, хуллас, нимаики бўлса, ҳаммасини баравар тақсимлаймиз. Бу ишни аёллар бажаради. «Қўшчи» союзининг раиси, яъни дадам шундай дедилар. Қани навбатга туринглар.

## 8

Ана шундагина халойиқ эс-ҳушини йиғиб, кўзлари мошдай очилди. Одамлар енгил тортиб, эркин нафас ола бошладилар.

Ҳамма одам бирдан қимирлаб қолди. Оломон орасида шодийна садолар янгради.

Тўпланганлар тақсимланадиган озиқ-овқатдан тезроқ олиш ҳаракатига тушиб қолишди. Бир томонда Бибинур қўй гўштнинг тортмасдан, киши бошига ярим қадокдан чамалаб улаша бошлади; бу оғир ишда унга ёрдамлашмоқчи бўлган бирталай ҳайбарақаллачи ҳам топилди, лекин Бибинур фақат эри Қудрат билан ҳамқишлоғи Жаводни ёнида қолдирди, холос. Кейин эса, Қурбоннинг буйруғи билан Худойқул ҳам ёрдамга келди. Лекин учовлари ҳам қўл қозуштириб бекор туришарди, чунки гўштни чопишга эҳтиёж қолмаган; қўй гўшти ҳам, от гўшти ҳам ош, кабоб ва норинбоп қилиб чопиб қўйилган эди. Бибинурга эса тайёр гўштни тарқатиш қолганди. У енгини шимариб олган, қўли-қўлига тегмасди, бордон устида уйилиб ётган гўштдан бир бўлакдан оларди-да, навбатда турган эркага аёлларга тарқатар эди. Қўли ҳам мўлжал бўлиб қолганди. Гўшт олганлар гуруч берилаётган томонга, гуруч олганлар эса гўшт олишга шошилишар ва йўл-йўлакай бир-бирларига ҳазил-мутойиба гап отишарди, баъзилар эса бир зум тўх-

таб, келин ҳақида, фавқулодда тўй ҳақида фисқ-фасод гап қўзғашарди. Бир-бирига ҳеч нима демаса ҳам, тагдор қилиб кўз уриштириб елка қисувчи баъзи бировлар ҳам йўқ эмасди. Қурбон, Неделька, мулла Мавлон, «Қўшчи» союзидан яна бешта батрак ҳамда Надежда Сергеевна Малясова айланиб юришар, навбатда тартиб сақланишини назорат қилишар ва кераксиз нарсалар хусусида гап сотувчиларга танбеҳ беришарди. Улар гуруч тарқатаётган Тозагулнинг олдига икки-уч марта келиб кетишди. Тозагул эса кичкина сопол пиёлада қопдаги гуручдан олиб, эркакларнинг белбоғига ёки яхтаги этагига соларди. Айримлар белбоғини гуруч билан қўшиб белига боғлаб олишарди. Паранжисини ташлаган аёллар эса бошларидаги рўмолга ёки бошқа нарсага тугиб қўйишарди, паранжиликлари — паранжи этагини туттишарди. Палов, норин ва бошқа овқатларни пиширишга мўлжаллаб қурилган тандир ва учоқлар, томоша бўладиган жойдан анча нарига, икки тепалик ўртасидаги тошлоқ сой ўзанига қурилган эди. Тозагул худди шу ерда гуруч тарқатмоқда эди; лекин бу ер анчагина узоқ ва четроқ бўлгани учун ҳам одамлар уни қидириб топгунча атрофни бир-икки айланиб чиқишарди. Ҳаммадан ҳам Башорат билан Зувайданинг иши зўр бўлди; улар олма, узум, анор, қовун-тарвузларни чаққонлик билан тарқатиб, бошқаларга қараганда ўз вазифаларини тезроқ бажаришди.

Қуёш уфққа ёнбошлади, одамлар ҳам борган сайин сийраклаша бошлади. Кўпчилик одам қоронғи тушмасдан тезроқ уйга етиб олиш ҳаракатига тушиб қолди.

Қурбон, Малясова ва Худойқул учови бирга баланд тепадаги оқ ўтовга кириб боришганда Қўзибой ёлғиз ўзи қимизга самогон қўшиб ичиб ўтирганди. Қўзибой қовоғини солиб уларга қараб қўйди-да, ўрнидан қимирламай, чинни косада Қурбонга қимиз узатди. Қурбон унга синчиклаб қаради. Икковининг кўзлари тўқнашди. Қўзибой косани ерга қўймасдан Қурбонга узоқ тикилганидан қўли толиқди шекилли, қўли қалтираб косадаги қимиз чайқалиб кетиб, намагга тўкила бошлади.

— Ич,— деди Қўзибой.

Қурбон унинг қалтираган қўлига кўз қирини ташлаб, бош чайқадди.

— Раҳмат, Қўзибой. Ичмайман,— деди хотиржамлик билан.

— Сенга раҳмат,— деди Қўзибой қўлидаги косасини наmatга қўяр экан.— Утир, гаплашамиз.

— Утиришга вақтим ҳам, гаплашадиган гапим ҳам йўқ, Қўзибой.

— Бу гапинг тўғри. Ҳаммаси равшан,— деди Қўзибой.— Лекин мен билмабман... Энди билдим қанақа одамлигингни... Кўнглингда ғаразинг бор экан-да.

— Ҳеч қандай ғаразим йўқ,— кескин жавоб қилди Қурбон.— Хўш... наҳотки мени, ўз қизини каллакесар босмачига беради, деб ўйловдингми?

— Нега уни босмачи дейсан? У ҳам энди совет киши. Сенга айтган эдим-ку.

— Қани у? Қаерга қочди?

— Шарманда бўлишдан қочди, нима қилсин ахир!

Ўтовга тезда қоронғи тушди, Қўзибой билан гаплашадиган гап ҳам қолмади. Қурбон ҳамроҳлари билан ташқарига чиқди. Пастда, қорайган ўтовлар орқасидаги кенг майдонда катта гулхан ловиллаб ёнарди. Ғирашира қоронғидаги қизғиш аланга шуъласида, гулхан атрофида ўтирган одамларнинг юзлари ҳам қизғиш бўлиб кўринарди.

— У ерда тағин нима бўляпти?— сўради Қурбон.

— Эшитмаяпсанми?— жавоб қилди Худойқул.—

Ўйин-кулги ишқибозлари хурсандчилик қилишяпти. Майли, қўявер, халақит берма.

— Энди ҳамма ўша ерга йиғилган бўлса керак,— деди Надежда Сергеевна.— Башорат ҳам, Тозагул ҳам... Юринглар, ўша ерга борамиз.

Чиндан ҳам гулхан атрофига ўйин-кулги ишқибозлари — округда энг камбағал ва энг қувноқ кишилар: ерсувсиз, уй-жойсиз батрақлар йиғилишган эди. Кўпларининг ёши анчага бориб қолган, лекин қашшоқликдан уйланомай, бўйдоқликда умр кечиришарди. Айтгандай, баъзилар «Қўшчи» союзидан ер олганди, бироқ, на омочи, на ҳўкизи ва на ўз уйи бўлмагач, нима қилишни билмай, бошлари қотиб, гаранг эди. Қуруқ кетмон билан нима ҳам қилиб бўларди дейсиз? Эҳтимол, айримлари уй-жой қилишни, қўрғон атрофини девор билан ўраб, уйланишни орзу қилиб, кўнгилга тугиб қўйишгандир. Лекин то уй-рўзғорни эпақага келтургунича сени ким боқади? Худо берса ердан ҳосил оласан, бермаса-чи? Уйланиш ҳам осон эмас, қалин пулини қаердан оласан? Ана шв боисдан ҳам бундай кишилар қанчалик урин-



масин, барибир, боши берк кўчага кириб қолгандай, мияси гангиб рўёбга чиқолмасди. Гарчи Совет ҳокимияти ўрнатилганига уч йил бўлиб, ерсиз деҳқонлар манфаати учун кўпгина қонунлар чиққан бўлса-да, ҳамма ишни бирданига буриб юбориш, янги йўлга солиш ҳозирча қийин эди. Қанчалик қийинлигини ҳамма кўриб турар ва биларди. Лекин ҳеч ким илгаригидек умидсизланмасди, аксинча, ҳозир ҳамма Қурбон Аҳмедовга ўхшаган одамларга ишонарди. У оломонга қараб:

— Нима бало, кўзларинг кўр бўлганми? Совет ҳокимияти сизларни ўз паноҳига олганлигини кўрмаяпсизми? Абдулхайнинг ерини олинглар. Тешабойникини ҳам олаверинглар... Эндиликда бойлар ери йўқ. Жамики ерсув энди сизларники. Хўш... Биз ўз ҳуқуқимизга эга бўлдикми? Эга бўлдик. Ҳадемай кўп нарсага, жамики орзуларимизга эришамиз. Фақат сабр қилинглар,— дерди уста Қурбон.

Мана, бугунги тўй қандай яхши ўтди! Ахир бу иш шу ерлик камбағал ва батрақларнинг галабаси эмасми?! Бугунги кун — уларга қанчадан-қанча янги куч, ишонч ва умид бахш этди. Бу тўй, ана шу довюрак Башорат туфайли ҳақиқий байрамга айланди. Бунга севинмай, ўйнаб-кулмай бўладими ахир!

Қурбон ҳамроҳлари билан гулхан олдига келишганда Башорат билан Тозагулдан бўлак ҳамма шу ерда эди. Бибинур гулхан шуъласида гул-гул ёниб ўйинга тушар, атрофдагилар эса чилдирма овозига бир маромда чапак чалишарди. Қудрат энг олдинга ўтиб олганди... Фахрифтихор билан хотинига завқланиб тикилар, ундан кўзини узолмасди. Бибинурнинг ўйин тушишини, эрининг завқ-шавқ билан унга тикилишини, одамлар бараварига чапак чалишини кўриб, Қурбон хурсанд бўлиб кетди. Бироқ ана шу шодлик ҳисси билан бирга, юрагида ноаниқ хавотирлик пайдо бўлди: даврага кўз югуртириб қанчалик қидирмасин, Башорат ҳам, Тозагул ҳам бу ерда йўқ эди.

— Синглим,— деди Қурбон хириллаган овозда Малясовага томоғи қақраганини аранг босиб.— Хотиним билан қизим кўринмайди-ку, а?

— Ҳа-я...— деди Надежда Сергеевна секин.— Улар чиндан ҳам бу ерда йўқ-ку! Бу ёққа юринг... Сой томонга борайлик-чи...

— Ҳожати йўқ, сиз қолинг... Мен ўзим...— Қурбон

уни тўхтатди.— Сиз Худойқул билан шу ерда тура туринг. Агар келиб қолишса, ёнингиздан жилдирманг. Мен... фазиллаб бориб келаман... қоронги тушиб қолди...

Тозагул қоп тагида қолган гуручга охирги марта энгашиб пиёла ботирганда деярли қоронги тушган эди. У ҳадеб қопга энгашаверганидан, бунинг устига, одамларнинг шовқин-суронидан ниҳоятда чарчаганди. Фақат сўнгги дамда шовқин-сурон тўсатдан босилганидан кейингина эркин нафас олганди. Гуруч олмаган учта паранжилик аёл қолганди, холос. Лекин улар бошқалар сингари жанжаллашмасди, ўша «Қўшчи» союзининг раиси эринга бориб айт, уч пиёла гуручни қаердан бўлса ҳам топиб берсин, демасдан, қўлларини паранжилари ичига яшириб, чурқ этмай туришарди.

— Худога шукур... Қутулдим шекилли-е...— деди Тозагул.— Бир амаллаб сизларга уч пиёла гуруч эплаб берсам бўлгани... И-е, бир пиёла ҳам чиқмайдиганга ўхшайди-ку. Ҳечқиси йўқ, хафа бўлманглар. Нега энди хафа бўларкансизлар? Узимга бир кап ҳам гуруч олиб қолганим йўқ. Мана... кўринглар.— Тозагул бўш қопни қоқиб, энди қаддини ростламоқчи бўлган эди, тўсатдан кимдир бақувват қўллари билан бўш қопни унинг оғзи ва юзига маҳкам босиб, ерга йиқитди, қўлларини орқасига қайриб боғлади. Тозагул қичқирмоқчи бўлди, бироқ номаълум киши кафти билан унинг оғзини маҳкам босиб турганидан овози чиқмади. Аллаким уни ердан даст кўтариб олди ва отга ўнгарди-да, отни елдириб кетди.

Тозагул ҳушига келгач, ерда ётганини билди; атрофида ҳеч ким йўқ эди. У зўр-базўр қимирлади-да, қўлини чўзиб, сочини ушлаб кўрди. Қўллари ҳозиргина ечиб қўйилган эди. Бошмини ердан кўтариб, иккала қўли билан шоша-пиша бошини силади. Бирданига қалтираб-титраб кетди, жон ҳолатда пешанасидан бўйнигача бир неча бор силаб кўрди, сочини тутамламоқчи бўлди. Лекин бармоқлари қирқилган калта сочларига тегарди, холос.

— Эҳ, худо... Вой худойим-е...— қаттиқ инграб юборди.— Мени қандай кўйга солиб қўйдилар-а? Вой худойим!...

Аёл киши учун сочи қирқилишдан ортиқроқ шармандалик йўқ. Тозагулни таҳқирлаш учун душманлар атайлаб шундай қилган эдилар. Тозагул даҳшатли онларни элас-элас кўз олдига келтириб, аранг эслай бошлади: от елдай учиб борарди, у эса, юзи ерга қаратилиб эгарга ўнгарилганди, лекин жони оғриганини ҳам, қаттиқ силкинганини ҳам сезмасди, фақат: «Қурбон... Қурбон... Энди булар мени нима қилишади? Қаерга олиб кетишяпти?» дерди холос. Уни олиб қочган ваҳший эса тизгин ушлаган қўлини унинг белига қўйди, шунда бу жирканч қўлнинг тафтани, эғнидаги юпқа чит қўйлаги остидан бадани сезиб, жунжикиб кетди. Иккинчи қўли эса ҳамон унинг оғзини маҳкам босиб, бўшатмасди. Бирдан у қўлини Тозагулнинг юзидан олди-да, сочининг тагидан сиқимлади. Шу он Тозагул ўткир пичоқнинг тиғи энсаси тагида шир этганини эшитди. Икки марта пичоқ солди-ю, кўз очиб юмгунча сочини қирқди-қўйди. Бу аблаҳ шартга сочини кесиб ташлаётганини Тозагул тушунди-да, жон-жаҳди билан чинқириб, эгарда типирчилай бошлади.

— Ана энди бақиравер, — деган хувук овоз эшитилди. — Истаганингча бўкиравер, — деди-да, сўлақмондай қўллари билан уни тиззасига олиб, энди чалқанчасига ётқизди. Бироқ Тозагул бу ваҳшийнинг нима қилмоқчилигини тушунолмай, ҳамон иккала қўли билан сочсиз энсасини пайласлар ва:

— Қурбон... Қурбон! — деб чинқирарди нуқул.

Ниҳоят энг даҳшатли, энг мудҳиш онни эслади...

У олдин Тозагулнинг кўйлак ёқасини йирта бошлади, кейин сонига тармашди. Тозагул бирдан тушундики, бундай шармандаликдан кўра ўлганг минг чандон афзал, бундан кўра, сочини қирққан ўша пичоғи билан бўғизлаб ташлагани яхши... Бироқ ҳозир аблаҳнинг қўлида пичоқ йўқлигини кўриб афсусланди, бу кунимдан кўра ўлдириб қўя қолса — минг марта яхши эди, деб ўйлади ўзича. Тозагул унинг башарасига қарадио дарҳол таниди: бу аблаҳ Қўзибой эди.

— Ҳали сен шунақанги аблаҳмисан... — деди Тозагул зўрға овозини чиқариб, отда силкинавериб қийналганлигидан. — Қурбонга дўстмисан ҳали... Сатқан дўст кет, — деди-да, жон-жаҳди билан типирчилайвериб, ахирини Қўзибойнинг қўлидан чиқиб кетди.

Тозагул ҳеч қандай оғриқ сезмади, ҳатто от устидан

қандай йиқилиб тушганини ҳам билмай қолди: кўзи тинар, ним қоронғи тунги осмон боши устида чарх уриб айланарди. Ниҳоят ерда ётганини тушунди, унинг панжасидан қутулганига хурсанд бўлди.

Лекин у ҳам отдан тушди. Аввалига отини тўхта-толмай ёнидан чопиб ўтганини Тозагул пайқади. Бироқ кейин қайтиб келди. Шу пайт яна икки отлиқ пайдо бўлди. Қўзибой қоронғилик қаъридан энгашиб, унинг юзига тикилди. Қўзини юмиш, ўзини ўлганликка солиш Тозагулнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Қўзибой кулиб юборди:

— Буни қара, Усмон, Қурбоннинг хотини илгари жудаям чиройли эди-да. Бир пайтлар унга Низомхон — Сариқ Калхат совчи қўйганди.

— Демак, Башорат қочиб қолибди-да?— деди бошқаси.

— Қочди, хўжайин. Менинг олачипор тўриқ отимни миниб, қаёққадир ғойиб бўлди.

— Паранжисини ёндирмай, сенга ташлаб кетмагани чакки бўлибди-да. Унинг ўрнига ўзинг менга хотин бўлиб қўя қолардинг.

— Кетидан қувиб етамиз, ҳеч қаерга қочиб кетолмайди,— деди Қўзибой.

От туёқларининг дўпир-дўпири тинди, гўё ер қаърига кириб кетгандек ҳаммаси ғойиб бўлди. Тозагул аранг ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёғига қаради-да, яна овозини чиқариб нола қилди:

— Э, худо, улар мени нима қилиб қўйишди-а?.. Бу қандай кўргилик? Э, худо!— у гандираклай-гандираклай, боши оққан томонга кетди.

— Қурбон, энди мен нима деган одам бўлдим-а? Шармандаи шармисор бўлган хотинингиз Тозагулга энди нима деркинсиз?.. Тозагуллик нима қолди энди? Наҳотки мен ўша Тозагулингиз бўлсам, Қурбон? Сиз мени севасизми? Йўқ, энди ҳеч қачон севмайсиз мени... Шарманда бўлган хотинни... Нега улар мени ўлдириб қўя қолишмади, а? Улар мени, ўз қўли билан эри ўлдирсин деб сизга ташлаб кетишди. Сизга... А-а... йўқ... Яхшиси шуки, мен ўзимни... Майлими, Қурбон?..

Тозагул елкасидан осилиб тушаётган кўйлагини икки қўли билан чангаллаганича чопди.

Тозагул бир зум тўхтади, нимагадир бирдан севиниб кетди.

— Нима бу? Нима учун суюняпман?— Яна ўзига ўзи савол берди. Оёқлари тагидаги тошларни кўриб, қаерда турганини аңлади: Ҳа-а... Бу ахир сой-ку. Уйга қандай етиб олишни энди ўзим биламан.

Бироқ кечаси йўлда қанчалик ҳовлиқиб юурганини ҳам эслаёлмас, дабдала бўлган кўйлагини ҳамон маҳкам ушлаб олиб, кимдандир андиша қилгандек, қоронғи уйда нимани қидираётганини ҳам билмасди. Шошилиш керак. Улар келса, халақит беришади, шунинг учун тезроқ бўлиш керак. Ҳар бир дақиқа ганимат, чунки Қурбон, Башорат, Малаёва келиб қолишлари мумкин. Улар қаердайкин? Балки уни қидириб юришганмикин? Албатта қидиришади-да. Ҳадемай бу ерга келиб қолишади.

Ниҳоят, нима қилиш кераклигига ақли етди шекилли, чопиб уйга кирди-да, қоронғида тимирскилаб сандиқни очди, бисотидаги иккита атлас кўйлагини олиб апил-тапил кийди. Бу кўйлақларни тўйдан бери киймасдан асраб юрганди. Кейин дераза тоқчасида турган шишасиз тунука лампани олиб, горелкасини ерга улоқтирди-да, устидан қўйди. Бироқ унда лампа мой йўқ эди. Уйда кўпдан бери лампа мой йўқлиги ва бу ҳақда эрига бир неча марта айтгани, эри лампани устахонадан тўлдириб келмоқчи бўлиб, Ҳанузгача олиб келмагани Тозагулнинг ёдига тушди.

— Устахонада идишда озроқ бор,— деганди яқинда Қурбон.— Эски-тускичи Убай қўйиб берганди. Шошилишда қўрани тезроқ ўт олдириш учун баъзан керак бўлади.

Шу гап лоп этиб эсига келди-ю, туриш-турмушича устахонага югурди.

— Кечиринг мени, дадаси... Кечиринглар, одамлар...— пичирлади Тозагул, йўл-йўлакай.— Шундай қилсам, виждоним қийналмайди... Шармандалиқни кўтаролмайман... Асло кўтаролмайман, Қурбон... чунки сизнинг кўзингизга қараёлмай... умрим йиғи билан ўтади... Ундан кўра...

## 9

Қурбон эрта тонгда яна зинғиллаб уйига келди. Остонадан ҳатлаб уйига кириши билан худди биров унинг кўкрагилан итараётгандек бўлди. Эрталабки ғира-шира

ёруғда Тозагулнинг кеча қонга бўялган тўқ қизил кўйлаги, лампа ва унинг горелкаси ерда ётарди.

— Тозагул!— деб чақирди у секингина, гўё биров эшитиб қоладигандек, лекин уйда ҳеч ким йўқ эди. Қурбон бир нимани сезгандек юрати. Ҳайаб, устахонаси томон югурди. Тозагул қудуқ олдида бўш пақир ёнида чўзилиб ётарди.

У хотинини ўзи тугилиб ўсган — Номсиз қўрғоннинг энг баланд жойига дафи қилди.

Тозагул ача шу ерда тугилиб, шу ерда яшади, ҳалол меҳнат қилиб, умрининг энг тўзал онларини шу ерда ўтказди ва шу ерда вафот этди. Шу ерда, абадий уйқуда тинч ётсин. Унинг қабри серқатнов катта йўл бўйида ҳаммага кўриниб турсин. Ҳар бир йўловчи бу тепага қарайди ва бу қабрни кўради албатта. Таниганлар — унинг номини тилга олади, танимаганлар — хаёлидан кечиради. Аммо ҳар бир одам Тозагулни энг яхши сўз билан сиздиқидилдан эслайжак...

— Шўрлик аёл... Уткинчилардан битта-яримтаси шундай дейиши мумкин.

— Нима?.. Нега энди шўрлик бўларкан?— эътироз билдиради бошқаси.

— Ҳа, шунақа? Дунёга келиб нима кўрди?! Пешонаси шўр экан бечоранинг. Кўкратига шамол тегмай, дунёдан кўзи очиқ кетди.

— Йўқ,— дейди иккинчиси.— У бадавлат аёл эди, ниҳоятда бадавлат. Умирида қувончли онлари ҳам кўп бўлган. Унинг ҳаёти қалбида акс этган, қалби эса ниҳоятда пок, беғубор эди. Мен уни яхши билардим.

— Гапингиз ўринли. Аёллар назокати чиройига чирой қўшади, деган ҳикматли сўз бор. Тозагул ҳам айна шундай назокатли аёл эди.

Ҳа, Тозагул ажойиб инсон эди. Кичкиналигида унинг қанчалик қувноқлигини, овози қўнғироқдай жаранглашини эслаб кўринг-а... Жажжи қизчанинг қўрғон атрофида чопқиллаб, шамолни кафтларига қамаб у билан бекинмачоқ ўйнагандек югуриб-елганини, ўт-ўлаи устига ағанаб, уларнинг шивир-шивирига қулоқ солганини, сўнгра ўрнидан тура солиб, лолақизғалдоқнинг гулбаргларини териб олиб, бошига сочганини, ёшлик ғурури ила нафаси оғзига тиқилиб кетса ҳамки, болалик ғурури галаба қилиб капалак, ниначи ва тиллақўнғизларни қувлаб ушлагани ва кафтда авайлаб томоша

қилганини, гўё уларнинг тилини тушунадигандек қулоғига тутиб тинглаганини ёки уларга қараб гапирганини, — ана шуларнинг барини кўз олдингизга келтириб, тасаввур қилинг-чи... Ниҳоят, қизча тиллақўнғизни ёки капалакни кафтидан кафтига итқитарди-да, гоҳ қовоқларини уйиб, гоҳ майин овоз билан дерди.

— Қани, учинглар... эркин яшайверинглар... Болалик чоғи тезда ўтди-кетди, янги давр бошланди — ёшлик даври, Қурбон унинг қалбини ром этди. Иккиси қўрғон тепа устида ўтириб, гоҳ кечки шафақни кузатиб, гоҳ субҳидамни қутлаб қанчалан-қанча наъшъали тунларни бирга ўтказишди. Бутун оила — Қурбон, Тозагул, Рустам, Башорат қўрғондан туриб баҳорда турналар карвонини шодиёна кутиб олишарди, кузда эса жанубга қайтаётган турналарни маъюслик билан кузатиб қолишлари қувонч бағишламаган дейсизми. Шундай пайтларда кўпинча Надежда Сергеевна ёнларида бўларди, оиланинг шодлигига шодлик қўшилиб, хонадонларига пур ёғилгандек, ғам-ташвишлари кўтарилгандек туюларди.

Қурбон биларди Тозагул уни қанчалик севишини. У эрини қандай эркалаб, силаб-сийпалаганларини, фақат ёз тунлари ва балки осмондаги юлдузлар кўрган бўлиши мумкин. Йўқ, Қурбон унинг муҳаббати нақадар улканлигини билолмади, тунлар ҳам, осмондаги юлдузлар ҳам унинг юрак ҳарорати нла эркалашларини кўрмади, чунки Тозагул ўз кўнглидагидек эрини эркалашга, юрагидаги гафларини айтишга улгуролмади, муҳаббатининг бир бўлагини ўзи билан қора ерга олиб кетди.

Қурбон Тозагулнинг қабри олдида тиз чўкиб, унинг ҳаёт йўли ва ўлимини фикран ўйларди.

— Сенинг олдингда мен айбдорман, Тозагул... Гулим-юлдузим эдинг, Тозагул. Сени ўлимдан асраб қоллолмадим. Сени унутибман, менинг довжорагим, мағрур гўзалим, унутибман. Нега мени гафлат босиб, сени ўша жин ургур сойда ёлғиз қолдирдим-а?! Нега энди улар сени ўлдиришлари мумкинлиги хаёлимга келмади?! Ахир сени ўшалар жувонмарг қилишди-ку. Ушалар... Борди-ю, агар улар бўлмаганда сен ҳалок бўлмасмидинг! Мен уларни энди топмай қўймайман, Тозагул. Сарик Қалхатни ҳам, Қўзибойни ҳам, Усмон пайновни ҳам топаман. Ҳаммасини топаман. Лекин барибир мен ўзим-

ни асло кечиролмайман. Сўнги йилларда неча марота-  
талаб: «Дадаси, нега энди мени илгаригидек эркалат-  
май қўйдингиз? Наҳотки дийдангиз шунчалар қотиб  
кетган бўлса? Нима, мени энди ёқтирмай қолдингиз-  
ми?»— деб сўрардинг. Шунда мен миқ этмасдим. Нега  
индамасдим-а? Нега? Ахир сени илгаригидан кўра ор-  
тиқроқ севардим-ку, Тозагул. Миямда фақат ўйлар...  
ташвишлар... Сени эса унутибман. Сени эркалашим, меҳ-  
рибон бўлишим лозимлигини билмабман... Сен аёлсан,  
ширин гапимга, эркалашимга муҳтож эдинг. Афсуски,  
сени ҳақиқий ошиқлар каби сева олмадим, тузукроқ  
эркалатолмадим. Ахир, бунинг учун вақт-соати келарди-  
ку! Нега энди бевақт вафот этдинг? Наҳотки сенга таъ-  
на қилиб юзингга солсам? Ҳеч қачон. Сочларинг ҳам  
ўсиб кетарди... Хайр энди, алвидо, Тозагул... Гулим —  
юлдузим. Тозагулим, алвидо...

Қурбон энгашди, Тозагул қабрини сўнги марта ўп-  
ди. Кейин ўрнидан турди-да, аста-аста юриб йўл томон  
кетди.

— Синглим,— деди у Надежда Сергеевнага.— Мен  
энди кетдим. Варламовнинг келишини кутмайман.

— Оқ йўл. Майли, кутмай қўя қолинг. Варламов  
Туркфронт штаби орқали чопардан хат юборибди. Ўз  
бригадаси билан Бухоро остонасида турганлигини хабар  
қилибди.

— Бухоро остонасида?

— Ҳа. Штурмга тайёрланилган бўлишса керак.

— Етиб боролсам яхши бўларди-да.

— Тезроқ ҳаракат қилсангиз, албатта етиб борасиз.  
Тошкентда Туркистон фронти штабига кириб, йўлланма  
олинг.

— Башорат нима бўлади? Унинг қасрдалигини би-  
ласанми?

— Биладан. Эҳтимол, Башорат билан ўша ерда кў-  
ришиб қоларсиз.

Надежда Сергеевна Қурбоннинг тим қора кўзлари-  
га тикиларкан, сўнги кунларда кўзлари янада қорайиб  
кетгандек туюлди, лекин бошига мусибат тушгандан  
бери биринчи мартаба кўзларининг ич-ичида шодлик  
аломати пайдо бўлганини кўрди.

— Узинг-чи, синглим? Қандай қилиб бу ерда ёлғиз  
қоласан?

— Мен энди ёлғиз эмасман, қизим бор, анча-мун-



ча, дўстларим, касалхонам бор. Сиз қайтиб келгунингизча болалар боғчаси ва мактаблар ҳам очилади. Сиз ваъда бердингизу, лекин ваъдангизнинг устидан чиқмадингиз.

Надежда Сергеевна жилмайди.

Қурбон ҳам жилмайди.

Қора тўриқ Қурбоннинг ёнида ҳадеб ер тепинар, юганини шақирлатиб эгасини йўлга шошилтирарди.

Қурбон Надежда Сергеевнага қўлини чўзди.

— Бундан йнгирма йил муқаддам шу ерда учрашганимизда худди шунақа кўришган эдик, эсингиздами?

Қурбон яна жилмайиб:

— Эсимда,— деди.

— Қани, бошингизни бир оз энгаштиринг-чи.

У бошини энгаштирди. Надежда Сергеевна йўл олдидан уни ўз акасидек, уч марта ўпди-да:

— Инсон учун энг жонкуяр кимса — унинг вафодор дўсти. Бошига мусибат тушганда у доимо ёнида бўлади, ҳамдардлик қилади,— деб хайрлашди.

## 10

Надежда Сергеевнанинг Қурбонга айтган гапи: Бухорони штурм қилишга тайёргарлик кўриляпти, деган тахмини тўғри чиқди. 1920 йил ёз охирларида Бухоро амирлиги Туркистондаги аксилинқилобчи кучларнинг маркази бўлиб қолди. Бу ерда, Қизил Армия томонидан Закаспий фронтида тор-мор қилинган инглиз интервентлари, оқ гвардиячи офицерлар, еттисувлик ва ураллик оқ казаклар, турк ва афгон «кўнгиллилар», Хива хонлигининг яксон қилинган армияси, Фарғона водийсидан Кўршермат, Қорақумдан Жунаидхон юборган босмачи тўдалари Бухорода паноҳ топганди. Булардан ташқари, амирнинг қўл остида ўтакетган диндор ва мутассиб мусулмонлардан ташкил топган мунтазам армия бор эди, ҳаммаси қўшилиб, жуда катта ҳарбий куч билан унга қарши турган Туркистон фронти қўшинларини тор-мор қилишни ва Тошкентни босиб олишни кўзда тутганди. Бундан ташқари, Кўршермат билан Жунаидхон ҳал қилувчи дамда ёрдам қиламиз деб қасам ичишганди, шунинг учун амирнинг кўнгли тўқ эди. Совет Туркистони хавф остида қолганди. Ана шуни назарда тутиб, Туркистон фронти қўмондони Михаил Васильевич

Фрунзе ҳамда Реввоенсовет аъзоси Валериан Владимирович Куйбишев Совет Туркистонига амр қўшинларининг ҳужумини қайтариш учун олдиндан бир қалча шошвилиқ чора-тадбирлар кўриб қўйишди. Туркистон фронтига қарашли совет қўшинларининг асосий кучлари Бухоронинг қалъа деворлари ёнига тўпланди. Айни вақтда Бухоро амирлигида қуроли қўзғолонга тайёргарлик кўрилмоқда эди. Қўзғолончиларга ва Қизил Армияга ёрдамлашиш учун Туркистондан Бухорога ҳарбий қисмлар ва кўнгилчилар отрядлари узлуксиз кела бошладди.

1920 йил 28 август Бухоро коммунистлари қўзғалган халқ номидан амир армиясига қарши жанг бошлашни ва Бухоро халқ инқилобининг қўллаб-қувватлашни сўраб, Михаил Васильевич Фрунзегга мурожаат қилдилар. Қўзғалган Бухоро халқига Қизил Армия ёрдамга келади. Уртоқ Фрунзе қуйидаги мазмунда махсус буйруқ берди: «Бухоро атрофидаги бир қанча жойларда революцион ҳаракат бошланди. Хўрланган ва эзилган Бухоро меҳнаткашлари қонхўр амир ва беклар ҳукуматига қарши дадил олишадиган пайти келди. Вужудга келаётган Бухоро Қизил Армияси полклари жонажон халқига ёрдамга отланди. Ишчи-деҳқон Россиясининг қизил полклари улар билан ёнма-ён туриб жанг қилмоқлари лозим. Барча қуроли кучларимизга ҳал қилувчи ушбу соатда Бухоро халқига ёрдам беришларини буюраман.

Командирлар, комиссарлар! Бутун Совет Россияси ҳозир сизлардан умидвор, ўз революцион бурчингизни адо этишингизни кутади».

Эртаси куни 1920 йил 29 август эрта тонгда, Бухоро яқинидаги Қарши чўлига, Когон — Қарши темир йўлининг бир станциясига ҳарбий эшелон келиб тўхтади. Вагонлардан 7-Туркистон ўқчи полки — йигирма тўртинчи Самар-Ульяновск ўқчи дивизиясининг собиқ 208-ўқчи полки аскарлари туша бошладди. Ана шу полк билан бирга охириги икки вагонда Ленин номидаги Туркистон командирлар тайёрлаш курсининг курсантлари ҳам келди. Темир йўлнинг ўнг ва сўл томонида ҳарбий соқчилар қўйилди, чунки махсус Фарғона отлиқ аскарлар бригадасининг 2-отлиқ аскар полкига қарашли полк разведкачилари Бухоро дарвозаси олдида ҳозир жанг қилмоқда ва Қарши беги сувориларининг ҳужумини икки марта қайтаришган эди.

Ҳали кун ёримасдан энг аввал курсантлар вагонларидан тушишди-да, отларини кўтармадан пастга — қумлоқ жойга олиб ўтиб, командани кута бошлашди. Чекиш, қаттиқ гаплашиш, гармонь чалиш ман қилинганди.

— Нима қилиб турибмиз?— деди туркманча қора папах кийган йигит рус тилида чала-чулпа қилиб.— Балки, анови қардошларимизга ёрдамлашиб юборишимиз керакдир?

— Қайси қардошларга?— деди от жиловидан ушлаб турган курсант.

— Полкнимиздаги қизил аскарларга-да. Ахир, улар билан бирга келдик-ку, энди бўлса, бегона одамдай бир чеккада қўл қовуштириб турибмиз,— тушунтирди йигит.

— Бу маъқул гап, ёрдам беришимиз керак,— дея тасдиқлади унинг гапини курсант ва товушини секин чиқариб командирни чақирди:— ўртоқ Богаткин!

— Хўш!

— Бахтиёр менга, еттинчи ўқчи полкка ёрдамлашсакмикан деяпти.

— Юқларини туширишиб юборишгами?

— Ҳа.

— Мен ҳам шуни полк командиридан сўрагандим. Уларда ҳар бир жангчи ўз юкига жавобгар экан. Биз аралашсак чалкаштириб юборишимиз мумкин. Кераги йўқ.

— Ана, эшитдингми, Бахтиёр?

— Эшитдим.

— Эшитган бўлсанг, командани кутиб, индамай жойингда туравер. Қани энди, бир мириқиб чексак. Рухсат йўқда,— деди у ўқингандай бўлиб, лекин шу заҳотиёқ ўзига-ўзи таскин бера бошлади:— Тўғри, чекиш мумкин эмас. Цигарканинг чўғи олисдан кўринади. Махорканинг тутуни ҳам зўр, жуда ёқимли. Қарши беклари дарров сезиб қолади.

— Меникидан чека қол,— илтифот қилди Бахтиёр.— Тутуни ҳам, чўғи ҳам йўқ.

— Носвойинг тилни ўртаб юборадим-да... Қалампирдан ҳам баттар. Кеча бир чекувдим... бай-бай-бай... роса сулакайимни оқизди-да.

— Бахтиёр кулиб қўйди.

— Ҳай, майли, қани бер-чи, чексам чека қолай,— деди курсант.

Бахтиёр белбоғидан кичкина носқовоқ олиб, энди

унга узатганда, чекишга рухсат берилди. Курсант қуво-  
ниб носқовоқни Бахтиёрга қайтариб берди.

— Носинг ўзингга сийлов,— деди ва шоша-пиша от тизгинини букилган тирсаги томон суриб, кафтини бир-бирига ишқаларкан: — Энди маза қилиб чекамиз. Ўзиям Саратовнинг тамакиси,— деб мақтади-да, Богаткин томон ўгирилиб, махорка сўради: — Ўртоқ командир, Саратовникидан бир чекайлик.

— Эҳ, Копейкин, ўзингникини қачон чекиб тугата қолдинг? — деди командир таънаомуз. — Ахир ҳаммага бир стакандан берилди-ку. Мен ҳам шунча олдим.

— Ким билади дейсиз қачон тугата қолганимни,— деди Копейкин ўзини айбейтиб. — Доим ҳаммадан олдин чекиб тамомлайман. Фамилиям ҳам шунга моҳанд... Сизники ҳам жисмингизга ярашиқ — Богаткин, меники эса Копейкин. Мулла мирашир, ҳолига ярашир, деган гапни биров эҳтимол иккимиз тўғримизда тўқигандир,— деб ҳазиллашди-да, алоҳида илтифот билан командирни «сиз-сиз» лаб, аллақандай кул ранг қоғозга унинг тамакисидан ўрай бошлади.

— Агар жангда илғор бўлмаганингда,— деди командир,— тамаки эмас, пўстакнинг жунини олардинг.

— Фаронани сен эсимга солувдингми? — деди Копейкин. — У ердаги ишлар худди болаларнинг қароқчи-қароқчи ўйинига ўхшайди. Бу ерда тамоман бошқача. Хушёр бўл, бу ерда — беклар! — У яна кафтларини ишқаб, Бахтиёр томон юзланди-да, унинг жингала-жингала папахига оғзини яқинроқ олиб бориб сўради:

— Демак, сен жангда бўлмагансан, шундайми?

— Ҳа.

— Қалай, қўрқмайсанми?

— Нимадан?

— Ҳалиги... ўлимдан қўрқмайсанми?

— Йўқ, ўлимдан қўрқмайман. Фақат шарманда бўлишдан қўрқаман,— деди Бахтиёр сидқидилдан иқрор бўлиб. Шунда унинг қоп-қора кўзлари гўё жавоб кутгандек катта очилиб, Копейкинга тикилиб қолди.

— Нима учун? Ўлимданки қўрқмасанг, қанақасига шарманда бўлишинг мумкин? — сўради Копейкин.

— Билмадим. Фақат... шундан қўрқаман, холос. Шарманда бўлишдан.

Копейкин махоркасини узоқ сўриб, тутуничи ичига ютди-да, Бахтиёрга зимдан қараб, кулимсираб сўради:

— Бу гапингни қандай тушуниш керак? Ичим ўтиб кетади деганингми? Ундай бўлса, қўрқоқ экасан-да?

— Йўқ, қўрқоқ эмасман. Қўрқоқ эмасман!— деди Бахтиёр фигони ошиб.— Мен ҳеч қандай ўлимдан қўрқмайман.

— Хўш? Бўлмаса нимадан қўрқасан?

— Шармандаликдан... ўлимдан кўра кўпроқ ана шундан қўрқаман. Уқим хато кетса ёки қиличим... Ёинки тагимдаги от мункиб йиқилса... Ана шундан қўрқаман.

— Э... Ҳалитдан бош қотириб нима қиласан?— деди Копейкин.— Сен фақат битта нарсани билгин: қаршингда душманлар. Сен улардан аламзадасан. Тўғрими? Улар билан бошлаб ҳисоб-китоб қилишим керак, деб ўзинг айтувдинг-ку!

— О-ҳо!... Ҳисоб-китоб қилганда қандоғ!

— Шундай бўлгандан кейин... Бошлаб савалайвер!

— Шундай савалайманки,— деди Бахтиёр ғазаб билан.

— Фақат, манови папах халақит беради сенга... Пахталик чопон тагин... Кун иссиқ, ёниб кетасан... Кел, шу савилларни ечиб ташла, яхшиси битта кўйлақда юрганинг маъқул.

Тонг ёришиб кетди. Копейкин ҳайрон бўлиб Бахтиёрга тикилар, у эса индамай, бир нималарни ўйларди.

Бахтиёр ғалати йигит эди. Скобелев шахрида, Фарғона фронтдан Бухорога жўнатиш учун қисмлар тузилаётган пайтда уни комсомол отрядининг командири Абдулла Набиев бошлаб келганди. Агар комсомоллар бошлиғи, бутун Фарғонага донғи кетган бу жасур йигит уни олиб келмаганда отряддаги курсантлар Бахтиёрни қандай кутиб олишарди,— бу номаълум. Модомки бу йигитни шахсан Абдулла Набиевнинг ўзи олиб келиб, уларнинг вагонига жойлашишни буюрган экан, демак, Бахтиёр Қурбоновдан шубҳаланиш учун ҳеч қандай ўрин қолмаганди. Бахтиёр қаерга бормасин Махсус Фарғона отлич аскар бригадасининг 2-отлич аскар полкида хизмат қилаётган Федор Дружинининг қидирарди. Жасур венгр Миклош Врабец командирлик қилаётган бу шонли полкни ҳамма биларди. Шунингдек, Фёдор Дружинининг ҳам ҳамма танирди. У ҳозир шу полкда отлич разведкачилар командири эди. Федор довурак разведкачи ҳисобланганлиги ҳамда марҳум дўсти Рустам Қурбоновнинг номини қабул қилган рус йигити бўлганлиги учун

ҳам ҳаммага таниш эди. Шу полк ва унинг разведкачилари ҳозир Бухоро оstonасида эди. Шунинг учун Бахтиёр қандай бўлмасин, ана шу полкни топишга, Федорни кўришга ҳаракат қиларди. Сирасини айтганда, Бахтиёр чопони билан туркманча папахини нима учун қизил аскар формасига алмаштыргиси келмаганига ҳамма ҳайрон эди. Унга ҳатто Фарғонада Абдулла Набиев ҳам шуни таклиф қилганди. Кейин Горчаково станциясида ҳарбий эшелон поездга чиқаётганда курсант Копейкин янги қизил аскар формаси олиб келиб, Бахтиёрга берганда ҳам, у киймаганди. Ҳар сафар шундай пайтда унинг чиройли, чўзиқроқ, бугдой ранг юзи қизариб, жаҳли чиқиб кетарди.

— Мен разведкачи бўлишни хоҳлайман. Бу уст-бош разведкага борганда иш беради, тушунапсизми?— деди Бахтиёр.

— Гапингда жон бор,— маъқуллади Копейкин,— сен ҳақсан. Сенга дўстлик қилмоқчийдим, холос. Абдулла Набиевдан ийманган бўлсанг керак, деб ўйлагандим. Ҳозир кўнгиллилар қизил аскар формасини сўрашапти, сен бўлсанг, буни кийгинг йўқ.

— Борди-ю, Федор Дружинин буйруқ берса, унда кияман,— деди Бахтиёр. Шундан кейин бу ҳақда ортиқ гап очинмади. Икки кунлик йўл давомида вагонда бирон марта бошидаги папахини ечмади, аксинча, ҳатто ётаётган вақтида, уйқусида бошидан тушиб кетмасин учун бостириброқ кийиб оларди. Айниқса Бахтиёр қувноқ улфат, ҳақиқатан ўқдан ҳам, қиличдан ҳам, ҳаттоки ўлимдан ҳам кўрқмайдиган довиорак ва ажойиб йигит эди. Ҳамроҳларининг ҳурматини қозонишга яна бир сабаб шу эдики, Дулдул номли олачипор тўриқ отини жонидан ҳам ортиқ кўриб, силаб-сийпаб, эркаларди. Отга бундай меҳр қўйган одамни суворий аскарлар айниқса қадрлашади.

Ҳозир ҳамма жангга шайланган эди, душман кўриниши билан ён томондан баравар ҳужум бошлаш учун жангчилар темир йўлнинг икки томонида тайёр туришарди.

Бир вақтлар темир йўл кўтармасининг нариги ёғидаги вагонлар ортида бир одам от чоптириб келди, кейин бир зум тўхтади-да, кимдандир сўради:

— Мен отлиқ разведкачилар командири бўламан. Мени ким йўқлади?

— Нариги ёқда бир йигит.

Отлиқ яна отини елдириб, эшелон охиридаги вагон-

нинг орқасидан айланиб, темир йўлнинг нариги ёнига ўтди, кейин лип этиб яна бир кўринди ва ниҳоят, Бахтиёр олдига келди.

— Ким мени қидиряпти?— деб сўради,— Сен қидиряпганмидинг, йнгит?

Бахтиёр эса, ранги рўйи оқариб, отличқа тикилганича индамай, қимирламай, қотиб қолди. Папах остида кўзлари тобора каттароқ очилиб, ниҳоят севинчдан чақнаб кетди.

От устидаги разведкачининг ҳам ранги бирдан ўзгарди. Улардан салгина нарида турган Копейкин буни дарҳол сизди: унинг назарида, отлич йнгит ҳам Бахтиёрга ўхшаб юзи чўзилиб, оқариб-бўзариб кетгандек туюлди. У ҳам индамай, Бахтиёрга тикилганича қотиб қолган эди. Ниҳоят, лаблари пирпираб, бир нима деб пичирлади. Аммо йнгитча бирдан тутақиб, қўнғироқдай овоз билан дона-дона қилиб:

— Менинг исмим Бахтиёр,— деди.— Нима, унутдингми, Дружинин? Бахтиёр!

Дружинин бир лаҳзада ўзгарди-қолди: бир олам бахт, шодлик, порлоқ ҳиссиётлар оғушида чехраси бутунлай ёришиб кетди.

— Буни қара-я! Бу сенмисан?

У отдан сакраб тушиб, Бахтиёрни қучоқлади.

— Наҳотки бу сен бўлсанг, а? Тушимми ёки ўнгимми? Гапирсанг-чи ахир, тушимда кўраётганим йўқми сени?

— Йўқ.

— Дружинин! Командир Дружинин!— кимдир бақириб чақирарди.

— Отянгга мин, кетдик! Фақат ортда қолма!— деди Федор буйруқ тарзида, бироқ мулойим овоз билан.

Иккови ёнма-ён от чоптириб кетди. Уларнинг бири қизил аскар гимнастёркасида: белида — камар, икки елкадан оша тушган қайиш тасма, бошида эса—кичкина чарм козирёклик суворича шапка, отлич аскарларнинг иккинчиси эса — қора чопон ва туркманча қора папах кийган бўлса-да, белига камар боғлаб, қилич осган, қад-қомати келишган йнгитча эди. Отлари ёнма-ён, бир текисда баравар учиб борарди, улар эса бир-бирига энгашиб, алланималар хусусида гаплашарди, икковининг ҳам кўнгиллари шод, юраклари гўё чироқ ёқилгандек равшан, мунаввар эди. Полк жангчилари уларга ҳавас билан қараб, кузатиб борншарди.

## Х О Т И М А

Беш кун давом этган узлуксиз жанглардан сўнг, 1920 йил 2 сентябрда Михаил Васильевич Фрунзе қўмондонлигидаги совет қўшинлари, қўзғолон кўтарган халқнинг ҳамда ўзбек кўнгилли отрядларининг ёрдамида Бухорони эгалладилар.

Шу куннёқ, яъни 1920 йил 2 сентябрда ўртоқ Фрунзе Владимир Ильич Ленинга телеграф орқали хабар қилди: «Бугун бухоролик қизил қисмлар билан бизнинг қисмларимиз биргаликда қилинган ҳаракатлар натижасида шиддатли штурмдан кейин Кўҳна Бухоро қалъаси ишғол қилинди. Бухоро қора гуруҳчилари ва жаҳолатнинг сўнгги таянчи ағдарилди. Регистон устида жаҳон революцияси байроғи қилпирай бошлади. Амир қолган қутган одамлари билан қочди...»

Амир, тор-мор қилинган қўшинларини ташлаб, беш юз отлиқ аскар ҳимоясида Шарқий Бухородаги Бойсун шаҳрига қочди. Ярим йил ўтгач, 1921 йил 21 февралга ўтар кечаси чегарадош давлатлардан бирига қочиб ўтди.

Бухорони ишғол қилишда кўпгина командирлар, сиёсий ходимлар ҳамда жангчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Бухоро Революцион Ҳукумати, амир армияларини тор-мор қилишда бевосита раҳбарлиги учун Михаил Васильевич Фрунзени олтин қилич билан мукофотлади.

Шиддатли жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги, жонбозлиги учун юзлаб жасур жангчилар жанговар мукофотлар билан тақдирландилар. Бахтимни қарангки, тақдирланганлар рўйхатидан Федор Дружинин билан



Бахтиёр Қурбоновнинг номларини ҳам топдим. Лекин жасур разведкачи Бахтиёр Қурбонов номи остида Башорат исмли ёшгина қиз жанг қилганини ҳеч ким билмасди.

Уша унутилмас 1920 йил 29 август куни эрталаб, Федор билан Башорат учрашгандан кейин йигирма минут ўтар-ўтмас, Федор хавфли ишга, аслида сапёрларнинг ишини бажаришга жўнади: қалъа деворини Қарши дарвозасига яқинроқ жойдан портлатиши ва қалъага кириш учун йўл очиб бериши керак эди. Ана шу вазифани бажариш учун икки разведкачи билан бирга Федор жўнади. Девор ёнигача отда бориб бўлмасди. Шунинг учун портлатувчи моддалар билан судралиб боришга тўғри келди. Федор ўз отининг тизгинини Бахтиёрга берар экан:

— Ҳечқиси йўқ... Ҳаммаси жойида бўлади,— деди.— Фақат ҳушёр бўл, портлаш юз бериши билан ҳужумга ўтамиз.

Портлаш натижасида кўтарилган чанг-тўзон, тутун тарқамасданоқ Бахтиёр Федорнинг отини етаклаб, унинг ёнига борди.

— Оббо, сен-е!— шодиёна хитоб қилди Федор, ўрнидан туриб чангларини қоқар экан.

Бироқ гаплашишга вақт йўқлигидан Федор яна бир оғиз сўз айтишга ҳам улгуролмади. Отни унинг қўлидан олиб, сакраб минди ва Башорат иккиси от чоптиришиб, ҳаммадан олдин ўпирилган жойдан қалъага киришди.

\* \*

\*

Петр Ильич Варламов, Федор Дружинин билан Бахтиёр олдиниغا Шарқий Бухорода, Ҳисор тоғларида Иброҳимбекка, кейин эса Қорақум саҳроларида Жунаидхонга қарши узоқ вақт жанг олиб бордилар.

Қурбон эса Бухоро революциясидан кейин Фарғонага жўнатишларини илтимос қилди. Унга Тозасой қишлоғида ўғлининг ва у билан ёнма-ён ётган кўр Сирожибдиннинг қабрини кўрсатишди. Қурбон қишлоқда қандай воқеалар рўй берганини аниқ билгандан сўнг кўнгли ғалати бўлиб кетди: бир томондан, унинг ўч олиш нияти усизоқ амалга оширилганини, хоинлар гумдон қилинганини эшитиб суянган бўлса, иккинчи томондан, ўз қўли билан улардан ўч ололмай қолгани унга алам қилди.

Мархум Хуршиднинг бева хотини, биринчи талафотдан кейин Усмон найнов ҳам, Қўзибой ҳам қаёққадир ғойиб бўлганини ва ёз бўйи Тозасойда қораларини кўрсатмаганини Қурбонга сўзлаб берди.

— Бухорода инқилобга тайёргарлик кўриладиганлигини, бир талай қизил аскарлар ўша ёққа ёрдамга жўнаганлигини эшитиб, теварак-атрофда яна Кўршермаг пайдо бўлиб қолди. Бир куни меникига ярим меш қимиз кўтариб кўр Сирожиддин ота кириб келди. Мен билан хайрлашгани атайлаб кирипти. Илгари бирон ёққа кетадиган бўлса, сира бунақа хайрлашмасди, фақат қайтиб келганидан кейин саломлашгани кирарди, холос. Бу сафар рўйирост хайрлашди. «Мен олисга кетаётганим йўқ, — деди менга, — чорраҳадаги чойхонага бораман, энди қайтиб келмасам керак. Усмон найнов пайдо бўлибди, дейишяпти. У ҳозир гузардаги чойхонада эмиш. Олдига бориб, бир қимизхўрлик қилай», — деди.

Сирожиддин чойхонага кириб бориши билан ўтирган босмачилар уни хурсандлик билан кутиб олишди. Доим қовоғидан қор ёғадиган калондимоғ Усмон найнов чолни қучмоқчи бўлиб ўрнидан турди. У чолни ўз ёнига ўтқазиб, сўради:

— Хўш, гапир-чи, қария, қандай янгилıklar бор? Қизиллар кўпми? Сен ҳалиям қадимгидек бутун Фарғона айланиб, бедана овлаб, одамларни сийлаб юрган-дирсан-а?

— Ҳа, сийлаб юрибман, — деди Сирожиддин. — Мен шу ишдан баҳра оламай.

— Ундай бўлса, сайроқисдан эмас, уришқоғидан биттасини Қўзибойга ҳам инъом қил. Қўзибой бедана уриштиришни яхши кўради.

— Мешдаги нима, чол? Қимизмасми? — сўради Қўзибой.

— Қимиз, — деди Сирожиддин.

Қўзибойга жон кирди.

— Нега индамай ўтирибсан? Нима, бизни сийламоқчи эмасмисан?

— Саломатликка ичаверинглар, — деди яна Сирожиддин.

Қўзибой пиёладаги чойни тўқди-да, пиёлани итқитиб, чойхоначини чақирди:

— Ҳой, эшак қуйруқ! Қимизга коса олиб кел дарров!  
Чойхоначи чинни коса олиб келди. Қўзибой мешни

олдига сурди-да, косага қимиз қуйиб, Усмои найповга узатди. У ўтирган еридан қимирламади. Найнов косада чайқалиб, иштаҳа қўзгатган қимизга, сўнг Қўзибойга қаради-да, Сирожиддинга деди:

— Қани, чол, сендан бўлсин.

Сирожиддин Қўзибойнинг қўлидан косани олди-да, бирпас ушлаб турди, кейин чуқур нафас олиб, аста си-мира бошлади. Қимизни ичиб, бўш косани Қўзибойга узатар экан:

— Чўчимасдан ичаверинглар, жуда яхши қимиз,— деди.

— Қани, қуй,— деди Усмои найнов Қўзибойга қа-раб. Ютаққандан баттар энтика-энтика биринчи косани бўшатди-да, яна қуйдирди.

Кейин у бошқаларни ҳам сийлашга рухсат берди. Ўнтача одам қимиз ичди. Орадан йигирма минут ўтгач, қимиз ичганларнинг ҳаммаси тарракдек қотди-қолди. Сирожиддин ота ҳам оламдан ўтган эди.

— Биз уни дафн қилаётганимизда мана бу суратни ёнидан тўпиб олдик,— деди бева хотин Қурбонга сурат-ни узатиб.

Қурбон суратга қаради-ю, кўз олди хиралашиб, юзи-ни кафти билан бекитди. Кейин яна суратга қаради.

Қурбон билан Тозагул шундай суратни Надежда Сер-геевнанинг альбомида бир **печа** марта кўрган ва узоқ тикилиб қолган эдилар. Ўшанда Надежда Сергеевна:

— Мана бу ойим, буниси мен — тиззаларида ўтириб-ман. Қичкиналигимда **олинган сурат** бу,— деганди.

\* \*

\*

Қурбон уйига қайтгач, Надежда Сергеевна билан кў-ришишиб туриб, юраги эзилиб кетди.

Лекин орадан кўп вақт ўтмай, хонадон шодликка тўлди: Федор билан Башорат граждандар урушидан соғ-саломат қайтиб келишди. Кейин Варламов ҳам қайтиб келди.

Ҳаёт карвони ўз йўлида давом этаверди.

*На узбекском языке*

*Удалов Александр Андреевич*

*Любовь остается жить*

*Р о м а н*

*Перевод с издания Издательства литературы и искусства  
им. Гафура Гуляма, Ташкент, 1973*

Редактор *О. Шаропов*  
Рассом *М. Рейх*  
Расмлар редактори *А. Кива*  
Техн. редактор *Н. Жўраева*  
Корректор *Ш. Собирова*

Босмахонага берилди 21/IV-75 й. Босишга рухсат этилади 24/IX-75 й. Форма.  
ти 84X108<sup>1/32</sup> Босма л. 10,75. Шартли босма л. 18,06. Нашр л. 19,02. Тиражи  
60000. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, Навоий  
кўчаси 30. Шартнома № 150 — 73

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб  
савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида  
№ 1 қоғозига босилди. Тошкент. Навоий кўчаси 30, 1975 йил. Заказ № 275.  
Баҳоси 74 т.